4. Проект федерального закона «О генетических ресурсах растений» [Электронный ресурс] – СПб., 2009. – Режим доступа: <http://www.consultant.ru/law/hotdocs/35236.html>.

5. Брежнев, Д.Д., Коровина О.Н. 1981. Дикie сородичи культурных растений флоры СССР – Л.: Колос. 376 с.
6. Смекалова, Т. Н. 2011. Стратегия сохранения генетических ресурсов растений (на примере России и Казахстана) – Современные методы и международный опыт сохранения генофонда дикорастущих растений (на примере диких плодовых). – Алматы. 62-69.
7. Ажиев А.Б. 2016. К изучению видового состава диких сородичей культурных растений Каракалпакстана и Хорезма//Вестник науки и образования. 9(21): 24-28. DOI: 10.20861 /2312-8089-2016-21-001.
8. Брежнев, Д.Д., Коровина О.Н. 1981. Дикie сородичи культурных растений флоры СССР – Л.: Колос. 376 с.
9. Никитин, В.В. 1974. Конспект диких сородичей культурных растений и их распространение на территории СССР / В. В. Никитин, О. Н. Бондаренко. –Л., 69 с.
10. Черепанов С.К. 1995. Сосудистые растения России и сопредельных государств. СПб.: Мир и семья-95, 990 с.

UO`K 597.2/5

**“XORAZM BALIQ” MCHJ DA ZOG`ORA BALIQ YETISHTIRISH VA
KO`PAYTIRISHNING SAMARALI USULLARI**

**S.X. Babadjanova, dotsent, Urganch davlat universiteti, Urganch
K.R. Yo`ldoshev, katta o`qituvchi, Urganch davlat universiteti, Urganch
D.R. Romonov, magistrant, Urganch davlat universiteti, Urganch
H.O'. Jumanazarov, magistrant, Urganch davlat universiteti, Urganch
I.I. Abdullaev, b.f.d., prof., Xorazm Ma'mun akademiyasi, Xiva**

Annotatsiya. Bu maqolada Xorazm viloyati sharoitida zog`ora baliq yetishtirish va ko`paytirishning samarali usullari haqida aniq ma'lumotlar va ilmiy natijalar bayon qilingan. Undan tashqari maqolada nafaqat zog`ora baliq, balki baliq yetishtirishning samarali usullari, naslchilik ishlari, hovuzlarni o`g`itlash, o`simlikxo`r baliqlarning oziq ratsioni hamda baliqchilik xo`jaliklarini tashkil qilish muammolari haqida qimmatli ma'lumotlar berilgan.

Kalit so`zlari: Xorazm baliq MChJ, zooplankton, fitoplanktonlar, ekstradivniy (cho`kmaydigan) korma, omuxta yem, yaylov bo`limi, naslchilik bo`limi, zigota, chavoq o`stirish bo`limi, autoliz, glikoliz.

Аннотация. В этой статье приведены данные на основе точных сведений и научных результатов об эффективных методах разведения и размножения карповой рыбы – сазана. Кроме этого, в статье приводятся сведения об эффективных методах племенных работ для разведения рыб, минерализации бассейнов, питательном рационе травоядных рыб, а также, о проблемах организации рыболовных хозяйств в сфере рыболовства.

Ключевые слова: ООО «Хоразм балик», зоопланктон, фитопланктоны, экстрадивный корм, джайлау, селекционный отдел, зигота, аутолиз, гликолиз.

Абстракт. She article provides accurate information and scientific results on effective methods of breeding and reproduction of carp in Khorezm. In addition, the article is provided valuable information about carp and effective methods of fish breeding fertilizing pooes diet of herbivorous fishes and problems of fishery organization.

Key words: LLC "Khorazm balik", zooplanktons, phytoplankton's, pasture department, breeding department, zygote, paddy growing department, autolysis, glycolysis.

Keyingi yillarda davlatimiz tomonidan baliqchilik sohasini rivojlantirish uchun bir necha qonun va qarorlar qabul qilindi. Aholini turmush tarzini yaxshilash, sifatli go`sht va baliq maxsulotlari bilan ta'minlash maqsadida baliqchilikni rivojlantirish uchun imtiyozli kreditlar ajratilmoqda. Shaxsan prezentimiz SH.M.Mirziyoev Xorazm viloyatiga tashriflarida baliqchilik sohasidagi muammolar haqida gapirib, bu tarmoqni rivojlantirish uchun taklif va tavsiyalar hamda ko`rsatmalar berdilar.

Xorazm viloyatida tabiiy ko`llar va suv havzalari yirik maydonlarni egallaydi. Bu esa baliqchilik sohasini rivojlantirish uchun katta imkoniyat yaratadi. Shundan kelib chiqib viloyatda baliqchilikka ixtisoslashgan fermer xo`jaliklari hamda baliqchilik korxonalari tashkil qilingan. Ana shunday baliqchilik xo`jaliklaridan biri “Xorazm baliq” MChJ dir.

“Xorazm baliq” MChJ ning hozirda yer maydoni 2863 gektar. Chegaralari Yangiariq tumani Kattabog` qishlog`ida joylashgan. Shimol tomondan Xiva tumani Sayot qishlog`i, g`arb tomondan esa Chinobod qishlog`i, sharq tomondan Yangiariq tumani Kattabog` qishlog`i, janub tomondan Chiqirchi qishlog`i bilan chegaradosh hisoblanadi.

Hozirda “Xorazm baliq” MChJ da 3 ta yaylov bo`limi (1458 gektar), 1 ta naslchilik bo`limi (20 gektar) va 1 ta mayda chavoq o`stirish bo`limi (121 gektar) mavjud. Naslchilik bo`limi havzalarida ona baliq saqlanadigan 1 ta hovuz, bitta (ta`mirlash guruhi) to`ldirib turish guruhi saqlanadigan hovuz, 13 ta yozgi-qishgi ona va to`ldirib turish guruhi baliqlari saqlanadigan va yetishtiriladigan hovuzlar bor.

“Xorazm baliq” MChJ da hozirda zog`ora hamda o`simlikxo`r baliqlar, jumladan oq amur, oq do`ngpeshona va chipor do`ngpeshona baliqlari ko`paytirilayapti.

Zog`ara baliq - karpsimonlar ichida go`shtining sifati, to`yimliligi, yog`ning dorivorligi hamda ozuqaviy qiymatining yuqoriligi bilan oldingi o`rinda turadi.

Sistematik sharxi:

Tip. Xordalilar-chordata

Kenja tip. Umurtqalilar-Vertebrata

Bosh skletlilar- Craniata

Bo`lim. Jag`og`izlilar-Gnathostomata

Katta sinf. Baliqlar-Pisces

Sinfi. Suyakli baliqlar-Osteichthyes

Kenja sinf. Shu`la qanotlilar-Actinopterygii

Katta turkum. Suyakdor baliqlar-Teleostei

Turkumi. Karpsimonlar-Cypriniformes

Tur. Zog`ora baliq-Cyprinus carpio L

Tabiiy holda tarqalishi:

Zog`ora baliq yer yuzining deyarli barcha chuchuk suvli ko`llarida, daryolarida, ariqlarda, sholipoyalarda, ba`zan esa daryolarning o`zanlarida yashaydi. Bunday baliqlar chuchuk suvlardagina emas, balki sho`rtob suvli havzalarda va Orol dengizida ham uchraydi [1].

Tashqi ko`rinishi:

Tanasi nisbatan cho`ziq, deyarli hamma yerda uning yuqori tanali shakllari uchraydi. Katta yoshdagi baliqlarning og`zi tanasiga nisbatan past joylashgan. Suzgich qanotlari to`q rangda, dum suzgichlarida esa qizg`ish hollari bo`ladi. Bu baliqlarning rangi tez-tez o`zgarib turadi. Tanasining uzunligi ko`pi bilan 1 metrgacha va massasi esa 15- 16 kg va undan ham ortishi mumkin [1].

Tabiiy oziqlanishi: Zog`ora baliqlar tabiiy holda zooplankton, fitoplanktonlar bilan oziqlanadi.

Yosh baliqlar dastlab zooplanktonlar (shoxlangan mo`ylovli va kurak oyoqli qisqichbaqalar) bilan oziqlanib, keyin esa suv ostida yashaydigan jonivorlar (xironomid lichinkalari, mollyuskalar) bilan oziqlanadi. Voyaga yetganlari iste`mol qiladigan oziqlarning katta qismini chuvalchanglar, hasharotlar va yonboshlab suzgichlarning lichinkalari, suvda o`sadigan o`simliklar tashkil etadi [1].

Su`niy oziqlantirishda (“Xorazm baliq” MChJ da) qo`shimcha ravishda baliqlar uchun mo`ljallangan ozuqaga to`yimli, protein darajasi 20-26% ni tashkil etadigan omixta yem beriladi.

Baliqlarni yeyish uchun fitoplanktonni rivojlantirish kerakligini inobatga olib, suv tarkibidagi fosfor va azot (N-2-2,5mg/l va P-0,3-0,5mg/l) me`yorini saqlab turish uchun laboratoriya analizlariga tayanib, mineral o`g`it (ammofos hamda selitra) lar solib turiladi. Bu suvni gullashi (цветение) ni normal holda ushlab turish kerak. Zog`ora baliqlar suv harorati 28-30°C dan oshgandan keyin kuniga 3 gr dan 10 gr gacha o`sishi mumkin. Baliqlarga ozuqa yem “Xorazm baliq” MChJ da ishlab chiqarila boshlaganiga 3-yil bo`lyapti. Xitoydan keltirilgan ekstraktiv (cho`kmaydigan) yem ishlab chiqarishga mo`ljallangan uskuna yordamida kuniga 2 t omuxta yem chiqarish yo`lga qo`yilgan. Omuxta yemni tarkibida –bug`doy, makka, arpa, soya, masxad, kungaboqar shroti, baliq uni va yog`i, suyak uni, bug`doy kepagi, guruch unog`i va yana bir qancha antibiotik preparatlar qo`shiladi. Bu omuxta yemlar baliqlarga kuniga 2 mahal beriladi, o`rtacha 1 kg vazn olish uchun 5-6,4 kg yem berish kerak. Oyda 2 marta nazorat qilib, baliqlarni o`sish darajasi, kasal baliqlar bor yo`qligi, qancha miqdorda yem berish mumkinligi haqida xulosa chiqariladi. Baliq o`sib- ulg`ayib vazni oshgan sari uni yeydigan ozuqa ratsioni kuchaytirib boriladi.

Bir yillik baliqlarni yaylov bo`limi hovuzlariga tashlanadi. Baliqlarni 10% NaCl, ko`k brilliant (0,15-0,2 ml/l) preparati yordamida ko`pgina mikroblarni oldini olish uchun dezinfeksiya qilinib, baliq tashish uchun mo`ljallangan avtomashinalar tashiladi [3].

Ko`paytirish usullari: Zog`ora uvildiriqlarini aprel oyida suvning temperaturasi 12-15°C ga yetganda suv o`tlari orasiga yoki suv toshgan yerlardagi o`simliklar orasiga ko`pi bilan 1,5 metr chuqurlikka tashlaydi. Har qaysi urg`ochi baliq 1- 2 mln donagacha uvildiriq tashlaydi. Ertalabki soatlarda bunday baliqlar 2-10 tadan guruh bo`lib to`planishib, suv yuzasiga chiqib otilib o`ynaydilar. Kuzatishlarga qaraganda zog`oraning uvildiriq tashlash vaqti bir sutkadan bir oygacha

davom etadi. Ko'pchilik baliqlar esa uvildiriy tashlash joylarida 5-15 kun bo'ladilar. Erkaklari uch yoshida, urg'ochilari esa uch yoki to'rt yoshida jinsiy jihatdan voyaga yetadi.

Zog'ora baliq boshqa karpsimonlar singari jinsiy voyaga yetgunga qadar o'sishdan to'xtamaydi. Lekin adabiyotlardagi ma'lumotlarga qaraganda 2-4 yoshda nisbatan tez o'sadi. Keyinchalik 5 -6 yoshlarda nisbatan sekinlashadi. "Xorazm baliq" MChJ baliqchilik xo'jaligi sharoitida 3 yoshda voyaga yetadi.



"Xorazm baliq" MChJ naslchilik bo'limida baliqlarni sun'iy urchitish sexida lichinka olinadi. Zog'ora baliqlarning 3-5 yoshda, uzunligi 72-80 sm, og'irligi 6-8 kg kattalikdagi zotlar asosan inkubatsion sexda nasl olish uchun ishlatiladi. Xovuz baliqchiligida bahorda ona baliqlar bonitirovka (saralash) qilinadi. Har bir tur baliqdan sog'lomligi, chaqqonligi kuzatilib urg'ochilaridan ikra (uvuldiriq), erkaklaridan sperma berishga tayyor baliqlar saralab olinadi. Zog'ora baliqni erkak va urg'ochisi alohida-alohida hovuz (qishgi-yozgi hovuzlar) larga tashlab inkubatsion sun'iy urchitish davri boshlangunga qadar yaxshilab parvarishlanadi. Baliqlar to'yinib, ikra berishga yaqinlashganda, suvning harorati 22°C dan oshganda sun'iy urchitish boshlanadi. Ona baliqlardan ikra olishda Xitoydan olib kelingan basseynlaridan foydalaniladi. Erkak zog'oralardan sperma (urug' hujayra), urg'ochilaridan esa uvuldiriq (tuxum hujayra) olinadi. Bunda ona baliqlar qorin tomonining boshidan oxiriga qarab ehtiyotlik bilan siqiladi, erkagining suti, urg'ochisining ikra alohida idishlarga (toza tog'ora, lagan) olinadi. Undan keyin sperma va ikra toza idishga solib yumshoq predmet (qush pati) bilan aralastiriladi. Natijada bir necha soat davomida urug' hujayra bilan tuxum xujayra qo'shilib urug'lanish jarayoni sodir bo'lib zigota hosil bo'ladi. Zigotalar baliqlar uchun lichinka chiqaradigan apparat (Amur, IVA-200) ga solinadi. Zigotalar 7-14 kun davomida lichinkalarga aylanadi. Naslchilik bo'limida 6-10-maylarda ish faoliyati boshlanib 40-45 kun davomida lichinkalar olinadi. Chiqqan lichinkalarni mayda chavoq o'stirish bo'limi havzalariga tashlab kech kuzga qadar boqiladi. Ishlatib bo'lingan ona baliqlar yaylov bo'limi hovuzlariga tashlab, boqish davom ettiriladi [4].

Mayda chavoq o'stirish bo'limida lichinkalarni oziqlantirish tartibi.

Mayda chavoq o'stirish bo'limida 12 ta hovuz 121 gektarni tashkil etadi. Bu bo'limda inkubatsiyadan chiqqan lichinka baliqlari boqiladi va kelasi yilga yaylov havzalariga bir yillik baliqlarni yetishtirishga yuboriladi. Bu bir yillik baliqlar 3 ta yaylov hovuzlarida nazorat asosida normativ bo'yicha oziqlantiriladi. Bahorda yaylov bo'limi hovuzlariga bir yillik bo'lgan o'rtacha 10-25 gr keladigan baliqlar tashlanib, kuzgacha yetishtirilib el dasturxoniga tortiq qilinadi.

Lichinka tashlashdan 7-10 kun oldin hovuzga mayda sitokapron yordamida suv qamaladi. Bitta hovuzni 1/4 qismini suv bilan to'ldirish, unda lichinka oziqlanishi uchun mayda zooplankton (siklop, dafniya) vakillari yetarlicha tayyorlanishi kerak, keyinchalik hovuzga lichinka tashlanadi. Hovuz chetiga 1 ga ga 2-10 t atrofida mahalliy go'ng tashlab zooplankton rivojlantirilishi kerak. Ushbu zooplankton hisobiga chavoqlar 20-30 kun oziqlanadi. Kamaygan yoki ko'paytirilishi qiyin bo'lgan paytda 2-3- nav un beriladi. Unniyam 15-20 kun berish mumkin. 1-1,5 oyda tangalari chiqib, baliq 1-2 gr kelib qolgandan keyin bug'doyni mayda kepakka o'xshatib maydalab beriladi, 10-20 kundan keyin bug'doyni yorma qilib yoki maxsus mayda baliqlar uchun mayda o'lchamdagi granula shaklidagi yem, keyinchalik sal kattaroq o'lchamda berib kech kuzgacha boqiladi [2].

Suv haroratining baliqlarga ta'siri. Suvning harorati baliqlarning o'sish va rivojlanishiga ta'sir qilib qolmasdan, balki kasalliklarning paydo bo'lishiga va kechishiga ham ta'sir ko'rsatadi, ya'ni eng past harorat (0,1—0,2°C) bilan birgalikda eng yuqorisi (30°C dan yuqorisi) zog'ora baliqlariga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Suvning past harorati baliqlarga salbiy ta'sir ko'rsatib, periferik qon tomirlarining qisilishiga, nafas olishning susayishiga, ozib ketishiga, modda almashinuvining buzilishi natijasida glikoliz, keyinchalik esa autoliz jarayonining rivojlanishiga hamda asta-sekinlik bilan baliqlarning o'limiga sabab bo'ladi.

Baliqning tana harorati tashqi muhit bilan uzviy bog'liq. Bundan tashqari, baliqning modda almashinuvi, nafas olishi, ovqat hazm qilishi, o'sishi, urchishi, qishlashi, migratsiyasi va boshqa hayot jarayonlarida ham suvning harorati katta rol o'ynaydi [5].

Baliqlarni oziqlantirishda quyidagi asosiy omillarni hisobga olish shart:

-oziqa xom ashyosining seroblighi;

-narxlarining pastligi;

- oziqaviy sifati, shu jumladan, xushta'mliligi va yaxshi hazm qilinishi.

Baliqlarga qanday oziqaviy moddalar kerak? Umuman olganda, baliqlarga boshqa jonzotlarga kerak bo'ladigan oqsillar (proteinlar), yog'lar, uglevodlar, vitaminlar, mineral moddalar zarur.

Agar hovuz polikulturasida tabiiy ozuqa zaxirasi yetarli miqdorda bo'lmasa unda baliqlar qo'shimcha oziqlantiriladi.

Qo'shimcha oziqa uchun ishlatiladigan materiallar:

Qo'shimcha oziqalar baliqlarga ikki xil shaklda yetkazib beriladi:

1. Quruq oziqa: bularga boshqoli o'simliklar doni, kunjara va boshqalar kirib, ularni saqlash va transportirovka qilish qulayroqdir.

2. Ho'l oziqalarga: hayvonlar qoni va boshqa chiqindilari, pivo zavodi chiqindilari va boshqalar kiradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Zoologiya (xordalilar 2- qism) S. Dadayev, Q. Saparov. Toshkent -2011-21-b.
2. Axmedov X.Y., Turgunova U., Saidov Z. Baliq chavoqlarini yetishtirish. CHF"KARRLO"-Toshkent 2006 -33-b.
3. Qurbonov R.B., Xalpayev I.I. O'zbekiston mintaqasidagi intensiv baliq yetishtirish bo'yicha tavsiyalar. Toshkent – 2011y.-20-b.
4. Qurbonov R.B., Ahmedov H.Y. Fermer xo'jaliklarida baliq yetishtirish minihovuzlarini barpo etish bo'yicha tavsiyalar.- Toshkent. 2008y.-60-b.
5. Qo'llanma. Respublika baliqchilik xo'jaligi tabiiy suv havzalarini birlashtirib qo'yish va ulardan foydalanish tartibi to'g'risida. Toshkent, 2008y. -23-b.

UO'K 598.235.2

HAQQUSHNING BUXORO VILOYATIDA UYA BIOLOGIYASIGA DOIR AYRIM MA'LUMOTLAR

Sh.I. Dehqonov, magistr, Samarqand davlat universiteti, Samarqand
S.E. Fundukchiyev, b.f.n., dots., Samarqand davlat universiteti, Samarqand
S.A. Murodov, o'qituvchi, Buxoro davlat universiteti, Buxoro
Sh.D. Bekov, talaba, Buxoro davlat universiteti, Buxoro

Annotatsiya. Mazkur maqolada haqqushning tarqalishi, 1999-yildan 2019-yilgacha Buxoro viloyatida uya qurgan areallari va soni bayon qilindi va uchrash joylari xaritada tasvirlandi, ayrim areallarining tuzilish sxemasi tasvirlandi. Qushlarni muhofaza qilish, tabiat resurslaridan unimli foydalanish, baliqxo'r qushlarning biologiyasini o'rganish tavsiya etiladi. Buxoro viloyati hududida ko'llar, suv omborlari va baliqchilik xo'jaliklari ko'p, odatda haqqush uyalar shunga yaqin joylarda quradi va baliqchilik xo'jaliklariga bevosita ta'sir qiladi. Har bir tur uning ahamiyatidan qattiq nazar muhofaza qilinishi kerak.

Kalit so'zlar: Haqqush, areal, uyalar, koloniya, tuxum bosish, jo'ja ochish, tarqalishi, daraxtzorlar, chinor, shumtol, zarang, terak, baliqchilik xo'jaligi, xarita

Аннотация. В данной статье описывается распространение цапли, площади и количество гнезд в Бухарской области с 1999 по 2019 год, а также описаны места встречи на карте, описывается структура некоторых участков. Рекомендуется беречь птиц, рационально использовать природные ресурсы, изучать биологию рыбоядных птиц. В Бухарской области много озер, водохранилищ и рыбных промыслов, обычно поблизости строят гнезда цапли и напрямую влияют на рыболовство. Каждый вид должен быть защищен независимо от его важности.

Ключевые слова: цапля, ареал, гнездо, колония, высидывание яиц, появление цыплят, распространение, роца, чинар, клен, тополь, ива, рыбоводческое хозяйство, карта

Abstract. This article describes the distribution of the swan, the areas and numbers of nesting in the Bukhara region from 1999 to 2019, and describes the meeting places on the map, the structure of some areas. It is recommended to protect birds, make efficient use of natural resources, study the biology of fish-eating birds. There are many lakes, reservoirs and fisheries in Bukhara

region, usually swan nests are built nearby and have a direct impact on fisheries. Each species must be protected regardless of its importance.

Key words: *heron, range, nest, colony, incubation of eggs, emergence of chickens, distribution, grove, plane tree, maple, poplar, willow, fish farm, map*

Haqqush qarqaralar oilasining tipik vakili bo'lib, ma'lumotlarga ko'ra dunyo faunasida 6 ta kenja turi bor. O'zbekiston hududida esa bir turi *Nycticorax nycticorax* L. uchraydi.

T.Z. Zohidiv va R.N. Meklenbursevlarning (1969) ma'lumotiga ko'ra O'rta Osiyoda haqqush tog'li rayonlardan boshqa hamma joyda uchraydi. Amudaryo havzalarida X.S. Salixbayev (1950) haqqushning ko'plab inlarini topgan. Xivada haqqushning uyalashini A.N. Bogdanov (1882) aniqlagan. M.A. Butlerov (1879) haqqushning uyalashini Nukus atrofida, R.N. Meklenbursev (1958) Qashqadaryo vohasida kuzatgan. Haqqushning Farg'ona vodiysidagi uyalashini N.A. Zarudniy (1896) qayd etgan. Shuningdek haqqushning uyalashini Toshkent shahri yaqinida va Andijon shahri atroflarida kuzatgan.

Haqqushning Buxoro vohasida uchrash areallari va uning biologiyasi haqida dastlabki ma'lumotlar N.M. Maslovning (1947) ilmiy ishlarida Buxoro regionini uchun migratsiya davrida uchrovchi tur deb ta'riflangan bo'lsa, X.V. Salimov (1977) haqqushlar soni kamaygan tur sifatida qayd etgan. M.M. To'rayev (2008) Buxoro viloyatining turli hududlarida haqqushning tarqalishi va biologiyasiga oid tadqiqot kuzatuv ishlarni 2000-2008 yillar davomida olib borgan. Viloyatning Olot, Romitan, Vobkent, Jondor tuman markazlari va Buxoro shahrida uchrovchi koloniyalarining shu yillar oralig'ida uchib kelish vaqtlari qayd etilgan. Biz 2018-2019 yillarda mazkur hududlarda tadqiqot kuzatuv ishlarni olib bordik. Mazkur ishlarda haqqushning yangi uyalash joylarini aniqladik. Bu ilgari qayd etilmagan hududlarni topib, ularda qushlarning soni, uyalash biologiyasini o'rganishga harakat qildik.

Haqqushlarning asosan tuman markazlaridagi istirohat bog'lari va aholi yashash maskanlariga in qurishi viloyat suvliklari tevaraklarida baland daraxtzorlarning bo'lishi bilan izohlanadi [2]. Haqqushlarning kunduzgi dam olish joylari va keyinchalik uya qurish joylari (hududning ekologik sharoitidan kelib chiqib), oziqlanish joylari ko'llardan, daryo va zovurlardan, baliqchilik xo'jaliklaridan 1-7 km uzoqlikda joylashganligini aniqladik.

Baqoyev va Rahmonovlar tomonidan olib borilgan ilmiy tadqiqot kuzatuv ishlari 1999- yildan 2009- yilgacha Buxoro viloyatining turli stasiyalarida haqqushlarning areali, bahorgi, yozgi va kuzgi fasllardagi sonining ortish va kamayish sabablari hamda ularning uyalshdagi biologiyasi, oziqlanishi aniqlangan (1- jadval).

Olib borilgan tadqiqot ishlariga qaramasdan haqqushning biologiyasi haqida yana tadqiqot ishlarni davom ettirishni talab qiladi. Bizning haqqushlar biologiyasi haqidagi dastlabki kuzatuvlarimiz 2013-yil aprel oyidan Buxoro shahridagi yagona kolonniyasi Sherbudin guzarida olib borildi. Mazkur hududda 9 ta daraxtda (shumtol 2 ta, zarang daraxti 1 ta va 6 ta chinor daraxti) 47 ta uya sanalgan edi. Yerdan 7.5 metr balandda shumtol daraxtida joylashgan uyani kuzatganda turli vaqtda qo'yilgan 4 ta tuxum borligi aniqlandi. Keyingi yillarda ham haqqushning mazkur hududga uchib kelish vaqtlari va uyalar soni sanab borildi.

2018-yil 26- dekabrda mazkur hududga bo'lganimizda qushlar har yili uya quradigan aholi xonadonida joylashgan zarang daraxtida 8 ya eski inlar sanaldi. Ammo haqqushlarni uchratmadik.

2019-yil 19- mart sanasida Kogon shahridagi markaziy istirohat bog'ida haqqushlar uchratilmadi. 23- martda ham haqqushlar kelmagan edi. 13-aprelda Sherbudin mahalla guzarida 12 juft uya eski zarang daraxtida sanaldi va ko'zdan kechirildi. 2018 yilgi 8 ta uyaning 6 tasi qushlar tomonidan qaytadan ta'mirlanib ularga tuxum qo'yilgan edi. Bu inlar yangi qurilgan inlarga nisbatan ancha qalin va diametri katta, uya lotogi ancha chuqur (3-6 sm), uya materiallari o'simliklarning ingichka novdalaridan qurilgan. Shu yerlik aholining so'zlariga ko'ra haqqushlar mart oyining birinchi o'n kunligidan uchray boshlagan. 12 ta uyadan 8 tasining lotok chuqurligi, ichki va tashqi diametiri, balandligi o'lchandi. Uyalarning yerdan balandligi va o'zaro orasidagi masofalar aniqlandi. Uyalar raqamlandi va ulardagi tuxumlarning ko'rsatkichlari olindi. Har bir uya raqamlandi va undagi tuxumlarga belgi qo'yildi.


Bog' maydoni 40 sotix bo'lib, unda 84 ta balandligi 10 metrdan yuqori daraxtlar bor. Bog'da go'ng qarg'alar bilan haqqushlar uya quradi. 2013-yil mazkur hududda 40 juft haqqushlar uya qurib ko'payishda qatnashgan, 2014- yilda bir qancha katta daraxtlar kesilgan, qushlarning bahorgi uyalarni egallash muddatlari cho'zilishi sababli uya qurgan qushlar soni oldingi yillarga qaraganda ancha kamaygan. Biz tomondan 2019 yilda esa 16 ta daraxt, jumladan 8 ta uya chinorda, 4 ta shumtolda, 1 ta terakda, zarang, Kluyura daraxtlar haqqushlar tomonidan uya qurish uchun band

qilingan (mazkur hududning topografik joylashuvi birinchi sxemada ko'rsatilgan). Bu daraxtlarda 33 ta inlar sanaldi va kuzatuvlar olib borildi.

1-jadval


1999-2009 yillar davomida Buxoro viloyatida uchrovchi haqqush koloniyalari

Koloniya joylashgan joy nomi	Uyalar hisobga olingan sana	Koloniya shakllanishida boshqa turlar	Izoh
Qoraqir ko'li	16.05.1999 y 10 ta uya	3 juft qarqara uyasi bilan	Koloniya qamishda, 2-2,5 metr balandlikda
Adoq ko'li (Vobkent tumani)	30.05.2001 y 6 ta uya	Mustaqil koloniya	Jigda daraxtida (To'qayzor) 2-2,5m balandda
Yoshlar oromgohi (Vobkent)	20.05.2003 4 ta uya	Go'ng qarg'a koloniyasi bilan	Chinor, terak, Gledichiya 12-23 metr balandlikda
Olot tumani Markaziy xiyoboni	9.05.2004 y 8 ta uya	Go'ng qarg'a, Misr qarqarasi, Kickik oq qarqara	Chinorda 17-20 metr balandlikda
Jondor tumani (Dalmun)	15.05.2006 y 4 ta uya	Mustaqil koloniya	Archa, Chinor 8-14 metr balandlikda
Buxoro shahri (Sherbudin mahallasi)	10.04-20.05 2008 y 15-40 ta uya	Go'ng qarg'a koloniyasi bilan	Chinor, gledichiya, o'rik, 6-25 metr balandlikda
Buxoro shahar (Avtoshohbekat)	06.05-10.07 2008 y 30-120 ta uya	Go'ng qarg'a koloniyasi bilan	Chinor, qayrag'och, jiyda, tut, amorfa 3-8 metr balandlikda
Kogon Shahar markaziy istirohat bog'i	20.05.2019 y 60 ta uya	go'ng qarg'alarning uyalari bilan	chinor, shumtol, terak, kulyura archa, balandlik 8-17 metr
Romitan tumani markaziy istirohat bog'i	18.04.2019.y 80 ta uya	go'ng qarg'alarning uyalari bilan	chinor, shumtol, terak, archa, balandlik 8-22 metr



1- sxema. Kogon tumani Markaziy istiroxat bog'ining tuzilishi:

1.Shumtol daraxti; 2.Zarang daraxti; 3.Chinor daraxti; 4.Kluyura; 5.Terak; 6.O'rik; 7.Go'ngqarg'a va haqqush inlari iovlashgan daraxt



2-sxema. Romitan tumani markaziy istirohat bog'i joylashishi

2019 yil 15- aprelda Romitan MIB binosi oldidagi daraxtlarda birinchi haqqushlar uya qurishi kuzatildi. Romitan markaziy istirohat bog'i, Kogon shahri va Jondor tuman dalmunda uyalovchi eski koloniyalar endi kelib uya qurish ishlarini boshlagan edi. Romitan tuman markazidagi istirohat bog'ida haqqush uylarining joylashishini keltirishni lozim topdik. Mazkur hududning topografik joylashuvi 2- sxemada ko'rsatilgan.

2019 yil 12- mayda polaponlarining o'lchamlari aniqlandi. 2019 yil 18- mayda Romitan tumani markazidan oqib o'tuvchi Zarafshon daryosi atroflarida soat 15:30 da haqqushlar daryo bo'yida uchratildi, ilgari mazkur hududda kunning bu vaqtida haqqushlar uchratilmagan. Polaponlar o'sgan sayin katta qushlar kunduzi ham ozuqa olib kelishini ilk bor kuzatdik.

2019 yil 25- may "Romitan Baliqchilik xo'jaligida" kuzatuv vaqtida birinchi katta hovuzga quyuluvchi ariq atrofida bir juft haqqush kunduzgi soatlarda uchratildi. Baliqchilik xo'jaligi xodimlarining aytishicha may-iyun oylarida haqqushlar mazkur hududda tez-tez uchrab turadi. Suv sathi biroz past bo'lgan suniy ko'llar haqqushlarning ov qilishi uchun qulay hisoblanib, baliqchilik xo'jaligining birinchi sektori ana shunday suv sathi past, biroq atrofi baland qamishlar bilan o'ralgan. Haqqushlar jo'jalarining ozuqa tarkibi o'rganilganda kichik karpsimon baliqlar, do'ngpeshona, tovon baliq va oq amur baliqchalari bilan oziqlanganligini aniqladik. Polaponlar qayt qilgan ozuqasi tarkibida aynan baliq qoldiqlari, qisqichbaqaning xitini va may qo'ng'izining qanotlari, yomg'ir chuvalchangi, buzoqboshi borligini aniqladik. Tabiatda har bir turni sonini boshqarish va muhofaza qilish biologik xilma-xillikni saqlashda muhim ilmiy amaliy ahamiyatga ega.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'XATI:

1. Бақоев С.Б., Рахмонов Р.Р., Сайфуллаев Ш. Ҳаққуш (*Nycticorax nycticorax* L) нинг Бухоро шаҳри ва унинг атрофида уя қилишига доир маълумотлар // Экологический вестник № 5 (110) 2010. С.11-13
2. Богданов М.Н. Очерки природы Хивинского оазиса и пустыни Кызыл-Кум. Ташкент, 1882. С.1-155
3. Бутлеров М.А. Орнитологическая фауна местности Нукуса, лежащих между Аму-Дарьей Кувон-Джармой // Тр. С.-Петербургского общ-ва естествоиспытателей. 1879. Т.Х.С.153-154.,109-112
4. Зарудный Н.А. Орнитологическая фауна Закаспийского края (Северной Персии, Закаспийского области, Хивинского оазиса и равнинной Бухары)/Материалы к познанию фауны и флоры Российской империи. Отдел. зоол. М., 1896. Вып. 2. С.1-555.
5. Захидов Т.З., Мекленбурцев Р.Н., Природа и животный мир Средней Азии. Ташкент: Фан, 1969.Т.1. 428с.
6. Маслов Н.М. Птицы Бухарской области //Сб. науч. трудов Бухарского пед. ин-та. Бухара, 1947. С.45-70
7. Мекленбурцев Р.Н. Материалы по наземным позвоночным бассейна реки Кашкадарьи//Тр. САГУ. Ташкент, 1958. Нов. сер. 130. Книга 30. С. 1- 140.
8. Сагитов А.К. Аистообразные//Птицы Узбекистана Т.1.-Ташкент, 1987. С.17-54.
9. Салихбаев Х.С. Охотничье-промысловые животные дельты Амударьи и меры их рационального использования//Материалы по производительным силам Узбекистана. Ташкент. 1950. Вып 1. С.124-153
10. Тўраев М.М. Ҳаққушнинг (*Nycticorax nycticorax*) Бухоро вилоятида тарқалиши экологиясига доир янги маълумотлар//Ҳайвонлар экологияси ва морфологияси. Самарқанд, 2008. 109-112 б.

UDC 631.453 (575.2)

BIOREMEDIATION OF SOIL AT THERMAL POWER PLANT SITES: PHYTOEXTRACTION FOR LEAD AND ZINC-CONTAMINATED SOILS

M.B. Vokhidova, PhD student, National University of Uzbekistan, Tashkent, Uzbekistan

T. Abdrakhmanov, prof., National University of Uzbekistan, Tashkent, Uzbekistan

B. Wilkomirski, prof., Jan Kochanowski University in Kielce – JKUK, Kielce, Poland

Annotatsiya. Ifloslangan tuproqlarning fitoremediatsiyasi arzon va ekologik toza alternativ sifatida soha mutaxassislarini e'tiborini keng jalb qildi. Fitoremediatsiyaning afzalliklarini inobatga olgan holda, ushbu tadqiqot tajribalarida og'ir metallar bilan ifloslangan tuproqni tiklash yuzasidan yaratilgan fitoremediatsiya o'simligining (raygrass) imkoniyati (potentsialini) baholandi. Raygrass o'simligi 8 ta variantda 323 kun davomida laboratoriya tajribalari (ifloslanmagan va turli darajada qo'rg'oshin va ruh bilan ifloslangan tuproqlarda) o'g'irligi 2 kg bo'lgan tuproq namunalari solingan tuvaklarda olib borildi. Olingan natijalar shuni ko'rsatadiki, fitoremediant o'simliklar ma'lum vaqt ichida og'ir metallarni tozalagan, shu bilan birgalikda tuproqdagi oziqa elementlarini ozuqa sifatida o'zlashtirgani aniqlandi.

Kalit so'zlar: issiqlik elektr stantsiyasi, og'ir metallar (OM), bioremediatsiya, fitoteremediatsiya, raygrass, fitoekstraksiya

Аннотация. Фиторемедиация загрязненных почв тяжелыми металлами привлекает внимание многих специалистов в этой области, как дешевая и экологически чистая альтернатива. Принимая во внимание преимущества фиторемедиации, данное исследование

оценивает потенциал фиторемедиационной установки (райграс) для восстановления почвы, загрязненной тяжелыми металлами, в их потенциальных экспериментах. В лабораторных условиях райграс культивировали в 8 вариантах течения 323 дней (незагрязненных и в различных степени загрязненных тяжелыми металлами почвах) в горшочке наполненные по 2 кг почвенных образцов (содержащем чистую почву и загрязненную почву). Результаты показывают, что растения-фитомеданты некоторое время очищали тяжелые металлы, однако поглощали питательные вещества в почве для роста растения.

Ключевые слова: теплоэлектростанция, тяжелые металлы (ТМ), биоремедиация, фиторемедиация, райграс, фитоэкстракция

Abstract. Phytoremediation of contaminated soils heavy with metals has attracted the attention of many experts in this field as a cheap and environmentally friendly alternative. Given the benefits of phytoremediation, this study assesses the potential of a phytoremediation plant (ryegrass) to restore soil contaminated with heavy metals in their potential experiments. Under laboratory conditions, ryegrass was cultivated in 8 varieties for 323 days, (uncontaminated and contaminated with metal-heavy soils to varying degrees) in a pot 2 kg of soil samples in pot experiment (uncontaminated and contaminated soil. The results show that phytoremediating plants refined heavy metals for some time, at the same time absorbed nutrients in the soil for plant growth.

Keywords: Thermal Power Plant, heavy metals (HM), bioremediation, phytoremediation, ryegrass, phytoextraction.

Introduction

Thermal Power Plant

Active sources of environmental pollution with PAHs include enterprises of energy industries, especially great thermal stations [19, 25, 28]. The Angren Power Plant is a 2100-megawatt coal-fired. This is an enterprise of hazard class 1, which was set in operation in 1957-1963. At present, it includes eight working blocks and is the main source of electrical energy in Uzbekistan. Coal (lignite) and natural gas are the major fuel types for the station. The height of the first chimneystack is 185 m; the three other stacks are 250 m high. The New Angren300 megawatt coal-fired and it was set in operation in 1985-2000. The height of the first chimneystack is 185 m; the three other stacks are 250 m high [26].

Phytoremediation

Heavy metals are defined as natural atoms, which are five times higher than those with high atomic weight and density, and are toxic or toxic at low concentrations. The heavy metals are defined as naturally occurring elements that have a high atomic weight and density five times higher than that of water and is toxic or poisonous even at very low concentration [7]. To compare other pollutants, heavy metals are non-biodegradable, and so they persist for long time in the environment [20, 7, 27].

There are also chemical technologies and physical methods that can help eliminate heavy metal contamination, but their use is technically difficult and expensive, creating massive amounts of sludge and thus polluting the environment [17].

The phytoremediation has become increasingly important for the economical, effective and non-invasive method of reducing pollutants from water and soil [10] without showing any negative effect on the environment.

The phytoremediation, on the other hand, is very useful because it uses sunlight as a source of energy and to cleanse natural pollutants in soil conditions. In addition, this process does not contain or remove secondary contaminants as it immobilizes them, thereby preventing them from entering the groundwater, thereby protecting the soil profile and improving soil quality and preventing soil stocks [14,15].

Phytoremediating plants can turn large and very toxic substances into fine and non-toxic substances, but this ability varies greatly from species to species. Phytoremediating plants have variable properties due to their growth rates, biomass, root zone depth, and the potential for groundwater transfer into the atmosphere [14,15].

In addition to all the advantages, phytoremediation has a number of disadvantages as it is time consuming to eliminate soil contamination and is limited by climatic, geological conditions and soil type in the area. There are different processes involved in phytoremediation [4, 12, 16, 18]:

➤ Phytoextraction is the process of collecting soil pollutants during the process of absorption by plants and their accumulation in the buds and harvests of the root. The best members

that can be absorbed by nickel, copper and zinc plants, and more than 400 plants, can easily absorb them and "completely remove" them from soil and water [24].

➤ Immobilization of soil by collecting or precipitating soil pollutants in rhizospheric region by collecting or precipitating pollutants is called phytostabilization. [2].

➤ Organic disintegration of organic pollutants in plants, either internally or via metabolic pathways, using isolated enzymes or exogenous root exudates and incorporating these pollutants into plant tissues [22]. This process is mainly used to break down complex organic molecules and convert them into simple forms in soils, groundwater environments and sludge [13].

➤ Rhizodegradation (Phytostimulation). The decomposition of contaminants in the soil as a result of the activity of microorganisms with increasing root zone is called rhizodegradation [21]. According to USEPA [23], the number of microbes in the rhizosphere region is at least 100 times higher in 2000 than in non-rhizosphere regions [1].

➤ Phytovolatilization. During phytovolatilization, pollutants such as selenium, mercury, arsenic, and others absorbed by the roots of plants become more simple forms and then fly into the atmosphere through the leaf stomata. In the process of phytostabilization, metals are absorbed into the organic compounds that are naturally volatile and are released into the atmosphere as biomolecules [9].

Small amounts of heavy metals are essential for plant growth and metabolism; however, at high concentrations they can be harmful to plants and hence the soil ecosystem [11]. Phytoremediation is a bioremediation system used by plants to remove contaminants from soil, sludge, sediments and groundwater [5].

Phytoextraction for lead and zinc-contaminated soil

Figure 1 presents the conceptual basis for the impact of plants on heavy metals under the influence of environmental factors and human activity.




Fig. 1. A conceptual framework for exposure of plants to heavy metals as affected by environmental factors and human activities. ① Entry of heavy metals to the lands via using HMs-containing wastewater, pesticides, or fertilizers ② foliar uptake of heavy metals by plants through atmospheric deposition, herbicides, dust storm, or volcanic emission ③ release of heavy metals into the soil via solubilization of minerals or mineralization of organic matter as mediated by plant beneficial rhizospheric microorganisms (PBRMs) ④ uptake of available heavy metals by plant roots ⑤ adsorption of heavy metals onto soil minerals, organic matter and biochar, decreasing their bioavailability ⑥ leaching of heavy metals from the soil profile and pollution of ground water ⑦ natural/synthetic chelating agents (such as EDTA) binding up to heavy metals, improving their bioavailability ⑧ enhancing the bioavailability and plant uptake of heavy metals by fungal hyphae ⑨ addition of heavy metals to the atmosphere through anthropogenic activities such as factories and smelting industries [3].

Materials and methods

Sample Preparation. Topsoil (0–30 cm) was collected from different Pb-Zn contaminated dark brown soils located in Angren Thermal Power Plant, Tashkent region (lat. 41.004897; lon.70.122799). Soil samples were stored in clean Ziploc plastic bags and transferred to the laboratory immediately. Basic physicochemical properties of the soils were determined and are presented in Table 1. Ryegrass seeds were sown in the pots after sterilization with 30% sodium hypochlorite solution for 2 min, washed three times with tap water, and rinsed with deionized water (DIW).

Pot Experiment. After the soil was air-dried, it was passed through a 2 mm sieve. Air-dried soils (2 kg per pot) were placed in plastic pots (height: 25 cm; diameter: 25 cm). Moisture was maintained at ~60% of the maximum water-holding capacity to balance one week. And then the moisture was maintained at ~80% of the maximum water-holding capacity. No fertilizers were added throughout the experiment. In the control treatment, there was no plant in the pot. Before the seed germination, 1269 seeds of the same size were selected in each pot. After 7 days, the seedlings were planted to ensure that 472-756 germination seeds were planted in each pot.

Sampling and Analysis. Soil moisture was determined gravimetrically in fresh soils at 105°C to constant weight. Soil pH of air-dried samples (sieved to 1 mm) was determined using the glass electrode with a soil to water (non-CO₂ deionized water) ratio of 1:2.5. Soil organic matter (SOM) was analyzed using the ISO method. Soil heavy metals contents were determined by using atom adsorption spectrometry. Plants were harvested after 323 days, and the fresh shoots and roots were harvested separately. Fresh shoots and roots from each treatment were immediately stored at -80°C for weigh.

Results and discussion

Table 1 provides soil physical-chemical properties and heavy metal concentration before reclamation. As the result soil condition is neutral, Soil organic matter (SOM) is 4.8 which is higher than other soils, and total concentration of heavy metals are more than MPA. Soils in Uzbekistan MPA limit of Pb and Zn are 32 and 23 respectively, due to soil condition [8].

Table 1.

Soil physical-chemical properties and heavy metals concentration before reclamation

Parameters	Amount
pH (soil:water)	7.5
SOM	4.8
Total concentration of heavy metals	
Pb	115.3
Zn	254.7

Table 2.

Biomass of ryegrass

Samples	Ryegrass	
	Shoot, (g · plant ⁻¹)	Root, (g · plant ⁻¹)
ATPP1	0.52 ±0.09	0.14 ±0.01
ATPP2	0.49 ±0.05	0.10 ±0.01
ATPP3	0.56 ±0.09	0.17 ±0.01
ATPP4	0.49 ±0.09	0.13 ±0.01
ATPP5	0.65 ±0.09	0.20 ±0.01
ATPP6	0.50 ±0.01	0.14 ±0.02
ATPP7	0.55 ±0.01	0.16 ±0.01
ATPP8	0.58 ±0.02	0.17 ±0.01

Plant Biomass. Table 2 shows the biomass of plant roots and shoots. No significant differences were found in the biomass of shoots for Ryegrass cultivated in different planting patterns; The biomass of the roots grown in the cuttings treatment was much higher than those grown.

Concentrations and Total Uptakes of Metals in Plants.

Concentrations and total uptakes of metals in ryegrass was presented in Table 3. Pb concentration and total uptake in ryegrass was significantly decreased by 56 %, total uptake of Zn of ryegrass was significantly decreased by 62 %. Compared with the monoculture treatment, there were no significant differences with the concentrations of Cd and Zn in the shoots and roots of ryegrass in the intercropping treatment.

Table 3.

Soil physical-chemical properties and heavy metals concentration after reclamation with ryegrass

Parameters	Amount
pH (soil : water)	7.4
SOM	3,7
Total concentration of heavy metals	
Zn	142.8
Pb	72.4

Effect of the Intercropping Treatment on Heavy Metal

Uptake in Plants. It has been reported that the intercropping could enhance the availability and uptake of plant nutrients and produce substances promoting plant growth. Our result indicated that the intercropping can increase the biomass ryegrass. Means that the intercropping can increase the yield of ryegrass in the process of phytostabilization.

Conclusion

The ryegrass under the influence of Zn and Pb showed good growth and development, despite the high concentration of these metals in the investigated compounds, indicating the high resistance of these metals, especially for Zn. Ryegrass can be considered a viable candidate for Zn phytostabilization and Pb-phyto-extraction in soils in the short and medium term. This species may contribute to the recovery and restoration of degraded areas by extraction and improve soil condition by reducing soil acidity and increasing organic matter content. We believe that the results of this study can make a new contribution to our understanding of the tolerance, absorption, bioaccumulation and translocation potential of ryegrass.

Acknowledgements

The authors are grateful to the members of the Laboratory of Biotechnology and Environmental Management of the University of Warsaw, particularly to Dr. Malawska S.M.

REFERENCES:

1. EPA (2000) A citizen's guide to phytoremediation. EPA 542-F-98-011. United States Environmental Protection Agency 6
2. Etim EE (2012) Phytoremediation and its mechanism: a review. *Int J Environ Bioener* 2:120–136
3. Evangelou MW, Ebel M, Schaeffer A (2007) Chelate assisted phytoextraction of heavy metals from soil. Effect, mechanism, toxicity, and fate of chelating agents. *Chemosphere* 68:989–1003
4. Gereraj Sen Gupta, Garima Yadav, and Supriya Tiwari. *Bioremediation of Heavy Metals: A New Approach to Sustainable Agriculture*. Springer Nature Singapore Pte Ltd. 2020 A. K. Upadhyay et al. (eds.), *Restoration of Wetland Ecosystem: A Trajectory Towards a Sustainable Environment*, https://doi.org/10.1007/978-981-13-7665-8_13
5. Hazrat Ali, Ezzat Khan, Muhammad Anwar Sajad. *Phytoremediation of heavy metals—Concepts and applications*. 2013. *Chemosphere* 91(7). DOI: 10.1016/j.chemosphere.2013.01.075
6. Kumari V, Yadav A, Haq I, Kumar S, Bharagava RN, Singh SK, Raj A (2016) Genotoxicity evaluation of tannery effluent treated with newly isolated hexavalent chromium reducing *Bacillus cereus*. *J Environ Manag* 183:204–211
7. Lenntech W (2004) Water treatment and air purification. Lenntech, Rotterdamseweg p. 54
8. lex.uz/act/1905543
9. Marques AP, Rangel AO, Castro PM (2009) Remediation of heavy metal contaminated soils: phytoremediation as a potentially promising clean-up technology. *Crit Rev Environ Sci Technol* 39:622–654
10. Mojiri A (2012) Phytoremediation of heavy metals from municipal wastewater by *Typha domingensis*. *Afr J Microbiol Res* 6:643–647
11. Nagajyoti PC, Lee KD, Srekanth TVM (2010) Heavy metals, occurrence and toxicity for plants: a review. *Environ Chem Lett* 8:199–216
12. Nasr M. (2020) Phytomanagement in Egypt: A Sustainable Approach for Clean Environment Coupled with Meeting Future Energy Demand. In: Negm A., Shareef N. (eds) *Waste Management in MENA Regions*. Springer Water. Springer, Cham p.39-42
13. Newman LA, Reynolds CM (2004) Phytodegradation of organic compounds. *Curr Opin Biotechnol* 15:225–230
14. Oh K, Li T, Cheng H, Hu X, Lin Q, Xie Y (2013a) A primary study on assessment of phytoremediation potential of biofuel crops in heavy metal contaminated soil. *Appl Mecha Mat* 295–298
15. Oh K, Li T, Cheng HY, Xie Y, Yonemochi S (2013b) Development of profitable phytoremediation of contaminated soils with biofuel crops. *J Environ Prot* 4:58–64
16. Pan, P., Lei, M., Qiao, P. et al. Potential of indigenous plant species for phytoremediation of metal(loid)-contaminated soil in the Baoshan mining area, China. *Environ Sci Pollut Res* 26, 23583–23592 (2019). <https://doi.org/10.1007/s11356-019-05655-4>
17. Rakhshae R, Giahi M, Pourahmad A (2009) Studying effect of cell wall's carboxyl-carboxylate ratio change of *Lemna minor* to remove heavy metals from aqueous solution. *J Hazard Mater* 163:165–173
18. Sinhal V.K., Alok Srivastava and Singh V.P. *Phytoremediation: A Technology to Remediate Soil Contaminated with Heavy Metals*. *International Journal of Green and Herbal Chemistry*. IJGHC, June 2015 – August 2015; Sec. A; Vol.4, No.3, 439-460.
19. Svetlana Sushkova, Tatiana Minkina, SaglaraMandzhieva, Nikolay Borisenko, Galina Vasilyeva, RidvanKizilkaya, Tayfun Aşkin. *Approbation of express-method for benzo[a]pyrene extraction from soils in the technogenic emission zone territories*. *Eurasian Journal of Soil Science*, 2015, Volume 4, Issue 1, Pages 15 – 21
20. Tak HI, Ahmad F, Babalola OO (2013) Advances in the application of plant growth-promoting rhizobacteria in phytoremediation of heavy metals. In: *Reviews of environmental contamination and toxicology*. Springer, New York, pp 33–52
21. Tangahu BV, Abdullah SRS, Basri H, Idris M, Anuar N, Mukhlisin M (2011) A review on heavy metals (as, Pb, and Hg) uptake by plants through phytoremediation. *Hindawi Publishing Corporation. International Journal of Chemical Eng*, p 31

22. Trap S, Kohler A, Larsen LC, Zambrano KC, Karlson U (2005) Phytotoxicity of fresh and weathered diesel and gasoline to willow and poplar trees. *J Soils Sediments* 1:71–76
23. United States Environmental Protection Agency (USEPA) (2000) Introduction to phytoremediation, EPA 600/R-99/107. U.S. Environmental Protection Agency, Office of Research and Development, Cincinnati
24. Upadhyay AK, Singh R, Singh DP (2019) Phycotechnological approaches toward wastewater management. In: Emerging and eco-friendly approaches for waste management. Springer, Singapore, pp 423–435
25. Witter Amy E., Minh H. Nguyen, Sunil Baidar, Peter B. Sak. Coal-tar-based sealcoated pavement: A major PAH source to urban stream sediments *Environmental Pollution*. Volume 185, February 2014, Pages 59-68
26. www.wikipedia.org
27. Yadav A, Raj A, Bharagava RN (2016) Detection and characterization of a multi-drug and multi-metal resistant Enterobacterium Pantoea sp. from tannery wastewater after secondary treatment process. *Int J Environ Bot* 1(2):37–42
28. Yam W Richard C.M. and H. Leung. Emissions trading in Hong Kong and the Pearl River Delta region—A modeling approach to trade decisions in Hong Kong's electricity industry. *Environmental Science & Policy* Volume 31, August 2013, Pages 1-12

УДК 579.66

ХАРАКТЕРИСТИКА ГРИБОВ *TRICHODERMA*, ВЫДЕЛЕННЫХ ИЗ ПОЧВ

С.А. Абдусаматов, базовый докторант, Национальный университет Узбекистана, Ташкент

Ж.Э. Алимов, базовый докторант, Национальный университет Узбекистана, Ташкент

У.М. Жураева, к.б.н., доц., Национальный университет Узбекистана, Ташкент

К. Давранов, д.б.н, проф., Институт Микробиологии АН РУз., Ташкент

Аннотация. *Ўзбекистон Республикасининг ҳар хил агроклим шароитидаги тупроқлардан ва турли хил целлюлоза сақловчи чиқиндилардан 20 хил замбуруғ изолятлари ажратиб олинган ва уларни морфологик – биокимёвий хусусиятларини ўрганиш асосида Trichoderma авлодига мансуб эканлиги аниқланган. Мамлакатни тоғ бағри зоналаридан ажратиб олинган изолятларни баъзилари ўсимликларни ўстирувчанлик ва уларни касалликлардан бионазорат қилиш хусусиятига эга эканлиги аниқланган. Шўрланган тупроқларда Trichoderma замбуруғини турлари ва сонлари нисбатан кам эканлиги аниқланган. Целлюлоза тутувчи чиқиндилардан ажратиб олинган изолятлар нисбатан кўпроқ целлюлоза ва ксиланаза ферментларини синтез қилиши аниқланган. Целлюлолитик фаоллиги бўйича энг фаол изолятни морфологик, физиологик, культурал ва биокимёвий хусусиятлари батафсил ўрганилган ва уни Trichoderma harzianum эканлиги аниқланган.*

Калит сўзлар: *Trichoderma, эндо 1,4 β-глюканаза, экзо 1,4- β-глюканаза, ксиланаза.*

Аннотация. *Из почвенных образцов различных агроклиматических зон Республики Узбекистан и из различных целлюлозосодержащих отходов выделены около 20 грибных изолятов и на основании изучения морфологических и биохимических свойств они отнесены к роду Trichoderma. Изоляты, выделенные из почв предгорных районов обладают рост стимулирующими и биоконтрольными свойствами, тогда как образцы из целлюлозосодержащих образцов обладают целлюлозной и ксиланозной активностью. Самый активный по целлюлолитическим свойствам изолят выделен в микологически и микробиологически чистом виде и на основании изучения морфологических, физиологических, культуральных и биохимических свойств, отнесен к виду Trichoderma harzianum.*

Ключевые слова: *Trichoderma, эндо 1,4 β-глюканаза, экзо 1,4- β-глюканаза, ксиланаза.*

Abstract. *About 20 fungal isolates were isolated from soil samples of various agroclimatic zones of the Republic of Uzbekistan and from various cellulose-containing wastes as well as, based on the study of morphological and biochemical properties, they are assigned to the genus Trichoderma. Isolates isolated from the soils of foothill areas have growth stimulating and biocontrol properties, while samples from cellulose-containing samples have cellulose and xylanase activity. The isolate which has the most active in cellulotic properties was obtained in mycologically and microbiologically pure form and, based on the study of morphological, physiological, cultural and biochemical properties, it was assigned to the species Trichoderma harzianum.*

Key words: *Trichoderma, endo 1,4 β-glucanase, exo 1,4-β-glucanase, xylanase.*

Грибы рода *Trichoderma* являются активно изучаемыми во всем мире. Причиной этому является большая практическая и экологическая значимость этого рода. Различные виды

Ко второй группе относятся виды рода *Stephanofilaria*, которые паразитируют в коже крупного рогатого скота. При достаточно высокой общности подотряда филяриат, тем не менее, выявляются существенные различия в структуре фауны этих нематод млекопитающих домашних и диких животных Узбекистана.

У диких млекопитающих найдено 11 видов филяриат, а у домашних - 17. Кроме того, любопытен факт обнаружения видов родов *Setaria*, *Skrjabinodera*, *Dirofilaria* как у

домашних, так и у диких млекопитающих. В свою очередь, при анализе картины распределения рассматриваемых нами филяриат по хозяевам, прежде всего, обращает внимание тот факт, что практически все виды этих нематод - паразиты животных наземных экосистем.

Каждая из рассматриваемых нами систематических групп на уровне родов имеет своих характерных хозяев, специфичность в отношении которых проявляется по-разному - в одних случаях более строго, а в других - менее.

Род *Litomosa* представлен в Узбекистане двумя видами, для каждого из которых, как отмечалось, свойственен свой хозяин: *Litomosa dogieli* паразитирует у остроухой и трехцветной ночниц, *L. skarbilovitchi* - у бухарского подковоноса.

Род *Setaria* включает в себя большое число видов, в связи с чем, имеет более разнообразных хозяев из различных отрядов млекопитающих. Среди отмеченных нами видов филяриат, как и других групп нематод, можно найти формы с адаптацией к паразитированию у узкого круга хозяев (*Setaria equina*, *S. digitata*, *S. bernardi*, *S. cervi*) и формы со сравнительно широким кругом хозяев (*S. labiatopapillosa*).

Филяриаты распространены у млекопитающих, на всех континентах земного шара. В связи с этим можно предполагать, что видовое разнообразие филяриат у млекопитающих Узбекистана и сопредельных территорий практически соответствует таковому в других крупных регионах. В качественном соотношении видовой состав филяриат изучаемых нами регионов Узбекистана также мало отличается от фауны этих нематод млекопитающих других зон, по крайней мере, в пределах Палеарктики. На это указывает тот факт, что большая часть регистрируемых нами видов распространена по всему евроазиатскому континенту.

Как показывают результаты исследований, степень распространения нематоды подотряда филяриат продуктивных животных Узбекистана находится в прямой зависимости от климатических и географических условий пастбищных территорий и внешних факторов (температура, влажность и др.), которые тормозят или способствуют развитию и сохранению инвазионных элементов во внешней среде.

Следовательно, необычайное разнообразие природно-климатических условий Узбекистана, безусловно, накладывает свой отпечаток на формирование и распространение фауны гельминтов, в том числе филяриат сельскохозяйственных животных, а также на их циркуляцию в биогеоценозах данного региона.

Заключение

Филяриаты весьма обширная группа нематод, приспособившаяся к паразитированию у широкого круга позвоночных-хозяев. Они отмечены у животных четырех классов - амфибий, рептилий, птиц и млекопитающих.

В результате изучения огромного фактического материала и анализа данных литературы, установлены видовой состав и систематика нематод подотряда филяриат паразитов млекопитающих Узбекистана. У млекопитающих Узбекистана обнаружено 23 вида относящихся к 9 родам - *Onchocerca*, *Dipetalonema*, *Dirofilaria*, *Litomosa*, *Parafilaria*, *Skrjabinodera*, *Micipsella*, *Setaria*, *Stephanofilaria* и 5 семействам - *Filariidae*, *Dipetalonemidae*, *Onchocercidae*, *Setariidae*, *Stephanofilariidae*.

Общая зараженность млекопитающих Узбекистана составила-18.9%. Этот показатель у отдельных групп животных значительно колеблется. Самый низкий процент отмечен у представителей грызунов (9.8%) и рукокрылых (14.0%). Высокая степень инвазированности наблюдается у непарнокопытных (33.3%) и парнокопытных (40.3%) животных.

Из филяриатозов животных, как показали наши исследования, наибольшее значение имеют: парафиляриоз, онхоцеркоз, сетариоз, стефанофиляриоз, дипеталонемоз, диروفилариоз и др.

На основании изложенного, эпизоотический процесс при филяриатозах, мы рассматриваем в качестве динамической системы, подверженной значительным изменениям. В эпизоотическую цепь входят - источник возбудителя, механизмы передачи и восприимчивое животное. Взаимодействие названных элементов происходит в определенных условиях внешней среды, куда входят как биотические, так и абиотические компоненты. Последние, влияя на звенья эпизоотической цепи, замедляют или ускоряют течение эпизоотического процесса.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Азимов Д.А., Дадаев С.Д., Акрамова Ф.Д., Сапаров К.А. Гельминты жвачных животных Узбекистана. - Ташкент: Фан, 2015. - 224 с.
2. Богданов О.П., Владимиров В.А. О гельминтофауне рукокрылых Узбекистана // Доклады АН УЗ ССР, 1956. - №1. - С. 47-51.
3. Гнедина М.П. Изучение этиологии и прижизненной диагностики гельминтозных поражений кожи крупного рогатого скота // Вестн. с.-х. науки, сер. Вет., 1940. Т. 1. - №4. - С. 89-103.
4. Дадаев С. Эколого-географические особенности гельминтов домашних копытных животных юга Узбекистана. Автореф. дисс. канд. биол. наук. М., 1978. 24 с.
5. Дадаев С. Гельминты позвоночных подотряда Ruminantia Scropoli, 1777 фауны Узбекистана: Автореф. дисс. док. наук. Ташкент. 1997. 56 с.
6. Ивашкин В.М. Стефанофиляриозы кожи внутренних поверхностей ушных раковин крупного рогатого скота // Пробл. паразитол.-Киев: «Наукова думка», 1969,- №2,- С.23-24.
7. Ивашкин В.М., Контримавичус В.Л., Назарова Н.С. Методы сбора и изучения гельминтов наземных млекопитающих. М., «Наука», 1971, 124 с.
8. Информационный бюллетень Всемирной организации здравоохранения, 2016, №387; <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs387/ru/index6.html>.
9. Каденации А.Н. Гельминтофауна сельскохозяйственных животных лесостепной зоны Среднего Прииртышья и ее эпизоотологическая оценка.- Науч. труды Омск. вет. ин-та, 1971. Т. 28. В. 2. -С. 77-82.
10. Матчанов Н.М., Дадаев С., Азимов Д.А., Зимин Ю.М., Гехтин В.И. Гельминты сельскохозяйственных животных // Экология паразитов животных северо-востока Узбекистана. - Ташкент, 1984. - С. 37-57.
11. Рухлядев Д.П. Гельминтофауна диких парнокопытных животных Крыма и Кавказа в эколого-зоогеографическом освещении. - Саратов: Изд-во Саратовск. ун-та, 1964. - 449 с.
12. Скрябин К.И. Методы полных гельминтологических вскрытий позвоночных, включая человека. - М., Л.: Изд. МГУ, 1928. - 45 с.
13. Сонин М.Д. Филогенетические взаимоотношения различных групп филяриат и модификация системы нематод этого подотряда // Труды ГЕЛАН, 1971. Вып. 22. - С. 162-181.
14. Сонин М.Д. Основы нематодологии. Филяриаты животных и человека и вызываемые ими заболевания. Филярииды, онхоцерцины. - М.: Наука, 1975. Т. 24. Ч. 3. - 395 с.
15. Сонин М.Д. Основы нематодологии. Филяриаты животных и человека и вызываемые ими заболевания. - М.: «Наука», 1977. Т.28. - 220 с.
16. Султанов М.А., Азимов Д.А., Гехтин В.И., Муминов П.А. Гельминты домашних млекопитающих Узбекистана. - Ташкент: Фан, 1975. - 188 с.
17. Anderson R.K. Nematode parasites of vertebrates: their development and transmission. - New York: CAB International, 2000. - 650 p.

УДК:581.8+43+44+45+46: 582.998

АНАТОМИЧЕСКОЕ СТРОЕНИЕ КОРНЯ *INULA GRANDIS SCHRENK.* (СЕМ. ASTERACEAE), ПРОИЗРАСТАЮЩЕГО В УСЛОВИЯХ УЗБЕКИСТАНА

Г.М. Дусчанова, Ташкентский Ботанический сад, Ташкент

Д.Э. Дусматова, Институт химии растительных веществ, Ташкент

М.А. Маматханова, Институт химии растительных веществ, Ташкент

Р.Ф. Мухамматханова, Институт химии растительных веществ, Ташкент

И.Д. Шамьянов, Институт химии растительных веществ, Ташкент

Annotatsiya. Ilk bor tabiiy sharoitida o'suvchi Inula grandis turi ildizining anatomik tuzilishini o'rganish asosida turga xos diagnostik belgilar hamda organlar va to'qimalarda biologik faol moddalarni lokalizatsiyasi aniqlandi. Quyidagi diagnostik belgilar aniqlandi: ildiz strukturaning bog'lamsimon tipliligi; ko'p qatorli peridermaning mavjudligi; po'stloq parenximasining hujayralarida lub tolalarining shakllanganligi; yirik va mayda sxizogen tipli ajratma kanallarning mavjudligi va ularda jigarrang moddaning to'planishi (inulinlar, smolalar va efir moylari va boshqalar). Mazkur aniqlangan diagnostik belgilari sistematika va farmakologiyada foydalanilishi mumkin. Ta'kidlash joizki, Inula grandisning ildizlari O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasining O'simliklar kimyosi institutida ishlab chiqilayotgan Helminthabs anthelmintic preparatini tayyorlash uchun xom ashyo tarkibiv ajsmlaridan biri sifatida ishlatiladi.

Kalitso'zlar: morfologiya, anatomiya, ildiz, *Inula grandis*, tabiat, O'zbekiston.

Аннотация. Впервые изучено анатомическое строение корня вида *Inula grandis*, произрастающего в естественных условиях обитания и выявлены специфические диагностические признаки и локализация биологических активных веществ в органах и тканях. Выявлены следующие диагностические признаки: пучковый тип строения корня; наличие многорядной перидермы; формирование лубяных волокон в клетках коровой паренхимы; наличие крупных и мелких схизогенных вместилищ и накопление в них коричневого содержимого (инулины, смолы и эфирные масла и др.). Выявленные диагностические признаки могут быть использованы в систематике и фармакологии.


Необходимо отметить, что корни *Inula grandis* используются как один из компонентов сырья для получения субстанции разрабатываемого в Институте химии растительных веществ АН РУз антигельминтного препарата Гельминтабс.

Ключевые слова: морфология, анатомия, корень, *Inula grandis*, природа, Узбекистан.


Abstract. For the first time, the anatomical structure of the root of the species *Inula grandis*, which grows in natural habitats, was studied and specific diagnostic signs and the localization of biological active substances in organs and tissues were revealed. The following diagnostic signs were revealed: bundle type of root structure; the presence of a multi-row periderm; the formation of bast fibers in the cells of the core parenchyma; the presence of large and small schizogenic containers and the accumulation of brown contents in them (inulin's, resins and essential oils, etc.). These identified diagnostic signs can be used in taxonomy and pharmacology. It should be noted that the roots of *Inula grandis* are used as one of the components of the raw material for the preparation of the anthelmintic drug *Helminthabs*, which is being developed at the Institute of Plant Chemistry of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.

Key words: morphology, anatomy, root, *Inula grandis*, nature, Uzbekistan.

Растения рода *Inula* L. (девясил) являются густыми многолетними травами из семейства Asteraceae. В Узбекистане встречается 9 видов [1]. Одним из наиболее распространенных видов во флоре Узбекистана является *Inula grandis* Schrenk. Этот вид находит широкое применение в народной медицине для лечения различных заболеваний [2]. Широкое применение обусловлено тем, что растение продуцирует биологически активные вторичные метаболиты, среди которых важную роль играют сесквитерпеновые лактоны, обладающие широким спектром биологической активности [3]. Фитохимическими исследованиями показано, что корни *Inula grandis* синтезируют в мажорных количествах два сесквитерпеновых лактона: игалан и алантолактон [4].



Игалан



Алантолактон

В настоящее время корни девясила большого используются как один из компонентов сырья для получения субстанции разрабатываемого в Институте химии растительных веществ АН РУз антигельминтного препарата Гельминтабс.

Был изучен процесс экстракции сесквитерпеновых лактонов из корней *Inula grandis*, при котором установлено, что четырехкратная экстракция корней *Inula grandis* с размерами частиц не более 7 мм 80%-ным этиловым спиртом при температуре 60°C дает возможность выделить сумму сесквитерпеновых лактонов с выходом более 95% от содержания в сырье [5].

Лекарственное растительное сырьё, которое используется для производства медицинских препаратов, должно соответствовать требованиям нормативной документации или соответствующих фармакопейных статей.

Одним из требований к стандартизации растительного сырья и написания временно-фармакопейной статьи на сырье является определение подлинности растения, которое идентифицируют по макроскопическим (внешним) и микроскопическим (анатомическим) признакам (в соответствии с требованиями ВФС на морфологическую группу сырья).

В связи с этим, **целью исследования** является изучение анатомического строения корней *Inula grandis*, произрастающего в условиях Узбекистана, для определения диагностических признаков и локализации биологически активных веществ в органах и тканях корней.

Inula grandis (девясил большой) (Син. *Inula macrophylla* Kar. et Kir.- девясил крупнолистный) – многолетнее растение до 50-120 см высоты. Листья жесткие, кожистые, точечно- железистые, иногда сильно волосистые, пахучие, по краю неясно выемчатые, зубчатые, с резкой сеткой жилок; прикорневые до 70 см длины, 20-30 см ширины, широко эллиптические, острые, оттянутые в черешок, средние стеблевые сидячие, со стеблеобъемлющим сердцевидным основанием, в соцветии уменьшенные. Корзинки в

густом широком щитке, 2-3 см в диаметре, сидят на длинных ножках. Листочки обертки ланцетные, ресничатые, густо железистые; наружные вытянуты в заострение, внутренние постепенно заостренные.




Рисунок 1. Анатомическое строение корня *Inula grandis* на поперечном срезе: а-б – общий вид и деталь стебля; в-г – секреторные вместилища; д-е – проводящие пучки. Условные обозначения: КП – коровая паренхима, КС – ксилема, ЛВ – лубяные волокна, ПП – проводящие пучки, Пр – перидерма, Пх – паренхима, СВ – секреторные вместилища, СК – склеренхима.

Язычковые цветы оранжево-желтые, с отгибом до 2 см длины, узколинейные. Семянки только под хохолком немного пушистые, цилиндрические, слегка сплюснутые, с многочисленными продольными ребрышками, коричневатые, 3-5 мм длины, 1-1,5 мм

ширины. Хохолок из срастающихся при основании по 3 в пучки, в 2-3 раза превышающих семянку, коротко перистых, грязно-желтоватых волосков. Цветет в мае-июле, плодоносит в июле-августе. Произрастает в Ташкентской, Самаркандской, Андижанской, Ферганской и Сурхандарьинской областях [2].

Образцы свежих корней растений фиксировали в 70% спиртовом растворе. Для подготовки срезов корня был использован ручной способ. Срезы окрашивали метиленовой синью последующим заклеиванием в глицерин-желатин [6]. Описания основных тканей и клеток приведены по К. Эсау [7]. Микрофотографии анатомических признаков вегетативных органов сделаны компьютерной микрофотонасадкой с цифровым фотоаппаратом марки A123 фирмы Canon под микроскопом Motic B1-220A-3.

Корень на поперечном срезе округло-овальной формы, пучкового типа. Корень покрыт многорядной перидермой. Коровая паренхима многорядная, состоит из однородных, тангентально-вытянутых тонкостенных клеток.

Среди коровой паренхимы встречаются крупные схизогенные вместилища с коричневыми содержимыми. Смолы и эфирные масла, одними из компонентов которых являются моно- и сесквитерпеноиды, накапливаются в схизогенных вместилищах корня, а в клетках коровой паренхимы формируются одиночные или в небольших группах (2-3) лубяные волокна (рис. 1).

Древесина рассеяно-сосудистая, состоит из члеников сосудов, волокнистых элементов, древесной и лучевой паренхимы. Просветы сосудов крупные, округлые, склерифицированные за счет склеренхимных клеток и расположены группами по 1 или по 2-4, перворационные пластинки простые, поперечно наклонные или прямые, сосудистая поровость сетчатая, поры расположены по всей стенке сосуда, овально-вытянутой формы, их узкие отверстия расположены поперек оси сосуда.

Волокна либриформа толстостенные, клетки их 4-5 гранные, радиальные лучи 3-4 рядные, тонкостенные. Тяжевая паренхима вазицентрическая, образует полную, реже неполную обкладку сосуда (рис. 1).

Таким образом, изучено анатомическое строение корня вида *Inula grandis*, произрастающих в естественных условиях обитания и выявлены специфические диагностические признаки, а также локализация биологических активных веществ в органах и тканях.

Выявлены следующие диагностические признаки: пучковый тип строения корня; наличие многорядной перидермы; формирование лубяных волокон в клетках коровой паренхимы; наличие крупных и мелких схизогенных вместилищ и накопление в них коричневого содержимого (инулины, смолы и эфирные масла и др.).

Выявленные диагностические признаки могут быть использованы для определения подлинности растения при написании временно фармакопейных статей и фармакопейных статей на растительное лекарственное сырьё.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Набиев М.М. Род *Inula* L. Флора Узбекистана. – 1962. – Т. 6. – С. 81-88.
2. Растительные ресурсы СССР. Цветковые растения, их химический состав, использование. Семейство *Asteraceae* (*Compositae*). – СПб.: Наука, 1993. – 352 с.
3. Шамьянов И.Д., Мухаматханова Р.Ф., Закиров С.Х., Исмагуллаева Д.А., Хамраев А.Ш. Биологическая активность природных сесквитерпеновых лактонов и перспективы их использования в сельском хозяйстве // «Табий бирикмалардан кишлок хўжалигида фойдаланиш истикболлари» Республика илмий амалий анжумани материаллари тўплами, 2013. -4-5 май. – Гулистон. – С. 13-14.
4. Dusmatova D.E., Terent'eva E.O., Bobakulov Kh.M., Mukhamatkhanova R.F., Tsai E.A., Tashkhodzhaev B., Sham'yanov I.D., Azimova Sh.S., Abdullaev N.D. / Nonpolar constituents of *Inula grandis* roots. Cytotoxic activity of igalan // *Chemistry of Natural Compounds*. – 2019. - Vol. 55, No. 3. – P. 571-574. DOI 10.1007/s10600-019-02747-y
5. Дусматова Д.Э., Маматханова М.А., Ботиров Р.А., Хажигаев Т.А., Мухаматханова Р.Ф., Шамьянов И.Д., Халилов Р.М. Изучение процесса экстракции сесквитерпеновых лактонов из корней *Inula grandis* // *Universum: Химия и биология: электрон. научн. журн.* 2019. № 3(57). – С. 34-39. URL: <http://7universum.com/ru/nature/archive/item/6937>
6. Барыкина Р.П., Веселова Т.Д., Девятков А.Г. и др., Справочник по ботанической микротехнике (основы и методы). – М.: Изд. МГУ. 2004. – С. 6-68.
7. Эсау К. Анатомия растений. – Москва: Изд. Мир, – 1969. – С. 138-416.

**УНИВЕРСАЛ, КОНТАКТЛИ ТАЪСИР ЭТУВЧИ ЗЕРОКС
ИММУНОСТИМУЛЯТОРИНИНГ ҒЎЗА ИММУН ТИЗИМИГА ТАЪСИРИ**

*М.Л. Икрамова, б.ф.н., к.и.х., ПСУЕАИТИ Бухоро ИТС, Бухоро
Р.О. Атоева, таянч докторант, Бухоро Давлат Университети, Бухоро
Б.Н. Раҳматов, қ.х.ф.н., к.и.х., ПСУЕАИТИ Бухоро ИТС, Бухоро
Д.О. Атоева, талаба, Бухоро Давлат Университети, Бухоро*

Аннотация. Мақолада Зерокс иммуностимуляторини турли меъёр (1-2-3 л/тн; л/га) ва муддатлар (чигитига ишлов, 2-4 чинбарг чиқариш, шоналаш ва гуллаш)да, ғўзада турли кўчат сони (80-90; 100-110; 120-130 минг туп/га) қолдириб қўлланилганда, унинг иммун тизимига қандай таъсир этиши ўрганилди.

Энг юқори натижалар Зероксни чигитга 2л/т ишлов берилган ва вегетация даврларида баргидан 2л/га меъёрда озиклантирилган ҳамда кўчат сони 80-90 минг туп/га бўлган вариантда кузатилиб, илдиз чириш (БС-66,7%), фузариозли ва вертецеллэзли вилт (БС-88,9-88,9%) касалликлари назоратга нисбатан кам миқдорда зарарланганлиги аниқланди.

Калит сўзлар: Зерокс, кўчат сони, меъёр ва муддат, Бухоро -10, илдиз чириши, вилт, иммун тизим

Аннотация. В статье изучались влияния на иммунную систему хлопчатника иммуностимулятора Зерокс по применение в различных густотах стояния (80-90; 100-110; 120-130 тыс. шт. на га) норм (1-2-3 л/т; л/га) и сроков (предпосевная обработка семян, в фазы 2-4х настоящих листьев, бутонизации и цветения). Были получены лучшие результаты по применению препарата Зерокс на дозах расхода 2л/т, и густоты стояния на 80-90 тыс. шт. на га, и снижение грибковых заболеваний составляла корневая гниль - БЭ-66,7%; фузариозный и вертицеллезный вилт 88,9%, заболевшие растения определены намного меньше, чем по сравнению с контрольным вариантом.

Ключевые слова: Зерокс, густота стояния растений, сроки применения и дозы расхода, Бухара-10, корневая гниль, вилт, иммунная система.

Abstract. The article studied the effect of the Zerox immunostimulant on the immune system of the cotton plant by using the norms (1-2-3 l/t; l/ha) and terms (pre-sowing treatment of seeds, in phases 2-4x true leaves, budding and flowering). The best results were obtained on the use of the Zerox preparation at the consumption rates of 2 l/t, l/ha and the standing density by 80-90 thousand seed /ha, and the reduction of fungal diseases was root rot - BE-66.7%; fusarium and verticellosis wilt 88.9%, diseased plants were determined much less than in comparison with the control variant.

Key words: Zerox, plant density, application of norms and terms, Bukhara-10, root rot, wilt, immune system.

Қишлоқ хўжалигида экинларни турли касалликларга, табиатнинг ноқулай стресс омилларига нисбатан иммун тизимини ошириш йўллари амалиётга жорий этиш долзарб масалалардан бири саналади [1].

Дунё миқёсида мана шундай масалаларни ҳал этишда турли хил иммуностимуляторларни ўсимликларда қўллаш кенг йўлга қўйилмоқда. Ана шундай иммуностимуляторлардан бири – универсал ва контактли таъсир этувчи Зерокс (3000 мг/л кумуш коллоиди тутувчи) препаратидир. Мазкур иммуностимулятор ўсимликларга уч томонлама таъсир этиш хусусиятига эга.

-Биринчидан, кумуш коллоиди замбуруғ ва бактерияли фитопатогенлар мембранасига кириб уларни йўқ қилади;

-Иккинчидан, кумуш ионлари ўсимлик рецепторлари ва ферментлари билан ўзаро таъсирлашиб, ўсимлик хужайрасида юқори даражадаги кислородни ишлаб чиқиб, ўсимлик организмида турли хил патогенларга қарши иммун тизимини ҳосил қилади;

-Учинчидан, ўсимликдаги эндоген фитогормонлар таъсирини бошқариб, ўсимликда этилен (пишиш ва қариш гормонлари)га нисбатан сезгирликни камайтириб, ауксин (ўсиш гормонини) миқдорини кўпайтиради.

Зерокс 3000 мг/л кумуш коллоидини қишлоқ хўжалик экинларида қўллаш бўйича дунёнинг бир қатор мамлакатларида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Хусусан, Испаниянинг Жирона Университетида (“in vitro” усулида картошкада учрайдиган бактериал касалликларни олдини олиш мақсадида, 100 мг/л Ag иони тутган Зерокс иммуностимулятори таъсир эттирилиб, 100% фитопатогенли микроорганизмлар

йўқотилган), Қозоғистоннинг Олма-ота худудида (олма ўсимлигида 4 марта, концентрацияси-2 л/га меъёр қўлланилиб, бактериал куюшда БС-70-91% ни ташкил этган), Кубан давлат аграр университетида (қанд лавлагида қўлланилганда, бактериоз касаллигига қарши биологик самардорлик (БС)- 42,3-57,8%) ва Бутуниттифок Россия сабзавотчилик ИТИ олимлари томонидан сабзавот, полиз, бошоқли-дон ва нинабаргли ўсимликлардаги (бактерияли ва замбуруғли) касалликларни даволаш мақсадида фойдаланилган [2].

Аммо, Бухоронинг экстремал иқлим шароитида Зерокс иммунностимуляторининг қанча меъёр ва қайси муддатларда барча экин турларида хусусан, ғўзада қўлланилганда, унда учровчи касалликлар (фузариоз, илдиз чириш, вилт, гоммоз)га қарши кураш борасида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Мазкур иммунно препарат Ўзбекистонда янги ва истикболли бўлганлиги боис, бу борада тадқиқотлар республика шароитида илк бор ўрганилмоқда.

Ана шуларни эътиборга олиб, Бухоро-10 ғўза навининг иммун тизимини яхшилаш мақсадида, 2019-2020 йилларда ПСУЕАИТИ Бухоро ИТС тажриба хўжалигининг ўртача шўрланган тупроқ-иқлим шароитида, Бухоро-10 ғўза навида 3 хил кўчат (80-90; 100-110; ва 120-130 минг туп/га) сони қолдириб, контакт таъсир этувчи Зерокс иммунностимуляторининг турли меъёр (1,0-2,0-3,0л/га)ларини дала шароитларида қўллаб, ғўзадаги касалликларга таъсири ўрганилди.

Эталон сифатида Фитовак-200 мл/т, мл/га иммунностимулятори олиниб, назорат вариантыда ичимлик суви қўлланилди.

Дала тажрибасида ўрта толали Бухоро-10 ғўза навининг уруғлик чигити турли меъёрларда Зерокс иммунностимулятори билан ишлов берилди ва ғўза вегетациясининг 2-4 чинбарг чиқариш, шоналаш ва гуллаш фазаларида баргидан озиклантирилди (суспензияланди). Дала шароитида ўтказилган таҳлил ва фенологик кузатувлар ЎзПИТИ да ВНИИХСЗР да ишлаб чиқилган “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” [3] ҳамда ғўза органларида замбуруғли касалликнинг ривожланиш даражаси Маннерс шкаласи бўйича ҳисоб-китоб қилинди (Маннерс,1950) ва биологик самардорликни аниқлашда Аббот формуласидан фойдаланилди [4].

Турли меъёр ва муддатларда Зерокс иммунностимуляторининг илдиз чириш касаллиги билан зарарланиши қай даражада эканлигини билиш учун ғўзанинг дастлабки ривожланиш (2-4 чинбарг чиқиш) даврида ҳар бир вариантдан, 3 такрордан 50 та ниҳол олиб, уларнинг илдизлари ва пояларидаги ўзгаришлар кузатилиб, касалланиш даражаси аниқланди.

Ўрганилган тадқиқотлар натижасида, экиш олдида Зерокс иммунностимулятори билан 1–2-3 л/т меъёрларда ишлов берилган вариантларда кузатувлар бўйича ўртача 1 м² майдондаги касалланган ўсимлик сони мос равишда: 2019 йилда 3-1-1 дона, назорат ва эталонда 7 ва 2 донани ташкил этиб, назоратга нисбатан биологик самардорлик тегишлича: 57,1-85,7-85,7% бўлган бўлса, 2020 йилда назоратда 11 дона ва Зероксни турли меъёрларда қўлланган вариантларда мос равишда: 7-5-5 донани ташкил этиб, назоратга нисбатан биологик самардорлик тегишлича: 36,4– 54,5-54,5% дан иборат бўлди. Ўртача икки йиллик бўйича БС мазкур вариантларда мувофиқ равишда: 44,4-66,7-66,7% ни ташкил қилди. Тадқиқот натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Дала шароитида илдиз чириш касаллигини аниқлаш
(2019-2020 йй.)

Вариантлар	Қўллаш меъёрлари, л/т	2019 йил		2020 йил		Назоратга нисбатан фарк,±		Ўртача икки йиллик БС, %	Ўртача фарк, 2019-2020 йй, ±
		1 м ² майдон касал ниҳол, дона	Биологик самардорлик, %	1 м ² майдон касал ниҳол, дона	Биологик самардорлик, %	Касалланган ниҳоллар, дона	Касалланган ниҳоллар, дона		
Назорат	сувда намланди	7	0,0	11	0,0	0,0	0,0	0,0	9,0
Фитовак	200 мл/т	2	71,4	7	36,4	-5	-4	50,0	-4,5
Зерокс	1 л/т	3	57,1	7	36,4	-4	-4	44,4	-5
Зерокс	2 л/т	1	85,7	5	54,5	-6	-6	66,7	-3
Зерокс	3 л/т	1	85,7	5	54,5	-6	-6	66,7	-3

Гоммоз касаллиги билан тадқиқот йилларида ҳеч қайси вариантларда экинлар зарарланмади. Ҳатто, назорат вариантларида ҳам мазкур касалланиш белгилари жуда кам миқдорни ташкил этиб, тажриба майдонларида ушбу ҳолат аниқланмади.

Бухоро вилояти тупроқларининг тузланиш даражаси турли даражада шўрланганлиги ҳамда рН муҳити ишқорий бўлганлиги сабабли тупроқда фузариозли ва вертицеллэзли вилт касалликларининг ривожланиши учун қулай ҳисобланади.

Вертицеллэзли вилт оқ палак касаллиги – ғўзада ҳаво ҳарорати қулай бўлган пайтда уруғбаргдан бошлаб, барча фазаларида зарарлайди, аммо кўзга яққол ташланадиган белгилари кўп ўсимликларда шоналаш давридан бошлаб кузатилади. Уруғбарг вилт таъсирида унинг яшил ранги оқаради, сўлиб қурийди. Биринчи чинбарглар четида ва бош томирлари орасида олдин оқиш –сарғиш хлороз, сўнгра кўнғир никротик доғлар ривожланади, барг олачипор бўлиб қолади. Вилтнинг бошқа белгиларидан яна бири-барглар тўқ яшил тус олиб, ғўзанинг бўйи паст бўлиб қолишидир.

2-жадвал

Дала шароитида фузариозли ва вертицеллэзли вилт касаллигини аниқлаш
(2019-2020 йй.)

Вариантлар	Кўллаш меъёрлари, л/т	2019		2020		Ўртача икки йиллик биологик самарадорлик, %	Ўртача икки йиллик касалланган ниҳоллар, донга ±
		Такрорлар бўйича касал ниҳол, донга	Биологик самарадорлик, %	Такрорлар бўйича касал ниҳол, донга	Биологик самарадорлик, %		
Назорат	судда намланди	5	0,0	4	0,0	0,0	4,5
Фитовак	200мл/т	2	60,0	1	75,0	66,7	1,5
Зерокс	1л/т	2	60,0	1	75,0	66,7	1,5
Зерокс	2л/т	1	80,0	0	100	88,9	0,5
Зерокс	3л/т	1	80,0	0	100	88,9	0,5

Вертицеллэзли вилтни аниқлашда, дала шароитида энг кўп қўлланиладиган усул - ғўзанинг бош поясини қия ҳолатида кесиб кўришдир. Поянинг ички қисмларида кўнғир доғлар кузатилиши вилт мавжудлиги ҳақида далолат беради ва ғўзанинг шохлари, барг банди ва бош томирларида кўнғир ёки тўқ кўнғир доғлар кузатилади.

Фузариозли сўлиш касаллиги- барча (3-4 чинбарг чиқариш, шоналаш, гуллаш, кўсаклаш) фазаларда ғўзани зарарлайди, аммо ташқи белгилари об-ҳаво шароити ва навларнинг чидамлилигига қараб, у ёки бу даражада ўзгаради, уруғбарг ва ёш ниҳолларнинг барча барглари сарғаяди ёки қизғиш-сарик, сўнгра кўнғир доғлар билан қопланади, тўкилиб кетади.

Тажрибада ҳар бир вариантда такрорлар бўйича касалланган ўсимликлар сони санаб чиқилиб, назоратга нисбатан ҳисоб-китоб қилинди. Шунингдек, касалланган ўсимликларнинг пояси қия қирқилиб, ўтказувчи найларда ҳосил бўлган кўнғир доғлар орқали аниқланди. Кузатув натижаларига кўра, Зерокс иммунностимуляторининг 2-3 л/га меъёрлари қўлланилганда, фузариозли ва вертицеллэзли вилт касаллиги деярли кузатилмади. Назорат ва эталон вариантларига нисбатан ўртача 2 йиллик биологик самарадорлик БС-88,9% (назоратга нисбатан) ни ташкил этиб, кам миқдорда касалланиш кузатилди. Тадқиқотга оид маълумотлар 2-жадвалда ёритилган.

Демак, ғўзадаги касалликларга нисбатан иммун тизимининг яхшиланишини қуйидаги механизм билан изоҳлаш мумкин: Зерокс иммунностимулятори таркибидаги кумуш коллоиди касалланган ғўзанинг мембранасига кириб, уларни йўқ қилади, шунингдек, кумуш ионлари ғўза рецепторлари ва ферментлари билан ўзаро таъсирлашиб, ғўза хужайрасида юқори даражадаги кислородни ишлаб чиқиб, унинг организмида турли хил касаллик ва табиатнинг ноқулай шароитларига: шўрланиш, жазирама иссиқ, гармсел ва ҳ.к. ларга нисбатан иммун тизимини пайдо қилади. Натижада, ғўзанинг ўсиш ва ривожланиши, маҳсулдорлиги яхшиланиб, касаллик ва ноқулай муҳитларга нисбатан чидамли бўлишига олиб келади деб изоҳлаш мумкин [2,5].

Хулоса қилиб айтганда, ғўзанинг иммун тизимини яхшилаш мақсадида Зерокс иммунностимуляторининг турли меъёр (1-2-3л/т, л/га) ва муддатлар (чигитга ишлов, 2-4 чинбарг, шоналаш ва гуллаш)да қўлланилганда, энг юқори натижа Зероксни 2-3 л/т, л/га

меъёрда қўлланилган вариантларда кузатилиб, ўртача икки йиллик кўрсаткичлар назоратга нисбатан илдиз чириш касаллиги БС-66,7% ва фузариозли, вертецеллэзли вилт касаллиги бўйича БС- 88,9% дан иборат бўлганлиги тадқиқотлардан аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шералиев Ш.А., Раҳимов У.Х. Ўсимликлар иммунитет.-Т: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти. 2007. Б 5-10.
2. Зерокс фунгицид и бактерицид контактного действия на основе коллоидного серебра. Ученых МГУ. АгроХимПром, 2016.-15с.
3. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. ЎзПИТИ. Тошкент. 2007.-Б.147
4. Manners J.G. Studies on the physiologic specialization of yellow rust (*Puccinia glum arum* [Schmidt] Erik's. Et P.Henn) in Great Britain. Ann. Appl. Biol., 1950, 37, 2: 187-214.
5. Тожиев К.М. Ниҳол униб чиқишига чигитни экишга тайёрлаш усуллари ва унга уруғдорилар билан ишлов беришнинг таъсири//Халқаро илмий-амалий конференция маърузалари асосидаги мақолалар тўплами “Фермер хўжаликларида пахтачилик ва ғаллачиликни ривожлантиришнинг илмий асослари”, Тошкент, 2006. - 273-276 б.

УЎТ: 633.11:631.526.32

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА СОЯ НАВЛАРИНИНГ ФЕНОЛОГИК КУЗАТУВЛАРИ

З.М. Кушметов, таянч докторант, Хоразм Маъмур Академияси, Хива

Аннотация. Соя донининг қимматбаҳолиги унинг таркибида барча мавжуд аминокислоталарнинг мавжудлиги-лизин, аргинин, лейцин, метеонин ва бошқа алмашлаб бўлмайдиган кислоталарнинг мавжудлиги, қайта ишлаш саноатида нон ва нон маҳсулотлари олишда экологик тоза сифатли қўшимча ҳисобланади.

Калим сўзлар: тупроқ-иқлим шароити, ўсимликнинг униб чиқиши, биринчи учталиқ барглар ҳосил қилиши, ғунчалаши, гуллаши, дуккаги шакллана бошлаши, дуккагининг қўнғир рангга кириши ва пишиши

Аннотация. Высокой ценностью соевого зерна является наличие в нем всех аминокислот-лизина, аргинина, лейцина, метеонина и других незаменимых кислот, а также экологически чистого дополнения к хлебу и хлебобулочным изделиям в перерабатывающей промышленности.

Ключевые слова: почвенно-климатические условия, прорастание растений, настоящие три листа, бутонизация, цветение, образование боба, молочная спелость и созревание

Abstract. The high value of soybean grain is the presence of all amino acids in it - lysine, arginine, leucine, meteonin and other irreplaceable acids, as well as an environmentally friendly addition to bread and bakery products in the processing industry.

Key words: soil and climatic-conditions, plant germination, the first three leaves, flowering, ripening and ripening.

Хоразм вилоят тупроқ-иқлим шароитида соя экотипларини етиштириш ва улардан озик-овқат ҳамда қайта ишлаш саноатида фойдаланиш учун технологик хоссаларини ўрганиш ва илмий асослаш масаласи кун тартибида туради. Соя донининг қимматбаҳолиги унинг таркибида барча мавжуд аминокислоталар -лизин, аргинин, лейцин, метионин ва бошқа алмашлаб бўлмайдиган кислоталарнинг мавжудлиги билан асосланади, қайта ишлаш саноатида нон ва нон маҳсулотлари олишда экологик тоза сифатли қўшимча ҳисобланади. Тажриба майдонида барча вариантларда кўз билан чамалаб, фенологик кузатишлар ўтказилди. Ўсимликнинг униб чиқиши, биринчи учталиқ барглар ҳосил қилиши, ғунчалаши, гуллаши, дуккаги шакллана бошлаши, дуккагининг қўнғир рангга кириши ва пишиши қайд этилди [2,3].

Соя навларининг ривожланиш фазалари бошланиши ва тугаши худди шу тарзда белгиланиб борилди. Униб чиқиш даври биринчи учталиқ барглар ҳосил бўлгунча ҳисобланади; соя ўсимлигида униб чиқиш, биринчи учталиқ баргларнинг ҳосил бўлиши, ғунчалаш, гуллаш, дуккакларнинг ҳосил бўлиши ва пишиш фазалари қайд қилиб борилди. Бу фазалар доимо 10 ва 75% услубга асосан белгиланади.

Ўртача шўрланган тупроқлардаги соя навлари баргларидаги хлорофилл йиғиндисини ўсимликнинг ривожланиш фазалари (биринчи учталиқ барглари, шохлаш, ғунчалаш, гуллаш ва пишиш) да аниқланди. Тажрибада соя навларидаги хлорофилл миқдори Д.И.Сапожникова услубига асосан аниқланди, бунда 80% этил спирти ва 0,1 г янги соя барглари олинди. Эритмада филтрланган хлорофиллнинг сонли миқдори спектрофотометрда аниқланди, баргдаги хлорофилл миқдори эса Вернон формуласи бўйича аниқланиб борилди. Соя

навларининг Нитрофикс II препарати билан ва препаратсиз ҳамда экиш муддатларига қараб, ўсиш ва ривожланишини кузатиш учун ҳисоб пайкалларида 20 тадан модуль ўсимликлар ажратиб олиниб, уларга ёрлик (этикетка)лар осиб қўйилади. Барча биометрик кузатишлар ана шу ўсимликларда олиб борилади. Ҳар 15 кунда модуль ўсимликлар бўйининг баландлиги ўлчанди, ҳосил бўлган барг, ён шоҳлар ва дуккаклари сони санаб чиқилди [1,2,3].

Соя навлари	Улиб чиқиши		1чи утчалик барг ҳосил бўлиши		Ғунчалаш		Гуллаш		Цилиш		Ўсув даври кун ҳисобида
	10%	75%	10%	75%	10%	75%	10%	75%	10%	75%	
	Нитрофикс II препаратсиз 12.04.2019 йил 1.1										
Нафис	28.04	02.05	07.05	11.05	24.05	26.05	28.05	30.05	23.08	28.08	119
Селекта-302	28.04	02.05	08.05	12.05	25.05	27.05	29.05	31.05	02.08	07.08	98
Эрика	28.04	02.05	07.05	11.05	26.05	29.05	01.06	04.06	25.08	30.08	121
Дўстлик	27.04	01.05	06.05	10.05	26.05	29.05	01.06	04.06	27.08	31.08	123
Нитрофикс II препаратсиз 12.04.2019 йил 1.2											
Нафис	27.04	01.05	06.05	10.05	23.05	25.05	27.05	30.05	24.08	29.08	121
Селекта-302	28.04	02.05	07.05	11.05	24.05	27.05	29.05	31.05	01.08	06.08	97
Эрика	28.04	02.05	07.05	11.05	26.05	29.05	01.05	04.06	25.08	30.08	121
Дўстлик	27.04	01.05	06.05	10.05	27.05	30.05	02.05	04.06	27.08	01.09	124
Нитрофикс II препаратсиз 12.04.2019 йил 1.3											
Нафис	28.04	02.05	07.05	11.05	24.05	26.05	28.05	31.05	25.08	30.08	121
Селекта-302	28.04	02.05	07.05	11.05	24.05	26.05	28.05	30.05	02.08	06.08	97
Эрика	28.04	02.05	07.05	12.05	27.05	30.05	02.06	05.06	26.08	31.08	122
Дўстлик	26.04	30.04	05.05	10.05	27.05	30.05	02.06	05.06	26.08	31.08	124
Нитрофикс II препаратсиз билан 12.04.2019 йил 1.1											
Нафис	28.04	02.05	07.05	10.05	23.05	25.05	27.05	29.05	25.08	30.08	121
Селекта-302	27.04	01.05	08.05	11.05	24.05	26.05	28.05	30.05	02.08	06.08	98
Эрика	26.04	01.05	07.05	10.05	27.05	30.05	02.06	05.06	27.08	01.09	124
Дўстлик	26.04	30.04	06.05	09.05	26.05	29.05	01.06	04.06	25.08	01.09	125
Нитрофикс II препаратсиз билан 12.04.2019 йил 1.2											
Нафис	28.04	02.05	08.05	11.05	24.05	26.05	28.05	30.05	24.08	29.08	120
Селекта-302	27.04	01.05	09.05	12.05	25.05	27.05	29.05	30.05	02.08	07.08	99
Эрика	27.04	01.05	08.05	11.05	26.05	29.05	01.06	04.06	26.08	31.08	123
Дўстлик	27.04	01.05	07.05	10.05	27.05	30.05	02.06	05.06	27.08	01.09	124
Нитрофикс II препаратсиз билан 12.04.2019 йил 1.3											
Нафис	28.04	02.05	07.05	10.05	23.05	25.05	27.05	29.05	25.08	30.08	121
Селекта-302	28.04	02.05	08.05	11.05	24.05	26.05	28.05	30.05	03.08	07.08	98
Эрика	28.04	02.05	07.05	10.05	27.05	30.05	02.06	05.06	27.08	01.09	123
Дўстлик	28.04	01.05	06.05	10.05	27.05	30.05	02.06	05.06	28.08	02.09	125

Барг сатҳи А.А.Ничипорович (1963 й.) усулида аниқланди. Туп сони ва тупдаги барг вазнига асосланиб, пайкалларидаги барг юзаси аниқлаб чиқилди. Вариантларда кўк поя ҳосили тўпланиши ривожланиш фазаларида ҳисоб олиб бориладиган пайкал бўйича 5 тадан

ўсимлик кесиб олиниб, ҳўл ҳолида ва қоғоз пакетларга солиб соя жойга осиб қўйилади ва орадан 40 кун ўтгач қуритилиб, тортилди. Туганакларнинг экиш муддатлари бўйича ҳамда соя навлари илдизларида жойлашиш ва ривожланиш жараёни ўрганилди. Соя навларини асосий экин сифатида экиш меъёри, муддатлари, нитрагинли ва нитрагинсиз пайкаллар ва бошқа тажрибаларда дуккакларнинг пояда жойлашиш яруси ўрганилади, шунингдек биринчи дуккакнинг ердан жойлашиш баландлиги ҳам вариантлар бўйича аниқлаб борилди. Ўтказилган тажрибалардан олинган натижалар бўйича вилоят фермер хўжаликлари ва ёғ-мой заводлари соя донини қайта ишлаш бўйича тавсиялар берилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ёрматова Д. Ўсимликшунослик. Тошкент. Шарқ. 2002 й.
2. Атабаева Х.Н. Технология возделывания сои в Узбекистане -Т. Матбуот, 1989, 68с.
3. Петибская В.С. Биохимические особенности пищевых сортов сои.//В сборнике: Итоги исследований по сое за годы реформирования и направления НИР на 2005-2010 гг 8-9 сентября 2004 г. Всероссийский научно-исследовательский институт масличных культур имени В.С. Пустовойта. Краснодар, 2004. С. 94-102.

УЎК 595.762.12

ЯНТОҚ БИОЛОГИЯСИ ВА ХЎЖАЛИКДАГИ АХАМИЯТИ

Х. Мавланов, кафедра мудири, б.ф.д., Жиззах давлат педагогика институти, Жиззах
С. Қодирова, ўқитувчи, Жиззах давлат педагогика институти, Жиззах

Аннотация. Ушбу мақолада янтоқ (*Alhagi*) туркуми турларининг тарқалиши, хўжалик аҳамияти, Ўзбекистонда учрайдиган турларнинг шу кундаги ҳолати ҳамда эко-биологик хусусияти, кўпайиш усуллари ва ҳаётий шакли тўғрисида маълумотлар берилган.

Калим сўзлар: янтоқ, *Alhagi*, инқироз, агрофитоценоз, биохилма-хиллик, *Alhagi pseudalhagi*, антибиотик, чўл, антропоген, гемиксерофит, классификация, адаптация, манна

Аннотация. В данной статье представлена информация о распространении видов рода *Alhagi*, их экономическое значение, современное состояние видов в Узбекистане, а также эколого-биологические характеристики, способы размножения и формы жизни.

Ключевые слова: янтак, *Alhagi*, дегерация, агрофитоценоз, биоразнообразие, *Alhagi pseudalhagi*, антибиотик, пустыня, антропогенный, гемиксерофит, классификация, адаптация, манна

Abstract. This article provides information on the distribution of species of the genus *Alhagi*, their economic significance, the current state of species in Uzbekistan, as well as ecological and biological characteristics, methods of reproduction and forms of life.

Key words: yantak, *Alhagi*, degradation, agrophytocinosis, biodiversity, *Alhagi pseudalhagi*, antibiotic, desert, anthropogen, hemixerophyte, classification, adaptation, manna.

Аксарият кўплаб турлар табиат ва инсонлар ҳаёти учун фойдали бўлиб, халқ хўжалигида катта аҳамият касб этади. Бундай ўсимлик турларини ўрганиш, кўпайтириш, оқилона ва тўғри фойдаланиш ва уларни келажак авлод учун сақлаб қолиш шу кунда инсоният олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Айникаса, атроф-муҳитга ва табиий экотизмларга бўлаётган антропоген, техноген таъсирлар натижасида ўсимликлар табиий жамоаларида кузатилаётган инқирозий ҳолатларни ўз вақтида аниқлаб олиш, ўсимликларнинг ўзгараётган эколого-ценотик шароитидаги жавоб реакцияларини туғри баҳолаш ҳамда селекцион ишларни олиб боришга илмий асосланган тавсияларни бериш муҳим ўрин эгаллайди [1].

Республика ҳукумати томонидан табиатни муҳофаза қилишга, флора ва фауна хилма-хиллигини асрашга бағишлаб қабул қилинаётган қонун ва қарорлар давлатнинг бу борада безътибор эмаслигини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин 1995 йили «Биохилма-хиллик бўйича конвенция» кўрсатмаларини бажариш бўйича юртимизда қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил «Ўсимлик ва ҳайвонлар оламини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш» туғрисидаги қонуни қабул қилинди ва уларга асосий вазифалар сифатида флора ва фаунанинг тур бўйича таркибини ва генетик фондини табиий шароитларда сақлаб қолиш ва бойитиш, ўсимлик дунёсидан оқилона фойдаланиш ва интродукцион ишларни кўпайтириш вазифалари белгиланган.

Флорамизнинг ҳар бир вакили ўзига хос ўринга ва хусусиятига эга. Республикамиз табобат оламининг кўплаб турлари қимматли ем-хашак, саноат ва хўжалик учун хом-ашё берувчи ўсимликлар ҳисобланади. Шундайлардан бири янтоқ ўсимлигидир.

Янтоқ (*Alhagi*) араб тилидан келиб чиққан бўлиб, зиёратга борувчи (хаж) дегани. Макка йўлида ойлаб-йиллаб машаққатли йўл босиб ўтган зиёратчилар йўл бўйларида кўплаб учраб турадиган янтоқ ўсимлигидан ҳожатлари учун фойдаланишган (маннаси, суви, хашаги ва озукаси) ва уни Оллоҳнинг инъоми дейишган [2].

Тошкент давлат аграр университетининг собиқ профессори В.А. Буригиннинг фикрича, ёнтоқ чол ҳудудидан ўтувчи савдогарлар, сайёҳлар ва зиёратчилар учун йўл кўрсатувчи маёк вазифасини ўтаган. Бизнинг кузатувларимиз ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Дарҳақиқат, ўрта асрларда чўл транспорти сифатида асосан туялардан фойдаланилган. Туялар ҳаракати давомида янтоқлар билан озиқланар экан, янтоқ уруғлари уларнинг ошқозонида скарификация жараёнига учраб йўл бўйларида янтоқзорланинг пайдо булишига сабаб бўлган. Шу тариқа сахро йўлларида янтоқ чизиқлари пайдо бўлган. Бу қадимги йўллар шу кунда “Буюк ипак йўллари” дейилади.

Янтоқ ўсимлигининг илмий классификацияси :

бўлим: *magnoliophyta*, синф: *magnoliopsida*, тартиб: *fabales*, оила: *fabaceae*, туркум: *alhagi*. Илмий синоними: *Alhagi maurogum auct.p.p.*

Маълумотлар баъзаси маълумотларига кўра туркум 7 турни ўз ичига олади:

- **Alhagi canescens* (Regel) B. Keller Shap
- **Alhagi kirghisorum* Schrenk
- **Alhagi pseudalhagi* (m.Bieb) Desv.ex B. Keller Shap.
- *Alhagi sparsifolia* Shap.
- **Alhagi persarum* Boiss
- *Alhagi maurogum* Medic.

Етита турдан * белгили тўрттаси Ўзбекистон Республикасида учрайди. Янтоқ турлари ер шарининг кўпчилик давлатлар ва ҳудудида кенг тарқалган. Марказий Осиёнинг ҳамма Республикаларида, Россиянинг Жанубий Европа қисмида, Кавказда, Эрон, Афғонистон, Бирлашган Араб давлатлари, Озарбайжон, Кичик Осиё, Қорақум, Қизилқум чўлларида *Alhagi maurogum* тури кенг тарқалган бўлиб, ер шарининг 4 та континентида учрайди [3].

Alhagi туркуми вакиллариининг бунчалик катта ҳудудларини эгаллашда унинг курғоқчил (арид) шароитига мослашишдаги кенг адаптация имконияти ва толерантлиги, шунингдек экологик, биологик ва физиологик жараёнининг устунлиги ётади.

Alhagi туркуми вакиллариининг келиб чиқиш замонавий маркази (7 турдан 5 таси бўлган) Марказий Осиё эканлиги аниқланди [4].

Ҳаётий шаклга кўра янтоқ турлари ўтсимон, узун илдиз пояли, тиканли кўп йиллик, кучли ёғочланган ўқ илдизли ва ер усти асосигача қурийдиган гемикриптофит.

Янтоқ турлари ичида озуқалик сифати бўйича *Alhagi Pseudalhagi* тури кадрли ҳисобланади. Яшил массаси унинг 12 дан 100 ц. гектаргача, хашаги эса 6 дан 40 ц. гектаргача бўлади.

Янтоқ турлари асалшира, эфир мойи, витамин, бўёқ берадиган ва шифобахш препаратлар, алкоғолсиз ичимликлар тайёрлашда зарур хом-ашё ҳисобланади. Бундан ташқари янтоқдан озиқ-овқат мақсадида, тупроқни азот билан бойитишда, кўчма қумларни мустаҳкамлашда ва тупроқ нурашида кенг фойдаланиш мумкин. Лекин янтоқ илгари ҳам, ҳозир ҳам чўл ва ярим чўл чорваси учун қимматли ем-хашак ўсимлиги сифатида катта аҳамият касб этади. Янтоқнинг дориворлик хусусияти ҳам юқори бўлиб, у қуйидаги касалликларни даволашда ишлатилади: йўтал, шамоллаш, кўз хиралашиши, бош оғриқ, ревматизм, сийдик ҳайдаш, тиш оғриғи, дизентерия, ич кетиш, яра, жароҳат, гемморой, ошқозон-ичак ва гинекологик касалликларда.

Янтоқнинг гули, пояси ва илдизидан тайёрланган чой кўчманчи чорвадорларни, сафарга отланган бутун бир савдо карвонининг ҳаддан ташқари кучли бўлган қуёш радиациясидан сақлаган. Афғонда ва экстремал шароитда хизмат қилган ҳарбийларни инфекциядан касалликлардан сақлашда янтоқдан фойдаланилган.

Янтоқнинг асосий бойлиги унинг антибактериал ва аъло энергетик хусусиятига эга эканлиги, ундан стафилококк, стрептококк, дизентерия, ич кетиш каби оғир касалликларни даволашда фойдаланилади. Шамоллашда самара беради ва аъло даражадаги гепатопротектор ва антиоксидант ҳисобланади. Сервитаминлиги сабаб (А, С, Е, ва Р) ундан иммунитетни

кўтаришда фойдаланиш мумкин. Ўзининг таъсири бўйича рутиндан қолишмайди. Янтоқдан тайёрланган экстракт инсонлар қаришини олдини олади ва организмни ёшартиради.

Озарбайжонда янтоқнинг *Alhagi pseudalhagi* турида 8 та флавоноид компоненти топилган [5]. Ўзбекистонда флавоноидларнинг 10 хили аниқланган, бу биологик фаол моддалар замонавий фармацевтикада ўз ўрнини кутмокда. Янтоқ ўтида ҳар-хил касалликларни даволовчи ва шу қатори ўпка силини олдини олувчи муҳим биологик фаол моддалар борлиги аниқланган. Келтирилган факт янтоқни ўпка силини даволашдаги комплекс терапияга таклиф этилган ўсимликлар рўйхатига киритилишини тақозо этади [6].

Янтоқнинг *Alhagi kirgisorum* тури Қозоғистон республикаси фармакологиясига киритилган, уни чўл табиби деб ҳисоблашади. Тайёрланган дамлама ва чойи кўп касалликларни даволашда ишлатилади. Улуғ донишманд, тиббиёт фанининг билимдони Абу Али ибн Сино (Авицена) ўзининг асарларида янтоқнинг сеҳргар бўлган маннаси ҳақида кўп эслатади [7]. Маннанинг ҳақиқий номи «Таранджубин». Қадимда у нафақат ширинлик ўрнида, балким универсал дори сифатида ишлатилган.

Биз табиатда (Нурота туманида) *Alhagi pseudalhagi* тури тиконларида шакар доналарининг (маннаси) ҳосил бўлганини кўрганмиз. Ҳосилдорлиги бир туп ўсимлик ҳисобида 2-4 гр. ташкил этса, гектарига 15-20 кг. манна ҳосил қилади. Манна ҳосил бўлиши йилнинг фасли ва иқлимга боғлиқ. Манна кристаллари оддий шакарга ўхшайди, ранги очик-сарик, таъми асал таъмига хос. Манна ҳосил қилиши бўйича *Alhagi persarum* тури яхши ҳисобланади.

Қадимги Хоразм тарихидан маълумки янтоқни юқори чидамли ғиштларни пиширишда ишлатишган. Бундай ғиштлар минора, мачит, гумбаз, қудуқ ва ҳимоя деворларини қуришда ишлатилган. Яна бир қизиқарли фактни келтириб ўтаемиз. Бутун дунёга таниқли француз, сув ости тадқиқотчиси Жак Ив Кусто жуда кўп ўтказилган тестлардан кейин узок сув остида оғир шароитда ишлайдиган ходимлари учун янтоқ асалини танлаган [8]. Кўпчилик тажрибали асаларичилар асал дунёсининг қироли деб янтоқ гулидан олинган бриллиант рангли асални айтишади.

Ўзбекистон, Туркменистон ва Тожикистонда табиий янтоқзорлардан тарвуз етиштиришда ҳам фойдаланилади. Бу усул асосан сув таъминоти ёмон бўлган ҳудудларда қўлланилади. Эрта баҳорда март ойи охири ва апрель ойи бошларида янтоқ илдизи бўғзи ўртасидан ёрилиб унга тарвуз уруғи қадалади ва боғлаб қўйилади. Бу усулда етиштирилган тарвузлар бозорбоп бўлиб, ўзининг бетакрор шираси ва таъми билан ажралиб туради. Бу тарвузлар шифобахш бўлиб, кон тозалашда ва буйрак касалликларини даволашда оммабоп усул ҳисобланади. Янтоқ ўзининг ўта кучли яшовчанлиги (адаптацияси) ва толерантлиги билан кўплаб одамларни таажжубга солган. Араблар янтоқнинг ўта ноқулай бўлган табиий (экстра арид) шароитида ўсишини кўриб унга «боши оловда – оёғи сувда» деб таъриф беришган. Табиатда янтоқ ўсимлигининг 6-7 ой сув остида қолган ҳолда ҳам ўзининг яшовчанлигини йўқотмаганлиги кузатилган.

Сув босган ҳудудларда ўсимлик вегетацияси 3,5-4 ой давом этади. Уларнинг бўйи паст бўлади ва гулламайди. Бундай шароитда кўпчилик сув ўтлари ҳам ўса олмаслиги ёки ўса олиши қийинлиги кўпчиликка маълум. Янтоқ нафақат сувнинг сероблиги ёки танқислигига яхши чидай олади, балки иссиқ иқлимга ҳам ўта бардошли ҳисобланади. Республикаимизнинг чўл, ярим-чўл ва адир ҳудудларида ёзнинг жазирама кунларининг яқинлашиши билан эфемер, эфемероид ва кўп йиллик ўсимликлар вегетацияларини тугатиб қуриб-қовжирай бошлайди. Бу даврдан бошлаб янтоқнинг ўсиб ривожланиши интенсив кучаяди. Ёзнинг келиши билан чўллар сарик рангга айланиб қолади. Янтоқзорлар бундай қовжираб қолган ҳудудларда ям-яшил воҳани эслатади.

Чўлнинг баъзи ҳудудларида ҳарорат қумда 70-73°C градусга етади. Шундай шароитда ҳам янтоқ яшашни давом эттираверади. Ёнгин натижасида табиатда ўсимликлар қоплами нобуд бўлади. Лекин бу майдонларда тез муддатларда янтоқ қайта ўсиб чиқа бошлайди ва биринчилар қаторида ҳудудни эгаллайди. Янтоқ пояларида унувчанлик энергетикаси (регенерация) шунчалик кучлики у 5-15 см асфальтни, 40-70 см тупроқ қатлами ёриб чиқиши мумкин.

Янтоқнинг яна бир хусусияти шундан иборатки у ер ости сувлари яқин бўлган ва тез-тез сув босиб турадиган майдонлардаги сув сатҳини тушуриб, тупроқнинг сув режимини яхшилади. У табиатда табиий тирик дренаж вазифасида ҳам қатнашади. Янтоқ келиб чиқиши бўйича намли шароит ўсимлиги бўлганлиги сабаб, унинг сув таъминотида бўлган талаби юқори ҳисобланади. Бир туп янтоқ ёруғ кун бўйи 2,5 литргача сув буғлатиши

мумкин. Янтоқнинг бу ўзига хос физиологик жараёнидан фойдаланиб чўл шароитида 1 м² полиэтилен халта ёпиш усули билан кун буйи 2-2,5 литр шифобахш чанқоқбости суюқлик олиш мумкин. Бир гектар майдондаги янтоқ туплари 350 тонна ер ости сувини қабул қилиб уни буғлатиш хусусиятига эга. Бу хусусияти билан табиатда бўладиган сувнинг айланишида иштирок этади. Янтоқнинг йўғон ўқ илдизи атрофида тупрок намлиги 2-3% га юқори бўлиши унинг ижобий аллелопатияга эга эканлигини билдиради. Янтоқ дуккакли ўсимлик бўлганлиги сабаб, унинг кўп тармоқли илдизларида атмосфера азотини ўзлаштирувчи азобактериялар борлиги аниқланган. Янтоқ гектарига тупроқда 200 килограмгача азот тўплаши мумкин. Бу кўрсаткич тупроқни минерал ўғит билан бойитиб, мелиоратив ҳолатини яхшилашини билдиради. Янтоқнинг 2 м чуқурликда бўлган қисмида ҳам азот бактериялари борлиги аниқланган. Шунинг учун қадимда деҳқонлар ерларни ўзлаштириш ва деҳқончилик қилишда янтоқ майдонларидан унумли фойдаланганлар. Янтоқзорлар тупроқни органик моддалар билан бойитувчи яшил ўғит ҳам ҳисобланади. Янтоқни июнь ойида 25-27 см ҳайдаш орқали бир гектар майдонни 10-15 тонна янтоқ массаси, яъни органик ўғит билан таъминлаш мумкин. Бу усул билан ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланади, гумус таркиби бойитилади. Янтоқни вегетатив тез кўпайиши ундан яшил ўғит (сидерат) сифатида 2-3 йилда 1 марта фойдаланиш мумкинлигини билдиради. Қозоғистонда янтоқнинг бу хусусиятларидан илмий асосда фойдаланиш ишлари бошланган. Янтоқдан экологик тоза бўлган органик ўғит – биогурус олиш илмий асосланган. Бундай биогурус олишда янтоқда учрайдиган *Eisenia fetido* ёмғир чувалчангидан фойдаланилган. Бундай биогурусларни олиш ўта кам ҳаражат бўлиб, тупроқ унумдорлиги паст бўлган чўл тупроқларининг мелиорациясини яхшилашда кўл келади [9]. Шундай қилиб, янтоқ ўсимлиги бошқа хусусиятлари билан бир қаторда республикамизнинг қурғоқчил ва ярим қурғоқчил ҳудудлари учун энг яхши фитомелиораторлардан бири ҳисобланади. Янтоқ пояларидан темир йўл ва автойўлларни кум босишдан ҳимоялашда ҳам фойдаланилади.

Янтоқнинг радиацияга қарши самарали восита эканлиги унинг олам – шумул аҳамиятга эга эканлигини билдиради [10]. Гули углеводга бой бўлиб, ширин таъм бергани учун, уни ёш болалар истеъмол қилишган. Ўтин билан таъминланмаган чўл ҳудудларида янтоқдан ўтин сифатида ҳам яхши фойдаланилади.

Биологияси бўйича янтоқ турлари ўзаро яқин. Апрель ойининг биринчи ярмидан ўса бошлайди, вегетатив органларининг интенсив ўсиш даври апрель-май, генератив шаклланиш май ойи охири, гуллаши майнинг учинчи декадасидан то совуқ тушгунча, уруғ пишиши сентябрь-октябрь. Сернам келган йиллари янтоқни бир марта ўриб олиб кейин яйлов сифатида фойдаланиш мумкин.

Янтоқ ўзининг кўп тармоқли, фойдали ўсимлик бўлишига, инсонлар учун берилган бир табиий инъом бўлишига қарамасдан ундан фойдаланиш даражаси паст ва бугунги кун талабига жавоб бермайди. Саноат ва фармацевтика даражасида фойдаланиш йўлга қўйилмаган, лекин янтоқ азал –азалдан чўл чорваси учун ем-хашак базаси бўлиб келган, ҳозирги кунда ҳам асосан шу мақсадда фойдаланилмоқда.

Охирги 15-20 йиллик кузатувлар унинг табиий майдонларининг ва ҳосилдорлигининг камайиб бораётганлигидан далолат бермоқда. Янтоқзорларнинг антропоген, техноген таъсирлар ва режасиз фойдаланиш оқибатида инкирозлашиб бориши, келажакда Ўзбекистонда ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари қурғоқчил ҳудудларида қорақўлчилик, қўйчилик ва туячиликнинг ривожланишини қийинлаштиради.

Янтоқнинг экстра-арид шароитларда ҳам бемалол ўсишида унинг кучли илдизлари билан бирга, тиконлари, кичик барглари, поясининг оқиш тусга кира олиши, кечки туманли ҳаводан намни конденсация қилиши ва афил ҳолатга ўта олиши ҳам роль ўйнайди. Афил ҳолати янтоқларда гипсли чўлларда ёзнинг жазирама (гармселли) кунларида юзага келади, яъни янтоқ сув танқислигига маълум бир қисм баргининг тўкилиши билан жавоб беради.

Адабиётларда янтоқ илдизининг чуқурлиги ҳақида ҳар-хил маълумотлар маълум 10, 20-30 метр ва ҳоказо. Биз чўл шароитида (Нуротада) кудукларда 18 метргача тушганлигини кузатганмиз. Суваиш каналининг қурилишида янтоқнинг 33 метрга етган илдизи қазиб олинганлиги ҳақида маълумотлар бор. Бу ҳали чегара эмас. Қизилқум чўлларида унинг илдизи 45 метрга етиш мумкин (бу тахминан 15 этажли уй дегани). Янтоқзорлардан интенсив фойдаланиш билан бир қаторда уларнинг кўпайиш усуллари ҳам қизиқиш юзага келади.

Янтоқ чўл ва ярим чўл (экстра арид) ҳудудларида - вегетацияси энг узоқ давом этадиган, пайҳондан кейин интенсив тез ўсадиган, силос ва пичан берадиган ягона ўсимлик

ҳисобланади. Янтоқзорларни яхшиламасдан туриб чўл чорвасини интенсив ривожлантириш кийинчилик туғдиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мадумаров Т.А. Ўсимликлар биохилма-хиллигини муҳофаза қилишда улардан оқилона фойдаланиш – давр талаби/«Ўсимликлар ҳаётий стратегиялари ва репродукция жараёни» мавзусидаги республика илмий семинари материаллари тўплами. Гулистон -2016, 5-бет.
2. Соколовский С.В. Наказание для грешника и отрада для верблюдов//растения из садов Священного Корана. – М.: САД, 2008.
3. Alhagi maurogum Medik (электронный ресурс). URL: www.Legumes-online.net/ildis/aweb/tdo25/td05070ntm.
4. Мавланов Х. Янтакчики Узбекистана и пути их оптимизации. дисс. на соискание учебной степени доктора биологических наук. Ташкент- 1997.
5. Наврузов З. и др. Растительные ресурсы – 2010. – Т.46- с.92-98.
6. Федько И.В. Перспектива использования верблюжьей колючки в медицине// Вестник Забайкальского государственного университета. -2013. -№ 6 (97). – с. 86-89.
7. Абу Али ибн Сина (Авиценна) Канон врачебной науки (том 1-6.-Ташкент). 1979-1982. - с. 550-832.
8. Якубов Фахриддин. Agraru.com / samye-luchshie-sorta-myoda. Агроинфо 27.07.2019.
9. Жакаева Ж.М., Алибаев Н.Н. – разработка биогумуса в пустынных и полупустынных зонах Казахстана //Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. – 2016. - № 5 (часть1) – С. 83-85
10. //http://www.rasteniya-lecarstvennie.ru/358-rasteniye-verblyuzhyakolyuchka.html

УЎК 375.113+577.113+633

БУҒДОЙ САРИҚ ЗАНГ (*Puccinia striiformis f.sp. tritica*) КАСАЛЛИГИНИ ВИРУЛЕНТЛИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ЎРГАНИШ

Д.А. Муллаев, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, Тошкент
Х.С. Тўрақулов, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, Тошкент
Б.Х. Чинниқулов, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, Тошкент
Д.Ш. Эржигитов, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, Тошкент
С.М. Исоқулов, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, Тошкент

Аннотация. Мақолада галлачилик соҳасининг асосий муаммоларидан бири бўлган бугдой сариқ занг (*Puccinia striiformis f.sp. tritica*) касаллигини Жиззах вилояти Галлаорол туманидан келтирилган намунасининг вирулентлик хусусияти ўрганилганлиги ёритилган. Касаллик намунаси вирулентлик хусусиятига кўра 207E217 ирқ формуласи ҳисоблаб топилган. 207E217 ирқи Yr1, Yr7, Yr6, Yr4, YrND, Yr8, YrSP, Yr2+, Yr17, Yr9, Yr25, Yr27 генлари ва Yr3+ Yr4, Yr9+Yr2+, Yr31+APR генлар комбинацияларига вирулент ҳамда Yr10, Yr5, Yr7+, Yr6+, Yr32, Yr29 генларига авирулент эканлиги баён этилган.

Калит сўзлар: бугдой, ирқ, сариқ занг, инокуляция, ген, тўплам, спора, касаллик, вирулент, авирулент.

Аннотация. В статье описывается вирулентность образца желтой ржавчины пшеницы (*Puccinia striiformis f.sp. tritica*) из Галлаорольского района Джизакской области, что является одной из основных проблем в зерновой промышленности. Образец заболевания рассчитывали по расовой формуле 207E217 в соответствии со свойством вирулентности. Установлено, что 207E217 расы Yr1, Yr7, Yr6, Yr4, YrND, Yr8, YrSP, Yr2+, Yr17, Yr9, Yr25, Yr27 гены и Yr3+4+ другие, Yr9+Yr2+, Yr31+APR являются вирулентными, Yr10, Yr5, Yr7+, Yr6+, Yr32, Yr29 гены являются авирулентными.

Ключевые слова: пшеница, раса, желтая ржавчина, инокуляция, ген, коллекция, спора, болезнь, вирулент, авирулент.

Abstract. The article describes the virulence of a sample of wheat yellow rust (*Puccinia striiformis f.sp. tritica*) from Gallaorol district of Jizzakh region, which is one of the main problems in the grain industry. The disease sample was calculated by the race formula 207E217 according to the virulence property. It is stated that 207E217 race Yr1, Yr7, Yr6, Yr4, YrND, Yr8, YrSP, Yr2+, Yr17, Yr9, Yr25, Yr27 genes and Yr3+4+other, Yr9+Yr2+, Yr31+APR gene combinations are virulent, Yr10, Yr5, Yr7+, Yr6+, Yr32, Yr29 genes are avirulent.

Key words: wheat, race, yellow rust, inoculation, gene, combination, spore, disease, virulence, avirulence.

Бугдой етиштиришда энг долзарб муоммалардан бири сариқ занг касалликларининг тарқалишидир. Бу касалликнинг тарқалиши деҳқон хўжалиқларига катта иқтисодий зарар келтириш билан бирга, уларга қарши кимёвий кураш олиб борилганда табиий мухитнинг

ифлосланишига сабаб бўлади. Шу нуқтаи назардан сариқ занг касаллигини ривожланиши ва тарқалишини ўрганган ҳолда республикамиз ғалла майдонларида тарқалиб келаётган сариқ занг касаллигини ирқ таркибини доимий равишда ўрганиш керак бўлади.

Сариқ занг замбуруғлари келтириб чиқарадиган касаллик бошокли дон экинларида учрайдиган энг зарарли касаллик ҳисобланади [1].

Puccinia striiformis f.sp. tritici вирулентлик (патогеннинг ўсимликни касаллантира олиши) хусусиятига кўра, энг катта даражада ўзгарувчан хилма-хилликка эга патоген ҳисобланади [2].

Янги генлар тасодифий кайта мутацияланиш, организмдаги доимий равишда содир бўладиган генетик ўзгарувчанлик ва патоген генетик материалнинг кайта тузилиши туфайли пайдо бўлиши мумкин. Бундай патоген индивидлари аввал ҳам бўлган бўлиши мумкин, лекин умумий патоген популяциясининг жудаям оз қисмини ташкил қилади ва янги чидамлик генига эга бўлган нав кенг микёсда экила бошланмасидан олдин жуда ҳам кам даражада бўлган. Аммо, бу чидамли ўсимликлар экила бошлангач, янги чидамлик гени шу навларни зарарлай оладиган янги вирулентлик генига эга бўлган жуда кам микдордаги патоген индивидларидан ташқари бошқа барча патоген индивидларини нобуд қилади ёки уларни ҳаракатини тўхтатади. Янги генга эга бўлмаган патогенларнинг нобуд бўлиши ёхуд тўхталиши янги генга эга жуда кам микдордаги патогенларнинг кўпайишига ва нобуд бўлган популяциясининг ўрнини эгаллашига йўл беради [3].

Ҳозирги кунда дунёнинг кўпгина давлатларида занг касаллигининг вирулентлик таркиби доимо кузатиб борилади. Бунинг асосий сабабларидан бири агарда ирқлар таркибида ўзгариш содир бўлса, яъни вирулентли ирқ пайдо бўлса, селекция жараёни ушбу генлардан фойдаланишни тўхтатишни ҳамда бошқа генлардан фойдаланишни тақозо этади [4].

Сариқ занг касаллигининг тарқалиши, ривожланиши ва ирқлар таркибини аниқлаб, шу сариқ занг ирқларига чидамли бўлган навларни ажратиш ва ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этиш ғаллачиликнинг келгуси ривожланишига хисса қўшади.

Материал ва услублар. Бугдой далаларининг мониторинги Жиззах вилояти бўйлаб апрель ойининг охири ва май ойининг бошларида, сариқ занг касаллигининг бугдой далаларида асосий тарқалиш мавсуми даврида ўтказилди. Далада сариқ занг касаллигининг урединиоспоралари намуналари касалланган ўсимлик барглари ҳаво ўтказувчи қоғоз пакетчаларга жойлаштириш орқали йиғилди. Касалланган барглар ҳавода куритилиб, инокуляция ишларига қадар +4-+5 °C ҳаво ҳарорати шароитида сақланди.

Вирулентлик ва касаллик ирқларини аниқлаш. Бугдой сариқ занг (*Puccinia striiformis f.sp. tritica*) касаллигининг иркини Johnson R., бошқалар услубида Жаҳон (9 та: Chinese 166, Lee, Heine's Kolben, Vilmorin 23, Moro, Strubes Dickopf, Suwon92 x Omar, Clement ва Triticum spelta) ва Европа (8 та: Hybrid 46, Reichersberg 42, Heine's Peko, Nord Desprez, Compare, Carstens V, Spalding Prolific ва Heines VII) дифференциатор навлари тўплами ёрдамида аниқланди. Изолятни вирулентлик хусусиятларини янада кенгрок ўрганиш учун қўшимча (Yr8 Avocet NIL, Yr17 Avocet NIL, Lal Bahodur (Yr29), Pastor (Yr31+APR), Yr7 Avocet NIL, Fed4/Kavkaz (Yr9), TPI 1295 (Yr25), Yr27 Avocet NIL) навлардан ва чидамсиз назорат нав сифатида Мороссодан фойдаланилди. Мороссо нави геномида сариқ занг (*Puccinia striiformis f.sp. tritici*) касаллигига чидамли ген аниқланмаган. Ушбу тўплам бугдой намуналари уруғлари 10 см диаметри тувакчаларга тупрок, кум ва гумусли аралашмага (3:3:4 нисбатда) 7-8 донадан экилди [5].

Сариқ занг замбуруғлари урединиоспораларини жонлантириш учун йиғиб келинган ва +4-+5 °C ҳаво ҳарорати шароитида сақланаётган касалланган барглари олиниб, сув билан намланган филтр қоғоз солинган Петри идишларига жойлаштирилиб, қоронғи муҳитда 10-15 соат давомида сақланди. Жонлантирилган урединиоспоралар 10 кунлик ва биринчи барглари тўлиқ очилган бугдой майсаларига Солтрол 170 минерал ёғига аралаштирилган ҳолда сепиш орқали инокуляция қилинди. Инокуляция қилинган намуналар инкубация жараёнини ўтказиш учун +9°C ҳаво ҳарорати ва 100% намлик шароитида қоронғулик муҳитида 24 соат давомида қолдирилди. Сўнгра +16-+18°C ли иссиқхонага, 12 соатлик кун узунлигида, 10 000 люксли флюорисцент лампалар остида намуналар ўстирилди.

Сариқ занг касаллигига чидамликни майсаларда баҳолаш 14-17 кундан сўнг 0-9 балл асосида баҳоланди бунда, 0-6 балл авирулентликни, 7-9 балл эса вирулентликни белгилайди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили. Тажрибамизда Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманидан (координата: 566 м, N 40.01708, E 067.60447) келтирилган сариқ занг

(*Puccinia striiformis f.sp. tritica*) касаллигининг намунаси ўрганилди. Изолят дифференциатор навларга инокуляция қилинди ва таҳлил қилинди.

Юқорида келтирилган 17 навдан иборат бўлган тўплам ва қўшимча навларнинг касалланган намуналарига тегишли бўлган ўнлик даражалари қийматини қўшиб чиқиш орқали изолятнинг ирқ формуласи аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Сариқ занг касаллигининг ирқларини аниқлашда фойдаланиладиган дифференциатор навлари тўплами

Халқаро тўплам		Генлар	Ўнлик даражалари	
1	Chinese 166	Yr1	2 ⁰	1
2	Lee	Yr7	2 ¹	2
3	Heine's Kolben	Yr6	2 ²	4
4	Vilmorin 23	Yr3+4+other	2 ³	8
5	Moro	Yr10	2 ⁴	16
6	Strubes Dickopf	Yr2+	2 ⁵	32
7	Suwon92 x Omar		2 ⁶	64
8	Clement	Yr9+Yr2+	2 ⁷	128
9	Triticum spelta	Yr5	2 ⁸	256
Европа тўплами				
10	Hybrid 46	Yr4	2 ⁰	1
11	Reichersberg 42	Yr7+	2 ¹	2
12	Heine's Peko	Yr6+	2 ²	4
13	Nord Desprez	YrND	2 ³	8
14	Compair	Yr8	2 ⁴	16
15	Carstens V	Yr32	2 ⁵	32
16	Spalding Prolific	YrSP	2 ⁶	64
17	Heines VII	Yr2+	2 ⁷	128

Тадқиқотларимизда изолят инокуляция қилингандан ўн тўрт кун ўтгач қуйидаги кўринишда баҳоланди (2-жадвал):

2-жадвал

Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидан олинган сариқ занг касаллиги изолянтини баҳолаш натижалари

Халқаро тўплам	Генлар	Касалланиш даражаси (балл)	
		1 қайтариқ	2 қайтариқ
1	Chinese 166	8	7
2	Lee	8	7
3	Heine's Kolben	7	7
4	Vilmorin 23	7	8
5	Moro	0	0
6	Strubes Dickopf	5	6
7	Suwon92 x Omar	8	7
8	Clement	7	7
9	Triticum spelta	0	0
Европа тўплам			
10	Hybrid 46	7	8
11	Reichersberg 42	6	6
12	Heine's Peko	5	6
13	Nord Desprez	8	7
14	Compair	8	7
15	Carstens V	6	6
16	Spalding Prolific	7	7
17	Heines VII	7	7
Қўшимча навлар			
1	Yr8 Avocet NIL	8	8
2	Yr17 Avocet NIL	7	7
3	Lal Bahodur (Yr29)	6	6
4	Pastor (Yr31+APR)	8	7
5	Yr7 Avocet NIL	8	8
6	Fed4/Kavkaz (Yr9)	9	8
7	TPI 1295 (Yr25)	7	7
8	Yr27 Avocet NIL	8	9
9	Morocco	9	9

Баҳолаш натижаларига кўра, изолят халқаро тўпламдан Chinese 166, Lee, Heine's Kolben, Vilmorin 23, Suwon92 x Omar, Clement навларини, Европа тўпلامидан эса Hybrid 46,

Nord Desprez, Compair, Spalding Prolific, Heines VII навларини касаллантирди (2- жадвал). Халқаро тўпландан Strubes Dickopf навини 5-6 баллик даражада, Европа тўпландан Reichersberg 42 навини 6-6 баллик даражада, Heine's Reko навини 5-6 баллик даражада, Carstens V навини 5-6 баллик даражада касаллантира олди, лекин бу изолятни ушбу навларга авирулент эканлигини билдиради. Халқаро тўпландан Мого ва Triticum spelta навларида иммун ҳолати кузатилди.

Ушбу изолят касаллантирган навларнинг 1-жадвалдаги ўнлик даража кийматлари қўшилиб 207E217 ирқ формуласи ҳисоблаб топилди.

Бундан ташқари, қўшимча навлардан Yr8 Avocet NIL, Yr17 Avocet NIL, Pastor (Yr31+APR), Yr7 Avocet NIL, Fed4/Kavkaz (Yr9), TPI 1295 (Yr25), Yr27 Avocet NIL, назорат Могоссо навларни касаллантирди. Lal Bahodur (Yr29) навини 6 баллик даражада зарарлантира олди. Қўшимча навларда иммун ҳолати кузатилмади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманидан келтирилган буғдойнинг сариқ занг касаллик намунасида 207E217 ирқ формуласи аниқланди.

Ғаллаорол туманидан келтирилган буғдойнинг сариқ занг (*Puccinia striiformis f.sp. tritica*) касаллик намунаси Yr1, Yr7, Yr6, Yr4, YrND, Yr8, YrSP, Yr2+, Yr17, Yr9, Yr25, Yr27 генлари ва Yr3+ Yr4+, Yr9+Yr2+, Yr31+APR генлар комбинациялари мавжуд буғдой ўсимликлари учун вирулентли эканлиги, Yr10, Yr5, Yr7+, Yr6+, Yr32, Yr29 генлари мавжуд буғдой ўсимликлари учун авирулентли эканлиги аниқланди. Бу эса келгусида Жиззах вилояти учун сариқ занг касаллигига чидамли буғдой навларини яратишда Yr10, Yr5, Yr7+, Yr6+, Yr32, Yr29 генлари мавжуд донорлардан кенг фойдаланиш кераклигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Wellings. C. R (2011) Global status of stripe rust a review of historical and current threats. //Euphytica//179. 129-141 pp
2. Kolmer J., Chen X., Jin Y. 2009. Diseases which challenge global wheat production-The wheat rusts// Wheat, Science and trade. B.E. Carver, ed. Wiley-Blackwell, Ames, I.A. 89-124 pp
3. George N Agrios "Plant pathology" 2005// Fifth edition. Elsevier Academic press. Florida, USA. 948 pages
4. Зияев З. Буғдойнинг сариқ занг касаллигига чидамли генлари ва уларнинг касалланиш даражаси//“Орол бўйи минтақаларида қишлоқ хўжалик экинларининг янги навларини яратиш масалалари” мавзудаги Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Қорақалпоғистон-2014. 153-155 бетлар.
5. McIntosh, R.A., Wellings, C.R., and Park, R.F. Wheat rusts: an atlas of resistance genes // Commonwealth Scientific and Industrial Research Organization, Australia, and Kluwer Academic Publishers, Dordrecht, Netherlands. 1995. 205 p.

УДК 639.591:639.615.597.423

СОХРАНИЕНИЕ БОЛЬШОГО АМУДАРЬИНСКОГО ЛОПАТОНОСА В РЕКЕ АМУДАРЬЯ

З.П. Ражабов, научный сотрудник, Хорезмская Академия Маъмуна, Хива
Ю.А. Матякубова, доц., Ургенчский государственный университет, Ургенч
Д.Д. Уринбаева, магистр, Ургенчский государственный университет, Ургенч

Аннотация. Ушбу мақолада Хоразм Маъмун академиясида катта Амударё куракбурунини сақлаб қолиш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари ҳақида сўз юритилган. Амударё сохта куракбурунларнинг яшаши манзиллари, кўпайиши ва кўчиб юриши ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Ушбу масалаларга аниқлик киритиш муҳимдир, бинобарин келгусида ушбу маълумотлар ёш Амударё сохта куракбурун чавоқларини етиштириш жараёнида амалий аҳамиятга эга.

Калим сўзлар: ихтиология, экология, Амударё дарёси, Амударё катта сохта куракбурун, табиий популяциялар, генетик фарқланишлар, сунъий етиштириш

Аннотация. В статье приводятся данные о научно-исследовательских работах по сохранению большого амударьинского лопатоноса в Хорезмской академии Маъмуна. Точные данные о миграции лжелопатоносов и местах их нереста отсутствуют. Эти вопросы требуют уточнения, т.к. имеют решающее значение при определении мест выпуска искусственно полученной молоди в перспективе.

Ключевые слова: ихтиология, экология, река Амударья, большой амударьинский лопатонос, природные популяции, генетические отличия, искусственное воспроизводство

Abstract. The article provides data on research work on the conservation of the large Amu Darya shovel in the Khorezm Academy of Mamun. As an endangered species, Amu Darya pseudo-

pathogen is listed on the IUCN International Red List. Accurate data on the migration of pseudopods and their spawning sites are not available. These issues require clarification, as are crucial in determining the places of release of artificially obtained juveniles in the future.

Key words: *ichthyology, ecology, Amu Darya river, Large Amudarya Shovelnose, natural populations, genetic differences, artificial reproduction*

Актуальность проблемы. Лжелопатоносы-рыбы семейства осетровых *Acipenseridae*, древнейшие обитатели Амударьи и Сырдарьи. Этот род включает три вида, два из которых: большой амударьинский лжелопатонос (*Pseudoscaphirhynchus Kaufmanni*) и малый амударьинский лжелопатонос (*Pseudoscaphirhynchus Hermanni*), обитают в Амударье [2].

В результате зарегулирования и изъятия стока рек, химического загрязнения водной среды и других неблагоприятных антропогенных факторов видовые ареалы амударьинских лжелопатоносов сократились, численность популяций обоих видов значительно уменьшилась. Малый амударьинский лжелопатонос по некоторым данным в настоящее время встречается единичными экземплярами в среднем течении Амударьи выше пос.Халач. Амударьинские лжелопатоносы-типичные реофилы, приспособленные к жизни в условиях быстротекущих мутных вод равнинного и предгорного течения реки. Они избегают водоемов со стоячей водой и участков рек и каналов с сильно замедленным течением, очень чувствительны к химическому и органическому загрязнению воды, повышенному содержанию в ней аммония и нитритов. В естественных условиях лжелопатоносы – медленно растущие рыбы средних и мелких размеров, ведущие придонный образ жизни. Внешне оба вида хорошо различаются тем, что у большого амударьинского лжелопатоноса на верхней стороне рыла есть загнутые назад крупные и сильные шипы числом до 9, верхняя лопасть хвостового плавника вытянута в длинную хвостовую нить (у одной из форм по утверждению местного населения хвостовая нить отсутствует). У малого амударьинского лжелопатоноса такие развитые шипы и хвостовая нить отсутствуют. Большой амударьинский лжелопатонос представлен двумя формами: крупной и мелкой. Крупную форму называют обычной, или ширококрылой, мелкую – карликовой, или узкорылой [1].

Как виды, находящиеся под угрозой исчезновения, амударьинские лжелопатоносы внесены в Красные книги Узбекистана, Туркменистана и Таджикистана, международный Красный список МСОП и Приложение II СИТЕС. Коммерческий и любительский лов лжелопатоносов полностью запрещен. Точные данные о миграции лжелопатоносов и местах их нереста отсутствуют. Эти вопросы требуют уточнения, т.к. имеют решающее значение при определении мест выпуска искусственно полученной молоди в перспективе.

Важное значение при искусственном воспроизводстве и создании маточных стад имеет более точное определение таксономического статуса различных форм обоих видов лжелопатоносов [3].

Цель настоящих исследований заключается в изучении сохранения большого амударьинского лжелопатоноса-эндемиков Амударьи, существование которых полностью зависит от гидрологического режима этой реки. Задачей исследования является изучения мониторинга состояния популяций большого амударьинского лжелопатоноса; создание рыболовной базы по разведению большого амударьинского лжелопатоноса в Хорезмской академии Маъмуна; определения мест и сроков нереста большого амударьинского лжелопатоноса; отлов производителей и получения от них икры и спермы для воспроизводства, пополнения криобанка.

Объекты исследования. Как выше сказано, объектами данного исследования являются большой амударьинский лжелопатонос, природные популяции которых в силу объективных, либо субъективных причин находятся под угрозой исчезновения. В частности, строительство ГЭС на реке Амударья в 1970-х годах привело к нарушению миграции большого амударьинского лжелопатоноса, в результате чего он находится на грани исчезновения в Хорезмской области и Каракалпакии. Малый амударьинский лжелопатонос вероятно уже не встречается в этих регионах. Отвод воды из Амударьи в целях орошения и водоснабжения привел за последние несколько десятилетий к изменению гидрологического режима этой реки, что негативно сказалось на воспроизводственном цикле лжелопатоносов в природе. Сохранение природных популяций этих уникальных рыб потребует обязательного искусственного воспроизводства и масштабного выпуска искусственно полученной молоди в реку Амударья и ее притоки для поддержания природной популяции.

Результаты и обсуждения. Согласно календарному плану проекта «Разработка технологии воспроизводства редких и исчезающих видов рыб» в 2017-2019 годах производились научные исследования по изучению мониторинга состояния популяций, биологии и экологии амударьинских лжелопатоносов. В 2019 году в ходе полевых работ был обследован участок реки Амударья в окр. Ханкинского района Хорезмской области. Результаты нескольких обловов оказались сенсационными. На данном участке была отловлена одна половозрелая (по морфометрическим показателям) особь крупной формы большого амударьинского лопатоноса (весом ок. 900 г.), несколько неполовозрелых особей крупной формы большого амударьинского лопатоноса (350-400 г. весом), несколько особей разных возрастов (в т.ч. 4 шт. половозрелые по морфометрическим показателям (длина 23-26 см, вес 90-110 г.) карликовой формы большого амударьинского лопатоноса (карликовая форма ранее не отмечалась для нижнего течения Амударьи), два экземпляра малого амударьинского лопатоноса в качестве прилова (вид находится на грани вымирания, был всегда редок (даже по данным 1940-х гг.) вероятно в силу особенностей биологии) и несколько экземпляров молоди большого амударьинского лопатоноса (5-7 см без хвостовой нити), что дает основание предполагать наличие нерестилища (нерестилиц) в нижнем течении Амударьи, в частности на территории Хорезма. В данное время разработан пищевой корм из насекомых, дождевых червяков для выращивания амударьинских лжелопатоносов.

В 2017-2019 гг. при финансовой поддержке (софинансировании) www.life-on-earth.ru (World Wildlife Fund – Всемирного фонда дикой природы) России совместно с Хорезмской Академией Маъмуна (Региональное отделение Академии Наук Республики Узбекистан) осуществили экспедицию в Узбекистан для предварительного обзорного исследования биотопов амударьинских лопатоносов на участке Амударьи ниже Туямуюнской ГЭС (Питнак-Кипчак). По плану проекта в бассейновом комплексе Академии Маъмуна удалось сосредоточить одну половозрелую (по морфометрическим показателям) особь крупной формы большого амударьинского лопатоноса, 4 половозрелых (по морфометрическим показателям) особи карликовой формы большого амударьинского лопатоноса. Все неполовозрелые особи, хотя и представляют интерес в плане отработки технологии содержания большого амударьинского лопатоноса в бассейновых условиях, но не смогут в ближайшее время послужить материалом для главной задачи: отработки технологии разведения большого амударьинского лопатоноса в бассейновых условиях.




Рис.1. Некоторые этапы развития икры и предличинок карликовой формы большого амударьинского лжелопатоноса

В ходе полевых исследований полученным результатам в 2017-2019 гг. в притоке Амударьи реке (Ханкинский район) оптимальная температура инкубации икры карликовой формы большого амударьинского лопатоноса + 19 °С. Важно осознавать, что на начальном этапе работ успех мероприятия во многом зависит от случайных факторов (учитывая редкость объекта исследований и отсутствия информации о точных координатах

нерестились, что позволило бы осуществлять весной в преднерестовый период отлов готовых к нересту лопатоносов наверняка) и что мероприятия по сбору необходимых для разведения особей могут занять не один год. Отлов лопатоносов в местах нагула дает нам возможность только случайно поймать половозрелых особей обоих полов, собирающихся нереститься в ближайший нерестовый период. Во время проведения работ на притоке Амударьи были проведены исследования морфобиологической характеристики обычной и карликовой форм большого амударьинского лопатоноса. Проведенный анализ материала не показал в полной мере состоятельность известных в настоящее время морфобиологических критериев различия этих форм.

В целом полученные данные подтверждают полифилетическое происхождение подсемейства Scaphirhynchinae. Амударьинские лопатоносы (*Pseudoscaphirhynchus*) также независимо эволюционировали в регионе нынешнего обитания с древнейших времен. Поскольку российскими специалистами был изучен кариотип только карликовой формы, но не изучен кариотип крупной формы большого амударьинского лопатоноса и мы не имеем представления о кариотипических сходствах и различиях этих форм, то при искусственном воспроизводстве мы не имеем права осуществлять гибридизацию этих двух форм и осуществлять реинтродукцию (выпуск) «гибридной» молоди в р. Амударью (рис.1). В ходе научно-исследовательских работ были сделаны следующие выводы: полового диморфизма у большого амударьинского лопатоноса не обнаружено; обнаружены половозрелые рыбы в возрасте 4-х лет; вопрос о наличии морфометрических различий между карликовой и крупной формами большого амударьинского лопатоноса остается открытым и требует дополнительного изучения, также остается открытым и требует изучения вопрос о генетических отличиях между двумя формами (в реке Вахш крупная форма большого амударьинского лопатоноса встречается эпизодически (вероятно отдельные экземпляры заплывают в р. Вахш из р. Амударья); кариотип большого амударьинского лопатоноса (карликовой формы), состоит из 118-120 хромосом, анализ которых в целом подтверждает полифилетическое возникновение подсемейства Scaphirhynchinae, и не подтверждает близкое родство *Scaphirhynchus* и *Pseudoscaphirhynchus*.

В заключение можно сказать, что, сохранение большого амударьинского лопатоноса поможет определить нынешнее состояние природных популяций, получить новую информацию по биологии большого амударьинского лопатоноса, а также может принести большой экономический эффект в сфере внутреннего и международного туристического бизнеса.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Бекчанов Х.У., Ражабов З.П., Бекчанова М.Х. Биоэкологические данные большого амударьинского лопатоноса (*Pseudoscaphirhynchus Kaufmanni*) (Bogdanow, 1874) //Вестник Хорезмской академии Маъмуна. Хива. 2014. № 4.
2. Тлеуов Р., Сагитов Н. Осетровые рыбы Амударьи. Ташкент. 1973.
3. Сохранение биологического разнообразия. Национальная стратегия Республики Узбекистан. Ташкент. 1998.

УЎК 598.294.1

МАЙНА (*ACRIDOTHERES TRISTIS*) НИНГ БАҲОРГИ ОЗИҚА ТАРКИБИНИНГ ТАҲЛИЛИ

А.Р. Райимов, PhD, Бухоро давлат университети, Бухоро
М.А. Рустамова, талаба, Бухоро давлат университети, Бухоро
Р.Р. Рахмонов, PhD, Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро

Аннотация. Мақолада майнанинг баҳор мавсумидаги озуқа спектри ва унинг биотоплар бўйича хилма-хиллиги ҳамда майнанинг трофик муносабатлардаги иштироки масалалари таҳлили берилган.

Калит сўзлар: ҳашарот, ошқозон, агроценоз, ўсимлик, ҳайвон, бугдой, арпа, маккажўхори, тарик

Аннотация. В статье анализируется спектр питательных веществ майны весной и его разнообразие по биотопам, а также роль майны в трофических отношениях.

Ключевые слова: насекомое, желудок, агроценоз, растение, животное, пшеница, ячмень, кукуруза, просо.

Annotation: The article provides an analysis of the spring-season feed spectrum of *acridotherestrictis* and its diversity in terms of biotopes, as well as the issues of *acridotherestrictis*'s participation in trophic relations.

Key words: insect, stomach, agrocenosis, plant, animal wheat, barley, corn, millet

Материал ва методика. Майнанинг озикланиш спектрини ўрганишга оид материаллар 2010-2019 йиллар давомида баҳор мавсумида Бухоро ва Қорақўл воҳалари Пешқў, Конимех, Қизилтепа Денгизқўл, Муборак тумани, Қоровулбозор, Қорақир кўли, Газли, Зафаробод, Оёқоғитма биотопларида (аҳоли яшаш пунклари, агроценозлар, сув ҳавзаларининг қирғоқ зонаси ва яйловлардан) олиб борилди. Майнанинг озик таркибини аниқлашда Г.А.Новиков, 1953 ҳамда Мальчевский, 1976 методларидан фойдаланилди [1;2;5;6].

1-жадвал

Баҳор мавсумида майнанинг тана вазни, ошқозони ва ундаги озуқа вазнлари (n=81)

Ойлар	Тана вазни (г)			Ошқозон вазни (г)			Ошқозондаги озуқа вазни (г)		
	min	max	ўртача	min	max	ўртача	min	max	ўртача
Март (n=23)	81	107	95,3±0,1 Cv% 9,1	3,0	6,2	4,9±0,17 Cv%0,85	1,8	5,0	2,7±0,36 Cv%0,96
Апрель (n=34)	94	121	109,7±0,06 Cv% 6,67	3,7	8,0	5,7±0,2 Cv%1,11	2,5	5,7	4,3±0,22 Cv%0,93
Май (n=24)	105	153	138±0,11 Cv% 15,18	4,9	9,0	7,0±0,17 Cv%1,16	3,5	5,5	5,0±0,08 Cv%0,41

Бунда 16 калибрли ов қуроли, ГАМО пневматик қуроли ҳамда балиқ овлашга мўлжалланган синтетик тўрлардан фойдаланилди. Вояга етган майналардан ажратиб олинган ошқозонлар 5% ли формалинга фиксация қилинган ҳолда лабораторияда сақланди. Ошқозонларнинг умумий вазни, уларнинг таркибидаги озуқа миқдори ва турига тегишли маълумотлар Бухоро давлат университетининг Одам ва ҳайвонлар физиологияси лабораториясида ўрганилди. Озуқа таркибидаги ҳашаротлар ва бошқа озуқаларни аниқлашда тегишли аниқлагичлардан фойдаланилди [3;4]

Натижа ва муҳокама. Баҳор мавсумида жами 81 та майнанинг озика таркиби таҳлил этилди (март ойида 23 та, апрелда 34 та, майда 24 та). Уларнинг озуқа таркиби билан бирга умумий тана ва ошқозон массалари ҳам ўрганилди (1-жадвал).

Майналарнинг умумий тана вазни, ошқозонининг умумий вазни ва ошқозонидаги озуқа вазнлари март ойидан май ойига томон ошиш тенденциясига эга. Умумий тана вазнининг ошиши ошқозон ва унинг таркибидаги озуқа миқдорининг ошишига тўғри пропорционал бўлиб, май ойида март ойига нисбатан тана вазнининг ўртача ошиши 44,8% ни, мос равишда ошқозон вазни 42,8%, ошқозондаги озуқа вазни эса 85% ни ташкил этди. Ушбу кўрсаткичларнинг ошишини майнанинг ҳаётий циклидаги ўзгаришлар (қишлаш давридан кўпайиш даврига ўтиши), озуқа турининг кўпайиши, иқлимнинг мавсумий ўзгариши каби омиллар билан тушунтириш мумкин. Турли агроценозлар, сув ҳавзаларининг қирғоқлари ҳамда яйловлардан овланган майналар ошқозонидаги озуқаларнинг учраш частотаси, озуқа турининг ҳар бир ошқозондаги учраш миқдорлари, ўрганилган ошқозонлардаги озуқаларнинг умумий миқдорлари тўғрисидаги маълумотлар 2-3 жадвалларда келтирилган. Турли агроценозлардан (ғўза, кузги буғдой, беда, аҳолининг хусусий томорқалари) жами 59 та майналар ушланди ва ошқозонидаги озуқа таркиби ўрганилди (2-жадвал).

Ўрганилган ошқозонларда 55 турга мансуб ўсимлик ва ҳайвонлар тана қисмларининг учраши аниқланди. Шундан ҳайвон турлари (личинкалари билан бирга) 43 тани (78%), ўсимликлар 12 тани (22%) ташкил этди. Ўсимлик озикларидан балх тутининг учраш частотаси (12 та, 20,33%) ва умумий сони (58 та, 4,89%) бўйича юқори кўрсаткични эгаллайди. Ҳайвонларга мансуб озик турларидан зарарли хасванинг учраш частотаси ва умумий сони юқорилиги аниқланди (мос равишда 23 та, 38,98% ва 161 та, 13,58%). Баҳор ойларида сув ҳавзаларининг қирғоқлари ва яйловлардан озуқа таркибини ўрганиш мақсадида 22 та майна ушланди (3-жадвал). Уларнинг ошқозонида 26 турга мансуб фақат ҳайвон озуқалар борлиги аниқланди. Учраш частотаси бўйича чигиртка (13 та, 59,0%), озуқанинг умумий сони бўйича қора чумоли (77 та 16,27%) етакчи ўринни эгаллаши аниқланди.

Баҳор ойларида майналарнинг ошқозонларида учраган озуқалар (3-жадвал) 59 турда бўлиб, уларни 2 та гуруҳга ажратиш мумкин. Ҳайвон озуқалари хилма-хиллиги, миқдори жиҳатидан кўп бўлиб (1420 та объект), умумий озуқанинг 85,6% ини ташкил этади.

Майналар баҳор мавсумида турли ўсимликларнинг уруғи билан ҳам озикланади. Уларнинг миқдори озуқа таркибида (238 та объект) умумий озуқанинг 14,4%ини ташкил этади (1-расм).


2-жадвал

Баҳор ойларида агроценоزلардан овланган майналарнинг (n=59) озуқа таркиби

Т/р	Озуқа тури	Озуқанинг ўрганилган ошқозоналарда учраш частотаси		Учраш миқдорлари (вариация)	Озуқанинг умумий сони	
		Мутлоқ	%		мутлоқ	%
Ўсимлик озиклари (уруғлари)						
1	Бугдой	6	10,1	1-4	16	1,35
2	Арпа	1	1,69	2	2	0,16
3	Маккажўхори	2	3,38	1-3	4	0,33
4	Мош	1	1,69	3	3	0,25
5	Шотут	9	15,25	2-7	37	3,12
6	Балх тути	12	20,33	1-9	58	4,89
7	Япон тути	7	11,86	4-10	42	3,53
8	Тарик	4	6,77	3-5	15	1,26
9	Курмак	3	5	3-6	12	1,01
11	Сули	8	13,55	2-8	43	3,63
12	Қўйпечак	2	3,38	2-4	6	0,50
	Ҳаммаси				238	20,8
Ҳайвон озиклари						
13	Ўмғир чувалчанги	9	15,25	1-3	15	1,26
14	Кичик сув шилиғи	4	6,77	1-2	4	0,33
15	Захкаш	7	11,86	1-5	23	1,94
16	Бутли ўргимчак	2	3,38	2	4	0,33
17	Оддий кунлик	3	5	4-9	19	1,60
18	Март қўнғизи	2	3,38	1	2	0,16
19	Март қўнғизи личинкаси	1	1,69	1	1	0,08
20	Қора чумоли	5	8,47	6-12	43	3,62
21	Оддий чивин	4	6,77	2-7	19	1,60
22	Оддий бузоқбоши	10	16,94	1	10	0,84
23	Кулранг темирчак	16	27,11	1-2	21	1,77
24	Мигти йиртқич ниначи	7	11,86	1-2	10	0,84
25	Уй пашшаси	4	6,77	1-8	16	1,35
26	Қора суварак	2	3,38	1-2	3	0,25
27	Олма гулхўри	7	11,86	2-4	19	1,60
28	Миср қизил қандаласи	9	15,25	2-7	37	3,12
29	Ўза тунлами	5	8,47	2-5	16	1,35
30	Тунлам капалак курти	4	6,77	1-3	7	0,59
31	Терак баргхўри	11	18,64	3-9	66	5,56
32	Зарарли хасва	23	38,98	5-9	161	13,58
33	Полиз тугмача қўнғизи	2	3,38	1	2	0,16
34	Қорамол сўнаси	6	10,1	1-4	13	1,09
35	Беда бити	13	22	9-15	156	13,16
36	Оддий бешиктерватар	3	5	1	3	0,25
37	Кулранг гўшт пашшаси	9	15,25	1-4	26	2,19
38	Барг қандаласи	14	23,72	3-7	77	6,49
39	Қарам капалаги	3	5	1	3	0,25
40	Туркистон термити	4	4,9	1-3	9	0,73
41	Қатта гўнг қўнғизи	2	3,38	1	2	0,16
42	Ўзунтумшук	1	1,69	1	1	0,08
43	Қирсилдок қўнғиз	3	5	1	3	0,25
44	Тилла қўнғиз	2	3,38	1	2	0,16
45	Чигиртка (осиё чигиркаси)	7	11,86	1-2	10	0,84
46	Қора чигиртка личинкаси	4	6,77	1-4	11	0,92
47	Фаланга личинкаси	1	1,69	1	1	0,08
48	Скарабей	6	10,1	1-3	12	1,01
49	Пўстлоқхўр қўнғиз	2	2,4	2	4	0,33
50	Яйлов канаси	3	5	1	3	0,25
51	Фитономус	12	20,33	5-11	76	6,41
52	Балиқ чавоклари	5	8,47	1-3	10	0,84
53	Қўл бақаси личинкаси	2	3,38	2-4	6	0,50
54	Қурбақа личинкаси	5	8,47	1-6	19	1,60
55	Илдам калтакесакча	2	3,38	1	2	0,16
	Ҳаммаси				947	79,9

Баҳор ойларида сув ҳавзаларининг қирғоқлари ҳамда яйловлардан овланган майналарнинг (n=22) озуқа таркиби

Т/р	Озуқа тури	Озуқанинг ўрганилган ошқозонларда учраш частотаси		Учраш миқдорлари (вариация)	Озуқанинг умумий сони	
		Мутлоқ	%		мутлоқ	%
1	Қора суварак	3	13,6	1-5	10	2,11
2	Яйлов қанаси	7	31,8	4-12	51	10,78
3	Қизил чувалчанг	4	18,1	2-5	14	2,95
4	Кичик сув шилиғи	4	18,1	1-2	6	1,26
5	Захкаш	10	45,4	3-7	49	10,35
6	Сув ҳўтикчаси	3	13,6	1-3	7	1,47
7	Бутли ўргимчак	4	18,1	1-2	6	1,26
8	Оддий чивин	7	31,8	1-4	20	4,22
9	Катта гўнг қўнгиз	3	13,6	1	3	0,63
10	Қирсилдоқ қўнгиз	5	22,7	1	5	1,05
11	Тилла қўнгиз	4	18,1	1-2	6	1,26
12	Оддий бешиктерватар	6	27,2	1	6	1,26
13	Туркистон термити	5	22,7	2-6	21	4,43
14	Сув чаёни	4	18,1	1-2	6	1,26
15	Уй пашшаси	6	27,2	1-4	15	3,17
16	Кулранг гўшт пашшаси	9	40,9	2-6	36	7,61
17	Қора чумоли	11	50,0	4-10	77	16,27
18	Қорамол сўнаси	9	40,9	2-6	36	7,61
19	Митти йирткич ниначи	11	50,0	1-3	22	4,65
20	Чигиртка	13	59,0	1-2	19	4,01
21	Қора чигиртка личинкаси	8	36,3	1-3	16	3,38
22	Фаланга личинкаси	1	4,5	1	1	0,21
23	Скоробей	5	22,5	1-3	10	2,11
24	Мовий ниначи	7	31,8	1-2	10	2,11
25	Кўл бақаси личинкаси	5	22,5	1-3	9	1,90
26	Балиқ чавоқлари	4	18,1	1-4	12	2,53
	Ҳаммаси				473	100



1-расм. Баҳор мавсумида майналар озуқасининг гуруҳлар бўйича тақсимланиши

Озуқа таркибида ҳайвонларга тегишли бўлган озуқаларнинг тури ва миқдорининг кўплиги кузатилди ва буни кўпайиш даврида майнанинг ҳашаротлар билан нисбатан кўп озиқланиши, улар озиқланадиган мевалар етилмаганлиги ва бошқалар билан изоҳлаш мумкин.

Ошқозонлар таркибини ўрганиш ва озиқланишини кузатиш орқали баҳор ойларида майналарнинг 4 турдаги умуртқалилар билан озиқланиши аниқланди (балиқ чавоқлари, бақа ва қурбақа личинкалари, илдам калтакесакча тана қисмлари). Жумладан, 2011 йилнинг май ойида Қоракўл туманида майнанинг 4 та тухум қўйилган уясида ярми ейилган илдам калтакесакча топилди. 2014 йил июнь ойида қўлмақдаги балиқ чавоқлари билан, 2013 ва 2017 йилнинг май ойларида майнанинг бақа ва қурбақа личинкалари билан озиқланиши кузатилди. 2014 йилнинг май ойида майнанинг жўжаларини қурбақа личинкалари билан озиқлантириши аниқланди. Шу сабабли бундай личинкалар билан озиқланган жўжаларнинг танасидан ва майна уясида қурбақа ҳидининг келиб туриши аниқланди. Майнанинг қўл бақаси билан озиқланиши 2015 йилда Қирғизистонда ҳам қайд этилган [7].

Шуни таъкидлаш лозимки, қишлоқлардан овланган майналарнинг ошқозонларида дон маҳсулотларининг (буғдой, арпа, маккажўхори, тарик ва бошқа) учраш частотаси нисбатан юқори бўлади ва мазкур ҳолат йилнинг барча мавсумларида кузатилади. Буни майналарнинг чорва моллари ва паррандаларга бериладиган омукта ем билан озиқланиши ва улар билан бевосита трофик алоқада бўлиши билан изоҳлаш мумкин. Майнанинг озуқа спектри жуда кенглиги, озуқа таркибининг мавсумий ўзгарувчанлиги, унда антропоген келиб чиқишга эга бўлган маҳсулотларнинг кўплиги билан характерланади. Озуқасининг асосини ташкил этувчи ҳашаротларнинг турли агроценозларда нотекис тақсимланиши эса трофик алоқаларнинг ҳам мураккабланишида намоён бўлади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, майналар баҳор мавсумида агроценозлар, сув ҳавзаларининг қирғоқлари ва яйловларда қишлоқ хўжалиги ҳамда ем-хашак экинларига зиён етказувчи зараркунадалар билан озикланади, зараркунадаларга қарши биологик курашда иштирок этади. Майна қайд этилган биоценозлар учун фойдали тур саналади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Новиков Г.А. Методика полевых исследований по экологии наземных позвоночных. Москва, 1953. С.7-591.
2. Мольчевский А.С. Орнитологическая экскурсия. Изд. ЛГУ. 1979. 221с
3. Плавильщиков Н.Н. Определитель насекомых. –М.:Топикал, 1994.–С.542.
4. Бей-Биенко Г.Я. Определитель насекомых Европейской части СССР. – М.-Л., 1964. – 845 с.
5. Rayimov A.R. Maynaning (*Acridotheres tristis* L.) qishki oziqlanishiga doir ayrim ma'lumotlar // O'zMU xabarlar. –2012. №3.–Б. 105-108.
6. Rayimov A.R. Maynaning (*Acridotheres tristis* L) Buxoroda kuzgi oziqlanishiga doir ma'lumotlar // O'zbekiston biologiya jurnali. –2012.–№ 6. –Б. 34-37.
7. Березовиков Н.Н., Романовская И.Р. Озерная лягушка *Rana ridibunda* в добыче майны *Acridotheres tristis* в Чуйской долине// Русский орнитологический журнал. – Том 24. – Экспресс-выпуск. – № 1152. – Москва, 2015. – С. 2030-2032.

УЎК 574.582

БУХОРО ВИЛОЯТИДАГИ ХАДИЧА КЎЛИ ЗООПЛАНКТОНЛАРИ ТУРЛАРИ, МИҚДОРИ ВА БИОМАССАСИ

Ж.Р. Рахимов, магистр, Бухоро давлат университети, Бухоро

А.Р. Райимов, PhD, Бухоро давлат университети, Бухоро

А.Н. Зулфиқоров, б.ф.н., доц., Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро

Аннотация. Мақолада Хадича кўли зоопланктон организмларнинг сифат ва миқдор ўзгаришларини билиш ва зоопланктонлар биомассасини фаслар кесимида тарқалиш қонуниятларини ўрганиш натижалари келтирилган.

Калит сўзлар: зоопланктон, гидробиологик, бинокуляр, биомасса, батометр, формалин, Коловратка, қисқичбақа, куракоёқли, популяция, максимал.

Аннотация. В статье представлены результаты изучения качественных и количественных изменений организмов зоопланктона озера Хадиджа и изучения закономерностей сезонного распределения биомассы зоопланктона.

Ключевые слова: зоопланктон, гидробиологический, бинокулярный, биомасса, батометр, формалин, Коловратка, краб, веслоногие, популяция, максимум.

Abstract. The article presents the results of the study of qualitative and quantitative changes in zooplankton organisms of Lake Khadija and the study of the laws of seasonal distribution of zooplankton biomass.

Key words: zooplankton, hydrobiological, binocular, biomass, batometer, formalin, Kolovratka, crab, shovel, population, maximum.

Тадқиқотнинг объекти. Хадича кўли зоопланктонлари, уларнинг турларини ва биомассасини аниқлаш.

Тадқиқотнинг предмети. Хадича кўлининг зоопланктонлари, уларнинг турлари ва биомассасини аниқлаш ва кўпайтириш орқали балиқчиликда қўллаш.

Тадқиқотнинг усуллари. Зоопланктон намуналари 1) миқдор намуналаридан 2) сифат намуналаридан иборат. Миқдор намуналарини йиғишда асосан Вовка – Богорова планктоно – черпатели ишлатилади. Агарда сувлик саёз бўлса, унда 1 л кружка ёки 10 л челак ҳам ишлатилиши мумкин. Лекин катта қўлларда кўпинча Дждди тури ишлатилади. Зоопланктон миқдор намунасини йиғишда у бир нуқтада буриб маълум чуқурликкача юборилади. Худди вертикал намуналарини йиғиш сингари. Ҳар бир метр чуқурлик учун алоҳида намуна олиниб алоҳида идишга солинади. Зоопланктонни санашда штемпель – пипетка – 0,05 см³, Богоров камераси ишлатилади. Бунда олинган намуна филтрланган бўлиб, унинг йиғилган зоопланктони стакан ичига тўпланади. Шу идишдан 0,05 см³ намуна олинади ва Богоров камерасига қуйилиб саналади.

Санашда зоопланктоннинг *Nauplii*, *jusenus*, *copepodit* ва вояга етган зотлар алоҳида саналади. Зоопланктон сифатини аниқлашда вояга етган зотлардан препарат тайёрланади ва ҳар бир аъзо ўлчанади.

Коловраткаларни систематик белгиси сифатида мастаке, шохдор мўйловлилар учун уларнинг коидаси курак оёқлилар учун антенна, антенулла ва 5 жуфт оёқлари тузилиши ҳисобланади. Шу тариқа зоопланктон намуналари йиғилди ва ўз ўрнида 40% формалин билан фиксация қилинди. Зоопланктон намуналари ҳар 10 кунда йиғилди. Хадича кўли экологик хусусиятига қараб уч қисмга бўлинади. Ҳар бир қисмдан 3 тадан намуна олинди. Намуналар 3 та, 1 дона сифат учун ва 2 дона миқдор анализи учун. Саёз бўлган жойлардан челақ билан 10 л сув филтрланиб миқдор намунаси олинади.

Хадича кўли зоопланктон турлари таркиби худди фитопланктон сингари кўл биоресурсининг асосий қисмини ташкил қилади. Зоопланктонни ўрганишдан мақсад кўлнинг биологик имкониятларини мустаҳкамлаш, балиқ чавоқларини ўсиш ва ривожланишини яхшилашдан иборат. Барча кўллар сингари Хадича кўлида ҳам зоопланктон хилма – хиллиги асосан ёз ва кузда кенг ривожланади. Доминант турларидан *Acantodiatomus salinus*, *Mcricodapmia reticulata*, *Dohnia loudispina*, *Diapnanosoma brachyurum*, *drachhionus quadridentatus* ҳисобланади. Хадича кўли зоопланктон турларининг 68% баҳор ва ёз ойига тўғри келса, 40,9% эса куз фаслига тўғри келади. Шулардан тўртта тур йил давомида: *Semocephalus vetulus*, *Ceriodopunia reticulata*, *Cyclops visenus Acomtuolia*, *tomus* ҳам учрайди. Март ойларининг ўртасида зоопланктон кўп сонли бўла бошлайди. Қишки планктон асосан коловраткалардан *Brachionus quadridentatus*, *chidorus sphaericus*, *Cyclops vicenus* иборат. Баҳорнинг апрель ойидан бошлаб сув ҳарорати кўтарилиши билан зоопланктон сон жиҳатидан кўпаяди. Ёзда (июнь – август) турлар сони худди баҳордагидай 15 турдан иборат бўлади. Коловраткалар 4 тур ёки умумий турларнинг 26% ни *Bradichonus nisohei*, *beratella valga*, *natalca aculinata* ва *Asplanchna priodonta* ташкил қилади, мўйловлилар 53% ни асосан *Dapnuia pulex*, *Ceniolaphuia reticulata* ташкил қилади. Куракоёқлилар эса 20% ни ташкил қилади. Зоопланктон кўлининг горизонтал тақсимланиши қуйидагича: турларнинг асосий қисми пелагиал зонада жойлашган. Литориал зона хилма – хиллик жиҳатидан кейинги ўринда туради. Шундай қилиб, Хадича кўли зоопланктони асосан пелагиал қисмида тарқалган бўлиб, турлар асосан 0,5 метрдан 4,0 – 4,5 метр чуқурликкача тарқалган. Хадича кўли зоопланктони ўзининг хилма – хиллиги ва таркиби жиҳатдан Жанубий – ғарбий Қизилқум сувликларига ўхшаш. Лекин фарқи шундаки, сув чиқиб кетмаганлиги сабабли зоопланктон сув билан чиқиб кетмайди. Бу кўлларнинг барчасига хос хусусият *Difphanosoma brachyurum*, *Daphuiarulex*, *Ceridapmid reticalata*, *Acautodiatomus salinus*, *Cuclops vicinus* умумий бўлиб ҳисобланади. *Brachvionus hilsonu* ёзда кўп бўлиши кўлнинг органик моддалар билан ифлосланишидан далолатдир. Кўрсатилган турлар доимий.

Хадича зоопланктони сони ва биомассаси динамикаси. Зоопланктон тўлик шакланган бўлиб, унинг миқдори тўғридан – тўғри сув режими, сув ҳарорати ва тўғридан – тўғри сувнинг озика захираси билан боғлиқ. Хадича кўли режими кейинги йилларда анча камайган. 1998 – 2000 йилларда кўлнинг майдони 15,5 мингга бўлиб, максимал чуқурлик 25 метр, сув ҳажми эса 0,6 – 0,8 млрд/м³. Ҳозирги кунда, кўлнинг майдони 12,5 минг/га, максимал чуқурлик 16,0 метр, ўртача чуқурлик 8 – 10 метрни ташкил қилади. Сув ҳажми эса 400 – 450 млн/м. Агар эътибор берилса сув ҳажми 2 маротаба камайган ва йил сайин камаймоқда. Бу эса биологик ривожланишга салбий таъсир кўрсатади. 2018 йилда 20 та зоопланктон намунаси йиғилди, шундан 14 таси миқдор намуналари. 2018 йилда сон ва биомасса жиҳатидан кўлнинг пелагиал қисмида биринчи ўринда *Copepoda*, иккинчи ўринда *Cladocera* ва учинчи ўринда *Ratatopia* туради. Зоопланктон сони ва биомассаси баҳорда 38,4 минг юз/м³, ёзда эса 40,5 минг юз/м³, кузда эса 32,5 минг юз/м³.

Қисқичбақасимонлар коловраткаларга нисбатан сон жиҳатдан устунликка эга. Куракоёқлилар умумий биомассасини 66% ни, шохдор мўйловлилар эса 33% ни ташкил қилади. Лекин сув омборларида тескари ҳолатни кўриш мумкин, коловраткалар сон жиҳатдан устунлик қилади (Шенкмин, 1955).

Зоопланктон сони ва динамикасининг мавсумий ўзгариши кўлдаги гидробионтларнинг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ. Кўл гидробионтлари айниқса, зоопланктон ҳаво ҳароратига қараб, яъни ёз фаслида кўпайиши характерлидир. Зоопланктон март ойидан бошлаб то октябргача максимал кўрсаткичга эга. Зоопланктон кўлнинг пелагиал қисмида кенг тарқалган. Зоопланктон ўсиш сурати кузда анча секинлашади. Кузга келиб барча турлар камая бошлайди. Бу ҳодиса сув ҳароратининг пасайиши билан боғлиқ ва фитопланктон турларининг сонининг камайиши билан ҳам боғлиқ.

Асосий мақсад Хадича кўли балиқ маҳсулдорлигини ошириш. Бунинг учун зоопланктоннинг йил давомидаги зоопланктон ялпи маҳсулотини аниқланиши билан қанча

балиқ сеголеткаларини қўйиш масаласи ҳам олинади. Хадича қўли зоопланктон маҳсулдорлиги биомассаси 407 тоннани ташкил қилади. Бунинг 50% дан кўпи сореродаларга тўғри келади.

Йил фаслига қараб Хадича қўли зоопланктони сони ва биомассаси ўзгариб туради. Бундай хусусиятни Сартлон қўли мисолида ҳам кўриш мумкин (Трусеевич, 1994). Баҳорда сув ва ҳаво ҳарорати кўтарилиши билан зоопланктон анча кўтарилиб коловраткаларнинг баҳорги биомассаси 18 тонна, ёзда эса 13,5 ва кузда эса 9,7 тоннани ташкил қилади, *Cladocera* баҳорда – 120 тонна, ёзда 27,0 ва кузда эса 15,4 тоннани ташкил қилади. *Copepoda* эса бошқача баҳорда – 118 тонна, ёзда 49,5 ва кузда эса 36 тонна. Агар эътибор берилса зоопланктон баҳорда юқори даражали кўрсаткичга эга. Ёзда эса камайиб боради. Чунки, Хадича қўлида сув миқдори июнь ойидан бошлаб камаяди. Сув камайиши билан зоопланктон ялпи маҳсулдорлиги ҳам пасаяди. Зоопланктон таркибини ва биомассасини куракоёқлилар 203,5 тонна ёки 49,8% ни ташкил қилади. Буларнинг сони 30 – 35 минг экз/м³. Популяциянинг асосий таркибини *Nauplii* ва *Copedodit* лар ташкил қилади. Копеподаларнинг ёш тартиби қуйидагича: сон жиҳатдан *Nauplii* 38,7%, *Copedodit* лар 29,3% ва вояга етган зотлар эса 32% ни ташкил қилади. Шохдор мўйловлилар ёки *Cladocera* миқдори жиҳатидан 162,4 тоннани ёки умумий маҳсулдорликнинг 39,9% ни ташкил қилади. Шохдор мўйловлилар популяция таркиби қуйидагича: ёш зотлар 42,3%, вояга етган зотлар 57,7% ни ташкил қилади. Агарда рақамларга эътибор берилса, *Copepoda* ларнинг ёш зотлари асосий ўринни эгаллайди. Коловраткалар эса ҳам сон жиҳатдан, ҳам биомасса жиҳатдан унчалик юқори кўрсаткичга эга эмас. Максимал кўрсаткич 28,56 минг экз/м³, биомасса 0,03 г/м³. Бу кўрсаткич ҳам март – май ойларида кузатилади. Ёз фаслида ҳам сон жиҳатдан, ҳам биомасса жиҳатидан янада ҳам куракоёқлиларга тегишли, шохдор мўйловлилар эса иккинчи ўринда. Буларнинг сони 20 – 25 минг экз/м³, биомасса 1,0 – 1,5 г/м³ ни ташкил қилади. Август – сентябрь ойларида келиб бу гуруҳ вакили бўлиб *Ceriodaphnia reticulata* ва *Diaphanosoma brachyurum* ҳисобланади. Кладофераларнинг асосий таркибини шу турлар ташкил қилади. Бу тубан қисқичбақасимонлар асосан июнь ойидан бошлаб то сентябргача зоопланктон таркибида учрайди. Куракоёқлилардан *Acantodiptomus salinus* ва унинг ёш зотлари учрайди. Бу турларнинг сони 35 минг экз/м³, биомассаси эса 1,8 г/м³. Зоопланктоннинг барча гуруҳларининг асосий ривожланиши июнь – августда кузатилади. Зоопланктон ялпи маҳсулдорлиги, бутун Хадича қўли бўйича, 407,1 тонна. Йилнинг кейинги фаслларида ҳаво ва сув ҳарорати пасайиши сабабли ҳайвонлар сони ва биомассаси ҳам камаяди. Чунки, барча организмлар, шу жумладан гидробионларнинг фаолияти ҳам сув ҳарорати билан чамбарчас боғлиқ. Зоопланктоннинг озика коэффициентини 8 га тенг. Балиқлар қайси турга хос бўлмасин ривожланишнинг паст эмбрионал ривожланиш босқичида зоопланктон билан озикланади. Зоопланктон, фитопланктоннинг ривожланишига асосланган ҳолда Хадича қўлининг бирлаштириш чора – тадбирларини куз (октябрь – ноябрь) ойларида эмас, балки, апрель – май ойларида ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, кузда зоопланктон сони камаяди. Элтиб қўйилган сеголеткалар озика тополмай кўпчилиги нобуд бўлади. Кўлда фақат маҳаллий зообентос билан озикланадиган балиқлар: зоғора, туркистон мўйловдори, карас, вобла учрайди холос. Бу турларнинг асосий озика компонентлари бўлиб юмшоқ сув ўтлари ҳисобланади. Демак, Хадича қўли биоресурслари тўкин – сочин, аммо ундан оқилона фойдаланиш маданияти йўқлиги сабабли кўл борган сари эвтрофлашиб бормоқда, бу эса балиқ маҳсулдорлиги пасайиб кетишига сабаб бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Вынберг Г.Г. Методы определения продукции водных беспозвоночных водоёмов СССР. 1970. изд – во – Белорусский государственный университет. Минск. 119 – 138 стр.
2. Дзюбан Н.А. Некоторые особенности осенно – зимнего планктона и гидрологического режима Цемлянского водохранилища в первый год существования. Тр. ЗИН. АН СССР, вып, 7, 1957, 78 – 82 стр.
3. Жадин В.И. Жизнь пресных вод СССР. Том 2. М.Л. Изд – во “Наука” 1953. 450 – 459 стр.
4. Ниёзов Д.С. Проблемы охраны и рационального использования биологических ресурсов водоёмов Узбекистана. Ташкент 2001. Изд – во “Ehino ENK” 82 – 83 стр.
5. Ниёзов Д.С. Зоопланктон и зообентос Пачкамарского в – ща (бас.р. Кашкадарья) и их значение в питании молоди рыб. Автореферат. канд. дисс. 1979, Киев 9 -11 стр.
6. С.Қ.Хусенов, Д.С.Ниёзов, Ф.М.Сайфуллаев Балиқчилик асослари. Бухоро. 2010.

ТЎДАКЎЛ СУВ ОМБОРИ ЗООПЛАНКТОНЛАРИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Ж.Р. Рахимов, магистр, Бухоро давлат университети, Бухоро

Н.И. Худойкулова, мустақил изланувчи, Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро

Р.Р. Рахмонов, PhD, Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро

Аннотация. Мақолада Тўдакўл сув омбори зоопланктон организмларнинг сифат ва миқдор ўзгаришларини билиш ва зоопланктонлар биологияси, экологияси ва фаолларда тарқалиш қонуниятларини ўрганиш ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калим сўзлар: зоопланктон, планктон, гидробиологик, бинокуляр, биомассаса, термометр, батометр, формалин, гидрохимик, этикетка

Аннотация. В статье представлена информация о качественных и количественных изменениях в организмах зоопланктона в Тодакульском водохранилище и изучении биологии, экологии и сезонного распределения зоопланктона.

Ключевые слова: зоопланктон, планктон, гидробиологический, бинокуляр, биомассаса, термометр, батометр, формалин, гидрохимический, этикетка

Abstract. The Tudakul reservoir zooplankton consists of knowing the quality and quantity changes of organisms and studying the biology, ecology and laws of propagation in the seasons of zooplankton.

Key words: zooplankton, plankton, gidrobiological, binocular, biomass, thermometer, batometer, formalin, geochemical, label

Тадқиқотнинг объекти. Тўдакўл сув омборининг зоопланктонлари ва уларнинг турларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг предмети. Тўдакўл сув омборининг зоопланктонларини аниқлаш ва кўпайтириш орқали балиқчиликда қўллаш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда аввало сувнинг температураси, тиниқлиги, рН и ва кислород миқдорини аниқлаб олиш зарур. Гидробиологик кузатишлар асосан баҳор ва ёз ойларида олиб борилади, чунки бу даврда сув хавзаларининг флора ва фаунаси ривожланган бўлиб, организмларнинг кўпайиши интенсив суръатда бўлади. Зоопланктон сувда муаллақ сузиб юрвчи (субстратларга ёпишмайдиган) организмлар гуруҳидир. Планктон (*planktos*–қалқиб юрвчи) терминини биринчи бўлиб фанга 1887 йили немис физиолог олими В.Гензен олиб кирган. Зоопланктон намуналарни конусли планктон сузгичлари, Джели тўрларидан (№ 56-76) ёки туткич (сачок)лар ёрдамида 50-100 литр сузиб олиш ва сувнинг маълум чуқурлигига тўр ташланиб уни тортиб олиш усулидан фойдаланилади. Бу намуналар 40% ли формалин эритмасида фиксация қилинади. Кейинги тадқиқотларни лабораторияда бинокуляр микроскопда қаралиб турлари аниқланиб сифат ва миқдор кўрсаткичлари ҳисобланади. Майда организмларни Кольквиц камерасида (0,2-1,0 мл), йирикларини эса Богорова камерасида (5,0-10,0 мл) санаб борилади. Зоопланктоннинг биомассасини ҳар бир организмнинг индивидуал массасини тур миқдorigа кўпайтириш йўли билан ҳисобланади. Организмнинг массасини эса унинг узунлигига боғлаб тенглама бўйича аниқланади:

$$W = q \times Lb,$$

бунда: W – тананинг массаси (оғирлик) мг да, L – тананинг узунлиги мм да, b – кўрсаткич даражаси, q – 1 мм катталиқдаги тананинг константаси.

Айрим зоопланктон вакиллариининг тенглама параметрлари умумлаштирилган ҳолда Бабушкина, Винберг (1979) ва Алимовларнинг (1989) ишларида келтирилган. Организмларни ўлчаш майда ва етук организмлар учун алоҳида ҳолда бинокуляр остида олиб борилади.

Батометр – битта ва иккита цилиндрдан иборат асбоб бўлиб, очиқ ҳолда сувнинг маълум чуқурлигига туширилади. Батометр оддий сузгичга (Джели, Апштейн) қараганда планктон йиғиш учун яхши ускуна ҳисобланади. Баъзан батометр ичига термометр ҳам ўрнатиш мумкин, шунда бир вақтнинг ўзида сувнинг температураси ҳам ўлчанади.

Тўдакўл сув омбори 100 м узунлиқдаги, баландлиги 120 м бўлган тўғонда қурилган бўлиб, у Когон станциясидан 12 км шимолий-шарқ томонда, Қуйимозор станциясининг эса шарқ томонидаги Қизилтепа тумани Тўдакўлшор ўтлоқ даласида жойлашган. Ушбу сув омбори Навоий вилоятидаги йирик, оқар сув билан тўлдириладиган сув омбори бўлиб ҳисобланади. Тўдакўл сув омборининг майдони 22 минг гектарни ташкил этиб, ундаги

сувнинг ҳажми 310 млн м³ ни ташкил этади. Тўдакўл сувининг максимал чуқурлиги 17 м, ўртача чуқурлиги эса 5-7 м.

Аму-Бухоро магистрал канали орқали Амударёдан 1965 йили сув келтирилгач Тўдакўл сув омборининг гидрологик режими ўзгариб кетди. Амударёдан сув келтирилмасдан олдин ушбу сув омбори Зарафшон дарёсининг ўтказувчи каналлар орқали ортиқча сувларини олиб келувчи сув тўплагич сифатида хизмат қилган. Сўнгра эса Амударёнинг суви Аму-Бухоро канали орқали тўғридан-тўғри Тўдакўлга қуйилиб, унинг фаунаси ҳам тўғридан-тўғри ушбу сув омборига қўшилиши учун йўл очилган.

Тўдакўл сув омборининг гидрохимик ва гидробиологик режими. О.А.Оленинанинг классификацияси бўйича Тўдакўл сув омбори хлоридли-кальцийли типга киради. Минерализациянинг ўртача миқдори 1,36 г/л дан ошмайди. Лекин унга қуйиладиган каналларнинг минерализация кўрсаткичи билан кескин фарқ қилади. Чунки сув камчил бўлган йиллари Зарафшон каналига минерализацияси юқори бўлган (1,62-3,0 г/л) коллектор-дренаж сувлари қўшиб юборилади. Ва аксинча Аму-Бухоро каналининг минерализация кўрсаткичи эса анча паст, атиги 0,5 г/л ни ташкил этади.

Тадқиқот ўтказилган барча пунктларда темир элементи мутлақо аниқланмади. Кремний, натрий, кальций, магний, хлоридлар, сульфатлар ва гидрокарбонатларнинг миқдори деярли барча пунктларда кескин ўзгармади. Юқорида келтирилган кимёвий анализлар сув омборининг пелагиал қисмида ҳам олиб борилди. Пелагиал қисмдаги маълумотлар ҳам сув омборининг тройник қисмида аниқланган кўрсаткичлардан анчагина фарқ қилади. Лекин қолган қисмдаги маълумотлар билан айрим кўрсаткичларидан ташқари деярли бир хил.

Тўдакўл сув омборининг зоопланктонини 16 турдан иборат Rotifera, 5 та турга мансуб Cladocera ва 4 тур Copepoda туркумлари ташкил этади. Ушбу сув омборида ёзги фасл коловраткаларнинг турларини тез кўпайиб кетиши билан характерланади. Уларнинг турлари орасида доминант ўринни эгаллаган вакиллари *Asplanchna herrecki*, *Branchiomis placatilis*, *B. placatilis longicornis*, *Filina longiseta*, *Keratella tropica* бўлиб ҳисобланади.

Кодоцерлар орасида эса *Diaphanosoma mongolianum* ва *Moina minuta* ахён-ахёнда учраб туради. Копеподларнинг ягона вакили *Thermocyclops vermifer* ҳам кам учрайдиган вакиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Куз фаслига келиб ушбу турлардан *Asplanchna herrecki*, *Branchi-omis placatilis*, *B. placatilis longicornis*, *Filina longiseta* йўқолиб кетади ва уларнинг ўрнида *Euchanus redicta*, *Keratella tropica*, *Keratella tropica redicta* турлари доминант ҳолга ўтади.

Rotatoria ларнинг сув ҳавзаларда кўп учрайдиган баъзи турлари билан танишамиз. Бу майда хайвонлар кўпинча чучук ва денгиз сувларда яшайди. Шу билан бирга тупроқда ҳам учрайди. Эркин ҳаракатланадиган баъзилари яширин ҳаёт кечиради. Уларнинг ҳозир 1500 дан кўп тури мавжуд. Микроскопик тузилишга эга. Узунлиги 0,04-2,5 мм. гача бўлади. Тана тузилиши узунчоқ, юмалоқ шарга ўхшаш бўлади. Танасининг тузилиши уч бўлимдан иборат: бош, тана ва оёқ. Баъзиларида оёқ бўлмайди.

Бош бўлими билинар билинмас бўлинган. Олдинги учида киприкчалардан тузилган айланма аппарати бор. Бу аппаратдаги киприкчалар хар доим кўзгалишда бўлиб, сувда кўзгалиш ва озиқланиш вазифасини ўтайди. Коловраткалар айрим жинсли бўлиб жинсий диморфизм кузатилади. Урғочилари йирик, эркаклари эса анча кичик бўлади. Кўпайиш жараёнида кўпчилиги тухум қўяди ёки гетерогония пайваланади.

Клодоцералар орасида эса доминант сифатида *Diphanosoma mongolianum* учрасада, унинг миқдорий кўрсаткичи деярли 24 марта камайиб кетади. *Moina* эса турлар таркибидан чиқиб кетгач унинг ўрнини *Alona rectangula* ва *Ceriodaphnia* sp. эгалаб олади. *Thermocyclops vermifer* икки марта камайиб кетади, совуксевар қисқичбақасимон *Cyclops vicinus* ахён-ахёндагина учраб туради. Бу пайтга келиб науплиус копеноннинг миқдори максимал даражага етади. Декабрда коловраткаларнинг турлар таркиби сийраклашиб қолади ва улар ахён-ахёнда учраб туради. Клодоцералар ҳам жуда кам миқдорда учрайди (1-Жадвал).

Қишки фаслда умуман копенодлар, яъни *Thermocyclops vermifer*, *Cyclops vicinus* доминант ҳолга ўтади. Бу ҳолда биринчисини, яъни *Thermocyclops vermifer* 8 марта, иккинчисини, яъни *Cyclops vicinus* нинг миқдори эса 10 марта камайиб кетади.

Август ойида Тўдакўл сув омборида зоопланктоннинг биомассасини юзага келишида клодоцералардан *Diphanosoma mongolianum* катта роль ўйнайди. Октябрда эса копенодлардан *Thermocyclops vermifer*, декабрда *Cyclops vicinus* доминант ҳолга ўтишади.

Октябрь ойида августга нисбатан зоопланктоннинг биомассаси деярли 9 марта камайиб кетади, декабрга келиб эса яна 3 марта камайиш кузатилади.

Cladocera туркумига тегишли шохдор мўйловли қисқичбақасимонлар сайёрамизнинг ҳамма континентал сув ҳавзаларида учрайди. Ушбу туркумга кирувчи Daphniidae авлодига тегишли қисқичбақасимонлар сув ҳавзаларини тозалашда, озуқа занжирида микросув ўтларини, бактерияларни ва детритларни, шунингдек овланиш аҳамиятига эга бўлган балиқ чавоқларининг озуқаси ҳисобланади.

1-жадвал

Тўдакўл сув омбори зоопланктонининг миқдорий кўрсаткичлари

	август	октябрь	декабрь
Rotifera			
Турлар миқдори	13	10	10
Экземпляр миқдори (экз/м ³)	1239,1	2771,4	45,5
Биомассаси, (мг/м ³)	3,91	0,84	0,01
Cladocera			
Турлар миқдори	2	3	3
Экземпляр миқдори (экз/м ³)	122820,4	5148,9	1013,4
Биомассаси (мг/м ³)	1327,75	64,22	16,88
Copepoda			
Турлар миқдори	1	2	4
Экземпляр миқдори (экз/м ³)	58959,2	27468,8	8513,2
Биомассаси (мг/м ³)	355,58	128,09	49,15
Ҳаммаси бўйича			
Турлар миқдори	16	15	17
Экземпляр миқдори (экз/м ³)	194171,5	35390	9572,1
Биомассаси (мг/м ³)	1687,24	193,12	66,04

Намуналар 1-1,5 м чуқурликдан ёки саёз вақтинчалик кўллардан челақда сув олиниб Джеди сузгичи ёрдамида сузиб олинди ва 40% ли формалин эритмасида фиксацияланди. Намуналар асосан 2019-йилнинг март ойидан октябрь ойигача йиғилди. Ўзбекистон фаунасидаги Daphniidae оиласига мансуб турлар асосан голеарктика ва палеарктика турларидир. Тропик ва субтропик турлари ҳам мавжуд.

Simocephalus vetulus (O.F.Muller). Кенг тарқалган тур ҳисобланади. Асосан кичик сув ҳавзаларини, кўлларни, дарёларнинг секин оқадиган жойларини, макрофитлар кўп бўлган кўлларни макон қилади. Simocephalus А.Л.Бенингнинг (1941) кузатишича тоғ сувларида, яъни сувнинг таркибида тузи жуда кам бўлган сув ҳавзаларда учрайди. Лекин, Е.Ф. Мануилова (1964) эса тузнинг (2-3%) сувларда учрашлигини айтиб ўтади. Эвритермиялик Бенинг (1941) бўйича Кавказ сув ҳавзаларида йил давомида учрашлигини кўрсатса, Е.Ф. Мануилова эса эрта баҳордан кеч кузгача учрашлигини кўрсатади.

Alona rectangula (Sars). Ориенталь вилоятларнинг жанубида, шимолий ярим шар сув ҳавзаларида учрайди. Вақтинчалик ҳавзалар, яъни окмайдиган сувларнинг чуқурроқ зоналарини хуш кўради. Шўр сувларни унча хуш кўрмайди. Сув ҳавзаларида мартдан декабргача, баъзан йил бўйи учраши аниқланган. С.Н.Уломскийнинг тадқиқотларида (1955) дарёдан тошган сув ҳавзаларда, Тўдакўл атрофидаги вақтинчалик кўлларда, экинларни суғорганда кўлмак бўлиб қолган сувларда учраган.

Ceriodaphnia dubia Richard, 1894. Ўрганилган регионлардаги сув ҳавзаларида ҳамма вақт учрайдиган компонентлардан бири ҳисобланади. (Рахматуллаева, 1998).

Экологияси. Сув ҳавзаларида март ойидан ноябрь ойигача учради. Максимум ривожланиши баҳор ва кузда содир бўлади. Июль-август ойларида олинган намуналарда бир-икки донаси учради. Тухум саклаш камерасида 10 донна тухум борлиги аниқланди. Қисқичбақасимонни сув сатхининг турли зоналаридан намуналар олиш вақтида (12 ва 13 соат оралиғида) цериодафниялар учрамади, фақат қирғоққа яқин зоналарни диққат билан кузатган вақтда сувдаги катта тошлар тагидан бир нечта экземплярлари топилди. Кейинчалик лаборатория шароитида аквариумда тадқиқот ўтказганимизда аквариумнинг тагида бир текис жойлашиб олганлигини кузатдик. Сабаби эса юқори температура ва ёруғликнинг таъсиридан қочишлиги аниқланди. Адабиётларда ҳам *C. dubia* сув ҳавзасининг литорал зонасини хуш кўришлиги таъкидланган (Flossner, 2000). *C. dubia* ни Ўзбекистон сув ҳавзаларида учратишнинг амалий аҳамияти катта, чунки бу тур тест-объект бўлиб, токсикологик контролда биотест сифатида қўлланилади.

Moina minuta. Cladocera туркуми қисқичбақасимонларидан эса *Moina minuta* Nolfrok барча вақтинчалик кўлларда учрайди. Бу тур асосан вақтинчалик кўлларни, балиқчилик хавзаларини, шолчилик далаларини ва уларга сув қуйилишининг дастлабки вақтида учрайди. Морфологик тавсифига келсак, бу қисқичбақасимоннинг табақасида узун туклари бўлиб, уларнинг сони 50 та атрофида. Оёғининг сўнгида ва ундан олдинда жойлашган бўғинларидаги тукларининг биринчи жуфти тароқсимон.

Зоопланктон организмлар сув хавзаларида ўзига хос турли биологик жарёнларда иштирок этади. Бу организмларнинг сув хавзаларида бўлиш ва бўлмаслиги шу хавзанинг экологик шароитини белгилаб беради. Тўдакўл сув омборида зоопланктонларнинг 16 - тури аниқланди, ва уларнинг биологияси, тарқалиш қонуниятлари мавсумларда учраши аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаев М.А. Ихтиофауна озер низовьев Зарафшана и её использование в промысле // Узб. биол. журн., 1975, № 5. С.54-58
2. С.К.Хусенов, Д.С.Ниёзов, Ф.М.Сайфуллаев Балиқчилик асослари. Бухоро. 2010.
3. И.В.Ивлева Биологические основы и методы массового культивирования кормовых беспозвоночных. Москва, 1969 г.
4. Мирабдуллаев И.М., Кузметов А.Р., Хегай В.Н. Зоопланктон рыбоводных прудов южных областей Узбекистана/Узб.биол.ж., 1994, № 1, С. 49-54
5. Степанова Н.А., Придаткина Н.В. Зоопланктон прудов Ташкентского рыбопитомника. В кн.: Биолог. основ. рыбн. хозяйств. Узбекистана. Ташкент, 1971, С. 211-221.

УДК: 633.511:576.312.4

АНАЛИЗ ЦИТОГЕНЕТИЧЕСКИХ ОСОБЕННОСТЕЙ У НОВЫХ СЛОЖНЫХ МЕЖВИДОВЫХ ГИБРИДОВ ХЛОПЧАТНИКА С УЧАСТИЕМ СОРТА ЖАРКУРГОН

М.Ф. Санамьян, д.б.н., Национальный университет Узбекистана, Ташкент

С.К. Матякубов, базовый докторант, Научно-исследовательский институт селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка, Ташкент

Ш.У. Бобохужаев, базовый докторант, Национальный университет Узбекистана, Ташкент

К.К. Гулмурзаева, м.н.с., Национальный университет Узбекистана, Ташкент

Ш.Э. Намазов, д.с/х.н., проф., Научно-исследовательский институт селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка, Ташкент

Аннотация. Мақолада Жарқўргон нави иштирокида чақиштириб олинган мурракаб дурагай шаклларни цитогенетик таҳлили келтирилган, хромосомаларининг очиқ ва гетероморфли бивалентлари кузатилди, хромосомаларда яширин структуравий фарқлари, юқори мейотик индекс ва кўплаб дурагайларда чангчиларнинг юқори пуштлилиги аниқланган.

Калим сўзлари: мурракаб турлараро дурагай, хромосом конъюгация, мейотик индекс, чангчиларни пуштлилиги, ацетокармин бўёғи, зўза, Жарқўргон нави.

Аннотация. В статье представлены результаты цитогенетического анализа гибридов, полученных от скрещивания сложных гибридных форм с сортом Жаркургон, которые свидетельствовали о присутствии открытых и гетероморфных бивалентов, вследствие существования скрытых структурных различий хромосом, высокого мейотического индекса и высокой фертильности пыльцы у большинства гибридов.

Ключевые слова: сложные межвидовые гибриды, конъюгация хромосом, мейотический индекс, фертильность пыльцы, окраска ацетокармином, хлопчатник, сорт Жаркургон

Abstract. The article presents the results of a cytogenetic analysis carried out in hybrids from crossing complex hybrid forms with the Jarkurgon variety, which indicated the presence of open and heteromorphic bivalents, a consequence of the existence of hidden structural differences in chromosomes, a high meiotic index and high pollen fertility in most hybrids.

Key words: cotton, complex interspecific hybrids, chromosome pairing, meiotic index, pollen fertility, staining with acetocarmine, cotton, Gakurgon variety.

Введение

На фоне меняющихся климатических условий повышение продуктивности хлопчатника путем создания новых сортов, устойчивых к дефициту воды и различным вредителям, является одним из важных направлений селекции. Как известно, дикие виды хлопчатника

служат ценными источниками новых полезных аллелей. Хотя дикие D-субгеномные виды не продуцируют прядильное волокно, их предки играли главную роль в генетическом контроле развития волокна у тетраплоидных видов хлопчатника [1,2]. Более того, присутствие QTL локусов в D-субгеноме объясняют тот факт, что в результате одомашнивания и селекции тетраплоидного хлопчатника возникло волокно более высокого качества, чем параллельное улучшение волокна у диплоидных видов A-генома, которые имели прядильное волокно. Использование в селекционном процессе межвидовой гибридизации с участием диких видов [3, 4, 5] требует цитологической оценки селекционного материала. Поэтому целью данной работы является анализ цитогенетических особенностей нового селекционного материала в течение трех поколений после скрещиваний с сортом Жаркуртон.

Материалы и методы исследований

Материалом для исследований служили сложные гибридные формы хлопчатника, полученные в Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопчатника, при скрещивании с сортом Жаркуртон. В процессе исследований проводился анализ конъюгации хромосом на стадии метафаза I и тетрад мейоза, а также анализ фертильности пыльцы после окраски ацетокармином. Статистическая обработка данных проводилась по стандартной методике [6], а также с использованием программы “Sporada” и “Flowers” для компьютеров [7, 8].

Результаты исследований и их обсуждение

Изучение конъюгации хромосом у гибридных растений F_1 восьми комбинаций скрещиваний с сортом Жаркуртон выявило в пяти из них нормальную конъюгацию хромосом на стадии метафаза I мейоза в виде формирования 26 закрытых бивалентов во всех изученных материнских клетках пыльцы (МКП). Однако в трех вариантах скрещиваний ($F_1(F_{30}K-69$ тип арб) х Жаркуртон); ($F_1(Л-175/248$ х Жаркуртон) и ($F_1(Л-12/06$ х Жаркуртон) в отдельных МКП отмечались редкие открытые биваленты, которые указывали на неполную конъюгацию хромосом вследствие структурных различий между хромосомами скрещенных форм.

Анализ конъюгации хромосом у 11 гибридных вариантов F_2 после скрещиваний с сортом Жаркуртон обнаружил в четырех вариантах нормальную конъюгацию хромосом на стадии метафаза I мейоза и формирование 26 закрытых бивалентов во всех изученных МКП, тогда как в остальных шести вариантах ($F_2(F_{32}K-203$ х Наманган 1) х Жаркуртон); $F_2(F_{23}(Наманган 1$ х Сурхон 5) Жаркуртон); ($F_2(Л-158$ х Жаркуртон)); ($F_2(Л-12/06$ х Жаркуртон)); ($F_2(ВСГ-2/06$ х Жаркуртон)); ($F_2(Л-588$ х Жаркуртон)) отмечались единичные открытые биваленты наряду с нормальными закрытыми бивалентами. У гибридов F_2 в комбинации ($F_{23}K-58$ типу арб) х Жаркуртон) в отдельных МКП наблюдались гетероморфные биваленты, которые формировались в результате нехваток отдельных плеч хромосом.

Исследование конъюгации хромосом у гибридов F_3 десяти вариантов скрещиваний с сортом Жаркуртон обнаружило в четырех вариантах нормальную конъюгацию хромосом на стадии метафаза I мейоза и формированием 26 закрытых бивалентов во всех изученных МКП. В четырех других вариантах скрещиваний ($(F_3(F_{32}K-203$ х Наманган 1) х Жаркуртон); $F_3(F_{23}(Наманган 1$ х Сурхон 5) Жаркуртон); ($F_3(Л-470/1$ х Жаркуртон)); ($F_3(Л-1979$ х Жаркуртон))) отмечались единичные открытые биваленты. В одной гибридной комбинации ($(F_3(Л-175/248$ х Жаркуртон)) наблюдались отдельные униваленты, которые указали на отсутствие полной конъюгации хромосом из-за наличия структурных различий между гомеологичными хромосомами скрещиваемых форм (Рис. 1).

Изучение мейоза на стадии тетрад микроспор у новых сложных межвидовых гибридов F_1 при скрещивании с сортом Жаркуртон выявило высокий мейотический индекс (от $99,19 \pm 0,29$ до $96,71 \pm 0,42\%$) у всех 17 изученных вариантах скрещиваний, который свидетельствовал о мейотической стабильности материала.

Анализ мейоза на стадии тетрад микроспор у новых сложных межвидовых гибридов F_2 при скрещивании с сортом Жаркуртон также обнаружило высокий мейотический индекс (от $99,60 \pm 0,14$ до $94,80 \pm 0,31\%$) у всех 17 изученных гибридных вариантов, что подтвердило нормальное течение мейоза на предшествующих стадиях.

Высокий мейотический индекс (от $99,56 \pm 0,20$ до $95,09 \pm 0,55\%$) у 16 изученных гибридных вариантов скрещиваний с сортом Жаркуртон в F_3 , указал на цитологическую стабильность материала, однако у растений одного гибридного варианта ($F_3(Л-200$ х Жаркуртон)) наблюдалось небольшое снижение мейотического индекса до $88,43 \pm 0,92\%$ (Рис. 2).




Рис. 1. Конфигурации хромосом в метафазе-I мейоза у гибридных растений в варианте скрещивания F_3 (Л-175/248 x Жаркургон): а) и б) 25 нормальных бивалентов и один унивалент крупного размера; в) 25 нормальных бивалентов и один унивалент мелкого размера; г) 25 бивалентов и два унивалента

Анализ фертильности пыльцы, проведенный у растений 17 различных вариантов скрещиваний F_1 с участием сорта Жаркургон, обнаружил у 15 изученных вариантов высокую фертильность пыльцы (от $98,61 \pm 0,38$ до $90,34 \pm 1,51\%$), тогда как в двух гибридных вариантах ($F_1(F_{23}(\text{Наманган-1 x Сурхон-5})) \times \text{Жаркўрғон}$) и $F_1(\text{МВГ-2 } F_9(\text{К-177 x Л-175})) \times \text{Жаркўрғон}$) наблюдалось небольшое снижение фертильности пыльцы (до $82,46 \pm 1,78$ и $87,53 \pm 0,92\%$), что указало на существование скрытых изменений кариотипов гибридных форм хлопчатника, которые могли быть причиной такого снижения фертильности пыльцы.

Анализ фертильности пыльцы, проведенный у растений 17 различных вариантов скрещиваний, полученных в F_2 с участием сорта Жаркургон, обнаружил высокую фертильность пыльцы (от $90,22 \pm 1,34$ до $97,58 \pm 0,52\%$) в 16 вариантах. Однако, в одном гибридном варианте $-F_2(F_{32}(\text{К-203 x Наманган 1})) \times \text{Жаркўрғон}$ наблюдалось небольшое снижение фертильности пыльцы (до $87,82 \pm 1,27\%$).

Анализ фертильности пыльцы, проведенный у растений 17 различных вариантов скрещиваний по две семьи на вариант, полученных в F_3 с участием сорта Жаркургон, обнаружил в 12 вариантах высокую фертильность пыльцы (от $91,64 \pm 8,36$ до $98,74 \pm 0,32\%$). Однако, в двух гибридных вариантах $-F_3(F_{31}(\text{К-203 x Наманган 1})) \times \text{Жаркургон}$ и $F_3(F_{16}(\text{К-58 типу арб x Жаркургон}))$ наблюдалось небольшое снижение фертильности пыльцы (до $86,00 \pm 1,65$ - $89,17 \pm 1,75\%$ и $86,17 \pm 1,09$ - $87,85 \pm 0,82\%$, соответственно). Кроме того, в трех гибридных вариантах наблюдалось варьирование фертильности пыльцы между разными изученными семьями. Так, в одной гибридной комбинации $F_3(F_{31} \text{ К-69 тип арб}) \times \text{Жаркургон}$ отмечалось небольшое варьирование фертильности пыльцы (до 7%) между двумя семьями ($96,52 \pm 0,42$ - $89,42 \pm 0,69\%$, соответственно) (Рис. 3), в другой $-F_3(\text{Л-200 x Жаркургон})$ наблюдалось меньшее варьирование фертильности пыльцы (до 6%) между двумя семьями ($84,66 \pm 1,12$ - $90,63 \pm 0,83\%$, соответственно), а в третьей $-F_3(\text{Л-12/06 x Жаркургон})$ - более сильное варьирование фертильности пыльцы (до 9%) между двумя семьями ($97,53 \pm 0,38$ - $88,09 \pm 0,95\%$, соответственно). Обнаружение различий в фертильности пыльцы между отдельными семьями M_3 внутри трех комбинаций скрещиваний указало на продолжение стабилизации кариотипов внутри гибридных комбинаций.




Рис. 2. Споры у гибрида F₃ (Л-200) x Жаркургон:

а) тетрады; б) тетрада и гексада; в),д),ж) неразделившиеся споры; г) нормальная тетрада и аномальная тетрада; е) две монады и пентада; з) и и) тетрады и полиада; к) монада; л) монада с микроядром; м) диада с микроядрами и триада.




Рис.3. Фертильная (красная) и стерильная (неокрашенная) пыльца у гибридов F₃: F₃(F₃₁ К69 тип арб x Жаркургон) -2^я-семья.

Таким образом, сравнительный цитогенетический анализ новых сложных межвидовых гибридов хлопчатника трех поколений с участием сорта Жаркургон выявил в трех вариантах F₁, а также в шести вариантах F₂ и в четырех F₃ - единичные открытые биваленты наряду с нормальными закрытыми бивалентами, тогда как в комбинации (F₂₃ К-58 тип арб)

Жаркургон) наблюдались гетероморфные биваленты, которые указывали на нехватку отдельных плеч хромосом. Изучение мейоза на стадии тетрад микроспор у гибридов всех трех поколений обнаружило высокий мейотический индекс у всех изученных вариантов, который свидетельствовал о мейотической стабильности материала, за исключением одного варианта (F₃(Л-200 x Жаркургон)), который характеризовался небольшим снижением мейотического индекса. Анализ фертильности пыльцы обнаружил высокую фертильность, за исключением двух гибридных вариантов F₁ и двух вариантов F₂, у которых наблюдалось небольшое снижение фертильности пыльцы. Посемейный анализ фертильности пыльцы в F₃ обнаружил варьирование фертильности пыльцы в трех семьях, что указало на продолжение стабилизации карิโอотипов внутри гибридных комбинаций.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Rong J., Feltus F.A., Waghmare V.N., Pierce G.J., Chee P.W., Draye X., Saranga Y., Wright R.J., Wilkins T.A., May O.L., Smith C.W., Gunnway J.R., Wendel J.F., Paterson A.H. Meta-analysis of polyploidy cotton QTLs shows unequal contributions of subgenomes to a complex network of genes clusters implicated in lint fiber development // Genetics. 2007. V. 176. P. 2577-2588.

2. Lacape J.M., Nguyen T.B., Courtois B., Belot J.L., Giband M., Gourlot J.P., Gawryziak G., Roques S., Hau B. QTL analysis of cotton fiber quality using multiple *Gossypium hirsutum* x *Gossypium barbadense* backcross generations // Crop sci. 2005. V. 45. P. 123-140.

3. Арутюнова Л.Г. Межвидовая гибридизация в роде *Gossypium* L. // Вопросы генетики, селекции и семеноводства хлопчатника. Ташкент. 1960. С.3-71.

4. Намазов Ш.Э., Бабаев С.Г. Эффективность сложной межвидовой гибридизации в селекции хлопчатника // Т.: "Nishon-Noshiir", 2014. - С.179.

5. Абдуллаев А.А., Омельченко М.В. Формообразование при отдаленной гибридизации видов хлопчатника секции *Magnibracteolata*. Т.: Фан. 1966. С.141.

6. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. М: Агропромиздат. 1985.- С.385.

7. «Свидетельство об официальной регистрации программы для электронных – вычислительных машин» за № DGU 2018 0855 под названием "Sporada" Агентства по Интеллектуальной Собственности Республики Узбекистан. Авторы: Вобохужаев Ш.У., Sanamyam M.F., UZ.

8. «Свидетельство об официальной регистрации программы для электронных – вычислительных машин» за № DGU 05834 под названием "Flowers" Агентства по Интеллектуальной Собственности Республики Узбекистан. Авторы: Вобохужаев Ш.У., Sanamyam M.F., UZ.

УДК 616.24-002-092

РОЛЬ НАЦИОНАЛЬНЫХ ПОДВИЖНЫХ ФИЗИЧЕСКИХ ИГР В ФИЗИОЛОГИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ ДЕТЕЙ ОБУЧАЮЩИХСЯ В СРЕДНЕЙ ШКОЛЕ

З.Т. Сафарова, преподаватель, Бухарский государственный университет, Бухара

З.Ф. Хаджаева, преподаватель, Бухарский государственный университет, Бухара

Р.С. Султонова, студентка, Бухарский государственный университет, Бухара

Аннотация. Мақолада болалар организмининг мушак тизими, нафас олиш тизимининг ривожланишида ҳаракатли ўйинларнинг тутган ўрни, таълим муассасаси жисмоний машғулотларига қизиқиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: юклама, жисмоний иш, динамика, статика, спринт, кўча ўйинлари, бекинмачоқ, қувлашмачоқ, "беш тош", "оқ терак-кўк терак", "хўроз жанги", чидамлилик.

Аннотация. В статье приведены примеры роли подвижных игр в развитие детского организма, роль в развитии мышечной системы и дыхательного акта, интереса к занятию физической культурой в учебном заведении.

Ключевые слова: нагрузка, физическая работа, динамика, статика, спринт, уличные игры, прятки, догонялки, «пять камней», «тополя», «петушиный бой», выносливость.

Abstract. The article provides examples of the role of mobile games in the development of the child's body, the role in the development of the muscular system and respiratory act, and interest in physical education in an educational institution.

Keywords: load, physical work, dynamics, static, sprint, street games, hide-and-peek, catch-up, "five stones", "poplars", "cockfight", endurance.

Из давних времён спорт или по-другому как его можно ещё назвать активная физическая деятельность является неразрывной частью жизни людей.

Люди при повседневной работе всегда выполняют физическую нагрузку, в какой-бы отрасли не работал человек, ежедневно он сталкивается с физической деятельностью. Каждый из нас в каком-то смысле выполняет ту или иную физическую нагрузку. Это

нагрузка может быть активной физической или пассивной физической работой. Но не все нагрузки могут служить во благо здоровья человека.

Мы преподаватели считаем что у нас всегда более активная умственная работа, но помимо этого у нас ещё и пассивная физическая работа, так как мы двигаемся по лестнице, спускаемся и поднимаемся, используем мел и другие атрибуты для проведения занятия, то есть мы выполняем статическую и пассивную динамическую работу, отводить руки в стороны, поднимать на верх, поворачиваться на лево и право, в какой-то мере это помогает улучшить кровообращение.

Для улучшения проведения физических занятий в общеобразовательных школах надо большое внимание обратить на сезонные физические занятия. Проводить инновационные методы преподавания физической культуры. При создании этих методов как мы считаем большое внимание надо обратить ещё на историю развития спортивных игр этого региона. Почему? Зачем надо обращать внимание на историю развития спортивных игр? Как мы считаем у каждого народа свои национальные виды спорта, эти виды мы относим в две группы, первая-уличные игры, второе игры, которых можно использовать в высоких целях, как олимпийские игры, спортивные занятия в учебных заведениях.

Многие считают, что уличных игр использовать не к чему. Но мы считаем, что именно эти игры физиологически хорошо воздействуют на рост и развития детей и юношей, улучшает кровообращение мышечной системы, помогает адаптироваться к различным спортивным нагрузкам, развивает активное внимание и сенсорику подрастающего поколения.

Цель исследования изучить влияние физической нагрузки и спортивных игр на физиологическое состояние учащихся средне-общеобразовательных школ.

Наши наблюдения велись в средне образовательной школе города Бухары. При участии учеников средних классов от 5 по 8.

Каждодневное и одинаковое физическое занятие или подготовительный одинаковый этап до занятия, например перед занятием ведётся подготовительный этап как, руки на верх, в стороны, круговые движения и т.д. это может надоедать ученикам, надо создать или внедрить такие методы, которые являются и национальными и общеразвивающими.

Для этого можно использовать некоторые уличные игры, как догонялки, петушинный бой. Эти виды двигательных упражнений очень хорошо согревает ученика, активизирует кровообращение, подготавливает ученика к выполнению спортивной нагрузки кросс, спринт и прыжки в длину. А также улучшает динамику респирации, то есть дыхательного акта.

При использовании этих игр в 5 и 6 классах учеников легко было привлекать к занятию и это было для них необычное, непривычное, но очень интересное занятие, так как этим они занимаются почти каждый день дома во дворе. При передвижении активно сокращаются и расслабляются почти все мышца тела человека, при пробежке у детей активно функционируют мышцы верхних и нижних конечностей, а это очень важно для развития мышечной системы ребёнка. Уличная игра догонялки активно развивает дыхательную систему, икроножные мышцы, портняжную мышцу, мышцы верхних и нижних конечностей, диафрагму.

Игра в прятки развивая мышечную систему, но больше развивает у детей терпеливость, которая очень редкость в настоящее время среди детей средних классов. А также учит выбирать местность где и как спрятаться, учит тактике, ориентировке, которые очень хорошо развивают высшую нервную деятельность детей этого возраста.

Одной из интересных игр является игра в “Пять камней” или “Пять камышек”. Это игра тоже является национальной уличной игрой, в него могут играть не только дети, но и взрослые тоже, она хорошо развивает сенсорику, активное внимание, статику организма. Технология проведения игры очень лёгкая, нам нужны четыре круглых камней одного размера, а один чуть больше остальных. Указательный палец проводим на поверхность среднего пальца, безымянный палец и мизинец приподнимаем на верх, создаём на полу “ворота” между большим и средним пальцем. Большой камень бросаем на верх левой рукой, так как правая у нас образовала ворота, или наоборот у правши, и бросаем пять камней у “ворот”, берём большой камень, это игра состоит из трёх или пяти участников. Один участник выбирает из брошенных камней главного, которого играющий не должен задевать когда будит проводить остальные три камни по “воротам”, главный камень проводится через “ворота” последним. При проведении камней участник бросает большой камень на верх и до

того как его поймает должен свободной рукой проводить камни по “воротам”. Положение участника в состоянии сидя на корточке или на коленях.

Если вы обратили внимание здесь активно участвуют мышцы пальца руки, ученик должен ощущать камень, даже не смотря на него, потому что всё его внимание должно обращаться на большой камень, которого он бросил на верх, который не должен коснуться пола, при его прикосновении игра останавливается. Игра очень интересная, развивает тактику, активное внимание, вытягиваются портняжная мышца, развивается выносливость на статическую работу мышц ноги.

Также подвижная игра “петушинный бой”, очень интересная и развлекательная игра для 7 и 8 классов, где вырабатывается сила и мощность, выносливость. Игра в основном рассчитана для сильного пола, для мальчиков. Ученики стоя на одной ноге отводят руки назад за спину и крепким ударом плеч отбивают своего соперника. Здесь активно участвуют мышцы нижних конечностей, трёхглавая мышца голени, портняжная мышца и мышцы плеча. Игра развивает у учеников внимание, точность и силу удара плечом, а также развивает мышления удара в слабую точку соперника.

Подвижная игра “тополя”. В игре участвуют более 10 участников. Участники образуют две группы, становятся в две шеренги напротив друг-друга на дистанции от 5 до 10 и более метров. Суть игры заключается в том, что каждый участник должен пробежать эту дистанцию и разорвать “цепь”-шеренгу, где участники другой группы образуют цепь, держа друг-друга за руки напротив первой. Участника, который совершит пробежку выбирает группа стоящая на против. Тоже как и пересчитанные выше игры здесь тоже активно развиваются мышцы тела ученика, одновременно с пробежкой участник думает где бы с лёгкостью разорвать цепь, игра помогает размышлять, быть внимательным к соперникам, замечать малейшие недостатки, состояние вне игры, улучшает динамику респираторных органов, диафрагму, межрёберных мышц.

Все пресчитанные выше игры являются национальными подвижными играми, которые активно развивают у учеников мускулатуру, улучшает дыхательный тракт, подготавливает организм к выполнению спортивной нагрузки. У учащегося появляется интерес к занятию и активное участие в нём.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Матюшонок М.Т., Турик Г.Г., Крюкова А.А. Физиология детей и подростков. - Мн., Высш. шк.
2. Петришина О.А., Попова Е.П. Анатомия, физиология и гигиена детей младшего школьного возраста. – М.: Просвещение
3. Калининский М.Н. Питание. Здоровье. Двигательная активность. – Киев: Наук. Думка, 1990.
- 4.Абрамова Г.С. Возрастная психология: Учебное пособие для студентов вузов. 4-е изд., стереотип. М., ИЦ “Академия”, 1999.

УЎТ: 581.527.4

ТУРКИСТОН ТИЗМАСИДА ТАРҚАЛГАН ЎЗБЕКИСТОН ЭНДЕМЛАРИ

О.Т. Тургинов, ЎзР ФА Ботаника институти, Тошкент
А.С. Эсанкулов, ЎзР ФА Ботаника институти, Тошкент
Т.Х. Махкамов, ЎзР ФА Ботаника институти, Тошкент
Д.Э. Азимова, Жиззах давлат педагогика институти, Жиззах
Ў.Ш. Гофурова, Гулистон давлат университети, Гулистон

Аннотация. Мақолада Туркистон тизмасида тарқалган Ўзбекистон эндемлари рўйхатини шакллантириш тўғрисида қисқача маълумот ҳамда гербарий намуналари, систематикасига доир бўлган айрим маълумотлар ва сўнги йиллардаги тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Калим сўзлар: эндем, худуд, тур, туркум, ареал, гербарий, камёб, флора, фонд.

Аннотация. В статье дана краткая информация о формировании списка эндемиков Узбекистана, произрастающих на Туркестанском хребте, а также представлены сведения по образцам гербария, систематике и результатам исследований последних лет.

Ключевые слова: эндемик, регион, вид, род, ареал, гербарий, редкий, флора, фонд.

Abstract. The article provides a brief overview of the introduction to the science of endemics of Uzbekistan, widespread in the Turkestan ridge, herbarium samples, some information on the taxonomy and the results of recent studies.

Key words: endemic, region, species, genus, area, herbarium, rare, flora, fund.

Кириш. Туркистон тизмаси К.Ш. Тожибаев ва бошқалар [12] томонидан Ўзбекистонни ботаник-географик жихатдан районлаштириш схемасида Кухистон округининг Шимолий Туркистон ботаник-географик районига ажратилган.

Туристон тизмаси ҳозирга қадар кўпгина ботаник олимлар учун тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилган. Тизмада М.В. Агафонов, Г.С. Сиворақша [1], М.Г. Попов, М.М. Андросовлар [9], А.А. Федоров [15], К.С. Афанасьев [2], В.И. Запрягаева [5], И.В. Стрюкова, Р.А. Ким [10], Е.М. Демурина [4], М.Б. Тиркашева [11], Л.А. Ботирова [3], А.С. Эсанкулов [19] сингари олимлар тадқиқот ишлари олиб боришган. Туркистон тизмасида ҳозирги кунда Зомин давлат миллий боғи ва Зомин давлат кўриқхонаси фаолият юритади.

Мазкур минтақадаги эндем ва камёб турлар устида мустақил характерга эга бўлган аниқ мақсадли тадқиқот ишлари амалга оширилмаган. Фақатгина, Зомин давлат кўриқхонасида тарқалган камёб ва эндем турлар тўғрисида А.С. Эсанкулов [19] томонидан қисқача маълумотлар келтирилиб ўтилган.

Методлар. Тизмада тарқалган Ўзбекистон эндемларини рўйхатини шакллантиришда MW, LE, P, AA, FR, TAD, TASH ва Самарқанд давлат университети гербарийсида сақланаётган тегишли намуналарни ўрганиш, шунингдек, юксак ўсимликлар систематикаси бўйича етакчи мутахассислар (М.Г. Пименов, А.С. Сухоруков, М.А. Ломоносова, Г.А. Лазьков, А.Н. Сенников, М.В. Олонова, Н.А. Шөгелева, М. Nobis ва бошқ.) билан музокаралар олиб борилди. Дала тадқиқотларида А.В. Щербаков, С.Р. Майоровлар [18] томонидан ишлаб чиқилган методлардан фойдаланилди. Турларнинг таксономик бирликларини аниқлашда 11 жилдли “Определитель растений Средней Азии” [7, 8], 6 жилдли “Флора Узбекистана” [17], 30 жилдли “Флора СССР” [16] асарларидан фойдаланилди. Туркум ва турларнинг номлари “Определитель растений Средней Азии XI” [7, 8] ва International Plants Names Index [22], The Plant List [23] бўйича келтирилди. Таксонларнинг муаллифлари “Authors of Plant Names” R.K. Brummit, C.E. Powell [20] қўлланмаси фойдаланилди.

Мунозара ва олинган натижалар. Ўзбекистондаги маҳаллий флораларни ўрганишга қаратилган қатор тадқиқотлар мавжудлигига қарамадан, мамлакат флорасидаги эндемизм фракцияси турларининг тур таркибининг руйхати, ўсиш ҳудудларини хариталари, табиий популяцияларнинг замонавий ҳолатини баҳолашга қаратилган мақсадли тадқиқотлар олиб борилмаган. Мавжуд маълумотлар тарқоқ ҳолда келтирилган бўлиб, улар тўғрисида “Флора СССР” [16], “Флора Узбекистана” [17], “Определитель растений Средней Азии” [7, 8] асарларида эндем тарикасида ёзиб кетилган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти олимлари томонидан илк бор “Ўзбекистон флораси эндемларининг миллий рўйхати шакллантирилди ва замонавий конспекти” тузилди. Рўйхатни шакллантиришда асосан йирик фондларда - TASH, MW, LE, AA, TAJ, FR ҳамда Самарқанд давлат университети гербарийси фондида сақланаётган намуналар кенг таҳлил қилинди, шу билан бирга дала тадқиқотлари давомида олинган натижалар ҳамда Ботаника институтида бажарилган лойиҳалар натижаларидан тўлиқ фойдаланилди. Бунга кўра, Ўзбекистон флораси эндемларининг миллий рўйхатидан 32 оила 100 туркумга мансуб 334 тур ўрин олди. Бу рақамлар юртимизда олиб борилаётган ботаник тадқиқотлар давомида ўзгариши эҳтимолдан ҳоли эмас. Туркистон тизмасида учрайдиган жами Ўзбекистон эндемлари 11 оила, 9 туркумга мансуб бўлган 12 турдан иборат бўлиб, улардан, 2 оила 2 туркумга мансуб бўлган 4 тур фақатгина тизманинг эндеми бўлса, 5 оила 7 туркумга мансуб 8 турлар бошқа минтақаларда ҳам учрайди.

Қуйида фақат Туркистон тизмасида тарқалган ва бошқа ҳудудларда учрамайдиган Ўзбекистон эндемларининг оиласи, фанга киритилиши тўғрисида қисқа шарҳ, гербарий намуналари, систематикасига доир бўлган айрим маълумотлар ва сўнги йиллардаги тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Xanthorrhoeaceae. *Eremurus chloanthus* Popov – яшил гулли ширач. Ушбу тур 1926 йилда Туркистон тизмасида олиб борилган тадқиқотларда терилган намуналар асосида (Types: Туркестанский хребет. Зааминское лесничество ущелья р. Гуралаш. 20.VII. 1926, Попов, Андросов. TASH000226) 1937 йилда М.Г. Попов томонидан фанга киритилган. Мазкур тур систематик жихатдан *E.bucharicus* ва *E.luteus* турларига жуда яқин бўлиб, гулкўрғон бўлақларининг ранги, гулбандининг узунлиги, баргининг энлилиги билан фарқ қилади (*E.bucharicus* гуллари оқ, *E.luteus* сарик, *E.chloanthus* сарғиш яшил) (Rast. Zapovedn. Guralash Zaaminsk, Попов, Андросов, 1937). *E. chloanthus* Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига (2009) киритилган, камёблик даражаси “0” га тенг бўлиб, ҳозирга қадар

келтирилган маълумотларга кўра мазкур тур Гуралаш дарё ҳавзасини юқори қисмида тарқалган. Сўнги йилларда олиб борилган изланишларда ҳам мазкур тур учратилмади. Табиатда ҳозирги кунда тур ўсиши тўғрисида олимларнинг аниқ бир фикри мавжуд эмас, фақатгина мақсадли изланишларда топилиши эҳтимоли бор. Турнинг ягона гербарий нусхаси Ўзбекистон Миллий Гербарийси фондида сақланади.

Fabaceae. *Astragalus belolipovii* Kamelin ex F. O. Khass. & N. Sulajm. - Белолипов астрагали. Мазкур турнинг номи ботаник олим, профессор И.В.Белолипов билан боғлиқ. Турнинг илк гербарий намуналари И.В. Белолипов томонидан 1969 йилда терилган (Types: Хр. Туркистанский, выше Кульсайского лесничества, Арчевник, 30.08.1969, И.Белолипов. TASH001620) ва 1977 йилда Р.В. Камелин томонидан фанга киритилган. Ушбу тур *Halocacabus* Bunge секциясига мансуб бўлиб, секцияга Ўрта Осиёда 3 тур *A. willisi* Popov, *A. pseudanthylloides* Gontsch. ва *A. raddei* Basil. киради. *A. belolipovii* бу турлардан фарқи қуйидагича: *A. pseudanthylloides* гулкўрғон бўлақларининг ранги ва шакли билан, *A. raddei* гулкўрғон бўлақларининг шакли ва тўпгулининг тузилиши билан фарқ қилади [21]. *A. belolipovii* Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига [14] киритилган бўлиб, камёблик даражаси “1” га тенг. Тур асосан ўрта тоғ минтақасидаги арчзорларнинг тошли ва майда тошли-шағалли экологик муҳитида учрайди. Сўнги йилларда мазкур тур устида олиб борилган изланишлар натижасиз тугамокда. Ҳозирда турнинг илк гербарий намунаси Ўзбекистон Миллий Гербарийси фондининг тип бўлимида сақланади.

Astragalus rusanovii F.O. Khass., Sarybaeva & Esankulov - Русанов астрагали. Мазкур тур муаллифлар томонидан олиб борилган изланишлар давомида йиғилган намуналар асосида фанга киритилган (Зап. Памиро-алай. Туркестанский хр., окр.к. Кульсай, 2400 м.н.у.м. N 39 38 45 3 E 68 19 49 3, 27.07.2010, Хасанов, Эсонкулов. TASH001790). Турнинг номи Тошкент ботаника боғини ташкил қилишда жонбозлик кўрсатган Н.Ф. Руссанов номига қўйилган. Турга систематик жихатдан яқин бўлган тур *A. iskanderi* Lipsky бўлиб, гулкўрғон бўлақларининг ранги (*A. iskanderi* қизил, *A. rusanovii* кўкимтир) ва тукланиш (*A. rusanovii* туксиз) даражаси, гулкочасининг тукланишига кўра фарқланади [21]. Мазкур тур ўрта тоғ минтақасининг майда тошли ва тошли-шағалли ёнбағирликларида учрайди. Ҳозирги кунда турнинг популяцияси тўғрисида аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Турнинг ягона нусхаси Ўзбекистон Миллий Гербарийси фондининг тип бўлимида сақланади.

Astragalus zaaminensis F.O. Khass. & Esankulov - Зомин астрагали. Муаллифлар олиб борган изланишлари давомида терилган намуналар асосида фанга киритилган (Westren Pamiralaj, Turkestan mountain range, Zaamin reserve, Bojkungsaj, near by the river, N403103, E681228, 05.07. 2014, Khassanov, Esankulov). Бу тур *Xiphidium* Bunge секциясига мансуб. Тур систематик жихатдан *A. canoflavus* Popov ва *A. bossuensis* Popov турларига яқин бўлиб, *A. canoflavus* гуллари ва бобининг тузилиши билан фарқланса, *A. bossuensis* гулкочасининг узулиги, гуллари ва бобининг тузилиши билан фарқланади. Мазкур тур ўрта тоғ минтақасининг майда тупроқли, шағалли ёнбағирликларида учрайди. Кейинги йилларда Ўзбекистон флорасидан фан учун янги кашф этилган айрим турларнинг тип (holotype) намуналари Ўзбекистон Миллий гербарийси фондига топширилмаган бўлиб, булар қаторида *Astragalus zaaminensis* турини ҳам кўриш мумкин.

Қуйида Туркистон тизмаси ва унга ёндош бўлган минтақаларда тарқалган Ўзбекистон эндемлари тўғрисида маълумотлар келтирилди.

Liliaceae. *Gagea nabievii* Levichev - Набиев бойчечаги. Ушбу тур Ўзбекистонда ботаника фанининг ривожланишига катта хисса қўшган, фан фидоийси, ботаник олим М.М. Набиев номига қўйилган бўлиб, турнинг илк намуналари 1980 йилда Кухитанг тизмасидан терилган (Pamiro-Alaj. Kuhitang. In fluxu superiore Kuzyl Alma-saj, dorsum jugi prope nivem 2900 m s.m. 20.05.1980, Nabiev, Schermatov, Kazakbaev, Levichev n^o371. TASH000290) ва 1982 йилда И.Г. Левичев томонидан фанга киритилган. Ўзбекистон миллий гербарийси фондида сақланаётган намуналар орасида турнинг Туркистон тизмасидан терилган намуналари ҳам мавжуд (Заповедник Гуралаш, Куль-сай в нижней части шлейф горы западный экспозиции в арчевники, 19.05.1947, Назаренко). Мазкур тур систематик жихатдан *G. hissarica* Lipsky турига яқин бўлиб, кўп сондаги сталоннинг мавжудлиги ҳамда ювинил босқичида йирик бўлиши билан фарқланади [6]. Мазкур тур асосан ўрта ва юқори тоғ минтақаларида, баландликларда ва қорли жойларда ўсади.

Amaryllidaceae. *Allium clausum* Vved. - туташган пиёз. Бу тур 1971 йилда А.И. Введенский томонидан 1949 йилда терилган намуналар (Ўзбекистан. Бассейн реки Кашкадарья, верховья реки Аксу, горы Шоурты к востоку от кишлак Кызыл-Имчак, на

каменистом склоне, 15.08.1949, Гомолицкий, Халматов, 172. TASH000350) асосида фанга киритилган. Ушбу турга систематик жихатдан яқин бўлган тур *A. talassicum* Regel бўлиб, турлар бир биридан гулкўрғон бўлақларининг шакли ва хажми билан фарқланди (*A. talassicum* гулкўрғон бўлақлари ўткир тишли ва узунлиги 3-4 мм; *A. clausum* гулкўрғон бўлақлари тўмтоқ, узунлиги 4-5 мм тенг). Ўзбекистон Миллий гербарийси ва бошқа фондларда сақланаётган намуналарга кўра; Туркистон тизмаси ва унга ёндош бўлган тизмаларда ҳам тарқалган: Туркистон тиз. (Кульсай, в склон, арчевник, 29.07.1958, Ратьковский 251); Зарафшон тиз. (окр. к. Ургут, уш. р. Чашма-Хатун, 27.06.1936, Гнездило 296; перевал Аман-Кутан, 17.10.1959, Филимонова 499); Ҳисор тиз. (Шоурты, Кызыл-Имчак, 17.08.1949, Гомолицкий 174; Танхас, окр. к. Кирай, верховья Кайнарская, 15.07.1955, Пятаева 17; Окр. к. Ходжикурган, 09.08.1987, Солдатова 119; На СЗ от родника Ходжа-Булган, 09.08.1940, Попова 205). Ҳозирга қадар олиб борилган дала тадқиқотлари, юқорида келтирилган намуналар ҳамда адабиётларда келтирилган маълумотларга асосланган ҳолда, турни фақатгина Ғарбий Помир Олойнинг Ўзбекистон Республикасига тегишли бўлган ҳудудларидагина тарқалганлиги кўриш мумкин. Шундай экан, мазкур тур Ўзбекистоннинг миллий эндемларидан бири сифатида изоҳланади.

Fabaceae. *Hedysarum nuratense* Popov - Нурота тангаўти. Мазкур тур 1937 йилда М.Г. Попов томонидан Нуротадан терилган намуналар асосида (In montibus Nuratau prope Dzhizak, Spiridonov) фанга киритилган. Турга систематик жихатдан энг яқин тур *Hedysarum taschkenticum* Popov бўлиб, турлар бир биридан ўсимликнинг умумий тукланиш даражаси, дуккагининг шакли ва ранги билан фарқ қилади. Мазкур тур, Ўзбекистон Миллий гербарийси ва бошқа фондларда сақланаётган намуналарга кўра ҳам Ғарбий Помир Олойнинг Туркистон, Нурота, Ҳисор ва Молгузар тизмаларида тарқалган: Туркистон тиз. (Сангзар дарёси бассейни, Бай-кунгур дарёси водийси, 22.09.1934, Гомолицкий 406; Сангзар дарёси бассейни, Жиничка довони, 21.05.1935, Закржевский 72; Сангзар дарёси бассейни, Алдашман дарёси нам шағалли қирғоғи, 12.07.1934, Гомолицкий, Протопов 99; Гуралаш дарёси бассейни, Каракшакшак қишлоғи атрофи, 26.06.1935, Закржевский 602; Зоминдан 8 км жануби-шарққа, 20.05.1954, Краснополин); Молгузар тиз. (Мальгузар тоғлари, Жиничка сой, 27.06.1952 Миронова 68; Мальгузар тоғлари, жанубий қисми, 04.06.1931, Касименко 799; Мальгузар тоғлари, Беш-Булоқ қишлоғи атрофи, 08.06.1937, Демурина 129; Мальгузар тоғлари, Олма-сой қирғоғи, 23.05.1938, Демурина, 16); Ҳисор тиз. (Мачай қишлоғидан юқорида, 08.06.1947, Короткова; Сари-Шато довони, 30.05.1941 Попова, 574); Нурота тиз. (Нурота тоғлари, Қора-багданан 1 км шимоли-шарққа. 19.06.1956, Закиров, 293; Жиззах ш. чизигида Нурота тизмаси тоғ олдида, 16.05.1928, Советкина, 213; Фориш қишлоғи, 12.05.1955, Запрометова; Нурота тоғлари, Гужум қишлоғидан 6-7 км ғарбда, 23.07.1937, Демурина, 725; Фаришский р-н., 01.04.1941, Момотов; Кўй-тош тоғлари, Тутли қишлоғидан 3 км ғарбда, 29.05.1940, Гомолицкий, Долгих 76; Нурота тоғлари, Усток сой, 13.07.1956, Введенский, 115).

Lamiaceae. *Phlomis linearifolia* Zakirov - узунбарг қўзиқулоқ. Мазкур турнинг илк гербарий намуналари муаллиф томонидан 1941 йилда Нурота тизмасидан терилган (Турес: Нурота тоғлари, Янгўғли атрофида, Лянгар яқинида, 19-20.05.1941, Закиров, Ниязов. TASH002815) намуна асосида фанга киритилган. Турга систематик жихатдан яқин бўлган тур *Phlomis salicifolia* Regel тури бўлиб, бир биридан баргини четидаги тишларнинг шакли ва умумий тузилишига кўра фарқ қилиши келтирилган. Кейинчалик А.М. Махмедов [6] мазкур турни систематик жихатдан изоҳлаб, ушбу тур *Phlomis regelii* Popov турига яқин бўлиб, турлар барглари умуумий шакли, гулкосачабарглари тузулиши билан фарқланишини келтирган. Мазкур тур, Ўзбекистон Миллий гербарийси ва бошқа фондларда сақланаётган намуналарга кўра ҳам Ғарбий Помир Олойнинг Туркистон, Нурота, Ҳисор ва Молгузар тизмаларида тарқалган: Нурота тиз. (Нурота тизмаси. Фориш тумани, 26.04.1941 Момотов 55; Кўй-тош тоғлари, Саримсақли қишлоғи орасидаги Арбам-кўл қишлоғи, 29.05.1940, Гомолицкий, Долгих 85; Нуота тоғлари. Устук сой, 13.07.1956, Введенский 116); Туркистон тиз. (Туркистон тизмаси, Санзар дарёси водийсида Бахмал h=1100-1200 денгиз сатхидан, 20.08.1960, Закиров; Зомин тумани, Ачи қишлоғи, 21.06.1931, Кобранова 328); Молгузар тиз. (Молгузар тизмаси, Увол-сой шимолий қисми, 14.05.2012, Бешко; шимолий қисми, Увол-сой, 14.05.2012, Азимова). Сўнги йилларда олиб борилган дала тадқиқотларида мазкур тур Зарафшон тизмасида ҳам тарқалганлиги маълум бўлди: Тахтакороч довони яқинида, Омонкутан қишлоғи, 17.06.2017, Кодиров (N 39.299774, E66.959264). Бу эса турнинг ареали тўғрисидаги билимлар учун илмий янгилик сифатида баҳоланади.

Phlomoides ambigua (Popov ex Pazij & Vved.) Adylov, Kamelin & Makhm. – икки юзли фломоидес. 1934 йилларда Туркистон тизмасида олиб борилган тадқиқотларда терилган (Турес: Туркистон тоғлари, гуралаш дарёси бассейни. Гуралашдан Қизил Турукка доvon. h=2900 m., 18.07.1934, Закржевский 367) намуна асосида 1940 йилда М.Г. Попов томонидан *Eremostachys ambigua* Popov, кейинчалик эса 1961 йилда *Eremostachys ambigua* Popov ex Pazij & Vved. тарзида фанга киритилган. 1987 йилда А.М. Махмедов, Т.Адылов ва Р.В. Камелин томонидан *Phlomoides Moench.* турлари устида олиб борилган систематик тадқиқотларда мазкур тур *Phlomoides ambigua* (Popov ex Pazij & Vved.) Adylov, Kamelin & Makhm. тарзида қайта номланган. Мазкур турга систематик жиҳатдан яқин турлар *Phlomoides baissunensis* (Popov) Adylov, Kamelin & Makhm. ва *Phlomoides speciosa* (Rupr.) Adylov, Kamelin & Makhm. турлари бўлиб, тўпгулларининг шакли, гулкоса барглари тукланиш даражаси ва мевасидаги тукланишларга кўра фарқланади. Адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра, мазкур тур Туркистон тизмасининг ғарбий қисми, Нурота ва Ҳисор тизмаларида тарқалган. Фондларда сақланаётган намуналарга кўра: Туркистон тиз. (Гуралаш дарёси бассейни, Басс. р. Гуралаш, Гуралашдан Қизил Турукка доvon, 18.07.1934, Закржевский 376; Туркистон тизмаси Бой-Кунгур сойнинг шимолий қисми, 2400 м., 20.07.1955, Демурина, Булгакова; Санзар ўрмончилиги. Ок-Чопкон-сойнинг чап қирғоғининг Кўк-Жар-сойга кўшилиш жойи, юқоритерраса, 17.06.1956, Демурина, Булгакова; Полохмон сойнинг юқори қисми, баландлиги 2300 м денгиз сатҳидан (2 экзп). sn 03.07.1956, Демурина; Гуралаш кўриқхонаси. Кўл-сойдан жануби-жануби-ғарбда, 11.07.1940, Пятаева 22; Кўк-жар дарёси юқори қисми, 14.07.1934, Гомолицкий, Протопопов 171; Гуралаш-сой кўриқхонаси, 16.06.1937, Короткова, Васильковская 350); Нурота тиз. (Нурота кўриқхонаси, Хаётсойнинг юқори қисми, Оличак дарёси ёнида h=1700 м денгиз сатҳидан, 27.03.2012, Бешко); Ҳисор тизмасида учраши тўғрисида ҳозирча маълумотлар мавжуд эмас, фақатгина адабиётларда келтирилиб ўтилган.

Phlomoides sogdiana (Pazij & Vved.) Salmaki - Суғд фломоидеси. Бу тур 1940 йилда М.Г. Попов томонидан *Eremostachys desertorum* var *brevispina* Popov номи билан келтирилган, В.К. Пазий ва А.И. Введенский 1926 йилда М.Г. Попов томонидан терилган намуна (Pamiralaj Montes Sogdiano-transoxoni. Schistosis in loco Jang-ogly in montibus Ak-tau, 8.06.1926, Popov 1291) асосида *Eremostachys sogdiana* Pazij & Vved. номи билан янги тур сифатида фанга киритилган. Кейинчалик, айрим систематик ўзгаришлардан сўнг *Paraeremostachys sogdiana* (Pazij & Vved.) Adylov, Kamelin & Makhm. номи билан, сўнги йиллардаги таксономик ўзгаришларга кўра, ҳозирда *Phlomoides sogdiana* (Pazij & Vved.) Salmaki номи билан юритилади. Мазкур тур систематик жиҳатдан *Phlomoides desertorum* (Regel) Salmaki турига яқин бўлиб, бир биридан гулларининг пастки лабининг хажми, косачабаргларидаги тишчаларининг шакли билан фарқланди. Мазкур тур, Ғарбий Помир Олойнинг Туркистон, Зарафшон, Нурота, Ҳисор, Молгузар тизмалари ва Сурхон-Шеробод текисликларида тарқалган. Нурота тиз. (Питов сойи Нурота тоғлари, 27.05.1964, Цукерваник 300; Чашма кишлоғи атрофидаги Нурота, 05.06.1964, Пряхин; Нурота тоғлари, Қўй-тош, 04.07.1937, Макарчук 522); Ҳисор тиз. (Кугитанг тоғлари, Лойли кишлоғи атрофидаги юқори тепаликлар, 22.05.1972, Алланазарова, Бутков 182; Қашқадарё бассейни, Қизилчадан Ёриқ-дара йўлида, Бўри-булоқ ва Тоғай-темир кишлоклари орасида, 06.08.1931, Гранитов, Демурина 783; Бойсун тумани, Чилонзор кишлоғи атрофи, 27.05.1930, Лепешкин); Туркистон тиз. (Жиззах, “Темур дарвозаси” дараси, Санзара дарёси чап қирғоғи. 26.05.1921, Курбатов 191; Жиззах, “Темур дарвозаси” дараси, Санзара дарёси чап қирғоғи, 26.05.1921, Курбатов 196); Сурхон-Шеробод текисликлари (Широбод шаҳри, Широбод дарё ўнг қирғоғи, 22.03.1964, Халиков; Широбод водийси, конгломератлар чиқиш жойи Широбод ш. дан юқорида, 22.05.1927, Введенский; Широбод атрофида конгломерат тепаликлар, 18.04.1914, Культиасов 241). Бу тур ҳам худди юқоридаги тур сингари, Ғарбий Помир Олойнинг Ўзбекистон Республикасига тегишли бўлган худудларидагина тарқалган, Ўзбекистоннинг миллий эндемларидан бири саналади.

Asteraceae. *Arctium chloranthum* (Kult.) S. López, Romasch., Susanna & N.García - яшил гулли каррак. М.В. Культиасов 1929 йилда Г.А. Балабаев томонидан терилган намуналар (Гон ва Сафарид орасидаги чўл. 27.05.1919 Балабаева, 1655; Тонги дарасидаги тоғ. 17.05.1919, Балабаева 1656;; Кара Мактак. 24.06.1920 Балабаева 1654; Кўрсой доvonидан Мужигонгача, 23.06.1921, Балабаева 2100) асосида *Cousinia chlorantha* Kult. номи билан фанга киритилган. Мазкур тур систематик жиҳатдан *Cousinia karatavica* Regel & Schmalh. ва *Cousinia korolkowii* Regel & Schmalh. турларига яқин бўлиб, илдизолди барглариининг шакли

ва гулқўрғон бўлақларининг тузилиши билан фарқ қилади. Кейинчалик, тур устида олиб борилган ўзгаришлар натижасида турнинг номи *Arctium chloranthum* (Kult.) S. López, Romasch., Susanna & N.García ўзгартирилди. Мазкур тур Туркистон, Нурота, Молгузар ва Қизилқум олди паст тоғларида тарқалган. Фондларда сақланётган намуналарга кўра: Туркистон тиз. (Туркистон тизмаси, Кўл-сой водийси пастки қисмида, 14.06.1938, *Короткова 184*; Байқунгурсай, 28.07.1958, *Бурыгин 50*); Молгузар тиз. (Мальгузар тизмаси, Қора-Мозор, 25.04.1961, *Бульгакова 765*; Мальгузар тоғлари, Кичик-қора-шахтар қишловидан шимоли-шарққа 2 км, 23.07.1937, *Демурина 1315*). Фондларда сақланаётган намуналар орасида Нурота ва Қизилқум олди паст тоғлардан терилган намуналар мавжуд эмас, бу маълумотлар фақатгина адабиётларда келтирилиб ўтилган. Балким, келгусидаги изланишларда мазкур худудлардан ҳам гербарий намуналари терилар.

Cousinia dshisakensis Kult. - Жиззах қарраги. Мазкур тур муаллифнинг 1921 йилда Жиззах атрофларида олиб борган изланишларида йиғилган (Самарқанд вилояти, Жиззах ш., Жиззах ш. дан жануби-ғарбдаги тоғлар, 1921.04.05. Культасов) намуналари асосида, 1925 йилда янги тур сифатида фанга киритилган. Бу тур систематик жихатдан *Cousinia schtschurowskiana* Regel & Schmalh. турига яқин бўлиб, ўсимликнинг умумий тукланишига, корзинкасининг тукланиши ва шаклига ҳамда гулёнбаргчаларининг шаклига кўра фаркланади. Келтирилган маълумотларга кўра мазкур тур Туркистон ва Нурота тизмаларида тарқалган. Фондларда сақланаётган намуналарга кўра: Нурота тиз. (Нурота, Таласбайнинг шимолий қисми, Янги қишлоқдан жануби-ғарбга 8 км, 7.05.2012, Бешко; Нурота. Устюг-сой, 2.06.1954, *Бурыгин 308*); Туркистон тиз. (Ачи қишлоғига боришда, 16.06.1931, Кобранова 306; Темур дарвозаси ёнида, Санзар дарёси ўнг томони, 28.04.1947, *Короткова 9*; Зомин дарёси водийси, 15.05.1970, Бутков; Зомин миллий боғи, Ўрикисой чегараси. 08.05.2014, Тожибаев ва б). Бу тур ҳам худди юқоридаги тур сингари, Ғарбий Помир Олойнинг Ўзбекистон Республикасига тегишли бўлган худудларидагина тарқалган, Ўзбекистоннинг миллий эндемларидан бири ҳисобланади.

Хулоса. Туркистон тизмаси ва унга ёндош минтақаларда тарқалган турлар Ғарбий Помир Олой тизмалари Нурота, Зарафшон, Ҳисор тизмаларига хос бўлган турлар эканлиги билан ажралиб турибди. Тарқалишига кўра, тизма билан чегараланган (эндемлар) турларнинг асосий қисми сўнги йилларда фанга киритилган ва маълум бир гуруҳга мансублиги, мазкур минтақадаги яна ҳам аниқ мақсадли флористик тадқиқотлар олиб бориш кераклигини кўрсатади. Бунинг натижасида Туркистон тизмаси флораси тўғрисидаги билимларнинг кўпайишига ва айрим эндем ва камёб турларнинг замонавий ареаллари, экологик маконлари, популяцияларининг ҳолати, ўсимликлар жамоасидаги тутган ўрни ва бошқалар тўғрисида замонавий маълумотлар билан бойишига эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Агафонов М.В., Сиворақша Г.С. Естественное возобновление арчи в Зааминской лесной даче // Тр. Узб. Лесокультурной и агролесомелиоративной опытной станции (УзЛЛОС). – Ташкент: 1936.–вып.1. – С. 63-87.
2. Афанасьев К.С. Растительность Туркестанского хребта в пределах Таджикистана и Киргизии. – М.-Л.: АН СССР, 1956. – 278 с.
3. Ботирова Л.А. Зомин сув хавзасининг ўсимликлар қоплами: Автореф. дис. ...канд. биол. наук. – Ташкент: 2012. – 24 с.
4. Демурина Е.М. Растительность западной части Туркестанского хребта и его отрогов. – Ташкент: Фан, 1975. – 228 с.
5. Запрягаева В.И. Корневые системы арчи // Труды Ботанического института АН ТаджССР. – Душанбе, 1958. – № 73. – С. 26-30.
6. Левичев И.Г. Новые виды рода *Gagea* из Средней Азии // Бот. матер. Герб. Инс-та Бот. АН УзССР. – Ташкент, 1982. Вып. XX. – С. 17-28.
7. Определитель растений Средней Азии: Критический конспект флоры. Т. I–X. – Ташкент: Фан, 1968 – 1993.
8. Определитель растений Средней Азии: Критический конспект флоры. Т. XI: справочник. – Ташкент: Фан, 2015. – 456 с.
9. Попов М.Г., Андросова М.В. Растительность заповедника Гуралаш и Зааминской лесной дачи. – Ташкент, 1937. – 48 с.
10. Стрюкова И.В., Ким Р.А. Карта пастбищ Джизакской области (М1:200000). – Ташкент: УзГипрозем, 1976.
11. Тиркашева М.Б. Сангзор дарёси хавзасининг ўсимликлар қоплами: дис. ...канд.биол. наук. – Тошкент: 2011. – 198 б.
12. Тожибаев К.Ш., Бешко Н.Ю., Попов В.А. Ботанико-географическое районирование Узбекистана // Ботанический журнал. – Санкт-Петербург: Наука, 2016. – №10 (101). – С. 1105-1132.
13. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. Ҳарфи. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти Тошкент. 745-746 б.

14. Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби. Ж.I: Ўсимликлар ва замбуруғлар. ... Тошкент: Chinor ENK, 2009. — 360 б.
15. Федоров А.А. Заметка о дендрофлоре заповедника Гуралаш-Кульсай и Зааминской лесной даче // Ботанический журнал. – Москва, 1942. – № 6. – С. 19-27.
16. Флора СССР. В 30 т. М., Л.: изд. АН СССР, 1934-1964.
17. Флора Узбекистана. В 6 т. – Ташкент: изд. АН УзССР, 1941-1963.
18. Щербаков А.В., Майоров С.Р. Инвентаризация флоры и основы гербарного дела (Методические рекомендации). – Москва: Товарищество научных изданий КМК, 2006. – 50 с.
19. Эсанкулов А.С. Флора Зааминского государственного заповедника: дис....канд.биол. наук. – Тошкент: 2012. – 145 б.
20. Brummit R.K. & Powell C.E. Authors of plants names. – Kew: Royal Botanic Gardens (U.K.), 1992.– 732 p.
21. Khasanov F.O., Saribayeva Sh.U., Esankulov A.S. A new Astragalus L. (Fabaceae) species from Uzbekistan // Journal Stapfia reports. – Linz, 2010. V. 92. – P. 25-26.
22. <https://www.ipni.org>
23. <https://www.theplantname.com>

УЎК 635.655

БУХОРО ВИЛОЯТ ТУПРОҚ-ИҚЛИМ ШАРОИТИДА СОЯ НАВЛАРИНИНГ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

М.К. Ҳамроева, доцент, PhD, Денов тадбиркорлик ва педагогика институти, Денов

Аннотация. Барча соя навларида транспирация жадаллиги, бошқа ўсимликларга ўхшаб гунчалаш фазаси бошида сувга талаби орта бошлайди, айниқса гуллари тўлиқ очилиши даврида ўсимликнинг сувга бўлган талаби жуда кучаяди.

Калим сўзлар: ривожланиш онтогенези, қуруқ иқлим вегетация пайти, транспирация жадаллиги, дуккаklar, интенсив даража, гуллаш ва дуккаklarнинг ҳосил бўлиш фазаси, барг юзаси, ҳаво ҳарорати.

Аннотация. У всех теневых сортов интенсивность транспирации, как и у других растений, начинает увеличивать потребность в воде в начале фазы бутонизации, особенно в период полного цветения.

Ключевые слова: онтогенез развития, вегетационный период сухого климата, интенсивность транспирации, стручки, уровень интенсивности, фаза цветения и формирования бобовых культур, поверхность листьев, температура воздуха.

Abstract. In all shade varieties, the intensity of transpiration, like in other plants, begins to increase the need for water at the beginning of the budding phase, especially during full flowering.

Key words: ontogeny of development, vegetation period of dry climate, intensity of transpiration, pods, level of intensity, phase of flowering and formation of legumes, leaf surface, air temperature.

Барча маданий ўсимликлар ўз ривожланиш онтогенезида сувга боғлиқ ҳолда ривожланади, қачонки ўсимликнинг хужайралари сув билан таъминланган ҳолатда бўлса, у ҳолда борадиган физиологик жараёнлар ўз вақтида тўғри шаклланади. Хужайрада борадиган барча жараёнлар ўсимликнинг сув баланси, яъни сувни қабул қилиш ва буғлатиш ҳолатлари мақбул ҳолатда бўлгандагина амалга ошади. Айниқса, биздаги иссиқ, қуруқ иқлим вегетация пайтида ўсимлик учун сув етарли даражада бўлишини талаб қилади, ўсимлик сув билан табиий ёки сунъий равишда таъминланган бўлиши лозим. Қисқа муддатда намликнинг етишмаслиги ўсимлик ривожланишига таъсир қилади. Соянинг транспирация жадаллиги бошқа мойли экинларга қараганда юқори эмас, ўсимликнинг фазалари бўйича босқичма-босқич камайиб боради, айниқса дуккаklar ҳосил бўлиш фазасида транспирация жадаллиги энг юқори бўлиб, бу фазада тупроқдаги сувнинг миқдорига сезувчанлиги ортади. Транспирация учун сарфланган сув соя ўсимлигининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигининг юқори бўлишида муҳим аҳамиятга эга.

Хуллас, бу даврда ўсимликнинг пояси пастдан юқорига қараб турли фазаларни бошидан кечираётган бўлади. Демак, ўсимликнинг сувга бўлган талаби ҳам интенсив даражада бўлади. Майдонда ўсимликнинг гуллаш ва дуккаklarнинг ҳосил бўлиш фазасида сувни энг кўп миқдорда буғлатади, дуккаklar пишиб етила бошлаган пайтга келиб транспирация жараёни секинлашади. Транспирация жадаллиги даврида ўсимлик хужайрасидаги сув барг юзасидаги кўринмас тешикчалари орқали буғланади. Бунинг натижасида барг хужайраларида сув миқдори камаяди ва сўриш кучи ортади. Баргларда сўриш кучининг ортиши ўз навбатида барг томирлари ва найларидан сувни тортиб олиш


жараёнини фаоллаштиради. Ҳаво ҳарорати юқори бўлгани сари барглар сувни сўриш кучини ошириб боради. Юқоридан тортиб олувчи кучнинг пайдо бўлиши ўсимлик бутун пояси, барглари, мевалари бўйлаб ҳужайраларда сувнинг ҳаракатини янада тезлаштиради [1,2,3].

Шундай қилиб, юқоридан ҳаракатга келтирувчи куч транспирация натижасида вужудга келади. Транспирация жадаллигига қараб, сўриш кучи ҳам шунча юқори бўлади. Транспирация жадаллиги ҳаво ҳароратига, ўсимлик биологиясига, агротехник тадбирларга, тупроқдаги сувнинг юза ёки чуқур жойлашишига ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Бухоро вилоятининг ўртача шўрланган тупроқларида ўрганилган барча соя навларида куннинг соат 12⁰⁰ ва 14⁰⁰ бўлган пайтида сувни ўсимлик кўп миқдорда ўзлаштиради. Ўртапишар соя навларида ривожланиш фазалари эрта бўлгани учун, сувга бўлган талаби ёки транспирация жадаллиги эрта бошланади. Ўртапишар навларда сувга бўлган талаб июнь ойининг охири ва июль ойининг бошларида кузатилди, бу кўрсаткич ўртапишар навларда эса июнь ойининг боши ва ўрталарида ўзгаради.

Иزلанишларимизда турли соя навларининг гуллаш фазасида транспирация жадаллиги ўртапишар соя нави Славияда соат эрталабки 8⁰⁰ да 376,4 г/м² соатдан 454,3 г/м² соатгача бўлган бўлса, Дўстлик навида эрталабки соат 8⁰⁰ да 435,7 г/м² соатдан 475,1 г/м² соатгача бўлганлиги маълум бўлди. Олимпия навининг транспирация жадаллиги ўрганилганда эрталабки соат 8⁰⁰ да Славия навида яқин бўлганлиги маълум бўлди, яъни 366,1 г/м² соатдан 432,4 г/м² ни ташкил қилди.

Ушбу кўрсаткичлар бу иккала нав биологик хусусиятларига кўра Россияда тезпишар, аммо бизда ўртапишар бўлиб деярли бир муддатда пишиб етилганлиги туфайли деб биламиз. Олинган натижалар шунини кўрсатдики, Россиядан келтирилган соя навларида ҳар бир ривожланиш фазасида транспирация жадаллиги юқори эканлиги кузатишлардан маълум бўлди [2, 4]. Масалан, Славия навида туш пайтида буғлатиш миқдори 1237,14 г/м² соатдан Олимпия навида 1345,2 г/м² тушки соатларда энг юқори бўлди. Сувни буғлатиш жадаллиги соат 16⁰⁰ дан бошлаб тезлик билан пастлашиб борди. Парвоз ва Нафис навларида ҳам сувни буғлатиш жараёни ҳар хил эканлиги маълум бўлди. Ўрганилган Парвоз ва Нафис навларида соат 12⁰⁰-14⁰⁰ да транспирация жадаллиги максимал нуктасига етди, соат 16⁰⁰ бошлаб сувни буғлатиш қобилияти тез камайганлиги маълум бўлди. Эрталаб соат 8⁰⁰ да ўрганилган Парвоз ва Нафис навларида 551,8 г/м² ва 544,7 г/м² бўлди, аммо соат 12-14⁰⁰ да транспирация жадаллиги энг юқори нуктага етди, бу вақтда жадаллик 1534,3 г/м² ва 1589,5 г/м² ташкил қилди, аммо соат 16⁰⁰ дан бошлаб сувни буғлатиш қобилияти пастлашгани маълум бўлди. Ўртача шўрланган тупроқларда транспирация жадаллиги эрталаб соат 8⁰⁰-20⁰⁰ гача аниқланди. Олинган маълумотларга кўра, соат 20⁰⁰ да ўртапишар Славия ва Олимпия соя навларида 4,830 г/м² ва 4,714 г/м² бўлганлиги ва бу кўрсаткичлар ўртапишар Дўстлик навида 5,661 г/м² соатгача, Парвоз навида эса 5,834 г/м² соатдан Нафис навида бу кўрсаткич 5,100 г/м² соатгача ораликда бўлиб, тушки соатдагидан деярли 3 марта паст сувни буғлатгани маълум бўлди.

НИТРАГИНСИЗ




1-расм. Турли соя навларининг дуккак ҳосил қилиш фазасида транспирация жадаллигига нитрагин-137 штаммининг таъсири (г/м² соат ҳисобида, 2015 йил)

Транспирация жадаллигини аниқлаш биринчи марта соя навларида гуллаш фазасининг дастлабки 10 кунда олиб борилди, иккинчи марта кузатишлар соя навларининг тўлиқ гуллаш ва дуккак ҳосил қилиш фазасида олиб борилди. Олинган маълумотларга кўра, турли соя навларининг тўлиқ гуллаш фазасида транспирация жадаллиги гуллаш фазасининг бошидаги кўрсаткичлардан юқори эканлиги маълум бўлди. Бу фазада соя гуллаб ҳамда эндигина

дуккак ҳосил қилишга ҳам киришганди. Чунки, соянинг биринчи гуллари поянинг пастки қисмидан тепага қараб навбат билан гуллаб боради. Турли соя навларининг дуккаклар ҳосил қилиш фазасида транспирация жадаллиги барча фазаларга нисбатан юқори кўрсаткичга эга бўлганлиги тажрибалар натижасида аниқланди. Ўртапишар Славия ва Олимпия навларининг дуккаклари пишиш фазаси бошқа маҳаллий навлардан олдин бошланди шунинг учун уларда кузатувлар ҳам олдин борди. Ушбу фазада соат 14⁰⁰ ларда сув сарфи 2231,2 г/м² соатдан 2144,9 г/м² бўлди. Аммо ўртапишар Дўстлик, Парвоз ва Нафис навларининг натижаларига кўра ўртапишар Славия ва Олимпия навларидан кўра кўпроқ сув сарфлагани маълум бўлди [1,2,4].

НИТРАГИНЛИ



2-расм. Турли соя навларининг дуккак ҳосил қилиш фазасида транспирация жадаллигига нитрагин-137 штаммининг таъсири (г/м² соат ҳисобида, 2015 йил)

Бунга ўртапишар навларнинг барглари юпқа кўринишда ва ҳажми кичикроқ бўлиши ҳам маълум бир объектив сабабалардан бири бўлиши мумкин. Баъзан навнинг туқлари сони кам ёки кўп бўлиши ҳам сувни кам ёки кўп ишлатишига сабаб бўла олади. Аслида ўртапишар навларнинг дуккаклари пишиб етилиши учун сув сарфи ўртапишар навларга қараганда кўпроқ бўлади, чунки вегетация даври узоқ бўлгани учун дуккакдаги уруғнинг пишиб етилиши учун сув сарфи катта бўлади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўртапишар соя навларидаги транспирация жадаллигини ўрганганимизда барча навларга хос бўлган бир қонуният асосида ишлайди, улар ўсув даврининг бошида сувни кам буғлатади, гуллаш ва дуккак ҳосил қилиш фазасида ҳамда дуккакларнинг дастлабки пишиш фазасида сув сарфи юқори бўлади, аммо кейин пастлай бошлайди. Барча навларда барча ривожланиш фазаларида куннинг эрталаб ва кеч қисмида сувни буғлатиш жараёни суст бўлади, соат 12⁰⁰ ва 14⁰⁰ орасида сув буғлатиш нуқтаси энг юқори чизикқа боради. Демак, барча соя навларининг сувга бўлган талаби бир қонуният асосида боради ва соя навларнинг сувга бўлган талабини ушбу тажриба натижаларидан келиб шакллантириш ҳам ишимизнинг маълум бир вазифаларидан биридир.

Тажрибалардан яна шу нарса маълум бўлдики, ўртапишар Славия, Олимпия соя навларида сувни буғлатиш жараёни, қисқа муддатда жадал борди ва ўртапишар Дўстлик, Парвоз ва Нафис навларида эса бу жараён суст ва узоқ муддатда борганлиги кузатилди. Демак, Бухоро вилоятининг ўртача шўрланган тупроқларида ўртапишар соя навларининг транспирация жараёнини ўрганганимизда ўртапишар навларнинг сувни максимал буғлатишида ўзига хос қонуниятлар борлиги аниқланди. Ўртапишар Славия ва Олимпия соя навлари сувни соат 12⁰⁰-14⁰⁰ да кўп буғлатди, аммо бу муддат қисқа бўлди ва июнь ойларига тўғри келди. Ўртапишар Дўстлик, Парвоз ва Нафис соя навларида сувни буғлатиш жараёни жадаллиги максимал даражаси июль ойларида борганлиги кузатилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ёрматова Д.Ё. Соя в Узбекистане. Ташкент. Изд. Наука и технология 2017.34-56 стр.
2. Лещенко Л.К. Соя. Колос, Москва. 1978 256 стр.
3. Мякушко Ю.П. Соя Колос, Москва 1983. 275 стр.
4. Ҳамроева М.К., Ёрматова Д.Ё. Соя экотипларини шўрланган тупроқларда етиштириш. Монография, Тошкент 2017.75 бет.

**ШИМОЛИЙ ТУРКИСТОН БОТАНИК-ГЕОГРАФИК РАЙОНИНИНГ СУВ ВА СУВ
БЎЙИ ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРИ ПАТОГЕН ЗАМБУРУҒЛАРИ**

Т.Н. Холмурадова, б.ф.н., к.и.х., ЎзРФА Ботаника институти, Тошкент

М.М. Иминова, б.ф.н., катта илмий ходим, ЎзРФА Ботаника институти, Тошкент

Ш.А. Тешабоева, кичик илмий ходим, ЎзРФА Ботаника институти, Тошкент

И.И. Абдуллаев, б.ф.д., проф., Хоразм Маъмун академияси, Хива

Аннотация. Мақолада юксак сув ва сув бўйи ўсимликларининг тур таркиби ҳамда доривор сув ва сув бўйи ўсимликларининг патоген замбуруғлар билан зарарланганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: юксак сув ўсимликлари, сув бўйи ўсимликлари, доривор ўсимликлар, патоген замбуруғлар.

Аннотация. В статье приводятся сведения о видовом составе высших водных и прибрежно - водных растений, а также о заражении лекарственных видов водных растений патогенными грибами.

Ключевые слова: высшие водные растения, прибрежно водные растения, лекарственные растения, патогенные грибы.

Abstract. The article provides information on the species composition of higher aquatic and coastal - aquatic plants, as well as the infection of medicinal species of aquatic plants with pathogenic fungi.

Key words: higher aquatic plants, coastal aquatic plants, medicinal plants, pathogenic fungi.

Бугунги кунда доривор ўсимликларни кўпайтириш, инсонлар саломатлигини яхшилаш учун фойдаланиш бўйича жуда муҳим ишлар амалга оширилаётган бир пайтда доривор ўсимликлардаги касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва касалликларга қарши кураш чора тадбирлари ҳам энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Доривор ўсимликларни хар хил патоген замбуруғлар билан зарарланиши ўсимликларни дориворлик хусусиятларини камайтиришга олиб келади.

Ҳозирги кунда Республикамиз шароитида мавжуд маҳаллий доривор ўсимликлар хом ашё базасини кенгайтиришда доривор ўсимликларни турли касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш олимларимиз олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистоннинг кўпгина ҳудудларида юксак ўсимликларининг микобиотаси ўрганилган [1,2,3,4].

Республикамизда табиий ҳудудлардаги ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш, улардан иқтисодиёт тармоқларида оқилона фойдаланиш, уларнинг зарақунанда ва касалликларига қарши курашишга катта эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида жумладан «...атроф-муҳит ҳолатига зарар етказадиган муаммоларни олдини олиш» вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Шимолий Туркистон ботаник – географик райони доривор ўсимликларининг патоген замбуруғларини инвентаризация қилиш, уларни хўжайин ўсимликларда тарқалиши ва мавсумий ривожланиш динамикасини очиб бериш, микобиотанинг маълумотлар электрон базасини яратиш, замбуруғ касалликларини аниқлаш ҳамда хавфли патоген турларининг ГАТ хариталарини тузиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

ПЗ-20170921183 «Шимолий туркистон ботаник-географик райони доривор ўсимликларининг занг замбуруғлари ва уларнинг тарқалиш харитасини тузиш» мавзусидаги амалий лойиҳа асосида 2018 - 2019 йиллар давомида дала тадқиқотлари олиб борилди. Дала тадқиқотлари асосан Зомин Миллий табиат боғи, Еттикечув, Суфа, Шербулоқ, Кўлсой, Қизилмозор, Зомин давлат кўрикхонаси, Зомин давлат ўрмон хўжалигининг ҳудудларида тарқалган доривор сув ўсимликларидан ҳамда замбуруғ касалликлари билан зарарланган ўсимликларидан гербарий намуналар йиғилди ва улар систематик таҳлил қилинди. Натижада 23 оила, 48 туркум, 59 турга мансуб сув ва сув бўйи ўсимликлари аниқланди ва улардан 21 тури патоген замбуруғлар билан зарарланганлиги аниқланди. Юксак сув ўсимликлари экологик гуруҳлар бўйича тақсимланди: гидрофит ўсимликлар - яъни танасининг ярми сувда, ярми сувдан юқорида ўсувчи ўсимликлар 12 тани ташкил этди. Гидатофитлар – танасининг ҳамма қисми ёки кўпроқ қисми сувга ботиб ўсадиган ўсимликлар 1 тани ташкил этди.

Гигрофитлар – сув бўйларида ва ўта сернам жойларда ўсувчи ўсимликлар ҳисобланади, улар асосан 11 тани ташкил этди. Гигромезофитлар эса 35 тани ташкил этди.

Илмий тадқиқотларимиз натижасида шу нарса маълум бўлдики, энг кўп тарқалган сув бўйи ўсимликлари Еттикечув ҳудудида аниқланди. Булардан *Alisma plantago-aquatica*, *Juncus inflexus*, *Phragmites australis*, *Typha latifolia*, *Dactylis glomerata*, *Mentha asiatica*, *Epilobium hirsutum*, *Persicaria hidropiper*, *Polygonum aviculare*, *Nasturtium officinale*, *Berula erecta*, *Prunella vulgaris*, *Typha angustifolia*, *Trifolium pratense*, *Digraphis arundinacea*, *Rumex aquaticus*, *Rumex confertus*, *Bunium chaerophylloides*, *Daucus carota*, *Poa palustris*, *Poa pratensis*, *Echinochloa crus-galli*, *Trifolium repens*, *Medicago tianschanica*, *Plantago lanceolata*, *Plantago major*, *Bidens tripartite*, *Taraxacum officinale*, *Tussilago farfara*, *Arctium leiospermum*, *Cyperus rotundus*, *Cichorium intybus*, *Urtica dioica* каби турлар ўсимликлар қопламида учраши аниқланди. Бу турлар қумли, ботқокли тупроқларда ва сой бўйларида денгиз сатҳидан 1211 м баландликда тарқалган (N39°72'052" E068°39'659"). Асосий доминант ўсимликлардан *Phragmites australis*, *Alisma plantago-aquatica*, субдоминант турлардан *Juncus inflexus*, *Nasturtium officinale*, *Prunella vulgaris* ва унга иштирокчи турлар *Berula erecta*, *Persicaria hidropiper*, *Trifolium pratense*, *Mentha asiatica* лар учради.

Зомин давлат ўрмон хўжалигининг бошланғич ҳудудида денгиз сатҳидан 2110 м баландликда (N39°62'351" E068°38'761") *Juncus inflexus*, *Veronica beccabunga*, *Chara domini*, *Equisetum pratense*, *Mentha asiatica*, *Poa palustris*, *Echinochloa crus-galli*, *Rumex confertus*, *Rumex aquaticus*, *Polygonum aviculare*, *Geranium palustre*, *Trifolium pratense*, *Trifolium repens*, *Plantago lanceolata*, *Taraxacum officinale* каби ўсимликлар учраши аниқланди. Доминант турлардан *Juncus inflexus*, *Veronica beccabunga*, субдоминант турлар *Chara domini*, *Equisetum pratense*, *Mentha asiatica* ва унга иштирокчи турлар *Geranium palustre*, *Trifolium pratense* учради. Зомин давлат кўриқхонаси ҳудудидаги Кўлсой атрофида денгиз сатҳидан 2118 м баландликда (N39°60'233" E 068°36'512") асосан *Geranium palustre*, *Trifolium pratense*, *Trifolium repens*, *Mentha asiatica*, *Tripleurospermum disciforme*, *Dactylis glomerata*, *Heracleum lehmannianum*, *Atriplex micrantha*, *Rumex confertus* каби турлар учраши кузатилди. Доминант турлардан *Geranium palustre*, *Trifolium pratense*, субдоминант турлар *Mentha asiatica*, *Tripleurospermum disciforme* ва унга иштирокчи турлар *Dactylis glomerata*, *Heracleum lehmannianum*, *Rumex confertus* учради.

Зомин давлат кўриқхонасидаги Қизилмозор ҳудудида денгиз сатҳидан 2145 м баландликда (N39°58'365" E068°39'288") асосан *Mentha asiatica*, *Geranium palustre*, *Medicago tianschanica*, *Melilotus officinalis*, *Cichorium intybus*, *Juncus inflexus*, *Tripleurospermum disciforme*, *Dactylis glomerata*, *Heracleum lehmannianum*, *Equisetum ramosissimum*, *Trifolium pratense*, *Rumex confertus*, *Echinochloa crus-galli*, *Poa palustris*, *Poa pratensis* каби турлар учраши кузатилди.

Доминант турлардан *Mentha asiatica*, *Geranium palustre*, *Medicago tianschanica*, субдоминант турлар *Cichorium intybus*, *Juncus inflexus*, *Equisetum ramosissimum* ва унга иштирокчи турлар *Melilotus officinalis*, *Tripleurospermum disciforme*, *Trifolium pratense*, *Dactylis glomerata*, *Heracleum lehmannianum* каби ўсимликлар учради.

Суфанинг бошланғич ҳудудида денгиз сатҳидан 2430 м баландликда (N39°63'354" E 068°46'284") асосан нам қумли тупроқда *Geranium palustre*, *Potentilla pedata*, *Tripleurospermum disciforme*, *Melilotus officinalis*, *Trifolium repens*, *Trifolium pratense*, *Astragalus danicus*, *Phlomis canescens*, *Medicago tianschanica*, *Artemisia vulgaris*, *Chamaenerion angustifolium*, *Campanula glomerata* каби турлар ўсимликлар қопламида учради. Асосий доминант ўсимликлардан *Geranium palustre*, *Potentilla pedata*, субдоминант турлар *Melilotus officinalis* ва иштирокчи турлар *Trifolium pratense*, *Medicago tianschanica* учради.

Шербулоқнинг тепа ҳудудида денгиз сатҳидан 2332 м баландликда (N39°63'729" E 068°47'673") асосан *Geranium palustre*, *Potentilla pedata*, *Potentilla reptans*, *Codonopsis clematidea*, *Trifolium repens*, *Trifolium pratense*, *Astragalus danicus*, *Phlomis canescens*, *Artemisia vulgaris*, *Equisetum arvense*, *Taraxacum officinale*, *Artemisia vulgaris*, *Mentha asiatica*, *Galium aparine*, *Ligularia thomsonii*, *Urtica dioica*, *Cystopteris fragilis*, *Thalictrum minus*, *Chamaenerion angustifolium*, *Campanula glomerata* каби турлар ўсимликлар қопламида учради. Асосий доминант ўсимликлардан *Geranium palustre*, *Mentha asiatica*, субдоминант турлар *Codonopsis clematidea*, *Phlomis canescens* ва иштирокчи турлар *Campanula glomerata*, *Trifolium pratense*, *Astragalus danicus* учради.

Юксак сув ва сув бўйи ўсимликлар орасида фармацевтика саноатида ва халқ табобатида доривор ўсимлик сифатида кенг фойдаланиладиган турлари ҳам жуда кўп [5], [6].

Илмий тадқиқотларимиз давомида доривор сув ва сув бўйи ўсимлик турларидан патоген замбуруғлардан занг, ун-шудринг, септориоз, филластиктоз каби замбуруғ касалликлари учради ва улар ўсимликларни кучли зарарлаётганликлари аниқланди.


Қуйида уларнинг тарқалиши ва қисқача тавсифлари келтирилди.



1-расм. *Arctium leiospermium* нинг *Puccinia bardanae* занг касаллиги билан зарарланган барглари


Arctium leiospermium турида -*Puccinia bardanae* – занг касаллиги учради. Ушбу касаллик ўсимликнинг барглари орақа томонида қора доғлар ҳосил қилади ва барглари кучли зарарлайди. Ўрганилаётган ҳудудда кенг тарқалиб кучли зарарлаганлиги аниқланди. *Arctium leiospermium* доривор ўсимлик сифатида халқ табобатида кенг фойдаланилади. Доривор ўсимликларни замбуруғлар таъсирида кучли зарарланиши доривор ўсимликларни яроқлилиқ хусусиятларини мутлақо пасайтиради (1- расм).

Trifolium pratense - халқ табобатида дамламасидан яраларни ва куйган жойларни даволашда, ошқозон-ичак фаолиятини яхшиловчи дори сифатида фойдаланилади. Ўсимлик кенг тарқалган *Uromyces trifolii-repentis*- занг касаллиги билан зарарлангани аниқланди (2-расм).




2-расм. *Trifolium pratense* да *Uromyces trifolii-repentis* касаллиги

Занг касаллиги *Puccinia cichorii* билан - *Cichorium intybus* нинг барглари, пояси жуда кучли зарарланган. Барг ва пояларнинг устки қисмида қора ёстиқсимон доғлар билан қопланиб уларнинг қуришига олиб келади. Ушбу ўсимлик фармацевтикада ва халқ табобатида кенг қўлланилади (3- расм).



3-расм. *Cichorium intybus* нинг - *Puccinia cichorii* билан зарарланган барглари ва тарқалиш харитаси

Thalictrum minus доривор ўсимлигида - *Aecidium thalictri-flavi* занг касаллиги ўчради. Касаллик ўсимликни барг ва поясини кучли зарарланганлиги аниқланди (4 - расм).



4-расм. *Thalictrum minus* нинг *Aecidium thalictri-flavi* занг касаллиги билан зарарланган пояси *Prunella vulgaris* - халқ табобатида яллиғланишга қарши ва қон тўхтатувчи восита сифатида ва жигар, бўйрак касалликларини даволашда фойдаланилади. Ўсимликда *Ramularia brunellae* – доғланиш касаллиги аниқланди (5-расм).



5-расм. *Prunella vulgaris* нинг *Ramularia brunellae* – доғланиш касаллиги билан касалланган пояси

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки илк бор ўрганилаётган ҳудуднинг юксак сув ва сув бўйи ўсимликларидан 23 оила, 48 туркумга мансуб 59 тур аниқланиб, улар экологик гуруҳлар бўйича тақсимланди: 12 та гидрофит ўсимликлар, 1 та гидатофит, 11 та гигрофит, 35 та гигромезофит турларни ташкил этди. Доривор юксак сув ва сув бўйи ўсимликларида замбуруғ касалликларини жумладан, ун шудринг, септориоз, филлостиктоз, турли доғланишлар ва чиришни келтириб чиқарувчи патоген замбуруғлардан 21 тури учраши қайд қилинди. Замбуруғ касалликлари асосан гигрофит ва гигромезофит ўсимликларда тарқалганлиги аниқланди.

Олинган натижалардан Республика Давлат Ўрмон хўжалиги кўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, ўсимликларни химоя қилиш институтлари шунингдек, олий ўқув юртларининг биология, ўрмончилик, ўсимликларни химоя қилиш йўналишлари ўқитувчи ва талабалари ҳамда доривор ўсимликларни етиштириш, йиғиш билан шуғулланувчи тадбиркорлар илмий амалий манба сифатида фойдаланишлари мумкин.

Фойдаланилган дабиётлар рўйхати:

1. Мустафаев И.М., Нуралиев Х.Х. Нурота кўрикхонасининг занг замбуруғлари // О‘zbekiston biologiya jurnali. -Toshkent, 2012. - № 2-Б. 20-23
2. Иминова М.М., Мустафаев И.М., Тешабоева Ш.А. Тошкент Ботаника боғи дарахт ва буталарининг фитопатоген замбуруғлари // “Биохилмахиллик, ўсимлик ва ҳайвонот генофондини сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш” Республика илмий анжуман материаллари. - Тошкент, 2014. - Б. 21-23.
3. Gafforov Y.S. A preliminary checklist of Ascomycetous microfungi from Southern Uzbekistan. Mycosphere, -Guiyang, 2017. 8(4). -P. 660-696.DOI 10.5943/mycosphere/8/4/12.
4. Иминова М.М., Гаффоров Ю.Ш., Мустафаев И.М. Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги дарахт ва буталарни замбуруғ касалликларидан химоя қилиш чоралари // Тавсиянома. - Тошкент, 2017. - 28 б.
5. Таубаев Т.Т. Флора и растительность водоёмов Средней Азии, и их использование в народном хозяйстве. - Ташкент. Фан. 1970 -490 с.
6. Белавская А.П. К методике изучения водной растительности // Ботанический журнал. Т. 64. - № 3.1979. - С. 32-41.

УЎК 332

**МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИ ЎРТА МУДДАТЛИ РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ
ТАШКИЛИЙ –УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ***У.Б. Иманова, ўқитувчи, Термиз давлат университети, Термиз*

Аннотация. Ушбу мақолада маҳаллий бюджетларни ўрта муддатли режалаштиришнинг ташкилий–услубий асослари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: иқтисод, молия, маҳаллий бюджет.

Аннотация. В этой статье освещаются организационно–методические основы среднесрочного планирования местных бюджетов.

Ключевые слова: экономика, финансы, местный бюджет.

Abstract. This article covers the organizational and methodological basis of mid–term planning of local budgets.

Key words: economy, finance, local budget.

Маҳаллий бюджетларни ўрта муддатли ташкил қилишда асосан маҳаллий бюджетлар шаклланиши ва ишлатилишининг барқарорлигини таъминлаш масалаларини мустақамлаш, маҳаллий бюджетларни молиявий жиҳатдан келиб чиққан ҳолда ўрта муддатли режалаштиришнинг имкониятларини яхшилаш муҳим стратегик вазифа ҳисобланади.

“Маҳаллий бюджетлар умумдавлат иқтисодий ва ижтимоий вазифаларини амалга оширишда, биринчи галда, давлат маблағларини тақсимлашда ва ижтимоий иқтисодий инфратузилмани ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Улар маҳаллий ҳокимиятларнинг фаолият кўрсатишларида асосий молиявий манба бўлиб, давлатнинг ижтимоий–иқтисодий сиёсатини жойларда амалга оширишда асосий ролни ўйнайди. Дастур ўзига қамраб олган, ўз вақтида қабул қилинган ҳужжатларда аввало мамлакатимизнинг маҳаллий бюджетларни молиявий ҳамда иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарор равишда ҳамда узлуксиз тизимда ишлашини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарга ёрдам кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб- қувватлашга қаратилган чора-тадбирларнинг пухта ишлаб чиқилгани ўзининг амалий самарасини берди, десак, айни ҳақиқатда ҳам деб бежиз айтмаган.

Маҳаллий бюджетларни Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётининг муносабатларининг шаклланишига оид туб иқтисодий ислохотлар ўтказилишини бюджет тизимида, жумладан, маҳаллий бюджетлар аҳамиятини янада оширади. Чунки ҳудудларнинг ижтимоий–иқтисодий ривожланиши маҳаллий бюджетларнинг молиявий барқарорлигига боғлиқдир. Ислохотлар чуқурлашиши билан маҳаллий бюджетлар томонидан молиялаштирилаётган чора- тадбирлар ҳажми ошаверади, шунингдек, улар ихтиёрига қоладиган даромадлар ҳам кенгайверади. “Бизнинг республикамиз шароитида рақобатли муҳитни шакллантириш аввалги тизимдан бизга мерос бўлиб қолган сунъий монопол тузилмаларни йўқ қилиш бўйича қатъий чора тадбирларни амалга ошириш билан бевосита боғлиқ бўлиб, унда асосан истаган тармоқ ёки корхона монополист эди. Бозор ислохотларни янада чуқурлаштириш, янгиланиш ва тараққиёт йўли бўйича муваффақиятли ҳаракат Ўзбекистоннинг ташқи алоқалари фаоллашуви, унинг дунё хўжалик алоқаларига кенг кириб бориши билан узвий боғлиқ». Давлат бюджетининг даромадлар қисми бўйича кўрсаткичлари тўлиқ бажарилди, эришилган профицит ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоизни ташкил этди”. Маҳаллий бюджетлар тизими маҳаллий талаб–эҳтиёжларни тўлароқ қондиришни ҳамда давлатнинг марказлашган тартибда амалга оширадиган тадбирларнинг бажарилиши билан чамбарчас боғланган ҳолда ижро этишга имкон яратиш беради.

Маҳаллий бюджетлар даромадлари асосан маҳаллий солиқлар ва умумдавлат солиқларидан ажратмалар маҳаллий бюджет маблағларнинг эгаси сифатида амалдаги меъёрий ҳужжатларга асосланиб, умумий ҳажми бюджет қонунчилигида белгиланган миқдорда пул маблағларини ажратади.

Маҳаллий бюджет харажатларига маблағлар ажратиш давлат ҳокимияти, давлат бошқарув органлари, молия-кредит идоралари тизими орқали тегишли маблағларга эҳтиёж сезилган пайдан (молия йилидан) бошлаб уларни сарф харажат қилгунга қадар бўлган бутун давр мобайнида юз беради.

Маҳаллий бюджет объектив иқтисодий категория бўлиб, икки томонлама хусусиятга эга. Биринчидан, у иқтисодиёт тармоқларини молиявий таъминлашга қаратилган харажатлардан иборат. Маҳаллий бюджетлар тизими маҳаллий эҳтиёжларни тўлароқ ҳисобга олиш ва уларни давлат марказлаштирилган тартибда амалга оширадиган чора-тадбирлар билан тўғри мувофиқлаштириш имконини беради. Шунинг учун маҳаллий ҳокимият органлари маҳаллий бюджетга даромадлар келиб туришини ва ресурслардан мақсадли фойдаланишдан манфаатдорлар, чунки жойларда иқтисодиёт ва маданиятнинг ўсиш суръатлари маҳаллий захираларни сафарбар этишга, маблағларни режали сарфлашга доир ишларни ташкил этишга бевосита боғлиқ бўлиб, бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетини муваффақиятли бажаришга имкон яратади. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг ҳар бир бўғини у ёки бу ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун мўлжалланган турли пул жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишга қаратилган ўзига хос вазифаларни бажаради.

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимида муҳим таркибий қисми маҳаллий бюджетлар ташкил этади. Маҳаллий бюджетлар давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий вазифаларини амалга оширишда, биринчи навбатда, давлат маблағларини тақсимлаш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Бизнинг фикримизча, бюджетга «бу - турли даражадаги марказлаштирилган пул маблағлари фондини вужудга келтириш, тақсимлаш ва фойдаланишга оид асосий молиявий режа бўлиб, у тегишли давлат ёки маҳаллий идора томонидан ишлаб чиқилган ҳамда тасдиқланган юридик ҳужжатдан иборат» деб таъриф берилишида айнан маҳаллий бюджетларнинг ўзига хос хусусиятлари намоён бўлади.

Маҳаллий бошқарув органларига юклатилган вазифаларни самарали амалга оширилиши уларнинг молиявий маблағларга эга бўлишлари билан боғлиқ. Албатта, маҳаллий бошқарув органлари фаолиятининг асосий молиявий негизи - маҳаллий бюджетлар ҳисобланади. Давлат бюджети таркибида Республикаси бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар, Тошкент шаҳри бюджетлари, шунингдек, давлат мақсадли жамғармалари жамланади. Ўзбекистон Республикаси бюджети бир бутундир, яъни бюджет тизими барча бўғинларга давлатнинг ягона давлат бюджетига қирадиган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳар ва туманлари бюджетларининг узвий бирлигини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси жамланган бюджетининг кўрсаткичлари ёрдамида мамлакатда тузиладиган ва давлат молиявий балансида акс этириладиган молиявий ресурсларни марказлаштириш даражаси аниқланади. Жамланган бюджет кўрсаткичлари ҳисобсиз молиявий режалаштиришни умумлаштириш мумкин эмас, чунки давлат молиявий балансини ва ҳудудий молиявий балансларнинг кўпгина кўрсаткичлари жамланган бюджетдан олинади. Жамланган бюджетнинг кўрсаткичлари мамлакат марказлаштирилган молиявий фондидан фойдаланиш ва уни шакллантиришни таҳлил қилишда муҳим ўринни эгаллайди. Айниқса, бюджет соҳасида олиб борилаётган ислохотларни алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. Ҳар бир давлатнинг иқтисодий қудрати шу давлатнинг мукамал бюджетга эга эканлиги билан ҳам ифодаланади. Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг мана шу ўтган давр ичида чуқур иқтисодий сиёсат негизида барқарор молиявий тизимни, шунингдек, унинг асосини ташкил этувчи маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро қилиш соҳасида муайян ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Чунки ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши маҳаллий бюджетларнинг молиявий барқарорлигига боғлиқдир. Ислохотлар чуқурлашиши билан маҳаллий бюджетлар томонидан молиялаштириладиган чора-тадбирлар ҳажми ошаверади, шунингдек, улар ихтиёрига қоладиган даромадлар ҳам кенгайверади.

Давлат бюджетининг асосий даромадлар қисми бўйича кўрсаткичлари тўлиқ бажарилди, эришилган профицит ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоизни ташкил этди. Маҳаллий бюджетлар тизими маҳаллий талаб-эҳтиёжларни тўлароқ қондиришни ҳамда давлатнинг марказлашган тартибда амалга оширадиган тадбирларнинг бажарилиши билан чамбарчас боғланган ҳолда ижро этишга имкон яратиб беради.

2020 йилда Олий Мажлис Давлат бюджетини Қонун шаклида қабул қилди. Ўрта муддатли бюджет-солиқ сиёсатининг асосий йўналишларни тасдиқлашни назарда тутувчи янги бюджет тақвими жорий қилинди. Бу вазирлик ва идораларга дастурлар ва инвестицион лойиҳаларни ўрта муддатли режалаштириш имконини бериб, инвестор ва солиқ

тўловчиларга ўзларининг бизнес-режаларини шакллантиришда асос бўлиб хизмат қилади. Давлат бюджети лойиҳасини Қонун шаклида тақдим этилишидан мақсад:

- бюджетни қабул қилиш ва ижросини таъминлашда парламент назоратини кучайтириш;
- бюджет интизомини мустаҳкамлаш;
- бюджет маблағларидан оқилона ва самарали фойдаланиш;
- бюджет ижроси жараёнининг иштирокчиларининг масъулияти ва жавобгарлигини оширишдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Савицкая Г.В. Анализ эффективности и рисков предпринимательской деятельности: Методологические аспекты. - М.: ИНФРА-М, 2008.
2. Ишмухамедов А.Э., Эшов М.П., Суннатов М.Н. Бозор иқтисодиёти ва бизнес асослари. - Т.: ТДИУ, 2006.

УЎК 332

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИ ЎРТА МУДДАТЛИ РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

У.Б. Иманова, ўқитувчи, Термиз давлат университети, Термиз

Аннотация. Ушбу мақолада маҳаллий бюджетларни ўрта муддатли режалаштиришнинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: маҳаллий бюджет, ўрта муддатли режа, иқтисод

Аннотация. В этой статье анализируется текущее состояние среднесрочного планирования местных бюджетов.

Ключевые слова: местный бюджет, среднесрочный план, экономика

Abstract. This article analyzes the current state of medium term planning of local budgets.

Keywords: local budget, medium term plan, economy

Маҳаллий бюджет даромадларнинг манбалари, уларнинг ташкил топиши ҳамда нисбатлари, «Ўзбекистон Республикаси солиқ кодекси» ва «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунда маҳаллий бюджет даромадларининг манбаи кўрсатилган. Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети даромадлари ва харажатларини бошқариш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач дунёнинг бошқа ривожланган мамлакатлари сингари бозор иқтисодиёти йўлини ўзига танлаб олди. Бу иқтисодий тизимда эса асосий роль ўйновчи молиявий институтлар, албатта, тижорат банклари ҳисобланади, чунки иқтисодиётга, пул кредит тизимига айнан маҳаллий буюджетлари орқали маълум бир таъсир ўтказиш мумкин. Айниқса бизнинг мамлакат банк амалиётида кредитлаш операциялари банкларнинг асосий даромад келтирувчи операцияси ҳисобланади (банкларимизнинг даромадлари таркибида кредитлаш операциялари ва маблағларни жойлаштиришдан келган даромад улуши 71% атрофида). Чунки мамлакатимизда фонд бозори такомиллашмагани боис банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги операциялардан сезиларли даромад олишининг ҳозирда имкони мавжуд эмас.

Вилоят молия бошқармалари маҳаллий бюджетларнинг ижро этилишини таъминлайди ва маҳаллий бюджетни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг қонун ҳужжатларида белгиланган ваколати доирасида ижро этадилар. Маҳаллий бюджетларнинг ўрта муддатли режалаштириш тўғридан тўғри кредитлаш амалиёти борасида сўз бошлашдан аввал уларнинг активлари ҳолати ва динамикасига назар ташлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Мамлакатимиз тижорат банкларининг умумий активлари кўп йиллардан буён барқарор ўсиш суръатларини қайд этиб келмоқда, жумладан сўнгги 5 йил давомида маҳаллий бюджетлар ўрта муддатли режалаштиришда банкларнинг жами активлари қарийб 4 баробарга ортиб 2017- йилда 2016- йилга нисбатан деярли 100%, яъни икки баробар ўсиб, 2017-йилнинг 1-январь ҳолатига кўра, 166632 млрд. сўмни ташкил этди. Албатта, бундай юқори ўсишни ўзига яраша сабаблари бор. Буни қуйидаги тижорат банкларининг сўнги беш йилликдаги динамикасини келтирган ҳолда кўриб чиқамиз.

«Қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш, уларнинг ижросини назорат қилиш, ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек Давлат бюджети таркибига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёни. Маҳаллий бюджетлар Ўзбекистон

Республикасининг бюджет тизимининг муҳим бўлган таркибий қисмини ташкил этади. Улар давлат ҳокимиятининг ҳар бир маҳаллий органи ўз фаолиятини амалга ошириши учун унинг ихтиёрида аниқ молиявий база яратади. Маҳаллий бюджетлар тизими маҳаллий талаб эҳтиёжларни тўлиқроқ ҳисобга олиш ҳамда давлат томонидан марказлашган тартибда амалга оширадиган тадбирлар билан тўғри олиб бориш имконини беради. Маҳаллий бюджетларнинг мавқеини янада ошириш ҳукуматнинг бюджет сиёсати самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган муҳим омил эканлиги муҳим аҳамиятга моликдир.

Бу ерда Президентимизнинг фикр- мулоҳазалари диққатга сазовордир: “Давлат бюджети даромадларининг катта қисмини жойларга бериш, маҳаллий бюджетларни мустақамлаш зарур. Бу эса минтақалар мустақиллигини ошириш, уларнинг ташаббускорлигини, бюджетнинг ижросидан манфатдорлиги ва бу борадаги масъулиятини ошириш имконини беради. Бундан ташқари, бу нарса маҳаллий бюджетларга тушумларни янги манбаларини қидириб топишга рағбатлантиради, жойларда бюджет интизомини мустақамлайди”.

Маҳаллий бюджетларнинг давлат бюджет сиёсатидаги тутган ўрни маҳаллий бюджетлар даромадларини ташкил этиш ҳамда унинг таркибини белгилашда молиявий асос ҳисобланади.

Маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллигини таъминлаш учун уларнинг даромадлар базасини ҳам мустақамлаш лозим. Бунинг учун даромад олишни марказсизлаштириш лозим, бу маҳаллий бошқарув органларини иқтисодий базани ривожлантиришга ва ўз қармоғидаги ҳудудларга инвестиция киритишга ҳаракатлантиради ва натижада солиқ тушумларини кўпайтиради. Шунингдек, маҳаллий бошқарув органларига маҳаллий солиқлар ва тушумлар доирасида молия сиёсатини юргизишда имконият берилиши ресурсларни самарали бошқаришга рағбат уйғотади. Умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрининг йиллик ўзгариши солиқ даромадини бой ва камбағал ҳудудлар орасида қисман қайта тақсимлашни кўзда туттади. Бироқ бундай механизм маҳаллий ҳокимликларни ҳудудларнинг иқтисодий ва солиқ базасини ривожлантиришда рағбатини пасайтиради, уларни солиқ тушумларини яхшилашдан манфаатдор этмайди. Бундай ёндашув молиявий режалар ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш имкониятини истисно қилади.

Ҳар йили давлат бюджети параметрларини белгилашда ҳар бир вилоят учун умумдавлат солиқларининг ҳар бир тури бўйича ажратмалар меъёри белгиланади. Умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрининг йиллик ўзгариши солиқ даромадини бой ва камбағал ҳудудлар орасида қисман қайта тақсимлашни кўзда туттади. Фикримча, бундай механизм маҳаллий ҳокимликларни ҳудудларнинг иқтисодий ва солиқ базасини ривожлантиришда рағбатини пасайтиради, уларни солиқ тушумларини яхшилашдан манфаатдор этмайди. Молиявий режалаштиришнинг яна бир муҳим элементи режалаштириш даврининг давомийлигидир. Одатда, бу давр қанчалик узоқ бўлса, молиявий режа шунчалик батафсил бўлмайди. Беш йиллик молиявий режалар, одатда, фақат асосий башорат қилинадиган активлар ва мажбуриятлар, тафсилотларни ўз ичига олмаган молиявий натижа тўғрисида ҳисоботлар ва баланс шакллари ўз ичига олади. Бошқа тарафдан, бир ойга тузилган молиявий режага, одатда, муайян маҳсулот линиялари бўйича даромадлар ва харажатлар башорати ва бўлажак пул тушумлари ҳамда тўловларнинг батафсил истикболли баҳоланиши киритилади. Аксарият ҳолларда, кўп йиллик режалар ҳар йили, бир йилга тузилган режа эса ҳар чоракда қайта кўриб чиқилади. Зарурий айланма капитал ҳажми пул маблағлари айланиши цикли давомийлигига тўғридан-тўғри боғлиқ. Агар маҳаллий кредиторлик қарзи муддати етарлича давомли бўлиб, товар-моддий захираларининг корхонадалиги вақти билан дебиторлик қарзлари муддатини ўз ичига олса, фирмага айланма капиталнинг умуман кераги йўқ бўлади. Бундай ёндашув молиявий режалар ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш имкониятини чеклаб қўяди. Маҳаллий бюджетларнинг мавқеини янада ошириш ҳукуматнинг бюджет сиёсатини самарадорлигини оширишда хизмат қиладиган муҳим омил эканлиги аҳамиятга моликдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ишмухамедов А.Э., Эшов М.П., Суннатов М.Н. Бозор иқтисодиёти ва бизнес асослари. - Т.: ТДИУ, 2006.
2. Каримова В.М., Акрамова Ф.А. Иқтисодий психология. - Т.: ТДИУ «Талаба», 2005.

АУТСОРСИНГ: МИРОВАЯ ПРАКТИКА КАК ПРИМЕР ДЛЯ РАЗВИВАЮЩИХ СТРАН

Н.Э. Кахарова, ассистент, Ташкентский Государственный Технический Университет, Ташкент

Annotatsiya. Ushbu maqolada rivojlanayotgan mamlakatlar uchun namuna sifatida autsorsing, jahon amaliyoti yoritilgan.

Kalit so'zlar: autsorsing, iqtisodiy samaradorlik, hodimlar, biznes jarayoni.

Аннотация. В данной статье освещено аутсорсинг, мировая практика как пример для развивающихся стран.

Ключевые слова: аутсорсинг, экономическая эффективность, персонал, бизнес процесс.

Abstract. This article highlights outsourcing, world practice as an example for developing countries.

Keywords: outsourcing, economic efficiency, personnel, business process.

Слово «аутсорсинг» английского происхождения, произошло от слияния двух слов: out «внешний» и source «источник». Таким образом, аутсорсинг – это процесс передачи компанией части производственных или бизнес – процессов другой компании, являющейся экспертом в данной области. Аутсорсинг позволяет доверить ведение непрофильных направлений профессионалом, а все силы сосредоточить на решении основных стратегических и производственных задач. В итоге сотрудничества с аутсорсинговыми компаниями мы получаем готовый результат вместо утомительного процесса. Качественно выстроенные принципы работы с такими компаниями позволяют оценить качество оказываемого сервиса и эффективности его проведения.

Сам термин возник во второй половине 20 века в США. И естественно большой и малый бизнес в США испытал на себе все его преимущества. В Европе и США степень развития рынка одного из видов аутсорсинга, а именно бухгалтерского аутсорсинга позволяет компании спокойно заниматься основной деятельностью, предоставляя налоговую отчетность и иные сегменты бухгалтерского учета профессионалом. Так, в Европе услугами аутсорсеров пользуется 86% компаний малого и среднего бизнеса, в США - 92%, в Израиле 96%. Компаний как малого, так и среднего бизнеса передают в первую очередь на аутсорсинг такие функции, как расчет заработной платы и налогов. Провайдеры аутсорсинговых услуг утверждают, что, бухгалтерское обслуживание предприятия обходится в 3-5 раз дешевле, чем наем квалифицированного бухгалтера

Ни одна авиакомпания не может сравниться с Virgin America по выручке на одного сотрудника. Это потому, что ремонт и обслуживание самолетов, доставка багажа, бронирование билетов, обеспечение питанием пассажиров и множество других функции в Virgin America выполняют не штатные сотрудники, а временные работники или сторонние подрядчики.

«Мы передадим на аутсорсинг все, что не связано непосредственно с общением с клиентами», - говорил генеральный директор авиакомпании Дэвид Куш. Передача многих функций на аутсорсинг становится общей тенденцией почти для всех отраслей.

Люди, которые разгружают контейнеры на складах Wa I- Mart, предоставлены логистической компанией Schneider National, которая, в свою очередь нанимает их через агентства, предоставляющие временный персонал. Pfizer в 2017 году использовала временных работников для проведения большей части клинических испытаний своих препаратов. У Alphabet, которая за последние 10 лет 7 раз становилась лучшим работодателем в рейтинге Fortune, число штатных и временных сотрудников почти совпадает. Около 70 000 временных сотрудников испытывают самоуправляемые автомобили Google, оформляют документы, усовершенствуют продукты компании, анализируют данные, проводят маркетинговые мероприятия. Государственные статистические службы не занимаются подсчетом категории временных работников, по оценкам экономистов, их в стране 20 млн человек (от 3 до 14% рабочей силы США). Число работников, нанятых через подрядную организацию для выполнения работ на площадке заказчика, по данным исследований, за период с 2005 года по 2015 год выросло с 0,6% до 25% всей рабочей силы США.

В крупных компаниях число временных работников часто достигает 20 -50% всего персонала. Количество временных сотрудников Bank of America, Verizon Communications Procter & Gamble и FedEx исчисляются тысячами. В нефтегазовом и фармацевтическом секторах количество временных сотрудников иногда может превосходить число постоянных в соотношении 2 к 1, говорит Арун Сринивасан из SAP Fieldglass. Уборщики и работники кафетериев уже давно исчезли из штатных списков большинства компаний, теперь на очереди высокооплачиваемые и квалифицированные специалисты: научные сотрудники, начальники производства и кредитные эксперты. В будущем некоторые крупные компании могут оставить только важнейших сотрудников. По прогнозу Accenture, в течении 10 лет у каждой двухтысячной крупной компании мира не останется штатных сотрудников, за исключением руководителей. Сама Accenture является одним из крупнейших в мире поставщиков временных сотрудников.

Некоторые развитые экономики мира, которые вслед за США также активно участвуют в глобальном аутсорсинге, используют свой исторический потенциал. Так, британские и французские компании выстраивают отношения в рамках концепции аутсорсинг в бывших колониях своих стран. Если посмотреть на этикетку товаров французских знаменитых фирм, то многие из них сделаны именно в странах бывших колониях Франции в Африке, на Ближнем Востоке или в Индокитае. При этом является вполне естественным, что французские компании из сферы услуг для аутсорсинга используют франкоговорящих жителей бывшей колонии своей страны. Бум аутсорсинга в Европе начался в 2003 году. Он совпал с подъёмом в мировой и европейской экономике. По данным международного агентства “Technology partners international”, являющегося глобальным лидером в области консультирования по аутсорсингу, доля этого региона на мировом рынке таких услуг повысилась с 12% в 2002 году до 41% в 2003 году. Рост был вызван увеличившимся интересом европейских компаний к аутсорсингу в сфере программных разработок и телекоммуникаций. В следующем году позиции Европы ещё более укрепились. По оценке международного аналитического агентства “International data corporation”, специализирующегося на исследованиях мирового рынка информационных технологий, сумма заключённых аутсорсинговых сделок в регионе – 40,5 млрд евро – удвоилась по сравнению с 2002 годом. К 2004 году по этому показателю Европа обогнала США (соответственно 49% и 44%). Основная причина – быстрое увеличение спроса на информационные технологии (IT-услуги). Д. Атчисон, управляющий директор “Technology partners international” в Европе, так прокомментировал ситуацию: “Европейские компании осознали, что они не могут продолжать эффективно конкурировать в глобальном масштабе без использования аутсорсинга”. В последующий период Европа сохраняла своё лидерство. 2005 год был отмечен концентрацией мега-сделок – контрактов стоимостью свыше 800 млн евро: при этом четыре из пяти из них относились к сфере аутсорсинга обеспечения и обслуживания инфраструктуры информационно-коммуникационных технологий (ИКТ-инфраструктуры). В 2007 году в регионе было заключено аутсорсинговых сделок на сумму 41,6 млрд долл., а его доля в мире достигла 49,5% (США – 34,6%). При этом Европа обогнала США не только по общей сумме сделок, но и по количеству контрактов. 2007 год стал определённой вехой в развитии этого вида деятельности в ЕС. К лидерам в регионе – Германии, Франции и Нидерландам – примкнули такие страны, как Бельгия, Дания, Норвегия, Финляндия, Швейцария и Италия, в каждой из которых объём совершённых сделок по аутсорсингу превысил 1% от мировой величины. В 2008 году доля Европы составила 55% (США – 32%). На волне подъёма отрасли в регионе деятельность европейских компаний сконцентрировалась в большей степени на аутсорсинге информационных технологий и телекоммуникаций. Интересно высказывание Э. Стюарда, управляющего подразделением агентства “Navigant consulting” в Европе: “Сегодня аутсорсинг широко представлен в деятельности европейских компаний. Ещё пять лет назад это казалось недопустимым и диким приёмом в бизнесе, сейчас же почти каждая организация что-либо передала на аутсорсинг”. Аутсорсинг широко применяется и в Европе, не только в частном, но и государственном секторе. Правительство Великобритании передало информационные системы налоговых ведомств на аутсорсинговое обслуживание.

В ФРГ в последнее время аутсорсинг развивается и эволюционирует. Опрос 200 руководителей крупных компаний, действующих в немецкоязычных странах, который был проведен консалтинговой компанией Accenture в сотрудничестве с Institut fuer Menegnent und Consult, привел к интересным результатам. Так, например, объём германского рынка

аутсорсинга к 2002 году вырос с 9 млрд до 13,8 млрд евро. Среди опрошенных фирм 80% уже имеют опыт с аутсорсинговыми проектами, причем наибольший опыт в этой области накоплен производителями потребительских товаров и фирмами. Однако следует признать, что в Германии этот рынок развивается все еще медленнее, чем в США и Великобритании. Большинство немецких компаний прибегают к аутсорсингу почти исключительно в целях сокращения текущих расходов. Только 13% опрошенных фирм наряду с этим занимаются еще и аутсорсингом стратегических функций или основных сфер своей деятельности.

Переход на аутсорсинг не всегда проходит гладко. Производитель двигателей Pratt & Whitney в 2015 году решил оптимизировать процесс доставки комплектующих на свои заводы и нанял корпорацию United Parcel Service, до этого многие годы запчасти и комплектующие поставлялись прямо на заводы Pratt, где специальные сотрудники их распаковывали и распределяли по производственным бригадам. По словам вице – президента Pratt Эрла Экзума, у компании была «пара сотен» таких сотрудников. Планы ускорения производства нового двигателя и открытие трех новых заводов потребовали централизации логистических процессов Pratt, и UPS специально для нее построила распределительный центр площадью в 10 футбольных полей и наняла туда 200 рабочих на почасовую оплату. В отличие от опытных сотрудников Pratt эти рабочие мало знали о сборке двигателей, в результате заводы Pratt начали получать из распределительного центра неполные или поврежденные наборы комплектующих. К тому же возникли проблемы с синхронизацией ПО Pratt и складской программой UPS. В 3 квартале 2015 года отгрузки двигателей Pratt упали на 33%, а выручка, соответственно, на \$500 млн. Процесс удалось наладить в следующем квартале, и сейчас, по словам Экзума, распределительный центр работает хорошо, а 200 временных сотрудников UPS делают для пяти заводов Pratt ту же работу, что 150 сотрудников компании когда – то делали для двух. К тому же в отличие от сотрудников Pratt рабочие UPS не объединены в профсоюз.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Кузнецов В.М. Аутсорсинг: новое слово в управлении//ЭКО: Экономика и организация промышленного производства. №6.2005. С.79
2. Outsourcing innovation// Businessweek. 2005. 21March
3. Папирян Г. Международный аутсорсинг зарубежный опыт и перспективы России// Экономическая политика №1.2009. С.183.
4. Развитие аутсорсинга в ФРГ// БИКИ 2002№199. С.4-5Секрет фирмы.200523(110).20-26июня 2005г.
5. “Интернэшнл Дата Корпорэйшн” (International Data Corporation, или IDC) является подразделением Интернэшнл Дата Груп (англ. “International Data Group”). На неё работают более 850 аналитиков в 50 странах.
6. “Нэвигант Консалтинг” (Navigant Consulting) – международная консультационно-исследовательская организация.

УЎК 338.484

ГАСТРОНОМИЯ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МИЛЛИЙ ТАОМЛАРНИНГ ВА ОВҚАТЛАНИШ АНЪАНАЛАРИНИНГ ЎРНИ (Хоразм воҳаси мисолида)

С.М. Маткаримова, т.ф.н., доц., Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Ушбу мақолада Хоразм воҳаси шароитида гастрономия туризмини ривожлантиришда миллий таомларнинг ва овқатланиш анъаналарининг ўрни ва аҳамияти ёритилган.

Калим сўзлар: гастрономия, анъаналар, ЮНЕСКО репрезентатив рўйхати, тухум барак, кўтир барак, дегустаторлар.

Аннотация. В этой статье освещается роль национальных блюд и разнообразные традиции питания Хорезмского оазиса в гастрономическом туризме.

Ключевые слова: гастрономия, традиции, репрезентативный список ЮНЕСКО, тухум барак, кутир барак, дегустаторы.

Abstract. This article highlights the role of national dishes and various food traditions of the Khorezm oasis in gastronomic tourism.

Keywords: gastronomy, traditions, UNESCO representative list, tukhum barak, kutir barak, tasters.

Туризм мамлакат иқтисодиётининг, аҳолини иш билан таъминлашнинг, атроф - мухитни муҳофаза қилишнинг, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш бўйича ишлар яхшиланишининг, аҳолининг маданий ва соғлиқ даражасини кўтаришнинг энг

самарали усуллардан бири ҳисобланади. Бу ҳақда мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг куйидаги фикрлари аҳамиятли: “Туризм – иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири. Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, ушбу тармоқни янада такомиллаштириш зарур, буни даврнинг ўзи тақозо этмоқда” [1].

Юртимизда туризмни жадал ривожлантириш, мавжуд улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, анъанавий маданий-тарихий туризм билан биргаликда экологик, зиёрат, маърифий, этнографик, спорт, даволаш соғломлаштириш, қишлоқ, саноат ва ишбилармонлик ҳамда гастрономик туризми каби янги туризм йўналишларини ташкил этиш бўйича кенг қўламли вазифалар белгиланган. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4861-сонли фармонини қабул қилиниши бу борадаги муҳим ҳужжат ҳисобланади [2].

Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш, туристларга хизмат кўрсатиш тизимини кенгайтириш ва улар учун барча шароитларни яратиш мақсадида янги туристик мажмуалар, меҳмонхоналар, кемпинглар, ресторанлар, барлар, транспорт соҳалари, қурилиш учун катта маблағлар ажратилмоқда. Бундай суръатда туризмни ривожлантириш албатта умумий овқатланишни ҳам ривожлантиришни тақозо этади, чунки барча туристлар хоҳ у ички турист бўлсин ёки хоҳ ташқаридан келсин, қандай бўлгандан қатъий назар овқатланишга ҳамда овқатланиш тармоғидан фойдаланишга мажбур.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, туризм соҳасидан юқори даражада фойда олиш учун давлат бу соҳанинг анъанавий тармоқларидан ташқари, хориж туристларини Ўзбекистонга кўп миқдорда ва қайта-қайта келишига туртки бўладиган янги тармоқларни ҳам ривожлантириши лозим. Ана шундай янги тармоқлардан бири бу, юқорида таъкидлаганимиздек, гастрономик туризм ҳисобланади. Ўзига хос ва мазали овқат турларига бой ҳамда турли-туман фойдали, асосийси кимёвий жиҳатдан зарарланмаган кўплаган табиат инъомларига эга ўзбек ошхонаси, бизнинг ўлкамизда гастрономик туризмни ривожлантиришда муҳим имкониятларга эга.

Гастрономик туризм, одатда икки турга бўлинади: 1. Агротуризм бўлиб, саёҳат қилинаётган давлатнинг, экологик тоза маҳсулотлари бўлган мева ва сабзавотлар, полиз маҳсулотларини, ҳосилини йиғиш ёки қадоқлашни ўз кўзи билан кўриш ва маҳсулотларни таътиб кўриш тушинилади; 2. Шаҳар гастронимик туризми, маҳаллий маҳсулотларни қайта ишлайдиган ва ишлаб чиқарадиган корхоналар, миллий таомлар тайёрлайдиган овқатланиш шаҳобчаларига, озиқ-овқат дўконларига ва бошқа объектларга ташриф буюриб, уларни ўрганиш ва татиб кўришни ўз ичига олади.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг катта кўпчилик йирик туристик агентликлари ўзларининг туристик дастурларига оммабоп ва машҳур гастрономик саёҳатлар йўналишларини киритганлар. Хоразм вилоятида ҳам гастрономик туризмни ривожлантириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди. Хусусан, Урганч шаҳрида миллий ва Европа таомларини тайёрлашга ихтисослаштирилган ошхоналар фаолияти йўлга қўйилди. Қолаверса, Хоразмнинг бренд овқатлари альбоми нашр қилиниб, уларни энг асосийси хориждан келаётган туристларга, иккинчи навбатда эса ички туристларга таништириб, бу таомлар ҳақида тўлиқ маълумотлар бериб борилмоқда. Бу таомлар ҳақида тўлиқ маълумот берувчи сайтлар ташкил қилиниб, интернетга жойлаштирилди. Буларнинг натижаси ўларок, АҚШнинг туризм соҳасини ёритиб борувчи ҳамда бу соҳа бўйича маслаҳатлар бериб борувчи машҳур “National Geographic Traveler” нашриёти ҳар йили ўтказадиган машҳур туристик йўналишлар ҳамда туристлар орасида энг яхши туристик мамлакатлар учун онлайн овоз бериш жараёнида 2018 йилда “Гастрономик туризм” номинациясида Ўзбекистон энг яхши туристик йўналиш деб тан олинди. Бу борада иккинчи ўринни Италия, учинчи ўринни эса Озарбойжон эгаллади [3]. Онлайн овоз бериш 25 асосий номинацияни ўз ичига олди. Зеро, бир йил олдин Ўзбекистон фақат МДХ мамлакатлари ичида бу соҳада бешинчи ўринни эгаллаган эди [4]. Бир йил давомида гастрономик туризм соҳасида амалга оширилган ишлар натижасида эса Ўзбекистон дунё бўйича биринчи ўринга чиқиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 февралдаги “2019-2020 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 119-сонли қарорида ҳам вилоятда гастрономик туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги белгиланган [5]. 2020 йил февраль ойида эса шу йил охиригача Хива шаҳрида Ўзбекистон Гастрономик туризм

асоциациясининг Хоразм вилояти филиали ҳамда гастрономик кўча ташкил этилиши хусусида қарор қабул қилинди [6].

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда GoUzbekistan.uz, Restoran.uz портали билан ҳамкорликда “Ўзбекистон гастрономия туризми” номи янги лойиҳаси фаолият кўрсатмоқда. Бу билан мамлакатимизнинг ошпазлик санъатидаги таомлардаги хилма-хиллиги ва маҳаллий хусусиятларга тегишли эканлиги, оддий ва қадимийлиги ҳудудлардаги илғор тажрибалар билан халқаро туризм бозорига кириб боришига имконият яратади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда туризм соҳасида амалга оширилаётган тадбирларни ва жараёнларни кузатар эканмиз, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки гастрономик туризм соҳасида ҳам унинг ривожланиши учун жуда катта ишлар амалга оширилганлигининг гувоҳи бўламизки, жуда яқин вақт ичида бунинг амалий натижаларини кўриб бораверамиз. Айниқса, Хоразмнинг машҳур овқатлари: “тухум барак” ва “қўтир барак” таомларининг ЮНЕСКО репрезентатив рўйхатида киритилиши ҳам Хоразмда гастрономик туризмни ривожлантиришда жуда катта аҳамиятга эга [8]. Хоразмда бундай таомлар жуда кўп, жумладан, “шивит оши”, камкалорияли “хоразмча сузма ош”, “ушоқ барак”, “қизил ва гўштли патирлар” ва ниҳоят фақат Хоразм балиғидан тайёрланадиган таомлар аллақачон чет эллик туристлар ичида жуда оммалашиб кетган.

Ҳозирги вақтда гастрономия туризмнинг ривожланиши “миллий иқтисодиётга ижобий таъсири, бандликни таъминлаш ва маданий мерос сифатида ҳар томонлама тавсиф” сифатида Бутунжаҳон туризм ташкилотининг доимий назоратида ҳисобланади. Бутунжаҳон туризм ташкилоти экспертларининг тақдим этган маълумотларига биноан “туризм соҳасидаги 30% ҳаражатларни гастрономия туризми ташкил этиб, гастротуризм маҳаллий маданиятнинг асосий элементи ва ишлаб чиқаришнинг асосини ташкил этади, бунда асосий эътибор Буюк ипак йўлидаги туристик йўналишларнинг туристик тақлифларини такомиллашувини ва миллий ошхонани ривожлантиришга қаратилгандир” [7].

Гастрономия туризмни ярим фабрика таъминотларни истеъмол қилишдан бегиб, кўнгли истаган таомни асл ҳолида татиб кўришга интилиш деб ҳам тушуниш мумкин. Гастрономия туризми биринчи навбатда гурманлар, яъни мазали таом истовчилар учун жозибадор бўлиб, уларга тансиқ таом, бу нафақат егулик, балки, кўтаринки кайфият бағишловчи лаҳзалар ҳисобланади. Иккинчидан, гастрономик сайёҳатлар иш фаолияти овқат тайёрлаш ва тановул қилишга бевосита боғлиқ бўлган касб эгаларини, хусусан ресторан бошқарувчиларини, татиб кўрувчилар (дегустаторлар), ресторан танқидчилари каби инсонларни ўзига жалб қилади. Бу инсонлар гастротурларга ўзларининг касбий маҳоратларини, билимларини оширишга ва кўникмаларини моҳирона бошқаришга йўналтириш мақсадида гастротурларга чиқишади. Бу гастрономик турларда энг моҳир бош ошпазлар (шеф-повар) ўз касбий сирлари билан бажонидил ўртоқлашади. Гастрономик турларда туристик компания вакиллари кулинар сайёҳатларга чиқишади ва натижада ўз тижоратини кенгайтиришга муваффақ бўлишади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Президент Ш.Мирзиёевнинг Мамлакатимизда туризмни изчил ривожлантириш истиқболлари, сайёҳлик объектларидан самарали фойдаланиш, кўрсатилаётган хизмат турлари сифатини ошириш, юртимизга ташриф буюраётган сайёҳлар оқимини кўпайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлилига бағишланган йиғилишдаги маърузаси // 2017 йил. 3-октябрь. www.uza.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4861-сонли фармони// <https://www.lex.uz/docs/-3077025?otherlang=1>
3. <https://zamin.uz/uzbekiston/43241-uzbekiston-eng-yahshi-gastronomik-yunalish-deya-tan-olindi.html>// 13 октябрь 2018.
4. <https://sputniknews-uz.com/tourism/20170418/5219376.html>//18.04.2017.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 февралдаги “2019-2020 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 119-сонли қарори// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2019 йил 13 февраль.
6. Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси электрон сайти // <https://uzbektourism.uz/cyrl/newnews/view?id=1019>// 13.02.2020
7. Данилов С. Туризм со вкусом узбекского плова. – Т., 2013.
8. travelkhorezm.uz/27августа2019г./https://www.facebook.com/permalink.php?id=364302831100888&story_fbid=429325344598636.

ТУРИСТИК-РЕКРЕАЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШДА ЭЛЕКТРОН РЕЗЕРВЛАШ ТИЗИМИДАН ФОЙДАЛАНИШ АФЗАЛЛИКЛАРИ**А.Т. Мирзаев, катта ўқитувчи, PhD, Фарғона политехника институти, Фарғона**

Аннотация. Мақолада сўнги йилларда миллий иқтисодиётнинг тез суръатлар билан ривожланиши имкониятига эга бўлган рекреацион туризм соҳасидаги ривожланиши йўналишлари тадқиқ этилган. Тадқиқот жараёнида рекреацион хизматлар кўрсатувчи корхоналарда мажбур ресурслар салоҳияти таҳлили асосида хизматлар самарадорлиги баҳоланган. Илмий янгилик сифатида соҳа корхоналари бошқарув фаолиятини рақамлаштиришда электрон резервлаш тизимини жорий этиши орқали хизмат кўрсатиш ҳажминини барқарорлаштириши имкониятлари ўрганилган.

Назарий тадқиқотлар Ўзбекистон Республикасида 2013-2019 йиллар давомида кўрсатилган рекреация хизматлари ҳажмига таъсир этувчи омиллар боғлиқлигидаги эконометрик модель орқали 2022 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичларини аниқлаш орқали асосланган.

Калит сўзлар: туризм, туристик-рекреация, туристик-рекреация хизматлари, туристик-рекреация корхоналарини бошқариш, электрон резервлаш тизими, бошқарув жараёнларини рақамлаштириши, бошқарув моделлари, корреляцион-регрессион таҳлил.

Аннотация. В статье исследуются тенденции развития сферы рекреационного туризма, который в последние годы развивается быстрыми темпами в национальной экономике. В ходе исследований была проведена оценка эффективности услуг на основе анализа ресурсного потенциала на предприятиях, оказывающих рекреационные услуги. В качестве научных инноваций изучены возможности стабилизации объемов услуг путем внедрения системы электронного резервирования при цифровании управленческой деятельности предприятий отрасли.

Теоретические исследования основаны на определении прогнозных показателей до 2022 года посредством эконометрической модели в зависимости от факторов, влияющих на объем оказываемых рекреационных услуг в Республике Узбекистан в течении 2013-2019 годов.

Ключевые слова. туризм, рекреация, туристско-рекреационные услуги, управление туристско-рекреационными предприятиями, электронная система бронирования, цифрование управленческих процессов, модели управления, корреляционно-регрессионный анализ.

Abstract. The article examines trends in the development of recreational tourism, which has been developing rapidly in the national economy in recent years. In the course of the research, the effectiveness of services was evaluated based on the analysis of the resource potential of enterprises providing recreational services. As a scientific innovation, studied the possibilities of stabilizing the volume of services by implementing an electronic reservation system for digitizing the management activities of enterprises in the industry.

Theoretical research is based on the determination of forecast indicators up to 2022 by means of an econometric model, depending on factors that affect the volume of recreational services provided in the Republic of Uzbekistan during 2013-2019.

Keywords: tourism, recreation, recreational services, management of recreational enterprises, electronic booking system, digitalization of management processes, management models, correlation and regression analysis.

Кириш

Глобаллашув шароитида туризм соҳаси иқтисодиётнинг энг истиқболли тармоқларидан бирига айланиб бормоқда. Мазкур тармоқнинг жадал ривожланишига туризм соҳасини бошқаришнинг тобора такомиллашиб бораётганлиги сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, бу борадаги замонавий стратегияларнинг қўлланилиши жаҳон мамлакатларида туризм индустрияси иқтисодий кўрсаткичларининг ўсишига олиб келмоқда.

Жаҳонда туризм соҳасини янада ривожлантириш, унинг макроиқтисодий кўрсаткичларидаги улушини ошириш, ҳудудларда аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида туристик-рекреация корхоналари фаолиятини бошқариш механизмларини такомиллаштиришга асос яратадиган илмий тадқиқотларга эҳтиёж ортиб бормоқда. Шу жиҳатдан рекреацион хизматлар бозорининг ривожланиши асосида хизмат

кўрсатувчи инфратузилмалар самарадорлигини ошириш, туристик-рекреация фаолиятдан фойдаланиш жараёнларини рақамлаштириш, шунингдек, ҳудудий ва макроиктисодий даражада мультипликатив самарани келтириб чиқаришини эътиборга олган ҳолда ҳозирги даврда жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида туристик-рекреация хизматлари бозорини ривожлантириш йўналишидаги илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилган.

Бугунги кунда туризм соҳаси жаҳон иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бирига айланди. Шу муносабат билан Ўзбекистонда туризм соҳасини модернизациялаш, соҳани барқарор ривожлантириш учун меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини такомиллаштиришга, халқаро стандартларга мувофиқ хизматлар кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Туризм соҳасининг ривожланиши ишлаб чиқаришнинг мураккаблашуви, истеъмол бозорининг кунлик ва шахсий талабдан келиб чиққан ҳолда товарлар билан тўлдирилиши, жамият ҳаётини янгиловчи илмий-технологик тараққиётнинг жадал ўсиши билан боғлиқдир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Туристик-рекреация соҳасини мамлакатимизда ривожлантириш учун, аввало, унинг асоси бўлган рекреацион салоҳият захиралари ўрганиб чиқилиши, ҳудудлараро ва минтақалараро районлаштириш ҳамда мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш чоратadbирлари ишлаб чиқилиши зарур. Ўзбекистон рекреацион туризм салоҳияти бўйича дунёдаги етакчи мамлакатлар қаторида туради. Туристик хизматлар бозорининг ушбу соҳасини ривожлантиришдаги биринчи вазифа – ана шу ресурслардан самарали фойдаланиб, рекреацион туризм соҳасини жадал ривожлантириш учун бу йўналишнинг назарий асосларини яратиш талаб қилинади.

Рекреация сўзи латин тилидан (recreation - тиклаш) олинган бўлиб, инсоннинг меҳнат жараёни давомида сарфлаган кучини дам олиш орқали тиклашини англатади. Мазкур сўз атамаси соҳанинг қатор тадқиқотчилари томонидан атама сифатида қўлланилганига қарамай, унинг мазмун-моҳиятига турлича ёндашувлар мавжуд.

Россиялик олимлар А.М. Ветитнев, Л.Б. Журавлеваларнинг таъкидлашича, рекреация атамаси дастлаб АҚШда XIX асрнинг 90-йилларида меъёрланган иш куни, дам олиш кунлари ва таътилларнинг йўлга қўйилиши маъносида илмий адабиётларга киритилган ва саломатликни тиклаш, соғломлаштириш ҳамда ушбу фаолият олиб бориладиган макон мазмунини англатган [1].

В.А. Квартальновнинг фикрича, рекреация бу – инсоннинг жисмоний, интеллектуал ва эмоционал кучини кенгайтирилган тарзда қайта тиклаш жараёнидир. АҚШ миллий туризм сиёсати тадқиқотлар марказининг таърифига кўра эса, рекреация бу – инсонларнинг бўш вақтидан персонал фойдаланиш жараёни ҳисобланади [2].

А. Мирзаевнинг тадқиқотларида рекреацион фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш жараёнларини баҳолаш, ҳудудларнинг туристик-рекреация объектларига таъсир этувчи омиллар таҳлили, туристик-рекреация объектларини интеграл баҳолаш механизмини такомиллаштириш масалалари ўрганилган бўлса [5,6,7], Г. Хонкелдиеванинг тадқиқотларида давлат-хусусий шерикчилик механизми асосидаги корпоратив бошқарув тизимларида бошқарув жараёнларини такомиллаштириш, инвестицион фаолиятни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари тадқиқ этилган [8,9]. А. Асрақулов томонидан эса омилли боғланишларнинг назарий ва амалий жиҳатлари ўрганилган [10, 11].

Юқоридагилардан кўринадикки, рекреация хизматлари ҳажмига турли омиллар, хусусан, бошқарув омиллари ҳамда бошқарув жараёнларини рақамлаштириш таъсирининг омилли таҳлили хорижий ва мамлакатимиз олимларининг тадқиқотларида етарли даражада ўз аксини топмаган.

Таҳлил ва натижалар

Туристик-рекреация хизматлари бозори фаолиятини рақамлаштиришда электрон резервлаш тизимини такомиллаштириш асосида туристик-рекреация фаолиятининг бошқарилишини режалаштириш ва моделлаштириш бошқарувчининг юқори савиядаги стратегиясини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасида туристик-рекреация фаолиятидаги асосий кўрсаткичлар динамикасини моделлаштириш соҳада юз бераётган тенденциялар, трендлар ва вақтли қаторлар кўринишидаги моделлар ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

Регрессион таҳлил 2013-2019 йиллар давомида мамлакатимизда кўрсатилган рекреацион хизматлар ҳажми танланган таъсир этувчи омиллар таъсирида барқарор ўсиб бориш тенденциясига эгаллигини кўрсатди (1-расм).


Ўзбекистон Республикасидаги туристик-рекреация фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил
1	Иқтисодий фаолиятнинг асосий турлари бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми (млрд.сум)	55872,8	68032,1	78530,4	97050	118811	150889,8	191629,8
2	Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (млрд.сум)	590,1	729,1	890,6	3038,7	3649,6	4673,3	5984,1
3	Санаториялар сони	98	103	111	116	119	128	138
4	Санаториялар – профилакториялар сони	55	59	56	62	63	73	84
5	Дам олиш уйлари, дам олиш базалари ва пансионатлар сони	49	53	53	52	59	84	120
6	Сайёҳлик базалари ва бошқа дам олиш муассасалар сони	168	172	172	204	219	199	180

Дастур ёрдамида асосий эндоген кўрсаткичнинг қолдик, ҳақиқий ва тузилган модель бўйича ўзгаришлари ҳам баҳоланди (1-расм). Кўриниб турибдики, ҳақиқий ва тузилган модель асосидаги кўрсаткичлар ўртасидаги тафовут жуда кам ва шунга асосланиб, келгуси даврда кўрсатилган рекреацион хизматлар ҳажмига таъсир этувчи юқоридаги 5 та асосий омилни бошқариш ва мувофиқлаштириш рекреацион хизматлар соҳасини барқарор ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш мумкин.

Регрессион таҳлил натижасида рекреацион хизматлар ҳажми ўзгариши қуйидаги регрессион модель асосида ўзгарган:

$$y = -1,27x_1 + 1225,91x_2 - 177,53x_3 + 1313,93x_4 + 592,26x_5 - 218065,5$$



1-расм. Ўзбекистонда 2013-2019 йилларда кўрсатилган рекреацион хизматлар ҳажми ўзгариши бўйича қолдик, ҳақиқий ва тузилган модель трендлари

Моделнинг адекватлиги кўриб чиқилганда, моделнинг сифат кўрсаткичлари қуйидагича эканлиги кўринади:


- детерминация коэффиценти (R^2)	-	0,9992
- регрессиянинг статистик хатолиги (SE)	-	3343,47
- Фишер мезони ($F_{stat.}$)	-	254,75
- Фишер мезони аҳамияти	-	0,0475
- Шварц мезони	-	18,79
- Ханнан-Куин мезони	-	18,26
- Дарбин-Уотсон мезони	-	2,59

Юқорида аниқланган моделга асосланган ҳолда рекреацион хизматлар ҳажми ва унга таъсир этувчи омил кўрсаткичларининг 2020-2022 йиллардаги прогноз кўрсаткичларини аниқлаш ҳамда келгуси уч йилда ушбу кўрсаткичларга эришиш учун таъсир этувчи омилларни бошқариш йўналишларини белгилаш мумкин (2-расм).

Расмдан кўриниб турибдики, аниқланган модель асосидаги рекреацион хизматлар ҳажми ва унга таъсир этувчи омил кўрсаткич (ресурс компонент)ларининг 2020-2022 йиллардаги прогноз кўрсаткичлари барқарор ўсиш тенденциясига эга.

Улчов бирликлари бир хил бўлган туристик-рекреация ресурс компонентлари ҳисобланган 4 та таъсир этувчи омил кўрсаткичларининг 2013-2019 йиллардаги вақтли қатор

асосидаги модель бўйича ишлаб чиқилган прогноз кўрсаткичларини вақтли қаторга киритилишидан олинган ўзгариш тренди барча ресурс компонентларининг вақт омили таъсирида барқарор (чизиқли боғланишга яқин) ўсиб боришини кўрсатмоқда.



2-расм. Ўзбекистон Республикасида 2013-2022 йилларда кўрсатилган рекреацион хизматлар ҳажмининг ўзгариши

Ўтказилган таҳлиллар рекреация хизмати кўрсатувчи корхоналарнинг аксариятида қўлланилаётган мижозларни жалб этиш тизими электрон тизим бўлмаганлиги сабабли рекреация объектларида мавжуд ўрин (жой)лардан фойдаланиш даражаси анчагина пастлигини кўрсатмоқда. Агар рекреация объектидаги бир ўрин (жой)дан бир мижознинг фойдаланиш даври ўртача 12 кунни ташкил этиши эътиборга олинса, йилнинг 360 кунда бир ўриннинг максимал банд бўлиши 30 мартани ташкил этади, ёки бошқача айтганда, рекреация объектидаги бир ўриндан йил давомида максимал ҳисобда 30 та мижоз фойдаланиши мумкин. Бироқ ўтган беш йилда рекреация объектларидан фойдаланганлар сони максимал фойдаланиш даражасидан анча паст.

Агар рекреация объектлари томонидан мижозларни жалб этишда бронлаш тизими қўлланилса, мавжуд қувватлардан максимал фойдаланиш имконияти кенгайтирилади ва, шу билан боғлиқ равишда, объектларнинг молиявий барқарорлиги ҳам ортиб боради. Албатта, бронлаш тизимини жорий этиш рекреация муассасаси томонидан маълум миқдорда қўшимча харажатлар ҳисобига талаб қилади, бироқ ушбу харажатлар қўлам самараси ҳисобига олинадиган фойда орқали қопланиб кетади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда рекреация муассасаларида электрон резервлаш тизимидан жуда тор қўламда фойдаланилмоқда. Амалий таҳлилларга таянган ҳолда, биз келгусида рекреация объектлари хизматларидан фойдаланишда электрон резервлаш тизимини киритишни таклиф қиламиз. Айтиш мумкинки, бу тизим ҳозирда мамлакатимиз туризм хизматлари соҳасидаги аксарият хизмат кўрсатиш соҳалари (меҳмонхона, ресторан, турагентликлар, туроператорлик хизматлари, авиакассалар, темир йўл кассалари ва бошқалар)да самарали қўлланиб келинмоқда.

- Электрон резервлаш тизими жорий этилган ҳолатда рекреация объектида ўрин (жой)ни бронлаш ҳақида сўров (Reservation) турли каналлар (электрон почта, факс, телефон, телекс) орқали қабул қилиниши мумкин.

Электрон резервлаш тизимидан ўтган ҳар бир буюртмага рақам берилади. Бронлашни қафолатлаш депозит ёки кредит карточкаси билан амалга оширилади. Буюртмани қабул қилган хизматчи мижоз тарихини текшириб кўриши ва унинг натижаларига кўра тегишли белгилар қўйиши ёки бронлашни рад этиши лозим.

Рекреация объектида бўш ўринлар бўлган тақдирда, мижозга тасдиқнома (confirmation) юборилади. Ушбу тасдиқномада хонага жойлашиш санаси, номер тури, номерда яшаш кунлари сони, буюртма рақами кўрсатилади. Агар сўровда номерда яшаш кунларининг сони ҳақида маълумот бўлмаса, номер бир кунга бронлаштирилади.

Биз қуйида таҳлил давомида рекреация тизимларини тўлиқ бронлаш тизимига ўтказиш натижасида ўрин (жой)лардан фойдаланиш имкониятини айрим ҳисоблаш формулалари ёрдамида аниқлашга ҳаракат қилдик.

$$Q_{\max} = P * (360/t) * 0,9$$

Бу ерда:

Q_{\max} – рекреация объектларининг йиллик максимал қуввати (киши);

P – рекреация объектларидаги мавжуд ўрин (жой)лар сони;

360 – ўрин (жой)лардан йил давомида фойдаланиладиган кунлар сони;

t – бир ўрин (жой)дан бир мижознинг ўртача фойдаланиш давомийлиги (ўртача миқдор 12 кунни ташкил этади);

$0,9$ – бронлаш тизимидан фойдаланишнинг максимал самарали кўрсаткичи (ўртача 10% йўқотишни ҳисобга олган ҳолда).

$$Q_{\max 2011} = P_{2011} * (360/t) * 0,9 = 17000 * (360/12) * 0,9 = 459000 \text{ киши}$$

Расмий статистика маълумотларига кўра, 2011 йилда рекреация объектларида кўрсатилган хизматлардан жами 255096 киши фойдаланган. Ҳисоб-китобларга кўра, бронлаш тизими тўлиқ жорий этилган биз таклиф этаётган тизимда бир йилда рекреацион хизматлардан 459000 киши фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

2019 йилга келиб таклиф этилаётган тизим мақсадли кўрсаткичига нисбатан ўринлардан фойдаланиш самарадорлиги 60,5% ни ташкил этган. Агар рекреация муассасалари томонидан бронлаш тизими (уланган ёки уланмаган бронлаш тизими) жорий этиладиган бўлса, уларнинг умумий тушуми ҳажми ўртача 40% гача ортишига эришиши мумкин.

Ҳозирги даврда юқорида таклиф этилаётган бронлаш тизими дунёнинг ривожланган мамлакатларида фаолият кўрсатаётган рекреацион хизматлар йўналишидаги муассасаларда кенг қўлланилиб келинмоқда ва бу асосан икки хил усулда йўлга қўйилган. Улар:

1. Глобал резервлаш тизими орқали. Бугунги кунда дунё миқёсида 4 та йирик резервлаш тизимлари (Global Distribution Systems – GDS) - Amadeus, Galileo, Sabre ва Worldspan резервлаш тизимлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Дунё бўйича 400 мингдан ортиқ туристик агентликлар ушбу тизимлар хизматидан фойдаланиб келмоқда.

Бу тизимлар хизматидан фойдаланишнинг ўзига яраша ижобий ҳамда салбий томонлари мавжуд. Глобал резерв тизимидан фойдаланишнинг ижобий томонлари муайян хизматлардан фойдаланиш учун маълумотлар базаси билан танишувчи мижозлар ушбу хизматларни таклиф этувчи тўғрисидаги тўлиқ маълумотга эга бўлади. Глобал резерв тизимида корхона тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар (хизмат турлари, нархлар, қўшимча хизматлар, манзил ва ҳоказолар) мавжуд бўлиб, бу маълумотлар истеъмолчиларга бошқа маълумотларни кўриш жараёнида ҳам тақдим этилади [12, 13].

2. Интернет-серверлар ёрдамида резервлаш тизими орқали. Интернет-серверлар ёрдамида резервлаш тизимининг устун томонлари - Интернет тармоғининг имкониятлари GDS билангина чегараланиб қолмаган.

Интернетдан фойдаланишда эришиладиган асосий устунлик қамраб олинмаган мижозлар доирасининг кенглиги (ер юзи аҳолисининг 100 млн.дан кўпроғи) ва устама харажатларининг GDS га қараганда арзонроқ эканлигидадир [14].

Интернет-серверлар ёрдамида резервлаш тизимининг салбий томонлари - муайян веб-саҳифа ташкил этилганидан кейин у ҳақда деярли ҳеч ким хабар топмайди. Интернетнинг исталган фойдаланувчиси ўзига санаторий танламоқчи бўлганида юқорида зикр этилган саҳифани топиши учун уни турли ахборот қидириш тизимлари, маълумотномалар, каталогларда рўйхатдан ўтказиш бўйича узоқ ва машаққатли иш олиб бориш, баннерли рекламага катта маблағлар сарфлаш ва бошқа шунга ўхшаш саъй-ҳаракатлар талаб этилади.

Рекреация фаолиятдан фойдаланиш даражасини ошириш, реал талабни шакллантириш ва унинг ҳажмини ошириш рекреация хизматлари кўрсатувчи корхоналар томонидан мавжуд максимал қувватни тўлиқ ишга тушириш ҳамда шу асосда кўрсатиладиган хизматлардан олинмаган даромадларни оширишга йўналтирилган ташкилий-бошқарув тадбирларини амалга оширилишига боғлиқ.

Хулоса ва таклифлар

Юқорида белгиланган вазифалар ва амалий натижалар асосида қуйидаги таклиф ва тавсиялар берилди:

- алоҳида тузилмани ишлаб чиқиш ва туристик-рекреация фаолиятини бошқаришнинг узоқ муддатли стратегиясини шакллантириш;

- туристик-рекреация фаолиятига ички ва хорижий инвестицияларни мунтазам ва режали жалб қилиш асосида соҳанинг моддий техник базасини кенгайтириш ва соҳага инновацияларни кенг жалб қилиш;

- Ўзбекистонда туристик-рекреация фаолияти билан боғлиқ бўлган асосий кўрсаткичларнинг 2013-2022 йиллар давомида ўзгариш қонуниятлари аниқланди. Унга кўра прогноз кўрсаткичлар иқтисодий фаолиятнинг асосий турлари бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми 2022 йилга келиб жадал суръатларда ўсиш тенденциясига эришиш мумкинлигини кўрсатади.

- туристик – рекреация фаолиятида электрон бронлаш тизимини жорий этиш орқали хизматларга бўлган талабни барқарорлаштириш;
- электрон бронлаш тизимини жорий этиш орқали туристик-рекреация фаолиятида мавжуд салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;
- туризм кластерлари кенг ривожланган минтақаларда “эркин туристик зоналар” ташкил этиш;
- соғломлаштириш ва дам олиш, курортлар тизимига хорижий сайёҳларни жалб қилиш орқали рекреация туризмга эътиборни кучайтириш.

Туристтик-рекреация фаолиятини самарали бошқариш ва режалаштириш асосида мавжуд туристик-рекреация хизматларидан фойдаланиш даражасини максималлаштириш учун электрон резервлаш тизимидан фойдаланиш самарадорлигини оширади. Бу эса, рекреацион хизматлар бозорида талаб ва таклифнинг юқори тўйиниш нуктасини аниқлаш ҳамда ҳудудлар бўйлаб туристик-рекреацион хизматлар бозорининг диффузиясини ривожлантиришни жадаллаштириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳолининг самарали бандлигини таъминлашга асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.
2. Лапа Е.А. Развитие инновационной активности хозяйствующих субъектов туристско-рекреационной сферы. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Самара-2019. Стр-209.
3. Зорин И.В. Энциклопедия туризма / И.В.Зорин, В.А.Квартальнов. –М., 2003. – С. 89.
4. Каменских Н.А. Кластерный подход к управлению развитием региональной туристско-рекреационной подсистемы // Науковедение. – 2016. – Т.8. – №2 (33). – С. 41.
5. Mirzaev, A. T. (2020). Assessment of cluster formation in management of recreational activity. ISJ Theoretical & Applied Science, 04 (84), 605-610. <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2020.04.84.101>
6. Mirzaev, A.T (2018) "The level of use of tourist attractions in the regions and the factors affecting them," *Economics and Innovative Technologies*: Vol. 2018: No.3, Article 19. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2018/iss3/19>
7. Ханкелдиева Г.Ш. Перспективы развития электроэнергетической отрасли Республики Узбекистан в условиях модернизации экономических отношений // Бюллетень науки и практики. Электрон. журн. 2017. №12 (25). С. 293-299. Режим доступа: <http://www.bulletennauki.com/honkeldiyeva-g>
8. Мирзаев А.Т. Совершенствование интегральной оценки механизма рекреационно-туристических объектов // Бюллетень науки и практики. 2019. Т. 5. №2. С. 127-134. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/39/17>
9. Ханкелдиева Г.Ш. Особенности корпоративного управления в акционерных обществах с государственным участием // Бюллетень науки и практики. Электрон. журн. 2017. №11 (24). С. 357-363. Режим доступа: <http://www.bulletennauki.com/honkeldiyeva>
10. Асракулов, А. С. (2019). Неформальная занятость и анализ факторов, влияющих на неформальную занятость в Узбекистане. Региональная экономика: теория и практика, 17(12), 2328-2336.
11. Asrakulov, A. S. (2017). Some aspects of development of the labor market of the Republic of Uzbekistan. Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук (pp. 39-42).
12. Mirzaev A. T. Evaluation of innovation capacity resource components in effective management of recreational clusters on the basis of econometric analysis // EPRA International Journal of Research and Development (IJRD). – 2020. – pp.131-137. <https://doi.org/10.36713/epra4790>.
13. Мирзаев А.Т. Оценка использования рекреационных возможностей на рынке туристических услуг // Региональная экономика: теория и практика. – 2019. – Т. 17, № 5. – С. 990 – 1002. <https://doi.org/10.24891/re.17.5.990>.
14. Mirzaev A. T. Estimation of the prospects for the use of recreational facilities in the market of tourism services //Наука сегодня: вызовы, перспективы и возможности [Текст]. – 2018. – С. 76.

УЎК 332

АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

*К.А. Мухитдинова, катта ўқитувчи, Тошкент Давлат Техника Университети,
Тошкент*

Аннотация. Ушбу мақолада автомобиль транспорти корхоналарининг инвестицион фаолияти самарадорлигини таъминлашнинг иқтисодий асослари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: автомобиль транспорти, инвестицион фаолият, иқтисод.

Аннотация. В данной статье освещены экономические основы обеспечения эффективности инвестиционной деятельности предприятий автомобильного транспорта.

Ключевые слова: автомобильный транспорт, инвестиционная деятельность, экономика.

Abstract. This article covers the economic fundamentals of ensuring the efficiency of investment activities of Automobile transport enterprises.

Keywords: car transport, investment activity, economy.

Узоқ муддатли стратегик ривожланишни таъминлаш учун корхоналар глобал ва ички бозордаги мавжуд иқтисодий ва молиявий вазиятни ҳисобга олувчи оқилона ва самарали инвестиция сиёсатини ишлаб чиқишга эътибор қаратмоқлари лозим. Бундай сиёсат энг аввало юқори бозор беқарорлиги ва чекланган ресурслар шароитида инвестицион жараённинг самарадорлигини максимал даражада оширишга қаратилган инвестицион бошқарув тизими ва концепциясига асосланади.

Инвестицион фаолиятни комплекс бошқариш концепцияси ўз ичига бир неча муҳим ва бир-бири билан боғлиқ компонентларни қамраб олиб, улардан биринчиси корхонани ривожлантиришнинг муқобил вариантлари ичидан энг мақбулини танлаш ва унга мос инвестиция стратегияларини аниқлаш имконини берувчи стратегик моделлаштириш ва сценарийли таҳлил қилиш жараёни ҳисобланади. Стратегик моделлаштириш тамойилларини қўллаш корхонанинг нафақат инвестицион муқобиллигини молиявий самарадорлик нуқтаи назаридан тўғри баҳолашга, балки ташқи иқтисодий ва сиёсий омилларнинг, иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ва ҳудудларнинг ривожланиш йўналишларининг таъсири нуқтаи назаридан уларнинг таҳлилини рағбатлантиради. Бундай ёндашувнинг муҳим жиҳати корхонанинг инвестицион фаоллиги энг яхши молиявий ва иқтисодий кўрсаткичларга эришиш имконини берадиган иқтисодий ривожланиш шароитларини аниқлашга қаратилганлигидир. Бундан ташқари, комплекс инвестицион бошқарув доирасида инвестиция лойиҳаларини танлаш ва улар асосида инвестиция портфелини шакллантириш, инвестицион лойиҳалар ва дастурларни амалга оширишни бошқариш ҳамда турли манбалардан зарур маблағларни жалб қилиш каби инвестицион жараёни бошқариш усуллари ва ёндашувлар амалга оширилади.


Мазкур тадқиқот ишимизнинг мақсадидан келиб чиқадиган бўлсак, инвестицион лойиҳаларни танлаш учун кенг миқёсли мезонлардан фойдаланиш, инвестицион фаолиятни бошқариш мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда инновацион молиялаштириш манбаларини қўллаш ва инвестиция лойиҳаларини тузишнинг самарали усулларини илмий асослашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Инвестиция фаолиятини бошқариш хавфларини бошқаришнинг интеграциялашган ва динамик ёндашув усуллари ҳамда тамойилларини фаол қўллашни ҳам назарда тутиб, инвестицион жараённинг барча йўналишлари ва босқичларида рискларни бошқаришнинг узлуксиз жараёнини таъминлайди.

Маълумки, ҳар қандай иқтисодий тизим учун транспорт тармоғи иқтисодий муносабатларни ўрнатишнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилади. Транспорт-логистика хизматлари барча иқтисодий субъектлар томонидан истеъмол қилинади ва иқтисодий, сиёсий хавфсизлик ва ишончлилиқ кафолати сифатида юзага чиқади. Транспорт тизимида ресурсларни сафарбар қилишга кўплаб омиллар таъсир кўрсатади. Булардан энг аввало иқтисодий ўсиш, аҳоли даромадлари ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт таъсир кўрсатади. Транспорт хизматлари ҳажмининг ўсиши бир томондан иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга таъсир кўрсатса, иккинчи томондан маҳсулот ва хизматлар таннархининг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиб юзага чиқади. Бошқа томондан, иқтисодий ўсиш уй хўжаликлари даромадларининг ўсишига тўғридан-тўғри таъсир қилиш орқали уларнинг транспорт хизматлари истеъмолини ҳам рағбатлантиради. Транспорт соҳаси учун инвестицион фаолиятнинг асосий ёндашувларини белгиловчи муҳим омиллар мавжуд. Биринчидан, бу давлат ва жамиятнинг турли манфаатлари мутаносиблигини инобатга олиш зарурлиги туфайли инвестицион рисклар таъсирини кучайтиради ва инкирозли шароитларда ривожланиш ноаниқлигини пасайтиради. Иккинчидан, транспорт комплексининг кўплаб тармоқлари, масалан шаҳар жамоат транспортида монополизм ва транспорт операторлари фаолиятига нисбатан ташқи давлат назорати ўрнатилади, жумладан, тарифларни ўрнатиш, инвестицион режаларни назорат қилиш ва бошқалар. Учинчидан, транспорт комплексига таъсир кўрсатадиган муҳим омил уларнинг ўта йирик капитал сифимидир. Масалан, автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш йирик микдордаги узоқ муддатга мўлжалланган инвестицияларни талаб қилади. Ва ниҳоят, бошқа омил - транспорт корхоналари учун доимий равишда янги транспорт воситалари, ташиш ва сервис

технологиялари, таъмирлаш ускуналарига сармоя киритишда технологик қоқоқлик ҳамда бундай воситалар бозорида таклифнинг чекланганлиги инвестицион фаолиятда қийинчилик туғдиради.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, транспорт корхоналарининг ривожланиши интеграциялашган узоқ муддатли стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали амалга оширилиши мумкин, бу ўз навбатида белгилаб олинган стратегик режаларни амалга оширишда муҳим роль ўйнайдиган инвестицион фаолият учун асос бўлиб хизмат қилади. Узоқ муддатли режалаштириш давомий сармоялар ва юқори инвестицион эҳтиёжлар билан боғлиқ бўлиб, ўта аниқ режалаштириш ва тайёргарликни талаб қилади. Транспорт корхонаси стратегиясида фаолиятнинг юқори хавфларини ҳисобга олган ҳолда уни минималлаштириш учун шарт-шароитларни яратиш устувор вазифа бўлиб юзага чиқади.

Қайд этилганларни умумлаштириб таъкидлаш мумкинки, инвестициялар автомобиль транспорти корхоналарини ривожлантириш учун аниқ тезкор ва стратегик мақсадларга эришишга хизмат қилади. Яъни, инвестиция жараёни доирасида автомобиль транспорти корхонаси ўз тортишиш ҳудудидаги транспорт хизматларига бўлган талабни максимал даражада қондириш ҳисобига бир қанча муҳим натижаларга эришиши талаб этилиб, улар пировард натижада корхона бозор қийматининг ўсишини таъминлаши лозим (1-расм).



1-расм. Автомобиль транспорти корхонаси инвестицион фаолиятининг асосий йўналишлари ва натижадорлиги (муаллиф ишланмаси)

Шундай қилиб, транспорт тизими капиталининг юқори даражасини ҳисобга олган ҳолда молиявий фаолиятнинг барқарорлиги, янги фаолият йўналишлари ва хизмат кўрсатиш географиясини кенгайтиришга инвестицияларни жалб этиш орқали эришишлари мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Саматов Ғ.А., Равшанов М.Н., Қодиров Т.У., Шукурова М.Ш., Туйчиев А.М. Транспорт рақобатбардошлигини таъминлашнинг услубий жиҳатлари. Монография. – Тошкент, Янги аср авлоди.- 2013.
2. Алиқулов И.С., Сатторов Д.С. Инвестициянинг мазмун-моҳияти ва тавсифланиши //“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 5, июль, 2012 йил
3. Андрианов А. Ю. Инвестиции: учеб.для бакалавров / А. Ю. Андрианов, С. В. Валдайцев, П. В. Воробьев. - М. : Проспект, 2013. - 592 с.

МИНТАҚА ЭКОЛОГИК-ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМЛАРИНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ

М. Рахимова, мустақил тадқиқотчи, УрДУ, Урганч

Аннотация. Мақолада минтақа экологик-иқтисодий тизимларини шаклланиш жараёнлари таҳлил қилинган, самарадорлигини ошириш омиллари асосланган.

Калим сўзлар: экология, экологик сиёсат, стратегик мақсад, экологик инфратузилма, экологик-иқтисодий тизим, деградация, инновацион технологиялар, самарадорлик

Аннотация. В статье проанализированы процессы формирования эколого-экономических систем, определены факторы повышения их эффективности

Ключевые слова: экология, экологическая политика, стратегическая цель, экологическая инфраструктура, эколого-экономическая система, деградация, инновационные технологии, эффективность.

Abstract. In this article analyzes the processes of formation of the ecological and economic systems of the region, the rationale for their effectiveness.

Key words: ecological, ecological politics, ecological infrastructure, ecological and economic systems, degradation, innovation technology, effectiveness.

Минтақавий экологик-иқтисодий тизимларни шаклланиши ўз навбатида экологик сиёсат юритиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Экологик сиёсат - бу жамиятни табиатга таъсири билан боғлиқ бўлган тадбирлар тизимидан иборатдир. Уни амалга ошириш эса ҳар бир минтақа доирасида инсон билан жамият ўртасида ўзаро муносабатлар жараёнининг кечиши, хусусиятлари ва қонуниятлари билан боғлиқ.

Чунки ижтимоий-экологик жараёнлар алоҳида мамлакатлар ёки минтақа чегаралари билан чекланмайди ва улар узлуксиз ягона географик маконда кечади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек, "...атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик ҳолатни яхшилашга эътиборни кучайтиришимиз керак.

Авалло, Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш бўйича бошлаган мисли кўрилмаган ишларимизни давом эттириб, денгизнинг қуриган тубида ўрмонзорларни кенгайтириш, Нукус, Урганч ва Хива шаҳарлари атрофида "яшил белбоғ"лар барпо этишимиз лозим.

Ишлаб чиқариш жараёнини экологик назорат қилиш тизимини такомиллаштириш, экологик аудит ўтказиш тартибини қайта кўриб чиқиб, хусусий аудиторлик фаолиятини жонлантириш ҳам муҳим вазифадир.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳар бир ҳудуд ва корхона бўйича экологияни яхшилаш, чиқиндиларга доир ишлар юзасидан дастурлар ишлаб чиқиши ва уларнинг ижросини таъминлаши шарт" [1].

Минтақавий экологик сиёсатни стратегик мақсади одамлар ҳаёти ва фаолияти учун қулай муҳитини шакллантириш ва табиатдан фойдаланиш жараёнларини такомиллаштиришдир.

Минтақавий экологик сиёсат аниқ манзилли ва ҳудудий йўналтирилган бўлса, юксак самара беради. Бунинг учун мамлакат ва минтақалар социал- экологик жиҳатдан районлаштирилиши ва ажратилган ҳудудлар табиатдан фойдаланувчилар билан баланслаштирилиши, ифлосланиш даражаси ва инсон ҳаёти учун табиий муҳитни яроқлилиги бўйича тоифалаштирилиши зарур.

Минтақавий экологик сиёсат таъсирчанлиги табиатдан фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилишнинг ижтимоий-иқтисодий механизмининг ҳар бир минтақада янги меъёрлар ва лимитларни ҳисобга олиб такомиллаштириш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Табиий муҳитда ифлослантирувчи моддаларни чекланган миқдордаги тўпланиш коэффициентига талабни кучайтириш экологик бузилишлар учун жарима санкциялари қўллаш билан ифодаланиши лозим.

Шулар билан бир қаторда ҳудудни экологик соғломлаштириш, корхоналарда ресурсни тежайдиган ва кам чиқимли технологиялар жорий қилиш, экологик инфратузилма объектларини барпо қилганлиги чора тадбирлари учун рағбатлантириш доирасини кенгайтириш зарур. Бу чоралар орасида субсидиялар, кредитлар (имтиёзли, узоқ муддатли ва паст фоизли), солиқларни пасайтириш чоралари жуда муҳимдир.

Экологик сиёсатни таъсирчанлигини оширишнинг яна бир муҳим омили маҳаллий ҳокимият органларининг инвестиция фаолиятини экологик фондлар билан мувофиқлаштириш, молиялаштиришнинг бошқа манбаларини табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишга жалб қилишдир.

Шуни айтиш керакки, 2008 - 2018 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш, табиий тизимларни, уларнинг биологик ранг-баранглигини ҳамда ўзини-ўзи қайта тиклаш қобилиятини сақлаш, табиий ресурслардан оқилона ва комплекс фойдаланишни таъминлаш, табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг самарали иқтисодий усулларини жорий этиш, атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини камайтириш, табиий муҳитни сақлашни таъминлашнинг ҳукукий механизмини такомиллаштириш, экологик илм-фанни ривожлантириш, экологик билимларни кенг тарғиб қилиш, шунингдек, экологик маданиятни ошириш комплекс чора-тадбирларини амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.


Минтақада экологик-иқтисодий тизимларни шаклланишида қуйидаги ҳолатларга эътибор қаратиш зарур.

1. Ўзбекистонда ер муносабатларини такомиллаштиришнинг муҳим жиҳати ер учун тўлов тизимидир. Ерга тўловларни ҳисоб-китоб усули етарли даражада асосланмаган. Ерга тўлов тизими асосан соф фискал характерга эга ва қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланишни рағбатлантирмайди, ер ресурсларидан оқилона фойдаланаётган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига имтиёзлар йўқ.

Хоразм вилояти тупроқлари физик, физик-механик, гидро ва термофизик, биологик хусусиятларига кўра кам таъминланган тупроқлар сирасига киради. Шунга қарамай, тупроқда дегумификация жараёни кечмоқда, яъни гумуснинг парчаланиши ва йўқ бўлиши содир бўлмоқда. Тупроқдаги гумуснинг 1% йўқолиши қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини гектарига 2-3 центнер пасайишига олиб келади.

2. Вилоят ер майдонлари экологик ҳолатини қишлоқ хўжалиги субъектлари фаолиятида ҳисобга олиш ва шунга мувофиқ тупроқ балл бонитетига аниқлик киритиш ва экинлар ҳосилдорлигини тупроқ балл бонитетига мувофиқ равишда белгилаш, аграр соҳада экологик-иқтисодий ёндашувини таъминлаш жуда муҳим.

2-расм. Қишлоқ хўжалик ерларидан оқилона ва мақсадли фойдаланиш тадбирлари



Манба: муаллиф томонидан тузилган

3. Ердан фойдаланишни самарали механизмини барпо қилиш, энг аввало, янги хўжалик юритиш усуллари яратишда қишлоқ хўжалигида ерларни муҳофаза қилиш, такрор ишлаб чиқариш ва фойдаланишни яхшилаш учун зарур. Чунки ерлар деградацияга учраб, тупрокнинг табиий унумдорлиги пасайиб бормоқда. Тупроқ экологияси бузилиб ундаги гумус микдори камаймоқда. Бунга асосий сабаблар:

а) Бир ерда сурункали (кўп йиллар мобайнида) пахта ва донли экинларни экилиши (монокультура);

б) Беда экилишини алмашлаб экишда деярли қатнашмаётгани;

г) Тупроқда гербицид ва пестицидларнинг қолдиқлари кўпайиб кетиши натижасида микроорганизмлар ва чувалчанглар камайиб кетиши;

д) Ерларни чуқур ва ағдариб ҳайдаш туфайли тупроқ микрофлора ва микрофаунага зарар етиши;

е) Хоразм вилоятида хосилдорликни оширишда минерал ўғитларга (сунъий воситалар) асосий омил сифатида қаралиб органик ўғитларни (табиий воситалар) эҳтиёждан анча паст солинаётгани ва қишлоқ хўжалиги юритишни табиатни ўзидан кўчириб олинган усули, яъни органик (экологик) хўжалик юритишни жорий қилишга эътибор йўқлиги ҳисобланади.

4. Қишлоқ хўжалигида сувдан тўлов асосида фойдаланишни жорий этиш, суғориладиган ерларни муҳандислик планировкаси (лазерли нивелир асосида текислаш)ни амалга ошириш, суғориладиган деҳқончиликда ёмғирлатиб, томчилатиб суғориш каби илғор сувни тежовчи технологияларни жорий этиш йўли билан сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек, "2020 йилда 44 минг гектар ерда ёки ўтган йилга нисбатан қарийб 4 баробар кўп майдонда сувни тежайдиган технологияларни жорий этамиз. Бунинг учун давлат бюджетидан 300 миллиард сўм субсидия ажратилади. Шунингдек, сув хўжалиги объектларини бошқариш жараёнларини, сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш тизимини автоматлаштириш зарур" [1].

Билдирилган илмий хулосаларни амалга ошириш минтақада экологик-иқтисодий тизим самарадорлигини ошишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси Мурожаатномаси, 2020 йил 24 январ. prezident.uz

УДК 338

МЕСТО ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ

Ш.Б. Рузметов, доц., УрГУ, Ургенч

Х. Абдуллаев, стр.преп., УрГУ, Ургенч

И.И. Юсубов, базовый докторант, УрГУ, Ургенч

Annotatsiya. Ushbu maqolada raqamli iqtisodiyotning mamlakatlarning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishidagi o'рни tahlil qilinadi. Shuningdek, raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishdagi mavjud qiyinchiliklar va kamchiliklar va ularni bartaraf etish bo'yicha tavsiyalar beradi.

Kalit so'zlar: ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish, raqamli iqtisodiyot, bozor institutlari, elektron tijorat, elektron hukumat, raqamlashtirish.

Аннотация. В данной статье анализируется место цифровой экономики в социально-экономическом развитии стран. А также даются рекомендации о существующих проблемах и недостатках в развитии цифровой экономики и пути их разрешения.

Ключевые слова: социально-экономическое развитие, цифровая экономика, рыночные институты, электронная коммерция, электронное правительство, цифровизация.

Abstract. This article analyzes the role of the digital economy in the socio-economic development of countries. It also provides recommendations on existing problems and shortcomings in the development of the digital economy and ways to resolve them.

Keywords: socio-economic development, digital economy, market institutions, e-commerce, e-government, digitalization.

Сегодня интернет быстро проникает во все аспекты человеческой жизни. С помощью интернета люди делают самые разные действия. Обратим внимание на простую статистику,

связанную с Интернетом, если в 1992 году в день создавалось более 100 гигабайт данных, то к 2017 году этот показатель превысил 45 000 Гб в секунду. Согласно прогнозам, к 2022 году эта цифра достигнет 150 700 Гб [6]. Это, в свою очередь, является объективной причиной возникновения и развития цифровой экономики. Цифровая экономика сегодня стоит три триллиона долларов. Это составляет 30 процентов от S&P 500, что в шесть раз превышает ежегодный торговый дефицит в США или превышает валовой внутренний продукт Великобритании [5]. Интересно, что эта ценность была сформирована за последние двадцать лет, и это в значительной степени связано с запуском Интернета. В настоящее время наиболее развитыми странами цифровой экономики являются Соединенные Штаты и Китай, на которые приходится 75% патентов на технологии блокчейна во всем мире, и 50% интернет-продуктов потребляются этими странами [7].

Наша страна также принимает меры по развитию цифровой экономики в ближайшие годы. В частности, в Послании Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева к Олий Мажлису от 24 января 2020 года было отмечено следующее:

«Чтобы добиться развития, нам необходимо приобрести цифровые знания и современные информационные технологии. Это позволяет нам выбрать кратчайший путь к вознесению. Ведь сегодня в мире информационные технологии проникают глубоко во все сферы. Хотя наша страна поднялась на 8 мест в 2019 году согласно Международному индексу развития информационных и коммуникационных технологий, мы все еще сильно отстаем. Также верно сказать, что большинство министерств и ведомств, предприятий далеки от цифровых технологий. Конечно, мы очень хорошо знаем, что построение цифровой экономики требует необходимой инфраструктуры, больших денег и рабочей силы. Однако, как бы ни было сложно, если мы не начнем эту работу сегодня, когда мы начнем?! Завтра будет слишком поздно. Поэтому активный переход к цифровой экономике станет одним из наших приоритетов на ближайшие 5 лет. Цифровые технологии не только улучшают качество продуктов и услуг, но и сокращают ненужные расходы. В то же время они являются эффективным инструментом в борьбе с коррупцией, которая является самой серьезной проблемой, которая беспокоит меня. Нам всем нужно это глубоко понять. Государственное управление и общество, а также социальная сфера могут повысить производительность и, одним словом, значительно улучшить жизнь людей за счет широкого внедрения цифровых технологий» [1]. Таким образом, 2020 год был объявлен Годом науки, просвещения и цифровой экономики, и это был один из первых шагов на пути к развитию цифровой экономики в нашей стране.

Что такое цифровая экономика? Многие экономисты по-разному интерпретируют цифровую экономику. Термин «цифровая экономика» был впервые введен в Японии в 1990-х годах во время рецессии японским профессором и экономистом-исследователем. На Западе этот термин определен в книге Дона Тапскота 1995 года "The Digital Economy: Promise and Peril in the Age of Networked Intelligence". Это была одна из первых книг о том, как интернет может изменить наш бизнес [3].

Узбекский экономист, академик С.С.Гулямов определяет цифровую экономику следующим образом: «именно экономическая деятельность позволяет значительно повысить эффективность хранения, продажи и предоставления услуг, а цифровые данные являются основным фактором производства» [2].

По словам Усмана В. Чохана, цифровая экономика означает экономику, основанную на цифровых вычислительных технологиях, и во многих случаях цифровая экономика интерпретируется как ведение бизнеса через интернет-рынки [4].

Исходя из вышесказанного, цифровая экономика представляет собой систему организации и управления экономическими, социальными и политическими процессами с использованием цифровых технологий, в том числе компьютеров, Интернета и других современных устройств. Суть цифровой экономики отражается в ее преимуществах.

Цифровая экономика имеет следующие преимущества:

- снижение себестоимости продукции;
- повышение производительности труда
- повышение конкурентоспособности;
- появление новых профессий;
- минимизация уровня бедности и смягчение социального неравенства.

Замена человеческого труда роботами в результате применения новых техник и технологий в производственных процессах, в свою очередь, позволяет фирмам или

предприятиям снижать издержки производства. Кроме того, электронный обмен документами между организациями через электронные платформы экономит время. Объединение ряда государственных услуг в единую систему создаст удобство для населения и бизнеса. Создание очень большой базы данных с использованием цифровых технологий упрощает хранение и использование информации в обществе. Рыночные институты используют свои возможности для предоставления своих услуг потребителям через Интернет. Это позволяет вам пользоваться этими услугами, не выходя из дома, и эффективно удовлетворять ваши потребности. Подводя итог вышесказанному, цифровая экономика предлагает следующие возможности:

- Высокий уровень автоматизации.
- Электронный обмен документами.
- Интеграция государственных услуг в единую систему.
- Создание базы данных во всех областях
- Цифровая трансформация рыночных институтов.

Цифровая экономика существует во многих формах по всему миру. Мы можем видеть основные из них на рисунке ниже (рисунок 1).



Рисунок 1. Взгляды на цифровую экономику (разработано автором)

В развитии цифровой экономики в Узбекистане существует ряд проблем. Эти:

- монополия во многих областях;
- низкая скорость и низкое качество интернета, отсутствие интернет-сервисов в отдаленных районах;
- крайне низкая компьютерная грамотность граждан;
- относительно мало квалифицированных специалистов в области информационных технологий;
- низкая безопасность информационных технологий.

Цифровая экономика напрямую связана с Интернетом. Поэтому одной из основных задач, стоящих перед странами, является обеспечение хороших интернет-услуг для населения. Также естественно, что во многих случаях вопрос о том, приведет ли развитие цифровой экономики к безработице. Мы не думаем, что это произойдет, потому что с развитием цифровой экономики появятся новые профессии. Например, 10 лет назад у нас не было понимания профессий, таких как vlogger, блоггер, облачный инженер, аналитик данных, менеджер социальных сетей. Существование этих профессий связано с развитием цифровой экономики.

Одним словом, роль цифровой экономики в социально-экономическом развитии страны значительна. Следующие результаты могут быть достигнуты благодаря развитию цифровой экономики в стране:

- сокращение монополий;
- выход на мировой уровень в данной области;
- повышенная прозрачность;
- формирование информационной культуры;
- упадок теневой экономики;
- предотвращение коррупции;
- уменьшение влияния человека.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Обращение Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева к Олий Мажлису. Источник: www.president.uz
2. S.S.Gulomov, Blockchain technologies in the digital economy. Tashkent: TFI, "Economy and Finance" Publishing House, 2019, 404 pages.
3. Tapscott, Don (1997). The digital economy: promise and peril in the age of networked intelligence. New York: McGraw-Hill. ISBN 0-07-063342-8.
4. Chohan, Usman W., Some Precepts of the Digital Economy (January 1, 2020). Critical Blockchain Research Initiative (CBRI) Working Papers, 2020. Available at SSRN: <https://ssrn.com/abstract=3512353>.
5. Delices, Patrick (2010). "The Digital Economy". Journal of International Affairs. 64 (1): 225–226. JSTOR 24385197.
6. The Data from official website of UNCTAD. Source: https://unctad.org/en/PublicationsLibrary/der2019_en.pdf
7. www.worldbank.org

УЎК 338.436.33(470)

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИККА АСОСЛАНГАН АГРОКЛАСТЕРЛАРНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ*К. Тажигаев, катта ўқитувчи, Наманган давлат университети, Наманган*

Аннотация. *Агрокластерлар қишлоқ хўжалигида фаолиятни ташкил этишининг самарали шакли сифатида ўз ўрнини кўрсатиб берди. Мақола Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавот агрокластерларини ташкил этиши ва уларни фаолиятини шакллантиришга бағишланган. Соҳада мавжуд ҳал этилиши лозим бўлган асосий муаммолар ва уларни бартараф этиши, қишлоқ хўжалиги ҳамда экспорт имкониятларини оширишга хизмат қилувчи ечимлар келтирилган.*

Калит сўзлар: *агрокластер, қишлоқ хўжалиги, ташкил этиши, мева-сабзавот, экспорт*

Аннотация. *Агрокластеры уже зарекомендовали себя как эффективная форма организации деятельности в сельском хозяйстве. Статья посвящена вопросам формирования организации плодоовощных агрокластеров Республики Узбекистан. Сформулированы основные проблемы в данном направлении, и задача выполнения которых обеспечить развитие и повышение экспортных возможностей аграрного сектора.*

Ключевые слова: *агрокластеры, сельское хозяйство, организация, плодоовощи, экспорт*

Abstract. *Agroclusters have already established themselves as an effective form of organizing activities in agriculture. The article is devoted to the formation of the organization of fruit and vegetable agro-clusters in the Republic of Uzbekistan. The main problems in this direction and the task of ensuring the development and increase of export opportunities of the agricultural sector are formulated.*

Keywords: *Agro-cluster, agriculture, organization, fruits and vegetables, export.*

Ўзбекистон Республикаси қадимдан дунё мамлакатлари ўртасида ўзининг деҳқончилик маданияти ривожланганлиги билан ажралиб туради. Ўзбекистонда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифати ҳеч қайси давлатникидан қолишмайди. Ўзбекистонда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифати, ширинлиги билан бошқа мамлакатларда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан устун туради. Бунинг асосий сабабларидан бири ерларимизнинг унумдорлиги ва иқлим шароитининг қулайлиги, яъни республикамизда куёшли кунларнинг кўп бўлишидир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қанчалик кўп куёш нурида пишса шунчалик ширин бўлади. Айниқса Республикамизда етиштирилаётган мева ва сабзавот маҳсулотлари ўзининг сифати билан жаҳон бозорида энг талабгор маҳсулотга айланиши мумкин. Лекин Республикамизда мавжуд имкониятлардан фойдаланиш самараси жуда паст. Айниқса мева ва сабзавотчилик соҳасида ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларини тизимли йўлга қуйилмаганлиги натижасида бизда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш оқсаётганлигини кўришимиз мумкин.

Тўғри Республикамизда ҳар йили минглаб тонна мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштирилади. Аммо мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштиришнинг ихтисослашмаганлиги, қайта ишлаш соҳасини ривожланмаганлиги ва ниҳоят сотиш соҳасида маркетинг тадқиқотларининг пастлиги етиштирилган мева ва сабзавот маҳсулотларининг жаҳон бозорига етиб бормаяпганлигини кўришимиз мумкин.

Мева ва сабзавотчилик соҳасида мавжуд муаммоларни ҳал этилишида соҳада ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш соҳасида ишларни тизимли ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Бу муаммоларни ҳал этишнинг асосий йўналиши бўлиб соҳада мева ва сабзавотчиликка асосланган агрокластерларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Мева ва сабзавотчилик соҳасида агрокластерлар нафақат фермер ва деҳқон хўжалиklarини, балки уй хўжалиklarини ҳам қамраб олиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки Республикамизда етиштирилаётган мева ва сабзавот маҳсулотларининг салмоқли қисми уй хўжалиklари томонидан томорқаларда етиштирилади. Мева ва сабзавот маҳсулотларини экспортга тайёрлашда мева ва сабзавот маҳсулотларининг нафақат сифати, балки уларнинг навининг бир хиллиги ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Фермер ва деҳқон хўжалиklarидан фарқли равишда уй хўжалиklarида турли хил навдаги мева ва сабзавот етиштирилади. Яъни ҳар бир хўжалик ўзи топган навини экади. Бу эса етиштирилган мева ва сабзавот маҳсулотларининг турли хил навли бўлиб қолишига сабаб бўлади. Яъни бутун бир қишлоқдан бир турдаги маҳсулотни йиғиш имконияти паст бўлади. Бу эса етиштирилган мева ва сабзавот маҳсулотларини маҳаллий бозорларга олиб чиқиб паст нарҳда сотилишига ва уларни увол бўлишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон Фармонида айнан мева-сабзавот ва узумчилик соҳасида юқори кўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, экспорт ҳажмини ошириш, фойдаланишдан чиққан ва лалми ерларни ўзлаштириш, пахта, ғалладан қисқартирилаётган майдонларга экспортбоп қишлоқ хўжалиги экинлари экишни кўпайтириш, шунингдек, боғ, токзор ва иссиқхоналар имкониятларидан самарали фойдаланишни ривожлантиришга катта эътибор қаратилди.

Республикамизда Президентимизнинг 2019 йил 14 мартдаги “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4239-сон қарорига асосан Жиззах, Самарқанд, Тошкент ва Фарғона вилоятларининг 8 та туманида жами 41 та мева-сабзавотчилик йўналишидаги қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ташкил этилди.

Мева ва сабзавотчилик соҳасида агрокластерларни ташкил этилиши ўз навбатида қишлоқ жойларидаги ишсиз юрган аҳолини иш билан таъминлаш имконини беради. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиklари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан кам таъминланган оилалар бандлигини таъминлаш мақсадида халқаро молия институтлари маблағларини жалб этган ҳолда 2020 йилда Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларининг 22 та туманида 31 та, 2021 йилда республика бўйича 100 та қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ташкил этиш кўзда тутилган. Бу эса иш билан банд бўлмаган аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиklари ва томорқа ер эгалари кенгашининг мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилишда кластер ва кооперация тизимини ривожлантиришнинг янги механизмларини жорий этиш борасидаги ишлари давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Лойиҳа ташаббускорларига барпо этилган интенсив боғ ва қурилган иссиқхоналар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурлари доирасида боғдорчилик, узумчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 30 январдаги 52-сон қарори билан тасдиқланган “Интенсив боғ ва токзорлар барпо этиш, иссиқхоналар қуриш ҳамда уларни аҳолига лизинг ва кредит шартлари асосида бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ лизинг ва кредит шартлари асосида берилади [1].

Республикамизда мева-сабзавот кластерини ташкил этиш бўйича ташаббускорлар, қоида тариқасида, қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотлар орасидан, уларнинг тажрибаси ва имкониятларидан келиб чиқиб танлаб олиш режалаштирилган, бунда биринчи навбатда маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш бўйича тўлиқ ишлатилмаётган қувватларни ишга тушириш назарда тутилади.

Мева-сабзавот кластери иштирокчилари – маҳсулот етиштирувчи, қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар маҳсулот етказиб бериш шартномалари орқали тартибга солинади. Маҳсулот етказиб бериш шартномалари фуқаролик қонун ҳужжатлари талаблари асосида тузилади, уларда шу жумладан маҳсулот нархини ҳақиқий харажатдан келиб чиқиб аниқлаш, харид қилинадиган маҳсулот учун олдиндан ажратиладиган аванс маблағлари ҳисобига маҳсулот етиштирувчиларни уруғ, кўчат, минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш материаллари ва бошқа ресурслар билан таъминлаш, агротехника ва агрокимё хизматлари кўрсатиш, янги инновацион технологияларни қўллаш бўйича тавсиялар бериш, ахборот-маслаҳат хизматлари кўрсатиш назарда тутилади. Бу албатта етиштирилаётган маҳсулотларни сифат даражасини янада ошиши учун ўз таъсирини кўрсатади.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган очик ер майдонлари, ҳосилдорлиги паст бўлган пахта ва ғалладан бўшаган майдонлар, шунингдек, яроқсиз деб топилган боғ ва тоқзорлар жойлашган ерларда интенсив боғ ва тоқзорлар барпо этиш, иссиқхоналар қуриш ҳамда уларни аҳолига лизинг ва кредит шартлари асосида, шу жумладан, тижорат банклари ва лизинг компаниялари орқали бериш, кейинчалик улар негизида қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ва мева-сабзавот кластерлари тузиш ишларига катта аҳамият берилмоқда. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки ташкил этилаётган мева ва сабзавотчиликка асосланган кластерлар ҳудудларда монопол мавқейга эга бўлмаслиги керак. Чунки монополия шароитида соғлом рақобат муҳити шаклланмайди. Рақобат бўлмаса тараққиёт бўлмайди. Шунинг учун ҳудудларда мева ва сабзавотчиликка асосланган агрокластерларни бир эмас балки бир нечта ташкил этилишига эътибор қаратиш лозим.

Мева-сабзавот кластерлари иштирокчилари ўртасида кооперация алоқаларини рағбатлантириш уларни молиявий қўллаб-қувватлаш орқали амалга оширилади, бунда маҳсулот етиштирувчиларни уч томонлама келишув иштирокчиси бўлган қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотлар орқали айланма маблағлар билан таъминлаш, янги боғ, тоқзор ва иссиқхоналар барпо этиш, маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш объектларини яратиш учун тижорат банклари томонидан ажратиладиган 20 миллиард сўмгача миқдордаги кредитлар бўйича тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан фоиз ставкасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасидан ошадиган, лекин 8 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисмига компенсация ёки кредит суммасининг 50 фоизи миқдориди кафиллик тақдим этилиши кўзда тутилди.

2020-2021 йилларда ўрмон фондининг ўзлаштирилмаган ер участкаларида янгидан барпо этилган ва ижарага берилган ёнғоқ мевали боғлар (писта, бодом, ёнғоқ) эгаллаган майдонларга беш йил давомида ижара тўловининг “ноль” ставкаси қўлланмоқда.

Юридик шахслар — мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилувчилари мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини дастлабки тўловсиз, аккредитив очмасдан, банк кафолатини расмийлаштирмасдан ҳамда экспорт шартномасини сиёсий ва тижорат хавфларидан суғурта полисисиз амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар [2].

Мева ва сабзавотчиликка асосланган агрокластерларда маркетинг хизматини тўғри ва мукамал ташкил этишга катта эътибор бериш лозим. Ҳозирги кунда мамлакатимизда етиштирилаётган мева ва сабзавот маҳсулотлари асосан Россия бозори учун экспорт қилинмоқда. Эндиликда мева-сабзавот ва узум маҳсулотларининг турлари бўйича ноанъанавий бозорлар, хусусан, Хитой, Корея, Ҳиндистон, Европа Иттифоқи давлатларига экспортини кўпайтириш масалалари кўриб чиқилиши лозим. Бу давлатлар бозорига кириб боришда маркетинг изланишлари муҳим аҳамиятга эга. Чунки бизнинг мамлакатимизда етиштирилаётган мева ва сабзавот маҳсулотлари сифати яхши бўлганлиги билан уларни харидорларга етказиб беришда қатор муаммолар мавжуд:

Биринчидан, мамлакатимизда етиштирилган мева ва сабзавот маҳсулотларини йиғиб олишда ҳамон асосан кўл меҳнатидан фойдаланилади. Бу эса маҳсулот нархини ошишига сабаб бўлади ва асосийси йиғиб олишда кўп вақт талаб қилади. Ташкил этилаётган агрокластерлар негизида мева ва сабзавот маҳсулотлари йиғишга ихтисослашган махсус техника парклари ташкил этилиши керак. Мева ва сабзавот йиғиб олувчиларга техникалардан ижара асосида ёки шартнома асосида фойдаланиш имконияти яратиб бериш керак;

Иккинчидан, етиштирилладиган мева ва сабзавот маҳсулотларини қабул қилиб олиш пунктларини ташкил этиш. Мева ва сабзавот етиштирувчи фермер ёки деҳқон хўжаликлари учун маҳсулотларини топширишда муаммолар бўлмаслиги керак. Маҳсулотларни қабул

килиш пунктларини худудлар бўйича ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Чунки маҳсулот етиштирувчи маҳсулотини ўнлаб километр масофага олиб бормай худудда ташкил этилган пунктларга топшириши биринчи навбатда маҳсулот етиштирувчилар учун қулай бўлса, иккинчидан етиштирилган маҳсулот сифатини бузилмай қабул қилиб олиш имконини беради;

Учинчидан, етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлаш. Яъни уларни жаҳон бозори талаблари даражасида қайта ишлаш ва қадоқлаш. Бизда мавжуд асосий муаммолардан бири ҳам шудир. Яъни маҳсулотимиз сифатли, лекин уни қайта ишлаш ва қадоқлаш ва харидорларга етказиб беришда технологияларимиз йўқ деса ҳам бўлади. Асосий чет мамлакатларга қилинаётган экспорт маҳсулотларимиз оддий яшиқларда амалга оширилади. Бу соҳани ривожлантиришга катта аҳамият бериш керак. Чунки маҳсулотнинг жозибдорлиги унинг сифати билан бирга унинг қадоқланишига ҳам боғлиқ;

Тўртинчидан, хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан импорт божлари ва акциз солиғи ставкаларини қўллашда имтиёз ва чегирмалар бериш тўғрисида музокаралар ўтказиш;

Бешинчидан, темир йўл, автомобиль ва ҳаво транспортида юкларни ташишда ундириладиган тўловларни камайтириш;

Олтинчидан, халқаро даражада тан олинган стандартлар талабларига мос маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини ушбу стандартлар талаблари асосида қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотлар қамровини кенгайтириш, экспортбоп маҳсулотларни халқаро талаблар асосида сертификатлаш ишларини жадаллаштириш;

Еттинчидан, “соғломлик” сертификати бўлмаган уруғ ва кўчатларни импорт қилиш ҳамда экишни тўхтатиш;

Саккизинчидан, мева-сабзавотчиликка ихтисослашган туманларда минерал ўғитлар сотиш ва зараркунандаларга қарши курашиш бўйича самарали тизим ташкил этиш, уларнинг фаолиятида экологик хавфсизлик талабларига риоя қилинишини таъминлаш;

Тўққизинчидан, агрокластерларни фаолиятини тўғри ташкил этиш учун ҳуқуқий ва иқтисодий маслаҳат консалтинг бўлимларини ташкил этиш.

Ўнинчидан, мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш тизимини молиялаштириш учун халқаро молия институтларининг маблағларини мақсадли жалб қилиш, экспорт қилувчи ва уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини самарали ташкил этиш.

Мева ва сабзавотчилик соҳасида агрокластерларни ташкил этиш ва улар фаолиятини ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадлари ўсишини таъминлайдиган энг муҳим соҳалардан бири. Шу боис уни замон талаблари, стратегик ёндашувлар асосида тараққий эттириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалиқларини ҳамда мева-сабзавот кластерларини қўшимча молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 2020 йил 19 февраль, 102-сон

2. Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2018 йил 17 октябрь, ПҚ-3978-сон

3. К.Сирожиддинов Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари маркетинги ўқув қўлланма. Наманган 2019 йил.

4. И.Рустамова Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти, Т;..2015 й.

5. Р.Эргашев Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти Тошкент-2016

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, //Халқ сўзи, 24.01.2020 йил.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон

8. Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш йўлида. Экспресс-проспект. (Бекмуродов А.Ш., Беркинов Б.Б., Усмонов Б.Б., Ҳамидов О.М., Гафуров У.В. ва Нейматов И.У.) Т.: Иқтисодиёт, 2009. - 5 б. (электрон версияси билан)

9. www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг расмий сайти

10. www.agro.uz

МИНТАҚАДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Қ.П. Халмуратов, мустақил тадқиқотчи, Қорақалпоқ давлат университети, Нукус

Аннотация. Ушбу мақолада минтақа хизмат кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шерикчилигининг шакллари ва уларни такомиллаштириш йўллари хусусида сўз юритилади.

Калим сўзлар: минтақа, давлат-хусусий шерикчилик (ДХШ), давлат-ижтимоий шерикчилиги, лойиҳа, инфратузилма, хизматлар соҳаси, шартнома.

Аннотация. В данной статье рассматривается формы государственно-частного партнерства и пути их совершенствования в сфере услуг региона.

Ключевые слова: регион, государственно-частное партнерство, государственно-социальное партнерство, проект, инфраструктура, сфера услуг, договор.

Abstract. This article examines the forms of public-private partnerships and ways to improve them in the service sector of the service sector of the region.

Key words: Region, public-private partnership, public-social partnership, project, infrastructure, service sector, contract.

Иқтисодиёт ривожланиб бориши натижасида давлат ва хўжалик юритувчи фирма, корхоналар ўртасида янги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар шаклланиб боради. Бундай ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг амалиётдаги кўринишларидан бири - бу давлат ва хусусий секторнинг шериклик муносабатларидир. Дунё мамлакатларида мавжуд давлат ва хусусий шерикчилик (ДХШ) муносабатларининг мазмун-моҳияти, хусусиятлари, тамойиллари, ҳуқуқий асосларини ўрганиш ва уни мамлакатимиз минтақалари ҳамда иқтисодиёт тармоқларида ривожлантириш йўналишларини, механизмларини асослаш олдимизга қўйилган устувор вазифалардан биридир. ДХШ муносабатларининг мамлакатимизда мактабгача таълим, транспорт, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳит муҳофазаси, экология, қурилиш каби соҳаларда кундан-кунга тараққий этиб бораётганлиги бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар натижасидир. Чет давлатлар тажрибасида давлат билан хусусий тармоқ ўртасидаги шериклик деганда турли йўналишлардаги бизнес ва иқтисодий муносабатлари тушунилади. Яъни, бу муносабатлар хусусий сектор ресурсларидан умумжамиат эҳтиёжларини қондиришда фойдаланишни назарда тутаяди. ДХШ ҳамкорлиги умуммиллий ва иқтисодий аҳамиятга молик йирик лойиҳаларни амалга оширишга йирик хусусий инвестицияларни жалб қилишда асосий омил сифатида катта аҳамиятга эга бўлган жараёндир. Бозор механизмларининг ривожланиб бориши натижасида давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида янги иқтисодий муносабатлар шаклланиб боради. Бундай ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ривожланган мамлакатлар амалиётдаги бир кўриниши бу ДХШ муносабатларидир. Дунё мамлакатларида мавжуд ДХШ муносабатларининг мазмун-моҳияти, хусусиятлари, тамойиллари, ривожланиш тарихи, ҳуқуқий асосларини ўрганиш ва илғор хориж тажрибаларини ўзлаштирган ҳолда ДХШни мамлакатимизда ривожлантириш олдимизга қўйилган долзарб вазифалардан биридир.

Мамлакатимизда ҳам ДХШ муносабатларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратила бошлангани, хусусан, Ўзбекистонни 2017 – 2021 - йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 3.4-бандининг охири хатбошида устувор вазифалардан бири сифатида ДХШни кенгайтириш деб алоҳида келтириб ўтилганлиги ҳам бу муносабатларни ўрганиш, ривожлантириш нақадар зарурлигини ўзида ифодалайди [1].

ДХШ атамаси инфратузилма ва бошқа хизматлар доирасида давлат, хусусий корхона ва ташкилотлар ўртасидаги бир қатор иқтисодий муносабатларни тавсифлайди. Бундай ижтимоий-иқтисодий муносабатлар жараёнида фойдаланиладиган бошқа тушунчалар орасида хусусий сектор иштироки (*Private sector Participation*) ва хусусийлаштириш (*Privatization*) каби тушунчалар ҳам мавжуд бўлса-да, ушбу тушунчалар орасида маълум бир фарқлар мавжуд. Хусусий тармоқ ва давлат ҳамкорлиги бизнес субъектларининг ишлаб чиқариш, маиший хизматлар ва ижтимоий инфратузилмани ташкил қилиш, бошқаришда ҳамда ижтимоий хизматларни таъминлашда иштирокини ифодалайди.

ДХШ нинг мақсади - тегишли давлат бюджетлари ҳисобидан тақдим этилиши керак бўлган хизматлар, иш ва истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга хусусий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш бўлиб ҳисобланади. Тўғри ташкил этилган давлат ва хусусий

шериклик муносабатлари субъектлар ўртасида вазифаларни, мажбуриятларни ва молиявий рискларни энг оптимал тарзда тақсимлайди. ДХШда давлат томонидан давлат идоралари, жумладан, вазирликлар, кўмиталар, маҳаллий ҳокимият органлари ёки давлат корхоналари муносабатларда иштирок этади. Хусусий сектор томонидан шериклик муносабатларида маҳаллий ёки хорижий хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек, бирор лойиҳага тегишли техник ёки молиявий имкониятга эга юридик шахслар ёки инвесторлар бўлиши мумкин.

Худудларда замонавий ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация тармоқлари бўйича лойиҳаларни давлат-ижтимоий шериклик муносабатларини кучайтириш орқали тўлиқ амалга оширишимиз зарур. Бироқ, бу борада етарли иш олиб борилмаётганини қайд этиш жоиз. Шунинг учун ДХШ муносабатларини жорий этиш концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш керак. Хусусий мактаблар ташкил этиш, ДХШ имкониятларидан кенг фойдаланиш керак [2].

Хусусий секторнинг ҳамкорликдаги ўрни - бизнесни самарали юритиш, бозор муносабатларида менежментни самарали ташкил этиш, молиявий операциялар ва инновацион фаолиятда ўз фаолиятини амалга ошириши орқали муносабатларда иштирок этади. Шунингдек, хусусий сектор ҳам шартноманинг шаклига қараб инвестицион фаолиятда ҳам иштирок этиши мумкин (1-расм).

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИ АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ЛОЙИХАЛАР	
Инфратузилма тармоқларидаги лойиҳалар:	Хизматлар соҳасидаги лойиҳалар:
1. Коммунал инфратузилма қуриш ва модернизациялаш	Аҳолининг кам таъминланган, камбағал қатламларини қўллаб-қувватлаш
2. Кўчмас мулкни қуриш ва модернизациялаш	Таълим ва иш ўринларини яратиш
3. Коммунал хизмат кўрсатиш объектларини қуриш ва модернизациялаш	Худудларнинг салоҳиятини ошириш
4. Аэропорт, йўллар, темир йўллар, кўприклар, телекоммуникация соҳаси	Моддий ва молиявий қўллаб-қувватлаш фондларини тузиш
5. Шифохоналар, мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, уй-жой қурилиши, архитектура ёдгорлиги, музейлар	Ёшлар ва аёлларни иш билан бандлигини таъминлаш, “Ишга марҳамат” мономарказларида касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш, амалиётга жалб қилиш
6. Сув, газ, электр таъминоти, канализация чиқиндиларини қайта ишлаш	Маркетинг ва худудлар имкониятини ошириш, жозибадорлигини таъминлаш

1-расм. Муаллиф ишланмаси

ДХШ амалга ошириладиган, ривожланган мамлакатлар амалиётида мавжуд асосий лойиҳа йўналишлари юқоридаги расмда тасвирланган. Мазкур лойиҳа йўналишлари бевосита ДХШ муносабатларининг мазмуни ва мақсадини кўрсатиб берувчи характерга эгадир. ДХШ муносабатларида шартномаларнинг фарқланиши маълум бир соҳа ёки тармоқни ривожлантириш хусусиятидан, шунингдек лойиҳаларни турларидан келиб чиққан ҳолда турларга ажратилади (1-жадвал).

Дунё амалиётида ҳозирда мавжуд бўлган ДХШ муносабатларида асосий шартномалар турлари қуйидагилардир:

- хизмат кўрсатиш шартномаси;
- менежмент шартномаси;
- ижара ёки лизинг шартномаси;
- лойиҳани қуриш, ишга тушириш ва топшириш шартномаси ёки шунга ўхшаш келишувлар (асосан қурилиш соҳасида);
- концессия шартномаси;
- қўшма корхоналар шартномалари ва бошқалар.

ДХШ муносабатларида давлатнинг иштирок этишидан қўзланган асосий мақсадлар эса қуйидагилар бўлиб ҳисобланади:

1. Хусусий инвестицияларни жалб этиш (тармоқларга давлат маблағлари ўрнига хусусий капитални жалб этиш);
2. Самарадорликни ошириш ва мавжуд ресурслардан янада яхшироқ фойдаланиш;
3. Тармоқларни ривожланишида давлат ва хусусий секторнинг баравар ролини белгилаш, рағбатлантириш ва ҳисобдорликни ошириш орқали соҳани ислоҳ қилинишига эришиш.

Ўтказган таҳлилларимиздан келиб чиққан ҳолда ДХШ муносабатларини ривожлантиришнинг назарий жиҳатларини ўрганиш натижасида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

Биринчидан, мамлакатимизда ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга оширишда ДХШ амалиётини ривожлантириш мақсадида назарий-услубий ва ташкилий-хукукий асосларини аниқ белгиланиши лозим.

Иккинчидан, ривожланган давлатларда кенг қўлланилиб, ижобий натижалар берган ДХШ моделларидан BOOT, DBFO, DBOOT, BOMT, BTO каби шакллари мамлакатимизда ҳам жорий этиш лозим.

1-жадвал

Жаҳон амалиётида ДХШ шакллари (Муаллиф ишланмаси)

1.	Қуриш – Бошқариш - Утказиш (<i>Build, Operate, Transfer Трансфер – BOT</i>)	Ўзаро келишув механизми асосида лойиҳани қуриш, шартнома муддати мобайнида ундан фойдаланиш (эгаллик қилиш ҳуқуқисиз) ва шартнома якунида давлат тасарруфига ўтказиш
2.	Қуриш - эгаллик қилиш- Бошқариш - Утказиш (<i>Build, Own, Operate, Transfer - BOOT</i>)	Ўзаро келишув механизми асосида лойиҳани қуриш, шартнома муддати мобайнида эгаллик қилиш ҳуқуқи асосида ундан фойдаланиш ва шартнома якунида давлат тасарруфига ўтказиш
3.	Қуриш - Утказиш - Бошқариш (<i>Build, Transfer, Operate - BTO</i>)	Бунда лойиҳа қурилиш якунланиши биланок давлатга ўтказилади. Хусусий шерик унга шартнома муддати давомида хизмат кўрсатади, кўрсатилган хизматлар учун истеъмолчилар узлуксиз равишда тўловларни амалга оширади
4.	Қуриш – эгаллик қилиш – Бошқариш (<i>Build, Own, Operate - BOO</i>)	Ўзаро келишув механизми асосида лойиҳани қуриш, шартнома муддати ва якунида ҳам эгаллик қилиш ҳуқуқи асосида ундан фойдаланиш хусусий шерикда қолади
5.	Қуриш – Бошқариш – Ҳимоялаш - Утказиш (<i>Build, Operate, Maintain, Transfer - BOMT</i>)	Лойиҳанинг ҳаётийлик даври ва унга хизмат кўрсатилиши давлат томонидан амалга оширилади. Эгаллик қилиш ҳуқуқи давлат тасарруфида қолади
6.	Лойиҳалаш – Қуриш - эгаллик қилиш – Бошқариш-Ўтказиш (<i>Design, Build, Own, Operate, Transfer - DBOOT</i>)	Ўзаро келишув механизми асосида объектни лойиҳалаштириш, қуриш, шартнома муддати мобайнида эгаллик қилиш ҳуқуқи асосида ундан фойдаланиш ва шартнома якунида давлат тасарруфига ўтказиш
7.	Лойиҳалаш – Қуриш – Молиялаштириш - Бошқариш (<i>design, build, finance, operate - DBFO</i>)	Объектни лойиҳалаш, қуриш, бошқариш, шунингдек хусусий сектор томонидан қуриш ва хизмат кўрсатиш харажатларини молиялаштириш мажбуриятини ҳам олади. Давлат хизматларга тўловлар орқали харажатларни қоплайди

Учинчидан, жаҳон амалиёти тажрибасини ўрганган ҳолда самарали ва фойдали бўлган ДХШ тизимини мувофиқлаштирувчи ва назорат қилувчи давлат институционал тузилмасини алоҳида вазирлик ёки агентлик сифатида мамлакатимизда ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш лозимдир.

Тўртинчидан, ДХШ муносабатларида маҳаллий инвестицияларни шакллантириш ва салмоғини кўпайтириш мақсадида, хусусий инвестицияларни солиқ механизми воситасида рағбатлантириш тизимини жорий этиш лозимдир [3].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида шунини айтиш жоизки, агарда шу йўналишдаги чора-тадбирлар ва ислоҳотлар тўлақонли амалга оширилса, ДХШ муносабатлари давлатнинг барча ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги “юкини” энгиллаштириб хусусий секторнинг имкониятлари, салоҳиятидан самарали фойдаланишга имкон берувчи илғор инновацион механизм ҳамда иқтисодиётнинг драйвери сифатида майдонга чиқади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси// <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-majlisga-murojaatnomasi/>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 - йил 7 - февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги ПФ – 4947 - сонли Фармони//lex.uz
3. Ж. Lawson and В. Milligan. 2007. *International Trends in Housing and Policy Responses*. AHURI Final Report No. 110.Melbourne: Australia Husing and Urban Research Institute. Sydney Research Centre. M.C, Hoek-Smit. 2009.

УЎТ 336.074(575.1)

ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ СОЛИҚ КОДЕКСИДА ИМТИЁЗЛАРНИНГ БЕЛГИЛАНИШИ**С.К. Худайберганава, катта ўқитувчи, Термиз давлат университети, Термиз**

Аннотация. Мақолада солиқларнинг жамиятдаги иқтисодий муносабатларда зарурий дастаг эканлиги, бюджетлар даромад қисмининг асосий манбаи ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларни давлат томонидан тартибга солишининг самарали воситаси эканлиги, имтиёз тушунчаси, солиқларнинг ўрни ва имтиёзларнинг аҳамиятини кўрсатиш, имтиёзлар муайян фаолият соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш воситаси эканлиги, янги солиқ кодекси ва ундаги ўзгаришлар тўғрисида қисқача маълумотлар берилган

Калит сўзлар: солиқ, имтиёз, солиқ кодекси, солиқ ислоҳоти, солиқ юки, солиқ ставкаси, преференция, пеня, иқтисодий муносабатлар, солиқ муносабатлари, солиқ тизими, бюджет, даромад.

Аннотация. В статье приведены сведения о том, что налоги являются необходимой поддержкой в экономических отношениях в обществе, что бюджеты являются основным источником доходов и эффективным средством государственного регулирования социально-экономических отношений, концепция льгот, роль налогов и важность льгот, льготы являются средством поддержки и поощрения определенных видов деятельности, краткая информация о налоговом кодексе и изменениях в нем.

Ключевые слова: налог, льгота, налоговый кодекс, налоговая реформа, налоговая нагрузка, налоговая ставка, преференция, штраф, экономические отношения, налоговые отношения, налоговая система, бюджет, доход.

Abstract. The article argues that taxes are a necessary support in economic relations in society, that budgets are the main source of revenue and an effective means of state regulation of socio-economic relations, the concept of benefits, the role of taxes and the importance of benefits, benefits are a means of supporting and encouraging certain activities. brief information on the tax code and changes in it

Keywords: tax, privilege, tax code, tax reform, tax burden, tax rate, preference, penalty, economic relations, tax relations, tax system, budget, income.

Кириш. Солиқ бошқарувида тўпланган тажриба 1998 йилдан бошлаб солиқ солиш соҳасидаги бир неча қонун ҳужжатларидан битта - Солиқ кодексига ўтишга имкон берди. Солиқ органлари ишида тўпланган тажрибани ақс этириб, ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатларнинг солиқ солиш дастакларини ўзида мужассам этиб, Кодекс Ўзбекистон солиқ қонунчилиги ва солиқ солиш тизимини халқаро даражага яқинлаштирди. Бу ҳужжатнинг қабул қилиниши фаолият тармоқлари, миқёслари ва турларининг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда солиқ солишнинг бир неча тизимларини шакллантиришга, уларнинг рағбатлантирувчи вазифасини кучайтиришга, солиқларнинг ролини оширишга ва уларни бир хиллаштиришга имкон яратди.

Солиқ тушунчаси иқтисодий категория сифатида давлатнинг пайдо бўлиши ва унинг фаолияти давомийлиги билан бевосита боғлиқдир. Шу ўринда солиқ категорияси давлат иқтисодий сиёсати орқали иқтисодий воқелик сифатида юзага чиқишини таъкидлаш лозим. Солиқ тушунчаси тор маънода давлат ихтиёрига солиқ тўловчилардан мажбурий тартибда ундириладиган пул тушумларини ифодалайди.

Долзарблиги. Солиқларнинг жамиятдаги иқтисодий муносабатларда зарурий дастаг эканлигини аңлатади. Улар барча даражадаги бюджетлар даромад қисмининг асосий манбаи ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларни давлат томонидан тартибга солишнинг самарали воситасидир. Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги роли кучайиб, ўз олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда солиқ сиёсати муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Солиқ сиёсати амалда давлат бошқарувининг бошқа унсурлари: пул-кредит сиёсати, баҳо сиёсати кабилар билан биргаликда мамлакатнинг барча ижтимоий-иқтисодий соҳаларига фаол таъсир этади. Давлат солиқ сиёсати орқали иқтисодий ривожланишни рағбатлантиради ёки чеклайди, бунда асосий восита бўлиб имтиёзлар ҳисобланади. Ҳуқуқий асос бўлиб эса Ўзбекистон Республикаси солиқ кодекси ҳисобланади.

Ўзбекистонда бозорнинг барча иштирокчилари учун адолатли солиқ тизимини яратиш учун солиқ имтиёзлари ва преференциялардан босқичма-босқич воз кечилади. Бу ҳақда президент Шавкат Мирзиёев парламентга аъъанавий мурожаатномасида маълум қилди.

«Солиқ юкини пасайтириш ҳисобига барча учун ягона адолатли солиқ тизимини яратиш лозим. Биз босқичма-босқич солиқ имтиёзларидан воз кечишимиз керак, чунки солиқ имтиёзларининг тақдим этилиши рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатмоқда, бунинг тадбиркорларнинг ўзлари ҳам тан олмоқда. Барча баробар бўлиши керак. Бозор раҳмсиз, бироқ барча учун тенг имкониятлар бўлиши лозим. Ўшанда биз рақобатбардош, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқара оламиз», — деди давлат раҳбари.

Тадқиқот мақсади. Нафақат бозор иқтисодиётидаги солиқларнинг ўрни ва имтиёзларнинг аҳамиятини кўрсатиш, балки Ўзбекистонда солиқ тизимининг ўзига хос хусусиятлари, янги солиқ кодекси ва ундаги ўзгаришлар тўғрисида фикр юритишдан иборатдир. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги таҳрири 2020 йил 1 январдан

бошлаб амал қила бошлади. Унга кўра мавжуд солиқлар қисқартирилиб 2020 йилдан 9 та (фойда, жисмоний шахс даромад солиғи, мол-мулк, ер, акциз, ҚҚС, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ижтимоий солиқ) солиқ амалда бўлади.

Ягона ижтимоий тўлов ўрнига ижтимоий солиқ, ягона солиқ тўлови ўрнига - айланмадан солиқ, қатъий белгиланган солиқ ўрнига - жисмоний шахсларнинг даромадларига, уларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда илгари берилган имтиёз ва солиқни ҳисоблаш хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда, қатъий белгиланган миқдорда солиқ жорий этилади.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар, шунингдек солиқлар бўйича пасайтирилган ставкалар куйидаги муддатларда амал қилади:

- Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-136-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси билан тақдим этилган ва белгиланган имтиёзлар ва ставкалар 2020 йил 1 апрелгача;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тақдим этилган имтиёзлар ва ставкалар, уларнинг амал қилиш муддати тугагунга қадар.

Солиқ тўловчига солиқларни тўлаш бўйича муддатни кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) имконияти берилиши солиқ имтиёзлари ҳисобланмайди.

Эндиликда солиқ имтиёзлари ушбу Кодекс билан тақдим этилади. Солиқ имтиёзлари индивидуал хусусиятга эга бўлиши мумкин эмас.

Айрим солиқлар бўйича солиқ имтиёзлари, кўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи солинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилганда ва (ёки) реализация қилинганда акциз солиғи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқдан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан фақат белгиланган солиқ ставкасини камайтириш, лекин кўпи билан 50 фоизга камайтириш тарзида ва кўпи билан уч йил муддатга берилиши мумкин.

Солиқлар бўйича имтиёзлар солиқ солишдан бўшаган маблағларни аниқ мақсадларга йўналтириши шarti билан берилиши мумкин. Бундай маблағлар мақсадли ишлатилмаган тақдирда мақсадсиз ишлатилган маблағлар суммаси белгиланган тартибда пеня ҳисобланган ҳолда бюджетга ундирилиши лозим. Солиқлар бўйича имтиёзлар берилиши муносабати билан бўшаган ва мазкур имтиёзларнинг амал қилиш даврида фойдаланилмаган маблағлар суммаси берилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг бир йил давомида уларни тақдим этишда белгиланган мақсадлар учун йўналтирилиши мумкин. Бунда белгиланган муддатда фойдаланилмаган маблағлар бюджетга ўтказилиши лозим.

Кўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар, шу жумладан товарлар Ўзбекистон Республикасининг ҳудудига олиб кирилишида (импортида) солиқ солишдан бўшаган маблағларни аниқ мақсадларга йўналтириш шarti билан берилиши мумкин эмас.

Хулоса. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш вазифаси белгилаб берилган. Бу вазифаларнинг бажарилаётганлигини, солиқ юкини камайтирилаётганлигини ва солиққа тортиш тизимини соддалаштирилаётганлигини Янги солиқ кодекси қабул қилинишида кўришимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида, 2019 йил 9 декабрь.

2. Ўзбекистон Республикасининг Янги таҳрирдаги Солиқ кодекси. 2019 йил декабрь.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Парламентга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. “Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”. 2019 йил 30 декабрь. ПҚ-4555

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАРУРИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Д.С. Қодирова, ўқитувчи, Фаргона политехника институти, Фаргона

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясида, туризмни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги ҳужжатда, “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қонунда белгиланган вазифалар ва амалга оширилган ишлар ҳақида баён этилган.

Калит сўзлар: туризм, саёҳат, иқтисодиёт, қонун, зиёрат, обида, стратегия

Аннотация. В статье изложены задачи и проделанная работа, установленные стратегией действий по развитию сферы туризма в Узбекистане на 2017-2021 годы, документом о поддержке туризма, законом “О дополнительных организационных мерах по созданию благоприятных условий для развития туристского потенциала Республики Узбекистан”.

Ключевые слова: туризм, путешествия, экономика, закон, посещение, памятник, стратегия

Abstract. The article describes in the strategy of actions for 2017-2021 on the development of the tourism sector in Uzbekistan, the document on support of tourism, the tasks set out in the law “on additional organizational measures to create favorable conditions for the development of the tourism potential of the Republic of Uzbekistan” and about the work carried out.

Keywords: tourism, picnic, economy, law, pilgrimage, monument, strategy.

Туризм соҳаси дунё бўйича мамлакатлар иқтисодиётига катта фойда келтирадиган соҳа ҳисобланади. Мустақил диёримизда туризмнинг барча турини ривожлантириш учун шарт шароит ва имкониятлар мавжуддир.

Ўзбекистон Бутунжаҳон туризм ва саёҳатлар бўйича кенгаши (БТСК)нинг баҳоларига кўра, сайёҳлар келиши борасида дунё мамлакатлари орасида 150-ўринда, унинг ҳиссасига умумий сайёҳлар оқимининг 0,2%и (бу борадаги Ўзбекистон салоҳияти 2,2%) тўғри келади. Кейинги йилларда дунёнинг айрим минтақаларида юз бераётган турли геосиёсий ва иқтисодий таҳдидларга қарамадан, 2010 йилдан буён халқаро саёҳатлар сони йилига ўртача 5% ошмоқда. Бу жаҳон ялпи маҳсулотига ушбу соҳанинг улуши 9% ни ташкил этаётганида ҳам ўз ифодасини топган. Қолаверса, дунё бўйича яратилаётган ҳар 11 иш ўрнининг биттаси мазкур тармоққа тўғри келади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ҳам бугунги кунда юртимизда туризм салоҳиятини юқори даражага олиб чиқиш мақсадида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида туризм тармоғини самарали раванқ топтириш масалаларига алоҳида эътибор бериб, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг учинчи устувор йўналиши таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ошириш 3.2- бандида “Ўрта муддатли истикболда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепциясини, шунингдек, 2017-2021 йилларда концепцияни амалга оширишга доир аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш” режалаштирилди [1]. Бу эса ўз навбатида туризм соҳасининг тезкор ривожланиши, унинг иқтисодиётдаги улушининг ортиши, туризм хизматлари сифатининг ошишига олиб келади. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланганидек, “Туризм тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳририни ишлаб чиқиш туризм соҳасини ривожлантириш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишларини аниқлаб беради, мазкур соҳада тадбиркорликнинг кенг ривожланишига замин яратади. Бу соҳани юксак тараққий эттириш мамлакатимизда янги иш ўринлари яратиш, иқтисодиётни диверсификация қилиш, ҳудудларни жадал ривожлантириш, валюта тушумларини кўпайтириш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, қисқача айтганда, фаровонликка хизмат қилади.

Хўш, туризм ўзи нима? Туризм (франц. Tour - сайр, саёҳат) – сайёҳлик, саёҳат (сафар) қилиш маъноларини англатиб, фаол дам олиш турларидан бири бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонунида [2] белгиланганидек, жисмоний шахснинг доимий истиқомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий-амалий ёки

бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда узоғи билан бир йил муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши) ҳисобланади. Бугунги кунда туризм кўпгина мамлакатларда шиддат билан ривожланаётган индустриянинг ижтимоий-иқтисодий тармоғидир.

Туризм индустрияси – туризм фаолиятининг туристларга хизмат кўрсатишини таъминловчи турли субъектлари (меҳмонхоналар, туризм комплекслари, кемпинглар, мотеллар, пансионатлар, умумий овқатланиш, транспорт корхоналари, маданият, спорт муассасалари ва бошқалар) мажмуидир. Тарихий-маданий ёдгорликлар мажмуи эса туризм ресурслари объектига киради. Тарихий-маданий объектларга тарихий, илмий, бадий ёки ўзгача маданий қийматга эга бўлган айрим иморатлар, бинолар ва иншоотлар, улар билан боғлиқ бўлган рассомлик, ҳайкалтарошлик, амалий безак санъати асарлари ҳамда шу иморатлар, бинолар ва иншоотларнинг тарихан таркиб топган ҳудудлари, шунингдек, мемориал уйлар, квартиралар, қабристонлар, мақбаралар ва айрим қабрлар, монументал санъат асарлари, антропология, этнография, нумизматика, тош ҳайкаллар, қояга ўйиб ишланган тасвирлар ва археология ёдгорликлари киради.

Ўзбекистонда бугунги кунда 4 308 та археологик, 2 079 та меъморчилик, 694 та санъат асари, 395 та диққатга сазовор жой, жами 7 476 та моддий-маданий мерос объекти давлат ҳимоясига олинган. 1991 йил Хивадаги “Ичан-қалъа”, 1993 йил “Бухоро тарихий маркази”, 2000 йил “Шаҳрисабз тарихий маркази”, 2001 йил “Самарқанд маданиятлар чорраҳаси” номи билан ЮНЕСКО нинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган. Мустақиллик йилларида 1004 та тарихий объектда кенг кўламли таъмирлаш-тиклаш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. Хитой, Япония, Франция, Польша ва бошқа давлат вакиллари билан ҳар йили 15 дан ортиқ халқаро археология мероси объектларида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, ундан фойдаланиш борасида амалга оширилган ишлар нафақат тарихни ўрганиш, тарғиб қилиш, балки ўсиб келаётган ёш авлодни бебаҳо тарихий меросни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, уларда миллий ўзликни англаш туйғусини янада кучайтириш, жамиятда юксак маънавиятни теран қарор топтиришга хизмат қилади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда турли даврлар ва цивилизацияларга оид етти мингдан ортиқ ёдгорлик бор. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари ЮНЕСКО нинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган бўлиб, улар доимо хорижликлар қизиқишини орттириб келган. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича кўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5326-сонли фармони [3] ҳамда 6 февралдаги “Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 7 февралдаги “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари юртимизда сайёҳлик йўналишини кескин ривожлантириш, тарихий-маданий туризмни ривожлантириш, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш, хорижлик меҳмонлар оқимини кўпайтириш, туризм, маданий, табиий ва спорт салоҳиятини бутун жаҳонга намойиш этиш, ўз навбатида, ички туризм маданиятини шакллантиришда муҳим ташкилий ҳуқуқий дастурул амал бўлди [4].

Ўзбекистон ҳам саёҳат, ҳам зиёрат учун қулай мамлакат бўлиб, она заминимизда бутун дунёга маълум ва машҳур бўлган аждодларимиз мангу кўним топган. Улар қолдирган бой маънавий-маданий меросга халқаро майдонда жуда катта қизиқиш уйғонмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 17 февраль куни Бухоро вилоятига сафарига азиз-авлиёлар, етти пир – Абдулҳалиқ Ғиждувоний, Хожа Ориф Ревгарий, Маҳмуд Анжир Фағнавий, Али Ромитаний, Муҳаммад Бобо Саммосий, Амир Кулол ва Баҳоуддин Нақшбанд қабрини зиёрат қилиб, уларни дунёга танитиш борасида барча чораларни кўриш, улуг аждодларимиз муқаддас масканларини олам аҳлига танитиш, зиёрат туризмни ривожлантириш ҳақида ўз тавсияларини берди [5;24]. Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантиришни ўз олдимизга мақсад қилиб кўяр эканмиз бу соҳада юзага келадиган муаммоларни ҳам ечимини ўйлаб кўриш зарур. Бунинг учун уларни ҳал қилиш усул ва механизмларини тўғри танлаш, туристлар эҳтиёжларини тўла қондириш йўлларини излаш, юқори самарали хизматлар яратишни ташкил қилиш ва бошқаришни тўғри йўлга қўйиш, жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт ва шу каби туризм фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар билан алоқаларни йўлга қўйиш ва яхшилаш, хизмат кўрсатувчилар ва туристлар ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш каби бир қатор масалаларни ҳал қилиш зарурати туғилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ №4947, Халқ сўзи. 2017 йил 9 февраль.
2. Ўзбекистон Республикасининг Туризм тўғрисидаги Қонуни. <http://parliament.gov.uz>. 1999 йил 20 август.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5326-сон Фармони. Халқ сўзи. 2018 йил 6 февраль.
4. Кадилова Д.С. Культура и туризм/Янги Ўзбекистонни куриш ва ривожланишида ёшларнинг фаоллиги, АДУ университети, 2020 май, халқаро конференция материаллари тўплами, 24-27 б.
5. Кадилова Д.С. Стратегия развития туризма в Узбекистане//Проблемы современной науки и образования 2019. № 11 (144). Часть 2, 434-39 стр.

АСОМИДДИН ЎРИНБОЕВНИНГ ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН

И.М. Бурхонов, ўқитувчи, Фаргона политехника институти, Фаргона

Аннотация. Мақолада етук олим, атоқли фан арбоби тарих фанлари доктори, Абу Райхон Беруний номли давлат мукофоти совриндори, тарихчи олимларнинг хурматли устози бўлган Асомиддин Ўринбоевнинг илмий мероси ва унинг ўрганилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Калим сўзлар: Асомиддин Ўринбоев, Абу Али ибн Сино, “Қонун фит-тиб”, Мухаммад Солиҳ хўжа, “Тарихи жадидий Тошканд”, Абдураззоқ Самарқандий, “Матлаи саъдайн ва мажма-и бахрайн”.

Аннотация. В статье представлена информация о научном наследии выдающегося ученого, деятеля науки, доктора исторических наук, лауреата Государственной премии имени Абу Райхана Беруни, заслуженного учителя ученых-историков Асомиддина Уринбаева и его исследованиях.

Ключевые слова: Асомиддин Уринбаев, Абу Али ибн Сина, “Қонун фит-тиб”, Мухаммад Салих Ходжа, “Тарих Джадидий Тошканди”, Абдураззоқ Самарқанди, “Матлаи садайн и мажма-и бахрейн”.

Abstract. The article contains information about the scientific heritage and study of Asomiddin Urinboev, a mature scientist, a prominent scientist, Doctor of historical sciences, winner of the State prize named after Abu Rayhon Beruni, a charismatic teacher of historian scientists.

Keywords: Asomiddin Urinboev, Abu Ali Ibn Sina, “Qonun fit-tib”, Muhammad Salih Hodja, “Tarihi Jadidi Tashkent”, Abdurazzak Samarkandi, “Matlai sadayn and majma-i bakhrayn”.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, Абу Райхон Беруний номли давлат мукофоти совриндори Асомиддин Ўринбоевнинг илмий мероси кириб бормаган ўзбек хонадони бўлмаса керак.

Абу Али ибн Синонинг “Қонун фит-тиб”- сиз билан биз “Тиб қонунлари” номи билан атайдиган, бутун дунё медицина олами қўлланма сифатида фойдаланадиган, Ўзбекистон илм-фанининг ташриф қоғози ҳисобланган бу ноёб асарни араб тилидан ўзбек тилига таржима қилинишида А.Ўринбоевнинг хизматлари бекиёсдир. “Тиб қонунлари” асарининг биринчи китоби 1954 йилда [1], иккинчи китоби 1956 йилда [2], учинчи [3] ва тўртинчи китоби [4] 1960 йилларда таржима қилиниб муоммалага киритилган. Бу илмий тадқиқот иши устоз Асомиддин Ўринбоевнинг 156 та йирик илмий тадқиқот ишларининг “денгизда бир томчи” сидир.

Асомиддин Ўринбоев 1929 йилнинг 15-майида Тошкентда оддий ишчи оиласида таваллуд топган бўлсада унинг таълим-тарбия муҳитининг таъсири натижаси ўлароқ ҳаётининг асосий қисмини илм-фан билан боғлади. 1944 йилда Ўрта Осиё Давлат университетидега тайёрлов курсида ўқиди, 1945 йил шу олигоҳнинг шарқшунослик факультетига ўқишга қабул қилинди, 1950 йилда эса ўқишни тамомлади. 1950 йилда меҳнат фаолиятини ҳарбий таржимон сифатида бошлади. Асомиддин Ўринбоев илмий фаолиятини 1953 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси шарқшунослик институтига ишга кирганидан сўнг бошлаган ва умрининг сўнги дақиқасигача илм-фан учун хизмат қилди. Меҳнати давомида шарқ муаррихларининг қўлёзма асарларини, шарқшунослик институтида сақланаётган қўлёзма хужжатларни араб, форс, эрон тилларидан ўзбек тилларига таржима қилиш ва муоммалага киритиш ишлари билан, қўлёзма хужжатларни таснифлаш каби ишлар билан машғул бўлди. А.Ўринбоев илмий меросини чуқур ўрганиб таҳлил этиб, устознинг илмий фаолиятини уч йўналишга бўлиш мумкин:

- 1) Шарқ халқлари ёзма меросини манбашунослигини ўрганиш;
- 2) илмий таснифлар ва шарқ қўлёзмаларини каталогларини тузиш;
- 3) расмий хужжатлар устида ишлаш.

1953 йилда шарқшунослик институтига келганида А.Ўринбоев тарихчи Мухаммад Солиҳ хўжанинг “Тарихи жадидий Тошканд” асарини ўрганишни бошлади. Бу асарда Россия империясининг Ўрта Осиёга бостириб келиш воқеалари кенг ёритилган эди. Ўша вақтдаги сиёсий вазият ёш олимнинг тадқиқотларини кенг жамоатчиликка эълон қилишга тўсқинлик қилар эди. Мухаммад Солиҳ хўжанинг “Тарихи жадидий Тошканд” асари таржима қилинган

холида нашр қилингунча оз эмас, нақ 30 йил қолиб кетди. 1983 йилда Тошкент шаҳрининг 2000 минг йиллигига бағишланган тадбир ўтказилиши муносабати билан Тошкент шаҳрининг тарихига оид китоб нашр этилиши керак бўлиб қолади ва шу воқеа сабаблигина А.Ўринбоевнинг илк тадқиқот иши “Тошкент Мухаммад Солих тавсифида” деб номланган кичик бир китоб шаклида нашр этилди [5].

Мақоланинг кириш қисмида А. Ўринбоевнинг шахсини ўқувчига таништириш мақсадида тўхталиб ўтилган дурдона асар “Қонун қит-тиб” нинг муомалага киритилиши ҳақида қисқача тўхталиб ўтилди. Шу масалага кенгроқ тўхталсак. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси шарқшунослик институтида 1950-йилларда давлат аҳамиятига молик бўлган илмий дастур белгилаб олинди ва бу дастур тарих фани учун ҳам катта аҳамият касб этган эди. Дастур натижасида Абу Али ибн Синонинг машхур “Тиб қонунлари” асари ўзбек тилига таржима қилинди. Албатта, топширилган вазифа жуда муҳим эди ва бу ишда етакчи олимлар қаторида ўша вақтдаги битирувчи ёшлар – А.Муродов, А.Расуловлар, ёш шарқшунослар ва тиббиёт, тарих, тилшунослик соҳаси олимлари- С.Мирзаев, У.Каримов, А.Қаюмов, К.Муниров, А.Асқаров, В.Жумаевлар қатнашдилар. Асомиддин Ўринбоев ҳам шу олимлар қаторида жонқуярлик билан меҳнат қилган. Асомиддин Ўринбоевнинг кейинги илмий тадқиқотлари Амир Темур ва Темурийлар даври билан боғланади. Олим аввал таниқли тарихчи Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажма-и баҳрайн” (Икки бахт юлдузи ва икки денгиз бирлашуви) асарини ўрганиб форс тилидан ўзбек тилига таржимасини яқунлайди [6]. Ушбу асар 1467-1469 йилларда форс тилида яратилган бўлиб икки жилддан иборатдир. Унинг биринчи жилдига Амир Темур ва унинг ҳукмронлиги даври воқеалари баёни киритилган. Иккинчи жилди 1405 йил темурий шахзода Шохрухнинг тахтга келиши воқеалари билан бошланиб 1470 йилларгача бўлиб ўтган воқеалар баён этилган. Ушбу асарнинг алоҳида хусусияти Абдураззоқ Самарқандий асарни яратишда гўзал адабий безаклардан фойдаланган ҳолатда энг мураккаб усулдан фойдаланган ва бу эса таржимондан юксак билим ва тажрибани талаб этар эди. Асомиддин Ўринбоев “Матлаи саъдайн”нинг иккинчи жилдини таржима қилаётганда Абдураззоқ Самарқандийнинг Хиндистонга борган вақтида кўрган воқеа-ходисаларни қайд этиб борганлигини аниқлайди ва тўлиқ таржимасига изоҳ киритиб 1960 йилда “Абдураззоқ Самарқандийнинг Хиндистон сафарномаси (1442-1444)” номли китоб нашр қилади. 1961 йил шу нашр асосида А.Ўринбоев ЎзРФА шарқшунослик институтида номзодлик диссертациясини ёқлайди [7;6].

“Матлаи саъдайн” асарининг таржимаси устида ишлар экан А. Ўринбоев бу қўлёзманинг Темурийлар ҳукмронлиги вақтида Ўрта Осиё ва Хиндистон ўртасидаги иқтисодий, сиёсий-маданий алоқаларини баён этишини тушуниб борди. 1442 йили темурийзода Шохрух мирзо Абдураззоқ Самарқандий бошчилигидаги элчиларни жанубий Хиндистондаги Вижаянагар давлатига жўнатади. Элчилар Хиротдан Эронга қараб юришади, кейин эса Форс қўлтиғига етиб боришади ва кемага ўтириб Хинд океанини сузиб ўтишади ва жанубий Хиндистонга етиб боришади. У ерда маълум муддат туришганидан сўнг 1444 йилда худди ўша йўл билан Хиротга қайтишади. Шу йиллар давомидаги элчилик фаолиятини Абдураззоқ Самарқандий ўзининг йўл сафарнома дафтарида ёзиб борган ва уни алоҳида тартиб билан “Матлаи саъдайн”га киритиб ўтган. Абдураззоқ Самарқандийнинг сақаридан кейин 25 йил ўтиб рус сайёҳи ва савдогари Афанасий Никитин “Хождение за три моря” деган китоби нашр этилади ва унда Абдураззоқ Самарқандийнинг сафар қайдларидан кенг фойдаланилади. А.Ўринбоев “Матлаи саъдайн”нинг иккинчи жилдини тўлиқ таржимасини 1960-йилда яқунлайди. Лекин 2004 йилгача таржиманинг бир қисми – 1405-1429 йиллар оралиғидаги воқеалар баён этилган қисми нашр этилди холос. Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг XV-асрдаги тарихи фақатгина “Матлаи саъдайн”да тўлиқ ҳолатда баён этилган деган мулоҳазалар кенг тарқалгандир. Ҳақиқатдан ҳам шундай бўлса, А.Ўринбоев унинг нашр этилган қисми билан ҳам Темурийлар даври тарихини ўта муҳим жиҳатларини муомалага киритган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Асомиддин Ўринбоев ўзидан Ўзбекистон тарихи ва манбашунослиги учун жуда катта бой илмий- мерос қолдирди. Унинг илмий тадқиқотларидан Қўқон хонлиги тарихига бағишланган “Неизвестная рукопись по истории Кокандского ханства”, Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомийнинг мактублари бўйича - “Мажмуа-и муросалат” асари, Мирза Мухаммад Хайдарнинг “Тарихи Рашидий” жуда машхур хисобланади, бу ишлардан бугунги кунгача минглаб тадқиқотчилар ўз фаолиятларида зарурий манба сифатида фойдаланиб келмоқдалар. А. Ўринбоевнинг илмий

меросини чуқур ўрганиш ва ёшларга ўргатиш тарих фанининг олдида турган долзарб масалалардан деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 1-китоб. Ўзбек тилига илмий-изоҳли таржима (араб тилидан). ЎзРФА нашриёти. 1954-4 п.л. (А.Ўринбоев, А.Муродов), 2-нашр, Тошкент. Фан, 1983.
2. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 2-китоб. Ўзбек тилига илмий-изоҳли таржима (араб тилидан). ЎзРФА нашриёти. 1956- 5 п.л. (А.Ўринбоев, А.Муродов), 2-нашр. Тошкент. Фан. 1982.
3. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 3-китоб. Ўзбек тилига илмий-изоҳли таржима (араб тилидан). ЎзРФА нашриёти. 1960-4 п.л. (А.Ўринбоев, А.Муродов), Тошкент, 2004.
4. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 4-китоб. Ўзбек тилига илмий-изоҳли таржима (араб тилидан). ЎзРФА нашриёти. 1980 -33 п.л. (А.Ўринбоев, А.Раслов), 2-нашр: Тошкент. Фан. 1980.
5. Тошкент Мухаммад Солих тавсифида (XIX аср). Тошкент. ЎзССР “Фан” нашриёти. 1983. 3 п.л. (А.Ўринбоев, О.Бўриев)
6. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаъи саъдайн ва мажмаъи баҳрайн (2-жилд, 1-қисм). Муқаддима, форс тилидан таржима ва изоҳлар. Ўз ССР. “Фан” нашриёти. 1969. Б.- 463.
7. Юсупова Д.Ю. “Асомиддин Ўринбоев”, УзР АН инст востоковедения имени Абу Райхана Беруни, Ташкент. 2004. с.-40.

УДК 316.74

ПОВЕРЬЯ СВЯЗАННЫЕ С ИНЖИРОМ И ГРАНАТОМ И ИХ ПЛОДАМИ

С.М. Маткаримова, к.и.н., доц., Ургенчский государственный университет, Ургенч

Аннотация. Ушбу мақолада Хоразм воҳасида кенг тарқалган анжир ва анор каби мевалар ҳақида маълумот келтирилган. Хоразмда мевали дарахтлар ва уларнинг мевалари шунчаки рамз бўлиб қолмай, балки унумдорликни таъминловчи кўплаб маросимлар билан боғлиқ эди. Шу муносабат билан анжир, анор ва тут меваларини етиштириши одамлар орасида кенг тарқалган. Мақолада, шунингдек, юқоридаги ўсимликнинг фойдали ва шифобахи хусусиятлари кўрсатилган. Мақола охирида муаллиф Хоразм воҳаси эътиқодлари билан боғлиқ ўсимликнинг мазмуни ва ролини беради.

Калит сўзлар: Белгилар, эътиқодлар, анор, анжир, мевалар, доналар, меваларнинг фойдали ва шифобахи хусусиятлари, аломатлари, маросимлари

Аннотация. В этой статье освещены широко выращиваемые в Хорезмском оазисе фрукты, такие как инжир и гранат. В Хорезме фруктовые деревья и их плоды не оставались просто символом, а связывались со многими обрядами, обеспечивающие плодородие. В связи с этим среди народа широко распространено выращивание инжира, граната, тутового плода. В статье также перечисляются полезные и целебные свойства вышеперечисленных растений. В конце статьи автор даёт смысл и роль примет связанные с поверьями растения Хорезмского оазиса.

Ключевые слова: Приметы, поверия, гранат, инжир, плоды, зёрнышки, полезные и целебные свойства фруктов, приметы, обряды

Abstract. This article highlights fruits like figs and pomegranates widely grown in the Khorezm oasis. In Khorezm, fruit trees and their fruits did not remain just a symbol, but were associated with many rituals that ensure fertility. In this regard, the growing of figs, pomegranates, and mulberry fruits is widespread among the people. The article also lists the beneficial and healing properties of the above plant. At the end of the article, the author gives the meaning and role of the plant associated with the beliefs of the Khorezm oasis.

Key words: Signs, beliefs, pomegranate, figs, fruits, grains, useful and healing properties of fruits, signs, rituals.

Фрукты и овощи возбуждают аппетит, улучшают процесс пищеварения и обмен веществ в организме, укрепляют здоровье. А также, являются самым важным для здорового развития возрастающего молодого поколения, особенно для маленьких детей и для усиления процесса обмена веществ, ослабляющийся в организме старших.

Уже в X веке староста медицинского знания Абу Али ибн Сино в своих произведениях, относящиеся к медицине, написал о целебности фруктов и овощей, зелени и специй. Жившие после знатока знахари слагали в стихи идеи Ибн Сино. Например: живший в XIV веке Хаким Шахобиддин Абдулкарим угли в произведениях “Шахобий табобати (Медицина Шахобия)”, “Касалликлар давоси (Лечение болезней)” и другие, живший в XV веке Юсуф ибн Мухаммад Юсуф ат-Табиб ал-Хисравий в произведениях “Хаёт булоги (Источник жизни)”, “Касалликлар давоси (Лечение болезней)”, “Тибби Юсуфий (Медицина Юсуфия)” и другие,

знахарь XVI века Хаким Давоний ал-Гилоний в произведении “Инсонларга фойдалар (Выгодные для людей)” и в XVIII веке Сайид Мухаммад Хасрат в произведениях “Саломатликни тартибга солувчи (Приводящий в порядок здоровье)”, “Хусайн тухфаси (Дар Хусайна)” и в других книгах слагали стихи о пользе всех продуктов питания человека, в том числе, даров растительного мира.

Цель знатоков была широкое распространение среди общества своих медицинских знаний. Они сделали так потому что, если кто-то прочитает бейтов, строки стихотворений, перечисленные в этих произведениях, от мало до велика, выучив наизусть, поэзию легче запоминает чем прозу. В результате, те выученные наизусть мысли на самом деле, при заболевании, дали возможность каждому приготовить себе лекарство, при употреблении пищи соблюдать диету. В конце концов это явление стало причиной возникновения народной медицины. В связи с этим, среди народа дела, которые необходимо выполнить в быту или ставшие традицией привычки или лечебные действия были употреблены в стихотворной форме.

В мифологическом мышлении человек, растение и в целом природа понимались в едином плане. Поэтому возникновение человека от растения или наоборот понималось как закономерное. Как писал английский фольклорист Дж.Фрезер, Бог растений Атис произошел от дерева, затем принял человеческий облик. Его мама Нана прикладывала к груди гранату и миндаль, когда была девушкой, в результате она забеременела Атисом [1].

В главе “Хирмондали” Хорезмского эпоса “Туругли” тоже имеются аналогичные сцены. В ней мать дочки Хирмондали скушав фрукт хурмы становится беременной ей. Значит, мифологическое представление о взаимоотношениях флоры и человечества для всех народов мира является общим. По мере этого можно дать смысл и роли примет, связанных с поверьями растений Хорезмского оазиса таких, как инжир и гранат [2].

Инжир - относится к семейству тутовых, является плодом кустарника. Это самый дорогой продукт питания и целебный фрукт. Инжир выращивается во всех областях Узбекистана, в том числе и в Хорезме и занимает важное место в садоводстве (в Хорезме даже существует махалля Анжирчи, население этой местности обеспечивает Ургенчский дехканский рынок инжиром). С инжира можно собирать урожай 2 раза в год: первый урожай созревает в июле, а второй в августе. В оазисе широко распространены сорта “желтого инжира” и “черного инжира”.

Плод инжира в основном употребляется в качестве дополнительного питательного фрукта, а также используется в сушеном виде и виде варенья. Отвар, приготовленный из его плода используется в качестве смягчающего средства груди при лечении кашля, коклюши, ларингита и бронхита, а так же при простуде используется как согревающее средство и для того, чтобы сбить температуру [3]. При заболевании горла его теплым отваром ополаскивается горло, при лечении ран марля замачивается в теплым отваре и заворачиваются раны. Инжир должны употреблять больные, заболевшие хроническим запором и гастритом, а так же старики.

Гранат - относится к семейству гранатовых, является плодом кустарника. Настоящие гранаты выращиваются в областях Узбекистана Наманган, Фергана, частично в Хорезме, Бухаре, в Дашнобод Сурхандарьи и садах Ташкента. В гранатовых зёрнышках содержатся от 1 до 4% лимонной кислоты, до 14-21% сахара, в определенном количестве аскорбиновая кислота, то есть витамин С и другие полезные вещества [4].

Гранат используется в приготовлении соков, добавляется в салаты, для приёма с жирными блюдами и в основном, у нас гранат употребляется в качестве дополнительного питательного фрукта. Зёрнышки граната очень целебные. Гранат начинают употреблять в начале месяца октябрь из-за того, что плод хорошо сохраняется он простоит до следующего урожая.

В народной медицине кожура, плод и цветки граната издавна используются при многих болезнях, в том числе при желтухе, водянке, глисте, чесотке, при заболевании кишечника, а также когда пропадает аппетит, при ушибах и когда ломаются кости, используются как обезболивающее средство. Зернышки граната, смешанные с медом, накладываются на раны, которые долго не заживают, используются против зубной и головной боли.

Наши мудрые прабабушки использовали плод граната для лечения диареи и различных ранений. По данным вестников, сок граната и вареносущенный его отвар средство от головной боли. Сладкий гранат очищает организм, а кислый помогает при желудочных заболеваниях и высокой температуре.

В Хорезме существуют очень много легенд и обычаев, связанные с гранатом и с другими растениями. Ибо, в оазисе фруктовые деревья или их некоторые виды считались стимуляторами, затем стали символом плодородия. К таким фруктам можно отнести гранат, тутовое дерево и их плоды. Ведь неслучайно, богиня Средней Азии, источник жизни Анахита происходит от плода граната [5]. Зернышки граната удивляют людей своим изобилием. Видимо по этой причине, с целью магии плод граната в качестве узора вышивались в сюзаны, изготавливаемые в Средней Азии для подарков.

В Хорезме существуют интересные обычаи, связанные с деревом граната, это дерево может цвести в любом месте, но оно даёт плод в местах недоступных человеческому глазу. По этим причинам саженцы граната сажают в дальнее место в саду, примерно 100 метров от дома. Также, по мнениям вестников, девушки и женщины не должны пройти мимо плодов граната. Так как они одевают красное платье, а гранат не любит этот цвет, плод его выпадает [6].

Гранат является атрибутом Анахиты в “Авесте”. Даже, в народных пениях всегда вместе с яблоком поется гранат (иногда в виде (нор) родимого пятна):

Анов турган олмамикан, нормикан, (То, что там весит яблоко или гранат)

Сосясида турган севар ёрмикан. (Тот, кто стоит в тени является ли любимым)[7].

В Хорезме широко распространены обычаи быть в божественном, почтительным отношении к деревьям, особенно к плодородным деревьям [8]. Фруктовые деревья и их плоды не оставались просто символом, а связывались со многими обрядами, обеспечивающими плодородие.

В связи с этим среди народа широко распространено выращивание инжира, граната, тутового плода. Если тутовое дерево в основном сажается вокруг полей, гранат и инжир сажались в широких просторах. Поскольку, исходя из климата Хорезма необходимо сказать, чтобы закопать гранат и инжир на зиму понадобится большое пространство [9]. Эти фрукты не только употреблялись из-за их сладости, но и в целях стимулирования кровообращения и аппетита, патока граната и шотута употреблялись при упадке сил. Летом во избежание солнечного удара, даже на голову детей намазывали шотут. Инжир требует очень много воды, поэтому поливался каждый день. Если зимой употребить сушеный инжир с молоком, то он останавливает кашель, из-за этого он выращивался очень много, его старались хранить на зиму.

Говоря одним словом, ценность фруктов отмечается и количеством витаминов в их составе. Если в нашем организме имеется дефицит витаминов, нарушается обмен веществ, деятельность наших клеток, мы становимся нетрудоспособными, слабыми, быстро заболеваем, теряется наша бодрость. А витамины придают нам энергию.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Фрезер Дж. Золотая ветвь. – М., 1968. – С. 327.
2. Рўзимбоев С., Собирова Н. “Авесто” мифологияси ва Хоразм фольклори. – Урганч, 2001. – Б. 12.
3. Абу Али ибн Сино. Тиб конунлари. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси, 1992. 1-жилд. – Б. 47.
4. Каримов В., Шомахмудов А. Халқ таботати ва замонавий илми тибда қўлланиладиган шифобахш ўсимликлар. – Т.: Ибн Сино, 1993. – Б. 62.
5. Снесарев Г.П. Хоразмликларнинг мусулмонликдан аввалги маросимлари ва урф-одатлари. – Урганч, 2018. – Б. 194; Чепелевецкая Г.Л. Сюзаны Узбекистана. – Т., 1961. – С. 71-72, 74-75.
6. Это информация была записана лично автором 2005 году от бабушки Лолажон, которая проживала в Кушкупирском районе Хорезмской области.
7. Снесарев Г.П. Реликты до мусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М., 1969. – С. 198.
8. Шавров Н.Н. Материалы по изучению помологии Туркестанского края. – СПб., 1912. – С. 95.
9. Полевые исследования. Хорезмский область, Ургенчский район. Вайсова Феруза. 2019 год.

УДК 316.74

ПРИМЕТЫ И ПОВЕРИЯ СВЯЗАННЫЕ С ДЖИЙДОЙ, УНАБИ И ИЛИШТИРИК

С.М. Маткаримова, к.и.н., доц., Ургенчский государственный университет, Ургенч

Аннотация. Ушбу мақолада Хоразм воҳасида кенг тарқалган жийда, унаби ва илиштирик (дўлана) каби мевалар, шу жумладан, бу ўсимликларнинг эътиқодлари билан боғлиқ белгилар ҳақида маълумотлар келтирилган. Мақолада айтилганидек, жида - бу дарахт ёки бута ўсимликларининг меваси ва унинг мевалари қадрланган, чунки у бутун йил давомида сақланиши ва истеъмол қилиниши мумкин. Чилонгида ҳақида муаллиф Хоразмда ушбу мева "аннопийда" ёки "унаби" (хитойча номи) деб талаффуз қилинишини ёзади.

Мақолада, шунингдек, юқоридаги ўсимликнинг фойдали ва шифобахи хусусиятлари кўрсатилган.

Калит сўзлар: аломатлар, эътиқодлар, жийда, унаби, илиштирик, мевалар, уруғлар, меваларнинг фойдали ва даволовчи хусусиятлари, маросимлар

Аннотация. В этой статье освещены широко выращиваемые в Хорезмском оазисе фрукты: джийда, унаби, илиштирик (боярышник), в том числе приметы, связанные с поверьями, связанными с этими растениями. В статье пишется, что джида плод дерева или кустного растения и плоды её ценились, поскольку его целый год можно и хранить, и употреблять. Об чилонджида автор пишет, что этот фрукт в Хорезме произносится “аннопийда” или “унаби” (китайское название). В статье особенно интересно написано об илиштирик – (боярышник) сладкий фрукт красного цвета. В статье также перечисляются полезные и целебные свойства вышеперечисленных растений.

Ключевые слова: приметы, поверья, джийда, унаби, илиштирик, плоды, зёрнышки, полезные и целебные свойства фруктов, обряды.

Annotation. This article highlights the fruits widely grown in the Khorezm oasis like jiyda, unabi, or shtirik (hawthorn). Including signs associated with the beliefs of these plants. The article says that jida is the fruit of a tree or bush plant and its fruits were valued, since it can be stored and consumed for a whole year. About chilongida, the author writes that this fruit in Khorezm is pronounced “annopiya” or “unabi” (Chinese name). The article is especially interesting about ilishtirik - (hawthorn) sweet red fruit. The article also lists the beneficial and healing properties of the above plant.

Key words: Signs, beliefs, jiyda, unabi, ilishtik, fruits, seeds, useful and healing properties of fruits, ceremonies.

Для того, чтобы человек был здоровым, вел нормальный образ жизни и трудился ему необходимо употреблять хорошую и качественную пищу. Без этого здоровье человека не будет крепким. Но не все правильно понимают употребление хорошей и качественной пищи. Почему-то многие люди стараются каждый день употребляют мясные, жирные и мучные блюда. А овощам и фруктам не предаются достаточное значение, ибо эти продукты для организма очень полезны и необходимы, в них сосредоточены самые необходимые биологически активные элементы (витамины, ферменты, органические кислоты, минеральные элементы и другие соединения) для жизни [1]. Эти соединения попадают в организм человека только с пищей. Поэтому недостаточность вышеуказанных элементов или их полное отсутствие в пище человека может привести к различным заболеваниям.

Многие явления в природе создают большие возможности для жизнедеятельности человека. Однако, человек не осознал этого, для него явления природы стали таинственными, абстрактными. В результате возникло сверхестественное, усиливалась тенденция олицетворения природы, зародилась мифология.

Многие таинственные и абстрактные явления, связанные с флорой, тянут человека в таинственный мир. Дерево-тотем, человек считает его своим предком, дерево-фетиш, дерево – обитель духа и души, кроме того признак божества. Все это отразилось в этнографии стран мира [2].

И Хорезм не остался на стороне от этого. Останки олицетворения флоры здесь сохранились долгие годы. Как и во многих местах в Средней Азии и Хорезме существует много “священных” деревьев, на них развешивались кусочки материи паломниками. Такие деревья в основном росли на кладбищах, там на все растения налаживалось табу. Запрещалось их рубить и ломать.

Известно, что наши предки зная действие блюд на клиента (настроение), возникающий в результате взаимодействия друг на друга своими мощами четырех элементов (земля, вода, огонь и воздух) внутри человеческого тела, разделяли их на “горячие” и “холодные” блюда. В этом плане будет целесообразным привести следующее определение Абу Али ибн Сино: “Говоря о предмете, которого мы принимаем внутрь или мажем, когда мы говорим, что он теплый или холодный, мы подразумеваем не его эти качества на практике и действительности, наоборот в мощности они таковы, то есть его теплоту и холодность по мощности действуют на наше тело именно так. Из этой мощи мы понимаем ту энергию, которая воздействует на температуру нашего тела, носитель этой энергии, после воздействия нашей враждебной температуры, преобразуются в практический предмет” [3]. Поэтому все сладости относятся к теплым. Из фруктов к теплым относятся дыня, груша, гранат, виноград,

инжир; к холодным – персик, яблоко, абрикос, арбуз; из сухофруктов к теплым относятся орех, арахис; к холодным: миндаль. Люди при употреблении, принимали во внимание какой фрукт подходит своему клиенту, особенно, при лечении больных строго соблюдалось это.

Великий поэт Средневекового Востока Юсуф Хос Хожиб писал: “Если ты являешься холодным клиентом, знай тепло, но если теплым, делай холодные блюда (Совукмижоз эрсанг, иссикликни бил, иссиқ бўлса, совуқ емишларни қил)” [4]. Кроме того, деление традиционных продуктов питания на теплые и холодные, иногда в некотором значении оказывает влияние на место их распространения. В этом плане людям настоящего времени целесообразно уделять на это внимание при употреблении пищи, лишь тогда употребленный продукт демонстрирует свое лечебное действие.

Ниже мы останавливаемся на некоторых субтропических фруктах теплого состава, широко выращиваемых и употребляемых в Хорезмском оазисе.

Широко выращиваемый фрукт в Хорезмском оазисе – это джида [*]. Джида – плод дерева, относится к семейству джидых. Её в основном сажали вокруг поля. Плоды её ценились, поскольку с созревшего времени (созревает в конце сентября), даже целый год можно и хранить, и употреблять. Так как она никак не утрачивала ни вкуса и ни внешнего вида.

В оболочке и в мякоти плода содержались витамины А и С, как писал Абу Али ибн Сино: “Джида устраняет желочь, поступающий во внутренние органы человека... Теплые продукты полезны при кашле... Останавливает рвоту. Полезна при язве кишечника от желочи. Джида останавливает понос” [5].

Существуют приметы, связанные с джидой, по которым её дерево является местом обитания для бесов. В связи с этим строго запрещается спать под или вблизи от неё, особенно когда джида расцветает или во время сумрака. Поскольку существует мнение, что на её ветках злые духи сплели свое гнездо. Ибо, не исключено то, что от цветка дерева джиды идет своеобразное ароматное благовонье.

К числу таких деятельностных деревьев также относится орех, из кустов – черная ива, из растений – шиповник.

Мы, обращая внимание к существованию отрицательного отношения к джиде, демонстрируем и положительные её стороны. В частности, во время торжества свадьбы обрезания (суннат) молодые мужчины села держат путь к дому, где идет свадебное торжество. Они клали в тележку дерево джиды, срубленное и очищенное от листьев, украшали его ветки и кусты яблоками, абрикосами и конфетами. Когда они доходили к дому, где проходит свадьба, молодые девушки и женщины сразу срывали эти украшения с веток [6]. Этот обряд называется принесением чаман и вошли в качестве обычая в основные дехканские регионы Хорезма такие, как города Хива, Шават, Ургенч, Кушкупир.

Существует ещё одно поверье, связанное с джидой, по которому в Хорезме в прошлом самый старейший член семьи хранил дома горстку джиды и перед весенним посевом в поле посыпались те плоды джиды [7]. Божественное мнение в этом обряде связано с плодородностью этого дерева.

Чилонджида. По хорезмски называется китайским унаби и является плодом дерева. Как джида унаби тоже является ароматным фруктом, но его в основном сажают во дворе. С виду похож на джида, тестообразная мякоть расположена вокруг удлиненного семени и покрыта красноватой оболочкой, состоит из яйцеобразных или чуть больше ореха, грушеобразных плодов, похожих на виноград хусейн, стебель деревесное, растет высоко. В составе плода содержание витамина С в 15 раз больше чем в лимоне [5].

В народной медицине издавна используется при заболевании почек, болезни век, болезни бронхов, ревматизме, высокой температуре, болезни кишечника, а из кожуры корня готовят бодрящий человека отвар. Плод унаби помогает при болезнях пиелит, цистит, диарея, укрепляет желудочный сок [8].

Илиштирик – (боярышник) сладкий фрукт красного цвета, в Хорезме растет везде, в основном во дворах, вблизи от тандыра, при входе домой. Илиштирик созревает в конце осени, но долго не хранится. В прошлом его плод относительно широко употреблялось.

В Хорезме приметы, связанные с илиштирик, очень много и они, в основном, рассматриваются как средство, оберегающее от сглаза, вреда и ущерба. Хорезмийцы в большинстве случаев сажали илиштирик при входе домой, предусмотренная цель от этого – люди думали, что илиштирик оберегает от сглаза, вреда и ущерба, и даже на сегодняшний день отломанные его ветки вешают над дверью. А также, сажалось вблизи тандыра и котла, и

читались молитвы, даби охранял он от сглаза наш дом, наше богатство, так как тандыр и котел считались символом плодородия и богатства для нашего народа [9].

В Хорезме из дерева илиштирик изготавливались украшения и кулоны. Для изготовления такого фетиша из дерева вырезались квадратные фигурки с дырками разной формы, с четырех сторон приставляя четыре ветки и снизу фиксировались мелкие косы, изготовленные из верблюжьей шерсти и пришивались к задней части одежды детей [7].

Божественное мнение об илиштирик слилось с его реальными целебными свойствами. В связи с этим в Хорезме к дереву илиштирик прививая айву получают плодородный урожай. Этого ещё отмечали путешественники, посещавшие в древности Хорезм, илиштирик не только талисман, оберегающий от зла, он по мнениям местных садовников гарант плодородия и долголетия.

Говоря одним словом, приметы, связанные с фруктами и овощами, служат для того, чтобы люди были более внимательнее по отношению к растениям, отметить их полезные и целебные свойства, призывают при посадке, уходе и употреблении их соблюдать некий порядок, правила гигиены.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Холматов Х.Х. ва бошқалар. Мева, сабзавот ва зиравор ўсимликларнинг шифобахш хусусиятлари. – Т., 1995. - Б. 3-4.
2. Еремина В.И. Миф и народная песня // Миф, фольклор, литература. – М., 1978. – С. 6-7.
3. Али ибн Сино. Тиб қонунлари. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси, 1992. 1-жилд. – Б. 47.
4. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. - Т.: Юлдузча, 1990. – Б. 102.
5. Каримов В., Шомахмудов А. Халқ таботати ва замонавий илми тибда қўлланиладиган шифобахш ўсимликлар. – Т.: Ибн Сино, 1993. – Б.
6. Автор сама лично была очевидцом в Хиве и Кушкупуре, когда в свадьбах чаманчи приносили в свадебный дом чаман (палка на котором были повешены разные банты, шары, конфеты и оно означало, что в этом доме состоится свадьба). И в этих обрядах их сопровождали хуккачи (люди надевшие длинные палки, которые назывались хукка) и они участвовали в этих свадьбах и даже в народных праздниках.
7. Снесарев Г.П. Хоразмнинг мусулмонликдан аввалги маросимлари ва урф-одатлари. – Урганч, 2018. – Б. 195.
8. Вавилов Н.Н., Букинич Д.Д. Земледельческий Афганистан. – Л., 1929. – С. 466.
9. Полевые исследования. Хорезмская область, Янгиарикский район, Салаева Мехрибон, 2018 год.

УЎК 392.51

ХОРАЗМ ВОҲАСИ НИКОҲ ТЎЙИ МАРОСИМЛАРИДАГИ КИЙИМ-КЕЧАКЛАР ВА НАРСА-БУЮМЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ИНОНЧЛАР

Н.М. Маткаримова, докторант, Урганч Давлат университети, Урганч

Аннотация. Ушбу мақолада хоразмлик ўзбекларнинг никоҳ тўйи маросимларида кийиладиган кийим-кечаклари билан боғлиқ ирим-сиримларнинг айрим кўринишлари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: никоҳ тўйи, ирим-сиримлар, миллий маросимлар, расм-русмлар, қадриятлар, урф-одатлар, анъаналар, ишонч-эътиқод, сеҳр-жоду, кийим-кечаклар

Аннотация. В этой статье рассматриваются и анализируются некоторые соблюдаемые приметы и обычаи, связанные со свадебными нарядами хорезмских узбеков.

Ключевые слова: свадьба, обряды и приметы, церемония, обычаи и привычки, традиция, доверие, убеждение, колдовство, сглаз

Abstract. The following article provides information about Khorezmion Uzbek's ritualistic manners and religious patterns during wedding ceremonies have been discussed.

Keywords: Wedding, ceremonies and receptions, ceremony, customs and habits, tradition, trust, persuasion, bewitch, jinx.

Хоразм воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимларини таҳлил қилиш асносида уларнинг тараққиёти, ўзбек халқининг маиший турмушидаги ўрни ва ролини кўрсатиб бериш бугунги илмий жараёнда муҳим ижтимоий аҳамият касб этади. Никоҳ тўйи маросимларининг асосини ташкил этувчи инончлар ва унга амал қилишдаги ўзига хос жиҳатларни илмий-назарий таҳлил қилиш, уларда минтақага хос бўлган локал хусусиятларни кўрсатиб бериш ва дала-этнографик материаллари асосида ушбу масаланинг ўрганилмаган жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш ҳам мавзунинг тўлақонли ёритилишига хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб, қуйида биз Хоразм воҳасида яшовчи ўзбекларнинг

никоҳ тўйларида амал қиладиган инончлар ва улар билан боғлиқ маросимлари ва урф-одатларига алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Хоразм воҳасининг никоҳ тўйларида кийим-кечаклар билан боғлиқ инонч ва турли хил табулар мавжуд бўлиб, бугунги кунда ҳам уларнинг аксарият кўпчилигига амал қилинади. Жумладан, никоҳ тўйи куни пешин пайти қиз хонадонида элга ош берилгандан кейин, келинни махсус либос билан кийинтириш маросими бўлади. Тўй куни келинга кийдириладиган махсус никоҳ кийимларини қудалар шу куни ўзлари билан олиб келишади. Келин ўзининг хонасида дугоналари билан ўтиради. Келиннинг момоси ёки ёши каттароқ амма-холаси келинга олдин никоҳ қўйлагини кийдиришади, кейин пешонабоғ ўрашади, оёғига махсус оқ матодан пайтава ўрашиб, кейин маҳси кийдиришади. Бошига оқ рўмол ташлаб, устидан кўшаганани ёпишади. Г.Снесаревнинг берган маълумотига кўра, келинни кийинтиришни бола-чақали обрў-эътиборли кекса аёлга топширишади. У келинни кийинтириб бўлгандан кейин, ўзининг пешонасига танғиб қўйган рўмолни (уни Хоразмда манглайча, чаккалик деб аташади) ечиб, келиннинг бошига ўрайди ва “Ўғлинг туғилган пайтда менга рўмол ўрайсан”, деб тилак билдиради [1, 84]. Бугунги кунда манглайча ҳам куёв тарафдан келтирилган сарполар таркибида бўлади ва келинга уни биринчи марта тўй куни янги ўрашади. Келинга кийдириладиган либослар: қўйлак, рўмол ва пешонабоғнинг оқ рангда бўлиши поклик, эзгу ниятга ишора бўлса, келинни кийинтирувчи аёлларнинг бир турмушли, бола-чақали бўлиши кераклиги эса, келиннинг ҳам турмуши бахтли ва серфарзанд бўлишини тилаб қилинадиган ҳатти-ҳаракатдир.

Келин никоҳ тўйи куни ўзининг аржаси (сандиғи)да пойабзалларини олиб бормади. Никоҳ маросими пайтида унга уйида кийдирилган маҳси билан куёвнинг хонадонига ташриф буюради. Келиннинг никоҳ тўйи базмига қиядиган оқ туфлиси ҳам келин минган машинада эмас, балки бошқа машинада олиб борилади. Бунинг маъноси шуки, келиннинг шу уйга қадами кутлуғ бўлсин, янаям аниқроғи ота уйи ва келинлик хонадони ўртасида кетиб-келиб юрмасдан, тиниб-тинчиб кетсин, “ковуши қўлинда бўлмасин”, дея шу иримга амал қилинади [дала ёзувлари №1]. Келин никоҳ тўйи маросими ўтгандан кейин барча пойафзалларини олиб кетиши мумкин. Пойафзал билан боғлиқ иримлардан яна бирини “таха ташашма” маросимидан кейин кузатишимиз мумкин. Куёв келиннинг ёнидан чиққандан кейин, келиннинг қариндошлари ва дугоналари хонага киришади. Ўша пайт келин маҳсили оёғи билан дугоналаридан бирини енгилгина тепади ёки оёғидан маҳсини чиқаргандан кейин, маҳси билан дугонасининг орқасига бир уриб қўяди. Бунинг маъноси мендан кейин сенинг ҳам тўйинг бўлсин деган маънони билдиради [дала ёзувлари №2]. Нима учун айнан маҳси деган савол туғилиши мумкин. Чунки, маҳси никоҳ тўйи билан боғлиқ либослар таркибига кирган ва уни келинлар ўзларининг никоҳ тўйи куни кийишган.

Туркий халқлар орасида қадимда белбоғ анъанавий миллий кийимнинг муҳим бир қисмини ташкил этиши билан бирга белбоғ эгасининг жамиятда тутган мавқеини ҳам англатиб турган. Кишининг белидаги белбоғига асосланиб унинг қанча давлат ва мол-дунё эгаси эканлигини билиш мумкин бўлган. Хоразмда никоҳ куни белбоғ ечиш маросими ўтказилади. Бу маросимда келиннинг янгаси куёвнинг белидаги белбоғини ечиши керак бўлади. Куёвнинг белбоғи эса куёв жўралар томонидан бир неча тугунли қилиб маҳкам боғланади ва қаттиқ тортиб турилади. Агар янга белбоғни еча олмаса, куёвжўраларнинг шартини бажариши керак бўлади, яъни улар қанча ҳоҳлашса, шунча эгилиб, таъзим қилади [дала ёзувлари №3]. Бу одат келин янгаларнинг сабрини ва камтарлигини синаш учун ҳам амалга оширилади. Чунки, келинлар ҳам шу янганинг тарбиясини олган бўлади. Айрим пайтларда келин янгалар қайсарроқ бўлса, таъзим қилмасдан куёвнинг белбоғини кесиб олишади. Аммо кўпинча бунга рухсат берилмайди. Чунки, иримнинг моҳиятига кўра, куёвнинг белбоғи бу – келин-куёвларнинг ҳаёт йўли бўлиб, ундаги ҳар бир тугун ҳаётнинг машаққатларини билдиради. Келиннинг янгаси унинг энг яқин кишиси сифатида, ҳаётдаги кийинчиликларни енгилда унга ёрдамчи бўлиши керак. Белбоғнинг кесилиши ҳам ҳаётдаги машаққатларни мулоҳаза ва босиқлик билан эмас, балки кескинлик билан ҳал қилинишини билдиради.

Никоҳ тўйидан кейин Хоразмда “гуёв гўрар” маросими бўлиб ўтади. Ана шу маросим пайтида куёвнинг оёғи остига кўрпача тўшалиб, устидан оқ пояндоз солинади. Куёв ўз жўралари билан пояндоз устига чиқиб, келиннинг ота-онаси ва қариндошларига таъзим қилади. Куёвнинг оёғи остидаги пояндоз унинг уйланмаган дўстлари томонидан талаш қилиб олинади. Бундан, “бизга ҳам шундай тўйлар насиб қилсин, яхши хонадонларга куёв бўлайлик”, – деган маънони англаб олиш мумкин.

Келин-куёв бир-бири билан қўшилиб кетсин деб “қуромиш” қилинади. Келиннинг сепига курок ёстик, курок кўрпача қўшилади. Шу курокка ўхшаб курилиб кетсин деб [3, 60]. Келин-куёвнинг ойнасига бошқа киши қарамаслиги керак [2, 225]. Бу ирим ойна, яъни кўзгунинг магик кучга эга эканлиги, унинг ўзга олам билан боғлиқлиги ҳақидаги тасаввурлар билан изоҳланади.

Инончлар ва ирим-сиримлар инсониятнинг кўп асрлик ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб, муайян синовлардан ўтиб бизгача етиб келган. Одатда қонун-қоидаларда бир иш-ҳаракатни қилиш, бажариш кўзда тутилса, иримларда аксинча, муайян иш-ҳаракатларни қилмаслик, бажармаслик талаб қилинади [4, 224]. Бу сингари инонч ва табуларнинг ҳисоби йўқ. Аммо, ортиқча иримчилик, ҳар ишдан хавотирланавериш ҳам ота-боболаримиз томонидан салбий баҳоланиб, қораланган. Бироқ, инонч-иримлар ҳам халқ турмушига минг-минг йиллардан буён ҳамроҳлик қилиб, сингиб, унинг ажралмас қисмига айланиб қолганлигини унутмаслигимиз лозим. Шунинг учун ҳам ирим-сирим одатини ҳар бир халқ маданиятининг ажралмас таркибий қисми сифатида ўрганиш, унинг моҳиятини англаш, ҳаётий жиҳатдан далилланганларига амал қилиш, инсоният тажрибасидан тўғри фойдаланиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Снесарев Г.П. Хоразмликларнинг мусулмонликдан аввалги маросимлари ва урф-одатлари. 2018, 84 бет.
2. Т. Мирзаев, О.Сафаров, Д.Ўраева. Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси. “Алоқачи” – 2008, 225-бет.
3. Хоразм фольклори. XI том. Урганч-2010
4. Маҳмуд Саттор. Ўзбек удумлари. Т., “Фан”, 1993, 224 бет.
5. Дала ёзувлари №1. Матмуротова Лола. Кўшқўпир тумани, Қатағон қишлоғи, 2000 й.
6. Дала ёзувлари №2. Қутлиева Саодатжон, Урганч шаҳри, 2018 йил.
7. Дала ёзувлари №3. Тангилова Холпошша, Урганч тумани, 2018 й.

УЎК 930.85

XX АСР ТАРИХШУНОСЛИГИДА ХОРАЗМ ВОҲАСИ АҲОЛИСИНING ТАОМЛАРИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТЛАРИ МАСАЛАСИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

С.М. Маткаримова, т.ф.н., доц., Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Ушбу мақолада Хоразм ўзбекларининг анъанавий овқатланиш тартиби, воҳа аҳолисининг ошхонаси хусусида ёзилган илмий тадқиқотлар ва тарихий-этнографик асарлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: анъанавий овқатланиш, тарихшунослик тадқиқотлари, овқатланиш маданияти, чой ичиши удуми, тарихий-этнографик тадқиқотлар, таомлар, ошхона асбоб-анжомлари

Аннотация. В статье анализируются научные исследования и историко-этнографические труды, посвященные традиционному питанию хорезмских узбеков, кухне жителей Хорезмского оазиса.

Ключевые слова: традиционное питание, историографические исследования, культура питания, традиции чаепития, историко-этнографические исследования, блюда, кухонные принадлежности.

Abstract. In this article, scientific researches and historical-ethnographic works written about the traditional eating order of Khorezm Uzbeks, cuisine of the population of the Oasis are analyzed.

Keywords: traditional nutrition, historical research, food security, intangible cultural heritage, nutrition culture, historical-ethnographic research, dishes, kitchen appliances.

XX асрдан бошлаб воҳа этнографиясини ўрганиш бўйича, хусусан, анъанавий таомлар ва улар билан боғлиқ урф-одатлар юзасидан маҳсус тарихий-этнографик тадқиқотлар олиб борилиб, бир қатор илмий ишлар чоп этилди. Бевосита бу даврда биз тадқиқ қилган воҳа аҳолисининг таомлари ва озиқ-овқатлари ўрганилган адабиётларга тўхталадиган бўлсак, жумладан, К.Л. Задихина тадқиқотларида Амударё ҳавзаси ўзбекларининг таомлари ва уларнинг ошхона асбоб-анжомлари ҳақида баён қилинган бўлса [1], Г.П. Снесарев эса, Хоразм ўзбекларининг кундалик турмушида ишлатиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари, турли хил маросимларда ва тўйларида тайёрланадиган таомлар билан боғлиқ бўлган маросим ва урф-одатлар ҳақида маълумот беради [2].

Воҳада қадимдан ўзбеклар билан бирга туркманлар, қорақалпоқлар, қозоқлар ҳам яшаб келганлиги боис уларнинг урф-одатлари ҳам бир-бирига яқин бўлган. Туркман, қорақалпоқ,

қозоқ халқи таомларининг Хоразм воҳаси туркманлари ва қорақалпоқлари ҳамда қозоқ таомларига хос умумийлиги ва ўхшашлигини шу даврда ёритилган бир қатор асарларда кўриш мумкин [3].

Марказий Осиёда қадимдан ўзбек халқи билан ёнма-ён яшаб келган тожик [4] ва қирғиз [5] халқлари анъанавий таомлари ҳақидаги Ўрта Осиё ва Қозоғистон этнографиясига бағишланган асарларда, рисола ва илмий мақолаларда ҳам ўрганилаётган муаммога оид баъзи маълумотлар учрайди.

XX аср иккинчи ярми илмий адабиёти хусусида сўз юритадиган бўлсак, И.М. Жабборовнинг тадқиқотлари диққатга сазовордир. Олим ўз асарларида ўзбек халқининг миллий таомлари, таомларни тайёрлаш технологияси билан боғлиқ анжомлар ва уларнинг турлари ҳақида қисқа, аммо қимматли маълумотлар беради [6].

Н.П. Лобачева эса, Ўрта Осиёнинг ўтроқ аҳолиси томонидан Наврўз байрамининг кутиб олиниши ва унда пишириладиган таомлар ҳақида маълумот беради [7]. Шу ўринда айтиш керакки, С.А. Токаревнинг қадимги туркий халқларнинг эътиқодларига бағишланган тадқиқоти ҳам диққатга сазовордир [8].

Ўрганилаётган мавзуга доир қиёсий таҳлил учун айрим маълумотларни О.А. Сухареванинг Бухоро тарихига бағишланган асаридан [9], баъзи таомлар ва ошхона асбоб-анжомларининг этнографик нуқтаи-назардан таҳлилини Тошкент вилоятига бағишланган асардан олиш мумкин [10].

Таниқли олим К. Шониёзов ўзбек этнографиясига бағишланган асарларида ўзбек қарлуқлари таомлари ҳақида маълумот берган [11]. Бундан ташқари, ўзбек халқи миллий таомларининг бир қатор жиҳатлари Н.Г. Борозна томонидан Боботоғ ва Кофирнихон водийсидаги ўзбекларнинг моддий маданияти мисолида кўрсатиб ўтилган [12].

Ўзбек пазандачилиги сирлари ёритилган К. Маҳмудов асарлари ўзбек таомларининг тайёрланиш усуллари ва меҳмондўстлигига бағишланган. У “Ўзбек тансиқ таомлари”да йилнинг тўрт фаслига қараб тайёрланадиган ва муайян ҳудудлардагина пишириладиган маҳаллий таомлар, қачонлардир тўй ва байрамларнинг кўрки бўлган, ҳозирда эса унутилиб кетган кўпгина таомларни қайта тиклаб, тайёрланиш усуллари баён этган [13]. Г.М. Маҳкамов ва бошқа ҳаммуалифлар бирга ёзган “Ўзбек нонлари” китоби ҳам ўзбек нонлари учун қандай масаллиқлар ишлатилиши, ҳамир тайёрлаш ва нон ёпиш усуллари баён қилиб берган [14]. Бироқ бу китобларда таомларни тайёрлаш усуллари оммабоп тарзда батафсил ёритилсада, Хоразм воҳаси анъанавий таомлари ва улар билан боғлиқ бўлган урф-одат ва маросимлар этнологик жиҳатдан илмий таҳлил этилмаган. Қолаверса, бу китоблар ўзбек таомлари борасида, илмий адабиёт ҳисобланмасада, тадқиқ этилаётган ҳудуд таомлари хусусида тўлиқ маълумот бермасада, муаммонинг у ёки бу томонини ёритишда маълум маънода хизмат қилади.

Мавзуни қиёсий ўрганиш ва атрофлича ёритиш мақсадида жаҳондаги бошқа халқларнинг таомлари ва урф-одатларига бағишланган тадқиқотлардан айрим ўринларда фойдаланилди [15]. Жумладан, этнограф олима Н.М. Листова ўз асарида таомлар билан боғлиқ урф-одат ва маросимларни Европа халқлари мисолида ёритиб бера олган [16]. Машҳур инглиз диншунос олими Ж. Фрезер хорижий мамлакатларда донга ва нонга бўлган эътиқодни атрофлича таҳлил қилган. Унинг асаридан воҳага хос таомларни учратмасакда, бошқа Европа халқларининг таомлари билан боғлиқ урф-одатларнинг ўхшашлик ва умумийлик томонларини кўриш мумкин [17]. Шунингдек, ишни тайёрлаш жараёнида совет даврида яратилган тарихий-этнографик йўналишдаги тўплам ва журналларда чоп этилган мавзуга алоқадор мақолалардан ҳам фойдаланилди [18].

Мазкур мавзуни ёритишда алоҳида йўналишдаги тадқиқотларга археолог [19], тилшунос [20] ва фольклоршунос [21] ларнинг ишларига ҳам мурожаат қилиндики, воҳа ижтимоий ҳаётида таомлар билан боғлиқ анъана ва маросимларни атрофлича ўрганишда ҳамда уларнинг келиб чиқиш сабабларини ёритишда хизмат қилди.

Мустақиллик даврида миллий кадрят ва анъаналарни ўрганишга кенг йўл очилиб, мавзуга оид қатор илмий асарлар яратилди ва яратилмоқда. Хусусан, И.М. Жабборов ўзбек халқининг миллий таомлари ва пазандачилигига маънавий маданиятнинг бир қисми сифатида қараган бўлса [22], Маҳмуд Саттор ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, дастурхон одоби ва шунга ўхшаган гўзал удумларига алоҳида тўхталиб ўтади [23]. Марказий Осиё халқлари, жумладан ўзбекларда чой ичиш билан боғлиқ удумлар В.В. Хохлачев асарида келтирилади [24].

Юқоридаги таҳлилдан кўриниб турибдики, XX аср тарихшунослигида Хоразм воҳаси аҳолиси оқратланиш маданияти ва у билан боғлиқ анъаналар мавзуси чуқур ва етарлича таҳлил қилинмаган. Зеро, бу даврда Хоразм археологик-этнографик экспедицияси ходимлари кенг кўламдаги этнографик тадқиқотларни олиб борган бўлсалар ҳам бу тадқиқотларда мазкур тадқиқот мавзусига махсус эътибор берилмаган.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Задицина К.Л. Узбеки дельты Амударьи // Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. – М., 1952. – Т. 1. – С. 319-427.
2. Снесарев Г.П. Реликты до мусулманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. – 336 с.
3. Василева Г.П. Преобразование быта и этнические процессы в северном Туркменистане. – М.: Наука, 1969. – 390 с.
4. Андреев М.С. Таджики долины Хуф (верховья Аму-Дарьи). – Сталинабад: АН Таджик.ССР, 1958. Вип. 11. – 524 с.
5. Айтбаев М.Т. Пища киргизов XIX – начала XX веков // Известия АН КиргССР. Серия обществ. наук. – Фрунзе, 1963. Т. V. Вип. 1. – С. 14-19
6. Джаббаров И.М. Ремесло узбеков Южного Хорезма в конце XIX-начале XX в. (историко-этнографический очерк) // Занятия и быт народов Средней Азии. Труды Института этнографии им. Н.Н. Миклухо – Маклая. – Л.: Наука, 1971. – С. 72-146.
7. Лобачева Н.П. Формирование новой обрядности узбеков. – М.: Наука, 1975. – 140 с.
8. Токарев С.А. Ранние формы религии. – М., 1964. – 400 с.
9. Сухарева О.А. Позднефеодальный город Бухара. – Ташкент, 1962. – 194 с.
10. Жилина А.Н. Современная материальная культура сельского населения Ташкентской области Узбекской ССР // Материальная культура народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1966. – С. 121-145.
11. Шаниязов К.Ш. О традиционной пище узбеков // Этнографическое изучение быта и культуры узбеков. – Т., 1972. – С. 96-118
12. Борозна Н.Г. Материальная культура узбеков Бабатага и долины Кафирнигана // Материальная культура народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1966. – С. 91-120.
13. Махмудов К. Мучные блюда узбекской домашней кухни. – Т., 1963. – 103 с
14. Маҳкамов Г.М., Погосянц А.И., Свинкин С.Н. Ўзбек нонлари. – Т., 1961. – 69 б.
15. Джикия Н.П. Культура питания грузинских горцев (по этнографическим материалам). – Тбилиси: Мецниереба, 1988. – 135 с
16. Листова Н.М. Пища в обрядах и обычаях // Календарные обычаи и обряды в странах зарубежной Европы. – М., 1983. – С. 161-173.
17. Фрезер Дж. Золотая ветвь: Исследование магии и религии. – М.: Изд-во политической литературы, 1983. – 703 с.
18. Гонтар Т.А. Посуда и домашняя утварь карпатских украинцев в конце XIX – первой четверти XX вв. // Советская этнография. – М., 1978. – № 4. – С. 88-98
19. Аскарлов А. Археологические материалы по истории земледелия в Узбекистане. – М., 1975. – С. 95-101.
20. Икромов Н.М. Узбекская кулинарная лексика. – Т., 1989. – 68 с.
21. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Т.: Фан, 1986. – 213 б.
22. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 312 б.
23. Махмуд Саттор. Ўзбек удумлари. – Т.: Фан, 1993. – 221 б.
24. Хохлачев В.В. Чой ҳақида. – Т., 1991. – 168 б.

УЎК 94

КУРАШ СПОРТ ТУРИНИНГ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИНИ ЎРГАНИШНИНГ ЭТНОГРАФИК ЖИХАТЛАРИ

Б.И. Матчонова, ўқитувчи, Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Ушбу мақолада кураш спорт турининг миллий қадриятларимиз билан боғлиқлиги, бу боғлиқликни пайдо қилувчи омиллар ва бу омилларнинг этнографик хусусиятлари таҳлил қилинган. Кураш спорт турининг шаклланиши ва уни миллий қадриятлар билан боғлиқ жиҳатлари турли таҳлил усуллари орқали очиб берилган.

Калит сўзлар: кураш, миллий қадрият, ўзбек кураши, полвон, кураш усуллари, Хоразм мактаби, Сурхондарё мактаби, Бухоро мактаби, халқаро кураш, кураш тарихи

Аннотация. В данной статье анализируется отношение кураша к нашим национальным ценностям, факторы, которые создают эту связь, и этнографические особенности этих факторов. Формирование спортивной борьбы и ее аспекты, связанные с национальными ценностями, раскрыты с помощью различных методов анализа.

Ключевые слова: кураш, национальные ценности, узбекский кураш, полвон, методы кураша, Хорезмская школа, Сурхандарьинская школа, Бухарская школа, международная борьба, история кураша

Abstract. *This article analyzes the relationship of kurash to our national values, the factors that give rise to this connection, and the ethnographic features of these factors. The formation of the sport of kurash and its aspects related to national values have been revealed through various methods of analysis.*

Keywords: *kurash, national values, Uzbek kurash, polvon, methods of kurash, Khorezm school, Surkhandarya school, Bukhara school. international struggle, history of struggle*

Қадимий ва бой тарихга эга бўлган Ўзбекистонда миллий одат ва анъаналар билан чамбарчас боғлиқ бўлган, ўзида минг йиллик тарихийликни ифодалайдиган, ёш авлодни бақувват қилиб тарбиялашга хизмат қиладиган, қадимий даврлардан халқимизнинг тарихий ўйини сифатида шаклланиб келиб, бугунги кунда спорт турли деб бутун дунёда эътироф қилинаётган ўйин турлари жуда кўп. Мисол сифатида тарихий ўйинларимизга кўпқари (от пойгаси), кураш ва бошқа халқ ўйинларини киритишимиз мумкин. Ушбу халқ ўйинларини бугунги кунда спорт тури даражасига айланишига таъсир қилувчи бир қанча омиллари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир:

- Миллий характердаги, аниқ белгиланган қонун-қоидаларга эга эканлиги;

- Халқ орасида кенг ёйилиши учун барча омиллари мавжуд эканлиги;

- Ўйин нафақат иштирокчиларнинг жисмоний тайёргарлигини, балки ақлий тайёргарлигини ҳам, мантиқий ва тезкор фикрлаши ва ҳоказоларнинг талаб этиши.

Биз юқорида таърифни келтирган ана шундай ўзбек миллий спорт турларидан бири - бу курашдир. Кураш спорт тури ўзининг ривожланишининг бир қанча босқичларини босиб ўтган бўлиб, кўплаб олимлар ва тадқиқотчилар бу спорт турини ривожланишини турли даврларга бўлиб ўрганишади. Ўзбек кураши қадимда дунёга келган бўлиб, бу кўп сонли тарихий ёдгорликларда ўз аксини топган. “Бахсларни тинчлик йўли билан ҳал қилиш, шунингдек душманни асирга олиш усулларини ўз ичига оладиган кураш усулларини тасвирловчи қадимий расмлар ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида олиб борилган археологик қазилмалар давомида топилган” [1]. Аини вақтда кураш ўзининг ривожланишининг ҳар бир тарихий босқичида турли хил ижтимоий функцияларни бажариб, тарихий даврни босиб ўтиши натижасида ўз шакллари ички структурасини ўзгартириб борган. Ўрта Осиё тарихига мурожаат қилар эканмиз, қадимий давлатлар бўлмиш Марғиёна, Бақтрия ва айниқса Сўғдиёна давлатида турли байрамлар ва сайллар ташкил қилинган бўлиб, уларда турли томошалар, раққослар, кўшиқчилар, кўлга ўргатилган хайвонларнинг жанги ва албатта кураш мусобақалари ташкил қилинган. Бу байрамлар айниқса, Сўғдиёнанинг қадимий маркази бўлган Самарқандда Наврўз байрами муносабати билан ҳар доим халқ сайиллари кўринишида ўтказилиб келинган. Сўғдиёнада ҳеч бир байрам ёки сайллар кураш мусобақаларисиз ўтмаган. Бундай кураш мусобақалари учун у ўтказиладиган жой атрофларидаги шаҳар-қишлоқларда полвонларнинг алоҳида тайёргарлиги амалга оширилган. Ҳатто, ўзининг кураш мактабини яратган полвонлар ҳар бир сайл ва шунга ўхшаган байрамлар учун янги авлод полвонларини чиқишини уюштириш мақсадига шоғирдлари билан алоҳида тайёргарлик кўришган. Полвонлар ўртасида мусобақаларнинг ўтказилиши эркин ва талабгорлар бўлса ўз хоҳиши билан майдонга чиқиши анъаналари бўлган бўлсада, полвонларнинг даврага кўтарилиши устозларнинг хоҳишига қайсидир даражада ҳам боғлиқ бўлган. Чунки ўз шоғирдини қандай имконият ва салоҳиятга эга эканлигини ич-ичидан ҳис қила оладиган бундай мураббийлар вазиятни ҳис қилиб тўғри қарорларни чиқара олишлари майдон кўрган кўпгина полвонларнинг фаолиятдан ҳаммага маълум бўлган. Кураш мусобақаларида ғолиблик нафақат майдонга кўтарилган полвоннинг, балки шу полвон туғилиб ўсган қишлоқнинг обрўси эди. Чунки, биргина Соғдиёнада ўтказилган кураш мусобақаларининг мутлақ ғолиби бўлган полвонларни ҳар йили "Сўғдиёна" курашчиси деб номлаш одати бўлган. Ғалаба кучган полвонлар халқ ичида шу даражада ҳурмат қилинганки, улар давлат ва жамоат тадбирларида обрўли жойда ўтириш учун жой берилиб, тўй ва томошаларни шу полвонлар очиб берган. Бундан ташқари, қадимги даврларда давлатлар ва қабилалар тарихини ўрганган олимларнинг келтиришича қабил ва уруғлар ўртасидаги келиб чиққан зиддиятлар шу қабил ва уруғларнинг полволари ўртасидаги курашда ҳал қилинганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Этнографик адабиётларни таҳлил қилиш ва ўрганиш шуни кўрсатадики, минг йиллар илгари минтақамизда миллий кураш анча ривожланган бўлиб, у минтақанинг асосий спорт тури сифатида тан олиниб, жангчиларни жанговар тайёргарлигини ошириш учун кундалик машқига айланган, ўсиб келаётган авлодни жисмонан соғлом ва жанговар руҳда тарбиялаш учун курашга кенг мурожаат қилинган.

Аmmo асрлар давомида ривожланиб, мукаммал шахсни шакллантириш учун муҳим бўлган кураш спорт турига қарамлик йилларида муносабат жуда қолоқ даражада қолди. Шунингдек бу спорт тури билан боғлиқ кадриятларни йўқотишга ҳаракат қилинди. Буни биргина мустамлакачиликдан олдин элда-юртда ўзининг баҳодирлиги ва паҳлавонлиги билан шуҳрат қозонган инсонларни исмига “полвон” ибораси қўшиб Шуҳрат полвон, Ражаб полвон, Саъдулла полвон ва ҳоказо кўринишда айtilган бўлса, подшолик мустамлакаси ва подшолик ҳукмронлиги даврида 130 йилдан ортиқ давом этган муддатда бу кадриятларимизнинг саёзлашишига, ижтимоий ҳаётимиздан суғуриб олишга ҳаракат қилинди.

Чунки, ўзбек халқига мос миллий кадриятларнинг ривожланиб бориши энг аввало уни ифодаловчи урф-одат ва анъаналар, ва улар йўғрилган кураш ва шунга ўхшаган миллий мусобақалар ва миллий ўйинларга боғлиқдир. Шундай бир мураккаб вазиятда ҳам жисмонан ва маънан етукликда курашнинг аҳамиятини англаган ва миллий кадриятларига содиқ қолган тор доирадаги полвонлар кураш ва у билан боғлиқ маросим анъаналарга содиқ қолишди.

Неча минг йиллардан бери кураш нафақат ўзбек халқининг жанг санъати тури, балки ўзбек халқининг эгилмас миллий руҳи, менталитети ва кўп асрлик кадриятлари намоён бўладиган миллий ўйин даражасидан халқаро спорт тури даражасига кўтарилган миллий урф-одатларимизнинг бир бўлагидир. Шунинг билан бирга кураш халқимиз тарихида шахснинг ривожланишида муҳим роль ўйнаб келаётган халқимизнинг кўп асрлик комил инсон концепциясини бир бўлаги ҳамдир. Ўша бўлакни мустақиллик йилларида ҳалолликнинг пировард мақсади, ҳалолликка тўғри тушунишни ўзини қоидасига айнатирган бу миллий спорт тури яна бир бор ўз тарихига бефарқ бўлмаган халқнинг ва давлатнинг эътиборига тушди ва бу муҳим иш бўлди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда бу спорт турини ривожланиши ва ёшларнинг меҳрини қозониши учун Биринчи Президент Ислон Каримов томонидан кўплаб ишлар амалга оширилди. Бу ишлар замирида спорт соҳасини ривожлантириш ва ёшларни шу соҳа орқали баркамол қилиб тарбиялаш мақсадлари мавжуд бўлган. И. Каримов таъкидлаганидек “Бугунги кунда униб-ўсиб келаётган, баркамол авлод бўлиб вояга етаётган ёшларимизнинг барчаси ўз ҳаёти, ўз келажагини спортсиз тасаввур этолмайди” [2]. Бу спорт тури оммалашиб, жаҳон спорт майдонида ўз ўрнини топди. “Кураш бўйича Ўзбекистон Миллий Федерацияси 1992 йил 11 мартда Тошкентда рўйхатдан ўтган. Федерация ИКА нинг Ўзбекистондаги филиали ҳисобланади ва ИКА га мамлакатда курашни ривожлантиришда ёрдам беради. Федерация курашни Ўзбекистонда энг ривожланган спорт турига айлантириш ҳамда уни жаҳон ареналаридаги мавқеини ошириш билан шуғулланади” [3]. Ўзбекистоннинг чорак асрдан ошиқроқ қисқа тарихига мурожаат қилар эканмиз, мамлакатимизда ва халқаро майдонда давлатимиз томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилганлигини кўришимиз мумкин.

Биринчидан, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш ва бу жараёнда халқаро тан олинган спорт турларини оммалаштириш билан биргаликда миллий спорт турини ёшлар ўртасида кенг ёйилиши учун турли тарғибот ишлари амалга оширилди.

Иккинчидан, мамлакатимизда тизимли ва босқичма- босқич тарзда кураш бўйича мустақиллигимиз йилларида турли миллий ва халқаро турнир ва мусобақалар ташкил қилинди. Биргина мустақиллигимизнинг дастлабки йилида бу соҳа бўйича ташланган энг биринчи муҳим қадамлардан бири 1991 йил 7-10 август кунлари Қашқадарё вилоятининг Шаҳризабз туманидаги Мираки санаториясида Марказий Осиё ва Қозоғистон курашчилари иштирокида йирик мусобақаларнинг ўтказилганлигидир. Айнан ўша мусобақа ўзидан олдинги мусобақалардан курашнинг миллий тарихий ривожланишига таянилган ҳолдаги мутлақо янги қоидалари бўйича кураш олиб борилганлиги билан бошқа мусобақалардан фарқ қилиб турган.

Учинчидан, кураш спорт тури, унинг тарихи, бу тарихий спорт тури билан боғлиқ тарихий шахсларнинг номларини тикланиши ҳамда таниқли қахрамонлар ва тарихий шахслар ёрқин хотирасига бағишланган мусобақалар ўтказилди. Масалан Қорақўлда – Турсун ота, Шаҳризабзда – Амир Темур, Сурхондарёда - Ат-Термизий, Бухорода – Баҳовуддин Нақшбандий, Андижонда – Бобур Мирзо, Хоразмда – Паҳлавон Маҳмуд номларига атаб ўтказилган тадбирлар шулар жумласидандир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Kerimov F.K. Sport kurashi nazariyasi va usuliyati. –Т.: 2008, “Universitet” 19-b
2. Karimov I. O‘zbekiston erishgan yutuq va marralar — biz tanlagan islohotlar yo‘lining tasdig‘idir. – Т.: “O‘zbekiston”, 2015 B-161
3. Komil Yusupov International kurash rules techniques and tactics.- “G‘afur G‘ulom”, –Т.: 2005 p-12

ТУРКИСТОН ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИДА ТАТАРЛАР

Р.А. Расулова, докторант, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент

Аннотация. *Мазкур мақолада Туркистонда совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида ўлка халқлари тили, дини, маданиятига муштарак бўлган татарлардан фойдаланганлиги ёритилган. Татарлар Туркистонга рус адабиёти, технологияси, театрни вужудга келишида, газета ва журналлар чоп этишни кириб келишида ташиббус кўрсатганликлари тўғрисида маълумотлар бериб ўтилган. Марказ совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун татарлардан нафақат ҳарбий-сиёсий муносабаларда, балки ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий бошқарув тизимида ҳам унумли фойдаланганликлари таҳлил қилинади.*

Таянч сўзлар: *“социалистик инқилоб”, татар, Туркистон, Россия, социалистик жамият, Россия Социал Федератив Совет Республикаси Халқ Комиссарлари Кенгаши (РСФСР ХКК), маданий-маърифий жараёнлар, ҳарбий-сиёсий бошқарув, большевиклар, “Қизил Шарқ” тарғибот-ташвиқот поезда*

Аннотация. *В статье описывается использование татар, разделяющих язык, религию и культуру народов Туркестана, для укрепления советской власти. Говорят, что татары выступили с инициативой в Туркестане по созданию русской литературы, техники, театра и печати газет и журналов. Центр анализирует эффективное использование татар не только в военно-политических отношениях, но и в системе общественно-политического, культурного и образовательного управления для укрепления советской власти.*

Ключевые слова: *"Социалистическая революция", Татарская, Туркестанская, Россия, социалистическое общество, Совет Народных Комиссаров РСФСР, культурно-образовательные процессы, военно-политическое управление, большевики, агитационно-пропагандистский поезд "Красный Восток"*

Abstract. *This article describes the use of Tatars, who shared the language, religion and culture of the peoples of Turkestan, in order to strengthen Soviet power. It is said that the Tatars took the initiative in Turkestan to establish Russian literature, technology, theater, and the printing of newspapers and magazines. The Center analyzes the effective use of the Tatars not only in military-political relations, but also in the system of socio-political, cultural and educational management to strengthen Soviet power.*

Keywords: *"Socialist Revolution", Tatar, Turkestan, Russia, socialist society, Council of People's Commissars of the Russian Socialist Federal Socialist Republic (RSFSR ICC), cultural and educational processes, military-political administration, Bolsheviks, "Red East" propaganda train*

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида большевиклар олдида мураккаб вазият вужудга келиб, янги ва фаровон ҳаётни ваъда қилган, тенгликка, бахтли болаликка, хотин-қизлар озодлигига, миллатларни ўз тақдирини ўзи белгилашга, қўйингчи, адолатли жамиятни “социалистик инқилоб” билан боғлаганлар бошқарувни ўз қўлларига олган эдилар. Россия империясидан миллий масала муаммоси ҳеч бир яхши томонга ўзгармай, тўла-тўқис большевикларга мерос бўлиб ўтганди. Эндиликда, Октябрь (1917) давлат тўнтаришидан кейин большевик етакчилари, хусусан В.И. Ленин бошчилигидаги РСФСР ХКК томонидан илгари сурилган миллатлар ўз тақдирини ўзи белгилаши билан боғлиқ баёнотлар ўн йиллар, юз йиллар давомида чоризм зулми остида яшаб келаётган халқларни, айниқса турк-мусулмон халқларини миллий уйғонишига, турли ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, партияларни вужудга келишига туртки берди. Албатта, Россиядаги турк-мусулмон халқларини сиёсий уйғонишида, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоясига, тили, дини, маданиятини ривожда фаоллик қилишида, шарқда “социалистик инқилоб” ғоялари фидойилари бўлиб ўзини танитган татарлар, жойларда совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш борасида “яловбардорликлари” билан эътибор қозондилар. Дарҳақиқат, татарларда февраль (1917) инқилобига қадар ҳам “миллий уйғониш” аломатлари кўзга ташланиб, ўз матбуотини ташкил этишда, хотин-қизлар озодлиги ва уларнинг маърифати йўлида, аҳоли ўртасида саводсизликка барҳам бериши, ҳарбий-сиёсий ҳаракатларда фаоллик қилиши, империя таркибидаги турк-мусулмон халқлари орасида театр санъати, маърифатни тарқалишида анчагина илгари кетган эди. Ўз пайтида Туркистон, Бухоро, Самарқанд, Хива мадрасалари татарларга билим бериш,

маданий ўчоғи бўлган бўлса, XX аср бошларидан бу вазифани Қозон, Уфа, Оренбург, Троицкдаги мадрасалар ўз зиммаларига олган эдилар. Бу татарлар фаоллиги Ўрта Осиёда ҳам кўзга ташланиб, улар 1917 йил Октябрь давлат тўнтаришига қадар ва совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида минтақада маърифат, театр, санъат ва янги “социалистик жамият” куришда, унинг бошқарув тизимида фаоллик билан иштирок этганлар. Аммо бу жараён, Туркистон шарт-шароитида маълум бир қийинчиликларни, зиддиятларни ўз ичига олган. Чунки Султон Галиев нуқтаи назари билан қараганда, Туркистонда янги жамият куриш, унинг “афзалликлари”ни аниқлашда, “социалистик инқилоб” йўлидаги бошқарув йўлида ўлка халқи, “... татарлар босиб ўтган тараққиёт босқичини босиб ўтмаганлар. ...татар ва турклар туфайлигина, ...[жадид] мактаблари ташкил этилмоқда... Аёллар аҳволи ўша-ўша ўзгармай қолмоқда... Туркистон ва Бухорода диний фанатизм ва маданий қолоқликка қарши курашга татарлар бошчилик қилмоқдалар” [1,372-373].

Мирсаид Султон-Галиев томонидан “татарлар босиб ўтган тараққиёт босқичи йўлини” Туркистон халқлари, хусусан ўзбек, қозоқ, туркман, тожик, қирғиз халқларига нисбатан “қўллаш”, аслида баҳсли масала... Туркистон халқларини шарқда тутган ўрни, жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси аниқ. Тўғри, Туркистон минтақаси Россия империяси таркибига татарларга нисбатан анчагина кеч киритилгани, бу эса ўша рус адабиёти, технологияси, театрни вужудга келишида, газета ва журналлар чоп этишда орқадалигини назарда тутилса, Султон-Галиев фикрида жон бор, аммо ўшанда ҳам бошқа турк-мусулмон халқларини “пастга урмаган” ҳолда ўз фикрини изҳор этиши мақсадга мувофиқ эди. Майли, ҳақиқатан ҳам XX аср бошларидаги ҳолатда, Туркистондаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий жараёнларда татарлар фаоллик қилганлар. Бу тарихий ҳақиқат. Аммо ўз пайтида Туркистон минтақаси ҳам, хусусан Бухоро, Самарқанд, Хива мадрасалари ва бу ҳудуддан келиб чиққан алломалар жаҳон цивилизацияда ўз ўрнига эга бўлгани ҳам ҳақиқат. Буни ҳам инкор этиб бўлмайди.

Маълумки, XIX аср охири – XX аср бошлари турк-мусулмон дунёси учун ўзига хос миллий уйғониш даври бўлиб, газета ва журналлар чоп этилди, босмаҳона-нашриётлар вужудга келди, театр, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, жадидчилик пайдо бўлди. Буларни ҳаммасида татарлар ўз фаоллиги билан ажралиб турди. Бу фаоллик октябрь (1917) давлат тўнтаришидан кейин ҳам давом этиб, эндиликда татарлар Россия таркибидаги барча турк-мусулмон халқлари орасида совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш, шарқда инқилоб ғояларини сингдириш, “социалистик жамият” бошқарув тизимида фаол қатнашишда етакчилик қила бошладилар. Большевикларнинг “порлоқ келажак” бўйича, миллатлар ўз тақдирини ўзи белгилаш, жойларда маҳаллий миллатлар орқали бошқаришга оид “қизил гаплари” га ишондилар ва энг ачинарлиси, бу “ишончлари” ни бошқа турк-мусулмон халқларига сингдиришда сидқидилдан саъй-ҳаракат қилдилар. Татарларнинг бундай фаоллиги Марказга жуда қўл келиб, улардан “инқилоб ғояларини” тарғиботчиси, ҳарбий-сиёсий командир, бошқарувнинг партия ва совет органларида раҳбар ва бошқа турли лавозимларда фойдаландилар. Татарларнинг аксарияти турк-мусулмон халқлари озодлиги йўлида яхши қадамлар бўляпти деб ишониб, бу ишончни ўз содиқликлари билан намоён қилдилар. Татарлар маърифат тарқатишда, партия ва совет органларида, ҳарбий-сиёсий фаолиятда, даврий матбуотда, қисқаси барча йўналишлардаги бошқарув тизимида Марказ ваъдаларига ишониб фаолият олиб бордилар. Татарларни Туркистон ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий йўналишдаги фаолиятини бир томонлама талқин қилиш мумкин эмас. Уни тарихий шарт-шароит, ўша пайтдаги ҳолат билан баҳолаш зарур. Зеро, ҳозирги “тарих тарозиси” га эмас, ўша XX аср 20-йилларидаги, бошқарув тизимида большевиклар тартибини назардан қочирмаган ҳолда ёритиш керак.

Туркистонда ўчмас из қолдирган татарлардан бири Пўлат (Бекпўлат) Солиев (1882-1937) ҳисобланади. У Астраханда туғилиб, отаси Бухородан бўлган. Ўз пайтида Қозондаги Мухаммадия мадрасасида ва Уфадаги Олия мадрасасида таҳсил олган, 1909 йили Туркистонга келиб, Тошкент, Қўқондаги мактабларида тарих, арифметика, она тилидан дарс беради. Оккўрғонда илк жадид мактабини очади. У кейинчалик маърифатпарварлик фаолиятини давом эттириб, Жиззах ва Мирзачўлда ҳам мактаб очади. 1913 йилга келиб, Тошкентда биринчи рус-татар мактабини очади. Бу ҳам Тошкентда татар диаспорасининг сезиларли ўрнидан далолат беради. П.Солиев учун она тили бўлмиш татар тилидан ташқари, ўзбек, рус тилларини яхши билиши, унга маърифат йўлидаги фаолиятида аскотади. 1917 йил февраль инқилобидан кейин Туркистонда вужудга келган ижтимоий-сиёсий вазият уни ҳам

бефарқ қолдирмай, ўлкада вужудга келган, атиги 72 кун фаолият юритган (1917-1918) Туркистон Мухториятини ташкил этишда фаол иштирок этади. Аммо бу ҳукуматни бошқарув тизимида қатнашмай, миллий ҳукуматга ҳайрихоҳлик билан чекланади. Унга сиёсий жараёндан кўра, кўпроқ маърифат йўлида фаолият юритиш ўзига ёққан. П.Солиев 1918 йили Скобелев (Фарғона) шаҳрида қишлоқ мактаблари учун маҳаллий миллат вакилларида ўқитувчилар тайёрлаш курсини ташкил этади. Чунки совет ҳокимиятини кўлга киритган большевиклар учун Туркистонда “инқилоб ғояларини” оммага сингдиришда, аҳолини саводсизлигига барҳам бериш, чаласаводликни йўқотишда бу соҳада ташкилотчилик қобилиятига эга, маърифатда салоҳият эгаси П. Солиевни роли катта аҳамиятга эга бўлди. Эндиликда унинг маърифатдаги ташкилотчилик қобилиятдан совет ҳокимияти фойдалана бориб, 1919 йилдан Тошкентдаги илк турк-татар маориф курсларини ташкил этишда ундан директор сифатида фойдаланилди. П. Солиев ўз иқтидорини 1922 йилдан “Инқилоб” журналининг муҳаррири ўринбосари, “Тонг” журнали муҳаррири, 1923-1924 йилларда Бухорода нашр этилган “Маориф” журналининг муҳаррири сифатида намойиш этди. У қаерда ва қайси лавозимда ишламасин, Туркистон халқлари маърифати, маданияти, тарихи, турк-мусулмон халқларини ўзаро ҳамкорлиги, уларни жаҳон цивилизациясида тугуган ўрнини тарғиботи бўйича қайғурди ва кенг қамровли ташкилотчилик, бошқарув билан боғлиқ вазифаларни бажарди. Кейинчалик, 1925-1927 йилларда Москвадаги қизил профессорлар институтида ва Свердлов номли университетда ўқиган, 1927 йилдан Самарқанд олий педагогика институтида дастлаб доцент, 1930 йилдан профессор унвонида Ўрта Осиё тарихи кафедрасида мудир лавозимида фаолият олиб борган. Унинг илмий фаолиятда энг катта хизматларидан бири илк бор умумлашган “Ўзбекистон тарихи”ни яратган. 1937 йилда совет ҳокимияти томонидан миллатчиликда айбланиб қамокқа олинди ва отиб ташланди [2,6-11].

Туркистонда маърифат, матбуот, босмаҳона, нашриёт соҳасида ўзининг ташкилотчилик, бошқарувга муносиб фазилатлари билан из қолдирган татарлардан бири Ҳусаин Мақаев эди. У Қозондаги педагогик мактабни тугатиб, жаҳид мактабида фаолият юрита бошлаган. 1903 йили Скобелев (Фарғона)га келиб, педагогик фаолиятини давом эттириб, мактаб ташкил қилган. Аммо янги ташкил этилган мактаб Фарғона вилоят ҳарбий губернаторлиги мутасаддилари “талабига жавоб бермаганлиги” учун ёпилади. Чунки у мазкур мактабда янги усул тартибини жорий этиб, амалда жаҳидчилик ғояларини амалга ошириш билан шуғулланган. Бундай илғор қарашлар чор Россиясининг ўлкадаги – Фарғона вилоятидаги бошқарув тизимидаги масъулларга ёқмаган. Шундан кейин Ҳ. Мақаев Наманганга кетишга мажбур бўлиб, бу ерда жаҳид мактабини очади. Намангандаги педагогик фаолияти давомида маърифатпарвар Исҳоқхон Ибрат билан танишади. Шундан сўнг улар ўртасида ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилиб, Наманганни Тўрақўрғонида “Усули жаҳид” мактабини ташкил қилиб, фаолият олиб боради. Мактабдаги фаолияти давомида ёнига миллатдоши, маърифатпарвар Абдулрауф Шагидуллинни олиб, Исҳоқхон мактабида фаолият юрита бошлаган. Маърифатпарварлик йўлидаги саъй-ҳаракатлар янада самарали бўлиши учун ўқув кўлланма, дарсликларни кўпайтириш зарурияти Исҳоқхон Ибратни 1908 йили (Ҳусаин Мақаев ва Абдулрауф Шагидуллинни тавсияси билан – Р.Р.) Уфа, Оренбургга ноширлик асбоб-ускуналарини харид қилишга ундайди. Сафар давомида Оренбургда Кауфман деган матбаачидан тўла ҳисоб-китобни ўн йил давомида қилиш шарти билан, 1901 йили чиққан литография машинасини сотиб олди. Мазкур литографияни темир йўл орқали Кўқонга ва кейин туяларда (у пайтда Тўрақўрғон-Наманганга темир йўл келмаган эди-Р.Р.) Тўрақўрғонга олиб келгандан сўнг, уни 1908 йилда “Матбаи Исҳоқия” номи билан Ҳусаин Мақаев ишга туширади. 1908-1909 йилларда мазкур литографияга асосланган “Матбаи Исҳоқия”га Абдулрауф Шагидуллин мудирлик қилади [3,116-118].

Татар маърифатпарварларидан бўлмиш Ҳ.Мақаев ва Абдулрауф Шагидуллинлар ўз фаолиятлари давомида ёнларига М. Абдусатторов, Ҳ.Бурнашевларни ҳам кўшиб фаолият олиб борган. 1917 йил февраль инқилоби Ҳ. Мақаев фаолиятида бурилиш ясаб, у март ойидан бошлаб Наманганда “Фарғона саҳифаси” газетасини ўзбек тилида чоп эта бошлаган. Аммо ушбу газетанинг 40 тагина сони дунё юзини кўрган, холос. Газета чоп этилишини тўхташига сабаб, уни молиявий таъминотидаги муаммолар эди. Шундай алғов-далғовли дамларда Намангандаги босмаҳонани матбаа асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш учун 1917 йил охирларида Қозонга келади. Сафардан асосий мақсад Қозондаги матбаачилар билан алоқа ўрнатиб, Наманганга араб (мусулмон) шрифтини харид қилиш эди. Албатта, бу масала ечимида уни бир пайтлар Қозонда таҳсил олгани, бу ерда фаолият олиб бораётган

маърифатпарвар, матбаачиларни яқиндан танигани, мавжуд босмахона мутасаддилари билан ўзаро муносабатларни йўлга қўя олгани муҳим аҳамият касб этган. Хусусан, 1918 йил 10 январда Ҳ.Макаев номига М.Идрисов босмахонасидан 71 пуд араб (мусулмон) шрифти Наманган босмахонаси учун ажратилган. Бу ўша 1917 йил 1 сентябридан 1918 йил августига қадар М.Идрисов босмахонасида умумий ҳисобда тайёрланган 638 пуд 12 фунт араб (мусулмон) шрифтининг: “Онг”, “Миллат”(Қозон), “Шарқ босмахона” (Москва), “Бирск жамияти”(Бошқирдистон), “Янги вақт” газетаси (Оренбург), 12-армия штаби, Еттисув мусулмон сиёсий бўлими (Верний), 10-армия штаби, Екатеринбург комиссарлиги қатори Наманган босмахонасига ажратилган қисми эди [4,59].

Наманганга қайтган Ҳ. Макаев 1918 йилдан ўзбек тилида чоп этиладиган “Ишчилар қалқони” газетасининг ташкилотчиларидан бири бўлди. Ҳ.Макаевдаги ташкилотчилик қобилияти энди тўла-тўқис совет ҳокимияти манфаатларига бўйсундирилиб, у ҳам ўлкада зиёлилар қатори “янги жамият” афзалликларини тарғиб қилишга, жойлардаги совет ҳокимиятини матбуот, босмахона материаллари орқали мустаҳкамлашга киришди. Ҳ.Макаевдаги ташкилотчилик, бошқарув салоҳиятидан 1921-1928 йиллари Намангандаги босмахонасини бошқаришда фойдаланилди. Кейинчалик унинг билими, салоҳиятидан педагогик фаолиятида фойдаланиб, 1937 йил қатағон қилингунга қадар, шу соҳада фаолият олиб борди. Яна шуни таъкидлаш жоизки, Ҳ.Макаевнинг матбуот, матбаа-нашриётчилик соҳасидаги изланишларида, ташкилотчилик фаолиятини олиб боришда унинг хотини Фотиҳа Макаева ҳам яқиндан ёрдам бериб, у айниқса маҳаллий хотин-қизларни саводини чиқариш, уларни маданий-маърифий ишларга жалб қилишда кенг қамровли фаолият олиб борган [5,120-121].

Туркистонда совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида тарғибот ва ташвиқот ишларида, маданий-маърифий соҳаларларда кенг қамровли фаолият олиб борган татарлар қаторида Ш.Г.Аҳмадиев алоҳида ўринга эга. У Туркистонга келгунга қадар Россия турк-мусулмонлари ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишга улгурган, журналист сифатида 1917 йилдан “Овоз” газетасининг муҳаррири, 1917 йилги: Бутунроссия мусулмон-ўқитувчилари съезди; Бутунроссия мусулмонлари съезди ташкилотчиларидан бири, 1918 йили Қозондаги биринчи совет газетаси бўлмиш “Эш” (“Меҳнат”), Марказий мусулмонлар ҳарбий комиссарлиги (ММХК) “Қизил Армия” газетаси муҳаррири лавозимларида фаолият олиб борган эди [6,7;13;50;67].

Марказ томонидан Туркистонда “социалистик ғоя”ларни қанчалик аҳоли ўртасида қабул қилинаётгани, маҳаллий миллатларни совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш борасида, жойларда бошқарув тизими қанчалик “партия йўлидан оғишмай” олиб бораётганини ҳар томонлама ўрганиш йўлида, таркибида ерли халқлар тили, дини, маданиятини яхши билган татарлардан иборат “Қизил Шарқ” тарғибот-ташвиқот поездини Туркистонга юбориш мақсадга мувофиқ топилган. Мазкур тарғибот-ташвиқот поездининг Туркистонга биринчи сафари 1920 йил 23 январдан 16 июнга қадар давом этди. Тарғибот-ташвиқот поездида Ш.Г.Аҳмадиев ҳам бўлиб, у поездда чоп этиладиган “Қизил Шарқ” газетасининг муҳаррири эди. У поезд босмахонасида чоп этилаётган ўзбек, қирғиз (қозок), туркман, тожик, татар ва рус тилларидаги “Қизил Шарқ” газетасига муҳаррирлик қилишдан ташқари, ўлка шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб сафар чоғида маҳаллий аҳоли орасида турли мавзуларда тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришга, жойлардаги бошқарув тизими фаолиятида иш юритаётганларни ўрганишда фаол қатнашди. “Қизил Шарқ” тарғибот-ташвиқот поезди ўлка аҳолиси ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш билан бирга, жойлардаги муаммоларни ҳам ўрганиб борди. Унинг ўлка ҳаётини ва муаммолар ечимига ёндашувидаги фаоллиги Туркистон МИҚ ва ХКК эътиборини тортиб, ўлкага сафар жараёнида Туркистон халқ маорифи комиссари лавозимига тайинланишига ва кейинроқ яна ўлкада чоп этилаётган “Иштирокиюн” газетасида муҳаррирлик вазифасини бажаришига олиб келди. У Туркистон халқ маорифи комиссари лавозимида фаолият юритиш жараёнида ўлкага Қозон, Оренбург, Уфа, Самара, Симбирск ва бошқа ҳудудлардан ўқитувчиларни жалб этиш, маҳаллий аҳоли фарзандларини саводини чиқаришга ўз ҳиссасини қўшди. Масалан, ўз фаолиятига киришиш жараёнида ўлкада мавжуд муаммоларни аниқлашни энг муҳим вазифаларидан бири деб билди. Хусусан, Ш.Г.Аҳмадиев Туркистон халқ маорифи вазири лавозимида фаолият юритиш давомида, 1921 йил 19 июнида ўлка вилоятлари ва уездлари халқ маорифи ўқитувчилари съездини ўтказди. Съездда Ш.Г.Аҳмадиев томонидан Туркистондаги халқ маорифи аҳоли, мактабларда ўқитиш тизими, ўқитувчилар олдидаги масъулият, педагог кадрлар етишмаслигига тўхтаб, кейинги пайтларда оддий саводхонликни ўзи муҳим аҳамият

касб этаётгани, бу борада маҳаллий аҳолини ўқитишга эътибор зарурлиги, шунингдек, ўқув куруллари билан таъминлаш бўйича қилинадиган вазифаларга эътибор қаратди. Ш.Г. Аҳмадиев ўз маърузасида энг муҳим масалалар қаторида мактаб биноларини қуриш ҳамда маданий-маърифий ташкилотлар тузиш зарурлигини таъкидлади [7]. Ш.Г. Аҳмадиев халқ маорифи вазири сифатида ташкилотчилик қобилиятини намоён этиб, жойлардаги саводсизликка барҳам бериш, бу соҳадаги бошқарув тизимини мустаҳкамлашни, ўқитувчи кадрлар малакасини ошириш, уларни илмий-педагогик тажрибасини мустаҳкамлашга астойдил ҳаракат қилди. У билан бирга татарлардан М.К.Будаилов, В.З.Нуритдинов, Г.Латипов, И.Низамутдинов, Г.Айпов, З.Хисматуллин ва бошқалар ёнма-ён ўлкада совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда фаол қатнашдилар [8,112].

Эътиборли томони шуки, Ш.Г. Аҳмадиевдан дастлаб Туркистонга юборилган тарғибот-ташвиқот поездидаги “Қизил Шарқ” газетаси муҳаррири сифатида фойдаланилган бўлса, мазкур сафар давомида у айни пайтда ўлка халқ маорифи вазири, “Иштирокиюн” газетаси муҳаррири, Туркистон МИҚ аъзоси сифатида ҳам фаолият юритишга улгурган. 1920 йил сентябрь ойи ўрталаридан “Қизил Шарқ” тарғибот-ташвиқот йўриқчи поездининг иккинчи сафарида Бухорога келиб фаолият олиб боради. Хусусан, эндиликда у БХСР ташкил топгандан (1920 йил сентябрь – Р.Р.) кейин Бухоро инқилобий кўмитасининг аъзоси сифатида ҳам фаолият олиб борган. Бошқарув тизимида кадрларга бўлган зарурият улардан бир неча йўналишларда, вазиятдан келиб чиқиб, тез-тез ўрнини алмаштириб фойдаланганини кўрсатади. Бу борада Ш.Г. Аҳмадиевни фаолиятидаги тез-тез ва турли лавозимларга алмашишлар шундан далолат беради.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Туркистондаги бошқарув тизимида маҳаллий халқлар тилини биладиган, диндош, руҳияти ва маданияти билан яқиндан таниш бўлган татарлардан фойдаланишда Марказ “устамонлик” билан фойдаланган. Чунки татарлар Россия тасарруфига XVI асрдаёқ тушиб, русларнинг тили, қисман маданиятини ўзлаштиришга, диний қарашидан хабардор бўлишга улгурган эдилар. XX аср бошларига келганда эса, Россия империяси ижтимоий-сиёсий ҳаётида татарлар ўз саъй-ҳаракатлари билан фаоллар қаторида бўлди. Октябрь давлат тўнтариши (1917) дан кейин Россиянинг етакчи большевиклари олдида юз йиллар давомида империя тасарруфида ҳақ-ҳуқуқи оёқ-ости қилинган халқларни “озодликка чиқариш” баёноти берилган бўлса-да, амалда уларни ўз назоратлари доирасида қолдириш, эндиликда қизил империя манфаатларига бўйсундириш вазифаси илгари сурилди. Албатта, бу миссияни шарқда, хусусан Туркистонда бажариш ишларига татарлардан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб топилди. Юзлаб татарлар у ёки бу даражадаги ўлкани бошқарув тизимида расман сафарбар қилинди. Ҳатто, 1920 йил иккинчи ярмидан Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги татарлар, очарчилик муносабати билан Туркистонга ўз хоҳишига кўра: “шарқни уйғотиш”, “саводсизликка барҳам бериш”, “инқилоб ғояларини маҳаллий халқ орасида тарғиб қилиш”, “шарқни ўрганиш”, “даволаниш”, “оиласи билан бирлашиш” каби сабабу баҳоналар билан кела бошладилар. Бундай тартибсиз, амалда Волга бўйидаги очарчиликдан қочган “сафарбарликлар” маълум даражада кадрлар қўнимсизлигига хизмат қилган. Масалан, 1921 йил 1 июнида Татаристоннинг Бугульма кантонидан Н.Синдюков партиянинг Қозон бюросига мурожаат қилиб, Туркистон аҳолиси тили, урф-одатини яхши билишини қайд этиб, ўзини Андижон уездига “жаҳон инқилоби йўлида унумлироқ меҳнат қилиш учун сафарбар қилишлари” ни сўрайди. 1921 йил 4 июлида Н.Синюков Татаристондан Туркистонга сафарбар қилинади. Бундай ўзбошимчаликка асосланган “расман” сафарбарликлар кўп бўлган [9,60].

Айни пайтда, сафарбар қилинганлар қатори бошқа татарлар ҳам ўлкадан ўз ишини топишга ҳаракат қилар, Волга бўйидаги очарчилик туфайли орқага қайтишни ҳохламас, Туркистондан паноҳ топган эдилар. Туркистонга расмий йўлланма ёки ўзбошимчалик билан ташриф буюрган татарлар ўлкада ўз rischiларини топа олганлар. Шуниси борки, Туркистонга “бир илож қилиб” келганларнинг аксарияти саводли, тадбиркор, у ёки бу бошқарув тизимида ишлаганлар эди. Яна қайд этиш лозимки, Туркистонга келганларни ишга жойлашда, биринчидан, ўлкада саводли, бошқарувда тажрибали фаолият олиб борадиганларга зарурият бўлган бўлса, иккинчидан, уларга жойларда иш олиб бораётган “татар диаспораси” нинг ўзи ҳам ёрдам берган.

Хулоса қилиб айтганда, Марказ томонидан Туркистон ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий тизими бошқарувида татарлардан фойдаланиш ўзига хос хусусиятларига, зиддиятли ҳолатларига эга. Татар етакчи зиёлиларининг маълум бир қисми ўзлари ҳам ишонган “инқилоб манфаатлари” ҳимоясида, турк-мусулмон халқлари озодлиги йўлида

алданаётганликларини тўла тушунмаган-англамаган ҳолда ўлкада совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ишларида фаол қатнашганлар. Марказ учун татарларнинг ўта фаоллиги жуда кўл келган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирсаид Султан Галиев. Избранные труды. Казань: Издательство «Гасыр», 1998. –С. 372-373
2. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. VII жилд. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004. –Б.698; Темиров Ф. Пулат Солиев. Тошкент: “ABU MATBUOT-KONSALT”, 2011. –Б. 6-11.
3. Расулов А., Исоқбоев А., Насретдинова Д. Туркистон ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида татарлар. Тошкент: “TURON-IQBOL”, 2019. –Б. 116-118.
4. Каримуллин А. Становление и развитие татарской советской книги (1917-1932). Казань: Татарское книжное издательство, 1989. –С.59.
5. Расулов А., Исоқбоев А., Насретдинова Д. Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида татарлар –Б. 120-121.
6. Мухарямов М.К. Труженник революции (Общественно-политическая деятельность Шагида Ахмадеева). Казань: Татарское книжное издательство, 1988. –С. 7,13,50,67.
7. Известия (Турк ЦИКа), 19 июня, 1921 г.
8. Ш.Г.Ахмадиевни Туркистон ва Бухородаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий фаолияти тўғрисида кенгрок маълумот олиш учун қаранг: Ўз МА, 25-фонд, 1-рўйхат, 419-иш, 1-варак; Мухарямов М.К. Труженник революции. Казань: Татарское книжное издательство, 1988, 112 с.
9. Расулов А. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар. Тошкент: Университет, 2005. –Б. 60.

УЎК 316.74

МАРКАЗИЙ ОСИЁ АЛЛОМАЛАРИ ИЛМИЙ ҚАРАШЛАРИДА ИНСОН ВА ЖАМИЯТ МУНОСАБАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

А. Саитқасимов, доц., ф.ф.д., Жиззах Давлат педагогика институти, Жиззах

Аннотация. Ушбу мақолада Марказий Осиё мутафаккирларининг тарихда жамиятимиз давлатчилик анъаналарида инсон ва жамият ўртасидаги узвий муносабатларни рўёбга чиқариш борасидаги гоялари илмий таҳлил этилган.

Калим сўзлар: жамият, давлат, Марказий Осиё, фуқаро, ижтимоий, масъулият, фаоллик, ҳуқуқ, манфаат, муносабат, ижтимоий адолат

Аннотация. В данной статье научно анализируются идеи центральноазиатских мыслителей в истории государственных традиций нашего общества о реализации целостных отношений между человеком и обществом.

Ключевые слова: общество, государство, Центральная Азия, гражданин, социальная ответственность, активность, закон, интерес, отношение, социальная справедливость

Abstract. This article scientifically analyzes the ideas of Central Asian thinkers in the history of the state traditions of our society on the the realization of the integral relationship between man and society.

Keywords: society, state, Central Asia, citizen, social, responsibility, activity, law, interest, relations, social justice.

Жамиятимизда олиб борилаётган маънавият ва маърифат соҳасидаги ислохотлар тарихий меросимиз, миллий кадриятларимиз ва оламшумул анъаналаримизни қайта тиклаш, уларни келгуси авлодларга қолдириш борасидаги ишларни самарали амалга оширишга катта замин яратмоқда. Бундай кенг қамровли фаолиятнинг энг муҳим чора-тадбирлари ва натижалари ўтмишда илм-фан ва маърифатда улкан из қолдирган, халқимизнинг маънавий салоҳиятини юксалтиришда муҳим роль ўйнаган буюк алломаларимизнинг даҳосини ўрганиш ва тафаккур зиёсини чуқур тарғиб қилишдек муҳим ишларда ўз аксини топмоқда. Президентимиз Ш.Мирзиёев, “Бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмайлик: биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган халқимиз. Биз - ҳеч қачон меҳнатдан қочмайдиган, қийинчиликдан кўркмайдиган, адолатни қадрлайдиган, азму шижоатли, буюк халқимиз” [1] деб таъкидлаб, ўтмиш ва бугунги кун маънавий кадриятларининг уйғунлигини эътироф этади.

Минтақамиз буюк давлатчилик ва ижтимоий-сиёсий анъаналарга эга бўлиб, юртимиз тупроғида яшаган ҳукмдорлар, сиёсий арбоблар, мутафаккирлар, донишмандларнинг жамият ва инсон муносабатлари ҳақидаги қарашлари салмоқли бўлган. Алломаларининг ижтимоий-сиёсий қарашлари ҳозирги кунда бизнинг давлатчилик асосларимизни қуришда муҳим назарий манба бўлиб хизмат қилмоқда. Марказий Осиё мутафаккирларининг сиёсат ва сиёсий муносабатларга доир қарашлари улар яшаган давр ва муҳит билан бевосита боғлиқ

бўлиши билан биргаликда, жамиятнинг узоқ келажакдаги истиқболлини ҳам ўзига хос тарзда ёритишга ҳаракат қилинган эди. Ўша даврдаги сиёсий тартиблар, идора қилиш усуллари, давлат тузилиши, инсон камолоти, аҳоли билан мулоқот алломалар ижтимоий-сиёсий қарашларида ўз аксини топган.

Мутафаккирларнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари ҳар бир макон ва замонда жамият ҳамда инсон маънавий такомилнинг муҳим омилларидан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Профессор С.Каримовнинг таъкидлашича, “Ижтимоий фикр тарихининг ҳозирги даврдаги аҳамияти ҳақида гап кетар экан, аввало бу таълим сифатида шарққа хос бўлган давлатни бошқариш, сиёсатни амалга ошириш, демократиянинг ҳуқуқий кенгайтирилган функционал шакллари берилиши ва уларнинг тамойиллар сифатида баён қилиниши ҳуқуқий демократик давлат қураётган бизнинг мамлакатимиз ва қолаверса, бутун шарқнинг мустақил мамлакатлари сиёсий ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга” [2,446].

Мутафаккир Абу Райҳон Беруний ўз даврида жамият аъзоларининг ягона маслак атрофига жипслашиши, инсон ва жамият манфаатлари учун фаол бўлиш, ватанда душманлар ва бошқа хавфларга нисбатан бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиши лозимлиги тўғрисида айтган эди. Мутафаккир кишиларнинг жамиятда мавжуд эҳтиёжлари боис жамоа бўлиб, бир-бирига ўзаро ёрдам асосида яшаш лозимлиги тўғрисида шундай ёзади: “Инсон унда кўплаб эҳтиёжлар мавжудлиги, ўзини ҳимоя қилиш усуллари камлиги ва душманларининг кўплиги боис ўзига ўхшаш кишилар билан ўзаро кўмаклашиш ҳамда бошқаларни таъминлашга қодир ишларни амалга ошириш учун жамиятда бирлашишга мажбур бўлади” [3,83].

Форобий эса, инсонлар бир-бири билан аҳил жамоа бўлиб бирикиб, ягона маслак асосида яшаганларидагина кўзланган мақсадларига етишиши мумкинлигини таъкидлайди. Унинг қарашларида ғоялари инсонларни ижтимоий жиҳатдан бирдамликка чақириши, бир-бирига ўзаро ёрдам бериб яшаш ғоялари илгари сурилиб, фуқароларни жамиятда ижтимоий масъулиятини юқори бўлишига қаратилган эди. Мутафаккир жамиятда кишилар ўзини-ўзи тарбиялаши, ахлоқ ва ҳуқуқий нормаларга онгли тарзда итоат этиши, шахснинг жамият, ижтимоий тузумнинг эса, шахс олдидаги бурчлари ҳамда жавобгарликларининг шаклланиши ва унга амал қилиниши лозимлиги борасидаги оламшумул назарияларни илгари сурган эди.

Мутафаккирнинг таъкидлашича, “Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эришиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади... Шу сабабли яшаш учун зарур бўлган, кишиларни бир-бирига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интилган етукликка эришиши мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради” [4,183].

Инсон ва жамият ўртасидаги теран муносабатлар ҳақидаги қарашлар Ибн Сино илгари сурган илмий ғояларида ҳам кўрсатиб ўтилган. Унинг назарида инсон ижтимоий ҳаёт ва жамоадан ажралган ҳолатда мавжуд бўла олмайди. Аллома инсонни ижтимоий мавжудот сифатида жамиятда маълум вазифаларни бажариши, ижтимоий ҳаёт билан доимий боғлиқ ҳолда истиқомат қилиши ва бунинг эвазига маълум имтиёзларга эга бўлиши борасида фикрлар айтган. У инсонни ижтимоий ролларни бажариши эвазига жамиятда ўз талаблари, эҳтиёжлари ва манфаатларини қондириши лозимлиги, бунинг учун у доимий равишда ижтимоий муносабатларга киришиши ҳамда ахлоқий меъёрларга амал қилиши кераклигини айтиб ўтган. Ибн Сино “Ишорат ва танбиҳот” асарида шундай ёзади: “Инсон ўз шахсий талаблари жиҳатидан бошқалардан ажралган ҳолда яшай олмайди, чунки у инсониятнинг бошқа вакиллари билан муносабатда бўлибгина уларни қондира олиши мумкин” [5,68].

Мутафаккир Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” асарида ҳам инсон ва жамият ўртасидаги ижтимоий муносабатлар борасида фикрлар салмоқли. Асарда кишиларнинг ватанпарвар, бурчга садоқат, ҳуқуқий ва сиёсий жиҳатдан онгли равишда иш тутиши, ижтимоий фаол бўлиш ҳамда давлат ишида масъулиятли бўлиш каби ғоялар илгари сурилган. Кишининг ижтимоий фаолиятида оқиллик, хушфёъллик, мардлик, сиёсий ва маънавий етуклик каби хислатларини ёқлаб, дағаллик, мутакаббирлик, бахиллик ва жохиллик сингари салбий иллатларни қоралайди. Мутафаккирнинг ёзишича, “Барча ишларни маслаҳат билан амалга ошириш кишининг мустаҳкам иродасидан, оқиллиги ва дунёқарашидан далолат беради. Ҳар бир киши маълум бир нарса ҳақида кўпроқ ё камроқ билади. Бир кишининг назарий билими

бўладию, аммо тажрибада уни қўлламаган, бошқа кишининг эса, тажрибаси илми ва билимига ўтган бўлади” [6,97].

Буюк давлат арбоби Амир Темурнинг салтанат тахтини бошқариш қоидалари, ислом дини ва шариат қонунларига риоя қилганлиги, уни қўллаб-қувватлаганлиги, тарғиб қилганлиги, мамлакат устунларини ташкил этган турли табақа ва тоифалар билан биргаликда иш кўрганлиги, тадбиркорлик, фаоллик, хушёрлик, эҳтиёткорлик билан қонунга асосланиб иш юритганлиги, адолат ва инсоф билан иш кўрганлиги, раият, оддий халқ аҳволидан доимо огоҳ бўлганлиги, давлатга садоқат билан хизмат қилганларни ҳурмат қилганлиги эди. Соҳибқироннинг қайд этишича, “Бажарилиши шарт бўлган тадбирларнинг таърифидан ва зикридан сўнг қатъийлик, сабр чидамлилик, соғлигу сергаклик, эҳтиёткорлик ва шижоат билан барча ишлар амалга оширилур. Давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилур. Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши, минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир” [7,10-11].

Улуғ мутафаккир, шоир ва давлат арбоби, Мир Алишер Навоийнинг бутун ҳаёти халқнинг манфаати, фаравонлиги, эркинлиги, маданий-маърифий тараққиётини таъминлаш ғоялари билан уйғунлашиб кетган. Унинг асарларида ижтимоий ҳаётнинг хилма-хил, мураккаб муаммолари, фуқаролар турмушининг реал кўринишлари фалсафий, сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан мукамал ифодаланган бўлиб, даврнинг воқелигини тўла даражада ўзида акс эттирган. Алишер Навоийнинг сиёсий қарашлари унинг давлат арбоби сифатидаги фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Жамиятда ҳукм сурган тартиб-қоидалар, давлатни идора этиш усуллари, сиёсий-ҳуқуқий заминлари, ижтимоий ҳаёт, инсон маънавий такомиллиги, халқ иши учун фидойи, камарбаста бўлиш Навоийнинг сиёсий қарашларида муҳим ўрин эгаллайди.

Навоийнинг сиёсий қарашларидаги инсоннинг ижтимоий ҳаётдаги мақоми, фуқаролик маданияти ва ижтимоий фаоллигини ошириш, жамият тараққиёти ва барқарорлиги учун хизмат қилиш борасидаги инсонпарвар ғоялари ҳақида академик В.Зоҳидов қуйидагича таъкидлайди: “Навоий давлат ишида турганида ҳам бир пас бўлса-да, халқни эсдан чиқармади. У давлатни халқ манфаатларини кўзловчи, халқ орзуларини амалга оширувчи воситага айлантиришга, давлат арбобларини халқ хизматчиларига айлантиришга тиришди ва унинг ўзи намуна бўлди. У давлат ишларини интизомга солишга, ҳукумат идораларини, саройни ярамаслардан, халқ ҳисобига зарбоф тўн кийовчи амалпарастлардан, фитначилардан тозалаш, уларни фош этиш, қамчилаш учун қўлидан келганича ҳаракат қилди” [8,104].

Тарихда кишилар ижтимоий фаолиятининг жамият ва инсон тақомилидаги ўрни борасида ғоялар жадидчилик намоёндаларининг қарашларида ҳам яққол намоён бўлади. Жадидлар ғояларида жамиятда бирлик, яъни ижтимоий ва диний муштараклик, миллатнинг ўз-ўзининг англаши, жамият истиқболини яратиш, инсонни сиёсий ва ҳуқуқий фаоллигини ошириш борасида муҳим қарашлар ифодаланди. Жадидларнинг мазкур ғоялари инсоннинг жамият ва сиёсатга нисбатан қарашлари, дунёқараши ва тафаккурида намоён бўлиб, ахлоқий жиҳатдан тарбиявий аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, А.Авлонийнинг таъкидлашича, “Ахлоқ илмини ўқиб, билиб амал қилган кишилар ўзининг ким эканин, жаноби ҳақ на учун халқ қилганин, ер юзида нима иш қилмак учун юрганин билур. Бир киши ўзидан хабардор бўлмаса, илми, уламони, яхши кишиларни, яхши нарсаларни, яхши ишларнинг қадрини, қимматини билмас” [9,11]. Мутафаккир қарашларида инсон фаолиятидаги диёнат, ғайрат, риёзат, қаноат, шижоат, интизом, виждон, ватанпарварлик, ҳаққоният, ибрат, садоқат ва муҳаббат каби ижобий фазилатлар тарғиб этилган.

Мутафаккирлар сиёсий қарашларини ўрганиш орқали мамлакатимизнинг сиёсий ва давлат қурилиши тарихининг ўзига хос хусусиятларини билиб олиш мумкин бўлади. Бундан ташқари давлат ва жамият, унда бўлаётган сиёсий жараёнлар моҳияти, мамлакатимизда қандай жамият барпо этаётганлигимиз, унинг сиёсий, ижтимоий, маънавий негизи нимадан иборат эканлиги, унинг тарихий методологик базаси қандай эканлиги, сиёсий қарашлар тизимида бизнинг минтақамиз алломаларининг ўрни, уларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларининг моҳиятини очиқ бериш ва мазкур жараёнларни илмий таҳлил қилиш, ушбу масалаларни назарий жиҳатдан кўрсатиб бериш фуқароларнинг ижтимоий масъулияти ва сиёсий маданиятини оширишга хизмат қилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатнома. 2020 йил 24 январь. www.uza.uz

2. Каримов С. Шарқ ижтимоий тафаккури тарихидан. –Тошкент, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2006. –Б. 446.
3. Беруний. Танланган асарлар. Т.3. –Тошкент, Фан, 1996. –Б. 83.
4. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Тошкент, А.Қодирий, 1993. –Б. 183.
5. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. –Тошкент, Ўзбекистон, 1995. –Б.68.
6. Низомулмулк. Сиёсатнома. –Тошкент, “Адолат”, 1997. –Б. 97.
7. Амир Темур ўғитлари. –Тошкент, Наврўз, 1992. –Б. 10-11.
8. Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. –Тошкент, Ўзбекистон, 1970. –Б. 104.
9. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. –Тошкент, Ўқитувчи, 1992. –Б.11.

УЎК 902

ЮЖИН СКАЙЛЕРНИНГ “ТУРКИСТОН” АСАРИНИ ҚЎҚОН ХОНЛИГИ СОЛИҚ ТИЗИМИНИ ЎРГАНИШДАГИ АҲАМИЯТИ

З.Н. Хатамова, ўқитувчи, Фарғона политехника институти, Фарғона

Аннотация. Мақолада Южин Скайлернинг 1876 йил нашр этилган “Туркистон: Рус Туркистони, Қўқон, Бухоро ва Ғўлжага саёҳат қайдлари” номли асари ва унинг Қўқон хонлиги солиқ тизимини тарихини ўрганишдаги аҳамияти ёритилган. Муаллиф “Туркистон: Рус Туркистони, Қўқон, Бухоро ва Ғўлжага саёҳат қайдлари” асарини Ўзбекистонда мустақилликдан кейинги йилларда ўрганилиши даражасига ҳам тўхталиб ўтган.

Калит сўзлар: Қўқон хонлиги, Южин Скайлер, солиқ, закот, савдо, бозор, ипак, асар

Аннотация. В статье освещена работа Юджина Скайлера “Туркестан: Записки путешествия по русскому Туркестану, Коканду, Бухаре и Гулдже”, опубликованная в 1876 году, и его значение в изучении истории налоговой системы Кокандского ханства. Автор также коснулся уровня изучения книги “Туркестан: русские Туркестанские, кокандские, бухарские и Гулжагские записки” в Узбекистане в постсоветские годы.

Ключевые слова: Кокандское ханство, Южин Скейлер, налоги, закят, торговля, рынок, шелк, артефакты

Abstract. In the article, the Book “Turkistan: travel notes to Russian Turkistan, Kokand, Bukhara and Gulje”, published in 1876, and its importance in the study of the history of the tax system of the Kokand Khanate, is covered. The author also touched upon the work “Turkistan: travel notes to Russian Turkistan, Kokand, Bukhara and Gulje” to the level of study in Uzbekistan in the years after independence.

Keywords: Kokand Khanate, Yujin Skayler, tax, zakot, trade, market, silk, masterpiece.

Южин Скайлер Америка Қўшма Штатларининг Санкт-Петербургдаги консули бўлиб, у 1873 йилда Туркистон ўлкасига ташриф буюрган ва саёҳати давомида кўрган воқеаларни қайд этиб борган. 1876 йилда шу қайдларини илк бор Лондонда “Туркистон: Рус Туркистони, Қўқон, Бухоро ва Ғўлжага саёҳат қайдлари” номи билан нашр эттирган [1].

Бу асар дунё бўйича “Туркистон” номи билан машхур ва икки жилддан иборатдир. Шуниси диққатга сазоворки бу асар хорижда бир неча мартаба қайта чоп этилган. Мазкур манбанинг айнан 1876 йилда Лондонда чоп этилган ҳар иккала жилди Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг “Нодир манба ва нашрлар” бўлимида сақланаётган бўлсада, бу асар аксарият маҳаллий манбашунос ва тарихшуносларнинг диққат эътиборидан четда қолган эди [2].

Совет даври тарихшунослигида хорижий сайёҳ ва тадқиқотчиларнинг асарларига маълум маънода мурожаат этилиб, илмий таҳлил этилганлигига қарамасдан, Ю. Скайлер саёҳатномаси акс этган икки жилдли китоб ҳақида деярли эслатилмаган. Бу ҳар ҳолда унинг саёҳати ўлкада Россия империясининг ҳарбий ҳаракатлари фаол давом этаётган, минтақа халқларининг бу даврдаги турмуш тарзи, ўлкадаги ижтимоий-сиёсий вазият, империя маъмуриятининг ҳарбий ҳаракатлари асарда ҳаққоний, батафсил ёритилганлиги билан боғлиқ бўлса керак. Аммо мустақиллик йилларида ушбу асарга бўлган муносабат ўзгарди. Хусусан, тарихчи З.А. Саидбобоев томонидан асарни илмий жиҳатдан ўрганиш ва уни илмий муомалага киритиш ишлари олиб борилди. Муаллиф томонидан мазкур асарнинг таржимаси устида иш олиб борилди, унинг алоҳида қисмлари бўйича бир неча мақола ва маърузалар тайёрланди [3]. Шунингдек, тадқиқотчининг номзодлик диссертациясида Ю.Скайлернинг саёҳат қайдлари ва ўтган йўллари бўйича йўналиш картаси қисқача таҳлил этилган [4].

Ю.Скайлернинг саккиз ой давом этган ушбу саёҳатини тўлиқ акс эттирилган асар йўл хотиралари тарзида ёзганлиги учун ҳам тарихий-географик хусусиятга эга. Асарнинг икки

жилдини қўшган ҳолда ўн уч бобдан иборатлиги ва ҳар бир боб яна кичик сарлавҳали қисмларга бўлинганлиги ўқувчига енгиллик туғдиради. Унинг Қўқон хонлиги тарихига оид қисми биринчи китобнинг учинчи- “Тошкент”, “Тошкент мусулмонлари”, “Бозор ва савдо” деб номланган боблари, иккинчи китобнинг эса “Қўқон” деб номланган боби ҳисобланади.

Қўқон хонлигида солиқ тизимини ўрганишда эса ушбу асарнинг биринчи китобининг бешинчи “Бозор ва савдо” деб номланган боби муҳим ҳисобланади. Унда “Тошкент бозорлари”, “Якшанба бозор”, “Тезаурус”, “Нонвойлар”, “Пардоз буюмлари”, “Ёғлар”, “Пойабзаллар ва терилар”, “Қирғиз бозор”, “Карвонсаройлар”, “Хиндуслар”, “Пул айирабошлаш”, “Пахта яхшиликлари”, “Шойи-ипак ва унинг маданияти”, “Ипакнинг афсонавий тарихи”, “Пул”, “Имтиёзлар ва солиқлар”, “Ўрта Осиё савдоси статистикаси”, “Транспортировка (ташиш)”, “Карвонлар савдоси” деб номланган сарлавҳали қисмлар мавжуд [5]. Асарнинг иккинчи китобининг тўққизинчи (асарда боблар иккала жилд учун умумий рақам билан қўйилган) боби “Қўқон” деб номланган ва унда “Маҳрам”, “Қўқонга яқинлашиш”, “Меҳтарнинг қабулида”, “Оталиқ”, “Сарой”, “Армия”, “Қурол яроқ ва Бердан милтиқлари”, “Қоғоз тайёрлаш”, “Бозор”, “Зерикарли кутиш”, “Рус савдогарларига нисбатан чекловлар ва мажбуриятлар”, “Хоннинг савдо шартномаси ҳақидаги ғояси”, “Евграф”, “Хоннинг талаби”, “Учқўрғон”, “Бизнинг хонга тақдимотимиз”, “Мамлакат ҳаёти”, “Эътикод ва хурофотлар”, “Андижон”, “Задех хон”, “Ўш”, “Олдинга бориш таъқиқланган”, “Марғилон”, “Тошкентга қайтиш”, “Хонликнинг эскизи”, “Бу ҳуқумат”, “Оғир солиқлар”, “Чегирма” деб номланган сарлавҳали қисмлар мавжуд [6].

Қўқон хонлигида солиқ тизимини таҳлил этишда мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳаётига оид маълумотларни тўлиқ ўрганиш талаб этилади ва Ю.Скайлернинг “Туркистон” асарида хонликка тегишли бўлган барча маълумотлар солиқ тизимини ўрганиш учун жуда муҳимдир. “Taxes on trade” деб номланган қисмда савдодан олинган солиқлар, бож тўлови ҳақида баён этилган ва бу солиқ “zakvat” деб номланиши, унинг тартиб бўйича ундирилиш анъанаси ва амалиётдаги ундирилиш ҳолати бир-бирига зид келиши ҳақида айтиб ўтилган. Қўқон хонлигида солиқ тизимини ўрганишда закот солиғининг диний йиғим эканлиги, кейинчалик давлат закотни чорвадорлар ва савдогарлардан йиғиладиган асосий солиқ сифатида олганликларини Бурхоннов И.нинг тадқиқотларидан билиш мумкин [7].

Ю.Скайлер Қўқон хонлиги бошқарув тизимининг қоидалари билан бирга ижтимоий ҳаётдан ҳам мисоллар келтиради, шу билан бирга закотни савдогарлардан ундирилиш тартибини баён этаётган шундай фикрларни беради: “Ҳар бир савдо карвони закот тўлаган....Агарда рус савдогарининг 10000 минг рубльга тенг келадиган маҳсулоти бўлса, 250 рубль закот тўлаган ва бу йил охиригача етган. У бир йилга бемалол мамлакат ичида савдо қилиш имтиёзини олган. Агарда, масалан, савдогар Россияга карвон жўнатган бўлса унинг моллари бир йил ўтганидан кейингина қайтиб келса у закотни бошқатдан тўлаган. Ёки Россияга бир неча маротаба бориб келса ҳам ўша биринчи тўлаган закоти етарли бўлган” [1].

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Schuler E. Turkistan. Notes of journey in Russian Turkistan, Khokand, Bukhara and Kuldja.v.1-2. London, 1876.
2. Давронов Б. Ю.Скайлернинг “Туркистон: Рус Туркистони, Қўқон, Бухоро ва Ғўлжага саёҳат қайдлари” асарини мустақиллик йилларида ўрганилиши//library.ziyouet.uz/book/95967.
3. Саидбобоев З.А. Европада Ўрта Осиёга оид тарихий-картографик маълумотлар (XVI – XIX асрлар): тарих фан. номзоди дис... Тошкент, 2004.
4. Burhanov, I. (2019). Influence of the tax system on political life in the administration of the Kokand khanate. LOOK TO THE PAST, 19(2), 21-27. <https://doi.org/10.26739/2181-9599-2019-19-03>; Burxonov Piyosxon Muxiddinovich. The negative impact of the tax system on political life in the administration of the Kokand Khanate. (18501865). 2019, vol. 1, Issue 13, pp. 21-28.
5. Xatamova, Z. (2020). Expenditure of state funds replenished by taxes in the history of the Kokand khanate. EPRA International Journal of Research and Development (IJRD), 5(3), 274-277.

УЎК: 398.265.48

БАЁНИЙНИНГ ТАРИХИЙ АСАРЛАРИ

М. Эшмуродов, катта илмий ходими, Хоразм Маъмун академияси, Хива

Аннотация. Ушбу мақолада Баёнийнинг тарихий асарлари қиёсий таҳлил қилинган. Ижодкорнинг тарихий асарларига оид ўзига хос хусусиятлар аниқланган.

Калит сўзлар: тарихий асар, маданий мулк, адабий муҳит, тарихий асар услубияти

Аннотация. В статье дается сравнительный анализ исторических трудов Баяни. Выявлены особенности исторических работ мастера.

Ключевой *слова:* историческое произведение, культурная ценность, литературная среда, методология исторической работы

Abstract. *This article provides a comparative analysis of Bayani's historical works. The peculiarities of the historical works of the artist have been identified.*

Key words: *historical work, cultural property, literary environment, methodology of historical work*

Хоразм – энг қадимий маданият марказларидан биридир. Дунё фани ривожланишига катта хисса қўшган олимлар, тарихнавис алломалар етишган бу заминда хонлар ҳукм сурган даврларда миллий тарихнавислик мактаби шаклланди. Улар томонидан яратилган асарларда хонлар тарихини ёритиш баробарида бу ўлка халқлари ҳаёти, хонликдаги маданий-иқтисодий, сиёсий аҳвол ҳақида кимматли маълумотлар берилган.

Мунис ва Огаҳийлар шаклланган илмий ва адабий муҳитда Муҳаммад Юсуф Баёний ҳам яшаб ижод этди. У тарихчи сифатида ўзининг «Шажарайи Хоразмшоҳий» ва «Хоразм тарихи» (иккинчи асар охирига етмаган) асарлари билан Хоразм тарихнавислик мактабида ном қолдирди. Муҳаммад Юсуф Баёний бу тарихий асарлари билан Хоразмда узоқ асрлар давом этиб келган тарихнавислик мактаби анъаналарини давом эттирди [1]. У Мунис ва Огаҳийнинг тарихий асарларидаги воқеаларни қайтадан ёзиб тўлдирди. Ўз даври воқеалари асосида «Шажарайи Хоразмшоҳий», «Хоразм тарихи» номли асарлари билан хонлик тарихида янги саҳифаларни очди. Унинг «Шажарайи Хоразмшоҳий» номли асарида Мунис ва Огаҳийлар томонидан тавсифланган қадимги даврдан то 1873 йилгача бўлган тарихий воқеаликларнинг баёни билан бирга, 1873 йилдан 1914 йилларгача бўлган воқеалар ҳам тасвирланади [2]. Мазмуни ва ғоявий йўналишига кўра бу асар Мунис ва Огаҳий тарафидан ёзилган тарихий асарларнинг хулосаси, давоми ҳисобланади. Бу муаллифларнинг асарлари солиштирилганда шу маълум бўлдики, Мунис ва Огаҳий асарлари дабдабали, мураккаб тил билан ёзилган бўлиб, уларда арабча ва форсча сўзлар, қийин иборалар кўп учрайди. Баёний эса Мунис ва Огаҳийнинг асарларини бир жилдга тўплаб, кўпчилик учун тушунарли бўлган содда тил билан қайта ёзди. Бу ҳақда муаллиф асар сўзбошисида айтиб ўтади: «Огаҳий ҳам Мунис Миробнинг биродарзадаси ва дастпарвардаси эрди. Унинг услубида мажоз ва истиора билан сўз баён этар эрдиким, каломининг диққати сабабдин омма халқи маонийларин фаҳм эта олмас эрдилар. Ул ҳам бу йўсунда ду бора сўз бошлаб, Оллоҳқулихондан то Муҳаммадраҳимхон II замониғача, ҳар хоннинг воқеотин бир мужаллада баён этиб, ҳар бирин бир исм билан мавсум этди. Ул ҳазратнинг (Муҳаммадраҳимхон II) айёми салтанатларидан ҳам кам беш-етти йил воқеотин таҳрир силкига чекди... Бу нусхаларнинг маолик фаҳм этиб, борин бир мужалладга жамъ қилмоқға маъмур бўлдим» [2].

Баёний асарларидаги маълумотлар ишончлилиги билан ҳам аҳамиятлидир. Муаллиф тарихнавислик ҳақида шундай ёзади: «Тарих китоби ёзишни бир шарти бор. Тарихий воқеаларни ёзувчи тарафдорлик этмасдан бўлган воқеаларни ростлик билан баён этиши керак. Агар ростлик билан баён этмаса, унинг сўзлари ҳеч бир одамга маъқул бўлмайди» [3]. Бу сўзлар Баёнийнинг тарих ёзиш мезонига риоя этганини кўрсатади. Умуман олганда, муаллиф асарларини ўша давр тарихий жараёнлари асосида холисона ёзиб қолдирган. Унинг «Шажарайи Хоразмшоҳий» асари 16 бобдан иборат. Асарнинг муқаддимасида унинг яратилиш сабаблари айтиб ўтилган [4]. Жумладан, Баёний «Шажарайи Хоразмшоҳий» асарини ёзиш буйруғини хондан Толибхўжа ибн Авазберди орқали 22 жумод I куни (1329/1911 йили 10 май) олади. Кулёзма Хива хони Асфандиёрхон буйруғига кўра кўчирилган. Қўлёзманинг 16 - варағида олтин суви ва кўк бўёқлар билан бажарилган унвон мавжуд. Мазкур нусха 1333 йили, зу-л-қаъда ойининг биринчи куни, (10 сентябрь 1915 йили) Уста Жума Ниёзнинг ўғли Муҳаммад Яъқуб томонидан настаълик хатида, фабрика қоғозига кўчирилган [5]. Асар 509+6 варақдан иборат ва ўлчови 22x29 см [6]. Ушбу нусхани 1954 йили Я.Ғуломов номидаги Шарқшунослик институтига ҳадя этганлиги маълум. Ундан олдин мазкур асар қайси кутубхонада сақлангани маълум эмас.

Баёнийнинг иккинчи тарихий асари «Хоразм тарихи» деб номланган бўлиб, муаллиф асар муқаддимасида шундай ёзган: «Энди бу кенглик ва фаровон замонда Хоразм халқи золимларнинг зулмларидан мутлоқ қутулдилар ва озод бўлдилар, энди тинчлик билан бу китобни аввалдан бошлаб ёзаман, ундаги хонларга хуш келадиган ортикча сўзлар, хушомадгўйликларни олиб ташлаб, золимлардан кўркиб айта олмаган сўзларни ростлик билан ёзаман» [2]. Муаллифнинг бу сўзларидан асар Хоразм инқилобидан сўнг, адолат мезонига асосланиб ёзилганлигини англаш мумкин.

Баёнийнинг «Хоразм тарихи» номли асари муаллиф режасига биноан 16 бобдан иборат бўлиши лозим эди. Асар муаллиф томонидан 1339/1920-21 йили ёзилган. Ундаги воқеалар баёни 1336/1918 йилгача, яъни Хива хони Асфандиёрнинг вафотигача берилиши мўлжалланган. Муаллифнинг сўзига қараганда бу асар «Шажарайи Хоразмшоҳий»нинг тўлдирилган варианты эди. Бироқ тавсиф этилаётган асар тўлиқ эмас. У фақатгина еттинчи бобнинг бошланиши хон Элтузарнинг (1219-1221/1804-1806 йй.) ҳукумати баёни билан тугаб қолади. Бундан асар тугалланмай қолган деган тахмин қилиш мумкин. Ҳозиргача «Хоразм тарихи»нинг ягона нусхаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сақланади. Хати настаблиқ, қоғози ўқувчи дафтари, ҳажми 90+1 варақ, 22x36. Қўлёзма нусхаси XX асрнинг биринчи чорагининг охирида кўчирилган [6]. Мазкур нусханинг охирида А.Носиров ва А.Жувонмардиевларнинг асарнинг қиммати ҳақидаги қайдлари ҳам мавжуд.

Мунис ва Огаҳий асарлари сингари Баёний асарлари ҳам тадқиқотчилар томонидан ўрганилиб, ўзининг юксак баҳосини олган. Жумладан, Я.Ғуломов Огаҳий ёзган тарихнинг Баёний томонидан қайта ёзилган қисми (1846-1873 й) ҳақида гапириб қуйидагиларни ёзади: «Огаҳий асарларидаги маълумотларни Баёний маълумотлари билан солиштириб кўрилганда катта тафовут йўқ, аммо Баёнийда учрайдиган ва диққатга сазовор баъзи бир маълумотлар тўлиқроқ бўлиб, Огаҳий асарларида мукамал эмас» [7]. Шунингдек, тарихчи М.Й.Иўлдошев Баёний асарлари ҳақида: «Баёнийнинг асари фактик материалларнинг кўплиги ва воқеаларни изчил баён қилиши жиҳатидан Мунис ва Огаҳийнинг кўп томли қўлёзмаларига нисбатан ҳам қимматлироқдир»[8] деган сўзи ҳақиқатдир.

Баёнийнинг асарларида Хоразм тарихининг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётига оид қимматли маълумотлар келтирилган. Шунингдек, Хива хонлигининг сиёсий тарихи жуда муфассал берилган. Бу асарлар Хоразм тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ҳасанов С. Хоразм маърифати - олам кўзгуси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – Б. 294.
2. Баёний. Шажарайи Хоразмшоҳий. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1994. – Б.4.
3. Баёний. Хоразм тарихи // Қўлёзма. ЎзФА ШИ. 5-6 варақ.
4. Муниров Қ. Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари.Т.Фан,1960.. – Б.56-57.
5. Хоразмда битилган қўлёзмалар. – Тошкент.,1997. – Б.17.
6. Қўлёзма. Ўз ФА ШИ. – № 9596. Яна қаранг: СВР, VII. – № 5031.
7. Ғуломов Я.Ғ. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. – Тошкент., 1959. – Б.14.
8. Иўлдошев М. Хива давлат ҳужжатлари. Т. 2. – Тошкент.: Фан, 1960. – Б.23.

NEMIS TILIDA JUFT SO'ZLARNING KELIB CHIQISH TARIXI

Sh.A. Bekmurotova, katta o'qituvchi, Toshkent Davlat Texnika Universiteti, Toshkent

Annotatsiya. Turkiy tillarga oid adabiyotlarda juft so'z komponentlarining tartibi haqida turli fikrlar bayon qilingan. Ushbu maqolada nemis tilida juft so'zlarning kelib chiqish tarixi yotirib berilgan.

Kalit so'zlar: juft so'zlar, morfologiya, qo'shma so'z, komponent

Аннотация. В литературе на тюркском языке высказываются разные мнения о порядке парных словоформных компонентов. В этой статье изложена история происхождения парных слов в немецком языке.

Ключевые слова: пара слов, морфология, синтаксис, совместное слово, компонент

Abstract. In the literature on Turkic languages, various opinions are expressed about the order of the double word components. In this article, the history of the origin of double words in German is suppressed.

Keywords: pair words, morphology, compound word, component.

Nemis tilida juft so'zlar ham frazeologizmlar sanaladi. Tilshunoslikda ba'zi bir olimlar juft so'zlarni frazeologik birliklar sirasiga kiritgan. Ko'p tillar materialida tadqiq qilishgan, jumladan: rus tilida V.V.Vinogradov, nemis tilida I.I.Chernesheva, V. Flaysher, A. Lenkova va A. Iskos, o'zbek tilida esa Hojievlar tomonidan o'rganilgan. Bu olimlar o'z nazariyalarida juft so'zlarni frazeologik birlik deb hisoblashadi. Juft so'zlarning asosiy jihati va hususiyati funksional stilistik bo'yoqdorligidadir. Ikki bir-biriga yaqin bo'lmagan nemis va o'zbek tillarida juft so'zlar muammosi hanuzgacha o'rganilmagan.

Ko'plab frazeolog olimlarimiz ilmiy ishlarida juft so'zlarga nisbatan turli atamalardan foydalanishgan. Nemis tilida bu frazeologik birliklar "Paarformel", "Wortpaar", "Binomiale", "Zwillingsformeln", "sprichtwörtliche Formeln", "Wortgeschwister" [1], "Doppelungen" [2], "formelhafte Wendungen" kabi nomlar bilan ataladi.

A. Iskos va A. Lenkova o'zlarining "Lesestoffe zur deutschen Lexikologie" kitobida juft so'zlarga nisbatan "Zwillingsformeln", "sprichtwörtliche Formeln", va "Wortpaare" atamalarini qo'llashgan [3]. Wernfried Hofmeister "Sammlung der gebräuchlichen Zwillingsformeln in der deutschen Gegenwartssprache" kitobida esa "Wortpaar", "Binomiale" atamalaridan foydalangan.

E.H. Assenine ham o'zining ilmiy maqolasida "Wortpaare" terminidan, I. Brandsh esa "Paarformeln" atamasidan frazeologik birlik sifatida foydalangan.

Sh.S.Imyaminova o'zining "Nemis va o'zbek tillarida juft so'zlar" kitobida "Bugungi kunda juft so'zlar ko'pgina tillarda bir necha nomlar bilan atalgan va aynan nemis tilida inobatga olingan alohida nomi mavjud emas. Shuning uchun nemis tilida "Wortpaare" va "Zwillingsformeln" atamaları ko'proq qo'llaniladi" [4] deb ta'kidlab o'tgan. Juft va takroriy so'zlarning ma'no mohiyati va termin sifatida ham bir-biriga o'zaro yaqinligi va o'xshashligi va bu ikki xil so'z turkumi va ularning bir-biriga munosabati haqida turli tuman fikrlar paydo bo'lishiga sabab bo'ladi. Ko'plab olimlarimiz juft so'zlarni ikki guruhga, ya'ni sof juft so'zlar va takroriy juft so'zlarga ajratadi. Boshqa bir guruh tadqiqotchilarimiz esa juft va takror so'zlarni umumiy belgilarga ega bo'lgan turli so'z kategoriyalar deb ta'riflashadi va ularni alohida guruhlarga bo'lib tekshirishni taklif qilishadi. V. Reshetov va U. Tursunovlarning fikricha, juft so'zlar alohida bir guruh bo'lib, takroriy so'zlar esa qo'shma so'zlar tarkibiga kiradi. O'zbek tilida esa juft so'zlarga oid alohida e'tiborga molik tadqiqot olib borgan professor A. Hojiev juft va qo'shma so'zlar uchun umumiy holda "qo'shma so'z" atamasini qo'llash mumkin emas deb ta'kidlaydi. Uning fikricha, "juft so'zlar mustaqil leksik ma'noli yoki leksik ma'noga ega ikki tarkibning teng bog'lanishi asosida tashkil topib, umumlashtirish, jamlilik kabi ma'nolarni ifodalovchi so'z, so'zning juft formasi" [5] hisoblanadi. Juft so'zlar o'rtasidagi masofa juda yaqin bo'ladi. Misol qilib oladigan bo'lsak; yaxshi-yomon, bog'-rog' va boshqalar.

Nemis tilida esa juft so'zlar yasalishi muammosiga to'xtaladigan bo'lsak, juft so'z yasalishida yangi so'z yasalishi hodisasi uchramaydi. Ular so'z birikmasi ham bo'lolmaydi. E. Agrikola juft so'zlar haqida "Juft so'zlar har doim ikkita o'xshash so'zlardan iborat bo'ladi. Ular o'zaro yaqin munosabatdagi so'zlardir" [6]. Tilshunos olim F.Zeller juft so'zlarni qoidaga asosan **und (va)**

bog'lovchisi orqali ayrim hollarda esa **oder (yoki)** bog'lovchisi orqali bog'lanishini tushuntirgan. Masalan: **es geht alles drunter und drüber (umg)**

es herrscht Unordnung; grosses Durcheinander sein.

разг. все идет кувырком (или вверх дном); полный кавардак (или сумбур); страшная путаница (или не разбериха, сумятиница) –сам черт ногу сломаёт.

Ish chappasiga ketmoq, Hammasi ag'dar-to'ntar bo'lib ketmoq. (M.I.Umarxo'jaev, K.N. Nazarov, Deutsch-russisch-usbekisches Phraseologisches Wörterbuch. S. 23)

I. Chernesheva va M.Stepanovalar juft so'zlarning quyidagicha ta'rifini keltirishgan: "Juft so'zlarning struktural belgisi ma'no jihatidan bir-biriga yaqin bo'lgan so'zlardan tashkil topgan. Ya'ni bu ikki so'zning birlashishi demakdir".

Shu o'rinda aytish mumkinki, nemis tilida juft so'zlar bir so'z turkumiga oid ikki so'z yoki aksariyat hollarda uch, bir xil ma'nodagi yoki qarama-qarshi ma'nodagi so'zlardan hosil bo'ladi. O'zbek tilida esa juft so'zlar tilning qonun-qoidalariga muvofiq holda ikki so'zning teng bog'lanishidan hosil bo'lgan birliklardan kelib chiqadi. Yuqorida ta'kidlaganimizdek nemis tilida juft so'zlar **und, oder** bog'lovchilari orqali hosil bo'lsa, o'zbek tilida esa juft so'z bog'lovchi orqali o'z juftlini hosil qilmaydi. Aksincha "**chiziqcha**" (-) belgisi bilan ifodalanadi.

fix unf fertig (fam)

1. vollständig fertig

2. vollständig erschöpft

1. БЫТЬ ГОТОВЫМ, БЫТЬ В ПОЛНОЙ ГОТОВНОСТИ

2. тайёр бўлмоқ, тап-тайёр, буткул тайёр бўлмоқ.

(M.I.Umarxo'jaev, K.N. Nazarov, Deutsch-russisch-usbekisches Phraseologisches Wörterbuch. S. 39)

Juft so'zlar nemis tili uchun juda muhim sanaladi. Ular gapning mazmunini bo'yoqdorligini aks ettirib, ma'no kuchaytirish xususiyatiga ega. Ammo ular ma'no kuchaytirish vazifasini turli xil yo'llar bilan amalga oshiradi. Bu borada tilshunos olim K.A. Levkovskaya juft juft so'zlarni ma'no ko'chaytirish usullarini to'rtga bo'lib o'rganadi.

1. Bir xil so'zni takrorlash yo'li orqali (durch und durch, über und über, nach und nach, halb und halb).

2. Sinonim so'zlar yoki bir-biriga yaqin so'zlarni bog'lanish yo'li bilan (auf Schritt und Tritt. Hof und Gut, Angst und Bange).

3. Turli ma'no kasb etuvchi so'zlar, ammo ular orasida juda yaqin bog'liqlik mavjud (Haus und Hof, Dreck und Speck.)

4. Ma'no jihatidan bir-biriga butunlay qarama-qarshi bo'lgan so'zlarning bog'lanishi yo'li bilan (Himmel und Hölle, Himmel und Erde, Hund und Katze) [7].

Juft so'zlar haqida fikr yuritganimizda, u nutq san'ati va tilshunoslikda stilistik shakl tushunchasi bo'lib, unda ifodaning darajalanib oshib borishi (kuchaytirish, jamg'arish, umumlashtirish, natijalash, urg'u berish, his tuyg'uning ifodaliligi)ga sabab bo'ladi. Aniqlik o'zaro yonma- yon qo'yilgan so'zlar orqali (bir xil yoki ma'no jihatdan teng) umuman ko'pgina holatlarda ayni o'shalarining ma'no anglatuvchi turkumi bilan aks ettiriladi (Myuller 2009, 11).

Bunga birinchi misol sifatida "Lug und Trug" (yolg'on-yashiq), Klipp und klar (aniq-tiniq), yoki "Schickimicki" (olihta-satang)lar kiradi. Juft so'z yana Binomiale (inglizcha binomial pairs) "qisqa jumalari ikkilik, qo'sh so'zlik" –qisqa qo'sh jumalalar yoki Hendiadyoine nomi bilan ataladi. Oxirgi keltirilgan tushuncha greklarga mansub bo'lib, o'zining so'zma-so'z tarjimasida "eine durch zwei" (ikki orqali bir) degan ma'noni ifodalab, vazifasi jihatidan ushbu stilistik tasvir quyidagidan: o'zaro yonma-yon turuvchi ikki tushunchadan: old ko'makchi (predlog) yoki grammatik bog'lovchi ko'magida bir- biri bilan bog'langan, tashkiliy qismlari tarkibidagi har bir so'zning ma'nosiga qarab emas, balki o'z ichida ikkala so'z orqali jamuljam bo'luvchi bitta ko'chma ma'noga ega jumla sifatida tan olinadi. Keyinroq Myuller o'z qarashlarini davom ettirar ekan, bo'g'inlarning yonma-yon qo'yilishini ("naja", "Mama") juft so'z shakli sifatida atab, ifodalab keladi. Juft so'zlarning "mustahkamlik" deb ataluvchi tipik xususiyatiga ko'ra u kamdan- kam almashinuvchan yoki o'zgaruvchandir. Myuller buni o'z asl holatiga qayta olmaslik holati deb tasvirlab buni yana quyidagi fenomen uchun sabab bo'lishi mumkin deb ataydi: o'z asl holatiga qayta olmaslik oxiri baribir o'sha sabab (asos)ga: tasavvur qilingan, saqlangan ma'lumotni yengillashtirish uchun xizmat qiladi. Mavjud grammatik qoidalardan mustaqil o'sha mantiq tanlanadi, u optimal ravishda tasniflanadi.

1.1 Juft so'zlarning yasalishi

Ikki xissa ortish (ko'payish, ikkilanganlik) ning turli xil turlari uchraydi (farqlash uchun Myuller 2009, 12):

- oddiy juftlashish (ikki xissa ortish) holati: „Arm in Arm“ (qo'lni- qo'lga|qo'ldan qo'lga), „nach und nach“ (oz-ozdan), „von Fall zu Fall“ (holatdan-holatga).
- qofiyaga solingan (qofiyalangan) juftlashish „Schickimicki“ –(olifta-satang), „Techtelmechtel“ - (), bundan tashqari „Rand und Band“ ()
- tovush alternativi bo'yicha : „Hickhack“ (), Pingpong" (), „schnippschnapp"()
- alliteratsiyaga oid juftlanish: (über- haqida) „Stock und Stein", () (auf- usti) „Biegen und Brechen" (), (mit- bilan) „Glanz und Gloria" ()
- assonanslar (o'xshash tovushlar aynan o'sha joyda urg'u oladi): „angst und bange" (), „Hinz und Kunz" (), „gehupft wie gesprungen" ()

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Hähnel E., Putzung: Zur Wörtlbildung und Wortbedeutung. Leipzig, 1995.
2. Wilke E. Schriftdeutsch und Volkssprache. Leipzig, 1925, -P. 62.
3. Iskos A., Lenkova A. Lesestoffe zur deutschen Lexikologie. Leningrad, Procvischinia, 1975, -P.150,162.
4. Sh.S.Imyaminova Nemis va o'zbek tillarida juft so'zlar. –T., 2008. -P.4
5. Hojiev A. Lingvistik terminlarning izohli lug'ati. Toshkent "O'qituvchi", 1985, -B.36
6. Agricola. E. Wörter und Wendungen. Leipzig. VEB Bibliographisches Institut, 1968, -P. 791
7. Левковская К.А. Лексикология немецкого языка. Москва, 1956.

UDC 81-13

THE NOTION OF TEXT IN PRAGMALINGUISTICS

G.K. Elmurodova, Republican Research Centre for development of Innovative methods in Teaching Foreign Languages under UzSWLU, Tashkent

Annotatsiya. Maqolada muallif "matn" tushunchasining ko'p qirraliligi va murakkabligini, terminologik xarakterining ta'rifini aniqlash maqsadida uning xususiyatlarini pragmalingvistik tahlil qilishni lisoniy birlik deb hisoblaydi.

Kalit so'zlar: matn, pragmalingvistika, yozma nutq, nutq faoliyati, kategoriyalar

Аннотация. В статье рассматривается многогранность и сложность понятия "текст", проводится прагмалингвистический анализ его свойств, как языкового единства с целью выявления определения его терминологического характера.

Ключевые слова: текст, прагмалингвистика, письменная речь, речевая деятельность, категории

Abstract. In the article, the author considers the versatility and complexity of the concept of "text", the pragmalinguistic analysis of its properties as a linguistic unity in order to identify the definition of its terminological character.

Keywords: text; pragmalinguistics; written speech; speech activity; categories.

Linguistic pragmatics was defined by Charles Sanders Peirce and Charles William Morris as the science of the speaker's relationship to the signs they use.

Pragmalinguistics (linguistic pragmatics) - philological (linguistic) science (discipline), the field of linguistic research. It is an independent section of communicative linguistics. The central object is the speech act, which is why the provisions of the theory of speech acts are analyzed in detail. Object - the relationship between language units and the conditions for their use in a certain communicative and pragmatic space. Speech act, the minimum unit of speech activity that is identified and studied in the theory of speech acts – the teaching that is the most important component of linguistic pragmatics. One of the provisions of the theory of speech acts is that the minimum unit of human communication is not a sentence or utterance, but "the implementation of a certain type of acts, such as a statement, question, order, description, explanation, apology, gratitude, congratulations, etc". This attitude was in tune with the views in modern linguistics, which are characterized by the desire to go beyond the sentence, to expand the scope of linguistic analysis. This expansion of the research horizon is not an end in itself, but a means to "unload" the semantic description of the sentence and text by removing some components of the General communicative order from it.

A great influence on the development of pragmatically oriented linguistics was exerted by the works of L. Wittgenstein, who defined meaning as usage in language. This means that any utterance can only be interpreted in context, taking into account the nature of the specific situation. To demonstrate this postulate, researchers give various examples. Here is one of them: the statement

it's raining in different situational contexts can have different pragmatic meanings: I'm not going anywhere (refusal), Take an umbrella (advice), Bad weather (statement of fact) and with a question intonation – (request for information).

If there are a variety of opinions about the object and subject of language research within the framework of pragmatics, some similar ideas can be identified:

1) the key concept for describing language communication in pragmalinguistics is the concept of activity;

2) language is a means of dynamic interaction of communicants;

3) the functioning of language is inextricably linked with the situational and sociopsychological context of its use.

It should be noted that the speech act occurs in a certain communicative situation. A communicative situation encourages a person to perform a speech act, and it can be defined as a complex set of "external communication conditions and internal mental States of the communicators represented in speech behavior – utterance...". Thus the speech act is based on three-level unity: locationy, allocatively and perlocutionary. Speech behavior in a communicative situation goes through several stages from establishing contact to completing the dialogue, including intermediate stages-developing the topic and maintaining the conversation. The tactic and art of speech behavior dictates the choice between explicit and implicit expression of communicative intent. If there is an implication in the statement, the communicative competence corrects speech behavior, which is a set of personal qualities and capabilities of both verbal and nonverbal knowledge and skills that provide a person's communicative organization.

Communication competence has five levels:

1) psychophysiological features of the personality (development of mental processes, the device of articulation apparatus, character accentuation, psychological complexes, etc.);

2) ideological orientation of the individual, its values;

3) language competence of the individual (the ability to distinguish between homonymy and synonymy, to choose from the entire diverse arsenal of language tools those that are most acceptable and appropriate for achieving an illocutionary goal);

4) social status: origin, gender, age, profession, social role;

5) communicative knowledge, abilities and skills (communicative norms).

Thus, pragmalinguistics studies language as a means of influence. The subject of pragmalinguistics is a set of language information as a control, i.e. the choice of language tools from a set of equivalent ones for the best impact is made. Speech influences a person's consciousness and emotions, forming and regulating their behavior. In the last decade, pragmalinguistics has been actively studying the nature and functioning of text. A number of scientists focus on various aspects of the text as an element of the communication system. The fact that it is created for the implementation of communication goals and is always associated with the act of communication, for many researchers, is the main argument confirming that the text is primarily a speech phenomenon. The need to refer to the text is an objective and natural phenomenon based on the universal connection and interaction of language units in the process of their functioning. If the text is a language unit, then it, according to L.S.Barkhudarov, M.M.Bakhtin, V.V.Vinogradov, G.V.Kolshansky, should have the same formal characteristics that distinguish it as an integral discrete formation from the general speech flow, as other language units have. The language and grammatical components of a text consist in establishing its grammatical and linguistic features. The language component of the text is expressed in the approach to highlighting its main unit - a certain segment that includes a sequence of related sentences.

Recognizing the text's pragmalinguistics identity, researchers attempt to find the common thing that unites different texts: the reproducibility of language units, a person's systemic knowledge of the world around them. Thus, according to M.M.Bakhtin, the text is "a coherent sign complex, which is built according to the laws of the language, which contains lexical means, pronouns, temporary and modal forms that are reproduced and repeated in the construction of texts for this purpose". G.V.Kolshansky states that "a microsystem that can embody the system knowledge of the world displayed in human knowledge is a text that functions in society as the main language unit". I.A.Zimnyaya states that less definitely about the nature of the text, considering that it is "a more complex phenomenon that cannot be reduced to language (language system) or speech". All this indicates that scientists still do not have a common opinion about the linguistics of the text and, in particular, about the latter's belonging to the units of speech and language units.

In connection with the above, it is particularly important to understand that the difference between language and speech is both necessary and at the same time somewhat conditional. The convention in this case consists only in the fact that language and speech are inseparable from each other - they are two sides of the same phenomenon. One without the other is meaningless. The language system and language material are only different aspects of the only given experience of speech activity (L.V.Sherba). In addition, the use of language in oral and written speech leads to the receipt of text. And then it is called a language material, a speech product.

Different approaches to the consideration of the text led to different definitions of this concept. Each researcher puts his own meaning into this concept and gives the term his own interpretation, based on the postulates of the science of which he is a representative, and in accordance with his scientific views, preferences, with his concept and understanding of the nature of language, speech and man. According to Y.A.Sorokin's calculations, there are about 250 definitions of this concept, which indicates that science has not yet developed an acceptable and generally accepted definition of this concept, since it is one of the most complex objects of research in the world.

I.R.Galperin understands the text as a product of the speech-making process. L.M.Loseva believes that the text is a message in written form, characterized by semantic completeness and a certain attitude of the author to the reported. According to G.V.Kolshansky, this is the connection of at least two statements, in which a minimal act of communication can be completed - the transfer of information or the exchange of thoughts between partners. O.I.Moskalskaya asserts that "the main unit of speech that expresses a complete utterance is not a sentence, but a text, a sentence-utterance is only a special case, a special kind of text." N.D.Zarubina notes that "a text is a written speech work that belongs to one participant in communication, complete and correctly designed".

According to L.V.Sherba, the text is the totality of all that is spoken in a certain specific situation in a particular era of the life of a given social group. A.I.Smirnitsky believes that a speech work contains units of language that express a chain of thoughts; it is not included as a whole in the language, but belongs to a certain sphere of human activity. A speech work can be produced or reproduced. S.G.Ilenko also recognizes the expediency of separating the concepts under consideration. This is how she understands each of them: units of language are inherently reproducible, computable, and "abstract (free of lexical content) models." Filling these models with lexical means converts them into speech units. The latter is a language in action, and the text is a complete speech work. Thus, speech is a purposeful, situation-driven sequence of actions in the use of language that leads to the generation of text. Analyzing the above definitions, we can conclude that the most common view in science is the view of the text as any integral (complete) product of speech activity; it is a speech-creating work. The production of texts, as well as their understanding, occurs in the process of communication or to achieve the goals of communication. Many researchers refer to texts only as "closed", fixed, limited, processed, meaningful, written speech works.

All of the above allows us to say that the diverse multidirectional and at the same time interrelated contradictions are reduced to a general contradiction and interaction that exists in the acts of human communication - between language and speech. In the study of a large and complex range of issues related to the problem of "the notion of text in pragmalinguistics", one can take a two-fold position: on the one hand, clearly understand the productive nature of textual activity, on the other - take into account the communicative nature of acts of text generation, in the process of which there are often obvious mechanisms of reproduction.

REFERENCES:

1. Галперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. -М., 1981.
2. Бахтин М.М. Проблема текста в лингвистике, философии и других гуманитарных науках // Эстетика словесного творчества. М., 1979 С. 281-307.
3. Колшански Г.В. Коммуникативная функция и структура языка. М. 1984. С. 35.
4. Зимняя И. А. Лингвопсихология речевой деятельности. М., 2001. С. 192.
5. Бухбиндер В.А. О некоторых прикладных и теоретических аспектах лингвистики текста//Лингвистика текста и обучение иностранным языкам, Киев, 1978. С. 35.
6. Лосева Л.М. Как строится текст: пособие для учителей. М., 1980. С. 4.
7. Москальская О.И. Грамматика текста. М., 1981. С. 9.
8. Зарубина Н.Д. Текст: лингвистический и методический аспект М., 1981. С. 11.
9. Смирницкий А.И. Объективность существования языка. М., 1954. С.16, 18.
10. Иленко С.Г. Синтаксические единицы в тексте. Л., 1989. С. 6, 72.

FEATURES OF FORMATION OF MEDIA COMPETENCE OF TECHNICAL UNIVERSITY STUDENTS IN THE PROCESS OF TEACHING A FOREIGN LANGUAGE*M.B. Ganixanova, senior lecturer, Tashkent State Technical University, Tashkent*

Annotatsiya. Maqolada mediata'lim bilan bog'liq terminologiya, chet tilini o'qitish jarayonida texnik universitet talabalarining "media kompetentlik" tushunchasini aniqlash masalalari ko'rib chiqiladi.

Kalit so'zlar: mediakompetentlik, talaba, texnik universitet, o'quv jarayoni, chet tili

Аннотация. В статье рассматривается терминология, относящаяся к медиаобразованию, определение понятия «медиакомпетентность» студентов технического вуза в процессе обучения иностранному языку.

Ключевые слова: медиакомпетентность, студент, технический вуз, процесс обучения, иностранный язык

Abstract. The article deals with the terminology related to media education, the definition of the concept of "media competence" of technical university students in the process of teaching a foreign language.

Key words: media competence, student, technical university, the process of learning, a foreign language.

In modern pedagogical research in the context of informatization of society, more and more attention is paid to the use of media resources in the youth environment. Professionally oriented use of modern information technologies of the Internet system becomes an urgent need for future specialists of the labor market. Thus, the co-evolution of the information and educational space makes it an urgent task to develop the media competence of University students.

Therefore, one of the main tasks of professional education of a future specialist is to train a highly qualified professional who can adapt to changing conditions, be able to communicate, extract professionally important information and exchange it, including in a foreign language. In the context of mass communication, the future specialist will have to use modern means of communication and work with the information resources of the Internet, which is marked by the predominance of a foreign-language communication environment, which also indicates the need to form information and communication qualities in the process of studying at the University. In this case, a foreign language plays an important role as a means of forming not only the personality of students, but also the skills to work with information, i.e. media competence.

Pedagogical support for students' acquisition of value orientations in the media space, which are an integral part of their living space, is becoming one of the priority educational areas. We are particularly interested in technical university students, as this category contributes to the socio-economic development of the region and the country as a whole. The concept of "media competence" is interpreted differently in different sources. For example, media competence is considered as "the result of media education, a level of media culture that provides an individual's understanding of the socio-cultural, economic and political context of media functioning, which indicates their ability to be a carrier and transmitter of media cultural tastes and standards, effectively interact with the media space, and create new elements of the media culture of modern society".

Thus, the majority of foreign teachers and scientists dealing with the problem of media education, considering it as a set of knowledge and skills necessary for the development of a creative personality, able to openly express their views, able to find and justify their own professional solutions, feel free to propose unconventional ideas, to adapt quickly to changing production and social situations, to be able to find, analyze information, skills to competently use information. In this regard, the emphasis in the study of academic disciplines is transferred to the process of learning itself, its organization and management. As you can see, modern science has created prerequisites and accumulated a certain fund of humanitarian knowledge for analyzing and solving the problem of developing students' media competence.

However, analyzing the historical and pedagogical literature, we concluded that researchers and teachers still do not see the difference between media education and the use of information technologies, distance learning, and media technology in the educational process of schools and universities. Therefore, using the example of some media technologies, we would like to show how meta-competence can fit into the process of training future specialists, in particular, when teaching a

foreign language. Modern foreign language education should develop the individual's ability to adapt to the conditions of internationalization of education, science and production, when a foreign language becomes a means of communication in a professional context. Researchers have proved that a foreign language is the main significant means of training specialists in higher education institutions and a socially developing potential for personal development. Language training is aimed at adapting them to the rapidly changing conditions of the modern market for new innovative technologies, information systems, and developing the ability to establish contacts with representatives of foreign companies, native speakers of a foreign language and other culture.

In this regard, in the light of the requirements of the generation, a necessary condition for the University training of future qualified personnel is their formation not only as a qualified, but also as a competent language personality capable of successfully performing functional duties in a foreign language environment.

Therefore, the process of teaching a foreign language to students of a technical university aimed at forming media competence is reflected in the goals, selection of content, organization of the learning process, selection of teaching methods and evaluation of learning results formulated in the logic of its conceptual ideas. Using various methods for forming media competence in the process of teaching a foreign language, we develop students' ability to independently plan and organize their own activities for searching, analyzing, and processing information. These skills allow students to interact in a single global information space, to carry out cross-language and cross-cultural communication using modern media.

The use of such teaching methods is one of the most important directions for improving the training of students in a modern university. The formation of media competence involves the use of new technologies and forms of implementation of educational work. First of all, it is necessary to switch from informative forms and methods of teaching to active ones, reorientation from a knowledge-based to an activity-based approach, and search for opportunities to combine students' theoretical knowledge with their practical needs. When you use media technologies in the process of learning a foreign language creates new conditions in the classroom that allow the student to become a subject of training activities, active member of the cognitive process during which students gain knowledge about the language of media, the principles of functioning of foreign-language media; develop skills to carry out mediacommunication in a foreign language; to show willingness to communicate in a foreign language.

As a rule, starting to work in the specialty, when communicating with their foreign colleagues, a young specialist is faced with the need to solve problems of theoretical and practical significance that require a clear and clear thought, the ability to formulate this idea orally or in writing in a foreign language. Therefore, we should not forget about such methods as research, search, and discussion. They, along with media tools, will help to develop a competitive specialist of a new level, who has creative abilities, critical thinking, professional competence, and is able to develop and make decisions in an unstable and rapidly changing situation. These methods will allow future specialists to create some models of scientific research, decision-making models that they can apply in future activities, and not only in it.

Thus, media competence of students in the process of learning a foreign language will allow them to expand their horizons, develop creative thinking, form the necessary knowledge, skills and abilities for future work and get the necessary range of knowledge to work with media resources.

REFERENCES:

1. http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_82134/28c7f9e359e8af09d7244d8033c66928fa27e527.
2. URL: [hüpsY/m. wikipedia. org/wiki/media Competence](https://ru.wikipedia.org/wiki/Media_Competence).
3. Fedorov A.V. Mediacompetence of the individual: from terminology to indicators. - URL: <http://psy-factor.org/lib/fedorov14.htm>.

UDC 808.5

CURRENT RESEARCH IN SOCIOLINGUISTICS

N.Kh. Khamraeva, teacher, Tashkent State Technical University, Tashkent

Annotatsiya. Ushbu maqolada til va sotsiolingvistika bo'yicha dolzarb tadqiqotlar ko'rib chiqiladi va tahlil qilinadi.

Kalit so'zlar: sotsiolingvistika, jamiyat, til, o'zgaruvchanlik

Аннотация. В статье рассматриваются язык и анализируются актуальные исследование социолингвистики.

Ключевые слова: социолингвистика, социум, язык, вариативность

Abstract. *The article discusses language and analyzes current research in sociolinguistics.*

Key words: *sociolinguistics, society, language, variability.*

Historically, sociolinguistics has emerged on the border of such Sciences as linguistics, sociology, social psychology, Ethnography, and cultural studies. It represents the implementation of the research principles of the sociological direction in linguistics at the present stage.

Sociolinguistics is a discipline that stands at the intersection of two Sciences. One of the tasks of sociolinguistics is to define its boundaries. However, it is difficult to define clear boundaries of sociolinguistics, since language as a whole is a social education. The foundation of sociolinguistics creates an "inverse relationship between language and society": if language is generated by society, then society cannot exist without language. A certain reverse linguistic determinism of society, public institutions and institutions forms a general context in which sociolinguistics needs to conduct research on its many problems and where there are prerequisites for maintaining the sociolinguistic status of a separate linguistic discipline. Taking into account the duality of the object of study of linguistics - the distinction between language and speech - sociolinguistics opens up an important theoretical and practical field of research, where the forms, types and types of relationships between language and speech are studied in a social context.

Thus, the interdisciplinary status of sociolinguistics determines the dual nature of its subject, as well as the two-sided nature of sociolinguistic research. Thus, the integrative nature of sociolinguistics finds expression in the conceptual apparatus it uses. For example, a language group, which is considered as the primary concept of sociolinguistic research, is defined on the basis of both social and linguistic characteristics.

The main units of sociolinguistic research are sociolinguistic variables that are characterized by their correlation with a certain level of language structure: phonological, morphological, syntactic, lexical and semantic, as well as with changes in the social structure or social situations. And one of the most common problems that science studies is the problem of social differentiation of language at all levels of its structure, and in particular the nature of the relationships between language and social structures

Sociolinguistics is an interdisciplinary field that studies both language in its relation to society and society in its relation to language. An interdisciplinary approach to solving sociolinguistic problems "makes it possible to overcome the limitations of a widespread view of language and society as objects external to each other and develop a metalanguage and theoretical apparatus for describing and analyzing language and society in their close relationship, for studying language as a social phenomenon interacting with other social phenomena.

Sociolinguistics should not be limited to simply collecting and describing facts, but also use the entire modern range of linguistic methods, which in many cases rely on formalization and abstraction. "The last stages of the development of sociolinguistics has shown that she is following this path. This is evidenced, in particular, by the development of one of the Central problems of sociolinguistics - the problem of communicative competence associated with the problem of presuppositions. Focusing on the tasks of sociolinguistics, presuppositional analysis can be performed not only in relation to individual sentences, but also in relation to texts. In structural linguistics, one of the directions focuses attention primarily on the immanent (internal) properties of the language system as such, in distraction from its connections with man, society, thinking and other factors. Of course, in the methodological aspect, it is possible to distract from extralinguistic factors when describing a language system, but explaining this system only on the basis of its internal laws is a very difficult task, since the existence of a language, its purpose and functions in society are determined by social reasons.

The second approach seems to be the most correct. Recognizing the social nature of the language system itself, it is necessary to understand the different social conditionality of its different layers. If the lexical moment reveals a clear connection with the life of society, then the phonological "floor" is connected with it in a very indirect way. At the same time, it would be wrong to find a direct connection between any linguistic fact and any social phenomena, although in language everything is social, as it can neither develop nor be used outside of society. All this indicates the need for sociolinguistics.

The more successfully linguistics develops problems of language related to its mandatory functions and its very social essence, the more attention it enjoys in society. Thus, using the results of linguosociological research allows us to obtain the most tangible, objective data for a deeper insight into the nature of the actual social characteristics of a particular human collective. The main

theoretical problem of sociolinguistics is the study of the nature of language as a social phenomenon, its place and role in social development.

The review and analysis of scientific literature and research revealed and showed the following topical problems of our time:

- The problem of social differentiation of language:
 - Class dialect.
 - Professional vocabulary.
 - Language of ethnic minorities.
 - Youth slang.
 - Territorial dialect.
- The problem of interaction between language and nation.
- Interaction of language and culture.
- The problem of social aspects of bilingualism.
- The problem of language policy.

Sociolinguistics is related to other fields due to the commonality of both research objects and terminological units, although they differ in definitions. This fact is reflected in the composition of the sociolinguistic term system - a wide range of problems related to the social nature of language, the role of language in society, and the social nature of language.

Social linguistics attracts more and more attention in modern science and is a field of knowledge where the main focus is on the study of language and speech, as well as the forms of language existence, the use of which depends on the status, age, belonging to a particular social group, etc. It is known that language is a social phenomenon, and it is closely connected with society, which in turn plays an important role in the development of the language itself. Sociolinguistics is related to other fields due to the commonality of both research objects and terminological units, although they differ in definitions. This fact is reflected in the composition of the sociolinguistic term system - a wide range of problems related to the social nature of language, the role of language in society, and the social nature of language.

Thus, the analysis showed that sociolinguistics is, first of all, a single set of how people use language to create, Express and certify their needs.

The study of social factors that affect language, which is the science of sociolinguistics, helps to get deeper and more detailed insight into the nature of language, to identify the conditions of its functioning in society, since there are deep and unstable connections between the social functions of language and the language system.

REFERENCES:

1. Megreldze K. Main problems of the sociology of thinking. -Tbilisi, 1973. - P. 380
2. Filin F. P. To the problem of social conditionality of language// Questions of linguistics, -Moscow, 1966, No. 4, -Pp. 39-49.
3. Luckmann T. The sociology of language - Indlanapolls(Ind), 1975.-79 p.

UO’K 81-139

CHET TILI DARSLARIDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI

O. Mo'minova, o'qituvchi, Farg'ona Politexnika Instituti, Farg'ona

Annotatsiya. Ushbu maqolada ta'limning ajralmas qismiga aylanib qolgan zamonaviy pedagogik texnologiyalar va ularni chet tili darslarida samarali tarzda qo'llash usullari haqida fikr yuritiladi.

Kalit so'zlar: pedagogik texnologiyalar, o'qitish metodlari, innovatsiya, texnik vositalar

Аннотация. В данной статье рассматриваются современные педагогические технологии, которые стали неотъемлемой частью образования, и способы их эффективного использования на уроках иностранного языка.

Ключевые слова: педагогические технологии, методика обучения, инновация, технические средства

Abstract. This article discusses modern pedagogical technologies that have become an essential part of education, and how to use them effectively in foreign language lessons.

Key words: pedagogical technologies, teaching methods, innovation, technology, technical means

Hozirgi kunda ta'lim jarayonida interaktiv metodlar, innovatsion texnologiyalar, pedagogik texnologiyalarni qo'llashga bo'lgan qiziqish kundan kunga ortib bormoqda, bunday bo'lishiga sabablardan biri shu kungacha ta'limda o'qituvchi talabalarni faqat tayyor bilimlarni egallashga o'rgatgan bo'lsa, zamonaviy texnologiyalarni o'rgatish esa, ularni mustaqil tanqidiy fikrlashga, kerakli narsalarni izlab topishga, tahlil va xulosa qilishga o'rgatadi. O'quvchi bu jarayonda boshqaruvchilik, yo'naltiruvchilik funksiyasini bajaradi, ta'lim o'quvchi talabalarga to'g'ridan-to'g'ri yo'naltiriladi. Innovatsiya – inglizcha “innovation”- yangilik kiritish, yangilik ma'nosini bildiradi. Innovatsion texnologiyalar pedagogik jarayon hamda o'qituvchi va talaba faoliyatiga yangilik kiritish bo'lib, uni amalga oshirish jarayonida asosiy interaktiv metodlardan to'liq foydalanish imkoniyati mavjud. Interaktiv metodlar bu talaba bilan talaba, talaba va internet, talaba va o'qituvchi o'rtasidagi fikrlash demakdir, ya'ni pedagogik ta'sir etish usullaridir va ta'lim tizimining asosiy qismi hisoblanadi. Bu metodlarni qo'llashda pedagog va o'quvchi- talabalar birgalikda faoliyat ko'rsatishlari kerak bo'ladi. Oliy o'quv yurtlarida zamon talabiga mos malakali kasb egalarini yetishtirishda zamonaviy o'qitish metodlari, ya'ni pedagogik texnologiyalar, inovatsion texnologiyalar muhim ahamiyat kasb etish bilan bir qatorda ular talabalarni jahon standartlari darajasidagi malakali kasb egalari bo'lib yetishishini ta'minlaydi. Ayniqsa, chet tillarni o'rgatishda hozirgi zamon axborot va pedagogik texnologiyalarni ahamiyati katta. Til o'rgatish jarayonida turli xildagi texnologiyalarni qo'llash mumkin. Misol uchun, “Tarmoqlar” (klaster), “Bumerang”, “Loyiha”, “3x4”, “Blits-o'yin”, “Aqliy hujum”, “Axborot uzatish” kabi metodlar ushbu jarayonni yanada qiziqarli va samarali tashkil qilishga yordam beradi. Bu texnologiyalardan birini qo'llash o'qituvchi ixtiyorida, chunki maqsad aniq, ya'ni bu o'quvchi-talabalar bilim saviyasini oshirishda yaxshi natijaga erishishdir. O'qitish jarayonida pedagogik texnologiyalarni qo'llash oldindan loyihalashtiriladi, bunda o'qituvchi o'quv predmetning o'ziga xos tomonini, joy sharoitini, o'quvchining imkoniyati hamda hamkorlikdagi faoliyatini tashkil eta olishini hisobga olishi kerak, chunki bular yaxshi natijaga erishishga yordam beradi. Dars jarayonida o'tilayotgan mavzuni yangi texnologiya asosida o'tishdan oldin o'qituvchi tanlangan texnologiyaning texnologik xaritasini tuzib olishi kerak bo'ladi. Ushbu texnologik xarita mavzuning maqsadi va vazifalarini o'ziga xos xususiyatlarini va eng asosiysi, talabalarining imkoniyati va ehtiyojlarini hisobga olgan holda tuziladi. Pedagogik texnologiyalarni qay darajada samarali tarzda dars jarayoniga tatbiq etish o'qituvchidan psixologiya, metodika, pedagogik va axborot texnologiyalari kabi bir qator ko'nikmalarga ega bo'lishni talab qiladi. Yuqorida aytib o'tilgan metodlardan birini misolda ko'rib chiqamiz. Masalan, “3x4” metodi. Bu metod talabalarni erkin fikrlashga, mustaqil fikr va g'oyalarini ifoda etib berishga qaratilgan. 3x4 metodni quyidagi misolda ko'rib chiqish mumkin. Bunda o'tilgan biror bir mavzu tanlanadi. Masalan, nemis xalqining bayramlari, noaniq zamon fe'llari va h.k. Dars mavzusini o'qituvchi doskaga yozib qo'yadi. Guruhni 3-ga bo'lib tarqatma material beradi va vaqt belgilaydi. Bu materialda bayram nomlari yozilgan bo'ladi, masalan Ostern (Pasxa), Weihnachten. Bu guruhlar o'zlariga tushgan mavzu bo'yicha ma'lumot tayyorlashadi. O'qituvchi berilgan vaqt davomida guruhlarining ishlashini kuzatib boradi. Vaqt tugashi bilan o'qituvchi guruhlarini tinchlantirib ulardan tayyor bo'lgan ma'lumotlarni guruhdan tanlangan vakil orqali navbatma-navbat doskaga chaqirib eshitadi. Ma'lumotni eshitgach, bir-biridan farqlarini aytib baholaydi va so'ngra qolib ketgan kamchiliklarni to'ldirib ko'proq ma'lumot berib o'tadi. Bu metodning maqsadi o'tilgan mavzuni mustahkamlash, tarqatilgan materiallar orqali tarqatma materialdan matn qay darajada o'zlashtirilganini nazorat qilish, ularning bilimini baholash. Dars jarayonida turli xil metodlarni qo'llash o'qituvchi uchun ham, o'quvchi talaba uchun ham katta ahamiyatga ega. Bunda o'qituvchi o'tilgan mavzuni qisqa vaqt ichida barcha talabalar tomonidan o'zlashtirilishiga erishadi. Talabalar faoliyatini oshiradi, ularda darsga nisbatan qiziqish uyg'otadi, bir vaqtda ko'pchilik talabalarni baholaydi, o'z oldiga qo'ygan maqsadlariga erishadi. Talaba esa yangi bilimlarni egallaydi, yakka va guruh bilan ishlashga o'rganadi, nutqi rivojlanadi, eslab qolish qobiliyati kuchayadi, o'z-o'zini nazorat qilishni o'rganadi, qisqa vaqt ichida bir qancha ma'lumotlarga ega bo'ladi.

Ta'lim texnologiyalari pedagogik faoliyatning ma'lum sohasini qamrab oladi. Faoliyat sohasi, bir tomondan, tanlangan texnologiyaga muvofiq uning asosini tashkil etuvchi qatorlar tizimini hosil qilsa, ikkinchi tomondan, faoliyatning tarkibiy qismi sifatida yuzaga chiqadi. Texnologik yondashuv turli sohalari konseptual va loyihali o'zlashtirish, ta'limiy, pedagogik, ijtimoiy faoliyat qirralarini ochishda yangi imkoniyatlarni yaratadi. Jumladan:

- natijalarni yuqori aniqlikda qayd etish va pedagogik jarayonni samarali boshqarish;
- mavjud amaliy tajribani ilmiy asosda tahlil etish va qo'llash;
- ta'limiy va ijtimoiy-tarbiyaviy muammolarni yaxlit hal etish;

- shaxs rivojlanishi uchun qulay sharoitni ta'minlash;
 - insoniyatga noqulay holatlarning ta'sirini kamaytirish;
 - resurslardan oqilona foydalanishni yo'lga qo'yish;
 - kadrlar tayyorlash milliy modeliga muvofiq samarador yangi texnologiyalarni ishlab chiqarish va ijtimoiy-pedagogik muammolarni hal etish imkonini beradi.

Ta'lim maqsadlarining taxlil bayonidan tashqari muayyan o'quv jarayoni uchun ta'lim uslublarini tanlashning muhim sharti sifatida o'quvchilarning bilim darajalarini oldindan tashxislash, ularning ko'nikma va malakalarini mavjud talablar bilan taqqoslash e'tirof etiladi. Ta'lim jarayonining borishi o'quvchilarning belgilangan maqsad yo'lida harakat qilishlarini uzluksiz nazorat qilishni ko'zda tutadi. Mazkur jarayon texnologik ta'lim tizimining yuqori darajali imkoniyatlarini ochib beradi. Pedagogik texnologiya ta'lim maqsadiga tashkiliy-uslubiy vositalar yordamida erishish mumkinligini ifodalaydi. Agar texnologik tizimlarda asosiy e'tibor bilimlarni uzatish va o'quvchilar tomonidan o'zlashtirilgan bilimlar darajasini aniqlash maqsadida nazorat yo'lga qo'yish borasidagi harakatlar tizimini ishlab chiqishga yo'naltirilgan bo'lsa, uslublar majmuasini tanlash asosan empirik asosda amalga oshiriladi.

Texnologik yondashuvning yana bir xususiyati bo'lgan davriy ketma-ketlik pedagogik texnologiyaning nazariy asoslarini yoritishga xizmat qiladi. Va rejalashtirilgan standart natijalarga erishish imkoniyatini beradi. Ta'limning to'laligicha standartlashtirishga yo'naltirilganligi texnologik yondashuvga xos bo'lib, u didaktikada ta'limning asosiy jihatlaridan biri sifatida e'tirof etiluvchi va keyingi tillarda butun jahon pedagogikasining tadqiqot obyektiga aylangan o'qituvchi hamda o'quvchi o'rtasida yuzaga keluvchi munosabatlar mazmunini ifodalaydi.

Shuni xulosa qilib aytish kerakki, til o'rgatishda hozirgi zamon texnologiyalarini qo'llash juda katta ahamiyatga ega va bu pedagogdan katta mahorat, o'zi ustida ko'proq ishlash, yetarlicha bilim, ko'nikma va malaka bo'lishini talab qiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Xorijiy filologiya til-adabiyot-ta'lim/Ilmiy-uslubiy, adabiy-badiiy jurnal. Samarqand. 2007 4 (25).
2. Eshmuhammedov R., Abduqodirov A., Pardayev A. Ta'limda innovatsion texnologiyalar. Toshkent 2008.
3. Innovatsiya o'quv jarayonida/Ilmiy-uslubiy maqolalar to'plami. Toshkent. 2010.

UO'K 81-13

INGLIZ TILIDA HAZIL-MUTOYIBA GAPLARINING TARJIMA USULLARI VA UNDAGI QIYINCHILIKLAR

F.S. Norbekova, o'qituvchi, O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti, Toshkent

Annotatsiya. Ushbu maqolada ingliz tili matnlarida va filmlarida uchraydigan hazil-mutoyiba so'zlarning o'zbek tiliga tarjima qilishda qo'llanilishi mumkin bo'lgan prinsiplar va hazil gaplar tarjimasida duch keladigan muammolar yoritilgan.

Kalit so'zlar: hazil-mutoyiba, tarjimon, tarjima prinsiplari, iboralar ekvivalentligi, kognitiv birlik, subyektiv yondashuv, so'z o'yini, leksik qiyinchilik, asliyat, tarjima tili

Аннотация. В данной статье освещены принципы перевода английских юмористических текстов и рассматриваются актуальные проблемы перевода юмора.

Ключевые слова: юмор, переводчик, принципы перевода, эквивалентность выражений, когнитивное единство, субъективный подход, игра слов, лексическая сложность

Abstract. This article provides the principles of humor translation from English into Uzbek and reveals basic problems and challenges in converting humorous texts into Uzbek.

Key words: humor, joke, translator, principles of translation, equivalent of phrases, cognitive unit, subjective approach, pun, lexical challenges, source language; target language.

Hazil tarjimasida har doim tarjimonlar uchun katta qiyinchiliklardan biri bo'lib kelgan, ayniqsa bu madaniyat kabi qo'shimcha lingvistik elementlarni tarjima qilishda anchagina qiyin. Hazil universal holat hisoblansa ham baribir har bir madaniyatning o'ziga xos xususiyati bor, va ba'zida bitta madaniyatning hazilini ikkinchi ma'daniyatga moslash qiyin, bunda ikkinchi til egalari to'la qonli yetqazib bermoq kerak. Ushbu maqolada hazil qanday tarjima qilinishi, hazil gaplar tarjima qiyinchiliklari va tarjimada qaysi elementlar qo'llanilishi haqida so'z boradi.

Hozirgi kunda televideniya ekranlarida namoyish etilayotgan serial yoki filmlarda hazil-mutoyibaga to'la sahnalar tez-tez uchrab turibdi. Ajablanarlisi, ba'zi sahnalarni biz aktyorlarning harakatini tomosha qilibgina u qism hazil gap qatnashgan sahna ekanligini bila olamiz; baholanki

tarjimaning o'zida hazil- mutoyiba hissi saqlanib qolinmagan bo'ladi. Binobarin, tushunish madaniyati hazil-mutoyibada muhim rol o'ynaydi, shuning uchun ham o'ta muhimdir.

Ba'zan biz o'zbek tiliga tarjima qilingan ingliz yoki turk komediyasini tomosha qilganimizda, kulgili qismlarga kulmaymiz yoki hazilni tushunmaymiz. Buning sababi hazil madaniyatda ildiz otgan, hazil bir xalqning xulq-atvori, hayot tarzi va tarixining bir qismidir. Shu sabab hazil gaplar tarjimasida ikkala tilni ham tushunish bilan bir qatorda, madaniyatini tushunishni ham talab qiladi.

Aslida hazil nima? Hazilga sodda ta'rif beradigan bo'lsak, bir shaxsning ikkinchisiga kulguli yoki masxaratomus gap aytishi va davra o'rtasida kulgu, xursandchilik ko'tarilishidir. Ammo ba'zan kimnidir xursand qilaman deb aytilgan narsa ham boshqa insonga yoqmasligi mumkin, ya'ni hazilni jiddiy qabul qiladi. Shu o'rinda tarjimon hazilni effektini ham matndan anglash, hazilni aniqlash va uni tarjima qilishda ushbu jihatni e'tiborga olish lozim. Hazilni aniqlashdagi qiyinchilik shundaki, u juda sub'ektivdir.

Oslo universiteti tadqiqotchisi va professori Jeroen Vandael so'zlariga ko'ra "Hazil tarjimasida" boshqa tarjima turlaridan sifat jihatidan farq qiladi. Hazil gaplar boshqa sohalar kabi oson tarjima qilinmaydi.

Hazil gaplar tarjimasida uchraydigan muammolar:

Birinchi, hazil yashirin bilimlarni talab qiladi. Barcha madaniyatlarning o'ziga xos xususiyati bor masalan, kuladigan omillar va tabular. Tarjimon o'ziga xos madaniyatning hazil-mutoyibasini va qanday tarjima qilinishi mumkinligini va qanday tartibda tarjima qilishni chuqur o'ylashi lozim. SL madaniyatiga putur yetqizmagan holda.

Ikkinchi muammo shundaki, hazil sotsiologik omillarni (madaniyatni) o'z ichiga oladi. Ushbu kategoriyada lug'aviy denotatsiya va konotatsiya tarjimini yanada qiyinlashtiradi:

Lug'aviy konotatsiya o'zga bir tilning ma'lum bir so'zi, tushunchasi, realiyasini o'girishda uchraydi (masalan, "Iranian suzani" so'zana so'zi ingliz tiliga forsiydan asliligicha olingan). Lug'aviy konseptsiya mavjud bo'lmaganda, lingvistik bog'lanish qiyinchiliklarga olib kelishi mumkin. Luga'viy konotatsiya murakkabligi shundaki, qachonki SL dagi so'z ma'nosi tushunarsiz yoki TLda u so'z boshqa ma'noda ishlatilsa; masalan turkchadagi "kravat" so'zi Ruscha va o'zbekchada *yotoq mebel* degan ma'noda ishlatiladi, turkchada esa bu *bo'yinbog'* degani.

Hazil tarjimasida madaniyat hal qiluvchi rol o'ynaydi va tarjimonidagi topish g'oyasini qo'llab-quvvatlaydi. TLdagi so'zning ekvivalenti berilsa, tom ma'noda tarjima bir xil yumoristik effekt bermasligi yoki ba'zi hollarda, TL auditoriyasi orasida xafagarchilikka olib kelishi mumkin.

"Hazil, ko'zlangan effekt sifatida, yashirin ko'rinishga ega (kulgi), ya'ni kulguni tarjimonga ko'rsatish juda qiyin".

Biz hazilni boshqasiga tarjima qilsak, bu tarjima qilinayotgan tilda kulgiga sabab bo'lmasligi mumkin, chunki biz hazil dunyosiga ega ikki xil madaniyat bilan shug'ullanamiz. Masalan, qora tanlilar haqida hazillar, ehtimol qora hamjamiyatida ish bermaydi. "Hazilni tushunish va baholash bilan hazilni yaratish bu ikki xil mahorat; tarjimonlar ushbu jozibador ta'sirni boshdan kechirishlari mumkin, ammo kitobxon hazilni qayta ishlab chiqara olmasligi mumkin".

Men shu fikrga qo'shilaman. Nega desangiz, hamma ham yumorni tarjima qila olmaydi. Masalan, QVZ ko'rik tanlovidagi nutqlarni olaylik. Menimcha, u yigitlar juda talantli, va har kim ham bunday hazillar qila olmaydi. Bu bilan men faqatgina talantli insonlarga yumoristik matnlarni, nutqlarni tarjima qilish qobiliyatiga ega demoqchi emasman, balki yumoristik mahorati kam bo'lgan tarjimonlar hazilomus matnlarni ishlab chiqishda qiynalishlari mumkin.

"Hazillarni baholash har xil bo'ladi. "Hamma ham hazilni bir xil tushunmaydi. Hammaning qarashi har xil. Men uchun kulgili bo'lgan gap birov uchun kulgili bo'lolmasligi ham mumkin. Shuning uchun tarjimonlarning vazifasi matnning hazil, istehzo va kulgili qismlarini tushunish va ularni tarjima qilish, chunki o'sha jumla tarjimon uchun kulgili bo'lmasa ham, u ma'lum bir auditoriya uchun kulguli bo'lishi mumkin. Hazil subyektiv bo'lganligi bois, tarjimon ba'zi muammolarga duch kelishi mumkin. Ikkinchi, tarjimon TL jamiyati uchun mos keladigan ma'lumot topishi kerak. Ya'ni, agar hazil TLda kulguli holatdan ko'ra ko'proq drama ko'rinishga o'tib ketsa, yaxshisi tarjimon u qismni tarjimada moslashtirishi yoki tushirib ketgani ma'qul.

Yevgeniy Nida, tarjima sohasida zamonaviy yondashuvlar bo'yicha lingvist olim, u so'zma so'z tarjima SL dagi matnni TL ga ko'chirishda to'la to'kis ma'nosi bilan ko'chira oladi, degan fikrga e'tiroz bildiradi. Tarjima qilish o'z ichiga SL dagi matnni TLda qayta ishlashdan iborat, birinchi- ma'no jihatdan, ikkinchi- uslub jihatdan. Uning fikricha tillar orasida ekvivalentlik yo'q, tarjimon shunchaki eng yaqin kelgan ekvivalentni tanlasa bo'lgani. Bu yerda ikkita tushuncha yuzaga keladi: Dinamika va rasmiy ekvivalentlik. Dinamik ekvivalentlik ko'proq tabiiy tarjimini qo'llab-quvvatlaydi. Bu o'qish qulayligini ta'kidlaydi, bir xil xabarni yetkazish uchun fikrlar tarjima

qilinadigan matn. Shuning uchun, tarjima asl holidek chiqmaydi, so'zlar o'zgaradi, grammatik struktura o'zgaradi, ammo TLdagi o'quvchi matnni o'z madaniyati doirasida tushuna oladi. Tarjimada originallikka intilsada, to'raligicha asliyatni saqlab qolib bo'lmaydi. Nidaning fikriga ko'ra, dinamik ekvivalentlik romanlarni tarjima qilishda qo'l keladi, chunki romanda asliyatni saqlab qolish unchalik muhim emas, ammo diplomatik matnlarda, asliyatning saqlanishi maqsadga muvofiq bo'ladi.

Quyidagi hazillar Povel qalamiga mansub "Mechanisms of Humour, by Raskin and Humour in Society," kitobidan olingan.

"Did you hear about the Irish who took a ruler to bed so he could tell how long he had slept?"

Bu hazilda bemalol so'zma so'z tarjimadan foydalansak bo'ladi, chunki bu yerda yashirin ma'no yoki madaniy doiraga oid ma'no yashirinmagan.

Uxlashdan oldin qancha uxlaganini o'lchash uchun o'zi bilan chizg'ichni olib uxlagan Irland haqida eshitdingmi?

"How do you make a Scotsman mute and deaf? By asking him to contribute to a charity". Mana bu gap esa o'zbek tiliga tarjima qilinganda yumoristik bo'yoqdorlik yo'qoladi, chunki bizning jamiyatimizda hayriya qilish ijobiy va jiddiy ma'noda hazil doirasida ishlatilmaydigan mavzu bo'lganligi bois.

Bir shotlandni chakagini yopish uchun nima qilish kerak? Undan hayriya uchun pul so'ra.

Xulosa qilib aytganda, hazilni tarjima qilishda muvaffaqiyatga erishish uchun tarjimon uch xil ko'nikmalarga ega bo'lishi kerak: kommunikativ, ijodiy va madaniy ko'nikmalar. Tarjimon hech bo'lmaganda tarjimada qatnashadigan madaniyatlar haqida biron bir tushunchaga ega bo'lishi, ehtimol tarjimada o'zining ijodiy qobiliyatlaridan foydalanishi kerak.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Khalida Hamid Tisgam Translating Cultural Humour: Theory and Practice
2. Judit Garcia Barros "The translation of humour in English comedy series"103698- Treball de Fi de Grau Grau en Traducció i Interpretació Cours acadèmic 2014-2015
3. Чан Тхань Тунг О переводимости русских юмористических текстов на фоне вьетнамской лингвокультуры; Кафедра русского языка и методики его преподавания Российский университет дружбы народов
4. Trajan Shipley Young Toward a humor translation checklist for students of translation, 17, 2007, pp 981-988

UO'K 398.89

O'ZBEK XALQ MAROSIM VA UDUMLARIDA DARAXTLAR BILAN BOG'LIQ E'TIQODIY QARASHLAR

G.B. Rustamova, o'qituvchi, Buxoro davlat universiteti, Buxoro

Annotasiya. Ushbu maqolada o'zbek folklorida daraxtlar kulti, daraxtlar bilan bog'liq totemistik qarashlar hamda ularning o'zbek xalqining ko'p asrlik an'analari, udum va marosimlarida, shuningdek, ushbu marosimlarning ajralmas qismi bo'lgan xalq qo'shiqlarida qay darajada o'z aksini topganligi ilmiy jihatdan asoslangan.

Kalit so'zlar: daraxtlar, marosim, kult, evrilish, qora tol, beshik, tobut, hassa, "hayot daraxti", baxshi, tut daraxti

Аннотация. В этой статье обсуждается культ деревьев в узбекском фольклоре, тотемистические взгляды на деревья и их распространение в многовековых традициях, обычаях и обрядах узбекского народа, а также в народных песнях, которые являются неотъемлемой частью этих церемоний.

Ключевые слова: деревья, церемония, эволюция, черная ива, колыбель, гроб, трость, «дерево жизни»

Abstract. This article discusses the cult of trees in Uzbek folklore, totemistic views on trees and their extent in the centuries-old traditions, customs and rituals of the Uzbek people, as well as in folk songs, which are an integral part of these ceremonies.

Keywords: trees, ceremony, evolution, black willow, cradle, coffin, cane, "tree of life".

Tadqiqotning obyekti. O'zbek xalqiga xos an'ana va marosimlari hamda ularning ajralmas qismi bo'lgan xalq qo'shiqlari.

Tadqiqotning predmeti. O'zbek marosim va udumlarida daraxtlarga e'tiqod izlarini o'rganib, uning tarixiy-mifologik ildizlarini yoritish orqali yosh avlodni milliy qadriyatlarga hurmat ruhida tarbiyalash.

Tadqiqotning usullari. Maqolada daraxtlarga e'tiqod bilan bog'liq tushunchalarning kelib chiqishi, o'ziga xos badiiy talqin etilishi, ramziy-timsoliy obrazlantirilishi tarixiy-qiyosiy metod asosida ilmiy tadqiq etilgan.

Inson tabiatning tarkibiy qismi sifatida vujudga kelgan va rivojlangan. Shu sababli insoniyatning eng qadimiy an'analari, marosim va bayramlari ham bevosita tabiat, undagi o'zgarishlar, yil fasllari va mehnat jarayoni bilan uzviy bog'liq bo'lgan.

Qadim zamonlardan buyon dehqonchilik madaniyati yuksak darajada taraqqiy etgan mamlakatimizda tabiatning boqiyiligini ulug'lash va o'simliklar kulti bilan aloqador ko'pgina an'analari vujudga kelgan. Hayot daraxti haqidagi mifologik qarashlar zahirida ham tabiatning boqiyiligi to'g'risidagi ibtidoiy inonchlar yotadi. Ajdodlarimiz kuzda o'z yaproqlaridan judo bo'lgan dov-daraxtlarning erta ko'klamda yana barg yozishi, shuningdek, bahor kelishi bilan dala-qirlarning o't-o'lanlar, gul-chechaklar ila qoplanishida tabiatning ramziy ma'nodagi o'lib-tirilishi timsolini ko'rganlar. Tabiatning ko'klamgi uyg'onishi haqidagi mifologik qarashlar o'simliklarni, daraxtlarni timsollashtirishga asoslangan agrar kultlar va magik xarakterdagi ramziy harakatlar tizimidan iborat rituellarning yuzaga kelishiga zamin hozirlagan.

Qadimgi insonning daraxtlarni o'zi bilan qondosh, ruhan yaqin deb o'ylashi, insonning ruhi tug'ilganicha ham, o'lganidan keyin ham daraxtda bo'ladi deya tushunishi, inson joni ruh bo'lib bir ko'rinishdan boshqasiga (jumladan, hayvonmi, daraxtmi yoki biror o'simlik ko'rinishiga) evriladi deb qarashi daraxt va o'simliklar olami bilan ham bog'liq e'tiqodning shakllanishiga olib kelgan. Shu e'tiqodning izlari tug'ilish hamda o'lim yuz berishi munosabati bilan o'tkaziladigan marosimlarda sezilarli darajada saqlanib qolgan. Binobarin, bola tug'lganda uni qora tol, tut yoki boshqa mevali daraxtlardan tayyorlangan beshikda yotqizish yoki dunyoga kelgan o'g'il chaqaloq nomiga terak ekish va bola bilan teng o'sib-ulg'aygan shu terakni unga atab qurilgan imoratga ishlatish, shuningdek, inson vafot etganda uni qora toldan yasalgan yog'och tobutga solib, dafn qilish uchun ko'tarib ketish, tobut oldida daraxt tanasidan hassa tutib turish, mayit qabrga qo'yilib, ustidan tuproq tortilgach, hassakashlarning o'z hassalarini qabr boshiga yoki atrofiga suqib qaytishi odatlarida daraxt bilan bog'liq e'tiqod yaqqol ko'zga tashlanadi.

Xalqimizning urf-odat va marosimlarida qo'llanib, e'tiqodiy qarashlarni o'ziga singdirgan bu kabi predmetlar folklor asarlarida ko'pincha ramziy ma'no-mazmunda talqin etilishi kuzatiladi. Shu orqali ularning inson hayoti bilan bog'liqligi haqida avlodlardan-avlodlarga o'ziga xos usulda xabar qoldirilgan.

Xalqimiz qadim zamonlardan beri beshikning qanaqa daraxtdan yasalishiga alohida e'tibor bergan. O'tmishda beshikni, asosan, tut, o'rik, olma, qaroli, yong'oq kabi mevali daraxtlardan yasaganlar. Beshikning mevali daraxt tanasidan yasalishida insonning sermeva – ko'p farzandli bo'lishiga oid istak ramzan nazarda tutilgan. Hozir ham beshiksozlar bunga qisman amal qilishadi. Lekin hozir beshikni bola tolday sersoya bo'lsin deb toldan, yana xushqomat bo'lsin deb arg'uvon va qarag'ay daraxtlaridan ham yasashadi, chunki odamlar mevali daraxtlarni kesishni uvol bilishadi. Lekin baribir beshikning ikkita dastcho'basini va yug'isini mevali daraxtdan yasaydilar. Toshkentlik beshiksozlar beshikning yug'i va gardishlarini tutdan yasashadi. Bu kabi an'analari bolalar folklorida ham o'z ifodasini topgan:

O'rik yog'och beshiging, alla,
O'rgilib ketsin onang, alla,
Tut yog'ochdan beshiging, alla,
Termulib o'tsin onang, alla[2, B.13].

Bu alla matnida bola beshigi poetik ta'riflanar ekan, uning qanday daraxtdan yasalganligiga alohida e'tibor berilganini qayd etish lozim. Axir beshik – go'dakning uyi-da, u shu beshikdagina orom olishi, shunday paytlarda esa, ona o'z yumushlarini amalga oshirishi mumkin.

Beshik poetik ta'rifida u yasalgan daraxt turiga ishora alohida o'rin tutadi.

Qarolidan beshigi, qayrilib oling, dadasi.
Zardolidan beshigi, zar to'kib oling, dadasi.
Olmadandir beshigi, olqishlab olsin onasi.
Tutdandir beshigi, to'kilib kelsin ammasi.
Jiydadandir beshigi, jikillab kelsin opasi.

O'zbek ustalari o'rik, tut, sada va boshqa daraxtlarining magik ta'siriga ishonch tufayli bolalar beshiklarini, odatda, ana shularning yog'ochidan yasaydilar. Bu fikrni xalq baxshilarining do'mbiralari nisbatan ham aytish mumkin. An'anaviy inonchga ko'ra, bunday beshiklarda ulg'aygan bolalar serfarzand, baxtli, el bahramand bo'ladigan kishilar bo'lib yetishadilar.

Motam marosimida hassakashlar o'z hassasini ramziy ma'noda tayyorlashadi. Ya'ni marhum uvali-juvali kishi bo'lsa, hassa uchun mevali yoki qora tol daraxtidan novda olinadi. Agar marhum hayotdan befarzand o'tgan bo'lsa, hassa terak yoki boshqa mevasiz daraxtdan tayyorlanadi.

Marhum qabrga qo'yilib ko'milgach, hassalarni qabr boshiga (ba'zan atrofiga) suqib ekish odati asosida ham ma'lum mifologik tasavvur-tushunchalar yotadi. Go'yo shunday qilinsa, marhum ruhi shu hassalardan biriga ko'chib, qayta tiriladi deya tasavvur qilinadi. Shu o'rinda qadimgi insonlarning "hayot daraxti", "umr daraxti" haqidagi mifologik qarashlari yodga tushadi. Demak, qabrga suqib ekilgan hassalar marhum ruhiga abadiylik baxsh etuvchi, uni qayta tiriluvchi hayot daraxtidir. U o'zida abadiy hayotni aks ettiradi.

Hassada hayot mavjudligi g'oyasi xalq epik asarlarida, ayniqsa, afsonalarda yerga suqilgan hassaning qayta unib daraxtga aylanishi motivi shaklida saqlanib qolgan. Jumladan, bu an'anaviy motivga Bahouddin Naqshbandiy nomi bilan bog'liq afsonalarda duch kelish mumkin. Unda aytilishicha, hozirgi paytda Bahouddin Naqshbandiy ziyoratgohida saqlanayotgan katta tut yog'ochi bir vaqtlar aziz avliyoning yerga suqib qo'yilgan hassasidan qayta unib chiqqan daraxt ekan.

Qurigan, ildizsiz, tayoq shaklidagi hassaning qayta ko'karib, daraxtga aylanishi o'ziga xos xayoliy uydirma, badiiy to'qima, epik talqin bo'lib, shu orqali mo'tabar kishilarning ilohiy qudrati mubolag'ali, ta'sirchan qilib bayon etiladi. Hassaga nisbatan xalq e'tiqodi ta'kidlanadi.

Folklorshunos D.O'raeva ta'kidlaganidek, qadimgi insonlarning daraxt totemi, hayot daraxti, umr daraxti bilan bog'liq mifologik qarashlari, daraxtni o'ziga homiy kuch deb anglashi, unga nisbatan magik himoya vositasi deya munosabatda bo'lishi hassaning kelib chiqishiga asos yaratgan [5].

Xalq orasida "hassalar marhum qabriga soya bo'ladi" deb izohlanadi. Bu talqin asosida hassaning daraxtga aylanishi va shu orqali marhum ruhi qayta tirilishi haqidagi ishonch yotadi.

Baxshilar do'mbirasining qulog'i, albatta, archa daraxtidan yasalgan. Archa ham xalq tasavvurida barhayotlik ramzidir. Archaning qishin-yozin bir xilda, yam-yashil tusda turishi, ko'pincha tog'da – yuksaklikda o'sishi odamlarni hayratga solgan. Bu hodisalar sirini anglolmagan inson archani sirli, magik qudratga ega deb qarashiga olib kelgan. Archaning yoqimli hidi esa uni yaxshi ruhlar qo'nim topgan manzil deb qarashga olib kelgan. Hatto taom tayyorlashda ham archadan foydalanishgan, bu jarayon hozirgi kunga qadar ham saqlanib kelmoqda. Archaning ko'p yillik daraxt ekanligi xalq qo'shiqlarida ham e'tirof etilgani kuzatiladi:

Tog'da archa ming yil umr ko'rarmi,
Shoxi sinsa zargar ko'mir qilarmi.
Zargarning bilgani archa bo'larmi,
Bilib bergan ko'ngil judo bo'larmi.

Qadimdan archa daraxti ko'miri eng yaxshi pista ko'mir hisoblangan. Qo'shiqda shu hayotiy voqelikka urg'u qaratilmoqda.

Yevropa xalqlari yangi yilda, albatta, archani uylariga olib kelib, uni turli yaltiroq bezaklar bilan bezatishadi. Archa kirgan uyga qut kiradi, deb qarashadi. Demak, archa bilan bog'liq e'tiqodiy qarashlar xalqimizga ham xosdir. Jumladan, baxshilarning "Do'mbiram" termalarida, odatda, do'mbira cholg'u asbobining mevali daraxtdan yasalishiga, uning qulog'i esa qattiq va chidamli bo'lgan archa yog'ochidan tayyorlanishiga e'tibor qaratiladi:

Bo'yog'ing zardolu, qopqog'ing tutdan,
Ulfating bor yurtdan bo'lgan, do'mbiram.
Seni menga qilib bergan ustakam,
Yelim minan qilgan ekan mustahkam,
Chertganda berasan bulbulday muqom,
Tovushim qanoti bo'lgan, do'mbiram.
Bo'yog'ing zardolu, qulog'ing archa,
Chuldirab so'ylasang bu fayzli kecha,
Orqangdan ergashar xaloyiq necha,
Katta mening siyim bo'lgan, do'mbiram [4].

Xalqning daraxtlarga nisbatan e'tiqodiy munosabati maqol va topishmoqlar orqali ham seziladi. Jumladan, daraxtlar haqida yaratilgan maqollarda shunday o'gitlar ilgari suriladi: "Payti kelsa daraxt gullar", "Yolg'iz daraxt o'rmon bo'lmas, Yolg'iz yog'och pana bo'lmas", "Daraxt bir joyda ko'karar", "Daraxt yaprog'i bilan ko'rkam, Odam – mehnati bilan", "Daraxt–havodan, odam – mehnatdan", "Daraxtni – mevasi, otni – siynasi, odamni mehnati bezaydi", "Do'lanani ko'rganda tog' esingdan chiqmasin". Ko'rinyaptiki, bu maqollarda daraxt va inson obrazlari o'zaro parallellikda talqin etilmoqda.

Xullas, xalqimiz orasida uzoq zamonlardan beri daraxtlar bilan aloqador tushunchalar, an'analar saqlanib kelayotir. Ular qadimiyligi, an'anaviyligi, o'zida turli inonch-e'tiqodlarga oid dalillarni saqlab qolganligi bilan ilmiy-estetik ahamiyat kasb etadi. Ularda daraxtlar timsoli o'ziga xos ramziy ma'no-mazmun tashib keladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Alaviya M. O'zbek xalq marosim qo'shiqlari. – T.: Fan, 1974. – 222 b.
2. Boychechak. Bolalar folklori va mehnat taronalari. To'plovchilar: O.Safarov, K.Ochilov. –Toshkent: Adabiyot va san'at nashriyoti, 1984. – B.13.
3. Jabborov I. O'zbek xalqi etnografiyasi. – T.: O'qituvchi, 1994. – 312 b.
4. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. Хрестоматия. – Т.: Алоқачи, 2008.
5. Ўраева Д. Ўзбек мотам маросими фольклори. – Т.: Фан, 2004. – 120 б.

UDC 81-139

TO THE QUESTION OF THE RELATIONSHIP OF PHONOSTILISTIC MEANS AND PHONOSTILISTIC UNITS

K.O. Saparova, DSc, prof., UzSWLU, Tashkent

Аннотация. Мазкур мақола фоностилистик воситалар ва фоностилистик бирликлар ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилади. Мақолада фоностилистик воситалар ва фоностилистик бирликлар ўртасидаги муносабатларнинг назарий асослари ёритилади. Мақола фоностилистик воситалар ва фоностилистик бирликларнинг турлари ва ўзига хос хусусиятларини ёритиб беради. Мақолада рус ва ўзбек тилларида стилистик бўёқдорликка эга сўз ва ибораларнинг фоностили унли ва ундош товушларда фонетик ўзгаришлар ва функцияси бўйича фарқ қилиши алоҳида таъкидланади.

Калит сўзлар: фоностилистик воситалар, фоностилистик бирликлар, фоностилистика, фоностил, стилистик бўёқдорлик, фонетик ўзгаришлар.

Аннотация. В данной статье рассматриваются отношения между фоностилистическими средствами и фоностилистическими единицами. В статье освещаются теоретические основы релевантности фоностилистических средств и единиц фоностилистики. Описаны типы фоностилистических средств и единиц и раскрыты их особенности. В статье подчеркивается, что в русском и узбекском литературных языках есть фоноварианты слов и фраз, которые имеют стилистически окрашенную функцию и различаются по фонетическим модификациям в области гласных и согласных.

Ключевые слова: фоностилистические средства, фоностилистические единицы, фоностилистика, фоностил, стилистическая окраска, фонетические модификации.

5. Словарь таджикского языка. Том 1-2. -М.: Советская Энциклопедия. 1969. на тадж. языке.
6. Хушенова С.В. Изафетные фразеологические единицы таджикского языка. -Душанбе: Дониш,1971

7. Хасанов А. Як вожаи пурбори «Шохнома» (Одно ценное слово «Шахнаме») //Вестник университета. 2001, №3. –С.35-44. на тадж. языке.
8. Хикматуллоев Н. Смысловые и стилистические особенности лексических синонимов. –Худжанд: Ношир, 2013. на тадж. яз.
9. Джураева С. Синонимы в поэзии Абдурахмана Джами. –Хульанд: Меъродж, 2011. на тадж. яз.
10. Джураева С. Сорок синонимов одной иранской лексической единицы в переводе «Та`рихи Табари» Абуали Табари// Гулистони маърифат. -Худжанд, 2012. –С. 122-125. на тадж. языке.
11. Джураева С. Сходные по смыслу эвфемизмы одного вульгаризма в переводе «Та`рихи Табари»// Забон-рукни тоат (сборник статей). Книга шестая. –Душанбе: Маориф ва фарханг, 2013. –С. 101-106. на тадж. языке.

УЎК 81-13

ТЕХНИКА ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИДА ТАЛАБАЛАРГА ФРАНЦУЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

З.Т. Имамова, ўқитувчи, Тошкент Давлат Техника университети, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада техника таълим йўналиши талабаларига француз тилини ўқитиш методикаси ёритиб берилган.

Калит сўзлар: француз тили, методика, педагогик фаолият

Аннотация. В данной статье освещена методика преподавания французского языка студентам технических специальностей.

Ключевые слова: французский язык, методика, педагогическая деятельность

Abstract. This article covers the methodology of teaching the French language to students in the direction of technical education.

Key words: French language, methodology, pedagogical activity

XXI аср ҳар томонлама ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон мустақилликка эришган вақтдан бошлаб чет тилларини чуқурроқ ўрганишга ҳар томонлама имкон ва йўллар яратилган. Мустақилликка эришганимиздан кейин асосан инглиз тилига эътибор кучайди. Шу баробарида бошқа чет тиллари, хусусан, француз, немис, испан тиллари ҳам ўқув режаларига киритилган. Вақт ўтган сари чет тилларига бўлган талаб ортиб бормоқда. Сўнгги йилларда француз тилига бўлган эътибор ортмоқда. Деярли барча ўрта махсус ва олий таълим билим юртларида иккинчи тил сифатида француз тили киритилган. Чет тилларини ўргатишда бир неча методлар яратилган. Бу методлар олимлар томонидан ўрганилиб чиқилган, хато ва камчиликлари бўлса тузатилган. Мисол учун, Р.К.Миньяр-Белоручов чет тилларини ўргатишнинг қуйидаги методларини яратган:

1. Тушунтириш методи;
2. Кўрсатиш методи;
3. Мустаҳкамлаш методи.

Келтирилган методлар барча олий таълим юртларида таълим олаётган талабалар учун самарали методлардан ҳисобланади. Мисол тариқасида оладиган бўлсак, техника таълим ёналишидаги талабаларга ушбу уч методни қўллаб кўрамиз.

Даставвал тушутириш методи орқали дарс жараёни амалга оширилади. Тушунтириш методи-бу ўқитувчи ўқув дастурида белгиланган фонетик, граматик, лексик материалларни ўқувчига хилма хил кўргазмали қуроллардан, таълимнинг техникавий воситаларидан фойдаланган ҳолда тушунтиради. Шу орқали, ўқувчиларда дастлабки фонетик, лексик, граматик кўникмаларни шакллантиради ва бу кўникмаларни амалда қўллаш йўлларини кўрсатади. Мисол учун, қуйидаги сўзларни келтиришимиз мумкин:

- a) Traction f- чўкиш
- b) Reservoir m –сув омбори
- c) Paroi f- пардевор
- d) Engine m- механизм, асбоб
- e) Force de reaction –реакция кучи
- f) Envelope f-корпус

Юқорида келтирилган мисоллар орқали ўқитувчи фонетик ва лексик жиҳатини ўқувчига ўргатади. Фонетик жиҳатдан оладиган бўлсак, талаффуз ўзгариб кетиши мумкин. Биринчи сўзимизнинг талаффузи қуйидагича бўлади: [tg'fksion]. Кўриниб турибдики ёзилиши бошқача, ўқилиши бошқача. Бу фонетик жиҳат бўлса, лексик жиҳат сўзнинг қайси родга мансублиги ҳам ўрганилади. Барча мисолларнинг ёнида ё f ё m ҳарфи турибди. Бу

шуни англатадики, француз тилидаги барча отлар икки турга бўлинади. Булар женский (f) род ва мужской (m) род. Бу томондан бошқа тилларга қараганда қулайлик яратади. Бошқа чет тилларида отлар асосан уч турга бўлинган.

Грамматик жиҳатдан ушбу сўзларни гапларда қандай қўллаш, уларнинг гаптаги ўрнини ўргатади.

Бу метод ўқув материалларини мантикий изчилликда баён қилиш, турли маълумотлардан фойдаланиш, фанлараро боғлиқликни таъминлаш, ўзбек ва француз тилларини қиёслаб тушутириш имконини беради. Бу методнинг самарадор бўлиши асосан ўқитувчининг методик маҳоратига, яъни ўқув материалларини қизиқарли ва тушунарли баён қила олиши, ифода матнларини қўндалиги, мантикийлиги ва образлилигида боғлиқ. Бу эса ўқитувчидан жуда катта куч-ғайрат, билим, маҳорат ва доимий изланишни талаб қилади. Ўқитувчи доимо талабаларни мавзуга жалб қилиши, уларни мавзуга қизиқтириши керак. Шунинг учун ҳам бу метод таълим жараёнида энг кенг қўлланилган метод ҳисобланади.

Иккинчи метод бу кузатиш методи. Чет тилини ўрганишнинг муҳим методларидан бири саналади. Бу метод асосан дарс вақтида ўқувчиларни мавзуни тушуниши, уни қандай қабул қилишини кузатишдан иборатдир. Агар ўқувчи дарсни тушунмаса, ўқитувчи бошқа йўллар билан унга тушунтириши шарт.

Учунчи методимиз бу-мустаҳкамлаш методидир. У асосан дарс жараёнининг дарсни мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади. Бу метод жуда ҳам талабалар, қолаверса, ўқитувчиларнинг ўзларига ҳам фойдали. Зеро, ота-боболаримиз бекорга “Такрорлаш-билимлар онаси” демаган.

Ҳозирги замонавий босқичда чет тилини ўргатиш, ўқитиш:

- 1) амалий йўналишда бўлиши;
- 2) коммуникатив фаолиятда етакчи бўлиши;
- 3) ўқитишга ҳар томонлама ёндашиш;
- 4) мумкин қадар ўқитиш жараёнини тезлаштириш, вақтдан унумли фойдаланиш;
- 5) турли хил метод, усулларни қўллаш;
- 6) аудио-визуал воситалардан фойдаланиш;
- 7) дастурли таълим элементларни қўллаш, мустақил ишлатишни талаб қилади.

Чет тилини ўрганишда қайси восита муҳим роль ўйнайди?- деган савол пайдо бўлиши мумкин. Лексикани ўргатиш тилни ўргатишнинг асосини ташкил қилади. Лексикани мукамал эгалламасдан нутқ фаолиятининг турларига: гапиришга, эшитиб ва ўқиб тушунишга, фикрни ёзма баён қилишга ўргатиб бўлмайди. Ўқувчи сўзларни эшитиб, ўқиб таний олмаса, билмаса, эшитилган ва ўқилган нутқнинг мазмуни мавҳумлигича қолади. Тинглаб тушунишнинг лексик томони устида ишлаганда, уни тинглаб қабул қила олиш, таний олиш машқлари кенг ишлатилади, чунки лексикани тинглаб қабул қилиш, таний олиш ҳам ўз хусусиятига, қийинчилигига эгадир. Гапиришнинг лексик томонининг ўзига хос хусусияти мавжуд. Ўқувчи уни билмаса гапира олмайди, билганда ҳам ўрнига қўя билиши керак. Ўқишнинг лексик томони ҳам алоҳида қийинчилик туғдиради. Ўқувчи ўқишда кўриб қабул қилади. Шунинг асосида ўқиб маълумот олиш, тушуниш учун сўзларни таний олиши, ўқий олиши, уларнинг маъно мазмунини билган, ўрганган бўлиши керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Denisova L.G. The place of intensive methodology in the system of teaching a foreign language in high school. - Foreign languages at school, 1995, No. 4.
2. Komkov I.F. Methods of teaching a foreign language. - Mn., 1979.
3. Kongsheva A.V. Modern teaching methods // TetraSystems, 2005.
4. Leontiev A.A. Thought processes in learning a foreign language. - Foreign languages at school, 1975, No. 5.
5. Lozanov G. Fundamentals of suggestology. - In the book: Problems on suggestologist. Sofia, 1973.
6. Lozanov G. Suggestopedia in teaching foreign languages. - In: Methods of Intensive Teaching of Foreign Languages. Vol. 1, M., 1973.
7. Mayorova M.A. Some psychological and pedagogical features of the selection, volume and distribution of educational material in an intensive course of study by the method of activating the reserve capabilities of a student's personality. - In: Activation of educational activities. Issue 1, M., 1981.

УЎК:82-311.4

ВИКТОРИАН ДАВРИ АДАБИЁТИДА ИЖТИМОЙ РОМАН ЖАНРИ ТИПЛАРИ

Х. Мухаммедова, катта ўқитувчи, PhD, ЎзДЖТУ, Тошкент

Аннотация. Мазкур мақолада инглиз адабиёти тарихида йирик даврни ўзида акс эттирган викториан даврида шаклланган ижтимоий роман жанри типлари таҳлил

этилган.

Калим сўзлар: викториан даври, инглиз адабиёти, роман жанри, ижтимоий роман, тип, роман хусусиятлари

Аннотация. В данной статье рассматривается социальный роман в английской литературе викторианской эпохи.

Ключевые слова: викторианская эпоха, английская литература, жанр, роман, социальный роман, тип, особенности романа

Abstract. This article focuses on the Victorian period in English literature, the development and origins of the social novel's types.

Key words: Victorian period, English literature, novel genre, social novel, type, features of novel

Ғарб адабиёти мисолида ижтимоий роман жанри тараққиётини очиб бериш учун унинг эволюцияси, ривожланиш тарихи ва викториан роман типларини кўриб чиқиш талаб этилади. Инглиз адабиётида йирик даврни ташкил этувчи Викториан даври адабиёти роман жанри тараққиётида муҳим аҳамиятга эга. Инглиз адабиёти тарихида роман жанрига Даниэл Дефо асос солган бўлса, унинг кейинги ривожланиш босқичлари бевосита XIX аср танқидий реализм даврида рўй берди. Ижтимоий роман жанри ўз навбатида узок йиллик тарихни ўзида камраб олади.

Ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий кудрати оғир саноатининг қанчалик ривожланганига қараб белгиланганидек, ҳар қандай миллий адабиётнинг инсоният эстетик тафаккурига қўшган ҳиссаси ҳам ундаги романчиликнинг салмоғи билан тайин этилади. Чунки роман миллат бадиий тафаккурининг тараққиёт даражасини намоён этади. Илк романлар миллоднинг XII-XIII асрларида роман тилларида сўзлашувчи халқлар орасида юзага келган. “Роман тиллари” тушунчаси “Рим (Рома)га тегишли” деган маънони англатиб, латин тили асосида шаклланган испан, италян, португал, румин, фламанд, француз, инглиз ва бошқа тилларни ўз таркибига олади. Илк романлар пайдо бўлган даврда Оврўподаги деярли барча давлатлар учун латин тили расмий ва бадиий тил саналарди. Аҳолининг асосий қисми эса латин тилини билмас, бинобарин, адабиётдан бебаҳра эди. Ана шундай шароитда, аҳолининг руҳонийлар ва аслзодалардан кейинги учинчи ва сон жиҳатидан энг катта қатлами бўлмиш иш одамлари, қосиб-хунармандларга тушунарли бўлган тилдаги, уларнинг дидига мувофиқ келадиган асарларга эҳтиёж пайдо бўлди. Роман ана шу эҳтиёж натижаси ўлароқ юзага келди. Илк пайдо бўлган чоғида роман тилларининг бирида яратилган асар роман саналиб, “роман тилидаги қисса ёки ҳикоя” маъносида “conte roman”, яъни “роман ҳикоя” деб аталган бўлса, кейинчалик “roman” сифати мустақил маъно касб эта бошлайди.

Адабиётшунос олим ва таржимон И.И.Веденский “Инглиз адабиёти очерклари” да роман жанрига тўхталиб “эпопея - янги европейцнинг иши эмас, ўрта асрлар маҳсули эса ягона роман бўлиб, грек эпопеясининг шакли биз учун ғоят оғирлик қилади” деб таъкидлайди [1.37]. Адабиётшуносликда роман жанрига катта эътибор берган олим М.М.Бахтин “Реализм тарихида тарбиявий роман ва унинг аҳамияти” деб номланган тадқиқотида роман жанри шаклланишига қараб уни типларга ажратади [2.161]. М.М.Бахтин фикрига кўра роман жанри шаклланишига биноан ёшга оид роман, туркум, яъни цикл роман, автобиографик роман, реалистик роман ва дидактик-педагогик романларга ажратилади. Айнан романнинг бешинчи тарбиявий роман типини жанр муаммосини тушунишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлайди.

Роман жанри адабиётшунос олимлари А.В.Диалектова, С.В.Гайжонас, С.Гиджей, Р.Дарвина, В.Н.Пашигорев, А.Зуева, Л.Пинской, Н.Берковский, М.Г.Соколянский, Д.Лукачлар томонидан унинг генезиси ва эволюцияси ўрганилган бўлиб, асосан немис маърифатпарварлик даври мисолида кенг таҳлил қилинган.

Адабиётшунос Д.Лукач “Роман назарияси” тадқиқотида анъанавий тарбиявий роман намунаси сифатида Гётенинг “Вильгелм Мейстернинг таълим олиш йиллари” асари мисолида абстракт идеализм ва романтизмнинг таъсирини таҳлил қилишга ҳаракат қилади [3.26].

XIX аср Европаси илм-фан учун нечоғлик сермахсул бўлган бўлса, роман учун ҳам шу қадар сермазмун бўлди. Яъни, бу аср – буюк истеъдод соҳиблари ва бутун оламни ўзгартириб юборган кашфиётлар асрига айланди. Роман замонавий жанр сифатида эътироф этилди, жамиятнинг урф-одатларини, маънавий ва ахлоқий қиёфасини ўрганувчи сабабларни тадқиқ этувчи ҳодиса даражасига кўтарилди.

XIX аср 40 йилларида Европа давлатларида ишчилар ҳаракатининг авж олиши, турли ижтимоий-фалсафий таълимотларнинг пайдо бўлиши танқидий реализм адабиётига ўз таъсирини кўрсатди. Натижада, роман жанрида объектив воқеликни инқилобий руҳ замирида тасвирлашнинг илк тажрибалари ҳам юзага келди. Аср охирида танқидий реализм Ғарб адабиётига жиддий ўзгаришларга учради.

Викториан даври бевосита қиролича Виктория (1837-1901) номи билан узвий боғлиқдир. Айнан викториан намоёндалар ўз адабиётининг маънавий қимматини миллий менталитетнинг вужудга келиши ва унинг тарихи, цивилизацияси мисолида исботлаб беришди. Ч.Диккенс, У.Теккерей, опа-сингил Бронтелар, Э.Гаскелл, Ж.Элиот асарларида, қийинчиликларга ва қарама-қаршиликларга қарамай, Англиянинг ижтимоий ва сиёсий кўриниши романларда очиқ-ойдин ва батафсил тасвирланди. Асарларда кўтарилган мавзуларнинг турфа хиллиги асосан ижтимоий муаммолар доирасида тасвирланди ва викториан даврининг йирик адиби Чарльз Диккенс ижтимоий роман жанрига асос солди.

Викториан адабиётда ижтимоий жараёнлар кесимида шаклланган ижтимоий роман жанри ривожланишига кўра куйидаги типларга бўлинади.

1. Тарбиявий роман
2. Автобиографик ёки автобиографик тарбиявий роман
3. Готик роман
4. Манчестер романлари
5. Гувернанткалар (уй устозлари) романи
6. Ижтимоий психологик роман

Юқорида келтирилган ижтимоий роман типлари викториан даври адиблари асарларида ҳар бир роман типига хос элементлар билан яққол акс этади.

Танқидчи Д.Слотер ижтимоий роман жанрининг типи бўлган тарбиявий романнынг кейинги эволюциясини Европа адабиёти мисолида очиб беришга уринади. Д.Слотер идеализм концептини рад этган ҳолда тарбиявий роман атамаси асарга бўлган муносабатни кўрсатади деб ҳисоблайди ва асар қаҳрамони жамият талабларига қарши исён кўтаради [4.94]. Асар қаҳрамонининг исёни натижасида тарбиявий роман XIX асрда ўз шаклини ўзгартириши кузатилади. Натижада ижтимоий романдан вужудга келган тарбиявий роман муаммолари кенгайиб, жамиятда рўй берган янги аспектларни ҳам ўзида қамраб ола бошлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Введенский И.И. Outlines of English literature. Essays of Thomas Show. Библиотека для чтения. 1847. Т. 83. №8. Отд. 5. С. 37.
2. Бахтин М.М. Роман воспитания и его значение в истории реализма. Эстетика словесного творчества. Сост. С.Г.Бочаров, примеч. С. С. Аверинцев и С. Г. Бочаров. – М.: 1979. Искусство, 1979. С.236.
3. Лукач Д. Теория романа (Опыт историко-философского исследования форм большой эпикки). Новое литературное обозрение.–1994.– № 9. – С. 19–78. – URL: 1994.
4. Slaughter D. Bildungsroman. The Encyclopaedia of the Novel. Ed. by P. M. Logan. – Chichester: Blackwell Publishing Ltd., 2011. – P. 97.

УДК 81-139

О ГЕНЕЗИСЕ ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКИХ ТЕРМИНОВ В КИТАЙСКОМ ЯЗЫКЕ

С.А. Носирова, к.ф.н., доц., Ташкентский государственный университет востоковедения, Ташкент

Annotatsiya. Ushbu maqolada qadimgi Xitoyning Temuriylar davlati bilan tashqi siyosiy aloqalari, diplomatik vakolatxonalar va ularning tashqi siyosati lug'atining ma'lum terminlarini shakllantirish va tarqatishdagi o'rni to'g'risida ma'lumotlar berilgan. Zamonaviy xitoy tilining ijtimoiy-siyosiy terminlarining ba'zi professional cheklangan xususiyatlari, terminlarning genezisi batafsil tahlil qilinib, semantik sohasi Xitoyning tashqi siyosati bilan chambarchas bog'liqligi ayrim terminlarning semantik xususiyatlari orqali ochib beriladi.

Kalit so'zlar: *ijtimoiy-siyosiy terminologiya, semantika, leksema, strategiya, diplomatiya*

Аннотация. *В рамках данной статьи даётся информация о внешнеполитических отношениях древнего Китая с государством Тимуридов, о дипломатических миссиях и их роли в образовании и распространении некоторых терминов внешнеполитической лексики. Семантическая сторона общественно-политических терминов современного китайского*

языка анализируется на базе генезиса некоторых терминов тесно связанных с внешней политикой Китая.

Ключевые слова: общественно-политическая терминология, семантика, лексема, стратегия, дипломатия

Abstract. This article also provides information on the foreign policy relations of ancient China with the Timurid state, on diplomatic missions and their role in the formation and dissemination of certain terms of foreign policy vocabulary. Some of the professionally limited features of the socio-political terms of the modern Chinese language, the semantics of which are closely related to the topic of diplomacy, the genesis of some terms is analyzed in detail, namely those terms whose semantic field is closely related to China's foreign policy.

Key words: socio-political terminology, semantics, lexeme, strategy, diplomacy

Знаменитый китайский революционер, демократ Сунь Ятсен, говоря о дипломатическом протоколе, формальности и языке дипломатии, отметил следующее: «Дворцовый и дипломатический этикет империи имеют настолько тонкую грань, что изменение лишь одного слога в слове, может изменить лестное обращение к представителю власти в насмешку. Для того что бы узнать обращается ли чиновник к представителю иностранного государства с насмешкой или нет, требуются глубокие знания по китайскому языку, литературе, истории и культуре. Таким способом имперский чиновник пытается показать свое превосходство над окружающими и насколько ниже его стоят «ян гуйцзы – иностранные черти» [1, с.76].

Как появились широко применяемые в настоящее время в современном китайском языке общественно-политические термины? Имелись ли их эквиваленты в древних временах? Какой была их трансформация в рамках лексико-семантических свойств терминов? Для того, чтобы ответить на эти вопросы нам следует обратиться к некоторым внешнеполитическим, т.е. дипломатическим терминам:

Значение “外交” существенно отличается от смысла современного термина дипломатия. Согласно китайским источникам, «чтобы слуга не злоупотреблял доверием своего правителя, он должен избегать 外交» [2, с.1]. Значит, “wajjiao” имеет в виду тайные отношения с другим правителем. Другое значение 外交 - это выражать «личное социальное отношение».

Как пишется в произведении «Автобиография Денг Тонга»: «Денг Тонг относился с неприязнью к 外交» [3, с. 134]. В данном случае 外交 мог означать скорее всего “тайные связи” или “общественные отношения с другими лицами”.

«外交» - началась применяться как эквивалент термина дипломатии только с недавних пор. В буквальном смысле 外交 означает «внешние связи» или «связь с иностранными государствами». Согласно изложенному в словаре «Ци Юэн» определению, «外交» означает осуществляемые межгосударственные отношения и подписываемые между государствами соглашения» [4, с.3009]. Если исходить из вышеуказанных определений, то смысл термина дипломатия следует понять так: «Взаимоотношения одного государства с другим государством или межгосударственные отношения».

В Древнем Китае «дипломатия» “外事” выражалась словом «внешние дела». Данный факт первый раз встречается в хронике Дзуо Жуан [2, с.4]. В хронике Жонгханг Хуанзи говорит так: «请复贾季, 能外事», т.е. рекомендую дать должность “贾季” Дзядзи, потому что он мастер «外事» [2, с.4]. Если снова вернуться к произведению «Троецарствие», брат Сун Чуена Сун Цэ перед смертью завещал своему младшему брату следующее: «内事不决问张昭, 外事不决问周瑜», т.е. «Если ты не уверен в “内事”, посоветуйся с 张昭 Жанг Жао, если не сможешь сам решить “外事”, бери совет у 周瑜 Жоу Ю. “内事” и “外事” в Древнем Китае означал внутренние и внешние дела. То есть в Древнем Китае значение дипломатии выражалось словом “外事”. Это слово все еще применяется в своем настоящем значении.

Иногда термин «дипломатия» выражался словом “外务”. Например, в конце эпохи династии Цин (1644-1911) был создан отдел внешних дел, который называли “外务部”. Это является эквивалентом современного термина “外交部” (Министерство иностранных дел).

В дипломатии используются такие термины, как “外援 wai yuan” (иностранная помощь) и “外宾 waibin” (иностранный гость). Как рассказывается в хронике Дзуо Жуан “左传”: «Заклучайте перемирие, подружитесь и найдите “外援” [2, с.4].

В песне Юэн Жен “何满子歌 Песня Хемана”, который творил во времена династии Тань (618-907) поется о следующем: «В древние времена, когда правитель “外宾” дал в честь иностранных гостей пиршество, музыка 论鸣 Лунминг повторилась трижды и показывались изделия из нефрита» [2, с.4]. Лунминг – это название песни из «Книги песен», который исполнялся на приеме высокопоставленных гостей.

В Древнем Китае широко применялся термин “使节 shijie” “дипломатический представитель”. Иероглиф “使” сохранил свое настоящее значение в качестве существительного (посол или дипломатический агент) или глагола (быть в загранице послом). Как говорится в китайской поговорке: «Даже во время вооруженного столкновения, каждое государство должно обмениваться “使”». Этот факт свидетельствует не только о том, что в Древнем Китае были дипломатические агенты, но и о наличии практических указаний и традиций для них.

Иероглиф “节” применялся в Древнем Китае как эквивалент современного термина «верительная грамота», применяющаяся в настоящее время в дипломатии. “节” выдавался руководителем государства послам. “节” встречался в различных формах. Например, отправленный Су Ву Сьонгу из династии Хань “节” имел форму лучинки (веточки), который украшался хвостом яка. Сьонгу в течении 19 лет заставлял Су Вуна служить пастухом на большой северной территории. Как рассказывается в произведении «汉书. 苏武传» “Автобиография Су Ву”: «苏武 Су Ву никогда не выпускал из рук вверенный ему “节”, из-за чего от прикрепленного к “节” хвоста яка не оставалось ни одного волоска». Данное обстоятельство свидетельствует о невероятной верности 苏武 Су Ву возложенной ему поручению. Поэтому, в настоящее время “气节 qijie” означает «нравственную чистоту».

Вышеуказанный термин “使节” состоит из частей shi 使 и jie 节. При применении этого термина должны подразумеваться не дипломатические агенты, а 节 или значение «пришедшие с верительной грамотой». Ими могут быть руководители миссий, послы, министры, представители и т.д. в другом источнике говорится, что “使 означает «отправить» [5, с. 67].

В Древнем Китае, отправленные для ведения внешних дел лица, носили с собой изготовленную из нефрита, меди, бамбука или дерева печать (клеймо). Эти печати (клейма) назывались 符节 fujie (мандат) и первоначально термин “使节” использовался не в отношении какого-либо лица, а в отношении самой печати. “使节” служил одним из признаков того, к какой династии относится его хозяин, а материал, из которого изготовлен печать намекал на степень богатства.

Впервые применение “使节” встречается в произведении “Shi Ji” [5, с.67]. Термин “节” первоначально стали использовать в эпоху династий Цин (221 – 207 до н.э.) и Западного Ханя (206 – 24 до н.э.) в значении «доверенность, верительная грамота». Древний дословный перевод термина “使节”: «Направлен с доверенностью».

Начиная с XIV века дипломатические представители начали заниматься не только политическими, но и экономическими вопросами. В связи с чем дипломатическим представителям, отправляющимся на служебную поездку за границу, начали выдавать должность 使节 shijie «постоянный аккредитованный представитель». Эта должность

выдавалась только на два года. В последующем этот срок был увеличен до 3 лет [5, с.67]. К концу XVI века должность «аккредитованного в загранице посла» также широко распространилась и в Европе [5, с.66]. Согласно сведениям из других источников, в процессе развития внешних связей Древней Греции начали появляться первые дипломатические представители 使节. Такие представители выбирались из числа уважаемых, известных и грамотных людей. В настоящее время “使节” применяется также и в значении «Аккредитованный в иностранном государстве дипломатический представитель» или дипломатический представитель, направленный в иностранное государство в качестве временно поверенного.

Термин 大使 означал отправляемого каким либо государством в другое государство дипломатического представителя и полная форма которого выглядела как 特命全权大使 *teming quanquan dashi* “Чрезвычайный и полномочный посол”. Происхождение данного термина имеет несколько тысячелетнюю историю [5, с.67]. 4000 лет назад египетский фараон установил отношения с азиатскими государствами и назначил в своем государстве специального человека, который занимался вопросами Азии и направлялся в азиатские страны. Согласно источникам, именно это лицо был первым в истории дипломатическим представителем. Обязанностью назначенного представителя было приношение фараону писем или доставка правителям других государств писем фараона. Такой представитель, если выразиться современным дипломатическим языком, выполнял функцию дипломатического курьера. В другом источнике указывается, что 大使 ранее не использовался в дипломатической деятельности. Раньше были послы каждого государства, которые работали в другой стране. Однако, глава государства, при необходимости для выполнения внешних дел мог отправлять в другие государства некоторых лиц, не имеющих чрезвычайных полномочий в качестве своего посла. В такой ситуации, особенно во время проводимых во дворце приемов наблюдались разногласия между послом данного государства и чрезвычайным представителем. Поэтому, к концу XVII века появилась необходимость вставки в верительной грамоте посла слова «чрезвычайный» [5, с.205].

Рассмотрим трансформацию группы терминов:

➤ Древний смысл применяемого в значении «правительство» термина 政府 существенно отличается от современного значения. В древности 政府 означал «место службы канцлера» [5, с.361].

➤ Во времена династии Тань (618-907) с постепенным прогрессом феодального строя, началась политика «организации трех губерний с шестью отделом». Губерния Жонг Шу – принимающая решения; губерния Мэн Ся – утверждающая решения; губерния Танг Шу – осуществляла принятые и утвержденные решения. Руководители вышеуказанных трех губерний совместно осуществляли государственные дела. Место, где они собирались вместе, называлось “正事堂” *zhengshi tang*, т.е. «дворец правительственных дел». В настоящее время 政府 используется в значении части государственной структуры.

➤ Термин, означающий «глава государства» 元首 *yuanshou* впервые встречается 尚书 Танг Шу. На самом деле каждый слог термина 元首 означает «голову». С древности термин использовался в значении «глава государства» и до настоящего времени широко применяется в процессе ведения внешних дел, сохраняя при этом свое настоящее значение.

➤ Термин 领事, выражающий значение «консул» буквально означает «представителя правительства, который направляется одним государством в другое государство для выполнения обязанности консула, с соблюдением правил международной практики и договора». Происхождение данного термина был весьма далеким от сферы дипломатии. Должность 领事 был близок, скорее к торговле и экономике. В начале, занимающим эту должность лицам возлагались функции по развитию в своем государстве торговли [5, с. 67]. В средние века целью многих деловых людей было осуществлять торговлю с иностранными государствами. Однако между купцами возникало множество разногласий. Для устранения таких конфликтов они выбирали определенного судью. Первоначально эта должность была постоянной, но затем на эту должность начали назначать

несколько людей, которые назывались «третейский (арбитражный) консул торговли». Означающий эту должность 领事 является ранней формой данного термина. К концу XII века в Венеции и Иерусалиме впервые были назначены консулы по военным делам.

В XIX веке развивается международная коммерция. Государства начинают уделять особое внимание должности консула и разрабатываются особые правила и привилегии для внешних консулов. С тех пор должность консула приобрела законное дипломатическое значение.

华侨 “китайский эмигрант” образовался в результате сочетания двух иероглифов - 华 hua и 侨 qiao, который применялся для обозначения отправленного в заграницу или постоянно проживающего там человека китайской национальности. Этот термин начали применять со времен династии Цин (1644 – 1911).

Как указывает посол Китая в Америке Дзю Донг Ланлин, в 1878 году в отношении прибывших из Китая и осевших в Америке китайцев впервые начали применять термин 侨民 qiaomin, т.е. эмигрант. В 1883 году в предоставленном Жэнг Гуаном заместителю Премьер-министра сообщении впервые был применен термин 华侨. В 1904 году в прибывшем в адрес Министерства иностранных дел (в то время оно называлось 外务部, т.е. отдел внешних дел), а сейчас 外交部 «отдел внешних связей») документе отмечалось, что «Открытие в иностранном государстве консульства не потребует много расходов, а от китайских эмигрантов будет больше пользы». После этой ноты термин 华侨 стал широко использоваться в значении «китайский эмигрант» [5, с. 96-97].

Верительная грамота – это средство для установления между государствами дипломатических отношений.

Впервые термин “魏书” “верительная грамота” упоминается в биографии Вэйномы «Гаою», где были такие строки: «Прошу вас поручить составление грамоты высококвалифицированным работникам» [6, с. 50]. После установления между странами дипломатических отношений отправлялись представители или послы с государственной верительной грамотой.

Направление в иностранные государства посла и прием иностранного посла с верительной грамотой были одним из прав, который осуществлял глава государства [6, с.51].

Слово 礼宾 “libin” протокол или 议定书 yidingshu “протокол (в значении документа)” произошло от латинского protokollum и древнегреческого Прw To'collu, которое прикреплялось на первой странице документа. На самом деле, ведомства оформляющие документ использовали его в качестве переплетенного официального документа. В прошлом за такие документы были ответственны во Франции – Департамент протокола, в Англии – Департаменты протокола и гражданства. С развитием дипломатических документов форма стенографии заседания представителей двух стран (Протокол) превратился в документ, описывающий результаты заседания. Протокол указывается на первой странице официального документа и предусматривает соблюдение представителями двух стран всех норм подписываемого документа. В настоящий день, при подписании важных международных соглашений по традиции пользуются протокольными формами [6, с. 205].

盟约 mengyue называется как полная форма термина 同盟条约 tongmeng tiaoyue «союзный договор», так и 盟誓 mengshi – соглашение. Союзный договор – это соглашение (договор) составляемое для объединения на международной арене двух или более государств для достижения общих целей. Основная суть состоит в том, что государства проводят многосторонние переговоры, на котором принимают нормы общих действий и возлагают на себя определенные обязательства. В древних соглашениях Китая приносили клятву, путем выпивания крови принесенных в жертвоприношение зверей. Участники соглашения назывались 同盟 tongmeng. Как приводится в историческом источнике “左传·僖九年 Дзуочуан Сидзёниен”: «Император договорившись в Куэйдзянге с несколькими правителями, сказал следующее: «Те кто договаривается с нами, восстанавливают хорошие отношения» [6, с.240]. В китайской истории встречаются случаи, когда между государствами принимается союзный договор для предотвращения нападения со стороны третьего государства.

协议 xieyi “договор о взаимопонимании” – это документ договорного характера, в которой после консультаций, переговоров и дискуссий между государствами, партиями, организациями, фирмами, компаниями и предприятиями излагается общая позиция. Например: Двустороннее соглашение, Торговое соглашение, Соглашение о совместном управлении предприятия, Соглашение о перевозке грузов, Соглашение купли-продажи и т.д.

贺电 hedian – это извещение (телеграмма), которым пользуются государства, партии, организации и люди при поздравлении друг друга с праздником, юбилейной датой или торжеством. «Праздничная телеграмма» по-другому также называется и 贺信 hexin “поздравительное письмо”. Оба эти слова означают один смысл. Так как в древности не было поздравительных телеграмм, то при поздравлении использовалось 贺信 hexin “поздравительное письмо”. Эти поздравительные письма по прошествии веков прошли определенную эволюцию. Иногда, 祝贺 zhuhe, т.е. “поздравление” называется также 贺表 hebiao. В томе 大雅下武 “Dayaxiawu” «Книги стихотворений» 诗经 Shijing говорится следующее: “受天之佑, 四方来贺 shoutian zhiyuo, sifang laihe”, т.е. «С Божьего изволения со всего мира пришли поздравления» [6, с.378].

Таким образом, поздравительная телеграмма сформировалась в процессе официальных отношений, которая превратилась в письменный жанр, который используется в ежедневной жизни.

贺片 hepian «поздравительное» - это письменная поздравительная карточка, имеющая определенную форму и используемая для поздравления во время праздников, юбилейных дат или каких-либо торжеств. В наши дни, обычно, с помощью таких карточек отправляются следующие поздравления: с новым годом, с днем рождения, со свадьбой, повышение в должности и т.д.

名片 mingpian «визитная карточка» существовал еще с древних времен (эквивалент нынешней «визитки»), который выражался термином 名刺 mingci. Упомянутый в книге “论衡 lunheng” и “骨相篇 gu xiangpian” династии Восточный Хань (25 – 220 гг. н.э.) термин “通刺 tongci” означает «подарить визитную карточку» [6, с.387]. К эпохе династий Северного и Южного Сунь (960 – 1279 гг.) применение визитных карточек стало повсеместным, даже появились новогодние открытки. Вошло в традицию писать в верхней части открытки стихи, которые выражали уважение, радость, хорошее настроение.

В период династии Цинь (1644-1911) новогодние поздравления дарились в виде красивых коробочек или тщательно завернутых в подарочные бумаги оберток [6, с.387]. В Китае объем отправляемых главам государств поздравлений больше чем у обычных поздравительных писем, а на верхней части переплета имеется цветной отпечаток государственного герба. На первой странице поздравления пишется “恭贺新年” gonghe xinnian, состоящий из четырех иероглифов и означающий «С Новым годом!».

Слово 讣告 fugao (соболезнование) состоит из двух слогов, т.е. морфем “讣 fu” и “告 gao”. Слово «Соболезнование» также излагается в виде “讣文 fuwen” и “讣闻 fuwen”, между его древним и современным значениями разницы нет. Имеющийся в первом слого у каждого из двух словосочетаний иероглиф “讣” означает «извещение о смерти какого-либо лица» [7, 180 с.].

В словосочетании “讣文 fuwen”, вторым значением иероглифа “文 wen” является «статья» или «сочинение», а первоначальным значением иероглифа “闻 wen” в словосочетании “讣闻 fuwen” «слушать». В качестве примера обратимся к фразам в разделе Тангонг 檀弓 из книги Лиди “礼记 lijì”, т.е. «Традиции», где говорится 伯高死于卫, 赴于孔子 Bogao siyu Wei, fuyu Kongzi”, т.е. «Бо Гао умер в Вэй и отправлен к Конфуцию» [6, с.397]. Смысл этого предложения следующее: Бо Гао умер в государстве Вэй, о его смерти сообщили Конфуцию. Смерть в жизни этого человека занимает особое место, весть о котором должна быть немедленно сообщена его близким. Поэтому в древности китайцы использовали иероглиф “赴 fu” для обозначения срочности. В результате исторических

изменений, в последующем люди для того, чтобы срочно сообщить о смерти покойного народу или близким начали использовать вместо иероглифа “赴 fu” иероглиф “讣”. Сообщение о смерти какого-либо человека было в истории каждой правящей династии Китая. Однако их названия отличались только в письме. Например, есть еще одно название, которое выражается в письме иероглифами “讣帖 futie”. Это словосочетание синонимичен словосочетанию “讣告 fugao”. Если сопоставить эти два словосочетания по форме и составу, то мы почти не увидим разницы.

В сохранившемся со времен династии Мин (1368 – 1644) и дошедшем до наших дней «Дневнике Ваншу» (“宛署杂记 Wan shu zaji”) есть следующие строки: “出丧三日，出丧牌挂钱门外，记死者之寿，岁一张，曰桃钱。Chusang sanri, chu sangpai gua Qian menwai, ji sizhezhishou, suiyizhang, yue Taoqian”, что означает «Первые три дня соболезнования, мемориальная доска рассказывающая о жизни покойного должна быть прикреплена с наружи двери семьи Чиен, - сказал Тао Чиен» [6, с.397]. Использованный в этой фразе термин 丧牌 sang pai, применен вместо термина, означающего соболезнование 讣告 fugao. Даже в настоящее время в некоторых местах Китая, обычно в далеких провинциях, после смерти человека на наружной стороне двери дома, где живет его семья вывешивается белая бумага, на котором указывается имя и возраст покойного.

吊唁函电 diaoyanhandian “телеграмма поминания покойного” является одним из видов соболезнования, который отправляется организациям и членам семьи в виде электронного сообщения. “唁函 yanhan телеграмма о кончине” иначе называется “唁信 yanxin вафот хати”, оба термина имеют одинаковое значение. Иероглиф 唁 yan, использованный во фразе “Телеграмма поминания покойного” (吊唁函电 diaoyanhandian) в значении «поминание, соболезнование», встречается также и в разделе “鄜风 tang feng • 载驰 zai chi” книги Конфуция 诗经 shijing “Стихи”: “载驰载驱，归唁卫侯 zaichizaiqu, gui yan Wei hou”, т.е. «веющему как ветер, ждущему нас Вею выразите наше соболезнование» [6, с.401]. Анализированные выше термины отличаются тем, что они активно используются и в настоящее время.

По этим вопросам можно заключить следующее:

А. Термин “外交 waijiao” в древности применялся в значении «личные социальные отношения» и в большинстве случаев использовался в значении «секретные отношения». Данный термин с недавних пор начали использовать в качестве эквивалента термина «дипломатия» (в смысле внешний отношений). В Древнем Китае применялся термин 外事 “внешние дела”, выражающий значение «дипломатия». Как антоним данного термина использовался термин 内事 “внутренние дела”. В эпоху династии Цин (1644-1911) в значении «дипломатия» начали использовать 外务. Эти примеры производят синонимию отражающих значение «дипломатия» терминов.

В. 府 zhengfu, 领事 lingshi в результате функционального обмена превратились в специальные термины. В результате изменения китайского языка и дипломатических терминов эти термины стали иметь новое значение. Поэтому при установлении индекса и причин изменчивости общественно-политических и дипломатических терминов, перечислении других важных факторов следует обратить внимание на такие лингвистические явления, как ассимиляция, гаплогения, гиперкоррекция, фонетический переход, цепная реакция, внутренняя реконструкция, структурализм, волновая теория и теория древа близости, аналогия, билингвизм, диглоссия, пиджинизация, креолизация.

С. Многие виды дипломатических документов возникли в Древнем Китае, например, 盟约 mengyue использовался параллельно с термином 盟誓 mengshi в значении «соглашение о взаимопонимании». 名片 mingpian “визитная карточка” применялся в виде «визитной бумаги» 名片 mingpian. Как его синоним также широко использовался термин 名刺 mingci.

Д. Анализ дипломатических терминов указывает на признание явления синонимии. В дипломатической сфере явление синонимии не всегда решается с положительной стороны,

особенно, если речь идет о китайском языке. Китайский язык является богатым на синонимы языком. Применение в дипломатической сфере синонимов, иногда может привести к кардинальному изменению настоящего значения и сути дипломатических терминов. В основе определенного термина, применяемого в китайской дипломатической терминологии, может быть относительно большое или меньшее значение. В истории дипломатии встречаются примеры того, что после подписания и ратифицирования соглашения, некоторые термины в соглашении анализируются в совершенно другом значении. Иногда, наблюдаются случаи внесения на первый взгляд терминов в узком смысле, т.е. «безопасных» терминов. После подписания соглашения кажущиеся на первый взгляд «безопасные» термины принимают вид «проснувшегося дракона» и начинают использоваться в совершенно противоположном смысле. Это, в свою очередь, требует проведения глубоких лингвистических исследований над официальными дипломатическими документами и примененными в них терминами.

Е. Общественно-политические и дипломатические термины подвергаются изменениям под воздействием требований времени, процессов глобализации, политических, научных и теоретических взглядов. Изучение только лишь терминологии недостаточно для полного и прочного освоения, правильного понимания и применения китайских дипломатических терминов. Для этого требуется регулярно наблюдать и изучать книги, статьи и выступления китайских государственных, партийных и правительственных руководителей, анализировать произведения именитых китайских ученых и специалистов в области политологии. Кроме того, следует систематизировать новые термины, внедренные в применение Китайской коммунистической партией, в таких средствах массовой информации, как «Хунци», «Жэнмин жибао», «Синхуа», провести компаративный анализ их значения на узбекском, английском и русском языках, лучше понять случаи их применения и цели использования.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Сунь Ятсен: Избранные произведения. 2-е изд. М., 1985. 188 с.
2. Huang Jinqi: Shenme shi waijiao. – Beijing, 2004. 405 с.
3. 史记: 邓通传. 北京, 134 页。
4. 辞源 1-4: 北京, 1986. – 3009 с.
5. 王玉林: 名称由来 1001. 北京, 1996. – 315 с.
6. 番新明: 外事使用文书大全. 北京: 世界知识出版社, 1994. – 266 с.
7. Носирова Саодат Абдуллаевна: Ҳозирги замон хитой тили дипломатик терминларининг лексик-семантик ва структур таҳлили. – Номзодлик диссертацияси. Тошкент, 2008 й. – 180 б.

УЎҚ 82'282

МАҲМУД КОШГАРИЙ “ДЕВОН”ИДА ҚЎЛЛАНГАН ТИББИЁТГА ДОИР СЎЗ ВА АТАМАЛАРНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ

Г. Розикова, доц., ф.ф.н., ФарДУ, Фаргона

Аннотация. Мазкур мақола Маҳмуд Кошгарийнинг “Девону луготит турк” асарида қўлланган тиббиёт билан боғлиқ лисоний бирликлар таҳлиliga бағишланади.

Калим сўзлар: концепт, лексема, семема, парадигма, термин

Аннотация. Данная статья посвящена анализу языковых единиц, связанных с медициной, используемых в “Девону луготит турк” Махмуда Кошгари.

Ключевые слова: понятие, лексема, семема, парадигма, термин

Abstract. This article is devoted to the analysis of linguistic units related to medicine used in Mahmud Kashgari's “Devonu lug'otit turk”.

Key words: concept, lexeme, sememe, paradigm, term

Инсон қадим замонлардан бошлаб ўз ҳаёти давомида табиат билан, атроф - муҳит билан доимо узвий алоқада бўлади, унга таъсир ўтказди, ундан таъсирланади ва бу жараёнда турли табиий-биологик, руҳий ҳолатларни бошдан кечиради: гоҳ шодлик, гоҳ ғамгинлик, гоҳ мамнунлик, гоҳ асабийлик, гоҳ соғлик, гоҳ беморлик ҳолатларида бўлади ва бундай ҳолатларнинг сабабларини аниқлашга ҳаракат қилади, салбий ҳолатларни бартараф этиш йўллари қидиради. Айни пайтда у ўз ҳаётида, атрофидагилар ҳаётида намоён бўлган турли хил касалликлар, уларнинг белгиларига, касалликларни бартараф этувчи воситалар – доривор моддаларга ном беради, яъни уларни маълум сўзлар билан атайди. Шу тариқа аста-секин тиббий атамалар (терминлар) тизими шакллана бошлайди [1.230].

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида тиббиёт билан боғлиқ от лексемаларга ҳам кенг ўрин берилган бўлиб, уларни тиббиётга доир шахс номлари, касаллик номлари, тиббиёт асбоблари номлари, касалликларни даволашда ишлатиладиган нарсалар номлари, дори номлари, доривор ўсимлик номлари каби лексик-семантик гуруҳларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Тиббиётга доир шахс номлари гуруҳига асарда қўлланган *iklik* (касал) [2.192], *sögal* (касал, бемор (ўғузча) [2. 265], *эмчи* (даволовчи) [2. 45], *mälwä* (девона, телба) [2.286], *қарағу* (кўр киши) [2.297], *жүмәрүк кийи* (кўзи хира ва кўзидан ёш оқиб юрадиган киши) [2.322] кабиларни киритиш мумкин. “Бошининг сочлари тўкилиб, бошқа чиқмайдиган бўлиб қолган киши, кал” (кал замбуруғнинг махсус тури келтириб чиқарилган юқумли сурункали тери касаллигидир) семемаси синонимик қаторини асарда *ајбаң – туқлуқ – қірбас эр* сўзлари ташкил этади.

Касаллик номлари асарда жуда катта семантик гуруҳни ташкил этади.

Асарда қўлланган *ig* [2.52] ва *кәм* [2.230] лексемалари “касаллик”, яъни “организм меъерий фаолиятининг, саломатликнинг бузилиши; касал ҳолат, дард, хасталик” [4.327] семемасини ифодалаши жиҳатидан ўзаро муштараклик касб этади. Шунингдек, *ағриғ* сўзи оғриқ (бош оғриғи, тиш оғриғи), умуман, ҳар бир аъзода юзага келган оғриққа нисбатан қўлланилган [2.84]. *Тимик* сўзи ҳам [2. 259] *ағриғ* сўзи сингари ҳар қандай оғриққа нисбатан қўлланган.

Ig, кәм, ағриғ, тимик сўзлари жинс номини ифодаловчи сўзлар сифатида касалликларнинг барча турига нисбатан қўлланилиши мумкин. Асарда касалликларнинг турларига оид номларни англатувчи бир қатор лексемалар ҳам қўлланган. Масалан, асарда бир қатор касаллик белгилари номларини учратамиз. Инсоннинг қандайдир касалликка чалингани ҳақида сигнал берувчи ўзига хос касаллик белгилари мавжуд. Масалан, иситма касаллик эмас, балки касалликнинг белгисидир. Инсоннинг қайсидир аъзосида шамоллаш ёки йирингли касалликлар кучайиб кетганда иситма белги беради. Ана шу касалликни аниқлаш ва уни ўз вақтида даволаш орқали инсондаги иситма ҳам барҳам топади. Худди шунингдек, инсонни безгак тутиши ҳам иситма кўтарилиб кетганидан, организмда қандайдир касаллик борлигидан дарак беради. Маҳмуд Кошғарий *кезик* сўзини “безгак, титратиб турувчи иситма” деб изоҳлайди. Асарда *бэзик* сўзи ҳам “титроқ, ларза; безгак [2.259]” деб изоҳланган. *Безгак* сўзи бирон-бир касалликнинг белгиси, организмда иситма кўтарилиб кетганда юзага келадиган ҳолат бўлиши билан бир қаторда, “вақти-вақти билан иситма чиқариб, қалтиратадиган юқумли касаллик” [3. 210] номини ҳам ифодалайди.

Юқумли касалликлар номлари асарда кенг қўлланган. Масалан, *ўтүк* сўзига “ич кетиш ва қушиш касали” [2.64] деб изоҳ берилади. Бу “меъда-ичакларда, асосан, овқат ҳазм бўлиши ва сўрилишининг бузилиши натижасида келиб чиқадиган, турли хил клиник кўринишлар билан юзага келадиган патологик ҳолат” [4.250-251]дир. *Талағу* тез ўлдирувчи захардир. Қаттиқ ич кетишига ҳам *талағу* дейилган [2.298].

Гепатит [юн. *hepar, hepatos*—жигар], яъни жигарнинг яллиғланиши [3.495] касаллиги халқ орасида “сарик”, “сарғайма”, “сарик касаллиги” номлари билан аталади. Бу касаллик “бирор сабабга кўра ўт пигментларининг кўз склераси, шиллиқ пардалари ва терида тўпланиб қолиши натижасида уларнинг сарғиш рангга бўялган ҳолати; кўпинча, жигар ва ўт йўллари касалликларининг синдроми сифатида юзага чиқади” [7.184]. Демак, бу касалликнинг номланиши бемор танаси, кўзидаги касаллик натижасида юзага келган сариклик билан боғлиқ бўлиб, у қорахонийлар даврида ҳам шундай номланган, яъни ҳозирги ўзбек тилидаги ранг билдирувчи *сарик* сўзи *сариг* ҳолатида, “касаллик” маъноси *кәзик* сўзи билан *сариг кәзик* – сарик касаллиги [2.263] тарзида қўлланган.

Мохов [ماخاؤ <а. محوؤ –йўқ қилиш, четлатиш]. Бутун организмни, хусусан, тери, нерв системаси ҳамда ички аъзоларни зарарлайдиган сурункали инфекция касаллиги; шу касалга йўлиққан шахс [4.619]. Асарда *ануми* сўзи қўлланган бўлиб, у “мохов касаллиги” [2.109]нинг тарихий номидир.

Тумов – аксириш ва мишиқ оқиш билан юзага чиқадиган бурун бўшлиғи шиллиқ пардасининг ўткир, гоҳо сурункали кечадиган юқумли касаллиги [7.233] бўлиб, асарда қўлланган *учғуқ* сўзи “тумов, шамоллаш, учиниш” [2.84]; *тумағу* “тумов” [2.298] деб изоҳланган. *Учғуқ* сўзи ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланмайди. У *учунуқ* бўлса керак. *Учунуқ*—халқ табобатида—тинка-мадор қуриши, ўзни касалманд сезиш, ётоқчилаш, сирқовланиш каби ҳолатлар билан кечадиган енгил-елпи шамоллаш; учуқ тошиш, эт

жунжикиши ва бошқа енгил дардлар [7. 250]дир. *Учғуқ* сўзи “тумов” маъносида қўлланганда *тумағу* сўзи билан синонимик муносабатга киришади.

Асарда ичак касалликлари номларини ҳам учратамиз. Йўғон ичак касаллиги, яъни колит халқ табобатида қуланж касаллиги деб номланади. Бу касалликнинг Маҳмуд Кошғарий “Девон”ида *тубулғақ* [2.330] сўзи билан берилганини кўрамиз. *Инакў* сўзига асарда “киндикнинг ички томони тўғрисида пайдо бўлувчи қуланжга ўхшаш бир касал” [2.109] деб изоҳ берилган.

“Одам, хайвон ва бошқа тирик организмларда яшаб, касаллик пайдо қиладиган паразитларнинг умумий номи гельминтлар” - гижжа деб номланади. У “Девон”да *сомушган* деб берилган ва “гижжа, қориндаги курт” [2.339] деб изоҳланган.

Асарда руҳий касалликлар билан боғлиқ бир қатор лексемалар ҳам изоҳланган. Маҳмуд Кошғарий *тутуғни* “жиндан бўлган касаллик” [2.250] деб изоҳлайди. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да *жин* сўзига қуйидагича таъриф берилади: жин [а. جن — афсонавий махлуқ; арвох; ёвуз рух] 1. Шарқ мифологияси ва диний тасаввурларга кўра: пастқам жойларда киши кўзига одам тимсолида кўриниб, гўё уни бирор дард-иллатга чалинтириб (мас. оғзини қийшайтириб) кетадиган афсонавий махлуқ [4.90]. А.Қосимовнинг “Тиббий терминлар изоҳли луғати” да ҳам шунга ўхшаш таърифни учратамиз: “Жин (син.ажина) - кишини турли хил касалликларга чалинтириб кўядиган”, баъзи кишиларнинг эса ҳатто “кўзига кўринадиган” диний хурофий тасаввурдаги афсонавий одам, аксарият, аёл образи; илмий тиббиётда жинларнинг “кўзга кўриниш ҳодисаси руҳий касалликларга хос белги сифатида изоҳланади” [7.75]. А.Қосимовнинг бу сўзга берган таърифида унинг руҳий касалликларга хос белги эканлиги алоҳида таъкидланади. Асарда қўлланган *талган* *ик* бирикмаси “тутқалоқ касали” [2.292] деб изоҳланади. Шунингдек, *қўлғу* сўзи “қулги” маъносини ифодалашдан ташқари, ҳушдан кеткизувчи сакта касаллиги номини ҳам англатиши айтилади [2.288]. Сакта [а. سكتة – сукунат, жимжитлик; тутқаноқ, фалаж]1 эск.айн.апоплексия [5.426].

Патологик жараённинг локализациясини кўрсатадиган белги асосида ҳам касалликлар номланганини кўрамиз. Бунга асарда қўлланган *бёкән* (пўкон, кўричак) [2.269] сўзини келтириш мумкин. Кўричак—ўнг биқин остида жойлашган, йўғон ичакнинг кенгайган бошланғич (бош) қисми; у юқорилаб чамбар ичакка туташиб кетади; ундан чувалчангсимон ўсимта—аппендикс ўсиб чиққан; шу ўсимтанинг яллиғланиб касалланишини аппендицит дейилади; баъзилар буни “кўричак” деб адаштириб юрадилар [7.126]. *Урра*, яъни эркаклардаги чурра, дабба (ўғузча) [2.46] сўзи ҳам шу гуруҳга мансуб.

Ҳар қандай жисмоний шикастланиш белгисини билдирувчи номларга *эзик* (терида узунасига тирналишдан ҳосил бўлган чизик) [2.66], *и:з* (ерга ва терига узунасига бўлган қирилиш, сидирилиш изи) [2.72], *қазғирғақ* (кўп ишлаш орқасида қўлда пайдо бўладиган кавариқ) [2.331], *бичилган* (қўл, оёқ ва ердаги ёриқлар) [2.339] кабиларни киритиш мумкин.

Асарда кўз касалликлари номларидан *энўч* (кўзга тушган парда, нохина) [2.56] ва *чәlnäk* (кўз чирки) [2.316] сўзларини учратамиз.

Тери касалликлари номлари ҳам катта гуруҳни ташкил этади. Масалан, тери касалликларидан бўлган *сигил*, *сигилчил* сўзлари “сўгал” [2.265] маъносини ифодалайди. “Сўгал кўпинча ёш болалар ва ўсмирлар баданида, одатда қўл ёки оёқда бўладиган қаттиқ, юмалоқ ёки ясси ўсимта; терининг вирусли касаллиги [5.608] дир. Қадимда юздаги сепкил *сәңил* деб номланган [2.319]. “Сепкил-кўпинча юз, бўйин, қўл терисида пайдо бўладиган сарғиш, қўнғир, қорамтир рангли, шакли ҳар хил бўладиган майда доғлар [5. 481]дир. Ташқи кўриниши, кечиши ва келиб чиқиш сабаблари турлича бўлган кўпчилик тери касалликларининг умумий номи [6.61] темираткидир. У қорахонийлар даврида *тәмрәкү* сўзи билан ифодаланган [2.324]. Асарда қўлланган *қилтиқ* (қазғок) [2.315] сўзи ҳам шу гуруҳга мансуб.

Яра – 1. Тери ёки шиллиқ пардалар ҳамда улар яқинидаги тўқималарнинг ҳадеганда битавермайдиган текис, ботиқ, бўртиқ, дўмбоқча кўринишида юзага келадиган, катта-кичиклиги ҳар-хил нуксон. 2. Жанговар юришларда ўқ-снаряд тегишидан юзага келадиган гавданинг исталган еридаги жароҳат [7.296]. Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги *яра* сўзи ўрнида қадимда *балғ* [2.172] – *қарт* [2.232] – баш [2.143] синонимик қаторидаги сўзлардан фойдаланилган.

Асарда касаллик натижасида юзага келган баъзи бир жисмоний ўзгаришларни ажратиб кўрсатиш тамойилига кўра номинацияни ҳам учратамиз. Жумладан, *чалқан* яранинг ёйилиши, унинг бир ердан иккинчи ерга ўтиши. Масалан, кишининг оёғи шишса, унинг

тақим тагларига без келгани каби [2.294]; *барс* – чивин, пашша чақишидан ёки эшакем бошланишида терида пайдо бўлган пайса, шиш [2. 235] каби.

Турли тошмалар, учуқлар номлари: *қўзламук* (қизамик ва шунга ўхшаш тошиб чиқадиган тошмалар) [2.344], *қабарган* (қичишиб, ҳарорат билан баданга чиқадиган каварчик, чиқик) [2.338], *қамчиғу* (қаттиқ алам, қичиш ва иситма билан лаб ва бармоқларга тошадиган кичик чиқик (учуқ) [2.324], *сўкнәғү* (тирноқ билан гўшт орасига чиқадиган чиқик [2.324], *ўрўң* (ёш боланинг тирноқлари юзида бўладиган оқ нуқта) [2. 107] каби.

Тиббий атамалар орасида метафора маъносига эга номинация алоҳида ўрин тутди. Инсонлар ўз ҳаёти давомида ўсимликлар, ҳайвонлар билан доимий алоқада бўлади. Бирон бир янги пайдо бўлган касалликнинг ўзига олдиндан маълум бўлган бирор предмет билан ўхшаш жиҳатларини пайқайди, касалликни ўша предметга ўхшатади ва ўша предмет номи билан атайди. Масалан, *чипқан* сўзи қадимда жилон жийдани англатган. Чипқон яраси, қизилликда жилон жийдага ўхшагани учун бу касаллик ҳам шундай аталган [2.299]. Ёки “баданга сувли пуфакчалар тошириб, иситма чиқарадиган, кўпинча болаларда учрайдиган оғир юқумли касаллик” [6.477] бўлган чечак касаллигининг номи метафорик эвфемизация натижасида “гул” маъносини билдирувчи *чечак* сўзидан олинган. Чигиллар уни *чәкәк* [2.261] деб талаффуз қилганлар.

Қадимги туркий тилда оддий тиббий атамаларга нисбатан мураккаб тиббий атамалар сони нисбатан кам. Қўшма атамаларни ташкил этадиган таркибий қисмларни (масалан, *юрақ-қон томир касалликлари* каби) деярли учратмаймиз. Илк давр туркий тилда қўлланган тиббиётга доир атамаларни таҳлил қилиш шундан далолат берадики, унда сўз бирикмаси тарзида тузилган атамаларнинг, асосан, атрибутив муносабатини қайд этиш лозим. Атамалар касалликни номлашда аҳамиятли маъно ифодаловчи икки ёки ундан ортиқ сўзларни бири-бирига боғлаш натижасида ҳосил қилинади. Ушбу сўз бирикмасини ташкил этадиган ҳар бир сўз тиббиёт тушунчалари билан боғлиқ ҳодисани, ҳолатни ёки жараённи ифодаловчи тушунчанинг асосий номинатив маъносини белгилайди. Масалан, *сариг кәзик* (сарик касаллиги, [2.263], *талған ик* (тутқалоқ касали) [2.292] каби.

Бундай ҳолатда атама, нечта сўздан ташкил топишидан қатъи назар, битта тушунчани англатади. Бундай усул билан ҳосил қилинган мураккаб атамалар, ноқулайликларга қарамай, бир қатор афзалликларга ҳам эга. Мураккаб атамалар тиббий тушунчаларнинг тавсифини аниқ акс эттиришга имкон беради.

Тиббий атамалар соматизмлар ва уларга турли сўзларнинг қўшилишидан ҳам ҳосил қилинган. Кўплаб олимларнинг фикрига кўра, ушбу ва бошқа анатомик номлар сўз бирикмаларининг энг барқарор ва қадимий қатламидир. Улар анатомик орган номи ва касаллик номини ифодаловчи сўзлардан иборат бўлади. Бу номлар касалликларнинг умумий номларига киради. Масалан, *бағрим баші* бирикмаси “бағрим яраси” [2.191] маъносини ифодалаган.

Касаллик номлари кўчма маънода ҳам қўлланиши мумкин. Масалан, *қарт* сўзи, юқорида таъкидланганидек, “яра” маъносини ифодалайди. Бу сўз кўчма маънода *эр* сўзининг аниқловчиси сифатида қўлланиб, бирикма “хулқи бузуқ, қайсар одам” маъносини англатади: *қарт эр* [2.232].

Касаллик номини англатувчи сўз феъл туркумига оид сўз билан синтагматик муносабатга киришиб, предикатив бирлик ҳосил қилади: *баш аліқті – яра қаварди ва фасодланди* [2.143]. *Баш* (яра) ва *алиқті* (қаварди, фасодланди) сўзлари биргаликда касаллик аломатларининг умумлаштирилган номини ифодалайди.

“Девон”да ҳайвонлар билан боғлиқ касалликлар номлари ва уларни даволаш билан боғлиқ сўзлар ҳам изоҳланган. Масалан, *чидәк* [2.316]; *эмилгән (хуном //хунном; бадном //бандом* [2.123]; *андуз* [2.95] каби.

Тиббиёт асбоблари номларига асарда қўлланган *арқачуқ* (оғизнинг ичига дори қуйиш учун қўлланадиган, сукурражага ўхшаш ичи ковак бир асбоб) [2.114], *бәлік* (яранинг чуқурлигини текшириб кўриш учун қўлланадиган учак/ ичак ёки резина асбоб) [2.259], *сорғу* (қортиқ [қон олишда қўлланадиган асбоб] [2.285] каби лексемалар мансуб.

Касалликларни даволашда ишлатиладиган нарса номлари гуруҳи урумдај (заҳарнинг зарарини йўқотиш учун ишлатиладиган тош) [2.123], *көзлүк // көзүдүрүк* (от думидан тўқилган, кўз оғриганда, шамоллаганда ва нурдан қамашганда кўзга тақиладиган нарса) [2.317], *тоғрил* (гўшт ва дориворлар билан тўлдирилган идиш (канжакча) [2. 318] кабилардан иборат.

Дори воситалари номлари ҳам асарда салмоқли ўрин тутади. “Касалликларни даволаш, олдини олиш ва диагнозни аниқлаш учун қўлланиладиган табиий ёки синтетик моддалар ёхуд уларнинг аралашмалари” [7.58] дори воситалари ҳисобланади. Масалан, асарда қўлланган эм сўзи “даво, дори” [2.45] маъносини англатади. Маҳмуд Кошғарий дориларнинг қандай касалликни даволашда қўлланилиши ҳақида ҳам маълумот беради. Масалан, “*эгит*– ярадан, шунингдек кўз тегишидан сақлаш учун болаларнинг юзига суртиладиган бир дори. Бу дори заъфаронга бир қанча нарсалар қўшиб ясалади” [2.54]; “*ибрўк* – қатик билан сутнинг аралаштирилгани; бу қуртоба ичишдан ичи қотган одамга сурги учун бериладиган доридир” [2.86]; “*чурни* – турк табиблари томонидан ясаладиган сурги дори” [2.290]; “*чигнә*-сурги (яғмоча)” [2.290]; “*қатик* – сирка ва қатик каби тутмоч овқатига қўшиладиган доривор” [2.256]; “*кәкүш*-шишга суриладиган бир турли даво; кундус (етимак)” [2.274]; “*библи* - узун мурч, дори фулфул” [2.288]; “*зирних* – халқ табобатида –бадан тукларини тўкиш ва айрим майда яра-чақаларни даволашда ишлатиладиган олтингугуртли қоришма” [2.84] каби.

Асарда жуда кўп дориларнинг ҳиндча эканлиги, Ҳиндистондан келтирилиши таъкидланади. Масалан, “*хасни* болаларни ўстириш учун ялатиладиган бир дори бўлиб, Ҳиндистондан келтирилади” [2.290]; “*ирви* – касалларни даволашда қўлланувчи ҳиндча бир дорининг номи” [2.103]; “*урагун* – касалларга қўлланиладиган ҳиндча бир дори” [2.110] каби.

*Шиш алу*ч сўзига “Девону луғоти-т-турк”нинг янги нашрида “совуқ нарса, совутилган нарса” деб изоҳ берилди. У Олмаота нашрида “олча”; Москва нашрида “кўзга суртиладиган малҳам” [2.99] деб изоҳланади. Демак, бу сўзни ҳам дори воситалари сирасига киритиш мумкин.

Доривор ўсимлик номлари ҳам асарда салмоқли ўрин эгаллайди. Доривор ўсимликлар дорилик хусусияти бўлган ва дори хомашё ўрнида қўлланиладиган ўсимликлар [7.58]дир. Бу гуруҳга *эгир* – *игир*// *ийир* (қорин оғриғини даволаш учун қўлланиладиган ўсимлик) [2.56], *исриқ* // *илрўк* (Уч қабиласи тилида) (исирик; болаларнинг бошларига тошадиган яраларни ёки кўз тегишидан болаларни даволашда ишлатиладиган доривор ўсимлик) [2.85], *отрўм* (сурги дори) [2.89], *чахиу* (кўз оғриғини даволашда қўлланиладиган ҳузаз ўсимлиги) [2.284], *тафғач* *јудаси* (дори сифатида ишлатиладиган барги савсан гулининг баргларига ўхшаш бир дарахт) [2.302], *авилқу* (пўстлоғи билан кўз оғриғи даволанадиган, мевасининг суви тутмач ошига солинадиган, у билан кийимлар бўяладиган қизил мевалик бир дарахт) [2.322], *тубулгақ* (тўпалоқ, доривор ўсимликлардан бири) [2.330] каби.

Маҳмуд Кошғарий *отрўм* сўзининг арабчага яқин эканлиги, *чахиу* асл туркча эмаслиги ҳақида ҳам маълумот бериб ўтади. Худди шунингдек, *азриқ* сўзини “бир хил ўсимлик, араблар *сил* дейдилар” деб изоҳлайди. Бу ўсимликни ўт йиғувчи табиблар ўз вақтида териб оладилар. У бир турли шиш (совуқда бўлган шиш) истисқо касалига фойдалидир; қовуғига тош келганлар уни ичадилар, у қовуқдаги тошларни эритиб юборади ва ювиб кетади [2.84].

Хулоса қилиб айтганда, “Девону луғотит турк” асарида қўлланган тиббиётга доир атамаларни ўрганиш орқали тиббий атамаларнинг қадимдан шаклланганлиги, ажодларимизнинг касалликларни даволаш билан боғлиқ тажрибалари ҳақида муҳим маълумотларни олиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мадвалиев А. Ўзбек терминологияси ва лексикографияси масалалари. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2017. -384 б.
2. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғоти-т-турк. Туркий сўзлар девони. 3 жилдлик. 1-жилд. –Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2016. -388 б.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 1-жилд. Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. 2006.-680 б.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 2-жилд. Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. 2006.-672 б.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 3-жилд. Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. 2006.-688 б.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 4-жилд. Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. 2008.-608 б.
7. Қосимов А. Тиббий терминлар изоҳли луғати. 4 жилдли. 1-жилд.Т.: Аба Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти.2003. Б.3

УЎК 378.6

**ТЕХНИК ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРНИНГ РУС ТИЛИНИ
ЎРГАНИШДА ЛЕКСИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ**

Д.А. Сулаймонова, ўқитувчи, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлар институти Бухоро филиали, Бухоро

Аннотация. Мақолада техник олий таълим муассасаларида таълим олувчи талабаларнинг касбий ва коммуникатив компетенциясини шакллантиришда лексик компетенциянинг ўрни муҳокама қилинади. Муаллиф техник олий таълим муассасаларида рус тилини ўрганишда мавжуд адабиётлар ва шахсий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, мутахассислик матнларни ўқишда, қишлоқ хўжалиги, хусусан, “Сув хўжалиги ва мелиорация” га оид атамаларини ўрганишда фойдаланиш мумкин бўлган ўқув топшириқларини таклиф қилади.

Калит сўзлар: техник олий таълим муассасалари, касбий компетенция, лексик компетенция, матн, терминологик лугат, терминологик карта, флеш-карта, визуал лугат

Аннотация. В статье рассматривается роль лексической компетенции при формировании профессионально-коммуникативной компетенции студентов технических вузов. Опираясь на существующую литературу и собственный опыт преподавания русского языка в техническом вузе, автор предлагает некоторые виды работ, которые можно применять при чтении текстов по специальности, усвоении терминов по сельскому хозяйству, а именно терминов сельскохозяйственной направленности подязыка «Водное хозяйство и мелиорация»

Ключевые слова: технический вуз, профессиональная компетенция, лексическая компетенция, текст, терминологическая лексика, терминологическая карта, флеш-карта, визуальный словарь

Abstract. The article discusses the role of lexical competence in forming professional and communicative competence of students in technical higher education institutions. The author offers educational materials that can be used to read specialist texts and to study the terminology of agriculture, in particular, "Water Management and Reclamation", based on existing literature and personal experience in learning Russian in technical universities.

Keywords: technical higher education institutions, vocational competence, lexical competence, text, terminological dictionary, terminology card, flash card, visual dictionary

Ҳозирги вақтда техник олий таълим муассасаларида рус тилини ўқитиш назариясида асосий мақсадга – рус тилини оғзаки, ёзма ва стилистик турларида раван билишга эришиш учун янги ёндашув фаол амалга оширилмоқда. Ушбу ёндашув бир томондан, жамиятимиз тараққиётининг эҳтиёжлари билан, иккинчи томондан тилшунослик, психоллингвистика, психология ва ўқитиш методикасининг сўнгги ютуқлари билан чамбарчас боғлиқдир. Энг асосий эътибор нафақат тил ва нутқ ўргатиш, балки тилда (бизнинг ҳолатда, рус тили она тили бўлмаган тил сифатида) мулоқот қилиш, гапиришга қаратилган.

Ўрганилаётган тилдаги мулоқот ўрганишнинг пировард мақсади сифатида коммуникатив компетенцияни шакллантиришни ўз ичига олади, унинг асосини эса лексик компетенция ташкил этади. Лексик компетенция бу мураккаб таркибий шаклланидир.

А.Н. Шамовнинг таърифига кўра, лексик компетенция –бу “лексик билим, кўникма, қобилият, шунингдек шахсий тил ва нутқ тажрибасига асосланган ҳолда инсоннинг сўзнинг контекстуал маъносини аниқлаш, унинг икки тилда маъноси ҳажмини таққослаш, сўзнинг маъносини тузилишини тушуниш ва сўзнинг ўзига хос миллий маъносини ажратиш олиш қобилиятидир” [3, с. 247].

Лексик компетенция касбий-коммуникатив компетенциянинг асосидир. Касбий-коммуникатив компетенция остида Е.В. Александрова [1] касбий-коммуникатив бирикмаларни ва уларни касбий мулоқотнинг турли вазиятларида қўллаш қобилиятини тушунади. Бўлажак мутахассиснинг лексик компетенциясининг биринчи таркибий қисми талабаларнинг касбий контекстига қараб коммуникатив ва когнитив вазифаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган лексик билимлардир.

Аммо, техник олий таълим муассасаларида рус тилини ўқитишда дуч келадиган бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, улар тил ўрганиш жараёнида оғриқли дақиқалардир. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда техник олий таълим муассасаларида рус тилини ўрганиш / ўргатишда баъзи қийинчиликларга дуч келмоқдамиз. Буларга қуйидагилар киради:

- Касб ихтисослиги бўйича талабалар ўртасида вариативликнинг йўқлиги.

Маълумки, таълимнинг вариативлиги бу турли даражадаги ўқув дастурлари бўйича ўқитиш (қобилиятли ва иқтидорли талабалар учун- юқори даражадаги, умумий таълим

даражаси, тузатиш ва ривожлантириш даражаси – ўрганишда қийинчилик сезадиган талабалар учун). Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институтининг Бухоро филиалида таҳсил олаётган талабаларнинг аксарияти қишлоқ жойларининг вакиллари бўлиб, уларнинг рус тилини билиш даражаси шаҳар талабасида рус тилини билиш даражасидан анча паст.

Талабаларнинг лингвистик ва коммуникатив компетенциялари даражасидаги тафовутлар техник олий таълим муассасаларининг талабаларига профессионал мулоқотни ўргатишда қийинчиликлар туғдиради.

- Ўқув вақтининг етишмаслиги ва рус тили ўқитишнинг узлуксизлиги.

Рус тили талабаларга бир йил давомида – биринчи ва иккинчи семестрларда ўқитилади. Бундай қисқа вақт ичида ва турли даражадаги аудиторияда ўқитувчига мақсадга эришишнинг кўпинча иложи бўлмайди.

- Касбий соҳаларда коммуникатив компетенцияни ривожлантиришда тизимли ва мазмунли таркибнинг номувофиқлиги.

Ҳозирги кунда кўплаб рус тилидаги дарсликлар, замон талабаларига, мутахассисликлар, талабаларнинг билим даражаси ва уларнинг қизиқишларига жавоб бермайди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим Вазирлигининг “Намунавий дастур” да кўрсатилган мажбурий дарсликлардаги матн материаллари бошқа таълим йўналишлари (юримдик, иқтисодий йўналиш) талабалари учун мўлжалланган. Қишлоқ хўжалиги соҳаларида (ирригация, мелиорация, механизация) таҳсил олаётган талабалар учун дарсликлар, шунингдек, қишлоқ хўжалиги атамаларидан амалий фойдаланиш учун махсус фанлардан машқлар ва топшириқлар мавжуд эмас.

Рус тили ўқитишда юқоридаги ҳолатлар ҳар бир ўқитувчидан тинимсиз изланишни, талабаларнинг билим даражасига қараб ўқув жараёнини ташкил этишни талаб қилади. Буларга мутахассисик матнларини танлаш, танланган матнларни талабаларнинг билим даражасига қараб соддалаштириш ёки мураккаблаштириш, талабаларнинг компетенциясини оширадиган интенсиф топшириқлар ва машқларни танлаш ёки уларни ўзлари яратиши киради.

Техник олий таълим муассасаларида фаолият олиб борадиган рус тили фани ўқитувчиларидан ўз фанларидан ташқари мутахассислик фани бўйича ҳам билимлар талаб қилинади. Бу биз дуч келган яна бир муаммо. Рус тили фани ўқитувчиси турли мутахассисликлар талабаларига ихтисослик тиллини ўргатиши керак. Фақатгина бизнинг филиалимизда 12 та турли таълим йўналишлари мавжуд. Ҳар бир ўқитувчи йилига камида 3-4 турдаги мутахассислик йўналиши талабаларини ўқитади.

Олий таълим муассасаси ихтисослиги рус тили ўқитишнинг спецификасини белгилаб беради. Буларнинг барчаси методик тизимни олдиндан белгилайди: ўқув материалларининг мазмуни, ўқитиш усуллари тўплами.

Мутахассислик матнлари техник олий таълим муассасалари талабаларининг лексик компетенциясини шакллантириш учун асосдир. Матн асосида лексик материални фаоллаштиришга ҳисса қўшадиган тил ва нутқ машқлари яратилади. Яхши танланган матн турли хил топшириқ ва машқларни бажариш имконини беради, талабаларнинг билим даражасини аниқлашга ёрдам беради.

Биз мақоламизда мутахассислик матнларини ўқишда терминологик луғатни ўзлаштириш усул ва йўллари аниқлашга, келажакда мутахассиснинг турли соҳаларда фойдаланиш мақсадида терминологик луғатни ўзлаштириш бўйича лексик мақсадли машқлар тизимини ишлаб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Ҳозирги вақтда мутахассисларнинг терминологик маданиятини шакллантириш усуллари масаласи жуда мунозарали. Методик адабиётлардаги атамалар устида ишлаш фақат тушунча нуқтаи назаридан кўриб чиқилади ва нутқда атамаларни фаоллаштириш методикаси ривожланиш босқичида.

Техник олий таълим муассасаларининг рус тили фани ўқитувчиларига ёрдам тариқасида биз мутахассислик матнларини ўқишда қишлоқ хўжалиги атамаларини, хусусан, “Сув хўжалиги ва мелиорация” қишлоқ хўжалиги ихтисослиги бўйича ишлатилиши мумкин бўлган баъзи бир машқ ва топшириқлар турларини таклиф этамиз.

“Сув хўжалиги ва мелиорация” ихтисослиги бўйича терминологик луғатни чуқур билиш “Рус тили” фани бўйича ўрганиладиган лексик бирикмаларни аниқ танлаш билан белгиланади.

“Сув хўжалиги ва мелиорация” ихтисослиги бўйича танланган матнлар асосида янги сўзларни юқори даражада ўзлаштиришни таъминлайдиган машқлар тузилган. Бунинг учун биз тахминан куйидаги машқ ва топшириқларни таклиф этамиз:

К терминам, указанным в левом столбце, подберите из правого столбца соответствующие толкования терминов.

ирригация	улучшение плодородия земли
мелиорация	замена ручного труда машинным
механизация	искусственное орошение земель
автоматизация	механичность, произвольность действий

Выпишите из данных ниже слов синонимы слова «ирригация» (или «мелиорация»):

Осушение, орошение, обводнение, полив, процедура, улучшение, засоление, эрозия, солончак, дренаж...

Терминлар бўйича ишлашнинг самарали усулларидан бири бу терминологик хариталарни тузишдир. Терминологик харита – бу илмий маълумот манбаларини кўрсатувчи тушунчалар, курсга оид атамалар луғати. Луғатдан фарқли ўлароқ, харитада тушунчалар ва атамалар ўртасидаги боғлиқлик (схематик ёки тасвирий) кўрсатилган. Терминологик хариталарнинг тузилиши талабаларнинг терминологик изланишларини оптималлаштиради. Талабалар кўриб чиқилаётган мавзуга мос келадиган терминологияни танлашни ўрганадилар. Терминологик харита тузиш учун мавзу, атама, грамматик тавсиф (ўз матнига мослаштириш учун), таъриф, контекстаги атама (манбани ва саҳифани кўрсатган ҳолда) кўрсатилади. Терминологик харита кейинги ахборот кидируви натижалари асосида кўшимча маълумотлар билан ўзгартирилиши, тўлдирилиши мумкин. У чоп этиш имконига эга бўлган электрон шаклда яратилгани яхшироқдир.

ТЕРМИНОЛОГИЧЕСКАЯ КАРТА

Тема	Капельное орошение
Термин-определение	Капельное орошение — метод полива, который основан на поступлении воды малыми дозами в прикорневую зону растений
Грамматика	Прил. + сущ. с.р.
Термин в контексте	Капельное орошение впервые было внедрено в промышленных масштабах, как самостоятельный вид орошения в Израиле, в начале 60-х годов. http://sgp.uz/news/624
Синонимы	Дождевание

Тайёр карталар билан жуфтликда ишлаш мумкин. Битта машғулотда 7 тадан кўп бўлмаган терминологик хариталардан фойдаланиш тавсия этилади. 10-15 дақиқа давомида тайёр терминологик хариталар билан ишланади: ҳар бир атаманинг ўзига хос томонларини таъкидлаш жуда муҳимдир. Машғулотда имтиҳон ҳам ташкил қилиш мумкин: савол-жавоб (аниқлик киритиш, тўлдириш, ўзгача ифодалаш, қисқача хулосалаш). Талабалар ўзларининг шахсий равон матнларини тузадилар ва тузилган матнлар куйидаги мезонлар бўйича баҳоланади: терминологик карталардан фойдаланилган атамалар сони, уларни контекстда фойдаланишнинг аниқлиги ва ижро назорати. Талабалар чиқишларини ёзиб олиб, маълумотларни икки маротаба тинглаш кутилган натижани беради. Албатта, бундай терминологик хариталарни тузиш катта меҳнатни талаб қилади, лекин шу билан бирга талабага ихтисослик атамалари билан ишлашни профессионал йўналтиришга, уларни атамаларни таржима қилишнинг халқаро стандартлари билан таништиришга, умумэътироф этилган терминологик маълумотлар банкларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишга имкон беради.

Ихтисослик бўйича матнни ўқиб чиққандан сўнг “Призма” деб номланган услубий техникадан фойдаланишингиз мумкин. Ушбу техникани индивидуал тарзда ҳам қўлаш мумкин, аммо ундан кичик гуруҳлар билан ишлашда фойдаланиш яхши самара беради. “Призма” ни тузиш кўп вақт талаб қилмайди, тез ва жонли ўтади.”Призма” ни тузиш учун асл сўз берилади, яъни ўрганилаётган асосий атама. Призма катакчалари асоциатив боғланиш асосида тўлдирилади ва у яқунловчи сўз билан тугайди. Призманинг охири босқичи асл ва яқунловчи сўзлар орасидаги боғлиқликни топиш ва гап тузиш билан тугайди.

Призма тузиш талабаларга ўрганилаётган атамани тўлиқ тушунишга ёрдам беради. Бундан ташқари график шаклидаги атамалар осон ва узоқ вақт эслаб қолинади. Куйида “Мелиорация” ихтисослик матнини ўрганишда тузилган призмани намунасини келтирамиз:



Рус тилидаги атамаларни ёдлашнинг энг қулай ва самарали усули бу флеш-карталар. Флеш-карта – бу икки томони ҳам ишлатиладиган оддий қоғоз варағи, картон ёки расм. Картанинг бир томонига сўз, таъриф ёзилади, иккинчи томонига сўз ҳақида тушунча, таржима ёки сўзнинг асл моҳияти ёзилади. Флеш-карталар, айниқса улар доимий равишда ишлатилса, маълумотларни ишончли тарзда тўплашга ёрдам беради. Шунчаки сўзлар тасвир турган картадан кўра ёмонроқ эслаб қолинади. Ҳар бир картага ассоциатив тарзда расмлар қўйиш лозим.


Флеш-карта тизими нафақат инсон хотирасининг сай-ҳаракатларини камайтиради, балки ўрганиш вақтини ҳам тежайди. Талабаларга учта конверта. Биринчи конвертга янги ва қийин атамалар жойлаштирилади. Иккинчи конвертга такрорий хатоларга йўл қўйилган карточкалар қўйилади. Учинчи конвертда эса талабалар жуда яхши эслаб қолган карталар жой олади. Биринчи конвертдаги атамалар ҳар куни 3-5 минут давомида такрорланади. Иккинчи конвертдаги атамалар **қунора** такрорланади. Агар биринчи ва иккинчи конвертлардаги яхши ёдланиб олинса, у ҳолда улар учинчи конвертга ўтади. Агар иккинчи конвертдаги терминлар унутилса, у ҳолда улар биринчи конвертга ўтади.

Карточки с правильными ответами



Карточки с неправильными ответами

Қуйида рус тилини ўрганаётган сув хўжалиги ва мелиорация ихтисослиги талабалари учун махсус тайёрланган карточканинг олд ва орқа томонлари кўрсатилган.

<p>Способ полива сельскохозяйственных культур, при котором вода разбрызгивается в виде дождя над поверхностью почвы и растениями.</p>	<p>ДОЖДЕВАНИЕ</p> 
---	---

Қишлоқ хўжалиги терминларини ёдлашда визуал луғатлардан фойдаланиш ҳам жуда самарали. Визуал луғатлар ёдлаш учун материаллар бўлиб, улар визуал идрок учун мослаштирилган. Бошқача қилиб айтганда, бу суратли луғатдир. Суратли луғатлар ёдлаш жараёнини осонлаштиради ва уни қизиқарли ва маълумотга бой қилади. Олимларнинг фикрига кўра, бу ўқиш жараёнини тезлаштиришга ёрдам берадиган визуал хотира.

Дарҳақиқат, юқори тезликда ўқиш билан ҳарфларни ёки бўғинларни эмас, балки бутун сўзларни эслаб қўйиш жараёни содир бўлади. Агар шундай бўлса, визуал хотиранинг аҳамиятини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Қишлоқ хўжалиги соҳаларининг номларини рус тилида ўзлаштиришда қуйидаги иш турини таклиф қилишингиз мумкин:

Подпишите подходящие слова под рисунком.



Слова для справок: хлопководство, каракулеводство, бахчеводство, скотоводство, пчеловодство, рыбоводство, птицеводство, грибоводство, лесоводство, цветоводство...

Ушбу турдаги визуал луғатлар техник олий таълим муассасаларининг тахсил олаётган талабаларига ўз мутахассисликлари бўйича эслаб қолиш қийин бўлган атамаларни осонгина эслаб қолишга ёрдам беради.

Матнлар тематикаси билан боғлиқ машқларни мақсадли танлаш лексик бирликларни юқори даражадаги такрорийлигини таъминлайди, бу уларни ғайриихтиёрий равишда ёдлашга ҳисса қўшади. Луғат устида ишлаш унинг оғзаки ва нутқ фаолиятида амалий қўлланилиши билан яқунланади. Нутқ машқларини бажариш лексик материални эркин ўзлаштиришни ўз ичига олади.

Биз таклиф этаётган машқлар, табиийки, янада мукамалликни талаб қилади. Бизнинг мақсадимиз, уни амалда татбиқ қилиш, бизнинг назаримизда, уни амалда ижобий татбиқ этиш техник олий таълим муассасалари талабаларига рус тилида касбий нутқни ўрганиш учун кенг ва ишончли асос яратади.

Касбий йўналтирилган нутқнинг лексик кўникмаларини самарали шакллантириш машқларнинг мунтазамлик ва тизимлик хусусиятига боғлиқ, чунки тизимлилик муваффақиятнинг асосидир [2].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Александрова Е.В. Методика формирования профессионально-ориентированной лексической компетенции у студентов юридических специальностей: на материале английского языка: автореф. дис. ... канд. пед. наук. – М., 2009.
2. Лapidус Б.А. К вопросу о сущности процесса обучения иноязычной устной речи и типологии упражнений // Иностранные языки в школе. 2006. № 4. С. 112-122.
3. Шамов А.Н. Когнитивный подход к обучению лексике: моделирование и реализация: базовый курс немецкого языка: дис. ... д-ра пед. наук. Н. Новгород, 2005.

ЎУК: 811.512.133

ЎЗБЕК БОЛАЛАР АДАБИЁТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИНИНГ ЎРНИ

*Д.Д. Тўраева, PhD, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Бошқарув аппарати,
Тошкент*

Аннотация. Мақолада ўзбек болалар адабиётининг етук намояналари Қ.Ҳикмат, А.Обиджон ва К.Турдиевалар ижодининг шаклланишида халқ оғзаки ижодининг ўрни, мақол ва топшимоқлар жанри мисолида қиёсий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: мақол, топшимоқ, ҳайвонот, меҳнат, болалар шеърляти, қофия, маҳорат, аҳамият

Аннотация. В статье анализируются роль устного народного творчества в развитии узбекской детской литературы на примере жанров пословиц и загадок в произведениях ведущих узбекских детских поэтов К.Хикмата, А.Обиджона и К.Турдиевой.

Ключевые слова: пословица, загадка, животный мир, труд, детская поэзия, рифма, мастерство, значение

Abstract. The article analyzes the role of oral folk art in the development of Uzbek children's literature on the example of genres, proverbs and riddles in the works of the leading Uzbek children's poets K. Hikmat, A. Obidjon and K. Turdieva.

Key words: proverb, riddle, wildlife, work, children's poetry, rhyme, skill, value

Ёзма адабиётда халқ оғзаки ижодидан фойдаланиш ўзбек адабиётида ҳам анъанавийдир. Ўзбек адабиёти тарихининг қайси даврига мурожаат этмайлик, мумтоз шоирлар ижодида ҳам, замонавий шоирлар ижодида ҳам халқ оғзаки ижоди анъаналари муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини кўрамиз. Жумладан, мумтоз адабиётимизда “Ирсоли масал” деб номланган бадиий асарда тасвирий восита - мақол қўллаш санъати ижодкор фикрини тасдиқлашга, фикрнинг таъсир кучини оширишга хизмат қилади. Халқ донолигининг, кўп асрлик ҳаётий тажрибасининг самараси бўлган фольклор барча миллий адабиётларнинг шаклланиши ва тараққиётига катта таъсир кўрсатган манба бўлиб, бошқа замонавий ўзбек шоир ва ёзувчилари катори, болалар адабиёти намояндalари ҳам шу манбадан озиқланган ҳолда камол топган.

Ўзбек болалар адабиётининг етук намояндаси Анвар Обиджон ҳам ўз ижодида халқ оғзаки ижодининг энг фаол жанри бўлмиш мақоллардан турли мақсадларда фойдаланган. Шоирнинг ўзбек халқи меҳнатсеварлигини ўзида мужассамлаштирган “Меҳнат – таги роҳат” шеърида ҳовлисига ошқовоқ эккан болақайнинг чексиз қувончи, ўз меҳнати натижасидан мамнунияти ва ғурури, ҳаттоки ўртоғи “ялқов Нор”га мақтаниб, уни ҳам меҳнат қилишга ундаши моҳирлик билан тасвирланган:

*Бу ёққа кел, ялқов Нор,
Егин тўйиб бир қовоқ.
“Маза-ку” деб бу баҳор
Сен ҳам эккин ошқовоқ [1,13].*

Зеро, меҳнат қилган одам бу ҳосилни ҳамма билан баҳам кўриши ўзбек халқига хос кўли очиклик, саховат белгисидир. Жонажон юртимиз бежиз “жаннатмакон юрт” деб таърифланмайди, она табиат бизга шундай ерни инъом қилганки, унга озгина меҳнатингизни сингдирсангиз, у сизга бутун борлигини ҳада этади. Асар ўзбек халқининг “Меҳнат, меҳнатнинг таги – роҳат” мақоли таъсирида яратилган бўлиб, муаллиф мақолнинг иккинчи қисмидан асар сарлавҳасида фойдаланган.

“Ҳалоллик” шеърида эса текин овқат ейишни ўзига эп кўрмаган ўрдак образи ёрдамида китобхонни меҳнатсеварликка ундайди. Бола ва ўрдак ўртасидаги диалогда шеърнинг асосий моҳияти, муаллифнинг мақсади акс этирилган:

*Мен дедим: «Ҳой ўрдагим,
Тилар бўлсанг иштаҳанг,
Ҳоҳлайсанми, қармоқда -
Тутиб берай мен наҳанг».
Ўрдагим дер: «Йўқ, раҳмат,
Тутиб берай нимаси,
Овқат еса бемеҳнат,
Бўларканми мазаси?» [1,25].*

Теранроқ эътибор берсак, шоир ўрдак образи мисолида китобхонни нафақат ҳалол меҳнат қилишга, балки ориятли, ғурурли, ўзига ишонган шахс бўлишга чақиради. Муаллиф шеърни меҳнатсиз роҳатни инкор этиш каби ибратли хулоса билан яқунлайди.

Айнан шу мақол таъсирида яратилган бошқа муаллиф асарига эътибор қаратайлик. XX асрнинг II-ярми ўзбек болалар адабиётининг йирик намояндаси Қ.Ҳикматнинг “Қовоқлар” шеъри ҳам ёш китобхонни меҳнатсеварликка ундайди. Бобо деҳқон йил бўйи тиним билмай меҳнат қилади. Кўкламда пешана тери тўкиб меҳнат қилган инсон унинг натижасини кузда олади. Қовоқлар ёзда “чилланинг сувини ичиб”, “кузнинг қировини еб” ўзларига янада лаззатлироқ таъм киритади ва ниҳоят “ҳар бири нақ ўғирдай” бўлган ойимқовоқлар кузнинг қоқ ўртасида дастурхонимизда қовоқ сомса, ширқовоқ, манти кўринишида ҳозир-нозир бўлиб, ўзларининг ҳам тотли, ҳам шифобахш мазаларидан барчамизни баҳраманд этади. Ўзбек халқи дастурхонидаги қут-барақа ҳалол меҳнатдандир. Ушбу шеърнинг тағмаъносида меҳнат қилган одам ҳеч қачон хор бўлмаслиги, унинг роҳатини кўриши ёш китобхонларга содда ва равон тилда баён этилган. “Меҳнат, меҳнатнинг таги – роҳат” мақоли шеър ғоясини ўзида тўла акс эттирган бўлиб, шоир бу мақолни шеъринг вазн ва қофияга мослаб, қисқартирилган ҳолда “Меҳнат – роҳат” кўринишида қўллайди.

*Мантисини қасқондан
Улашаркан холамиз,
“Меҳнат-роҳат” сўзини
Дарров эсга оламиз [2,59].*

Юқорида келтирилган А.Обиджоннинг “Меҳнат таги – роҳат” ва Қ.Ҳикматнинг “Қовоклар” шеърлари ўзаро уйғунлигини куйидаги жиҳатларда кўриш мумкин: а) ҳар иккала шеър ҳам ўзида ўзбек халқининг “Меҳнат, меҳнатнинг таги - роҳат” мақоли ғоясини мужассамлаштирган; б) иккала муаллиф ҳам меҳнатсеварликни ёритишда айнан қовокни восита деталли сифатида қўллаган; в) ҳар иккала шеърда ҳам (А.Обиджон- сарлавҳада, Қ.Ҳикмат-хулосада) мақол матнидан қисман фойдаланилган. А.Обиджон шеъри тенгдош тилидан қисқа ва равон тилда баён қилиниб, ўқувчига ўзгача завқ бахш этса, Қ.Ҳикмат асари қовокнинг қандай ўсиши, ундан қандай таомлар тайёрланиши тўғрисидаги маълумотлар билан китобхон онгу шуурини бойитишга хизмат қилади.

Болалар шоирларининг ўзига хос хусусиятлари ёш китобхонни муайян касбга йўналтиришида намоён бўлади. Маълумки, боланинг ёшига ёш қўшилиб боравериши билан у ўзининг келажагини орзулар қанотида тасаввур қила бошлайди. Буни деярли барча болаларнинг дастлабки орзуси, яъни эндигина ҳаётга ўзининг мунчоқдек, жажжи кўзчалари билан боқаётган қизчанинг қўғирчоғига *она* ёки ўйинқароқ, шўх-қувноқ болачанинг *машина ҳайдовчиси* бўлишида кўриш мумкин. Шу сабабли ҳам ота-оналар фарзандлари озгина катта бўлгач, қизларига энг аввало қўғирчоқни, ўғил болаларга эса машиначани совға қиладилар. Шу тарзда болани касбга йўналтириш, аввало, уйдан, оиладан бошланади. Аслида, кўп ҳолларда болалар ўз ота-оналари касбларига ҳавас қиладилар. Кичик ёшдаги болалар ўсмирлик даврига етгунга қадар бўлажак касбларини бир неча маротабалаб ўзгартирадилар. Айнан шу даврда уларга болалар шоирларининг шеърлари ёрдам беради, десак, хато бўлмайди.

А.Обиджоннинг “Яхши ният” шеърида ҳам ёш боланинг хаёлот оламига саёҳати, жажжигина Авазнинг эзгу ниятлар билан қурувчи-космонавт бўлиши, Ойда ҳам боғча, мактаблар қуриш орзу-истаклари борлиги тасвирланган:

*У дер “Қанийди бўлсам,
Мен қурувчи-космонавт.
Қурар эдим ойга ҳам,
Боғча, мактаб, интернет...”
Иккиланма, ҳеч Аваз,
Бу хаёлинг хом эмас,
Белни боғла, билим ол,
Яхши ният – ярим мол [1,7].*

“Яхши ният” шеъри ўзбек халқининг “Яхши ният – ярим давлат” мақоли ғояси асосида яратилиб, муаллиф мақолнинг биринчи қисмидан сарлавҳада, иккинчи қисмидан эса хулоса сифатида шеърий вазн ва қофияга мослаб (“давлат” сўзи ўрнига унинг синонимидан) фойдаланган. Мақолнинг қўлланилиши ўқувчига ҳаётий тажрибадан далил, исбот тариқасида келтирилиб, инсон ўз орзу-истаклари йўлида тинмай билим олиши ва ҳаракатланиши зарурлигини, орзулар хом хаёл эмас, етишиб бўладиган ҳақиқат эканлигини тушунишига ёрдам беради, энг асосийси ёш китобхонни қўллаб-қувватлаб, ҳаёт сўқмоқлари қаршисида талмовсираб турган болақайнинг ўзига бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди.

Қ.Ҳикматнинг “Ойга пойга” шеъри ҳам шу мавзуга бағишланган бўлиб, унда инсон ва шамол Ойга учиш бўйича пойга ўйнашади. Шамол образи шеърда жонлантирилиб, инсонга шундай дея мурожаат қилади:

*- Учиб юришлик
Бобомдан мерос.
Мендан ҳам ўзгир,
Чаққонми одам?
Эслолмас буни,
Бўронбой дадам [2,45].*

Инсон ўз ақлини ишга солиб, ракета куради ва Шамол иккиси Ойга “югуради”. Оламга ўзининг кучлилиги ҳақида жар солган Шамол даставвал ғолиб келади, аммо ўзини булутлардан пастда кўради, охир-оқибатда Инсон Шамол устидан ғалаба қозонади ва муаллиф ўз хулосасини “Мард майдонда билинар, номард – ишда” мақолининг бир қисмидан фойдаланган ҳолда “Мардлар майдонда // Синалар, деган // Халқ сўзи асл // Ҳеч ўлмайдиған” мисралари билан яқунлайди. Бу шеър ёш китобхонга Инсон ҳар доим ўз ақл-заковатига ишониб иш тутиши лозимлигини, манманлик инсон кўрқига путур етказиши мумкинлигини, камтарлик эса комил инсонларнинг зийнати эканлигини тушунтиришда хизмат қилиши билан тарбиявий аҳамият касб этади. Зеро, “ёш бола бирор-бир касб эгаси сифатида ўйин

ўйнаётган пайтдаёқ унинг қаршисида ижодкорликнинг равон йўли турганини билади ва сезади” [3].

Ўзбек халқ оғзаки ижодининг кўплаб жанрлари мавжуд. Бу жанрлар орасида айниқса топишмоқлар болалар дунёқараши, зехни, ақлу заковатининг ўсишида ниҳоятда катта аҳамият касб этади.

Топишмоқлар халқ мақолларига яқин бўлиб, улар ўртасида муштарак жиҳатлар оз эмас. Бу муштараклик аввало, мақол ва топишмоқлардаги мазмуннинг яқинлигида намоён бўлса-да, аммо топишмоқларнинг бадий вазифаси мақолнинг бадий вазифасидан муайян даражада фарқ қилади. Зеро, “Топишмоқ кўнгилхуши ёки фақат эрмак эмас, балки топишмоқ орқали атроф, муҳит, табиат яқиндан таништирилиши билан бирга ақл-заковат, зехн, фикр ўткирлигини синаш қуроли ҳамдир. Чунки у кишини ҳозиржавобликка ўргатади. ... Ҳар бир топишмоқ ўзига хос шакл ва мазмунга эга бўлган мустақил бир бутун бадий асардир. Унда фалсафий, тарихий, этнографик белгилар, тушунчалар, ҳодисаларнинг моҳияти гўзал образли ифодаларда акс этади” [4]. З.Хусаинова топишмоқ жанри хусусиятлари тўғрисида фикр юритар экан, яна бир муҳим масалага эътибор қаратади. Бу бадий асарда топишмоқ жанридан фойдаланишдан мақсад матнда яширинган масалани топишдир. Ушбу жиҳати билан топишмоқлар болалар адабиётига ниҳоятда яқиндир. Чунки топишмоқ аслида, болаларга мўлжалланган бўлиб, уларнинг ақл-заковатини изоҳлашга хизмат қилади ва топқирликка, ҳозиржавобликка, мулоҳазага ўргатади. Инчунун, Анвар Обиджоннинг топишмоқ шеърларни ёзишидан мақсад ҳам худди шудир.

А.Обиджон болалар фикр доирасини кенгайтириш, топқирлиги ва хотирасини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган талайгина топишмоқ-шеърлар яратган. Шундай асарлардан бири “Ким тузатади?” топишмоқ-шеъри бўлиб, муаллиф шеърда турли жониворларга хос хусусиятларни атайин чалкаштириб, уларни китобхон ҳукмига ҳавола қилади:

Қуёним бор – “вов-вов” дер,

Кучугим бор – беда ер,

Хўрозим сувда сузар,

Мушугим арқон узар.

Тонгда қичқириб – “қу-қу”,

Балигим бермас уйқу.

Эшагим пойлар сичқон,

Тошбақам учқур, жайрон.

Тойчоғим кўп султқадам,

Тез юролмас сира ҳам.

Тухум босар бузоғим,

Ўрдаккинам- сузоғим.

Куну-тун ҳангарар эчким...

Ҳой, гапимдан қулган ким?

Сўйлаган бўлсам чатоқ,

Ўзинг тўғри айт, ўртоқ [1,16].

Муаллиф бу топишмоқ-шеърни яратишда *дер-ер*, *сузар-узар*, “*қу-қу*”-*уйқу*, *бузоғим-сузоғим*, *эчким-ким*, *чатоқ-ўртоқ* каби оҳангдош сўзларни танлаш натижасида асар тилининг соддалиги ва равонлигига, оҳангининг мусиқийлигига эришган. Бу шеърни ўқиган китобхон юзида дастлаб табассум пайдо бўлиши табиий ҳол, чунки ҳеч бўлмаганда кимнинг “қу-қу”лаши, кимнинг “вов-вов”лашига унинг ақли етади, аммо қолганларини мулоҳаза қилишга тўғри келади.

Юқорида биз топишмоқ жанри кўпроқ болалар адабиётига яқинлиги тўғрисида сўз юритдик, фикримиз далилини Кавсар Турдиеванинг “Қушлар оркестри” топишмоқ-шеърда кўришимиз мумкин. Бу шеър “Ким тузатади?” шеърининг аналоги бўлиб, муаллиф ундан фарқли равишда шеърда турли қушларнинг овозини мужассамлаштириб оркестр яратади ва ўзига бино қўйган қарғанинг аҳволини тасвирлайди:

Бирдан қарга овози

Жаранглади норози.

У деди: - Келик, келик

Менга йўқ лойиқ шерик.

Эмасман зағча, ҳакка.

Куйлаш иштайман якка.

Чумчуқ ҳайрон: - Пит-пилдиқ

Бу яна қандай қилиқ?

Булбул деди: - Ку-ку-ку

Бу нодоннинг гапи-ку?!

Лайлак минг бир овозда

Дер: - Наҳот гапинг рост-а?

Қумри қилар: - Тўқ-тўқ-тўқ!

Унга бизда ўрин йўқ!

Қизилиштон дер: - Хув-ҳув

Ярамасни тезроқ қув!

Бедана дер: - Қор-қор-қор!

Уни яккалаш даркор [5].

Бундай кескин қарорлардан чўчиган қарға оркестрдаги қолган қушларга дўстликни таклиф қилиб, улардан кечирим сўрайди. Зеро, “камтарга – камол, манманга – завол” дейди доно халқимиз. Мажозий характердаги ушбу шеърда муаллиф бировни менсимаслик, паст назар билан қараш нотўғри эканлигини қушлар образи мисолида тасвирлаб, китобхонни

зийракликка, хушёрликка чорлаш баробарида дўстликни қадрлашга, камтар бўлишга чакиради. Муаллиф шеърни “*Сен эшитган қай овоз, // Айтгин қайси қушга хос?*” мисралари билан яқунлаб, китобхонни мулоҳаза қилишга чорлайди.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш жоизки ўзбек болалар адабиётининг ҳар қайси намояндаси халқ оғзаки ижодининг турли жанрларидан, хоҳ мақол бўлсин, хоҳ топишмоқ бўлсин ўз имконият даражаларидан келиб чиққан ҳолда фойдаланиб, ўзгача шакл ва мазмунда, турли тасвир воситалари ёрдамида ўз асарларига сингдиришга ҳаракат қилганлар. Зеро, халқдан олиб, бадийлаштириб, сайқаллаштириб, халққа қайта тухфа этиш натижасида ёш китобхоннинг кўнглига миллий ғурур, ифтихор, ор-номус каби хислатлар уруғини қандаш ўзбек болалар адабиётининг энг устувор вазифаларидан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Обиджон А. Она ер. – Тошкент: Ёш гвардия, 1974. – Б. 13.
2. Ҳикмат Қудрат. Менинг юрагим. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1986. – Б.59.
3. Бегак Б. Дети смеются. - Москва: Детская литература, 1979. - С. 56.
4. Ўзбек халқ ижоди. Топишмоқлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – Б. 337-338.
5. Турдиева К. Дунёни сақлар болалар. – Тошкент: Бекинмачоқ-Плюс, 2012. – Б. 167.

УЎК 81-13

ОҒЗАКИ НУТҚ МАЛАКАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНТЕРАКТИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

О.С. Турсунова, ўқитувчи, ФарПи, Фаргона

Аннотация. *Мазкур мақолада чет тилида оғзаки нутқ малакаларини ривожлантиришда самарали интерактив технологияларни қўллаш тартиби ўрганилган.*

Калим сўзлар: *гапириш, эшитиш, нутқ, ёзма, думалоқ стол, технология, муаммоли ўқитиш, вазият, таҳлил*

Аннотация. *В данной статье рассматривается порядок использования эффективных интерактивных технологий в развитии навыков устной речи на иностранном языке.*

Ключевые слова: *разговор, слух, речь, письмо, круглый стол, технология, проблемное обучение, ситуация, анализ*

Abstract. *This article examines the procedure for using effective interactive technologies in the development of oral speaking skills in a foreign language.*

Key words: *speaking, listening, speech, writing, round table, technology, problem-based learning, situation, analysis*

Тил ўргатиш ва гапиришни ўргатиш тушунчалари бир-биридан тубдан фарқ қилади. Агар тил ўргатиш деганда тил ҳодисалари ва улар ҳақидаги билимлар юзасидан маълумот бериш тушунилса, гапиришни ўргатиш деганда фикрни оғзаки баён қилиш кўникмаларини шакллантириш ва малакаларини ривожлантириш назарда тутилади. Гапира олиш учун коммуникатив лаёқатни эгаллаш лозим. Коммуникатив лаёқат деганда кишининг фикр алмашиш, мулоқот қила олиш лаёқати тушунилади. Мулоқот лаёқати куйидагилардан ташкил топади:

- суҳбатдошларга воқеа-ҳодиса ҳақида гапириб бера олиш;
- суҳбатдошнинг жавобини тушуна олиш ва изоҳлай билиш;
- жавобларга мос муносабат билдира олиш.

Ушбу малакалардан бирортаси ривожланмай қолса мулоқот лаёқати тўла-тўқис бўлмайди. Агар гапирувчи тингловчи ролини ҳам талаб даражасида бажара олсагина унда мулоқот лаёқати ривожланган ҳисобланади.

Психолингвистик тадқиқотларнинг далолат беришга кўра гапириш жараёни уч босқичдан ташкил топади:

1. Тузиш босқичи: нутқ вазияти ва нутқни қабул қилувчи ҳисобга олган ҳолда нима, қандай баён қилиниши лозимлиги режалаштирилади.

2. Кўчириш босқичи: нимани ва қандай гапга кўчириш, ўтказиш кераклигини режалаштирилади.

3. Ижро босқичи: оғзаки баён қилиш, яъни артикуляция ва тана тили орқали фикрни юзага чиқариш.

Гапиришни ўрганиш жараёнида бир қатор қийинчиликлар содир бўлади бу қийинчиликлар машқ қилиш орқали бартараф қилинади. Таълим жараёнида бир қатор ҳолатлар борки, улар аксарият ўқувчиларда учрайди. Куйидаги жумлалар гапириш

жараёнидаги қийинчиликлардан далолат беради. Чет тилларни ўрганишда қийинчилик асосан иккинчи ва учинчи босқичларда содир бўлади. Гарчи гапириш ва ёзиш нутқ фаолиятининг продуктив тури бўлса ҳам улар ўртасида катта фарқ бор. Бу фарқни қуйидаги уч соҳада кузатиш мумкин:

1. Гапириш учун артикуляция муҳим.
2. Гапиришга ажратилган вақт ёзишга нисбатан чекланган, вақт танқислиги мавжуд.
3. Гапириш ҳар доим тана тили билан боғлиқ.

Нутқлар ўз навбатида икки гуруҳга бўлинади: оғзаки ва ёзма. Гапириш ва тинглаб тушуниш нутқ фаолиятининг оғзаки турига мансуб бўлганлиги учун ҳам умумий хусусиятларга эга. Булар ички нутқ ва фараз қилиш фаолияти билан боғлиқ. Тинглаб тушуниш ва гапиришни ўргатиш жараёнида нутқ фаолияти турларининг умумий хусусиятларни ҳисобга олиш методик жиҳатдан муҳимдир. Н.И.Жинкин таъкидланганидек, нутқни тинглаб тушунишни ўрганиш учун гапириш лозим. Тушуниш гапириш жараёнида, гапириш эса тушуниш жараёнида шаклланади. Гапириш ва тинглаб тушуниш нутқ фаолиятининг ўқиш ва ёзиш турлари билан узвий боғлиқ. Ёзув оғзаки нутқ асосида пайдо бўлган. Ёзув оғзаки нутқни қоғозга тушириш имконини беради. Ўқиш оғзаки нутқдан ёзувга ўтиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Ўқиш ва ёзишни ўрганиш нутқни тинглаш қобилияти ва артикуляцияни ривожлантириш билан боғлиқ. Гапириш, гаплашиш, ўқиш жараёнида оғзаки нутқ ривожланиб боради.

Муаммоли ўқитиш технологияси.

Барчамизга маълумки замонавий таълим технологиясида муаммоли таълим алоҳида ўрин эгаллайди. Муаммоли таълим технологиясининг замирида ёки бир-бирига боғлиқ бўлган муаммолар занжири ётади. Муаммоли таълим методига асосланган таълим жараёни қуйидаги тўртта босқичда амалга оширилади.

- Муаммоли вазият ҳосил қилиш;
- Муаммоларни шакллантириш ва муаммони ечиш учун умумий таҳлил қилиш;
- Таҳмин қилинган ечимни текшириш;
- Амалий ва назарий характердаги масалаларда қўллаш, уларни тартибга солиш ҳамда сиёсатлаштириш.

Дарс жараёнида ўқувчи муаммони ечар экан, ўзича муҳим бўлган “кашфиёт” қилади. Бу ҳол ўқувчида ўзига ишонч ҳосил қилади (яъни менинг кашфиётим, мен топдим, ихтиро қилдим), мана шу томони билан муаммоли таълим технологияси бошқа барча ўқитиш технологияларидан устун туради. Чунки бунда ўқувчи изланиш олиб бориш, таҳлил қилиш, эмпирик хулоса чиқариш, бошқа вазиятга қўллаш, фикр мулоҳазаларини тахминан системалаштириб исботлаш келгусида амалий фаолиятга қўллаш малакаларини эгаллаб боради. Муаммоли таълим анъанавий ўқитиш методикасига таянади. Ўқитувчи муаммоли вазиятни ўқувчилар олдида қўйиш билан бир қаторда, уни ечиш учун изланиш зарурлигини, изланиш усулларини ўқувчиларга ўргатади. Муаммо ечимини топиш, излашга ўтиш учун, энг аввало зарурий муҳит яратилиши керак. Муаммо аниқ бўлиши, ўқувчилар уни ечимини излаш жараёнида олдинги мавзуларда, фанларда олган маълумотларни, тушунчалари, билимлардан фойдалана оладиган бўлиши керак. Ўқувчилар олдида қўйилган муаммо ўзининг долзарблигига эга бўлиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчи изланишни маълум бир системада, муайянликда бўлган муаммо устида олиб бориши керак. Шунда ўқувчи муаммони таҳлил қилади, қисмларини ажрата олади ва ечиш учун киришади.

Таълим жараёнини лойиҳалаш бевосита муаммоли таълимни лойиҳалашга олиб келади. Муаммоли ўқитиш технологик лойиҳалаштирилган ўқув жараёнини амалга оширишнинг дидактик конструкцияси сифатида қўлланилади. Америкалик олим У.Гордон ўқувчиларга муаммоларни, унинг ташкил қилувчи элементларини шакллантиришни ўргатишни, излашнинг бош мақсадини ажрата билишни, турли-туман характердаги масалалар ечимининг ўхшашларини қидиришни ўргатиш муаммоли таълим жараёни учун муҳимлигини таъкидлайди. Ўқитувчи муаммони қўйишни билибгина қолмай унинг ечимини топиш усулларини ўқувчиларга ўргатиши керак: тўғри (муайян масалага ўхшаш, масалалар қандай ечилади), шахсий (муайян масалада берилган объект образига киришга ҳаракат қилиш ва шу нуқтаи-назардан мулоҳаза юритишга уриниб кўриш), символитик (икки жумла орқали масаланинг моҳиятини образли аниқлашни бериш), фантастик (бу масалани эртак қаҳрамонлари қандай ечган бўлар эдилар). Муаммоли вазиятни бундай усулда ечишга ўргатиш орқали ўқувчиларда синтетик, абстракциялаш, фантазия қилиш, ўзгаларни эшитиш,

оддийдан ғайри оддийни, ғайриоддийдан оддийни топиш, ўхшатишлардан моҳирона фойдаланиш кўникмаларини шакллантиради.

Муаммоли таълим жараёнида ўқитувчи ўқувчилар ўртасида фикрлар алмашилишини бошқариш; ишончли далиллар асосида ўз фикрида тура олиш; муҳолиф томоннинг фикрини мунозара қилиш; малакасини ривожлантириш; ўқувчини актив фикрлаш фаолиятига асослаш, масалани долзарблаштириш, ўз фикрини баён қилишнигина эмас, балки бошқаларни ҳам эшитиш маҳоратини ривожлантириш, ўқувчилар билдирган фикрлардан фойдали ахборотни олиш ва зарур хулосалар чиқариш ва ўқувчилар ихтирочилик, тадқиқотчилик, лойиҳаловчилик каби зарурий сифатларни шакллантиришдир.

Муаммоли таълим - бу мантикий фикрлаш операцияси (тахлил, умумлаштириш) ва ўқувчиларнинг изланишли фаолияти қонуниятларини (муаммоли вазият, билишга қизиқиш, эҳтиёж) ҳисобга олиб тузилган таълим ва ўқитишнинг илгари маълум бўлган усулларини қўллаш қоидаларининг янги тизимидир. Шунинг учун ҳам муаммоли таълим кўпроқ ўқувчи фикрлаш қобилиятининг ривожланишини, унинг умумий ривожланиш ва эътиқодининг шаклланишини таъминлайди. Дидактиканинг барча ютуқларини истисно қилмай, балки улардан фойдаланган ҳолда муаммоли таълим илмий билим ва тушунчаларини, дунёқарашни шакллантириш, шахс ва унинг интеллектуал фаоллигини ҳар томонлама ривожлантириш воситаси сифатида ривожлантирувчи таълим бўлиб қолади.

Дидактикада муаммоли ўқитиш янги йўналиш сифатида XX асрнинг 70-80 йилларида юзага келди. А.М.Матожкин, Т.В.Кудряшев, М.И.Махмутов, И.Я.Лернерлар муаммоли ўқитиш қонуниятларини чуқур ўргандилар.

Анъанавий дидактика бутун эътиборни ўқитувчи фаолиятига қаратган ва таълим жараёни деганда асосан ўқитиш жараёнини кўзда тутган, кўпинча ўқувчиларнинг репродуктив фаолияти баён қилинар эди, холос. Ҳозирги замон дидактикаси ўқувчиларнинг мустақил ўқув-билиш фаолиятига эътиборни кучайтирди. Муаммоли таълим назарияси ўқувчи интеллектуал кучининг ривожлантирувчи таълимни ташкил қилишнинг психологик-педагогик йўллари ва усулларини тушунтиради.

Муаммоли вазиятларнинг роли ва аҳамиятини аниқлаш ўқувчи фаол фикрлаш фаолиятининг психологик-педагогик қонуниятларини изчил равишда ҳисобга олиш асосида ўқув жараёнини қайта қуриш ғоясига олиб келди. Янги педагогик фактларни назарий жиҳатдан мулоҳаза қилиб кўриш асосида муаммоли таълимнинг асосий ғояси аниқланади: муаммоли таълимда билимнинг деярли катта қисми ўқувчиларга тайёр ҳолда берилмайди, балки ўқувчилар томонидан муаммоли вазият шароитларида мустақил билиш фаолияти жараёнида эгаллаб олинади.

Маълумки, шахснинг ҳар томонлама ва гармоник ривожланишининг муҳим кўрсаткичлари юқори даражада фикр юритиш қобилиятининг мавжудлигидир. Агар таълим ижодий қобилиятини ривожлантиришга олиб борса, у ҳолда уни сўзнинг замонавий маъносида ривожланишни билимга таянган ҳолда, махсус педагогик воситалар ёрдамида ўз ўқувчиларини фан асосларини ўрганиш жараёнида фикрлаш қобилияти ва билиш эҳтиёжини оширади.

Бугунги кунда, муаммоли ўқитиш деганда машғулотларда педагог томонидан яратиладиган муаммоли вазиятлар ва уларни ечишга қаратилган тингловчиларнинг фаол мустақил фаолияти тушунилади. Бунинг натижасида тингловчилар касбий билимларга, кўникмаларга, малакаларга эга бўладилар ва фикрлаш қобилиятлари ривожланади.

Муаммоли ўқитиш, ўқитишнинг шахсга йўналтирилган технологияларига тааллуқли, чунки бу ерда шахс субъект сифатида қаралади, муаммоли вазиятларнинг мақсади-педагогик жараёнда ўзига хос қизиқиш уйғотишдир. Муаммоли ўқитиш, ўқитишнинг энг табиий самарали услулдир, чунки илмий билимлар мантиғи ўзида муаммоли вазиятлар мантиқини намойиш этади.

Abstract. *This article pays special attention to the problems of Uzbek linguistics, in particular, the hyperonymic and hyperonymic, hyponymic and hyponymic relations inherent in the system of language levels and their units, their specific function in the system of Uzbek consonants. Linguistic terms serve as illustrative material for the article.*

Keywords: *Linguistic units, paradigmatics, syntagmatics, hyperonym, hyperonymic relationship, hyponym, hyponymic relationship, consonant phonemes*

Кириш. Жаҳон тилшунослигида миллий тилларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши, ривожланиш босқичлари турли аспектларда ўрганилган. Ҳар қандай фан тадқиқининг асосий воситаси бўлган терминлар, уларнинг лингвистик табиати, юзага келиш манбалари, ясашиш усуллари, терминларнинг тузилишига кўра турлари, улардаги синонимлик ва дуплетликни баргараф қилиш йўллари, термин ва тушунча муносабати кабилар ҳам тилшуносликдаги асосий масалаларидан бирига айланган.

Жаҳон тилшунослигида лингвистик терминологиянинг пайдо бўлиши ва алоҳида терминологик қатлам сифатида шаклланишини антропоцентрик планда тадқиқ этиш, терминларнинг лингвистик тушунчани қай даражада ифодалашидан келиб чиқиб тартибга солиш борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу маънода тилшуносликнинг ривожига билан янги терминларнинг пайдо бўлиши, терминлардаги синонимия, полисемия ва вариантликнинг юзага келиш сабабларини аниқлаш, ўзлашма терминларнинг миллий терминологик тизимга таъсирини очиб бериш, мураккаб таркибли терминларнинг ҳосил бўлиши юзасидан аниқ хулосаларга келиш тилшуносликнинг долзарб вазифаларидан биридир.

Ўзбекистоннинг мустақил миллий тараққиётга эришиши жамият ҳаётининг барча соҳаларига, хусусан, миллий-маданий қадриятларнинг тикланишига ўз ижобий таъсирини

кўрсатди. Ўзбек тили лексикасининг бойиши ва ривожланиши ҳам истиқлол яратган имкониятлар билан боғлиқ бўлди. Шунинг баробарида ўзбек тилшунослигида ҳам тилимизнинг туркона табиатини аниқлашга йўналтирилган қатор тадқиқотлар бажарилди. Ўзбек тилшунослари терминологияни тартибга солиш, ўзбек тилидаги турли соҳа терминларини изоҳлаш, ўзбекча термин ясаш усулларини ишлаб чиқиш борасида салмоқли ишларни амалга оширдилар. Шу билан бир қаторда, тилшуносликнинг тараққий этиб бориши билан унинг терминологиясида ҳам тадқиқ қилиниши зарур бўлган муаммолар келиб чиқади. Ана шундай масалалардан бири терминологияда гиперо-гипонимик ва эквонимик муносабатларни ўзбек тили тилшунослик терминлари мисолида аниқлашдир.

Адабиётлар таҳлили. Ўзбек тилшунослигида луғавий-семантик гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар тадқиқот объекти сифатида ўрганилган бўлса-да, терминология тизимидаги гиперо-гипонимик муносабатлар етарли даражада ўрганилган эмас. Хусусан, Р.Сафарованинг 1990 йилда ҳимоя қилган “Ўзбек тилида гипонимия” деб аталган диссертацион тадқиқот иши [1, 25] ҳамда 1996 йилда нашр этилган “Лексик семантик муносабатнинг турлари” рисоласи [2, 46] ўзбек тилида дастлабки ушбу йўналишда монографик планда ўрганилган иш ҳисобланади. Бундан ташқари Ҳ.Неъматов, Э.Бегматов, Р.Расуловлар ҳаммуаллифлигидаги “Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси” (Систем лексикология тезислари) [3, 6]; А.Нурмоновнинг 1992 йилда нашр этилган “Лисоний белги хусусиятлари ҳақида”ги [4, 56]; Ҳ.Неъматов, Р.Расуловлар ҳаммуаллифлигида нашр этилган “Ўзбек тили систем лексикологияси асослари” [5, 128]; А.Бердиалиев, Р.Хидировлар ҳаммуаллифлигида нашр этилган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” [6, 83-87] асарлари тилшуносликнинг ушбу масаласига бағишланган. Тадқиқот иши объекти сифатида А.Ҳожиёвнинг 1 700 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмасидан иборат “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати” [7, 168] ва Н.Маҳкамов ва И.Эрматов ҳаммуаллифлигида нашр этилган 1 500 га яқин сўз ва сўз бирикмасидан иборат “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати” [8, 144] таҳлил қилинади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот объекти ўзбек тили изоҳли луғатлари ҳамда тилшунослик терминларининг изоҳли луғатларидаги ўзбек тилшунослик терминлари ташкил этади. Тадқиқотда қуйидаги илмий таҳлил методларидан фойдаланилган: лингвистик тавсифлаш, систем, статистик, контекстуал таҳлил усуллари. Тадқиқот мавзусига доир илмий адабиётларни таҳлил қилишда лингвистик таҳлил усулидан фойдаланилган. Гипоним ва гипероним ўртасидаги муносабатларни ёритишда систем таҳлил усули қўлланилган. Статистик таҳлил ўзбек тили изоҳли луғатларда тилшунослик терминларининг ўрин олиши, акс этиш хусусиятларини ўрганишда кенг фойдаланилган.

Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси. Тилнинг лексик-семантик даражаси бирликларининг тизимли ўзаро муносабатларининг бир тури – бу гипонимия (умумий – хусусий муносабатлар, умумий, қўшимчалар, гипер-гипонимик, таксономик муносабатлар). Тилнинг лексик тизимидаги ушбу муносабатларнинг ҳолати тўғрисида турли хил нуқтаи назарларни ҳисобга олган ҳолда, биз жуда кенг тарқалган, кўплаб тадқиқотлар билан тасдиқланган, гипер-гипонимик муносабатлар лексик бирликларининг энг муҳим умумий боғланишлари сонига тегишли эканлиги ҳақидаги хулосага мурожаат қиламиз. Мантиқий ва семантик боғланишга асосланган гипонимия, индивидуал семантик майдонлар (гуруҳлар) иерархик тузилишини ва тилнинг лексик тизимини бир бутун сифатида, тилнинг луғавий таркибини тузадиган асосий алоқадир.

Лисоний бирликлар, тилнинг қайси сатҳига қарашлилигидан қатъий назар, маълум бир лисоний муносабатлар асосида ўзаро боғланади. Бундай лисоний муносабатлар асосан икки хил бўлади. Биринчиси парадигматика (парадигматик муносабатлар), иккинчиси синтагматика (синтагматик муносабатлар) деб аталади [9, 79-80].

Парадигматик муносабатлар асосида парадигма, синтагматик муносабатлар асосида синтагма (ва синтагматика) тушунчалари ётади. Парадигматика ва парадигматик муносабат, синтагматика ва синтагматик муносабатлар тушунчалари француз ва швецар тилшуноси Ф. де Соссюр таълимоти туфайли фанга маълум бўлган [10, 56-57].

Парадигма ва парадигматика тушунчалари асосида тилнинг ҳар бир сатҳ бирликларига хос гипероним, гипоним тушунчалари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, иерархиялик хусусиятлари белгиланади.

Парадигма ва парадигматика муносабатлар туфайли тил сатҳлари ва уларнинг систем тавсифи белгиланганидек, гипероним ва гипоним тушунчалари, уларнинг ўзаро

муносабатлари туфайли парадигма ва уларни ташкил этувчи узвий бирликлар тавсифи белгиланади.

Тил унсурларининг гиперонимик-гипонимик боғланишлари турлича куршовларда амалга ошади. Бу куршовлар бири бошқасини ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлади. Бошқа гипонимик куршов ҳосил қила олмайдиган тил бирликлари ўзидан йирикроқ гипероним(лар) доирасида туташади. Нисбатан йирик гиперонимлар ўзидан қуйи гиперонимлар ва улардан яна қуйроқ (минимал) гиперонимлар уюшмасидан ташкил топади. Гипоним характери касб этган энг кичик (минимал) лисоний унсурлар унга нисбатан йирикроқ, ўртача катталиқдаги гиперонимо-гипонимлар ўзига нисбатан яна бошқа йирикроқ гиперо-гипонимлар ва ҳоказо изчилликдаги гиперо-гипонимлар таркибига унинг таркибий унсурлари сифатида ўрнаша боради. Шунинг учун ҳам ҳар қандай йирик, максимал гиперонимлар ўзига хос парадигмалар характери касб этиб, ўзига нисбатан қуйи гиперо-гипонимлар ҳосиласи, уюшмаси, мақомига эга бўла боради. Бу ва бунга ўхшаш хусусиятлар тил тизимининг иерархия ва иерархияли муносабатлар ҳодисаси билан алоқадор тушунчалар ҳисобланади.

Тўпلامни катгароқ гуруҳларга, бундай гуруҳларнинг ўзини ички турларга, турларни ички хилларга, хилларни навларга, навларни кўринишларга босқичма-босқич бўлиш ҳамда тўпلامни ўхшаш ва фарқли белгилар асосида ички гуруҳларга ажратиш орқали гиперонимик-гипонимик муносабатлар юзага келади.

Масалан, ҳозирги ўзбек адабий тили ундош фонемалари сатҳига назар ташласак, улар йигирма уч аъздан иборат микротизимга эга: **b, v, g, d, j, z, y, k, l, m, n, ng, p, r, s, t, f, x, ch, sh, q, g', h.**

Ундошлар оғиз бўшлиғида турли тўсиқларга учраб пайдо бўладиган, таркиби фақат шовқиндан ёки овоз ва шовқиндан иборат товушлардир. Уларнинг талаффузида ҳаво оқими сирғалиб ёки портлаб чиқади. Бу ҳаво оқими ун пайчаларини титратиб ёки титратмай ўтади ва б. Ана шулар натижасида турли жиҳатдан бир-биридан фарқли ундош товушлар ҳосил бўлади [11, 122-123].

Бу микротизим ўз навбатида тўрт гуруҳга ажратилади. Мазкур гуруҳларда ундош товушлар ҳосил бўлишидаги қуйидаги нуқтаи назарлардан тасниф қилинади: 1) овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра; 2) ҳосил бўлиш ўрни (нутқ аъзоларининг иштироки)га кўра; 3) ҳосил бўлиш усулига кўра; 4) танглай иштироки (палатализация)га кўра.

Ундош фонемалар ҳосил бўлишидаги бу хусусиятларнинг ҳар бири ўзига хос ўртача йирикликдаги гуруҳлар саналиб, улар овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра (биринчи), ҳосил бўлиш ўрнига кўра (иккинчидан), ҳосил бўлиш усулига кўра (учинчидан) каби гипонимик тўдаларга бўлинади.

Кейинги бу гуруҳлар ҳам ўзига хос “ички” гипероним характери касб этиб, уларнинг ҳар бирига хос маъно ва вазифасини ўзида мужассам этган гипонимларга ажралади. Масалан:

Овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра ундошларга хос гипонимлар: *сонор ундошлар* ва *шовқинли ундошлар* бўлиб, улар ўз навбатида ўзига хос “ички” гипероним характери касб этиб, уларнинг ҳар бирига хос маъно ва вазифасини ўзида мужассам этган гипонимларга ажралади. Масалан:

а) сонор ундошларга хос гипонимлар: *m, n, ng, l, r;*

б) шовқинли ундошларга хос гипонимлар: *жарангли ундошлар* ва *жарангсиз ундошлар*.

Бизга маълумки, сонорлардан бошқа ҳамма ундошлар шовқинли ундошлар қаторига киради. Овознинг қатнашиши ёки қатнашмаслигига кўра шовқинли ундошлар қуйидаги ўз гипонимларига эга: *жарангли ундошлар* ва *жарангсиз ундошлар*. Булар ҳам ўз навбатида гипонимларга ажралади:

а) жарангли ундошларга хос гипонимлар: *b, v, z, g, d, j, g', y, l, m, n, ng, r;*

б) жарангсиз ундошларга хос гипонимлар: *p, f, s, k, t, ch, q, sh, h, x.*

Ҳосил бўлишдаги хусусиятига кўра ундошларнинг ҳар бири ўзига хос *лаб ундошлари*, *тил ундошлари* ва *бўғиз ундоши* каби ўртача йирикликдаги гуруҳлар ташкил этади. Бунда *лаб ундошлари*га хос гипонимлар *лаб-лаб ундошлари*, *лаб-тиш ундошлари* бўлса, *тил ундошлари*га хос гипонимлар *тил олди ундошлари*, *тил орқа ундошлари*, *тил ўрта ундоши*, *чуқур тил орқа ундошлари* каби гипонимик тўдаларга бўлинади. *Бўғиз ундоши*га хос фақатгина **h** фонемаси мавжуд бўлганлиги учун бўғиз ундоши гипоним ҳосил қилмайди ва энг сўнги гипонимик тизимни яқунлайди.

Лаб ундошлари гипероними лабларнинг фаол ҳаракати билан ҳосил бўладиган ундошлар бўлиб, *лаб-лаб ундошлари* ва *лаб-тиш ундошлари* каби гипонимик тўдалар ҳосил қилади. Булар яна ажралиб, ўз гипонимларига эга бўлади:

а) лаб-лаб ундошларига хос гипонимлар: **p, b, m;**

б) тил-тиш ундошларига хос гипонимлар: **v, f.**

Тил ундошлари гипероними нутқ аъзоларидан тилнинг фаол иштироки ҳамда ҳосил бўлишида тилнинг қайси қисми фаол иштирок этишига кўра *тил олди ундошлари*, *тил орқа ундошлари*, *тил ўрта ундоши*, *чуқур тил орқа ундошлари* гипонимларига эга. Масалан:

а) тил олди ундошларига хос гипонимлар: **k, g;**

б) тил орқа ундошларига хос гипонимлар: **b, p, d, t;**

в) чуқур тил орқа ундошларига хос гипонимлар: **q, g', x.**

Тил ўрта ундошига хос фақатгина **у** фонемаси мавжуд бўлганлиги учун *тил ўрта ундоши* гипоним ҳосил қилмайди ва энг сўнгги гипонимик тизимни яқунлайди.

Ҳосил бўлиш усулига кўра ундошлар гипероними *портловчи ундошлар*, *сирғалувчи ундошлар*, *қоришиқ товуш (ундош)лар*, *титроқ товуш (ундош)* каби гипонимларга ажралади. Бу гипонимлар ўз навбатида яна гиперонимларга айланиб, “ички” ўзига хос гипонимларни ташкил этади. Масалан:

а) портловчи ундошларига хос гипонимлар: **p, b, t, d, k, g, q;**

б) сирғалувчи ундошларига хос гипонимлар: **v, f, z, s, sh, j, y, x, g', h;**

в) қоришиқ ундошларига хос гипонимлар: **s (ts), ch (tsh), j (dj).**

*Титроқ товуш (ундош)*га хос биргина **r** фонемаси мавжуд бўлганлиги учун *титроқ товуш (ундош)* гипоним ҳосил қилмайди ва энг сўнгги гипонимик тизимни яқунлайди.

Хулоса. Тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларни шакллантириш мумкин:

а) ундош фонемалар гиперонимлигининг кўлами булар билан чекланмайди, албатта. Бу ундош фонемаларнинг ҳар бири ўзига хос оралиқ гиперонимлар характерини касб этиб, жаранглилик-жарангсизлик, сирғалувчи-портловчилик белгилари асосида яна бошқа гипонимларни ўз ичига олади;

б) юқорида қайд этилган ана шу энг сўнгги гипонимик бирликлар ўзбек тили ундош фонемалари гиперонимик тизимини яқунлайди;

в) гиперонимик ва гипонимик муносабатлар тил бирликларининг функцияга киришувини таъминловчи асосий омиллардан биридир. Шуниси ҳам борки, гипероним ва гипоним ҳодисалари бири бошқаси билан қанчалик узвий боғлиқликка эга бўлишидан қатъий назар, улар иерархия жараёнига кўра ўзаро фарқ қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Сафарова Р. Гипонимия в узбекском языке. АКД. – Тошкент, 1990. – 25 с.
2. Сафарова Р. Лексик семантик муносабатнинг турлари. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 48 б.
3. Нейматов Х., Бегматов Э., Расулов Р. ва б. Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси. (Систем лексикология тезислари) ЎТА, 1989, №6.
4. Нурмонов А. Лисоний белги хусусиятлари ҳақида. – Андижон. 1992. – Б. 56.
5. Нейматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Т., “Ўқитувчи” нашриёти, 1995. – 128 б.
6. Бердиалиев А., Хидиров Р. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Хужанд: Раҳим Жалил, 2013. – Б. 83-87.
7. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларнинг изоҳли луғати. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – 168 б.
8. Mahkamov N., Ermatov I. Tilshunoslik terminlarining izohli lug'ati. – Т.: Fan, 2013. – 144 б.
9. Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. – М.: Наука, 1977. – С. 79-80.
10. Соссюр Ф. де. Труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1977. – С. 56-57.
11. Mahkamov N., Ermatov I. Tilshunoslik terminlarining izohli lug'ati. – Т.: Fan, 2013. – В. 122-123.

ЎУТ 821.512.133(092)

УСМОН НОСИР ИЖОДИДА АФФИКСАЦИЯ УСУЛИДА ҲОСИЛ ҚИЛИНГАН ОККАЗИОНАЛ ЯСАЛМАЛАРИНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ж.У. Юлдашев, ўқитувчи, Навоий давлат педагогика институти, Навоий

Аннотация. Мақолада Усмон Носир шеърларида аффиксация усулида ҳосил қилинган ясама окказионализмларнинг юзага келиш йўллари ва лингвопоэтик хусусиятлари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: оппозиция, окказионализм, окказионализм сема, экспрессивлик, адабий норма, поэтик лексика

Аннотация. В данной статье анализируются окказионализмы, образонные путём аффиксации и их лингвопоэтические особенности.

Ключевые слова: оппозиция, окказионализм, сема окказионализма, экспрессивность, номинативная сема, литературная норма, поэтическая лексика

Abstract. The article analyzes the pathways and linguopoetic properties of the legendary occultisms created with the affixation method in the poems of Usman Nasir.

Key words: opposition, occasionalism, sema occasionalism, expressiveness, nominal meaning, literary norm, poetic lexicon

Ўткир қалам соҳиби Усмон Носир қисқа умри давомида, айниқса, ўзининг гўзал шеърлари билан адабиётимизда ёрқин из қолдирган ижодкорлардан бири саналади. У ўз шеърларида жозибатор бадиий тасвирий воситалар яратиш билан бирга сўз ясаилишининг ноодатий усулига жуда кўп ўринларда мурожаат қилади. Шоир шеърларида бундай ясалмалар тасвир тиниклигини ва бадиийликни таъминлаш каби услубий вазибаларни ўтайди. Тилимиздаги сўз ясаилишининг энг кўп тарқалган усуллари билан бири аффиксация усулида янги сўз ясашир [1]. Бу усул асосида янги ясалмалар ҳосил қилиш имконияти жуда кенг ва бойдир. Чунки ўзбек тилида сўз ясовчи кўшимчалар жуда кўп. Ижод жараёнида адибнинг бадиий эҳтиёжи туфайли, умумхалқ тилида оммалашиб кетмаган ясалмалар, фавқулодда ўзгача бирликлар– окказионализмлар вужудга келади. Аффиксация усули билан яратилган окказионализмлар ҳам ўзининг янгилиги, “оҳорлилиги” ва ғайриоддийлиги билан беҳад поэтик ва образли бўлади [2].

Усмон Носир шеърларида *-чи, -кор, -ги, -лик, -чилик, -ли, -сер-, бе-, -сиз, -қ, -дор, -ла, -лан, -лаш* каби ясовчи воситалари асосида яратилган *ижодчи, ҳимоякор, эзги, ажсалсизлик, умрли, ухлоқ, сермеҳнат, бекелишув, воқифсиз, зийнатдор, давомдор, баёнла, чечаклан, алвидолаш, суяклар, пайгамбарона* каби ноодатий ясалмалар яратганки, бу ясалмаларда индивидуал неологик хусусият, ижодийлик яққол кўзга ташланади.

Усмон Носирнинг “Қуёш билан суҳбат” асарида умрбоқий ясалмасининг *умрли* тарзда қўлланганлигини кўришимиз мумкин:

*Дунёда ҳеч бир умр йўқ,ки-
Етар бўлса сенинг ёшингга.
Сен ҳаммадан қари, умрли
Сенинг кўзларинг дунё кўргандир [3].*

Сўз ясаилиши тилнинг фаол ва ўзгарувчан сатҳларидан бири саналиб, тил луғат таркибидаги ва нутқий фаолият амалларидаги синхрон ўзгаришлар, ижодкорнинг шахсий имкониятларини акс эттиришини шоирнинг “Тракторобод” асарида келтирилган нутқий парча орқали яққол кўришимиз мумкин:

*Лирикам, кўлкалан,
Кўлкалан, гўзал,
Сен ҳам
Бу куннинг
Бир ижодчиси (79-бет)*

Мазкур нутқий парчада офтоб нуридан тўсилган жой; соя маъносидаги кўланка сўзининг маънодоши кўлка (**Кўлка** кам қўллан. айн. кўланка. [4]) ясаилиш асосли *кўлкалан* ва ижодкор маъносидаги *ижодчи* ғайриоддий ясалмаларни учратамиз.

Усмон Носир ижодида сўзнинг тасвир имкониятидан ўта усталик билан фойдаланишга интилиш, тасвирга фавқулодда ҳеч кимнинг хаёлига келмаган чизгилар бериш ва сайқаллаш кучли. У ўзининг дунёқарашига хос бўлган ва фақат унинг асарларидагина учрайдиган, умумхалқ тилида оммалашиб кетмаган, кутилмаган ясалмалар-окказионализмларни ҳам янги тарзда қўллашга интилади.

Биламизки, ҳозирги ўзбек адабий тили меъёрларига кўра ижодкор шахсига нисбатан ижодчи лексемасини қўллаб бўлмади. Келтирилган нутқий парчада эса *ижодчи* ясалмаси ижод билан шуғулланувчи, янгилик яратувчи маъносидаги ижодкор маъносини акс эттиради. Мазкур ўринда умумадабий ва услубий маромлардан ижодий чекиниш ҳолларининг нутқ маҳорати ва ўзига хос нафислиги билан боғлиқ жиҳатларини намоён қилади. Яъни юқорида келтирилган матндан англашиладики, шоир ижодчи ясалмаси орқали айнан ижодкорни ҳам эмас, балки ижод намунасини шеърятни, лирикани назарда тутди. Бу эса ижодкордаги эмоционал ҳолатни ўта юқори тасвирлашга хизмат қилади.

Усмон Носирнинг “Норбўта” достонидан келтирилган нутқий парчада ҳолат равиши ясовчи аффикси –*лаб* воситасида *суякляб* окказионализми ижод жараёнида ижодкор томонидан айна шу вазият, мазмун эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ясалган. Ҳар бир ижодкорнинг ўзига хос услуби бўлгани сингари, ана шу услуб замирида яратилган янги сўзлар, янги қўлланишлар ҳам бўлади. Шоир ижодида бу ҳодиса шеърнинг бадиийлигини, оригиналлигини таъминловчи услубий восита вазифасини бажаради:

*Бечора чол ҳолидан кетди,
Мен суякляб уйига элтдим.
Ёмон урган экан, шу кеча
Жон берган у, кексайган етим.* (17-бет)

С.Тошалиева “Тил луғати таркибидаги янгиланишлар, маъновий ўзгаришлар, услубий тоифаланишларда ҳам, нутқ эгасининг сўз яшаш, сўз ижод қилишдаги шахсий малака ва маҳоратларида ҳам сўз ясаши ҳодисасининг бевосита иштироки бор” [5] лигини қайд этади. Шоирнинг “*Яна кўнглимда...*” шеърида адиб бадиий тафаккури, ўткир нигоҳи орқали бетакрор мисраларига кўчганлигини гувоҳи бўламиз.

*Яна кўнглимда эрка бир шодлик,
Яна тилимда севгили шеърим.
Яна то ичдан томчилар суқдор,
Томчилар сувдек эзилган меҳрим.
Яна кўнглимда эрка бир шодлик* (103-бет)

Адибнинг бетакрор асарлари ғоявий-бадиий жиҳатдан тасвир имкониятларининг кенглиги билан ажралиб туради. Ҳар қандай ҳодисани, инсоннинг барча рухий кечинмаларини, ўзи тасвирламоқчи бўлган манзара ёки шахсни ўзи хоҳлагандек ифодалаш учун мавжуд сўзлардан фойдаланмай, ҳали ҳеч ким қўлламаган, биринчи марта ишлатиладиган янги сўзларни яратишга интилади.

*“У меники !- деди риёкор,-
Қиз меники! Уни қолдир, бас!
Кеч қолдинг сен, ей, ҳимоякор
Мен ва унга сен ҳоким эмас!*

Усмон Носирнинг ҳатто таржима асарларида ҳам бундай окказионализмларни тасвир руҳига мос равишда қўллаганлигини кўрамиз. Лермонтов қаламига мансуб “Демон” асари таржимасида *ҳимоячи* ясалмасига маънодош *ҳимоякор* окказионализми усталлик билан қўлланади. Бундай бирликлар поэтик руҳ сезилиб туришида, шеърини ифода гўзаллигининг шаклланишида индивидуал нутқ доирасидагина ҳосил қилинади. Бу ясалмага нисбатан ясовчи асоси алмаштирилиб ясалган окказионализмлар сифатида қараш лозим. Чунки -кор [ф.-иш, меҳнат, фаолият қилиш, хатти-ҳаракат] касб эгаси, мутахассислик, машғулот билан боғлиқ бўлган шахс оти ясайди: бинокор, халоскор, хизматкор; от туркумидаги сўзларга қўшилиб, асосдан англашилган тушунчага эгалик, у тушунчанинг ортиқлигини ёки унга хослик, ўхшашлик, хусусият, ҳолат маъноларини ифодаловчи сифатлар ясайди: нақшинкор, риёкор, шиддаткор, ҳаваскор; [ф.-экувчи; “эқмоқ” фл.нинг ҳоз.зам. шакли] асосга қўшилиб, асосдан англашилган нарсани экувчи шахс оти ясайди: пахтакор, шолитор, ғаллакор каби [6].

*О, у қандай давомдор!
Нур билан тўлган бутун
Гуллари чаман-чаман,
Мен уларни ичаман.* (“Богим”)

-дор [ф.-эга бўлувчи; сақловчи, кўриқловчи; “бирор нарсага эга бўлмоқ, эгалламоқ” фл.нинг ҳоз, зам. шакли] асосан от туркумидаги сўзлардан қуйидаги маъноли сифатлар ясайди: 1) отларга қўшилиб, шу сўз орқали ифодаланган предметга эгаликни, ўша маънодаги нарса ёки ҳодисанинг мавжудлигини англатади: айбдор, байроқдор...2) сўз асосидан англашилган тушунчанинг ортиқлигини, катталигини билдирувчи сифатлар ясайди: гўштдор, рангдор...каби [7]. Шоирнинг “Богим” шеърида эса –дор сўз ясовчи аффикси орқали давомдор ноодатий окказионализми ҳосил қилинган.

Ҳар қандай окказионал форма аввалдан мавжуд бирор семантикани ўзига тақаб олади, ана шу семантикани ноодатий кўринишда рангдор ифодалайди. Шу сабаб ҳам окказионализмлар барқарор бўлмаган номинативликка эга дейилади ва бу маъно кўпинча матндагина рўёбга чиқади [8].

Кўришиб турганидек, окказионал сўз ясалишининг асосий вазифаси стилистик функция ўташдан иборат. Мазкур кичик тадқиқотда Усмон Носир ижодида қўлланилган аффиксация усулида окказионал сўз ясалиши ва сўз ижодкорлиги масаласи, уларнинг қўлланишидаги функционал-стилистик ўзига хосликлар матн услубияти ва коммуникатив лингвистика тамойиллари нуқтаи назаридан ёритилди, умумдабий ва услубий маромлардан ижодий чекиниш ҳолларининг нутқ маҳорати ва нафосати билан боғлиқ жиҳатлар қайд этилди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясалиши. – Тошкент: Ўқитувчи, 1989. – Б. 15.
2. Нормуродов Р. Шукур Холмирзаёв асарларининг тил хусусиятлари: Филол фанлари номзоди ... дис. автореф. – Тошкент, 2000. – Б.33
3. Усмон Носир. Танланган асарлар. Т.,Ф.Фулум .1969.Б.13.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II.Б. 445.
5. С.Тошалиёва. Ўзбек тилида окказионал сўз ясалиши//Филология фанлари номзоди... дис.автореф.- Тошкент, 1998.-2 б.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати.Т.,2008.V том. В.582.
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати.Т.,2008.V том. В.578.
8. Юсубова Р. Поэзия тили ва окказионаллик//ФарДУ Илмий хабарлари – Фарғона, 2018.№2 – Б. 61

УЎК 808.5

БОЛАЛАР НУТҚИДА ТИЛ БИРЛИКЛАРИНИНГ ЎЗЛАШТИРИЛИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Н.Ж. Ярашова, катта ўқитувчи, PhD, Навоий давлат педагогика институти, Навоий

Аннотация. Тил боланинг мавҳум фикрлаш қобилиятига ташиқ оламдан рамзлаштирилган маъноларни бириктиришига ёрдам беради, яъни тил ва тафаккур бири-бири билан чамбарчас боғланган ўзаро алоқададир. Шунинг учун бола тилни етарли даражада тушунади ва унинг тушунчавий фикрлаш қобилияти ортган сари тили ҳам ривожланади.

Калит сўзлар: бола нутқи, эгоцентрик нутқ, иннате, инборн, коммуникация

Аннотация. Язык помогает ребенку в умении абстрактно мыслить, привносит из внешнего мира символизированные смыслы, то есть язык и мышление находятся в тесной взаимосвязи между собой. Поэтому ребенок понимает язык в достаточной мере, и по мере развития у него способности к осмыслению развивается язык.

Ключевые слова: речь ребёнка, эгоцентрическая речь, иннат, инборн, коммуникация

Abstract. Language helps the child to think abstractly, to bring symbolized meanings from the outside world, that is, language and thinking are closely interrelated. Therefore, the child understands the language to a sufficient extent, and as he develops the ability to understand the language develops.

Key words: The child's speech, egocentric speech, innit, inborn, communication.

Авалло, болаларнинг тилни ўзини ўзлаштириш имконияти ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, бу борада Р.Якобсон томонидан олиб борилган тадқиқотларни эътироф этиб ўтмоқ даркор. “Боланинг тил ўзлаштириш жараёнида тўпланган маълумотлар тилнинг структур курилма эканлиги ва ундаги муштарак қонуниятларни асослашга имкон беради. Бола тилни ўзлаштирар экан, унда бўшлиқ ёки чалкашлик бўлмайди, турли мамлакат ва қитъа болаларида ҳайратланарли даражадаги универсалликлар кузатилади, яъни улар айнан бир хил тизим бўйича нутқ товушларини ўз нутқида ифодалай бошлашини қайд этиб ўтади” [1]. Боланинг тил ўзлаштириш жараёни ўзбек тилшунослари Н.Сайидирахимова, М.Қурбоноваларнинг номзодлик диссертациялари [2] ва бошқа олимларнинг бир қатор тадқиқотларида ҳам тадқиқ қилинган. Г.Т.Искандарова [3] томонидан эса ўзбек ва хитой болаларининг тил ўзлаштириш жараёнидаги ўзига хос хусусиятлари ўрганилганда, болаларнинг тил ўзлаштириш қонунлари бутун дунё тиллари гўдақларида ҳам бирдек учровчи муштарак ҳолатларнинг кўплиги билан муҳим аҳамият касб этиши айтиб ўтилган. Юқорида санаб ўтилган олимлар томонидан 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар нутқи ўрганилган бўлса, биз ўз тадқиқотларимизда Худойберди Тўхтабоев асарлари қаҳрамонлари бўлган болалар нутқида тил бириклирининг ўзлаштириш имкониятлари ҳақида фикр юритамиз. Илмий манбалардан маълумки, болалар тилни қуйидаги қарашлар асосида ўзлаштирадilar:

1. *Хамти-ҳаракатга асосланган қараш.* Ушбу қарашга кўра, болалар тилни бошқа нарсаларни ўргангандек ўрганишади. Атрофдаги бир қанча товушларни гуруҳлантириш, шакллантириш ва шунга ўхшаш ҳолатларда мазкур товуш ва таъсирларни юзага чиқариш амалга оширилади. Бола онаси ва атрофидаги яқин кишиларининг кўрсатган таъсирларини вақти вақти билан тилга чиқаради. Шунингдек, гўдакларнинг кўп эшитган товушларга тақлид қилишлари ҳам нутқнинг шаклланишида муҳим ўрин эгаллайди.

2. *Ижтимоий таъсирларга асосланган қараш.* Бу қараш ҳам юқоридаги қарашнинг давоми бўлиб, унда тил ўзлаштириш тўғридан-тўғри тақлид қилиш ва қолиплар олиш асосида талқин қилиниб, ижтимоий ва маданий муҳитга урғу берилади. Чақалоқ туғилиши билан маълум бир маданий муҳитга тушади. Шундай экан, ижтимоий (маданий) меъёрлар, энг аввало, мана шу маданий белгилар орқали гўдакка ўзлашади. У ривожланиш жараёнидагина жамоанинг аъзосига айланади. Мазкур жараён эса камида икки муносабатлар тизими – гўдакнинг одамлар билан мулоқотга киришиши ҳамда уни ўраб турган моддий нарса-буюмларни ўргана бориши орқали шаклланади. Бу муносабатлар тизимини эгаллаш бир вақтнинг ўзида бир-биридан ажралмаган ҳолда амалга ошади.

3. *Она тилига асосланган қараш.* Мазкур қараш тил ўзлаштиришни генетик жиҳатига эътибор қаратади. Барча инсонлар олдиндан тилни ўзлаштириш воситаларига эга бўлади. Одам пайдо бўлган вақтдан бошлаб тил ҳам пайдо бўлган. У авлоддан-авлодга ўтиб, такомиллашиб борди. Натижада инсоннинг гапириш қобилияти унинг руҳига шунчалик чуқур жойлашдики, у наслдан-наслга ўтиш хусусиятига эга бўлди. Ҳар бир янги туғилган гўдак тилни янгидан ўрганмасдан, балки организм балоғатга етиши билан унинг лисоний қобилияти ҳам организм билан бирга ривожланади. Демак, инсон зоти гапиришни уни ўраб турган жамият аъзолари томонидан ўрганмай, улар ёрдамида бош миясига жойлашган мавжуд тизимни тиклайди, акс ҳолда бу қарашга кўра, болалар тилдек мураккаб бир ҳодисани бунчалик тез ва мукамал ўрганиб олишлари мумкин бўлмасди.

4. *Биологик асосларга таянган қараш.* Ноам Хомский ва Эрик Леннерберг каби тилшунослар тилни ўзлаштиришдаги атроф-муҳитдаги шароитлар аҳамиятини эътироф этганлари ҳолда уни биологик асосларга боғлашган. Олимларнинг фикрича, барча болаларда тилни ўрганиш жараёнини бошқарадиган туғма қобилият мавжуд. Н.Хомскийнинг қарашича, инсонда тилни ўрганиш учун “туғма” (иннате, инборн) махсус механизм мавжуд бўлиб, у болани атрофида гаплашилган тилни сингдиришига, тушуниб ўрганишига, ва ниҳоят, унинг муайян қоидаларга мос равишда гапиришини таъминлайди. Н.Хомскийнинг тахминича, болада туғма тил структуралари мавжуд. Шунга кўра, олим “туғма билимлар” назариясини илгари суради. Н.Хомский тил тизимидаги ҳар бир ифодани ботиний ва зоҳирий структурага ажратади. Ботиний структурани тушунчаларнинг маъно томони, зоҳирий структурани эса муомаладаги сўзлар билан алоқадор қилади. Болалар тилни ўрганишда дастлаб товушларнинг маъноларини тушуниб оладилар, кейин эса уларни ботиний структурага айлантирадилар.

Л.С.Виготскийнинг фикрича, тил тафаккур билан бирга параллел ҳолда ривожланади. У тил ўрганишнинг кишининг онгли фикрлаш қобилиятига таъсир кўрсатишини қайд қилади. Л.С.Виготскийга кўра, сўз предметнинг структурасига йўналиб, функционал маъно касб этади. Шу билан бирга, олим бола мавжуд бўлган тил муҳитининг фикрлаш тизимига таъсир қилишини ҳам алоҳида таъкидлайди. Инсоннинг психик ривожланиши унинг умуминсоний маданий тажрибани ўзлаштириши (бу асосан моддий дунёни, аниқроғи, нарса-буюмларни ўргана бориши) билан боғлиқ ҳолда рўй беради [4].

Л.С.Виготский ва Ж.Пиаже фикрларини бирлаштириб қарайдиган бўлсак, тил ривожланишини ташқи оламдаги нарсаларнинг ментал рамзлашиши билан амалга ошиши маълум бўлади. Тил бир томондан фикрлаш учун хом ашё тайёрларкан, иккинчи томондан фикрлай олиш қобилиятига параллел равишда фаолият кўрсатади. Бола нутқининг ривожланиши қуйидаги босқичларда намоён бўлади:

1. *Вербаллашувгача бўлган давр.* Бу босқичда бола гапирмайди. Бироқ болада ўзининг атрофидаги яқинлари билан сўзлашиш жараёнига қадар бўлган кўникмалар ҳосил бўлади, келгусидаги нутқий фаолияти учун зарурий шароитлар юзага кела бошлайди.

Гўдак тилни ўзлаштиришни товуш шакллари билан ўзлаштиришдан бошлайди. Гўдакнинг ўзи ҳам ғувур-ғувур қилиб турли товушлар чиқаради (*а-аа, уу-у, гу, аги, ба-ба, да-да*). Бу ўзига хос бир ўйин бўлиб, бола ундан завқланади. Гўдак бир неча дақиқа давомида бир хил товушни такрорлаши мумкин ва ўзининг бу ҳаракати билан нутқ товушлари

артикуляциясини созлаган бўлади. Одатда, гўдакнинг дастлабки гувранишида онаси у билан гаплаша бошлайди. Бола бу товушларни илғаб олади ва уларни такрорлашга ҳаракат қилади.

Бола бошқа товушлар орасидан нутқий товушларни ажрата бошлайди, овозга қараб гапираётган шахсни ажратади, яқинларининг овозини, нутқини танийди. Нутқ овозининг хослигини баҳолай олади (жаҳл билан гапирилса йиғлайди, кулгили оҳангга кулиб жавоб қайтаради, эркалатиш ёки буйруқ оҳангидаги сўзларни тушуна бошлайди).

2. *Боланинг актив нутққа ўтиши.* Бу давр, одатда, бола умрининг 2-йилида кечади. Боланинг фонематик эшитиш қобилияти ривожланади. У илк сўзларини, масалан, *ойи, ая, она, апа, ада, дада* кабилар айтади. Сўзлардаги айрим товушларнинг туширилиши ва нотўғри талаффуз қилиш (*кел ўрнига те, овқат ўрнига окат*) ҳоллари кузатилади. Бола нутқининг дастлабки даврларида такрорланувчи бўғинлардан иборат сўзларни талаффуз қилиш қийинчилик туғдирмайди. Шунинг учун ҳам катталар айтган айрим бир бўғинли сўзларни бола иккилантиради (масалан, *ош* сўзи ўрнига *ашша, нон* сўзи ўрнига *нанна*). Икки сўзни бир-бирига боғлаб ифода ҳосил қилишга уриниш 1,5 ёшда юз беради. Аста-секин буйруқ майли ўзлаштирилади.

3. *Нутқнинг мулоқот учун асосий воситага айланиши.* Бу босқичда сўзловчининг мақсади, воқеаларнинг бориш жараёни ва мазмуни аниқлашади. Боланинг луғат бойлиги кенгайиб, грамматик конструкциялар мураккаблашади, унинг талаффузи тиниклашади. Икки ёшдан сўнг бола сўзлар морфемикаси ва сўз ясалиш қонуниятларига мувофиқ сўз бойлигини кенгайтиради. Икки ярим ёшли бола нутқида икки сўздан иборат содда сўз бирикмалари (булар кўпроқ феълий бирикмалар бўлади) ифодалана бошлайди. Бола бирлик ва кўпликни фарқлаш ҳамда кўллаш, баъзи келишик кўшимчаларини ифодалашни ўрганади. Уч ёшдан сўнг бола содда гапларни, кейин эса мураккаб гапларни нутқида қўллай бошлайди. Нутқий ривожланиши меъёрда кечган бола уч ёшни тўлдириш арафасида тахминан 1000 та сўзни билса, 6-7 ёшларда унинг сўз бойлиги 3000-4000 та сўздан ташкил топади.

Нутқнинг грамматик қурилиши болаларда уч ёшнинг бошларида шакллана бошлайди. Бола мактаб ёшига етар чоғида деярли барча сўз яшаш, сўз ўзгартиш кўникмаларини ҳосил қилади. Ўзаро боғланган, грамматик шаклланган контекстли нутқ пайдо бўлади. Мактаб даврида бола таълим жараёни орқали нутққа онгли равишда эгалик қила бошлайди. Ёзма нутқ ва ўқиш кўникмалари шаклланади.

Болалар нутқидаги ўзига хос ҳодисалардан бири *эгоцентрик нутқдир*. Ўз генезисига кўра *эгоцентрик нутқ* мактаб ёшигача бўлган боланинг ўйин ёки бошқа машғулотлар жараёнида ўзи билан гаплашишидан шаклланади. Боланинг бу нутқи суҳбатдошининг бор-йўқлигидан қатъий назар, амалга ошади. Жан Пиаже мазкур ҳодисага хос икки ҳолатни ажратиб кўрсатади:

1) суҳбатдошсиз нутқ (коммуникацияга қаратилмаган нутқ);

2) суҳбатдош фикри инобатга олинмайдиган, боланинг ўз нуқтаи назарига асосланган нутқ. Ж.Пиажега кўра, 3-4 ёшдаги бола нутқининг 40%ни эгоцентрик нутқ ташкил қилади. Бола мактаб ёшига етганда, бу нутқ аста-секин йўқолади. Умуман, бола нутқининг шаклланиши 3-11 ёшгача бўлган даврларни камраб олади. Боланинг нутқи айнан ана шу даврларда шаклланиб, индивидуал нутқнинг асосий кўрсаткичларини ҳосил қила бошлайди. Шундай қилиб, шахснинг психик ривожланиши ижтимоий ривожланишдир. Шахснинг ижтимоийлашув жараёни мазкур жамият маданиятининг ўзлаштирилишидир. Тилни ўзлаштириш шахснинг ривожланиши ва ижтимоийлашуви жараёнидаги ҳал қилувчи омилдир. Тил боланинг онгига жамоанинг ижтимоий тажрибаси доирасида кириб боради ва бу ижтимоийлашув натижаларини тўплаш воситаси саналади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Якобсон Р.О. Болалар тилининг товуш қонунлари ва уларнинг умумий фонологиядаги ўрни// Танланган асарлар, Москва: Progress, 1985, -Б.105-116

2. Искандарова Г.Т. Ўзбек ва хитой болаларининг тил ўзлаштириш жараёнидаги ўзига хос хусусиятлар. – Т., 2008.

3. Виготский Л.С. Танланган психологик тадқиқот. Фикрлаш ва нутқ. Боланинг психик ривожланиши муаммолари. - М., 1956.

КИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ

УЎТ: 633.511:575.127.2:631.527

ЎЗНИНГ ГЕНЕТИК ЖИХАТДАН УЗОҚ ДУРАГАЙЛАРИДА ТОЛА СИФАТИ БЕЛГИЛАРИНИНГ ЎЗARO КОРРЕЛЯЦИЯСИ

И.Ф. Амантурдиев, б.ф.д., проф., Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент
С.Ф. Бобоев, б.ф.д., доц., Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент

Аннотация. Мазкур мақолада ўзанинг генетик жихатдан узоқ бўлган F_1 - F_2 дурагайларида тола чиқими ва тола сифатининг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш юзасидан олинган тадқиқот натижалари келтирилган. Генетик жихатдан узоқ шаклларни чапиштириш асосида олинган дурагайларда тола узунлиги ва микронейр белгилари ўртасида асосан ўртача ва кучли боғлиқлик мавжудлиги кузатилди. Аксарият комбинацияларда толанинг солиштирма узунлиги кучи билан микронейр орасида кучсиз

корреляция борлиги аниқланди. Шунингдек, дурагайларнинг F_2 авлодида ҳам корреляция коэффициентлари ўрганилди. Тадқиқот натижаларига кўра, корреляция маркерлари ҳар бир комбинацияда уларнинг генотиби ва корреляция коэффициентидан келиб чиқиши хулоса қилинди.

Калим сўзлар: гўза, белги, боғлиқлик, комбинация, генетик жихатдан узоқ дурагайлар, дурагайлаш, микронейр, корреляция коэффициенти

Аннотация. В данной статье представлены результаты определения зависимости между выходом и качеством волокна генетически отдаленных гибридов хлопчатника F_1 - F_2 . Связь между длиной волокна и микронейром гибридов полученных из отдаленной гибридизации в большинстве случаев является умеренной и сильной. Установлено, что корреляция между разрывной нагрузкой по волокну и микронейром в большинстве комбинаций является низкой. Также были изучены коэффициенты корреляции среди гибридов F_2 . Из результатов исследований можно сделать вывод, что корреляция маркеров должна учитываться в каждой комбинации с учетом их генотипа и коэффициента корреляции.

Ключевые слова: хлопчатник, признак, взаимосвязь, комбинация, отдаленные гибриды, гибридизация, микронейр, коэффициент корреляции

Abstract. In this paper presents results of determining the dependence between fiber output and quality of genetically distant cotton hybrids F_1 - F_2 . The link between the fiber length and the micronaire of hybrids derived from distant hybrids, in the majority of cases, is moderate and strong. The correlation between the fiber breaking load and the micronaire have been found to be low in most combinations. Also studied correlation coefficients among F_2 hybrids. From research results we can conclude that correlation of markers should be taken into account in each combination, taking into account their genotype and correlation coefficient.

Key words: cotton, trait, relationship, combination, distant hybrids, hybridization, micronaire, correlation coefficient

Қириш. Маълумки, гўза асосан енгил саноатнинг қимматли хом ашёси, яъни тола олиш учун экилади. Толанинг пахта хом ашёсидаги фоизи барча экин майдонидан олинган тола ҳосилдорлигини кўрсатишга асосий мезон ҳисобланади. Шунинг учун, янги навларнинг тола чиқими ошириш, мамлакатимиздаги гўза экиладиган майдонлар қисқариши ва пахта толаси ишлаб чиқариш ҳажмини аввалгидан камайтирмаслик режалари билан боғлиқ ўта зарур муаммолардандир. Гўза навлари селекциясида тола чиқими муаммоси, ирсиятидаги тола чиқимининг юқорилиги ва сифати ўртасидаги қарама-қарши боғланиш борлиги бугунги кунга қадар етарли даражада ҳал этилгани йўқ. Лекин, илмий адабиётлардан маълумки, баъзи ҳолларда селекционерлар томонидан белгиларнинг узвий боғлиқлигини бузишга эришилган бўлиб, юқори тола чиқимига эга бўлган навлар яратилган [2; 50-55-б.; 3; 13-б.].

Географик ва генетик жихатдан узоқ шаклларни дурагайлаш орқали олинган ҳар хил биотипга мансуб ўрта толали навлар иштирокида олинган дурагайларда тола узунлиги белгисининг ирсийланиши оналик навнинг генотибига боғлиқ ва турлараро чатиштириш орқали тола узунлиги бўйича ингичка толали гўза навларига хос рекомбинантларни ажратиш олиш мумкинлигини ва шунингдек, бошқа хўжалик белгилари бўйича ҳам оддий дурагайлашга нисбатан туричи жўғрофий узоқ дурагайларнинг F_1 авлодидаёқ кескин яхшилаш мумкинлиги аниқланган [1; 281-282-б.].

Тадқиқот мақсади. Изланишларимизда генетик жихатдан узоқ шаклларни чатиштиришдан олинган F_1 - F_2 дурагайларида тола чиқими ва унинг сифатини белгиловчи айрим технологик кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликлар қай тарзда бўлишини аниқлашга ҳаракат қилдик.

Тадқиқот манбаи ва услуби. Тадқиқот объекти сифатида гўзанинг *G.hirsutum* L. турига мансуб АҚШдан келтирилган намуналар ва маҳаллий селекция С-6532, Бухоро-8, Турон навлари ҳамда улар иштирокида чатиштириб олинган туричи генетик узоқ дурагайларнинг F_1 - F_2 авлодларидан фойдаланилди. Дурагайлаш, танлов ишларини олиб бориш ва белгиларнинг авлоддан авлодга шаклланишини ўрганиш, лаборатория ва дала тажрибалари умумқабул қилинган усулларда бажарилди. Миқдорий белгилар бўйича олинган натижалар математик-статистик таҳлилдан ўтказилди [4; 416-б.].

Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси. Олинган натижалар (жадвал-1) шуни кўрсатдики, дурагайларнинг тола узунлиги ва микронейри ўртасидаги боғлиқлик аксарият ҳолларда ўртача ва кучли эканлиги аниқланди. Бироқ, ушбу белгилар орасидаги

корреляциянинг йўналиши турли даражада бўлади. Масалан, ўрганилган дурагайлардан F_1 Бухоро-8 х $BC_3S_1-47-8-1-17$ комбинациясида корреляция қиймати энг юқори ва ижобий ($r=+0,95$), F_1 Бухоро-8 х $BC_3S_1-1-6-3-15$ дурагайида эса, юқори даражада салбий ($r=-0,60$) экан. Шунингдек, $F_1T-10/04$ х $BC_3S_1-1-6-3-15$, $F_1T-10/04$ х $BC_3S_1-47-8-1-17$ ва $F_1T-16/04$ х $BC_3S_1-47-8-1-17$ комбинацияларида ҳам ўртача даражадаги салбий корреляциялар мавжудлиги аниқланди. Тола узунлиги ва микронейр ўртасидаги боғланишлар кучсиз салбий ёки ижобий бўлди. Олинган натижалар, ушбу белгиларни бошқарувчи генларнинг бири-биридан маълум узоқликда жойлашгани ва уни туричи узоқ шаклларни чатиштириш орқали узиш мумкинлигини кўрсатади. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, тола узунлиги ва унинг солиштирама узилиш кучи орасидаги корреляция ҳам комбинацияларга боғлиқ равишда турлича бўлади.

1-жадвал

F_1 дурагайларида тола чиқими ва айрим технологик кўрсаткичлар ўртасидаги корреляция

№	Дурагай-комбинациялар	Тола узунлиги - микронейр		Тола узунлиги –солиштирама узилиш кучи		Тола узунлиги-тола чиқими		солиштирама узилиш кучи-микронейр	
		r	t	r	t	r	t	r	t
		1.	C-6524 (андоза)	0.07	0.2	-0.78	-3.5	0.24	0.7
2.	F_1 Бухоро-8 х $BC_3S_1-47-8-1-17$	0.95	8.9	0.03	0.1	-0.08	0.2	-0.01	0.0
3.	F_1 Бухоро-8 х $BC_3S_1-1-6-3-15$	-0.60	2.1	0.53	1.7	0.11	0.3	-0.61	2.2
4.	F_1 Турон х $BC_3S_1-1-6-3-15$	0.29	0.8	0.27	0.8	0.37	1.1	-0.05	0.1
5.	F_1 Турон х $BC_3S_1-47-8-1-17$	0.30	0.9	0.34	1.0	-0.15	0.4	0.43	1.4
6.	$F_1T-10/04$ х $BC_3S_1-1-6-3-15$	-0.34	1.0	-0.40	1.2	-0.65	2.4	0.08	0.2
7.	$F_1T-10/04$ х $BC_3S_1-47-8-1-17$	-0.12	0.3	-0.08	0.2	0.71	1.7	0.44	1.4
8.	$F_1T-16/04$ х $BC_3S_1-47-8-1-17$	-0.41	1.3	-0.17	0.5	0.80	3.8	-0.59	2.1
9.	$F_1T-16/04$ х $BC_3S_1-1-6-3-15$	0.24	0.7	-0.13	0.4	-0.69	2.7	0.22	0.6
10.	$F_1C-6532$ х $BC_3S_1-47-8-1-17$	-0.07	0.2	-0.17	0.5	0.10	0.3	-0.04	0.1
11.	$F_1C-6532$ х $BC_3S_1-1-6-3-15$	0.08	0.2	-0.26	0.8	-0.06	0.2	0.19	0.6

Ўрта даражадаги ижобий корреляция ($r=0,53$) F_1 Бухоро-8 х $BC_3S_1-1-6-3-15$ комбинациясида кузатилди. Қолган дурагайларда ушбу белгилар орасидаги корреляция йўналиши ва кучи турли даражада салбий ва ижобий паст бўлди. Шунинг таъкидлаш жоизки, андоза C-6524 навида мазкур белгилар ўртасидаги корреляция энг юқори даражада салбий ($r=-0,78$) бўлди. Толанинг солиштирама узилиш кучи ва микронейр орасидаги боғлиқлик ҳам аксарият комбинацияларда паст эканлиги жадвалдан яхши кўриниб турибди. Айрим комбинациялардагина ушбу белгилар ўртача ижобий ва салбий экан. Масалан, F_1 Бухоро-8 х $BC_3S_1-1-6-3-15$ ва $F_1T-16/04$ х $BC_3S_1-47-8-1-17$ комбинацияларида тегишли равишда $r=-0,61$ ва $r=-0,59$ га тенг салбий боғланиш қайд этилса, F_1 Турон х $BC_3S_1-47-8-1-17$ ва $F_1T-10/04$ х $BC_3S_1-47-8-1-17$ комбинацияларида ўрта даражадаги ижобий боғланиш борлиги аниқланди.

Кўпчилик тадқиқотчилар томонидан тола чиқими ва узунлиги кучли даражада салбий боғланган деган маълумотлар келтирилган. Бироқ, бизнинг изланишларимизда олинган натижалардан, генетик жиҳатдан узоқ дурагайларда бошқача кечишини ва ушбу фикр ҳамиша ҳам тўғри эмаслигини кўриш мумкин. Масалан, F_1 Турон х $BC_3S_1-47-8-1-17$ ва $F_1T-16/04$ х $BC_3S_1-1-6-3-15$ комбинацияларида тола чиқими ва узунлигининг кучли даражада салбий эканлиги, селекция учун айни муддао ҳисобланиб, туричи генетик жиҳатдан узоқ шаклларни дурагайлаш орқали мазкур белгиларнинг ижобий мажмуасига эга рекомбинантлар яратиш мумкинлигини яхши тасдиқлайди. Бироқ, $F_1T-10/04$ х $BC_3S_1-47-8-1-17$ ва $F_1T-16/04$ х $BC_3S_1-47-8-1-17$ комбинацияларида тола чиқимини унинг узунлиги билан кучли ижобий боғланганлигини таъкидлаш зарур.

Шунингдек, изланишларимизда тажрибада иштирок этган эколого-географик генетик узоқ шаклларни чатиштиришдан олинган F_2 дурагайларида ҳам тола чиқими ва унинг сифатини белгиловчи технологик кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик қонуниятлари ўрганилди. Тадқиқот натижалари таҳлилига кўра (жадвал-2), комбинацияларнинг аксариятида тола узунлиги ва микронейр ўртасидаги корреляциялар турли даражада салбий эканлиги аниқланди. Нисбатан юқори ижобий корреляция F_2 Бухоро-8 х $BC_3S_1-1-6-3-15$ комбинациясида ($r=0,69$) кузатилди. Шунингдек, $F_2T-16/04$ х $BC_3S_1-47-8-1-17$ ва $F_2C-6532$ х $BC_3S_1-1-6-3-15$ дурагайларида ҳам кучсиз ижобий корреляция қайд этилди. Ўрганилган дурагайларнинг тола узунлиги ва солиштирама узилиш кучи орасидаги корреляция асосан ижобий кучли, ўрта F_2 Бухоро-8 х $BC_3S_1-47-8-1-17$ ва кучсиз даражада, $F_2T-16/04$ х $BC_3S_1-1-6-3-15$ комбинациясида ўрта салбий ($r=-0,57$) ва F_2 Бухоро-8 х $BC_3S_1-1-6-3-15$ комбинациясида

жуда кучсиз салбий даражадаги салбий боғлиқлик борлиги жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибди.

2-жадвал

F₂ дурагайларида тола чикими ва айрим технологик кўрсаткичлар ўртасидаги корреляция

№	Дурагайлар ва навлар	Тола узунлиги - микронейр		Тола узунлиги - солиштирама узилиш кучи		Солиштирама узилиш кучи-микронейр		Тола узунлиги-тола чикими	
		r	t	r	t	r	t	r	t
1.	C-6524 (андоза)	-0,41	1,3	-0,12	-0,3	-0,25	0,7	-0,19	-0,5
2.	F ₂ Бухоро-8 x BC ₃ S ₁ -47-8-1-17	-0,09	-0,3	0,53	1,8	-0,41	-1,3	-0,06	-0,2
3.	F ₂ Бухоро-8 x BC ₃ S ₁ -1-6-3-15	0,69	2,7	-0,02	-0,1	-0,18	-0,5	-0,76	-3,4
4.	F ₂ Турон x BC ₃ S ₁ -1-6-3-15	-0,10	-0,3	0,41	1,3	0,30	0,9	-0,23	-0,7
5.	F ₂ Турон x BC ₃ S ₁ -47-8-1-17	-0,24	-0,7	-0,17	-0,5	-0,38	-1,2	0,19	0,5
6.	F ₂ T-10/04 x BC ₃ S ₁ -1-6-3-15	-0,51	-1,7	-0,28	-0,8	0,62	2,2	-0,23	-0,7
7.	F ₂ T-10/04 x BC ₃ S ₁ -47-8-1-17	-0,32	-1,0	0,89	5,4	0,08	0,3	0,10	0,3
8.	F ₂ T-16/04 x BC ₃ S ₁ -47-8-1-17	0,29	0,8	0,00	0,0	-0,58	-2,0	-0,10	-0,3
9.	F ₂ T-16/04 x BC ₃ S ₁ -1-6-3-15	-0,18	-0,5	-0,57	-2,0	0,34	1,0	0,3	0,9
10.	F ₂ C-6532 x BC ₃ S ₁ -47-8-1-17	-0,39	-1,4	0,31	0,9	-0,30	-0,9	-0,49	-1,6
11.	F ₂ C-6532 x BC ₃ S ₁ -1-6-3-15	0,21	0,7	0,16	0,5	0,41	1,3	0,10	0,3

Аксарият комбинацияларда солиштирама узилиш кучи ва микронейр ўртасидаги корреляциянинг ўртача салбий ёки ижобий эканлигини 2- жадвалда келтирилган маълумотлар яхши тасдиқлайди. Бу эса, дурагайлардан фарқли равишда, солиштирама узилиш кучи ва микронейр бир хил даражада яхши бўлган рекомбинантлар камроқ пайдо бўлишидан далолат беради. Дурагайларнинг F₂ авлодида тола чикими ва тола узунлиги ҳам нисбатан кучсиз ва ўрта даражадаги салбий боғланишда эканлигини яхши тасдиқлайди.

Хулоса. Корреляция коэффицентини ўрганиш борасида олинган маълумотларга асосланиб, шуни айтиш мумкинки, генетик жихатдан узоқ шаклларни дурагайлаш асосида тола сифати бўйича юқори параметрларга эга рекомбинантларни пайдо бўлиш эҳтимолини ошириш мумкин. Бундай рекомбинантларни аниқлаш учун ушбу дурагайларнинг F₂ авлодини чуқур ўрганиш ва уларда корреляцион таҳлил ўтказиш тақозо этилади. Шунингдек, белгиларнинг корреляцияси бўйича олинган натижалардан танлаш ишларини ҳар бир комбинация бўйича уларнинг генотипини ва корреляция коэффицентини инобатга олган ҳолда амалга ошириш керак деб хулоса қилиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бекжанов З., Намозов Ш., Муратов А., Холмуродова Г. Мураккаб дурагайлашда тола сифатининг ирсийланиши // Тупроқ унумдорлигини оширишнинг илмий ва амалий асослари: Халқаро илмий-амалий конференция тўплами.–Тошкент, 2007.– Б. 281–282.
2. Исmoilов Н.Х. *G.hirsutum L. ssp. punctatum* кенжа тури иштирокида олинган дурагайларнинг F₃ ва F₃V₁ авлодида тола чикими ва узунлигининг шаклланиши // Состояние селекции и семеноводства хлопчатника и перспективы ее развития: Халқаро илмий-амалий конференция тўплами. – Тошкент, 2006. – Б. 13.
3. Кимсанбоев О.Х. Наследуемость признаков определяющих выход волокна гибридов F₂ хлопчатника *G. barbadense L.*// Ўзбекистон Аграр Фани Хабарномаси журнали. – Тошкент, 2004.– № 4 (18).– Б. 50–55.
4. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта с основами статистической обработки результатов исследований. 4-е изд., перераб. и доп. М.: Колос, 1979. – С. 416.

УЎТ: 633.511:575.127.2

МУРАККАБ ТУРЛАРАРО ДУРАГАЙЛАШ АСОСИДА ЯРАТИЛГАН ЯНГИ ҒЎЗА НАВЛАРИНИНГ АЙРИМ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ БЎЙИЧА ТАҲЛИЛИ

С.Ф. Бобоев, б.ф.д., доц., Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент
И.Ф. Амантурдиев, б.ф.д., проф., Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент
Ғ.А. Муратов, қ/х.ф.н., доц., Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент

Аннотация. Мақолада мураккаб турлараро дурагайлаш асосида яратилган янги ғўза навлари ҳамда уларнинг айрим қимматли хўжалик белгилари бўйича олинган тадқиқотлар натижалари келтирилган. Тезпишарлик ва юқори ҳосилдорликка эришишда турлараро мураккаб дурагайлаш самарали услуб эканлиги аниқланди. Яратилган янги ғўза навлари, жумладан қимматли хўжалик белгилари бўйича юқори кўрсаткичларга эга СП-1303, С-1306, СП-Камолот ва Камолот-79 навларининг уруғини кўпайтириш ва кенг майдонларга экиш тавсия этилади.

Калит сўзлар: *ғўза, нав, турлараро дурагайлаш, тола сифати, ҳосилдорлик, морфоҳўжалик белгилар, интрогрессив дурагайлар*

Аннотация. В статье приведены результаты исследований о разработанных новых сортах хлопчатника и их некоторых ценных признаках на основе сложной межвидовой гибридизации. Установлено, что сложная межвидовая гибридизация является эффективным методом отбора потомков с высокой продуктивностью и ранней зрелостью. Разработанные новые сорта хлопчатника с высокими хозяйственно-ценными признаками, такие как СП-1303, С-1306, СП-Камолот и Камолот-79, рекомендуются для размножения и посева на широких площадях.

Ключевые слова: *хлопчатник, сорт, межвидовая гибридизация, качества волокна, урожайность, морфохозяйственные признаки, интрогрессивные гибриды*

Abstract. In this article given results of researches about developed new cotton cultivars and some valuable traits on the basis of complex interspecific hybridization. It was determined that complex interspecific hybridization is effective method in selecting progenies with high productivity and early maturity. Developed new cotton cultivars with high agronomic-valuable traits as SP-1303, S-1306, SP-Kamolot and Kamolot-79 are recommended for propagation and sowing on a large area.

Key words: *cotton, variety, interspecific hybridization, fiber quality, yield, morphoagronomical characteristics, introgressive hybrids*

Кириш. Республикамиз қишлоқ ҳўжалигида, жумладан пахтачилик соҳасида олиб борилаётган ислохатлар натижасида ижобий ўзгаришларга эришилиб, ривожланишнинг барқарор тизими яратилди. Хусусан, селекционерлар олдида амалдаги анъанавий ва ноанъанавий селекция услубларидан фойдаланган ҳолда ғўзанинг тезпишар, ҳосилдор, тола чикими ва сифати юқори, турли касаллик ва зараркунандаларга ҳамда айрим стресс омилларга чидамли янги навларини яратиш вазифаси қўйилди. Сўнгги йилларида ушбу вазифани бажариш юзасидан улкан ишлар амалга оширилиб, қатор янги ғўза навлари яратилган бўлсада бу масала ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Шу сабабдан, кўрсатиб ўтилган вазифаларни амалга ошириш долзарб масалани ҳал қилишда, замонавий фан ютуқларини назарда тутган ҳолда селекция ишларини олиб бориш ҳамда ғўза коллекциясидаги мавжуд ёввойи, ярим ёввойи ва маданий турлари генларини битта генотипга жамлаш орқали генетик жиҳатдан бойитилган янги ғўза навларини яратиш муҳимдир [1-2].

Дўнё бўйлаб етиштириладиган пахта толасининг 95%, яъни аксарият қисми (AD)₁ геноми гуруҳидаги *G.hirsutum* L. турига мансуб ғўза навларига тўғри келади. Қолган (3-4%) қисми (AD)₂ геномли ғўзанинг *G.barbadense* L. турига мансуб навлардир. Осиё қитъасининг Бангладеш, Ҳиндистон ва Хитой мамлакатларида ғўзанинг *A₁*, *A₂* геномидаги маданий диплоид *G.herbaceum* L. ва *G.arboreum* L. турларига мансуб навлари ҳам қисман экилади. Бу маданий навлардан ташқари, ҳозирда ғўзанинг турли геном гуруҳларига мансуб 50 га яқин ёввойи турлари мавжудлиги аниқланган. Ушбу ёввойи турлар ҳам ноёб белги хусусиятларга эга бўлиб, улардан маданий (AD)₁ ва (AD)₂ геномларига мансуб ғўза навлари генотипини бойитишда фойдаланиш мумкин [3, 4].

Тадқиқот манбаи ва услуби. Тадқиқотларда ғўзанинг *D₁*, *D₅*, *A₂*, *AD₁*, *AD₂* геном гуруҳларига мансуб *G.thurberi* Tod., *G.raimondii* Ulbr., *G.arboreum* L., *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. турлари иштирокида яратилган ғўза навларининг муҳим ҳўжалик белгилари андоза навлар билан таққосий ўрганилиб таҳлил қилинди ҳамда ўрганиш юзасидан олинган маълумотлар таҳлили мазкур мақолада келтирилган. Олинган натижаларга [5] математик ишлов берилган.

Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси. Олинган натижаларга эътибор қаратадиган бўлсак, ўрганилган ҳар бир навни навдорлигини яхшилаш мақсадида далада фенологик кузатувлар олиб борилди. Фенологик кузатув натижаларига кўра СП-1303 ғўза навида 980 та ўсимлик ўрганилиб, улардан 19 навга хос бўлмаган нотипик ўсимликлар, С-1306 навида 586 та ўсимликдан 12 та, СП-Камолот навида 320 та ўсимликдан 17 та ва Камолот-79 навида 640 ўсимликдан 22 та навга хос бўлмаган нотипик ўсимликлар мавжудлиги аниқланди. Аниқланган ўсимликларда шохланиш, кўсак ва барг шакли ҳамда барг ранги, антоциан доғларнинг мавжудлик даражаси белгилари бўйича навга хос бўлмаганлиги кузатилиб, уларнинг барчаси чиқитга чиқазилди ва шу орқали навдорлик даражасини яхшилашга эришилди.

Ўзанинг муҳим хўжалик белгилари ҳисобланган тезпишарлик кўрсаткичи ўрганилганда, янги яратилган навларнинг тезпишарлиги 116 кундан (СП-1303), 122 кунгача (СП-Камолот) бўлган тезпишарликни қайд этиб, бу андоза С-6524 навидан навларга мос ҳолда 1-7 кунгача тезпишар эканлигини кўрсатди. Бевосита тезпишарлик билан вилтга чидамлилик ўзаро боғлиқ бўлиб, адабиётларда кечпишар навларнинг вилтга нисбатан чидамсиз бўлиши, яъни бу ҳаво ҳароратининг пасайиб бориши билан ҳам боғлиқлиги келтириб ўтилган. Тадқиқотларда навларнинг вилт билан зарарланиш даражаси ҳам аниқланиб, умумий даражада зарарланиш бир-биридан кескин фарқланмаган ҳолда 6,8-12,9% зарарланишни қайд этди. Бу кўрсаткич андоза С-6524 навида нисбатан сезиларли равишда чидамли эканлигини кўрсатиб, улар орасида С-1306 нави энг чидамли эканлигини жадвал маълумотлари ҳам тасдиқлайди. Навларнинг касалликка бардошли бўлишини уларнинг келиб чиқишида вилтга бардошли *G.thurberi Tod*, *G.raimondii Ulbr.* турларининг иштирок этганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Ҳосилдорлик элементларидан бўлган бир дона кўсақдаги пахта вазни ва 1000 дона чигит вазни белгилари бўйича ҳам мураккаб турлараро дурагайлаш асосида олинган янги навларнинг кўрсаткичи андоза навдан тўлиқ устунликни кўрсатди. Бир дона кўсақдаги пахта вазни ўртача 6,3-6,6 г. ни ташкил этгани ҳолда навларнинг белги бўйича бир-биридан кескин фарқланиши кузатилмади ва андоза С-6524 навидан тўлиқ устунликни намоян этди. Навларда 1000 дона чигит вазни 125,4-132 г. оралиғида бўлиб, энг яхши натижа С-1306 навида ва нисбатан паст натижа СП-Камолот навида қайд этилди. Паст натижани қайд этган янги навнинг ҳам ушбу белги бўйича кўрсаткичи андоза навга нисбатан 5 г. юқорилигини жадвал маълумотлари ҳам тасдиқлайди (1-жадвал).

Ўза асосан тола учун экилиб, тола чиқими юқори бўлган янги навларни яратиш энгил саноатни толага бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Шу сабаб бошқа белгилар билан бирга навларнинг тола чиқими ҳам эътибор қаратилди. Камолот-79 (38,4%) ва С-1306 (37,3%) навлари бошқа навлар ва андоза навдан сезиларли устунликни қайд этган бўлса, СП-Камолот ва СП-1303 навлари 36,5-37% оралиғидаги тола чиқими эга бўлиб, бу андоза нав даражасида эканлигини кўрсатади (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзанинг мураккаб интрогрессив дурагайларида ажратиб олинган янги навларнинг айрим хўжалик белгилари кўрсаткичлари

№	Навлар	Тезпишарлик, кун	Вилт билан зарарланиши, %	Битта кўсақдаги пахта вазни, г	1000 дона чигит вазни, г
1.	СП-1303	116,0 ±1,1	12,9 ±1,1	6,5 ±0,1	128,5 ±2,1
2.	С-1306	118,0 ±1,2	6,8 ±1,0	6,6 ±0,2	132,0 ±2,0
3.	СП-Камолот	122,0 ±1,4	9,6 ±1,2	6,3 ±0,3	125,4 ± 2,4
4.	Камолот-79	118,0 ±1,2	8,5 ±1,2	6,3 ±0,2	128,9 ±2,2
	С-6524 (St.)	123,0 ±1,2	28,7 ±3,5	5,1 ±0,2	120,8 ±1,2
		Тола чиқими, %	Мic.	UHML (inch)	Str (g/tex)
1.	СП-1303	36,8 ±0,7	4,5 ±0,1	1,24 ±0,05	35,5 ±0,4
2.	С-1306	37,4 ±0,9	4,2 ±0,1	1,30 ±0,06	36,5 ±0,3
3.	СП-Камолот	36,9 ±1,0	4,3 ±0,1	1,29 ±0,08	36,8 ±0,5
4.	Камолот-79	38,4 ±0,6	4,4 ±0,1	1,27 ±0,05	36,2 ±0,4
	С-6524 (St.)	36,6 ±0,9	4,7 ±0,1	1,15 ±0,07	36,4 ±0,5

Толанинг сифат кўрсаткичлари “Агросаноат мажмуида хизмат кўрсатиш маркази” ДУКда замонавий HVI ускунасида аниқланган бўлиб, микронейр кўрсаткичи 4,2-4,5 ва тола узунлиги 1,24-1,30 inch оралиғида эканлигини кўрсатди ва олинган натижалар толаси IV-типга мансуб андоза С-6524 нави кўрсаткичларига нисбатан ижобий эканлигини тасдиқлади. Толанинг узилиш кучи кўрсаткичлари ҳам андоза нав даражасида бўлди. Умуман олганда янги навларнинг тола сифати бўйича кўрсаткичлари IV-тип талабларига тўла жавоб бериши аниқланди.

Ўрганишларга кўра мураккаб турлараро дурагайлаш орқали яратилган 4 та янги навнинг муҳим хўжалик белгилари бугунги кунда катта майдонларга экилаётган С-6524 нави кўрсаткичларидан ижобий бўлганлигини кўрсатди. Бунга сабаб этиб, биринчи навбатда навларнинг келиб чиқишида турли геном гуруҳларига мансуб бир нечта турларнинг иштирок этганлиги ва улардаги муҳим белгиларни битта генотипга жамланганлиги, иккинчидан узоқ йиллар давомида (18 йил) мақсадли равишда танлов ишларини тўғри олиб борилиши деб тушуниш мумкин.

Яратилган СП-1303, С-1306 ва Камолот-79 навлари hozirda Республикамининг турли минтақаларида жойлашган ДНС шахобчаларида синовдан ўтказилмоқда ва дастлабки олинган натижаларга кўра Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё ва Сирдарё вилоятларида тезпишарлик, ҳосилдорлик, тола сифат кўрсаткичлари, тупроқ шўрланиши ва сув танқислигига бардошлилик бўйича ижобий натижаларни кўрсатди. СП-1303 ғўза нави Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах вилоятларида экин майдонларини кенгайтириш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Хулоса. Умуман олганда олинган натижалар асосида хулоса шуки, турлараро мураккаб дурагайлаш асосида қимматли хўжалик белгилари юқори бўлган бугунги кун талабларига мос янги ғўза навларини яратиш мумкинлиги исботланди. Ўрганилган муҳим белгилар бўйича олинган натижалар андоза навадан тўлиқ устунликни намоён этди. Ҳосилдорлик потенциали ва тола сифати юқори, стресс омилларга нисбатан бардошли бўлган ушбу навларни экиш эса юқори ҳосил олиш ва қўшимча иқтисодий самарадорликка эришиш имкониятини яратади. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда мураккаб турлараро дурагайлаш асосида яратилган ғўзанинг янги СП-1303, С-1306, СП-Камолот ва Камолот-79 навларини экиш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Пулатов М. Межвидовая гибридизация в генетике и селекции хлопчатника (обзор)-Ташкент. - 1993. - 22 С.
2. Namazov S., Muratov A., Aliev A., Boboyev S. Developing of new donors of the cotton on the base of interspecific hybridization. // Field Crops Studies номли Халқаро илмий анжуман материаллари – Чирпан (Болгария), 2005. -Р. 79-82.
3. Бобоев С.Ғ., Муратов Ғ.А. Ғўзани турлараро мураккаб дурагайлаш–Тошкент:Nishon-Noshir.2016.-182 с.
4. Бобоев С.Ғ., Муратов Ғ.А. Ғўзанинг амалий селекцияси учун яратилган турлараро мураккаб ва беккросс дурагайларида тола узунлиги белгисининг шаклланиши//ЎзМУ хабарлари.-Тошкент, 2015. - №3/1. - Б. 37-39.
5. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта//Москва. - 1985. - С.126.

УЎК 636.6

ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШНИ ЎЗБЕКИСТОНГА ЖОРИЙ ҚИЛИШ

А.Қ. Жўраев, к/х.ф.н., доцент, ТИҚХММИ Бухоро филиали, Бухоро
Ж.Ш. Фазлиев, докторант, ТИҚХММИ Бухоро филиали, Бухоро
Б.Н. Атамуродов, магистр, ТИҚХММИ Бухоро филиали, Бухоро
К.Б. Рустамова, магистр, ТИҚХММИ Бухоро филиали, Бухоро

Аннотация. Бухоро вилоятининг тупроқлари шароитида иссиқхоналарда томчилатиб суғориш усулида экинларнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш мақсадида тажриба ўтказиш режаси тўғрисида таъминланган.

Калит сўзлар: томчилатиб суғориш, намлик, ҳосилдорлик, пластик қувур, шланг, ёрдамчи қисм, уловчи қисм, иссиқхона

Аннотация. Планируется провести эксперимент по росту, развитию, урожайности и качественным показателям капельного орошения в теплицах в условиях Бухарской области.

Ключевые слова: капельное орошение, влажность, производительность, пластиковая трубка, шланг, вспомогательная часть, соединитель, теплица

Abstract. It is planned to conduct experiments with the soil of Bukhara region in order to determine the impact of crop growth, development, productivity and quality indices on drip irrigation in greenhouses.

Keywords: drip irrigation, humidity, fertility, plastic tubing, hose, auxiliary parts, connector, greenhouse.

Мамлакатимизда сув ресурсларидан фойдаланиш механизмларини тубдан ислох қилиш, улардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларида сув тежовчи технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, шунингдек, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Амалга оширилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари 2019-йилнинг ўзида қўшимча 33,2 минг гектарда сув тежовчи суғориш технологиялари жорий этилишини таъминлаш имконини берди, бу эса шу каби технологиялар қўлланилаётган ерлар умумий майдонининг 44 фоизини ташкил этди. Бироқ сув тежовчи суғориш технологиялари қўлланилаётган умумий майдон атиги 75 минг гектарни ёки умумий суғориладиган ер майдонларининг 1,7% ини ташкил этаётгани кишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологиялардан фойдаланишни кенгайтиришга

ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни янада фаоллаштириш заруратини тақозо этмоқда. Ҳозирги кунда ер юзида 2,3 миллиард аҳоли сув тақчиллигидан азият чекмоқда. Дунё аҳолиси сони тобора ортиб, сув захиралари камайиб бораётганлигини инобатга олсак, мавжуд ресурслардан тежаб-тергаб, самарали фойдаланиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Осиё китъасининг қоқ ўртасида, океан ва денгизлар қирғоқларидан минглаб километр узоқда жойлашган, асосий дарёларнинг манбаи қўшни мамлакатларда шаклланади. Ўзбекистонда ҳам истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ оби-ҳаётнинг ҳар томчисидан унумли фойдаланишга катта эътибор берилмоқда. Экинларни суғоришда илғор усуллар, жумладан, томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур суғориш усулида тупрокнинг намлиги ва уни яратиш учун берилаётган сув миқдори бошқарилади, сув ҳар бир экиннинг маълум даврдаги эҳтиёжига мос равишда дала бўйлаб бир текисда тақсимланади. Бошқа суғориш усулларида фарқли ўлароқ, томчилатиб суғоришда экиннинг илдизи ривожланадиган тупроқ қатламида ўсимлик учун мақбул бўлган сув-физик муҳит яратилади.

Экинга сув ва озик моддалар унинг эҳтиёжига мос равишда кичик миқдорларда тез-тез берилади. Ўсимлик ўзига зарур бўлган вақтда сув ва озик моддаларни олади. Бу усул орқали экин илдиз қатлами намлик билан доимий таъминланиб, сув ва озик моддаларни олишига имконият яратилади. Бу ҳолда ўсимлик ўз энергиясини тўлалигича ўсиб-ривожланиш ва ҳосилини кўпайтиришга йўналтиради. Натижада ҳосилдорлик боғ ва тоқзорларда 40%, пахта ва сабзавот пайкалларида 60% гача ортади.

Мутахассисларнинг эътирофи эътишча, томчилатиб суғоришнинг афзаллиги, энг аввало, сув ресурсларини тежашда намоён бўлади. Бунга суғориш режимининг ўзига хослиги, буғланишнинг пастлиги, оби-ҳаётнинг беҳуда оқиб кетмаслиги туфайли эришилади, албатта. Энг муҳими, томчилатиб суғоришда сув ўсимликка шланглар воситасида этказиб берилганлиги учун дала тупроғи қотмайди, натижада қатор ораларига ишлов беришга эҳтиёж туғилмайди. Тупроғи қотмаган майдон эса мавсум охирида сифатли ва осон ҳайдалади. Ўғит сув билан бирга берилганлиги боис, ўғитлаш учун техника ишлатишнинг зарурияти йўқолади. Натижада меҳнат ва ёнилғи-мойлаш материаллари тежалади. Далада сувчиларнинг қўл меҳнати кескин камаяди.

Халқаро ирригация ва дренаж кўмитаси маълумотида кўра, дунёнинг айрим мамлакатларида томчилатиб суғориш тизимлари жорий қилинган экин майдонлари 1981-2000 йиллар оралиғида 436 минг гектардан 3,2 млн гектаргача кўпайган. Жумладан, АҚШда 1 миллион, Ҳиндистон, Австралия, Испания, Исроил, Хитой давлатларининг ҳар бирида 200 минг гектардан ошган. Умуман, ҳозирги кунга келиб дунё бўйича жами 4,5 млн гектар майдонда томчилатиб суғориш технологияси жорий этилган. Ҳеч иккиланмай, айтиш мумкинки, Ўзбекистон учун бу технология янгилик эмас.

Эътиборли жиҳати шундаки, республикамизда ҳозирги кунда ушбу технология учун талаб этиладиган жиҳоз ва анжомларнинг 95 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Бундан атиги 5–6 йил бурун мамлакатимиз шароитида томчилатиб суғориш тизимининг айрим қисмларинигина ишлаб чиқарувчи биргина «Санипласт» қўшма корхонаси фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги кунга келиб бундай корхоналар сони бир қадар кўпайди. Агар сув насоси «Сувмаш» заводида тайёрланса, фильтр, ҳар хил диаметрдаги пластик қувурлар, шланглар, ёрдамчи ва уловчи қисмлар «Шўртангаз», «Махсусполимер», «Жиззахпласмасса» ва бошқа корхоналарда ишлаб чиқарилмоқда.

Энг асосийси, авваллари тўлиқ четдан келтирилган томизгичлар эндиликда Тошкент шаҳридаги «Pipe technologies» МЧЖ корхонасида ишлаб чиқарила бошланди. Маҳаллий хом ашёлардан тайёрланаётган ускуналар хорижникидан асло қолишмайди. Бу эса томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш таннархини пасайтиришнинг муҳим омилларидан бири бўлмоқда.

Дехқон ва фермерларимиз томчилатиб суғоришнинг афзал жиҳатларини аллақачон англаб этганлиги боис бу усул тобора оммалашиб, нафақат интенсив боғларда, балки пахтачилик, сабзавотчилик ва полизчилик тармоқларида, шунингдек, иссиқхоналарда ҳам кенг жорий этилмоқда. Натижада табиий ва моддий ресурслар тежалиши билан бирга, ҳосилдорлик муттасил ошиб бораётгир. Бу мамлакатимизда озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолига кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини узлуксиз ва арзон нархларда етказиб беришга имконият яратаётганлиги билан янада аҳамиятлидир.

УЎТ: 634.2/635.4

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРИНИНГ МЕЛИОРАТИВ
ХОЛАТИНИНГ ПАХТА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ**

*С.Х. Исаев, к/х.ф.д., проф., Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти, Тошкент*

*Ю.Р. Аширов, к/х.ф.ф.д., катта ўқитувчи, Тошкент давлат аграр университети,
Тошкент*

*Х.С. Хусанбаева, мустақил тадқиқотчи, Тошкент давлат аграр университети,
Тошкент*

Аннотация. Ушбу мақолада Сирдарё вилоятининг суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, сув танқислиги шароитида мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланишда вилоятнинг суғориладиган ер майдонлари шароитида 2013 йилдан то 2019 йилгача бўлган муддатларда суғориладиган ер майдони, сизот сувлари сатҳи, сизот сувларининг минерализацияси, зах қочиришда реконструкция қилиш, тупроқ шўрланганлиги ҳамда йилларда давомида пахта ҳосилдорлиги бўйича маълумотларнинг натижалари келтирилган.

Калим сўзлар: суғориладиган тупроқ, ерларнинг мелиоратив ҳолати, кам, ўртача ва кучли шўрланган, тупроқ шўрланиши, сизот сувлар сатҳи, сизот сувлари минерализация, пахта ва дон ҳосилдорлиги

Аннотация. В данной статье описывается улучшение мелиорации орошаемых земель в Сырдарьинской области, повышение плодородия почв, эффективное использование имеющихся водных ресурсов в условиях дефицита воды, орошаемые земли в регионе с 2013 по 2019 годы, уровень подземных вод, минерализация подземных вод, реконструкция, результаты данных о засоленности почвы и урожайности хлопка за эти годы.

Ключевые слова: орошаемая почва, состояние мелиорации, низкая, средняя и сильная засоленность, засоленность почвы, уровень грунтовых вод, минерализация подземных вод, урожайность хлопка и зерна

Abstract. This article describes the improvement of the reclamation of irrigated lands in Syrdarya region, increasing soil fertility, efficient use of available water resources in the conditions of water scarcity, irrigated land in the region from 2013 to 2019, groundwater level, groundwater mineralization, reconstruction, the results of data on soil salinity and cotton yield over the years.

Key words: irrigated soil, land reclamation status, low, medium and strong salinity, soil salinity, groundwater level, groundwater mineralization, cotton and grain yields.

Кириш: Республикада бугунги кунда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, сув танқислиги шароитида мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, қўшимча сув манбаларини шакллантириш бўйича кенг камровли ирригация ва мелиорация тадбирлари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 сентябрдаги ПҚ–3281–сон «2018 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмлари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947–сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар амалга оширилмоқда [1,2]. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Республикада тупроқ унумдорлигини оширишда ҳамда шўрланган ерларда кузги бугдойни эгитлаб суғоришда сувни мақбул меъёрга бериш орқали суғориш сувларини тежаш, шўрланиш жараёнларни камайтириш, атроф муҳитни тоза сақлаш, тупроқнинг унумдор қатламини сақлаб қолиш бўйича илмий тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг умумий суғориладиган майдонларнинг 46,7% турли даражада шўрланган [3]. Шўрланган ерларда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда шўр ювишнинг аҳамияти жуда катта. Шўр ювиш тадбирлари асосан кузда ер экинлардан бўшагандан кейин махсус агротехнология тадбирларни ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Лекин, ғўза майдонларини шўрини ювиш ўзига хос хусусиятлари билан фарқланади. Маълумки, тавсияларда кўрсатилишича республикада вилоятларидаги об ҳавонинг келишига қараб, апрель ойларининг биринчи, иккинчи ва ўчинчи ўн кунликларида

экилган уруғлик чигитнинг униб чиқишини яхши бўлиши учун қиш ойларида тупроқдаги тузларни ювишни тўғри ташкил этиш талаб қилинади [4, 5, 6, 7, 9].

Бундан қарийиб 86 йил аввал 1932 йилда “сувдан фойдаланиш самарадорлиги” фанига киритилганлиги сув ресурсларидан нечоғлик тежаб фойдаланиш зарурати ўша даврларда ҳам долзарб вазифа бўлганлигини кўрсатади, ҳар хил суғориш технологияларида сув исрофгарчилиги кўрсаткичлари ҳам аниқланган бўлиб, бунда томчилатиб суғориш ўтказилганда 10-20%, ёмғирлатиб суғорилганда 30-50% ва эгатлаб суғорилганда эса энг кўп 50-60% сув ўсимлик томонидан ўзлаштирилмасдан беҳуда исроф бўлиши таъкидланган [9, 10].

Маълумки, шўр ювишда ассий эътибор оз сув сарфлаб, зарарли тузлар тупроқ пастки қатламига ювилиб тушишига қаратилади. Сув меъёри ернинг шўрланиш даражаси, ер ости сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги ва уларнинг минерализацияси ҳамда коллектор-зовур тармоқлари мавжудлигига қараб белгиланади. Шўр ювиш аввало, кучли шўрланган, механик таркиби оғир, коллектор-зовурлардан узоқ бўлган майдонлардан бошланади. Қумлоқ, кучсиз жойлашган, хлор тузи миқдори билан 1 метр тупроқ қатламида гектарига 1,4-4,2 тонна ёки 0,01-0,03% бўлганда сизот сувларининг 3-3,5 метр чуқурлигида шўр ювиш учун 2000 кубометр, 2-2,5 метр чуқурлигида 2500 кубометр, 1-1,5 метр чуқурлигида эса 3000 кубометр сув кифоя қилиши аниқланган [11,12, 13].

Кўп йиллик илмий тадқиқот кузатувлари асосида тупроқ мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сизот сувлар сатҳини меъёрида ушлаб туриш ва сизот сувлари минерализациясини камайтириш мақсадида суғориш тартиблари, яъни суғоришдан олдинги тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60% бўлиши тупроқ хажмий массаси ва сув ўтказувчанлиги ортишига сабаб бўлади. Бироқ айнан шу вариантда ўсимликнинг ўсиб ривожланиши ва ҳосилдорлиги юқори бўлганлиги боис ўрганилаётган тупроқ-иқлим шароитида ғўзани етиштиришнинг мақбул муддати тавсия этилган [14, 15, 16].

Сирдарё вилоятининг қадимдан суғориладиган оч тусли бўз ва ўтлоқи тупроқлари шароитида ғўзани кам, ўртача ва кучли шўрланган тупроқлари шароитида мелиоратив ҳолатини аниқлашда тупроқнинг шўрланиш даражасини илмий асослаш ва ишлаб чиқаришга тегишли тавсиялар бериш долзарб масала ҳисобланади.

Тадқиқот объекти. Илмий тадқиқотлар Сирдарё вилоятининг қадимдан суғориладиган оч тусли бўз тупроқларининг кам, ўртача ва кучли шўрланган тупроқлари шароити ҳисобланади.

Тадқиқот предмети. Сирдарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида кам, ўртача ва кучли шўрланган ерларида мелиоратив ҳолати асосида тупроқнинг шўрланиш даражасини ўрганишдир.

Тажриба ўтказиш услублари: Дала тажрибалари Пахта селекцияси, уруғчилигини етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институтида қабул қилинган “Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах” (ПСУЕАИТИ, 1963 й.), “Методика полевых опытов с хлопчатником” (ПСУЕАИТИ, 1981 й. ва Дала тажрибаларини ўтказиш (Тошкент, 2007 й.) услубий қўлланмалари асосида олиб борилди.

Тадқиқот натижалари. Сирдарё вилоятининг географик ўрни, рельефи, иқлим шароити, геоморфологик, геологик ва гидрогеологик шароитлари, тупроқ-мелиоратив ҳолати шароитларида суғориладиган ер майдонларининг тупроқлари ўтлоқлашиб бораётган оч тусли бўз тупроқлар минтақасининг лёссли ва пролювиал ётқиқларидан ташкил топган текисликлари геоморфологик районида тарқалиб, турли литологик, гидрогеологик ва тупроқ-иқлим шароитларида ривожланганлиги бўйича таҳлиллар амалга оширилган.

Сирдарё вилоятининг суғориладиган ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, сув танқислиги шароитида мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланишда вилоятнинг суғориладиган ер майдонлари шароитида 2013 йилдан то 2019 йилгача бўлган муддатларда суғориладиган ер майдони, сизот сувлари сатҳи, сизот сувларининг минерализацияси, тупроқ шўрланганлиги ҳамда йиллар давомида пахта ҳосилдорлиги бўйича маълумот таҳлил қилинди.

Сирдарё вилоятдан тупроқ намуналари олиб ўтказилган таҳлилларда ўтлоқлашиб бораётган оч тусли бўз, механик таркиби енгил қумоқ, сизот сувлари сатҳи 2,0 м чуқурликда жойлашганлиги, ҳайдов (0–30 см) қатламдаги гумус миқдори–0,948%, умумий азот–0,079%, фосфор–0,219%, 30–50 см ли қатламда эса гумус–0,860, умумий азот–0,066% ва фосфор–0,211% ни ташкил этганлиги қайд этилган.

Ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларидаги нитратли азот миқдори 1 кг тупроқда 2,7–2,1 мг, ҳаракатчан фосфор 9,0–4,8 ва алмашинувчан калий 242-242 мг/кг ни ташкил қилган. Демак, тажриба даласининг ҳайдов қатлами ҳаракатчан шаклдаги азот билан кам, фосфор билан жуда кам таъминланган ҳамда алмашинувчи калий билан ўртача даражада таъминланганлиги аниқланган.

Вилоятнинг суғориладиган ерларидаги зах қочириш тармоқларидаги реконструкция динамикаси 2013-2019 йиллар бўйича маълумотлар, 1-расмда келтирилган. Келтирилган маълумотларга таянган ҳолда Сирдарё вилоятида йилдан йилга суғориладиган ерларидаги зах қочириш тармоқларининг реконструкция қилиш ишлари кўпайиб борган. Бундай ерларда тупроқ мелиоратив ҳолатини яхшилашда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда кузги буғдойдан кейин такрорий экин сифатида мош, соя экинларини парваришлаш орқали тупроқ мелиоратив ҳолатини ҳамда тупроқ унумдорлигини яхшилашга эришиш мумкин.



1-расм. Вилоятнинг 2013-2019 йиллар давридаги суғориладиган ерларидаги зах қочириш тармоқларидаги реконструкция динамикаси, км.

Вилоятнинг суғориладиган ер майдонларидаги сизот сувлари сатҳи 2013-2019 йиллар бўйича маълумотлар 2-расмда келтирилган. Маълумотларга таяниб, Сирдарё вилоятида йилдан йилга суғориладиган ер майдонидаги сизот сувлари сатҳи пасайиб борган. Бунга сабаб, суғориладиган майдонларда зах қочириш ишлари ўз вақтида ва йилдан йилга майдонларини таъмирлаш ишлари ошиб борган, натижада сизот сувлари сатҳи пасайиши кузатилган.



2-расм. Вилоятнинг 2013-2019 йиллар давридаги сизот сувларининг ўзгариш динамикаси, м.



3-расм. Вилоятнинг 2013-2019 йиллар давридаги сизот сувлари минерализациясининг ўзгариш динамикаси, г/л.

Вилоятнинг сизот сувларининг минерализацияси ҳақидаги 2013-2017 йиллар бўйича маълумотлар 3-расмда келтирилган, уларга асосан Сирдарё вилоятида 1,0 г/л дан 3,0 г/л гача бўлган майдон 38,5% ни ташкил этади. Бундай ерларда сувдан самарали фойдаланишда субирригация усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.



4-расм. Вилоятнинг 2013-2019 йиллар давридаги пахта ҳосилдорлиги ўзгариш динамикаси, ц/га.

Сирдарё вилоятда 2013-2019 йиллар бўйича етиштирилаётган пахта ҳосилдорлиги маълумотлари 5-расмда келтирилган. Маълумотларнинг келтирилишига қараганда вилоятидаги пахта ҳосилдорлиги йилдан йилга ошиб бориши кузатилган, пахта ҳосилдорлигини юқори бўлишига сабаб, вилоятдаги суғориладиган майдонлардаги коллектор зовур тизимларини реконструкция қилиш ишлари йилдан йилга ошиб бориши ва ўз вақтида амалга оширилганлиги сабабли, суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшиланишга эришилган ва пахтадан юқори ҳосил олишга эришилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Сирдарё вилоятининг қадимдан суғориладиган ўтлоқлашиб бораётган оч тусли бўз тупроқлари шароитида кузатувлар олиб борилди. Кузатувлар Гулистон туманидаги “Нурли замин тухфаси”, “Кумуш тола ЛБК” ва “Улкан хирмон фэйзи” фермер хўжаликларида илмий тадқиқотлар амалга оширилган.

Сирдарё вилоятининг шўрланишга мойил, ўтлоқлашиб бораётган оч тусли бўз тупроқлар шароитида ўрта толали ғўзанинг С-6524, Бухоро-102, Султон, Наврўз, Пахтакор-1 ва Андижон-37 навларини ЧДНСга нисбатан 70-70-65 ва 65-65-60 фоизда тупроқ ҳажм массаси 0,01-0,02 г/см³ камайиб, тупроқнинг ғовақлиги 0,2-0,8 фоизгача ортиши, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 2,8–14,5 м³/га гача ҳамда тупроқ шўрланиши 0,006 фоиздан 0,020 фоизга ошиши ва 340 м³/га сув кам сарфланганлиги аниқланган.

ЧДНСга нисбатан 65-65-60 фоизда ғўзанинг Ан-Бояут-2 навига нисбатан С-6524-0,3, Наврўз-0,4, Андижон-37-0,9, Пахтакор-1-1,3 ва Бухоро-102-1,8 ва Султон-2,6 ц/га ҳамда ЧДНСга нисбатан 70-70-65 фоизда суғорилганда ғўзанинг С-6524-0,5, Наврўз-0,6, Андижон-37-1,1, Пахтакор-1-1,5, Бухоро-102-1,7 ва Султон-2,5 ц/га қўшимча ҳосил олишга эришилган.

ЧДНС га нисбатан ғўза навларини 70-70-65 ва 65-65-60 фоизда суғорилганда соф фойда гектаридан 40 617-112 785 сўмгача ва рентабеллик даражаси 5,8-15% ни ташкил этганлиги кузатишган.

Хулоса: Сирдарё вилоятининг қадимдан суғориладиган ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, сув ресурсларидан самарали фойдаланишни тўғри ташкил этиш натижасида куз қиш ойларида шўр ювиш ишларини тўғри ташкил қилиш, қишлоқ хўжалиги экинларига берилаётган сувларни назоратга олиб, коллектор зовурларга тушадиган оқова сувлар миқдорини камайтириш эвазига тупроқ ботқоқланиши олди олиниб, тупроқнинг иккиламчи шўрланишига барҳам берилади ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олишга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й. 6-сон.
2. “2008-2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида” ги ПҚ-817-сонли қарори. Т. 2012 й.
3. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. –Тошкент 2007., 176-б.
4. Норкулов У. Шўр ювиш. Пахтачилик маълумотномаси. –Т. 2016., Б. 33.
5. Панков М.А. Мелиоративное почвоведение. –Ташкент, 1974. с. 30–36 стр.
6. Исаев С.Х., Хайдаров Б.А. Использование коллекторно–дренажных вод для орошения хлопчатника // Бюллетень науки и практики, –Т. 2018., 4 №9, с.109–113.
7. Исаев С., Жуманов А. Математическое моделирование процессов накопления осадков и орошения ими горных и предгорных земель. //Бюллетень науки и практики, 2018. Т., 4 №7, с.160–165.
8. Каримов А.Х., Мирзажанов К.М., Исаев С.Х. Повышение продуктивности использования водных ресурсов на уровне фермерских хозяйств// Водосбережение: технологии и социально–экономические аспекты. Тараз, 2002. – 162 с.
9. Рамазанов О., Халмирзаева М., Насонов В. Дехқончиликда сув танқислиги: муаммо ва ечим//Агро илм. Сельское хозяйство Узбекистана. №1, Ташкент, 2008. – 41 с.
10. Исаев С.Х., Хайдаров Б. Влияние порядка полива хлопчатника Андижон–36 на его урожайность // Ирригация ва мелиорация –Тошкент, №1 (11).2018. –с. 9–13.
11. Рамазанов А., Бурiev С. О режиме орошения сельскохозяйственных культур–// Ирригация ва мелиорация журнал. –Тошкент, №1(11).2018. –с. 13–18.
12. Рамазанов А. О глубине дренажа на засоленных землях//Ирригация ва мелиорация –Тошкент, №1(11).2018. –с. 5–9.
13. Исаев С.Х., Раджабов Т.Т., Долидудко А.А. Влияние неорганических удобрений на урожайность хлопчатника на засоленных почвах//Бюллетень науки и практики, 2018. Т., 4 №10, с.198-202.
14. Исаев С.Х., Ахмедов Ш., Мардиев Ш. Урожайность хлопчатника в условиях такырных почв, подверженных ветровой эрозии//Бюллетень науки и практики, 2018. Т., 4 №10, с.178-184.
15. <http://www.hlopok.info/>, <https://rns.online/economy/>.
16. <http://www.ab-centre.ru>

УЎК: 631.4.416.2

ТУПРОҚДАГИ ФОСФОР ЗАҲИРАСИДАН УНУМЛИ Фойдаланиш усуллари

С.Х. Исаев, проф., ТИҚХММИ, Тошкент

Ю.Р. Аширов, ўқитувчи, ТошДАУ, Тошкент

Х.С. Хусанбаева, мустақил тадқиқотчи, ТошДАУ, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси суғориладиган ерлари шароитида фосфорли ўғитлардан самарали фойдаланиш ҳозирга келиб қимматлашгани, етарли эмаслигини назарда тутиб, уни тупроқдаги заҳирасидан қандай фойдаланиш тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Калим сўзлар: тупроқ, фосфор ўғити, ўғитланмаган, минерал ўғити билан ўғитланган, ғўнга билан ўғитланган, ғўза беда аламашлайш тизими, ғўза, ҳосилдорлик

Аннотация. В данной статье представлена информация о том, как эффективно использовать фосфорные удобрения в почве Республики Узбекистан, учитывая, что эффективное использование фосфорных удобрений по-прежнему дорого и недостаточно.

Ключевые слова: почва, фосфорные удобрения, неплодотворенные, удобрения минеральными удобрениями, удобрения навозом, севооборот хлопок-люцерна, хлопок, урожайность

Abstract. This article provides information on how to use its soil reserves, given that the effective use of phosphorus fertilizers in the conditions of irrigated lands of the Republic of Uzbekistan is still expensive and insufficient.

Key words: soil, phosphorus fertilizer, unfertilized, fertilized with mineral fertilizers, fertilized with manure, cotton alfalfa exchange system, cotton, yield

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармони 1-банди 1-илоvasида “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш Концепцияси” келтирилган. Унга кўра, кейинги йилларда мамлакатимизда ер ва сув муносабатларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларини мақбуллаштириш ва уларни ажратишнинг соддалаштирилган тартибини кўллаш, ер-сув ресурсларидан фойдаланишда замонавий бозор механизмлари, инновацион ва ресурс тежовчи технологияларни жорий қилиш, паст ҳосилли пахта ва ғалла майдонларини қисқартириш ҳисобига юқори даромадли, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш бўйича тизимли чоралар амалга оширилмоқда.

Маълумки, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиш давларида қўлланиладиган минерал озика элементларнинг ҳар бирини ўз ўрни мавжуд. Шу кунгача мавжуд тавсияларга асосланган ҳолда, республикаимизда ғўза экини учун минерал ўғитларга бўлган талаб N:P:K 1: 0,7: 0,5 нисбатда белгиланиб келмоқда.

Ҳозирда республикада қишлоқ хўжалигини минерал ўғитларга бўлган талаблари ва нисбатини белгилашда бундан 25-30 йил аввал ишлаб чиқилган тавсиялардан фойдаланиб келинмоқда. Улар, “Ўзбекистон колхоз ва совхозларда ўғитлардан фойдаланишга оид тавсиялар” (1980), “Рекомендации по дифференцируемому применению минеральных удобрений под урожай сельскохозяйственных культур на орошаемых землях Узбекистана”, “Практические рекомендации по сельскому хозяйству: земля, вода и удобрение” (1946), “Экинларни озиклантиришда минерал ва маҳалий ўғитлардан фойдаланиш бўйича тавсияномалар” (2009).

Ушбу тавсияларда минерал ўғитлардан фойдаланишда илмий асосланган меъёрларни оптимал муддат ва усулларда қўллаш, шунингдек уларни органик ўғитлар билан тўғри нисбатда ишлатиш пахта ва бошқа экинларнинг ҳосилдорлиги, сифатига ижобий таъсири келтирилган. Уларда тупроқ-иқлим шароити, типлари, унумдорлиги (балл бонитети) ҳамда экин турига боғлиқ ҳолда минерал ўғитларни қўллаш меъёрлари кўрсатиб берилган.

Юқорида келтирилган услубий кўрсатмаларда (1987, 2009 йй.) экинларни минерал ўғитларга бўлган талабини белгилашда 1 центнер ҳосил етиштириш учун максимал азот миқдори (ўрта ва ингичка толали ғўза учун 6,0-6,9 кг/га) белгиланади ва унга тупроқ хоссаларига нисбатан азот сарфига тузатиш коэффициенти (ғўза учун 7,97-9,17 кг/га) киритилади ва шунинг асосида режалаштирилган ҳосил учун азотга бўлган талаб аниқланади. Тузатиш коэффициенти ўрта толали ғўза учун (7,97 кг), ингичка толали учун (9,17 кг) миқдорда белгиланиб, унга фосфор ва калийнинг аввалги 25-30 йил аввал белгиланган нисбатлари (ғўза учун N:P:K = 1: 0,7: 5 - ўрта толали) қўлланилиб, фосфор ва калий ўғитларига талаби ҳисобланади. Яна ҳам, ушбу ўғитлар талабини белгилашда тупроқдаги ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий билан таъминланганлик даражасига кўра тузатиш коэффицентлари қўлланилади. Ушбу тавсияларга кўра, экинларни азотга бўлган талабига боғлиқ бўлган ҳолда фосфор ва калийли ўғитлар меъёри белгиланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, фосфорнинг ўсимлик томонидан ўзлаштириши ва унинг ўсимликка таъсири тўғрисида кўп ёзилган. Мақолада фосфор ўғити ҳозирга келиб қимматлашгани, етарли эмаслигини назарда тутиб, уни тупроқдаги захирасидан қандай фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида сўз юритамиз. Бундан олдин бироз фосфорнинг ўсимлик ҳаётига таъсири тўғрисида сўз юритамиз, чунки айрим фермерлар ўз экинларини бир томонлама, фақат азот билан ўғитламоқдалар. М.А.Белоусовнинг ёзишича [1], фосфор бирикмаси ўсимлик танасида кимёвий ва физиологик жиҳатидан катта аҳамият касб этади. Нуклеотидлар таркибига кириб, физиологик фаол бирикма ролини бажариб, углеводлар биосинтезида, липидлар, оқсиллар алмашилишида қатнашади. Шундай қилиб, фосфат кислотаси тирик организмнинг энергия алмашинувида фаол қатнашади. Фосфоритлар протоплазманинг таркибий қисмини белгилайди. Ўсимликда фосфор ўзлаштиришини кўчайиши хўжайранинг асосий таркибини ҳосил қилишда қатнашиб, фосфоритлар протоплазманинг ўтказиш қобилиятини оширади, ўсимликнинг сув режимини яхшилашда ижобий таъсир кўрсатади (Кедровсий, 1945; Максимов, 1948 (цитата Белоусовдан [1])).

Фосфорсиз ди- ва полисахарид ҳосил бўлмаслиги А.И.Опарин ва А.Л.Курсанов [1] тажрибаларида исбот қилинган.

А.Е.Браунштейн, М.Г.Крицман (Белоусов [1]) маълумотларига қараганда фосфор ўсимлик танасида азот алмашинувида фаол қатнашади. Тупроқдаги фосфорни ўсимлик биринчи минут (биринчи 10 дақиқа мобайнида) ўзлаштиради ва нуклеотидлар таркибига киради (Курсанов, 1960, Loughman, Russel, 1957 [1]).

М.А.Белоусов [2], О.Ф.Туева [3], В.И.Цивинский [4] маълумотларини асосида айтиш мумкинки, ғўза фосфорни энг ёш давридан талаб қилади, хаттоки уруғидан энди униб чиқишидан бошлаб, тупроқдан фосфорни ўзлаштиради. Агар шу вақтда фосфор етарли бўлмаса, кейинги вақтларда уни фосфор билан ўғитлаганда ҳам уни ўрнини қоплаб бўлмайди. Бу олимларнинг таъкидлашларича, фосфор етишмаса, ғўза 2-3 чин барг чиқишидан унинг салбий томонлари кўрина бошлайди.

Яна шу нарса маълум бўлдики, фосфор етишмай қолган далаларда етиштирилган ҳосилнинг уруғи экилганда ғўза суғуст ривожланади. Шундай қилиб фосфорнинг ўсимлик ҳаётидаги ўрни бекиёсдир. Шундай экан ҳозирги фосфор ўғити етишмаётган даврда қандай заҳиралардан фойдаланиш мумкин деган савол келиб чиқади.

Фосфорнинг тупроқда тўпланган заҳирасидан фойдаланиш керак, чунки ҳосил учун берилган фосфорнинг 80-85 фоизи карбонат кальций, магний ва бошқалар билан реакцияга киришиб, ўсимлик ўзлаштириш қийин турга айланади. Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистонда тарқалган тупроқлар кальций карбонат, гипс ва магний карбонатларга анча бой ҳисобланади. Бизни текшириш натижаларини кўрсатишича, қадимдан суғорилиб келинган типик бўз тупроқларнинг 0-30 см қатламида кальций карбонат миқдори 7,13; 30-40 см – 7,01; 40-50 см – 8,12, 50-60 см – 7,38 фоиз, магний юкорида келтирилган чуқурликларга мос 0,90; 0,90; 0,60; 0,82 фоизни ташкил этади. Қадимдан суғорилиб келинган оч тусли бўз тупроқларнинг 0-30 см – 6,66; 30-40 см – 7,13; 40-50 см – 6,66; 50-60 см – 7,25, магний 1,87; 0,75; 1,35 ва 0,50 фоиз, қадимдан суғорилиб келинган ўтлок-соз тупроқларда тупроқ чуқурлигига мос кальций карбонат миқдори 3,9; 4,87; 5,41; 6,76 ва магний – 1,35; 1,35; 0,83; 0,60, тақирсимон тупроқларида 5,64; 7,38; 7,01 ва 6,69 фоизга баробар.

Ўғзага бериладиган фосфор ўғитини ҳаммасидан 15-20 фоизини ўзлаштирадиган бўлса, унинг кўпчилиги тупроқда қолиб, кўпчилик қисми ўсимлик қийин ўзлаштирадиган бирикмага айланади. Бу бирикмалар тупроқдаги кальций карбонат (CaCO_3), гипс ($\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$) ва бошқа шунга ўхшаш тузлардан иборат бўлади, масалан учламчи кальций фосфор тузи ($\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$) ҳосил бўлади.

М.А.Белоусовнинг [1] Ўрта Осиёнинг кўпчилик тупроқларида, ўсимликнинг илдиз тизими жойлаш қисмида, бир гектарида 10 тоннадан 30 тоннагача фосфат бирикмалари мавжуд. Бизнинг кўп йиллик илмий-тадқиқот ишларимиз куйидагиларни кўрсатди (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистондаги суғориладиган тупроқларда фосфор заҳираси, т/га

Тупроқ чуқурлиги, см	Типик бўз тупроқлар				
	Ўғитланмаган ер	Минерал ўғит билан ўғитланган	Ўғит билан ўғитланган ер	Ўғза-беда алмашлаш тизимида	Минерал ўғити - ўғит
0-30	6,09	9,45	9,45	-	-
30-40	2,05	2,78	3,18	-	-
40-50	2,17	2,10	2,45	-	-
50-60	1,94	2,01	2,08	-	-
Ўтлоқи соз тупроқлар					
0-30	9,76	10,12	-	-	-
30-40	2,91	3,34	-	-	-
40-50	2,39	2,39	-	-	-
50-60	1,66	2,08	-	-	-
Оч тусли бўз тупроқлар					
0-30	7,51	9,07	-	7,56	-
30-40	2,43	2,54	-	2,48	-
40-50	2,21	2,21	-	2,26	-
50-60	2,05	2,05	-	2,37	-
Ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлар					
0-30	9,45	10,40	-	-	8,19
30-40	2,82	2,97	-	-	2,30
40-50	2,07	2,04	-	-	1,93
50-60	2,05	1,73	-	-	1,60

1. Жадвал маълумотларига назар ташлайдиган бўлсак, экинлар ўғитланган тупроқларда ўғитланмаганга нисбатан фосфор захираси кўп;

2. Фосфор захираси асосан ернинг ҳайдов қатламида тўплангани, унинг сувда эрувчанлиги жуда қамлигини ифодалайди, экин учун берилган фосфор ўғити пастки қатламларга жуда кам силжиган, шунинг учун ҳам фосфор ўғити асосий қисмини (70%) ерни ҳайдашдан олдин солиниши тавсия этилган. Келтирилган маълумотлардан яна бир фундаментал хулоса қилиш мумкинки, фосфорнинг кам эришини ва тупроқнинг пастки қаватларига силжиши ҳаддан ташқари секин бўлишини назарда тутиб, ғўза, буғдой ва бошқа ўсимликларнинг илдизи 1,0-1,5 ва ундан ортиқ чуқурга етишини ҳисобга олиб, фосфор ўғитини ҳеч бўлмаганда 40-50 см чуқурга беришга ҳарақат қилиш керак.

3. Кўп йиллик маълумотларни кўрсатишича кўрсатилган тупроқлардаги фосфор захирасини ўсимлик осон ўзлаштирадиган ҳилига айлантириш учун тупроқни органик моддалар билан бойитиш зарур, органик моддаларининг парчаланиши натижасида карбон кислоталари ҳосил бўлиб, мураккаб фосфор тузларини эритиб, алмашувчи хил миқдорини тупроқда оширади. Бу “Олтин” захирадан фойдаланиш вақти етиб келди. Органик моддалар асосан экинларни алмашлаб экишдан ҳосил бўлиши маълум, шунинг билан бирга органик ўғитлардан тўплаб, улардан кенг фойдаланиш керак. Органик ўғитлар тўғрисида Қишлоқ хўжалиги журналининг 2009 йил, 2-сони, 7-8 саҳифаларида яхши ёзилган, лекин шуни кўшимча қилиб айтиш мумкинки, бир вақтлар Фанлар Академиясига қарашли кимё институти (проф. Забрамный, Тожиев, Мельниковлар) томонидан кўмир қолдиқларидан органо-минерал ўғитлар тайёрланиб, улар пахтачилик, сабзовотчилик ва поличилик ва бошқа илмий-тадқиқот институт олимлари томонидан ғўзада, маккажўхори, картошка ҳамда бошқа экинларда текширилиб, яхши натижалар олинган, лекин кейинги пайтларда бу муаммо эсдан чиқарилди, бу соҳани қайтадан ривожлантирса яхши бўлар эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Белоусов М.А. Физиологические основы корневого питания хлопчатника. Изд-во «Фан» Узбекистон, 1975, 134-147 бетлар.
2. Белоусов М.А. Некоторые вопросы корневого питания хлопчатника//Агробиология, 1955, № 1.
3. Туева О.Ф. Физиологическое обоснование действия удобрений на хлопчатник//Советский хлопок. 1937, № 2.
3. Цивинский В.И. К изучению морфологии и физиологии корневой системы хлопчатника. Изд. СоюзНИХИ, 1933.
4. Пахтачилик: маълумотлар тўплами. V-боб. Минерал, органик ўғитлар ва ноанъанавий агрорудалардан фойдаланиш. Тошкент, 2016.
5. Пахтачиликда минерал ўғитларни қўллаш бўйича тавсиялар. Тошкент. 2017.12 б.
6. Пахтачиликда маҳаллий силвинит қазилмаларидан тайёрланган янги турдаги калийли ўғитни қўллаш бўйича тавсиялар. Тошкент.2018.7 б.
7. Пахтачиликда нитрокальцийфосфат –НКФУ (Нитрофос) ўғитини қўллаш бўйича тавсиялар. Тошкент. 2018.8 б.
8. Тошкент вилояти тупроқ иқлим шароитида ғўза навларидан юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштириш агротехнологиялари бўйича тавсиялар. Тошкент. 2018. 31 б.
9. Ғўза ва кузги буғдойда ўғитларни қўллаш бўйича тавсиялар. “Munis design group” МЧЖ босмаҳонаси Тошкент. 2019. 16 б.

УЎК 631.4.2/4 (584.4).10

ТАҚИРЛИ-ЎТЛОҚИ ТУПРОҚЛАРНИНГ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН БИОТЕХНОЛОГИК ЙЎЛЛАР

О.У. Нормуратов, катта ўқитувчи, Термиз Давлат Университети, Термиз

Аннотация. Мақолада Сурхондарё вилоятининг тақир-ўтлоқи тупроқлар шароитида помидордан юқори ҳосил олишининг тупроқ-иқлим шароити ва минерал ўғитлар меъёрига боғлиқлик технологияси ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Сурхондарё, тупроқ, азотли ўғитлар, помидор ҳосилдорлиги, ўғитлар меъёри, механик таркиби, гўнг ва биоўғит

Аннотация. В статье разработана технология зависимости почвенно-климатических условий высоких урожаев томатов и норм минеральных удобрений в условиях бесплодных почв Сурхандарьинской области.

Ключевые слова: Сурхандарьинская область, почва, азотные удобрения, урожай томатов, норма внесения удобрений, механический состав, навоз и биоудобрения

Abstract. *In the state developed technology dependence on soil and climatic conditions of high yields of tomatoes and the norm of mineral fertilizers in the conditions of barren soils of Surkhandarya region.*

Keywords: *Surkhandarya region, soil, nitrogen fertilization, urojay tomato, norm of fertilization, mechanical composition, navoz and bio-fertilization*

Ўрта Осиё худудида тупроқларини, айниқса чўл зонасидаги тақир тупроқларни, проювиал ётқизиқлар тарқалган жойлардаги тақир тупроқларни ва чўл сахро зонаси тупроқларини текшириш ҳамда уларнинг таркиби, хоссаларини ўрганиш ва унумдорлигини ошириш тадбирларини амалда жорий этиш борасида катта ютуқларга эга бўлинди.

Ўзбекистонда деҳқончилик майдонлари тупроқларини унумдорлигини оширишга қаратилган вазифаларни ҳал этиш юзасидан тупроқшунослар ва агрокимёгарлар кенг кўламда иш олиб бормоқдалар [1].

Ўзбекистонда тарқалган типик бўз тупроқлар, тўқ тусли бўз тупроқлар, оч тусли бўз тупроқлар, ўтлоқи тупроқлар, ўтлоқи тупроқлар тарқалган минтақаларда Н.Н. Зеленин, П.У. Ҳидоятлов, Э.Н. Иргашев, Б.Х. Тиллабеков, Х.Х. Болтаев., Х.Х.Зокиров ва бошқа агрокимёгарлар илмий тадқиқот ишларини олиб боришган.

Тупроқларнинг механик таркиби оғир кумлоқли ва лойли фракциялардан тузилган. Шунинг учун бу тупроқларнинг солиштирма оғирлиги, ҳажм оғирлиги, ғоваклиги ва бошқа хоссалари чўл зонасида тарқалган бошқа тупроқлардан кескин фарқ қилади. Гумус миқдори 0,95-1,4% бўлиб, чўл минтақасининг энг гумусга бой, унумдор тупроқларидан ҳисобланади. Гумус таркибида гумин кислоталарининг янгидан ҳосил бўлган биринчи ва иккинчи фракциялари асосий ўринни эгаллайди. У.Тожиёв (2004), тупроқшунос олимлар (Успанов 1940, Розанов 1951 ва бошқалар) тақирларнинг келиб чиқиши асосан физикавий ҳодисаларга боғлиқ деб ҳисоблайдилар. Бу тупроқлар турли даражада намланган ва лойланган, бу тупроқлар қурғоқчилик даврида физикавий жараёнларнинг таъсирида турли ёриқларга ажралади деган фикрлар билан геологларнинг нуқтаи назарига яқинлашадилар [2].

Республикамызда тупроқларни ўрганиш бўйича кўплаб назарий ва амалий ишлар амалга оширилган.

Тупроқшунос олимларнинг фикрича тақирларнинг келиб чиқишига она жинсларнинг оғир механик таркибга эга бўлиши ҳамда пастки қатламларда шўрланиш жараёнларининг ривожланиши сабаб бўлади.

Тупроқларнинг намланиши 30-50 см қатламда кузатилади. Тупроқнинг қуйи қатламлари эса қуруқ ҳолда ривожланади. Ёзнинг иссиқ кунлари тупроқнинг юза қисми қуриб, турли шакллардан иборат бўлган полигонал қатламлардан тузилган текис худудларга айланади. Бу полигонал қатқалоқлар айрим тупроқларда қишки-бахорги намланиш даврида ҳам сақланиб қолади. Айни қатқалоқларда нам даврлари лишайниклар ва сув ўтларининг яшashi ва кўпайиши учун қулай шароит вужудга келади. Уларнинг биокимёвий фаолияти натижасида тупроқ пайдо бўлиш жараёнлари ривожланади. Тупроқнинг устки 15-20 см қатламида тупроқларга хос бўлган генетик қатлам ҳосил бўлади. Бу эса тупроқларни шаклланишига ва уларни алоҳида тупроқ типи сифатида ажратишга олиб келади. Тупроқлардан ўрта асрларнинг бошларидан буён Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё ва бошқа воҳаларда суғориладиган деҳқончиликда фойдаланилади.

Воҳада тақирли-ўтлоқи тупроқлар бўз тупроқлардан сўнг суғорма деҳқончиликка кенг жалб қилинган. Воҳанинг Музработ, Ангор, Шеробод, Қизирик, Жарқўрғон ва Термиз туманларининг деярли барча хўжаликларида деҳқончилик мана шу тупроқларда ташкил қилинган. Рельефнинг қулайли (текислиги), сувда эрувчан тузларнинг биринчи метрда камлиги, (яъни жуда кучсиз шўрланганлиги), айрим ҳолларда механик таркибни ўрта кумоқли ҳамда озика элементлари ва гумуснинг барча чўл (сахро) тупроқлардагига нисбатан кўплиги мазкур тупроқларнинг экинбоплигидан далолат беради. Дарҳақиқат биз томондан олиб борилган кўп йиллик тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, гумус бу тупроқларнинг механик таркибига кўра ҳайдалма қатламларда 0,60-0,95% гача, умумий азот эса 0,065-0,045, умумий фосфор 0,11-0,14, умумий калий эса-1,40-1,89% гача бўлиши аниқланган. Гумусли қатлам 40-60 см гача бўлади ва одатда кам шўрланган ҳисобланади.

Бироқ тақирли тупроқлар вилоятда суғорма деҳқончиликни ривожлантиришда қанчалик катта истикболга эга бўлмасин, албатта уларнинг унумдорлиги ҳамда мелиоратив-экологик ҳолатларига таъсир қилувчи салбий хусусиятлар ҳам мавжуд. Биринчидан, тақирли тупроқлар кўпчилик ҳолда оғир механик таркибли (енгил ва ўрта соз) бўлганлиги сабабли

экиш олдидан ўтказиладиган агротехник тадбирларни айниқса шўр ювилгандан ёки яхоб суви берилгандан сўнг, чизиллаш, бароналаш, молалаш даврини узайишига, унинг аэрация қисмида (20-30 см) оптимал иссиқ ҳароратни тўпланиши ва ниҳоят ғўза уруғи экиш вақтини кечикишига; иккинчидан, тупроқ юзаси экилгандан кейин баҳорги ёғин-сочинлар «физик етилганлик» даражаси кўрасатгичида юмшатилма сабаб дарҳол кучли қатқалокланиш хусусиятига эга бўлади, бу эса унувчи уруғ учун ёки ёш ниҳол учун катта хавф тўғдиради: учинчидан, бу тупроқлар шўрланишга мойил ҳисобланади ва 50 (75) см чуқурликдан бошлаб сувда эрувчан тузлар захираси мавжуд; тўртинчидан, республикамининг барча суғориладиган тупроқларидан фарқли ўлароқ бу тупроқлар сингдириш сиғимида натрий миқдори кўпроқ бўлади (5% ва ундан ортиқ) бу эса салбий физик-кимёвий ва физик механик хусусиятларни вужудга келишига сабаб бўлади; бешинчидан, мазкур тупроқларнинг вертикал профилида айрим ҳолларда механик таркибнинг сезиларли аламиниши сув-озика-ҳаво режимини ҳам ёмонлашувига олиб келади [3].

Тадқиқотлар тақир-ўтлоқи тупроқлар шароитида олиб борилган бўлиб, Сабзавот-полиэкинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида ишлаб чиқилган услублардан фойдаланилди. Олинган маълумотларнинг аниқлиги ва ишончилиги умумқабул қилинган Б.А.Доспеховнинг кўп омилли услуби ёрдамида математик-статистик таҳлил қилинди. Помидордан юқори ҳосил олишнинг тупроқ-иқлим шароити ва минерал ўғитлар меъёрига боғлиқлик технологияси ишлаб чиқилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Зокиров Х.Х., Нормуратов О.У. Помидордан экологик тоза маҳсулот етиштиришда молдситим ва экоситим биопрепаратларининг самарадорлиги // Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. Хива -2018 йил №1, 47-51 бетлар.

2. Мусаев О., Ибодуллаева Д., Алтибаева Д. Помидордан экологик тоза маҳсулотлар етиштиришда минерал ўғитларнинг нисбати // “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасига замонавий ресурстежамкор агротехнологияларни жорий этиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция маърузалари тўплами. I-жилд. 2018 йил 285-288 бетлар.

3. Нормуратов О.У. Сурхондарё вилояти тупроқ-иқлим шароитида помидорнинг “Заковат” навини етиштириш агротехникаси // Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. Хива -2018 йил №4, 57-59 бетлар.

УЎТ: 631+633.51

КОМПОСТЛАРНИ ҚўЛЛАШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

А. Сайимбетов, к/х.ф.ф.д., Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали доценти, Нукус

Н.И. Елемесова, ўқитувчи, Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали, Нукус

Аннотация. Ушбу мақолада ҳар хил органик материалларга фосфогипс аралаштириб тайёрланган компостларни қўллашнинг самарадорлиги ҳақида ёзилган. Бунда компостлар қўлланилганда тупроқнинг ҳажм массасининг камайиши, говаклигининг ортиши ва тупроққа қўшимча озик элементлар тушишига эришилган. Натижада ғўзанинг жадал ўсиб-ривожланиши эвазига пахтадан юқори ҳосил олиниши таъминланди.

Калим сўзлар: компост, органик материал, фосфогипс, тупроқ ҳажм массаси, говаклик, озик элементлар, ғўза, пахта ҳосили

Аннотация. В этой статье описывается эффективность использования компоста, полученного смешиванием фосфогипса с различными органическими материалами. В то же время, когда используется компост, уменьшается объемная масса почвы, пористость увеличивается, и в почву добавляются дополнительные питательные вещества. В результате, высокий урожай хлопка был обеспечен благодаря быстрому росту хлопка.

Ключевые слова: компост, органический материал, фосфогипс, объемная масса почвы, пористость, питательные элементы, хлопок, урожай хлопка

Abstract. The article presents information about effectiveness of using composted fertilizers which are made by mixing phosphogypsum into different organic materials. Here, by using composted fertilizers it is obtained to decrease soil mass capacity, increase its void and provide soil with additional nutritious elements. As a result of intensive growth and development of cotton it is provided to receive high cotton harvest.

Keywords: Compost, organic material, phosphogypsum, bulk soil mass, porosity, nutritional elements, cotton, cotton yield

Республикамизда турли жадал ислохотлар олиб борилиши, ҳар бир соҳани ривожланиши бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирда қишлоқ хўжалиги соҳасида тупроқ унумдорлигини оширишни ва экинларнинг юқори ҳосилдорлигини таъминлайдиган технологияларни кенг жорий қилиш орқали сифатли маҳсулот етиштириш муҳим масалалардан биридир.

Суғориладиган, унумдорлиги паст, структураси бузилган тупроқларда қорамол гўнги, парранда қийи, шоли ва ёғоч қипиғига фосфогипсни ҳар хил нисбатларда аралаштириб тайёрланадиган турли композицияли компостларни қўллашни тупроқнинг агрофизикавий хоссалари ва унумдорлигига ҳамда ғўза ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш, шунингдек, ижобий натижаларни амалиётга кенг жорий қилиш бўйича тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

Ушбу масала бўйича бугунги кунда жаҳонда экологик тоза маҳсулот етиштириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, унинг сув-физик ва агрохимёвий хоссаларини яхшилаш ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларининг озика режимини мақбуллаштиришда минерал ўғитлар билан бирга компостлардан кенг фойдаланилмоқда. Компостлар тупроқни гумус ва бошқа озика моддалари билан бойитади ва уни агрофизикавий, сув-физикавий хоссаларини яхшилади, атроф-муҳитнинг зарарланишини камайтиради, шунингдек, экинлардан юқори ва сифатли ҳосил олишни таъминлайди.

Азимбаев С. ва бошқалар [1] ёзишича, суғориладиган ўтлоқи тупроқларда ҳар хил чиқиндилардан тайёрланган компостларни соф ҳолда ёки минерал ўғитлар билан биргаликда қўллаш тупроқда кўп миқдорда органик модда тўпланиш имконини беради. Тажрибада компостлар қўлланилиши ҳисобига тупроқдаги зарарли бўлган катионлар ҳам камайишига эришилган. Бу эса қўлланилган табиий маъдан ва компостларнинг тупроқ хоссаларига ижобий таъсир қилганлигини кўрсатади.

Х.М. Махсудов, Н.Б. Раупова, Б.С. Камиловлар [2] таъкидлашича, органик ва минерал ўғитлар қўллаш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқ зарур. Бунда ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда ноанъанавий ўғитлар (бентонит, глауконит, вермикулит, дарё ётқизиқлари, кўмир саноати ва шаҳар чиқиндилари) ва улар асосида тайёрланган компостларни, таркибида озика элементи бўлган хом-ашё ва чиқиндилардан фосфорит, фосфогипс кабиларни қўллаш муҳим амалий аҳамиятга эгадир.

Ҳозирда маҳаллий гўнглар етишмовчилиги шароитида тупроқ унумдорлигини яхшилашда ҳар хил органик чиқиндиларни аралаштириб компостлар тайёрлаш ва қўллаш қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳамда сифатли ҳосил олишни таъминлайди. Ҳар хил чиқиндилардан компостлар тайёрлаш ва улар қўлланилганда тупроқ унумдорлиги ва сув-физик хоссаларини яхшилаш ҳамда ғўза ҳосилдорлигини оширишга эришилади.

Ушбу йўналишда ТошДАУ илмий-тадқиқот ва ўқув-тажриба станциясида тажрибалар олиб борилди. Тажрибалар 9 та вариант ва 4 та қайтариқда бўлиб, минерал ўғитлар ($N_{200}P_{140}K_{100}$) ва унинг фонида компост-1, компост-2 ва компост-3 10 ва 20 т/га меъёрларда ва 1:1:1,8:0,2; 1:1:1,4:0,6; 1:1:1:1 (шоли ва ёғоч қипиғи, қорамол гўнги, парранда қийи, фосфогипс) нисбатларда қўлланилди.

Олиб борилган тажрибаларда ҳар хил нисбатларда тайёрланган компостлар меъёрларининг тупроқ унумдорлигига ва ғўзанинг ўсиб-ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига таъсири ўрганилди. Бунда ҳар хил компостлар қўлланилганда тупроқнинг 0-30 см қатламидаги ҳажм массаси 0,05-0,07 г/см³ га камайиши ва ғоваклиги 2,2-2,6 фоизга ортиши аниқланди, шунинг билан бирга, сувга чидамли агрегатлар миқдорининг кўплиги гектарига 20 тонна компост-2 қўлланилганда кузатилиб, амал даври охирида 55 фоизни ташкил қилиб, назоратга нисбатан 8 фоизга юқори бўлди.

Тадқиқотда қўлланилган компостларнинг мақбул таъсири компост-2, 20 т/га меъёрида кузатилиб, тупроқнинг 0-30 ва 30-50 сантиметрли қатламларида гумус миқдори назоратга нисбатан 0,115-0,024%, азот 0,010-0,002% ва фосфор 0,014-0,003% га ортанлиги аниқланди. Шу билан бирга нитратли азот, ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий миқдорларининг энг юқори кўрсаткичлари компост-2, 20 т/га меъёрда қўлланилганда олиниб, тупроқнинг 0-30 сантиметрли қатламида мос равишда 24,5; 33,6 ва 295 мг/кг ни ташкил қилди ёки назоратга нисбатан тегишлича 3,3; 3,8 ва 30 мг/кг га юқори бўлди.

Кузатув натижаларига кўра, ғўзанинг ривожланишига 20 т/га меъёрда компост-2 қўлланилган вариантда ижобий таъсир қилиб, ҳосил шохлари сони 15,2 ва кўсақлар 12,9 донани ташкил қилди. Бу кўрсаткичлар назорат вариантыга нисбатан мос равишда 3,7 ва 3,5 донага кўпдир. Тажрибаларда қўлланилган компостларнинг таъсири натижасида энг юқори

пахта ҳосили гектарига 20 тонна компост-2 солинган 7-вариантда олинб, ўртача пахта ҳосили 37,1 ц/га ни ташкил қилди ва назоратга нисбатан 6,7 ц/га кўшимча пахта ҳосили олинди.

Хулоса қилиб айтганда, типик бўз тупроқлар шароитида тупроқ унумдорлигини сақлаш, унинг агрокимёвий, сув-физик хоссаларини яхшилаш, пахтадан юқори ҳосил етиштириш учун минерал ўғитларни N-200, P₂O₅-140, K₂O-100 кг/га меъёрлари фонида шоли ёки ёғоч қипиғи, қорамол гўнги, парранда қийи ва фосфогипсдан 1:1:1,4:0,6 нисбатда тайёрланган компостни 20 т/га меъёрда (3 йилда 1 марта) қўллаш тавсия қилинади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Азимбоев С.А., Алиев Ж., Каримова Л., Избосаров Б. Ўтлоқи-бўз тупроқларда табиий маъданлар ва компостларнинг ғўза ҳосилдорлигига таъсири//Илмий-амалий анжумани материаллари тўп. Бухоро-2009. 45-46 б.

2. Махсудов Х.М., Раупова Н.Б., Камилов Б.С. Тупроқ унумдорлиги ва муҳофазаси шу куннинг энг долзарб йўналишидир//“Ўзбекистон тупроқларининг унумдорлик ҳолати, муҳофазаси ва улардан самарали фойдаланиш масалалари” Республика илмий-амалий конференцияси. Т.: 2013. 11-12 декабрь. 21-27 бет.

ЎТТ 633.511.575.127.2:631.52.527

ТУРЛАРАРО ЧАТИШТИРИБ ОЛИНГАН F₂ ДУРАГАЙЛАРДА БИТТА КЎСАКДАГИ ПАХТА ВАЗНИНИНГ ИРСИЙЛАНИШИ

М.Р. Тўхлиев, таянч докторант, Тошкент Давлат Аграр Университети, Тошкент
С.К. Матёкубов, Пахта селекцияси ва уруғчилиги етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти, Тошкент

Ш.Э. Намазов, Пахта селекцияси ва уруғчилиги етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти, Тошкент

Аннотация. Мазкур мақолада турлараро чатиштириш асосида олинган F₂ ғўза дурагайларида битта кўсакдаги пахта вазни белгисининг ирсийланишини ўрганиш бўйича изланишлар таҳлили акс этган. Олинган натижаларга кўра, F₂(МВГ-2 x Бухоро-102), F₂(F32К-203 x Наманган-1) x Бухоро-102, F₂(Л-588 x Бухоро-102), F₂(Л-158 x Бухоро-102) дурагайлари бошқа дурагайларга нисбатан битта кўсакдаги пахта вазни белгиси бўйича юқори натижаларни намоён этганлиги аниқланди.

Калим сўзлар: дурагай, турлараро, битта кўсакдаги пахта вазни, ирсийланиш, F₂ дурагай, чатиштириш, геномлараро, тизма.

Аннотация. В данной статье отражены анализы исследования по изучению наследования признака массы одной коробочки у F₂ гибридах хлопчатника, на основе полученных межвидовых скрещиваний. Исходя из полученных результатов, выявлена что, гибриды F₂ (МВГ-2 x Бухара-102), F₂ (F32К-203 x Наманган-1) x Бухара-102, F₂ (Л-588 x Бухара-102), F₂ (Л-158 x Бухара-102) показали более высокие результаты по признаку массы одной коробочки, чем у других гибридов.

Ключевые слова: гибрид, межвидовой, масса одной коробочки, наследственность, гибрид F₂, скрещивание, межгеномная, линия

Abstract. In this paper presents analyzes of researches on studies the inheritance of trait weight one ball of cotton in F₂ hybrids was got basis on interspecific crosses. According of results revealed, hybrids F₂ (MVG-2 x Bukhara-102), F₂ (F32K-203 x Namangan 1) x Bukhara-102, F₂ (L-588 x Bukhara-102), F₂ (L-158 x Bukhara-102) reflected high results in trait of weight one per boll of cotton than in other hybrids.

Key words: hybrid, interspecific, weight one ball of cotton, inheritance, F₂ hybrid, crossbreeding, intergenomic, line

Маълумки, қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси ва селекциясида кенг фойдаланилаётган дурагайлаш услублари асосида ҳар доим ҳам қимматли хўжалик белгиларнинг юқори кўрсаткичларига эга бўлган навларни яратишга эришиб бўлмайди. Турли хил тадқиқотчилар томонидан донорлик хусусиятларига эга вакилларни аниқлаш, ирсият ва ўзгарувчанлик қонуниятларини ўрганиш ҳамда турлараро дурагайларда шакл ҳосил бўлиш жараёнларини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда [4].

Шунинг учун экологик ва географик жихатдан узоқ бўлган шаклларини дурагайлаш асосида қимматли хўжалик белгиларини яхшилаш асосида илмий тадқиқотлар олиб борилган [1]. Шунингдек, битта кўсакдаги пахта вазни мураккаб миқдорий белги бўлиб, у F₁-F₃ ўсимликларида ота-ота шаклларининг комбинацион қобилятига боғлиқ ҳолда оралик,

позитив ва негатив гетерозиснинг намоён бўлиши билан доминант ва юқори доминант ҳолда ирсийланиши кузатишган. Адабиётларда тезпишарлик ва кўсак йириклиги белгилари ўртасида салбий корреляция мавжудлиги келтирилган бўлсада, ўрганилган дурагайларда ушбу белгилар бўйича кучсиз корреляция кузатишган ҳамда дурагайларда битта кўсакдаги пахта вазни билан бир туп ўсимликнинг маҳсулдорлиги ўртасида сезиларли даражадаги ижобий боғлиқлик қайд қилинган [2]. Дурагайларда, ҳосилдорлик компонентлардан бўлган кўсак вазни белгисининг ирсийланиши чатиштиришда иштирок этган ота-она намуналарининг тезпишарлик даражаси билан боғлиқ ҳолда кечади [3;18-19-б.].

Бошланғич ашё ва иш услуги. Тадқиқотлар Пахта селекцияси уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институтида амалга оширилди. Тадқиқот объекти сифатида “Ўза генетикаси ва цитологияси” лабораториясида кўп йиллар давомида яратилган мураккаб турлараро ва геномлараро тизмалари билан Бухоро-102 навини ўзаро чатиштиришдан олинган F_2 дурагайларидан фойдаланилди. Таҷрибалар асосида олинган натижалар Б.А.Доспехов услуги бўйича математик-статистик таҳлилдан ўтказилди.

Олинган илмий натижалар. Тадқиқотлар давомида олинган илмий натижалар мазкур жадвалда акс эттилган.

Бухоро билан чатиштириб олинган F_2 дурагайларда битта кўсакдаги пахта вазнининг ирсийланиши

№	Комбинации	M±m	Σ	V%
1	Бухоро-102	5,85±0,26	0,69	6,7
2	F ₃₂ K-203 x Наманган 1	5,73±0,24	1,04	8,2
3	F ₁₆ K-58 тип arb	5,26±0,29	1,28	10,4
4	F ₃₁ K-69 тип arb	5,95±0,15	0,72	3,1
5	F ₂₄ Наманган 1 x Сурхон 5	5,09±0,16	0,54	4,6
6	Л-138	5,93±0,22	0,88	4,9
7	Л-470/1	5,37±0,27	1,08	10,2
8	Л-95	5,41±0,16	0,77	4,3
9	Л-158	5,93±0,21	0,85	4,3
10	Л-200	4,75±0,25	0,5	6,5
11	МВГ-2	5,71±0,28	1,07	8,7
12	Л-58	5,35±0,24	0,99	8,6
13	Л-1979	5,14±0,34	0,90	7,5
14	Л-175/248	5,44±0,24	0,72	6,3
15	Л-12/06	5,15±0,29	1,06	5,7
16	F ₂₃ K-58 тип arb	5,27±0,19	0,64	7,2
17	БСГ-2/06	5,75±0,47	0,95	6,6
18	Л-588	5,5±0,86	1,73	12,4
19	F ₂ (F ₃₂ K-203 x Наманган 1) x Бухоро-102	5,9±0,40	1,28	21,8
20	F ₂ (F ₁₆ K-58 тип arb) x Бухоро-102	5,6±0,33	1,29	22,8
21	F ₂ (F ₃₁ K-69 тип arb) x Бухоро-102	5,4±0,19	0,73	13,6
22	F ₂ (F ₂₄ Наманган 1 x Сурхон 5) x Бухоро-102	5,6±0,22	0,99	17,5
23	F ₂ (Л-138 x Бухоро-102)	5,4±0,17	0,76	13,9
24	F ₂ (Л-470/1 x Бухоро-102)	5,2±0,15	0,69	13,4
25	F ₂ (Л-95 x Бухоро-102)	5,2±0,14	0,61	11,8
26	F ₂ (Л-158 x Бухоро-102)	5,6±0,21	0,81	14,4
27	F ₂ (Л-200 x Бухоро-102)	5,5±0,23	0,91	16,5
28	F ₂ (МВГ-2 x Бухоро-102)	6,4±0,19	0,88	13,7
29	F ₂ (Л-58 x Бухоро-102)	5,3±0,20	0,93	17,4
30	F ₂ (Л-1979 x Бухоро-102)	5,5±0,17	0,76	13,6
31	F ₂ (Л-175/248)x Бухоро-102	5,5±0,23	1,05	19,1
32	F ₂ (Л-12/06 x Бухоро-102)	5,5±0,23	0,91	16,5
33	F ₂ (F ₂₃ K-58 тип arb) x Бухоро-102	5,5±0,20	1,0	18,04
34	F ₂ (БСГ-2/06 x Бухоро-102)	5,3±0,32	1,42	26,6
35	F ₂ (Л-588 x Бухоро-102)	5,76±0,15	0,79	13,5

Маълумотларга асосан Бухоро-102 ғўза нави билан чатиштириб олинган дурагайларда битта кўсакдаги пахта вазни 5,2±0,14 (F₂(Л-470/1 x Бухоро-102) дан 6,4±0,19 F₂(МВГ-2 x Бухоро-102)) гача бўлганини таҷрибаларимизда кўриш мумкин. Бошқа дурагайларга нисбатан F₂(МВГ-2 x Бухоро-102), F₂(F₃₂K-203 x Наманган 1) x Бухоро-102, F₂(Л-588 x Бухоро-102), F₂(Л-158 x Бухоро-102) вариантларида ўз навбатида 6,4±0,19, 5,9±0,40, 5,76±0,15, 5,6±0,21 битта кусак вазни нисбатан юқорирок натижаларни акс этди. Бухоро билан чатиштириб олинган F_2 дурагайларда вариация тахлилига асосан F₂(Л-95 x Бухоро-102) 11,8 дан F₂(БСГ-2/06 x Бухоро-102) 26,6 гача бўлганлиги аниқланди. Натижаларни бунчалик юқори бўлиши мазкур дурагайларда битта кўсакдаги пахта вазни бўйича ҳали тўлиқ барқарор ҳолатга келмаганини, яъни ўзгарувчанлик амплитудаси юқори даражада эканлигини кўриш мумкин.

Ота оналарининг битта кўсақдаги пахта вазнининг ирсийланиши бўйича дурагайлардан пастоқ кўрсаткичга эга бўлди. Жумладан $4,75 \pm 0,25$ (Л-200) дан $5,95 \pm 0,15$ ($F_{31}K-69$ тип arb) гача бўлганини изланишларимизда кўришимиз мумкин. Вариация даражасининг ирсийланиши бўйида ота-она ашёларининг 3,1 (Л-158) дан 12,4 (Л-588) гача бўлганини кўриш мумкин. Бу эса мазкур ашёларни битта кўсақдаги пахта вазни бўйича нисбатан стабил холатга келганини кўришимиз мумкин.

Олиб борилган изланишларимиздан шуни хулоса қилишимиз мумкинки; $F_2(MBG-2 \times \text{Бухоро-102})$, $F_2(F_{32}K-203 \times \text{Наманган 1}) \times \text{Бухоро-102}$, $F_2(Л-588 \times \text{Бухоро-102})$, $F_2(Л-158 \times \text{Бухоро-102})$ дурагайлари бошқа дурагайларга қараганда битта кўсақдаги пахта вазни бўйича юқорироқ натижаларни акс этди, бу эса кейинги изланишларимизга бошланғич ашё бўлиб хизмат қилади. Лекин шуни айтиш жоизки; F_2 дурагайларда вариация кўрсаткичининг юқори бўлиши бу кейинги авлодларида ўзгарувчанликка эга бўлишидан далолат беради.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Алиходжаева С.С., Усманов С.А., Кучалиев А.К., Кучкаров О.Э., Ибрагимов Ш., Аббасова Р.А. Характер формообразовательного процесса при создании крупнокоробочных высоковыходных форм тонковолокнистого хлопчатника // Состояние селекции и семеноводства хлопчатника и перспективы её развития. Материалы научной конференции-Ташкент, 2005.-С.46-47.

2. Амантурдиев А.Б., Ким Р.Г. Структура куста и ее взаимосвязь с морфохозяйственными признаками и вилтоустойчивостью хлопчатника вида *G.hirsutum L.* - Ташкент: Фан, 2008. - С. 43-44.

3. Бабаджанов Ф.А., Мегахед М. Наследуемость крупности коробочек у гибридов и родительских сортов хлопчатника // Доклад ВАСХНИЛ. –1973. № 5. – С.18-19.

4. Намазов. Ш.Э., Бабаев С.Г. Эффективность сложной межвидовой гибридизации в селекции хлопчатника // Т.: "Nishon-Noshir", 2014. С.179.

УЎК 628.477

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ЭКОЛОГИЯСИГА ТАЪСИР КЎРСАТАЁТГАН МАИШИЙ ЧИҚИНДИЛАР МУАММОСИ

А.Ж. Чориев, ўқитувчи, Термиз давлат университети, Термиз

Аннотация. Мақолада Сурхондарё вилоятининг табиий иқлим шароити унда юзага келаётган экологик муаммоларга чиқиндиларнинг таъсири ва уларни бартараф этишда таълим тарбия ва экологик маданиятнинг аҳамияти тўғрисида сўз юритилади.

Калим сўзлар: Сурхондарё, табиат, иқлим, аҳоли, маиший чиқиндилар, турлаш, қаттиқ, суюқ, газ, гарбология

Аннотация. В статье описывается влияние отходов на природно-климатические условия Сурхандарьинской области и роль образования и экологической культуры в решении этих проблем.

Ключевые слова: Сурхандарья, природа, климат, население, отходы, сортировка, твердое вещество, жидкость, газ, гарбология

Abstract. The article describes the impact of wastes on the environmental climatic conditions of the Surkhandarya region and the role of education and environmental culture in addressing these issues.

Keywords: Surkhandarya, nature, climate, population, waste products, sorting, solid, urine, gas, garbology.

Сурхондарё вилояти Ўзбекистон Республикасининг жануби-шарқий қисмида жойлашган бўлиб, 1941 йилда ташкил этилган. Шимол ва шимоли-шарқдан Тожикистон Республикаси, жанубдан Амударё орқали Афғонистон Ислон Республикаси, жануби-ғарбдан Туркменистон Республикаси ва шимоли-ғарбдан Қашқадарё вилояти билан чегарадош, уч томондан тоғлар билан берк ўралган ўзига хос табиати ва ландшафтларига эга бўлган Сурхон вахосида жойлашган бўлиб, табиий иқлим, географик шароитлари мамлакатимизнинг бошқа худудларига нисбатан кескин фарқ қилади.

Иқлими кескин континентал бўлиб, энг юқори харорат ёзнинг иссиқ кунларида 50 даражагача, январь ойининг ўртача харорати 28 даражада, июль ойининг ўртача харорати 31,4 даражада иссиқ бўлиши кузатилади [1].

Доимий такрорланиб турадиган жанубий Афғонистон Республикаси шимолий чўл зоналаридан чанг тўзон олиб келувчи сурункали «Афғон» шамоли куруқ ва иссиқ бўлиб, кишлоқ хўжалиги экинларига сезиларли зарар етказган холда аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатиб келади.

Вилоятнинг маркази бўлган Термиз шаҳри ва Сурхон ҳамда Шеробод дарёлари қуйи

оқимларидаги суғориладиган жанубий худудлари текисликлардан ташкил топган. Шимол ва ғарбий томондан Хисор тоғ тизмалари давоми бўлган Байсунтоғ, Кухитанг тоғ ва шарк томондан Боботоғ тоғ тизмалари билан ўралган.

Паст текисликларда йилига 130 мм дан 360 мм гача, тоғ олди ва тоғ зоналарида 445 мм дан 626 мм гача ёғин тушади. Ҳавонинг нисбий намлиги январь ойида 80 фоизгача бўлса июль ойида 30 фоизгача тушиб кетади.

Ёғингарчилик энг кўп тушадиган фасл қиш ва баҳор ойлар бўлиб, бошқа фаслларда деярли ёғингарчиликлар кузатилмайди [2].

Сурхондарё вилоятида жами чиқиндихоналар сони 16 та бўлиб, умумий ер майдони 110 гектарга тенг. Шундан чиқиндилар сақланадиган майдон 94.5 гектар санитар муҳофаза зонаси 15.5 га ташкил этади. 16 та чиқиндихоналардан фақат 1 таси, яъни Термиз тумани Каттақум массивидаги Термиз шаҳридан 18 км узоқликда жойлашган Термиз шаҳар “Санитар тозалик” автокорхонасига қарашли чиқиндихонанинг умумий ер майдони 60 га бўлиб, чиқинди жойлаштириладиган майдон 53 гектардан иборат, қолган 7 га чиқиндихонанинг санитар муҳофаза зонаси ҳисобланади. Бундан ташқари Термиз шаҳар маҳаллалари худудида жами 30 та чиқиндиларни вақтинчалик сақлаш жойлари мавжуд бўлиб вақтинчалик сақлаш жойлари Термиз шаҳар “Санитар тозалик” автокорхонаси билан шартнома асосида олиб чиқиб кетилиши таъминланиб борилади [2].

Вилоятдаги қолган чиқиндихоналар учун туман Ҳокимларининг қарорлари билан ер ажратиб берилган, лекин белгиланган тартибда экологик талабларга мутлақо жавоб бермайди. Вилоятдаги мавжуд чиқиндихоналарнинг қаттиқ ва суюқ чиқиндиларни қабул қилиш қуввати 40 680 м³ ни ташкил этади.

Сурхондарё вилоятида Ўзбек кўмир ОАЖга қарашли Сариосиё туманида 6 та, Бойсун туманида 4 та кўмир кони мавжуд. Шеробод туманида “Хўжайкон туз” кони, Сариосиё тумани Хондиза полиметалл рудалар кони, “Жарқўрғоннефть” ОАЖга қарашли 7 та нефть конлари ҳозирда фаолият кўрсатиб келмоқда.

Туман ҳокимликлари томонидан “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасига чиқиндалар билан боғлиқ ишларни амалга оширмасдан тумандаги чиқиндихоналарга чиқиндиларни жойлаштириш, утилизация қилиш, қайта ишлаш корхоналарини ташкил қилиш учун тадбиркорларни жалб қилмасдан ҳозиргача моддий техник базаси мавжуд бўлмаган туман коммунал МЧЖларга ташлаб қўйганликлари оқибатида чиқиндилар вилоятнинг экологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда.

Сурхондарё вилоят туманларидаги чиқиндихоналар ва уларга чиқариладиган чиқиндилар

№	Шаҳар ва туманлар номи	Ажратиладиган ер майдони(га)	Чиқиндихона манзили	Йилига чиқариладиган чиқинди, минг м ³
1	Термиз шаҳри	60	Каттақум массиви	26,2
2	Денов	6	8-март ж/х	22,0
3	Шарғун	2	Тақчиён ж/х	10,0
4	Шеробод	5	Наврўз ж/х	6,6
5	Шўрчи	3	Мингжар массиви Ахунбобоев ж/х	2,86
6	Қумқўрғон	4	Наврўз ж/х	8,2
7	Жарқўрғон	15	Хаудак массиви	4,8
8	Бойсун	3	Бойсун ж/х	7,0
9	Узун	2	А.Темур ж/х	5,3
10	Сариосиё	2	Тақчиён ж/х	10,0
11	Ангор	4	Қорақум массиви	5,0
12	Қизириқ	3	Гулаанбоп ж/х	4,0
13	Музработ	3	Туркистон ж/х	6,0
14	Термиз	5	Каттақум массиви	4,0
15	Олтинсой	2	Бобур ж/х	4,0
16	Бандихон	4	Тошкент ж/х	2,0
17	Какайди	3	Какайди массиви	3,0

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 октябрдаги №405-сонли «Таркибига симоб моддаси бўлган лампалар ва приборлардан фойдаланиш ва уларни фойдали равишда ишлатиш корхоналар фаолиятини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори юзасидан вилоятдаги аксарият бюджет ташкилотлари, ўқув ва соғлиқни сақлаш муассасаларидаги таркибида 1-даражали захарли модда симоб бўлган люменцент лампалар йиллар давомида зарарсизлантирилмасдан белгиланмаган худудларга чиқариб ташлаганлик ҳолатлари

бўлганлиги сабабли вилоятнинг атроф-муҳитига, инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин [4].

Хавfli чиқиндилардан бири бўлмиш – ишдан чиққан, таркибида симоб моддаси бўлган лампа ва ускуналарни зарарсизлантириш борасида сўнгги йилларда муайян ижобий натижаларга эришилди. Хусусан, бу ишлар Андижон, Бухоро, Навоий, Фарғона, Сурхондарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида кенг йўлга қўйилди. 2010 йил якуни бўйича республикада 388 минг донага яқин шундай лампа ва ускуналар зарарсизлантирилган.

Шаҳар аҳолиси яшайдиган микрорайонларда турли саноат ва хўжалик чиқиндиларининг ўз вақтида йиғиб олинмаслиги патоген микробларнинг кўпайиб кетишига, ташқи муҳитни, сув хавзаларини, тупрокни, озик-овқатларни, бино ва корхоналарни ифлосланишига сабабчи бўлади. Айниқса уй-хўжалик чиқиндиларининг асосий қисми органик моддалардан ташкил топган булиб, шу сабабли ҳам тез чириydi. Шунингдек турли аммиак, водород сульфид, метан каби газлар ажралиб чиқади, натижада эса, ёгингарчилик, кўчаларни ювиш, хиёбонларни сувлаш жараёнида ер юзасидан ювилиб кичик ариқ сувларини, дарёларни, кўлларни ва, ўз навбатида, денгиз ва океан сувларини ифлослантиради, тупрокни захарлайди. Суяқ чиқиндилар-нажас, сийдик ҳожатхоналардан ер ости сувларига қўшилиб ер ости сизот сувларини, ер ости ичимлик сувларини ифлосланишига сабаб бўлади. Бундай чиқиндиларда: паратиф, қорин тифи, сил, куйдирги, ичбуруғ каби касаллик микроблари бир неча кундан бир неча ойгача актив фаолият кўрсатиб аҳолини касаллантиради, аммо бу каби чиқиндилардан фойдали иқтисодий самара учун ҳам фойдаланиш мумкин:

чиқиндиларнинг кимёвий таркибига кўра махсус ўчоқларда ёқиб ундан иссиқлик энергияси, шлак ва бошқа халқ ёки қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган қурилиш материаллари-ўғитлар олиш мумкин;

кунлик озик-овқат (картошка, пиёз ва бошқа) қолдиқларини фермаларга бериб озик сифатида фойдаланиш мумкин;

компостлаш усули билан қишлоқ хўжалиги экинлари учун органик-маҳаллий ўғитлар тайёрлаш мумкин, чунки нажас таркибида қишлоқ хўжалиги экинлари учун жуда зарур бўлган-фосфор, калий, кальций ва бошқа турли хил микроэлементлар билан биргаликда ҳар тоннасида 35-40% гача биологик, экологик тоза азот унумдорликни яхшиланишида ижобий хизмат қилади.

1. Шаҳар кўча ва хиёбонларини тоза сақлаш гигиеник жиҳатдан муҳим экологик тадбир ҳисобланади. Шаҳар тасарруфидаги барча кичик даҳаларда назорат пунктларини ташкил этиш;

2. Огоҳлантириш, санитария назоратини олиб бориш;

3. Чиқинди ахлатларини тозалаш иншоотларига олиб бориш, компост қилиш майдонларида чиқиндиларни куйдириш, компостлаш ва қайта ишлаш жараёнларини назорат қилиш;

4. Шаҳарларнинг ифлослиги билан боғлиқ бўлган касалликларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиш, юқумли касалликларнинг хавфлилик даражасини аниқлаш ва ҳоказолар.

5. Шаҳарни санитария-гигиена талабларига жавоб бериш режаси 5 ва 10 йиллик муддатга тузилади.

Шунинг учун ҳозирги ёшларимизга оила, боғча, ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида чиқиндиларга бўлган муносабатларини тўғри шакллантириш, чиқиндиларни турлаш ва ажратиш ташлаш ва хўжалик чиқиндиларини қаттиқ ва суяқ чиқиндиларга арлаштирмасдан ташлашга ўргатиш бориш ҳар бир инсоннинг бурчи бўлишлиги керак.

Хулоса

Шаҳарни узунасига ўсиши кундан кунга қурилиш ишларининг ошиб бориши ҳозирги кунда давлатимизнинг иқтисодий ривожланганлиги ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиниши бўлса биз ҳозирда шаҳарларда чиқадиган майиший чиқиндиларга бўлган муносабатларимизни ўзгартирмас эканмиз инсонларнинг кассаликларини камайитириш муаммосини ҳал қилиш қийинлашиб бораверади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида Миллий маъруза Тошкент-2008., 26-31 бетлар.
2. Ш. Отабоев, М. Набиев. Инсон ва биосфера. Тошкент “Ўқитувчи”. 1995.
3. Зокиров Х.Х., Қўлдошева Ш.А. Табиатни муҳофаза қилишнинг илмий, назарий ва методологик асослари. Қарши «Насаф» 2010 й.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2002 йил 5 апрелда тасдиқланган «Чикиндилар тўғрисидаги» қонуни.

УЎК 332

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИНИ ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ: ТАЖРИБА ВА ЮТУҚЛАР

Ш.Ш. Шомуротов, мустақил тадқиқотчи, Андижон давлат университети, Андижон

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда сув ресурсларидан тежамли ва оқилона тарзда фойдаланиш масаласи бўйича қишлоқ хўжалигида экинларни томчилатиб суғориш технологияларига бўлган эътибор, юртимизда томчилатиб суғоришнинг ривожланиш босқичлари ва истиқболларига алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: сув хўжалиги, суғориш тизими, томчилатиб суғориш, сув таъминоти, суғориш технологиялари, сув ресурслари, сув иншоотлари, ислоҳот

Аннотация. В статье рассматриваются технологии капельного орошения в сельском хозяйстве, вопросы экономичного и рационального использования водных ресурсов в Узбекистане, этапы и перспективы развития капельного орошения в нашей стране.

Ключевые слова: управление водными ресурсами, система орошения, капельное орошение, водоснабжение, технология орошения, водные ресурсы, водное хозяйство, реформа

Abstract. The article focuses on the technology of drip irrigation in agriculture on the issues of economical and rational use of water resources in Uzbekistan, the stages and prospects of development of drip irrigation in our country.

Keywords: water management, irrigation system, drip irrigation, water supply, irrigation technology, water resources, water facilities, reform

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида суғоришнинг сувни тежайдиган технологияларини жорий этиш сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 21 июндаги “Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштириш тартиби тўғрисида”ги 176-сон қарорига кўра деҳқон ва фермер хўжалиқларининг ер ва сув ресурсларига бўлган муносабатларини ижобий шаклландувиغا кенг йўл очиб бермоқда. Республикаимизнинг сувга бўлган умумий эҳтиёжи йилига 56–60 млрд. м³ ни (унинг атиги 20% республика ҳудудида шаклланади) ташкил этади. Унинг 92% қишлоқ хўжалиги, 5,5% майший-хўжалик ва 1,5% саноат эҳтиёжларига, 0,8% балиқчиликка ва 0,2% энергетика мақсадларига сарфланмоқда [1]. Ҳозирги кунда йилнинг сув таъминотининг кескин ёмонлашуви (2000 ва 2001 йилларда 40–60%, 2008 йил 35–40% гача камайиши) республика қишлоқ хўжалигида мавжуд сув ресурсларидан янада тежамли фойдаланишни тақозо этмоқда. Минтақада мавжуд сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш шароитида ҳам яқин келажақда халқ хўжалигини сув билан таъминлаш масаласининг янада жиддийлашуви кутилмоқда.

Республика иқтисодиётини келгуси ривожлантириш бевосита мамлакат табиий бойликларидан тежамли фойдаланишга боғлиқ бўлиб, бу ерда аҳолини майший ва халқ хўжалигини ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур бўлган сув ресурслари алоҳида аҳамият касб этади. Саноат ва қишлоқ хўжалиги тараққиёти суръатларининг ўсиши, шунингдек, аҳоли сонининг ортиши кўшимча сув миқдорини талаб қилмоқда. Республикадаги мавжуд суғориш тизимларининг янада тўлиқ такомиллаштирилмаганлиги, суғориладиган ерларда сув ўлчаш ишларини талаб даражасида тартибга солилмаганлиги, суғоришнинг тежамли усул ва техникаларининг кенг жорий этилмаганлиги туфайли манбалардан олинаётган сувнинг 36–40% беҳуда исроф бўлиб кетмоқда. Республика бўйича ҳар гектар экин майдонининг эҳтиёжи 8–10 минг м³ бўлсада, солиштирма сув сарфи амалда 13–14 минг м³ ни ташкил этмоқда. Томчилатиб суғоришда ўсимлик ўсув даври давомида узлуксиз ҳолда сув билан таъминланиб турилади ва сув билан ўғитларни аралаштириб бериш имконияти мавжуд. Томчилатиб суғориш технологияси ўз ичига экинни эҳтиёжига мувофиқ сувни узатиш режими ва суғориш техникасини олади. Сув узатиш тизими мавсумда суғориш меъёри, муддати ва давомийлигига боғлиқ бўлиб, намиқиш зонаси, томчилатгичлар сони ва уларнинг сув сарфи ҳамда жойлаштириш схемаси, тупроқни сув-физик хусусиятларига

боғлик. Томчилатиб суғориш Ўзбекистонда 1975 йилдан бошлаб тажриба тариқасида боғ ва токзорларни суғоришда татбиқ қилина бошланди. Шу йили САНИИРИ нинг Жиззах вилояти Зомин туманидаги тажриба хўжалигида дастлаб 10 га, сўнгра 200 га токзорни, 1977 йилда Хоразм вилояти Хива туманида 1,5 га мевали боғни, Шрёдер номидаги БУ ва Б ИТИ да 2 га боғни суғориш учун Ўзбекистонда ишлаб чиқилган томчилатиб суғориш тизими ташкил этилди. 1993 йилда республикада томчилатиб суғориш тизимлари майдони 1134 га. га етказилди. 1991–1992 йилларда Андижон вилоятидаги «Савой» хўжалигида Исроил технологияси асосидаги томчилатиб суғориш тизими 1 минг га пахта майдонига татбиқ қилина бошлаб, унинг 500 га ишга туширилди. Ўтган асрнинг 90-йилларининг иккинчи ярмида янги 600 га майдонда томчилатиб суғориш тизими барпо этилди. 1999–2001 йилларда Тошкент, Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг ҳар бирида 100 га майдонларда Исроилнинг «Нетафим» фирмаси томонидан ишлаб чиқилган томчилатиб суғориш тизими ишга туширилди [3].



Ҳозирги кунда юртимизда томчилатиб суғоришнинг бир қанча технологияларидан самарали фойдаланиб келинмоқда. Томчилатиб суғориш тизими турли ўсимликлар, иссиқхоналарда, очик жойларда, сабзавот боғларида суғориш учун ишлатилиши мумкин. Томчилатиб суғориш технологиялари орасида “Дроп” томчилатиб суғориш тизими муҳим ўрин тутиб, бу технология аҳоли орасида жуда самарали ҳисобланади. Ушбу технологиядан фойдаланиб ўсимликларни кўлда намлашни таъминлай олиш мумкин. Ушбу технология ёрдамида 20 гектаргача бўлган майдонни суғоришга қодир.



Томчилатиб суғориш кўплаб афзалликларга эга. Биз улар билан сизларни танишиштириб ўтамыз:

- сувдан тежаб фойдаланиш (1,5–2 мартаба кам);
- ҳосилдорликни 20–50% га ортиши;
- тўғри мақсадли сув таъминоти. Маълум бир ҳудуд учун ҳисобланган ишлатилган сувни бошқаришга имкон беради;
- буғланиш жараёнларида минимал йўқотишлар. Маълум бир кичик майдонни намлантириш буғланишни камайтиради;
- суғориш ҳудуди атрофида сув исрофини олдини олади;
- ҳаво-сув меъёрини сақлайди;
- бир вақтнинг ўзида тупроқни намлаш ва озукалар билан бойитиш имконини беради;
- об-ҳаводан мустақил равишда суғориш имкониятини яратади;
- барглар устида суғориш куйишга олиб келмайди;
- ерни жуда текис бўлишига ҳожат йўқлиги;
- ёмғирлатиб суғоришга қараганда кам ҳаражат талаблиги;
- муваққат суғориш тармоқлари қурмаслик ва бошқалар.

Томчилатиб суғоришнинг яна бир самарали технологияси “Аутоватеринг технологияси” ҳисобланади. “Аутоватеринг”- асбоб-ускуналар учун маблағ талаб қилсада, натижада кўп

вақт сақланиб қолади ва ҳосил ҳаражатларни қоплайди. Тизимнинг энг муҳим компоненти инсон иштирокини талаб қилмайдиган бошқарувчи ёки таймердир. Охириги суғоришнинг частотаси ва давомийлиги белгилаб борилади. Таймер электромеханик ёрдамида назоратчи тизимдаги босим ҳисобга олинган суғориш дастурини ўрнатиши мумкин, суғориш даврлари белгиланади ва намлик ҳамда ҳарорат ҳисобга олинади.



Оддий тизимлар учун томчилатиб суғориш схемаси битта каналли қурилмани таъминлайди ва мураккаб схемада каналлар сони кўпроқ талаб қилиниши мумкин. Кўриб чиқишларга қараганда тажрибали боғбонлар алоҳида дастурларда ишлайдиган бир неча оддий таймерлардан фойдаланишни афзал кўришади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кимсанбаев Х.Х., Артуқметов З.А. Некоторые вопросы рационального использования водных ресурсов в сельском хозяйстве Республики Узбекистан/«Мировой опыт и передовые технологии эффективного использования водных ресурсов». Тезисы докладов Международной конференции (Ашхабад, 2–4 апреля 2010 года). Ашхабад: Туркман Давлат нашриёти, 2010. – с. 237–241.
2. Маматов С.А. Томчилатиб суғориш тизими (тарихи, тавсифи, афзалликлари, элементлари, лойиҳалаш, қуриш ва ишга тушириш). Т.: «Меҳридарё» МЧЖ, 2012. - 80 б.
3. Кимсанбаев Х.Х., Аҳмедов М.Х., Қўчқоров Ж., Норқулов У., Артуқметов З.А. Фарғона вилояти фермер хўжалиқларида ғўза парвариши бўйича 2009 йил суғориш мавсумида кутилаётган сув танқислигини юмшатиш учун ўтказиладиган муҳим агротехник тавсиялар. Фарғона, 2009. – 20 б.
4. Аҳмедов А.Ф. Экинларни томчилатиб суғоришда сувдан фойдаланиш самарадорлиги. Битирув малакавий иши. Тошкент 2013 й.
5. Системы капельного орошения от компании Агроальянс – CAPIN (США). /http://www.agroalliance.ru.
6. Капельное орошение. /http://www.drip.agrodepartment.ru.

ПЕДАГОГИКА ФАҲЛАРИ

UO'K 371

TA'LIM –TARBIYA JARAYONIDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNI TATBIQ QILISHNING NAZARIY ASOSLARI

G.G'. Burhonova, katta o'qituvchi, Farg'ona politexnika instituti, Farg'ona

Annotatsiya. Ushbu maqolada ta'lim jarayonida zamonaviy pedagogik texnologiyalarni tatbiq qilishning ahamiyati va ulardan ushbu jarayonda samarali foydalanish usullari haqida fikr yuritiladi.

Kalit so'zlar: pedagogik texnologiyalar, o'qitish metodlari, innovatsiya, texnologiyalashtirish, texnik vositalar

Аннотация. В данной статье обсуждается важность применения современных педагогических технологий в образовательном процессе и способы их эффективного использования в этом процессе.

Ключевые слова: педагогические технологии, методика обучения, инновация, технология, технические средства

Annotation. This article discusses the importance of applying modern pedagogical technologies in the educational process and how to use them effectively in this process.

Key words: pedagogical technologies, teaching methods, innovation, technology, technical means

Bugungi kunda barcha ijtimoiy sohalar kabi ta'limning barcha qatlamlariga axborotlar oqimi shiddatli tarzda kirib kelmoqda va keng ko'lamni qamrab olmoqda. Axborotlarni tezkor suratda qabul qilib olish, ularni tahlil etish, qayta ishlash, nazariy jihatdan umumlashtirish, xulosalash hamda oquvchiga yetkazib berishni yo'lga qo'yish ta'lim tizimi oldida turgan dolzarb muammolardan biri hisoblanadi. Ta'lim-tarbiya jarayoniga pedagogik texnologiyani tatbiq etish yuqorida qayd etilgan dolzarb muammoni ijobiy hal etishga xizmat qiladi.

Ta'lim tizimini texnologiyalashtirish g'oyasi o'tgan asrning boshlarida G'arbiy Yevropa hamda AQSHda ta'lim tizimini isloh qilish, ta'lim samaradorligini oshirish, shaxsning ijtimoiylashuvini ta'minlash uchun muayyan shart-sharoitni yaratish borasidagi ijtimoiy harakat yuzaga kelgan davrda ilk bora o'rtaga tashlandi. Mazkur g'oya 30-yillarda ta'lim jarayoniga "pedagogik texnika" ("ta'lim texnikasi") tushunchasining olib kirilishi bilan asoslandi. Ushbu davrlarda yaratigan maxsus adabiyotlarda "pedagogik (ta'lim) texnika(si)" tushunchasi "o'quv mashg'ulotlarini aniq va samarali tashkil etishga ko'maklashuvchi usul va vositalar yig'indisi tarzida talqin etildi hamda o'quv jarayoniga o'quv va laboratoriya jihozlarining olib kirilishi, ulardan samarali, unumli foydalanish, material mazmunini ko'rgazmali qurollar yordamida tushuntirish kabi holatlar ta'lim samaradorligini oshirishga yordam beruvchi yetakchi omillardir", deya baholandi.

XX asrning 50-yillarida ta'lim jarayonida texnik vositalarni qo'llash "ta'lim texnologiyasi" yo'nalishini belgilab beruvchi omil deya e'tirof etildi, asosiy e'tibor o'quvchilar auditoriyasini kengaytirish texnik vositalardan foydalanish evaziga amalga oshirilishi, texnik vositalarning imkoniyatlarini yanada takomillashtirish, ularning axborot sig'imini kengaytirish, axborotlarni uzatish xizmatini sifatli tashkil etish, ta'lim olishni individuallashtirish kabi masalalarga qaratildi. Bu borada olib borilgan tadqiqotlarning obyekt, tayanch nuqtasi sifatida texnik vositalar imkoniyatlari, ularni takomillashtirish jarayoni qabul qilindi, shuningdek, o'quv jarayonini "texnologiyalashtirish"ning tashkiliy jihatlarini o'rganishga alohida urg'u berildi.

60-yillarning boshlarida ta'limni dasturlash asosida ta'lim jarayonini tashkil etish "texnologiya" tushunchasining mohiyatini ochib beruvchi omil sifatida ko'rila boshlandi. Dasturiy ta'lim o'quvchilarga muayyan bilimlarning alohida qism hoida emas, balki izchil, yaxlit tarzda berilishini nazarda tutadi. Ta'lim jarayonini yaxlit, maqbul dasturga muvofiq tashkil etish taklifi ilk bora AQSHda faoliyat yurita boshlagan "Dasturiy ta'lim va o'rgatuvchi mashinalar bo'yicha birlashgan Qo'mita" tomonidan ilgari surilgan. Dasturiy ta'lim o'zida ta'lim maqsadlari, ularni o'zgartirish va baholashning mos ravishdagi mezonlari hamda ta'lim muhitining aniq tavsifini qamrab oladi.

Ta'lim texnologiyasi nazariyasining umumiy asoslari mohiyati xususida so'z yuritish uchun "ta'lim texnologiyasi" tushunchasining tub ma'nosini anglash talab etiladi. "Texnologiya" yunoncha so'z bo'lib, "techne"-mahorat, san'at hamda "logos"- tushuncha, ta'limot so'zlarining

birikmasidan hosil bo'lgan. "Ta'lim texnologiyasi" tushunchasi esa lug'aviy jihatdan (inglizcha "an educational technology") ta'lim (o'qitish) jarayonini yuksak mahorat, san'at darajasida tashkil etish borasida ma'lumotlar beruvchi fan (yoki ta'limot) ma'nosini anglatadi.

So'nggi o'n yil davomida, nutqimizda "pedagogik texnologiya", "zamonaviy pedagogik texnologiya", "o'qitish texnologiyasi" kabi tushunchalar keng qo'llanmoqda. Aksariyat pedagoglar "ta'lim texnologiyasi" hamda "pedagogik texnologiya" tushunchalari mazmunan bir ma'noni anglatishini ta'kidlaydilar. Bizning nazarimizda bunday yondashuv u qadar to'g'ri emas hamda bu borada yagona to'xtamga kelish muhimdir. T.H.Ballo "pedagogik texnologiya" tushunchasiga ta'rif berar ekan, uni o'qitish jarayoniga nisbatan topshiriqli yondashuv, L.V. Zankov, T.Ya. Galperin, V.I. Davidovlar bosqichli o'qitish, G.K. Selevko hamda boshqa mualliflar esa mazmunli umumlashma sifatida baholaydilar. P. Mitchelning nuqtai nazariga ko'ra, pedagogik texnologiya barcha jihatlariga ko'ra o'ziga xos va samarali natijalarni qo'lga kiritish imkonini beruvchi pedagogik tizimni tashkil etish bilan bog'liq holda ta'lim tizimi doirasida olib borilayotgan tadqiqot nazariyasi va amaliyotining muayyan tarmog'idir. S.K.Islomgulova esa quyidagi qarashni ilgari suradi: texnologik loyihaga asoslangan ta'lim jarayonini tashkil etish usuli bo'lib, u avvaldan belgilangan muayyan qoida va talablarga javob beradi. "Ta'lim texnologiyasi" tushunchasi "ta'lim metodikasi tushunchasiga nisbatan kengdir. O'qituvchini samarali faoliyat ko'rsatishga undovchi darsning metodik ishlanmasidan farqli ularoq, ta'lim texnologiyasi o'quvchilar faoliyatiga nisbatan yo'naltirilgan bolib, u o'quvchilarning shaxsiy hamda o'qituvchi bilan birgalikdagi faoliyatlarini inobatga olgan holda, o'quv materiallarini mustaqil o'zlashtirishlari uchun zarur shart-sharoitlarni yaratishga xizmat qiladi.

Pedagogik texnologiyaning markaziy muammosi o'quvchi shaxsini rivojlantirish orqali ta'lim maqsadiga erishishni ta'minlashdan iborat. Pedagog olim B.P. Bepalko pedagogik tizimini pedagogik texnologiyaning asosi ekanligini e'tirof etgan holda, uni quyidagi unsurlardan iborat ekanini ta'kidlaydi:

- o'quvchi;
- ta'lim-tarbiyaning maqsadi;
- ta'lim-tarbiya mazmuni;
- o'quv jarayoni;
- o'qituvchi yoki texnik vositalar;
- ta'lim-tarbiyaning tashkiliy shakllari.

Pedagogik texnologiya o'zida quyidagi xususiyatlarni namoyon etadi:

1. Pedagogik texnologiya pedagogik jarayonni takomillashtirish, optimallashtirishga bo'lgan ijtimoiy ehtiyojni qondirish omili sanaladi.

2. Pedagogik texnologiya didaktik hamda tarbiyaviy xarakterdagi, shuningdek, ta'lim-tarbiya jarayonini samarali, mahoratli tarzda tashkil etish borasidagi nazariy hamda amaliy bilimlar majmui, metodologik fan sifatida namoyon bo'ladi.

3. Pedagogik texnologiya ta'lim-tarbiya jarayonining umumiy mohiyatini aks ettiruvchi yaxlit jarayondir.

4. Pedagogik texnologiya yo'naltiruvchanlik vazifasini bajaradi, ya'ni, u shaxsni rivojlantirish, tarbiyalash, shakllantirish uchun xizmat qiladi.

5. Pedagogik texnologiya-shaxsiylik xususiyatiga ega bo'lib, muayyan texnologiyalarni ta'lim-tarbiya jarayonida qo'llashga nisbatan yagona, qat'iy, me'yoriy (standart) talablar qo'yilmaydi. Har bir pedagog u faoliyat yuritayotgan ta'lim-tarbiya muhitining xususiyatlari, mavjud ichki va tashqi shart-sharoitlarini inobatga olgan holda muayyan texnologik yondashuvni amalga oshirish imkoniyatiga ega.

6. Pedagogik texnologiyaning asosiy maqsadi komil shaxsni shakllantirish uchun poydevor bo'lgan pedagogik jarayonni takomillashtirish, insonparvarlashtirish, o'quvchining mustaqilligini ta'minlash, o'qitish jarayonida texnik vositalar imkoniyatlaridan samarali foydalanishga erishishdan iborat.

Pedagogik jarayonga nisbatan texnologik yondashuv asosida hal etiluvchi vazifalar:

1. Ta'lim (tarbiya) jarayonining umumiy, yaxlit loyahasini ishlab chiqish;
2. Ta'lim(tarbiya) jarayonida hal etilishi lozim bo'lgan aniq maqsad va vazifalarni belgilash;
3. Ta'lim(tarbiya) jarayoni mohiyatini bashoratlash (taxmin qilish) va uning mazmunini ishlab chiqish;
4. Ta'lim(tarbiya) jarayoni samaradorligini ta'minlashga yordam beruvchi eng samarali, maqbul shakl, metod, usul hamda texnik vositalarni tanlash;

5. Ta'lim jarayonida o'quvchining erkin, mustaqil faoliyat ko'rsatishi uchun muayyan shart-sharoitlarni yaratish, ularda ma'lum ko'nikma hamda malakalarning shakllanishi uchun vaqt o'rnini belgilash, ularning bilimlari darajasini avvaldan tashxislash;

6. O'quvchilar faoliyatini yo'naltirish, nazorat qilish hamda baholashni tashkil etish;

7. Ishlab chiqilgan pedagogik texnologiya loyihasini jamoada sinash, maqsadning natijalanganlik darajasini tahlil etish.

Mazkur vazifalarning ijobiy hal etilishi quyidagi shartlarga amal qilinishiga bog'liq:

- mavjud shart-sharoitlarni inobatga olgan holda faoliyatni tashkil etish;
- o'quvchi (tarbiyalanuvchi)larning yosh, fiziologik, psixologik hamda shaxsiy xususiyatlarini hisobga olish;

- ta'lim (tarbiya) jarayonini demokratlashtirish va insonparvarlashtirish;

- o'quvchi (tarbiyalanuvchi)lar faoliyatini ob'yektiv nazorat qilish va baholash;

- xususiy fanlarni o'qitish jarayonida imkon qadar, albatta, samarali ravishda texnik vositalar imkoniyatidan keng foydalanish.

Hozirgi kunda ta'lim jarayonida interaktiv metodlar, innovatsion texnologiyalar, pedagogik texnologiyalarni qo'llashga bo'lgan qiziqish kundan kunga ortib bormoqda, bunday bo'lish sabablaridan biri shu kungacha ta'limda o'quvchi talabalarni faqat tayyor bilimlarni egallashga o'rgatgan bo'lsa, zamonaviy texnologiyalarni o'rgatish esa, ularni mustaqil tanqidiy fikrlashga, kerakli narsalarni izlab topishga, tahlil va xulosa qilishga o'rgatadi. O'quvchi bu jarayonda boshqaruvchilik, yo'naltiruvchilik funksiyasini bajaradi, ta'lim o'quvchi-talabalarga yo'naltiriladi. Innovatsiya – inglizcha innovation yangilik kiritish, yangilik ma'nosini bildiradi. Innovatsion texnologiyalar pedagogik jarayon hamda o'quvchi va talaba faoliyatiga yangilik kiritish bo'lib, uni amalga oshirishga asosiy interaktiv metodlardan to'liq foydalanish imkoniyati mavjud. Interaktiv metodlar bu talaba bilan talaba, talaba va internet, talaba va o'qituvchi o'rtasidagi fikrlash demakdir, ya'ni pedagogik tasir etish usullaridir va talim tizimining asosiy qismi hisoblanadi. Bu metodlarni qo'llashda pedagog va o'quvchi- talabalar birgalikda faoliyat ko'rsatishlari kerak bo'ladi. Oliy o'quv yurtlarida zamon talabiga mos malakali kasb egalarini yetishtirishda zamonaviy o'qitish metodlari, ya'ni pedagogik texnologiyalar, inovatsion texnologiyalar muhim va pedagogning mahorati o'quvchi-talabalarni jahon standartlari darajasidagi malakali kasb egalari bo'lib yetishishini ta'minlaydi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Eshmuhammedov R., Abduqodirov A., Pardayev A. Ta'limda innovatsion texnologiyalar. Toshkent, 2008 y.
2. Azizxo'jayeva N.N. Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat. Toshkent, 2003 y.
3. Jalolov J. Chet tili o'qitish metodikasi, Toshkent "O'qituvchi nashriyoti" 1996 y.

UO'K 371

“QON AYLANISH SISTEMASI” MAVZUNING O'RGANISHDA XORIJIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

Yu.A. Matyakubova, q/x.f.n., Urganch davlat universiteti, Urganch
N.S. Yadgarova, katta o'qituvchi, Urganch davlat universiteti, Urganch

Annotatsiya. Ushbu maqolada horijiy pedagogik texnologiyalardan foydalanib, o'quvchilarni biologiya fanini o'rgatishda, topshiriqlarni mustaqil ishlash va hayotiy muammolarni hal qilish ko'nikmalarining rivojlantirishga qaratilgan.

Kalit so'zlar: qon, kapillyar, arteriya tomir, vena tomir, yopiq qon aylanish sistemasi, yurak

Аннотация. В данной статье основное внимание уделяется обучению учеников предмету биологии с использованием зарубежных педагогических технологий, развитию навыков самостоятельной работы и решению жизненных проблем.

Ключевые слова: кровь, капилляр, артериальный сосуд, венозный сосуд, замкнутая кровеносная система, сердце

Abstract. This article focuses on teaching pupils to subject biology using foreign pedagogical technologies, developing independent work skills and solving life problems.

Key words: blood, capillary, arterial vessel, vein vessel, closed circulatory system, heart.

Har bir jamiyatning kelajagi uning ajralmas qismi va hayotiy zarurati bo'lgan ta'lim tizimining qay darajada rivojlanganligi bilan belgilanadi. Bugungi kunda mustaqil taraqqiyot yo'lidan borayotgan mamlakatimizning usluksiz ta'lim tizimini isloh qilish va takomillashtirish, yangi sifat bosqichiga ko'tarish, unga ilg'or pedagogik va axborot texnologiyalarini joriy qilish

hamda ta'lim samaradorligini oshirish davlat siyosati darajasiga ko'tarildi. "Ta'lim to'g'risida"gi Qonun va "Kadrlar tayorlash milliy dasturi"ning qabul qilinishi bilan uzluksiz ta'lim tizimi orqali zamonaviy kadrlar tayyorlashning asosi yaratildi.

Ushbu maqoladan umumta'lim muassasalarida "Odam va uning salomatligi" fanida "Qon aylanish sistemasi" mavzusini o'qitish orqali o'quvchilarning biologiya fani bo'yicha savodxonligini oshirish, berilgan topshiriqlarni bajarish orqali ularning ijodiy, mantiqiy, tanqidiy fikrlash va hayotiy muammolarni hal qilish ko'nikmalari rivojlantiriladi. Mavzuga doir turli xil topshiriqlarining berilishi, uning o'ziga xos xususiyatlari haqida tasavvur hosil qilishga yordam beradi.

Har bir topshiriq bir yoki bir nechta savolni o'z ichiga oladi. Topshiriqlardan dars mavzusini mustahkamlashda, takrorlashda foydalanish mumkin. Topshiriqlarni aynan bitta sinf va bitta mavzuga bog'lash mushkul: bitta topshiriqning bir savoli qaysidir sinfning qaysidir mavzusiga tegishli bo'lsa (masalan; evolyutsiya jarayonida qon aylanish sistemasi yuzaga kelishini tushuntirishda, zoologiya faniga murojaat etiladi), ikkinchi savoli boshqa sinfning qaysidir mavzusiga tegishli yoki ko'p hollarda, integratsiyalashgan bo'lishi mumkin. Shundan kelib chiqib, o'qituvchilar ushbu topshiriqlarining har bir savolini tegishli mavzuga bog'lashlari tavsiya etiladi.

Dars davomida umurtqasiz hayvonlardan halqali chuvalchang'lar va molluyskalar tipi vakillarining qon aylanish sistemasi, nima uchun timsohning qon aylanish sistemasi eng murakkab tuzilgani haqida esga olinadi. Natijada evolyutsiya jarayonida qon aylanishi yuqori darajaga erishgani tufayli organizmlarning har xil sharoitlarda moshlanib yashab qolganliklari tushuntiriladi.

Insonda qon aylanish doirasiga yurak, qon tomirlari kirishini hisobga olib, ularning atamalari, qonun qoidalarini tushuntiriladi. Masalan;

- 1) Arteriya-yurakdan chiqadigan qon tomir.
- 2) Aorta-organizmdagi eng katta arteria qon tomiri. Arterial qonni tashiydi.
- 3) Vena-yurakka keladigan qon tomir.
- 4) Kapillar-eng kichik arteria qon tomirlari.
- 5) Venulla-eng kichik vena qon tomiri.
- 6) Anastamoz-kapillar va venullalarning to'r hosil qilishi.
- 7) Yopiq qon aylanish sistemasi-qon faqat qon tomirlarda harakatlanadi.

Qon tomirlari 3 guruhga ajraladi: arteriya, vena va kapillyarlarga bo'linadi. Qon organizmda ikkita tutash sistema-katta va kichik qon aylanish doiralari bo'ylab aylanadi. Qon tomirlarning joylashishi maxsus qoidaga bo'ysunadi, ya'ni qon tomir qaysi organga borsa, shu organ nomini oladi. Masalan: o'pkaga borsa o'pka arteriyasi deyiladi. Yoki o'pka venasi, buyrak venasi.


Mavzi davomida atamalarga umumiy ta'rif beriladi. Kapillyar tomirlarning o'rtacha uzunligi 0,5 mm, diametri 3-3,5 mkm, 150 milliard kapillyar mavjud, 300 trillion hujayralarni qon bilan ta'minlaydi. Soch tolasidan 50 marta kichik. Kapillyar orasiga faqat bitta eritrosit sig'a oladi.

Mavzuni aktivlashtirishda turli xil savollardan foydalanish mumkin:

1. Qon tomirning mustahkamligi qaysi qotishmaga tenglashtiriladi?
2. Qaysi qon tomir sevgi ramzi hisoblanadi?
3. Termodinamika qonuniga asosan qon pastga tushadi, ammo inson organizmida yuqoriga ham chiqadi?
4. Qaysi hayvonning so'lagi tarkibida qonni suyiltruvchi modda bor va u qanday nomlanadi?
5. Qaysi hayvonlar sovuq qonli hayvon hisovlanadi va nima uchun?
6. Yuragini 1 sutka davomida to'xtatib turadigan hayvon qaysi?
7. Varikoz kasalligi qanday kelib chiqadi?
8. Qaysi ichimlik va ovqat qon tomirlarni mustahkamligini oshiradi?
9. Nima uchun venadan ukol qilinadi, arteriyadan emas?

Shuningdek, dars davomida qiziqarli matnlardan foydalanish mumkin. Hayot davomida yurak 2,5 millyard marta qisqaradi. Ayollarda yurak erkaklarga nisbatan tez uradi. Odam yuragi boshqa hayvonlarga qaraganda sekinroq uradi. Masalan, kolibri uchib turgan vaqtda yuragi 1200 marta uradi. Kamdan-kam hollarda yurak chap tarafda emas, balki o'ng tarafda ham joylashishi mumkin. Qon tana massasining 1/13 qismini tashkil qiladi. Yurakda faqat 9% qon bo'ladi, qolgan barcha qon tomirlar ichida joylashgan. Vaznsizlik qon aylanish sistemasiga negativ ta'sir qiladi. Agar yerning tortish kuchi bo'lmasa, tananing bosh qismiga qon yetaridan ko'p miqdorda boradi. Kichik qon aylanish doirasi 4-5 sekund, katta qon aylanish 20-22 sekund davom etadi.

O'quvchilar 1- rasmga qarab "Tushunchalar taxlili" jadvalini to'ldiring?



Jadval-1

Qon aylanish sistemasi funktsiyalari	Rasmdagi harf belgisi	Atama nomi
Yurakning qaysi qism kislorodli va karbonat angidridli qonni aralashib ketishiga yo'l qo'ymaydi?	F	Septum (to'siq)
Bo'lmachadagi qonni qorinchaga o'tkazmaydigan qism?		
Kislorodli qonni tashuvchi qon tomir?		
Karbonat angidridli qonni tashuvchi qon tomir?		
Qaysi qism o'pka arteriyasidagi qonni o'ng qorinchaga qaytib tushishiga yo'l qo'ymaydi?		
Kislorodga to'yingan qon kameralarini ko'rsating?		
Karbonat angidridga to'yingan qon kamerasini ko'rsating?		

Har bir pedagog ta'lim berish jarayonida faqatgina Respublikamizda joriy etilayotgan yangiliklarni qo'llash bilan cheklanib qolmay, balki, rivojlangan davlatlar ta'lim sistemasini o'rganishi, o'zlashtirishi va dars jarayonida amalga tatbiq etishi kerak. Shu maqsadda biz "5W1H" metodi haqida ma'lumot berib o'tdik. Ushbu metodda ochiq axborotlardan yoki aniq voqea-hodisadan vaziyat sifatida tahlil uchun foydalanish mumkin. Ta'lim tizimi amaliyotida shaxs kreativlik sifatlarida shakllantirish yoki rivojlantirishga xizmat qiladi. Metod talabalarni har qanday mazmunga ega vaziyatni o'rganish va tahlil qilishga o'rgatadi. Uning negizida muayyan muammoli vaziyatni hal qilish jarayonining umumiy mohiyatini aks ettiruvchi elementlar yotadi. Metodning maqsadi: yangi axborotlar tizimini qabul qilish va bilimlarni tizimlashtirishni kuzda tutuvchi metod (jadvalda berilgan oltita savollarga javob topish mashqi vazifasini belgilaydi).

2-jadval

"5W1H" metodi yordamida "Qon aylanish sistemasi" mavzuni o'rganish

What?	Nima? (ta'rifi, mazmuni, nima uchun ishlatiladi)	Kapilyar, arteriya, vena qon tomirlariga ta'rif bering
Where?	Qayerda (joylashgan, qayerdan olish mumkin)?	Qayerda joylashgan organlarda qon tomirlari teskari nomlanadi?
What kind?	Qanday? (parametrlari, turlari mavjud)	Qon aylanish doirasi bir va ikki bo'lgan organizmlarda qanday o'xshashlik va farqlar bo'ladi tushuntiring?
When?	Qachon? (ishlatiladi)	-Katta qon aylanish doirasidagi qon tomirlar yurakni qachon qon bilan ta'minlanadi? -Kichik qon aylanish doirasidagi qon tomirlar o'pkani qachon qon tomir bilan ta'minlaydi?
Why?	Nima uchun? (ishlatiladi)	-Nima uchun jigar va buyrakda qon tomirlarga bog'liq o'ziga xos hususiyatlari mavjud? -Nima uchun vena tomirlarining ichki qismi arteriya tomiriga nisbatan katta? -Nima uchun qizil qon tanachalari kichik va yadrosiz? -Nima uchun arteriadagi qonning rangi ochiqroq qizil? -Nima uchun kosmonavtlarda bosh og'rig'i ko'proq uchraydi?
How?	Qanday qilib? (yaratiladi, saqlanadi, to'ldiriladi, tahrirlash mumkin)	-Oyoqdagi vena tomirlarida qon qanday harakatlanadi? -Qonda mochivena qanday qilib harakatlanadi? -Qanday qilib yurakning urishi tanadan tashqarida bo'lishi mumkin?

Ta'limning barcha bosqichlariga oid umumiy pedagogik va didaktik talab o'quvchining dasturiy bilim, tasavvur va ko'nikmalari asosida mustaqil ishlash samaradorligini takomillashtirish, ilmiy fikrlashga, o'quv faniga qiziqishini kuchaytirish, kasbiy bilimlarini chuqurlashtirish, nazariy va amaliy mashg'ulot mobaynida ularning faolligini oshirishdan iboratdir. Jahon pedagogik tajribasi, zamonaviy pedagogik texnologiyalarining talabalarni fanlarga qiziqtirishga, ularning mustaqil ishlashda faolliklarini oshirishga imkoniyati cheksiz ekanligini tasdiqlamoqda.

Ta'lim sifatini o'zgartirishda o'qituvchining roli quyidagilardan iborat:

1. Tashkilotchi-ijtimoiy pedagog: o'quvchilarni mustaqil hayotga tayyorlaydi;
2. Sinf yetakchisi-sinfda ijobiy psixologik muhit yaratadi va ta'sir ko'rsatadi;
3. Metodist-ta'lim jarayonida o'quvchilarning muammoni yechishda yordam beradi va qo'llab quvvatlaydi;
4. Faylasuf-bilim va tajribalarni tahlil qiladi, o'z qarashlarini asoslaydi;
5. Tajribali yaqin do'st-o'quvchilar oldidagi to'siq va muammolarni bartaraf etishga yordam

beradi;

6. Tadqiqotchi-novator-yangilik yaratuvchi-muntazam ravishda o'z ustida ishlaydi, yangi g'oyalarni yaratadi, tatbiq etadi;

7. O'quv jarayonini rahbari va uni rag'batlantiruvchi-maqсадga eltish vositalari, istiqbolini nazarda tutadi, o'qitish uslublarini tanlaydi, o'quvchilarni o'qishga o'rgatadi, ijodiy yondashadi;

8. O'zaro ta'sir ko'rsatuvchi-jamoa bo'lib ishlay oladi va ishlashga o'rgatadi;

9. Maslahatchi- shaxsiy namunasini o'rgatadi;

10. Tarbiyachi-o'quvchilarga jismonan, aqliy va ma'naviy tomondan rivojlanishlariga yordam beradi;


11. Psixolog-o'zini yaxshi biladi va tushunadi;

12. O'zgarishlarga yo'naltiruvchi-o'quvchilarni hayotiy ko'nikmalarini yaxshilashga yordam beradi;

13. Ma'lumotlarni taqsimlovchi-o'quvchilarga asosiy yangi ma'lumotlarni yetkazadi va amaliyotga tatbiq etishga o'rgatadi.

Darsni umumlashtiruvchi topshiriq bilan yakunlanadi.

Topshiriq 1. Quyidagi rasmda yurak qon tomir sistemasiga salbiy ta'sirlardan namuna keltirilgan. Rasmni izohlang. Esse yozing. Ijodiy ta'sirlardan namunalar keltiring?



Xulosa o'rnida shuni aytishimiz mumkinki, yurak va qon tomir sistemasi inson organizmining asosi hisoblanadi va uni asrashimiz zarur!

Ta'lim tizimining barcha shakldagi muassasalarida ta'lim jarayonining ilg'or, ilmiy-uslubiy jihatdan asoslangan yangi va zamonaviy uslubiyot bilan amalda ta'minlash lozim. Yosh avlodga ta'lim-tarbiya berishning maqsadi, vazifalari, mazmuni, uslubiy talablariga ko'ra fan, texnika va ilg'or texnologiya yutuqlaridan unumli foydalanish bugungi ta'lim tizimi oldida turgan dolzarb muammolardan biri hisoblanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Ishmuhamedov R., Abduqarodirov A., Pardaev A. Tarbiyada innovatsion texnologiyalar/Ta'lim muassasalari pedagog-o'qituvchilari uchun amaliy tavsiyalar.T.: "Iste'dod" jamg'armasi, 2009.
2. Xoliqov A. Pedagogik mahorat. Darslik "Tafakkur bo'stoni".T.: 2011.
3. Muslimov N.A. Innovatsion ta'lim texnologiyalari. O'quv-metodik qo'llanma. T.: "Sano-standart", 2015.

UO'K 371

“MIKROORGANIZMLAR SISTEMATIKASI” MAVZUSINI O'QITISHDA FOYDALANILADIGAN INTERFAOL TA'LIM METODLARI Yu.A. Matyakubova, q/x.f.n., Urganch davlat Universiteti, Urganch S.K. Yusupova, o'qituvchi, TTA qoshidagi akademik litsey, Urganch

Annotatsiya. Ushbu maqolada horijiy pedagogik texnologiyalardan foydalanib, talabalarni bakteriyalar sistematikasining o'rgatishda, topshiriqlarni mustaqil ishlash ko'nikmalarining rivojlantirishga qaratilgan.

Kalit so'zlar: baktreriya, shtamm, klon, tur, sistematika, klassifikatsiya, taksonomiya

Аннотация. В данной статье основное внимание уделяется обучению студентов изучению систематики бактерии с использованием зарубежных педагогических технологий, развитию навыков самостоятельной работы.

Ключевые слова: бактерия, штамм, клон, вид, систематика, классификация, таксономия

Abstract. This article focuses on teaching students the study of the systematics of bacteria with the use of foreign pedagogical technologies, development of skills of independent work.

Key words: bacteria, strain, clone, species, systematization, classification, taxonomy

Uzoq vaqt davomida biolog olimlar mikroorganizmlarni sistematikaga solib bo'lmaydi deb hisoblagan, chunki ularning orasida "chaos" mavjud (Linney). Ilk mikrobiolog-sistematiklar O.Muyller (1786), K.Erenberg (1838), F.Kon (1872), Migullarning (1900) tasnifi morfologik belgilarga asoslangan.

Zamonaviy tasnif tizimlarida mikroorganizmlarning barcha ma'lum belgilari hisobga olinadi: shakli, o'lchami, rangi, harakatchanligi va boshqa fiziologik, kultural va biokimyoviy xususiyatlari.

Aksariyat zamonaviy mikroorganizmlar aniqlagichlari uchun mikroblarni guruhlashning yagona tamoyili mavjud emasligi xosdir. Ko'pincha u yoki bu morfologik belgiga ega organizmlar har xil avlod, oilalarga kiritib qo'yiladi va aksincha, bir xil bo'lmagan morfologik belgilarga ega turlar bir guruhga birlashtiriladi.

Bu holat mikroblarning o'ziga xos xususiyatlari, tashqi tuzilishi va rivojlanishining soddaligi, shuningdek tashqi muhit sharoitlari ta'sirida tez o'zgaruvchanligi bilan tushuntiriladi. Hatto spora hosil qilish, xivchinlarning mavjudligi, ularning miqdori va joylashishi, hujayra tuzilishi kabi morfologik belgilar ham doimiy bo'lmasligi mumkin.

Fiziologik belgilar ham o'zgaruvchanligi bilan ajralib turadi. Binobarin, sut kislotaga hosil qiluvchi bakteriyalar ularni uglevodsiz muhitda uzoq vaqt o'stirilganda bijg'ishni keltirib chiqarishdan to'xtashi mumkin.

Mikroorganizmlarning sistematikasi va tasnifi asosan hayvonlar va o'simliklar uchun qabul qilingan tamoyilga asoslanadi. Mikroblar tasnifi tizimidagi asosiy taksonomik birlik-tur.

Tur-o'zaro yaqin organizmlar guruhi va to'plami, ular umumiy kelib chiqishiga ega bo'lib, muayyan morfologik, biokimyoviy, biokimyoviy va fiziologik belgilar bilan ajralib turadi va ma'lum oziqlanish muhitiga moslashgan bo'ladi. Tur-bu mikroorganizmlarni qon-qarindoshlik aloqalarining yig'indisidir, ya'ni:

1. Bitta ildizdan kelib chiqqan bo'lishi kerak.
2. Ularning hayot faoliyatlari va munosabatlari bir-birlariga o'xshash bo'lishi.
3. Alohida yashash va ovqatlanish muhitiga ko'nikkan bo'lishi.
4. Shu turdagi mikroblarda modda almashinuvi bir xilda ketishi.
5. Morfologik, fiziologik va genetik apparatlarining o'xshash bo'lishidir.

Mikroorganizmlar taksonomik birligini belgilovchi ierarxiya sxemasida turlar, avlodlar tarkibiga kiritilgan. Avlod-asosiy sistematik birlik bo'lib u qarindosh turlarni o'z ichiga oladi. Sistematikada avlod nomi bir so'z bilan ifodalanadi va har doim bosh harfda yoziladi. Avlodga kiritilgan turlar soni har xil bo'lishi mumkin. Masalan, *Azotobacter*-avlodi 4 ta turdan tashkil topgan bo'lsa, bakteriyalarning *Basillus* avlodiga esa 50 ta yaqin turlar kiritilgan. Oila-bir-biriga o'xshash, yaqin avlodlar yig'indisidir. Oila nomi avlod nomiga *-aceae* qo'shimchasini qo'shib hosil qilinadi. Masalan; *Pseudomonas* avlod, *Pseudomonadaeace*-oila. Oila o'z navbatida tartib tarkibiga kiritilgan. Tartib nomi oila nomiga *-ales* qo'shimchasini qo'shishdan hosil bo'ladi. Shuni ham aytish kerakki, mikrobiologiyada tartib taksonomik birlik oila taksonomik birligiga nisbatan kam ishlatiladi. Masalan, bakteriyalar sistemikasida sirg'anib harakat qiluvchi bakteriyalarni juda katta guruhi 8 oilani o'z ichiga olgan holda 2 tartibdan tashkil topgan. Grammanfiy tayoqchasimon va sharsimon aerob bakteriyalar guruhi 6 oilaga bo'linishiga qaramay, xanuzgacha tartiblarga bo'linmagan.

Hozirgi kunda ta'lim jarayonida interfaol uslublardan foydalanib, ta'limning samaradorligini ko'tarishga bo'lgan qiziqish, e'tibor kundan-kun kuchayib bormoqda. Zamonaviy texnologiyalar qo'llaniladigan mashg'ulotlar talabalar egallayotgan bilimlarni o'zlari qidirib topishlariga, mustaqil o'rganib, tahlil qilishlariga, hatto xulosalarni ham o'zlari keltirib chiqarishga qaratilgan.

O'quv-tarbiya jarayonida pedagogik texnologiyalarning to'g'ri joriy etilishi o'qituvchining bu jarayonda asosiy tashkilotchi sifatida faoliyat yuritishiga olib keladi. Bu esa talabadan ko'proq mustaqillikni, ijodni va irodaviy sifatlarni talab etadi, ularni fikrlashga, o'z nuqtai nazarlarini asoslashga imkoniyat yaratadi.

Yangi interfaol usullar bo'yicha ishlash uchun guruhda kichik guruhlar tashkil qilinib, ishonchni yaratish, ochiq muhokamaga xalaqit beruvchi ruhiy zo'riqishni yo'qotish, amaliy mashg'ulotlarda talabalarining barchasini darsda faol qatnashishiga erishish va 35 daqiqadan ortiq bo'lmagan vaqtni belgilash lozim (80 daqiqalik darslarda).

Mikrobiologiya fanidan amaliy mashg'ulotlarda "Aqliy hujum", "Stol o'rtasida ruchka", "Kim ko'proq, Kim tezroq", "Dumaloq stol", "Galereya bo'ylab sayohat" kabi usullar ham qo'llaniladi.

Amaliy mashg'ulotlarda bu usullarni qo'llashdan maqsad:

- talabalarining amaliy mashg'ulotlarda ishtirok etish darajasini oshirish.
- talabalarining bir-biridan o'rganishga imkon berish.
- guruhlarda o'qitish jarayonini kuchaytirish va talabalarni shu fanga bo'lgan qiziqishini orttirish.
- mavzularga mos bo'lgan yangi interfaol usullarni tanlay bilish (reja asosida) va mashg'ulotlarni qiziqarli o'tkazishga erishish.
- talabalarga o'zaro g'oya va fikrlarini almashishga imkoniyat berish.
- ishtirokchilar katta guruhlarda bayon qila olmagan fikrlarini kichik guruhlarda bayon qilishlariga erishish.
- amaliy mashg'ulotlarda diqqat markazini o'qituvchidan ishtirokchilarga o'tkazish va bilimni olish uchun katta mas'uliyatni ishtirokchilarga topshirishga erishish.

“AQLIY HUJUM” USULI

Bu usulda dastlab o'qituvchi amaliy mashg'ulotga tayyorlanib kelgan talabalarni aniqlaydi (darsga tayyorlanmay kelgan talabalar reyting tizimi asosida 1,2,3 ball bilan baholanadi) va o'qituvchi savol beradi-talaba javob beradi, o'qituvchi javobga qoniqmasa, navbatdagi talabaga savolni takrorlaydi-javob to'g'ri, aniq, bo'lgunga qadar o'rtaga tashlangan jumboqli savol takrorlanaveradi.

Masalan: "Mikroorganizmlar sistematikasi" mavzusida o'qituvchi tomonidan 5-10 ta savol (talabalarining tayyorligiga qarab) beriladi:

1. Nima uchun shtammning belgisi bakteriya turidan keyin ifodalanadi?
2. Namunali shtamm va namunasiz shtammning qaysi belgilari bilan farqlanadi va ularga ta'rif bering?
3. O'simliklarda kasallik qo'zg'atadigan bakteriya variantlari qanday nomlanadi? Misol yordamida tushuntiring.
4. Tur ichida ba'zi nasliy belgilari bilan bir-biridan ajralib turadigan mikroorganizmlar uchrab turadi. Bu belgilar klassifikatsiyaga kiritilmagan, lekin meditsina mikrobiologiyasida keng qo'llaniladi. Bu qaysi belgilar? Ularni nomlang va ta'riflang?
5. Bakteriyalar sistematikasida eng asosiy taksonomik birlik qaysi?

O'qituvchi guruhdagi har bir talabaning muhokamada ishtirokini kuzatib boradi-talaba 3 ta savolga javob bera olmasa, eng past ball beriladi-amaliy mashg'ulotning nazariy qismini o'zlashtirmagan talaba sifatida savol-javoblarda qatnashmaydi, ammo amaliyotni bajarishda ishtirok etadi.

Bu usulning ahamiyatli tomoni shundaki, qisqa vaqt ichida guruhdan ko'p miqdordagi javob variantlarini olish, talabalar bilimni aniqlash, ulardan kutilmaganda so'rash oqibatida mashg'ulotga tayyorgarlik darajasini bilish, xotirada fan bo'yicha saqlanib qolgan barcha bilimlarni aniqlash imkoni tug'iladi.

Talabalar tomonidan berilgan barcha javoblar, ma'nosi va mazmunidan qat'iy nazar, muhokama qilinadi. Barcha talabalar o'z fikrlarini aytadilar, o'qituvchi tomonidan yuqori kasbiy va pedagogik mahorat bilan yo'naltirilgan savol-javoblar, bahs-munozarada haqiqat qaror topadi, kuchli nazariy bilim va tayyorgarlikka ega talabaning yuqori ball to'play olishiga erishiladi, shuningdek tayyorgarligi past talaba ham ko'plab bilimlarni o'z xotirasida saqlab qolishiga erishiladi.

Bundan tashqari fan bo'yicha yangi bilimlarni olishga erishish, ishtirokchilarga taklif etilgan g'oyalarni muhokama qilish uchun imkoniyat yaratish va guruhda faollikni oshirishga erishiladi.

“STOL USTIDA RUCHKA” USULI

Taxsil olayotgan guruh talabalari 2 ta guruhchaga ajratiladi. Talabalarga savol yozilgan qog'oz beriladi va talabalar qog'ozga ism shariflarini yozadilar. O'qituvchi mashg'ulotni diqqat bilan kuzatadi, agar talaba qog'ozdagi savolga javobni bilmasa, qo'lidagi ruchkani stol o'rtasiga qo'yadi. Boshqa talaba javob berishga kirishadi va hokazo. Talaba javob bera olmay o'z ruchkasini

stol o'rtasiga 3 marta qo'ysa, amaliy mashg'ulotning nazariy qismini o'zlashtirmagan talaba sifatida savol-javoblarda qatnashmaydi, ammo amaliyotni bajarishda ishtirok etadi, mashg'ulotning nazariy qismidan ball olib bilmaydi. Bu usulda bitta talabaga 5-6 ta savol yozilgan qog'oz beriladi va barcha qog'ozlarga talabalar ism shariflarini va javobni yozadilar.

Masalan: "Bakteriyalar sistematikasida qo'llaniladigan asosiy atama va tushunchalar" rejasi bo'yicha savollar:

1. Mikroorganizmlarning asosiy taksonlarini ketma-ketlikda sanang?
2. Sistematika, klassifikatsiya, taksonomiya tushunchalariga ta'rif bering?
3. Ilk bakteriya turlari qachon va qayerda qayd qilingan?
4. Klon so'zini ma'nosini izohlang?
5. Turli mualliflarning "tur" tushunchasiga bergan ta'riflarini ayting?
6. Prokariotlar sistematikasida ierarxiya sxemasi bo'yicha qanday birliklar keltirilgan?

"DUMALOQ STOL" USULI

Stol ustiga vaziyatli masala (mavzuga oid savol) yozilgan qog'oz tashlanadi. Har bir talaba o'zining javob variantini yozib boshqa talabaga qog'ozni uzatadi. Hamma o'z javobini yozib bo'lgandan keyin tahlil qilinadi: noto'g'ri javoblar o'chirilib, to'g'ri javoblar muhokama qilinadi, talabalar bilim darajasi baholanadi. Bu usul nafaqat yozma, balki og'zaki holda ham olib borilishi mumkin. O'qituvchi tomonidan savol to'liq va aniq berilishi lozim.

Masalan: "Binar nomlash" rejasi bo'yicha savollar quyidagicha:

1. K.Linney sistematikasi qoidalari bo'yicha Rizobium avlodi turlari qanday nomlanishini izohlang?
2. K.Linney sistematikasi qoidalari bo'yicha Erwinia avlodi turlari qanday nomlanishini izohlang?
3. O'zbekiston tuproqlarida uchraydigan Pseudomonas avlodiga oid qanday bakteriya turlari kuzatiladi?
4. Pseudomonas avlodi turlarini bir-biridan farqlash uchun qanday belgilar asos qilib olinadi?

Vaziyatli masala: Bakteriologik laboratoriyaga sanitar-bakteriologik tekshirish uchun tuproq namunalari olib kelindi. Xulosa berish uchun qanday ko'rsatkichlarni aniqlash kerak?

"GALEREYA BO'YLAB SAYOHAT" USULI

Guruh talabalari kichik 2-4 guruhlariga bo'linadi va har bir kichik guruhlariga bittadan muammoli (vaziyatli masala) savol yozilgan qog'oz beriladi. O'qituvchi amaliy mashg'ulotlarda rangli qog'ozlardan foydalanadi. Har bir kichik guruh 10 daqiqa davomida o'zlarining fikrlarini yozib, boshqa guruhdagi javob varaqalari bilan almashadilar. Keyingi guruh oldingi guruhning javobini baholab, agar javob to'liq bo'lmasa, o'zining variantini taklif etadilar.

Mavzu bo'yicha savollar: "Bakteriyalar nomenklaturasi" rejasi bo'yicha vaziyatli masala: Quyida biz, N.Gibbons va R.Myurrey (1978) prokariota olami vakillarini hujayra devori tuzilishiga asoslanib, ularni katta 4 bo'limga ajratgan fikridan foydalanamiz. Bu bo'limlar D.X.Bergining 1984-yil "Bakteriyalar aniqlagichi" 9- nashriga asos qilib olingan.

1. Gracilicutes bo'limiga ta'rif berib, yuqorida berilgan namuna bo'yicha bitta bakteriyaning nomenklaturasini tuzing? Bu mikroorganizm tabiatda tarqalishi va roli haqida ma'lumot bering?
2. Firmicutes bo'limiga ta'rif berib, yuqoridagi namuna bo'yicha bitta bakteriyaning nomenklaturasini tuzing? Bu mikroorganizm tabiatda tarqalishi va roli haqida ma'lumot bering?
3. Mollicutes bo'limiga ta'rif berib, yuqoridagi namuna bo'yicha bitta bakteriyaning nomenklaturasini tuzing? Bu mikroorganizm tabiatda tarqalishi va roli haqida ma'lumot bering?
4. Mendosicutes bo'limiga ta'rif berib, yuqoridagi namuna bo'yicha bitta bakteriyaning nomenklaturasini tuzing? Bu mikroorganizm tabiatda tarqalishi va roli haqida ma'lumot bering?

Talabalar o'z javoblarini berganlaridan keyin tengdoshlari javoblariga qo'shimcha kiritganlaridan keyin ular birgalikda tahlil qilinadi va eng to'g'ri javoblar tanlab olinib, baholanadi.

Amaliy mashg'ulotlarda yangi interfaol usullardan foydalanish samaradorligini oshirish usullari:

1. Talabalarga amaliy mashg'ulotlarda o'tiladigan barcha mavzular qaysi interfaol usulda o'tishini oldindan tushuntirish va kalendar tematik reja asosida yozdirish.
2. Talabalarga auditoriyada joylashish uchun vaqt berish.
3. Har bir amaliy mashg'ulotda mavzuga talabalarning qaysi usuldan foydalanishi qay darajada bilishlarini aniqlash.
4. Ishtirokchilar topshiriq olguncha o'zlarining guruhlariga bo'linish imkoniyatidan foydalanish.

5. Talabalarni shunday kichik guruhlarga ajratish kerakki, guruhda bir-biri bilan tanishlar kamligiga e'tibor berish.

6. Topshiriqni hech bo'lmasa bir marta takrorlash.

7. Vazifani aniq, ravshan bayon qilish, uni hamma tushunganiga ishonch hosil qilish.

8. Ishtirokchilarni topshiriq bo'yicha ishlashayotganini tekshirib borish.

Oliy ta'lim muassasalarida mashg'ulotlarni samarali tashkil etish uchun turli interfaol ta'lim metodlaridan foydalanish mumkin. Buning uchun o'qituvchida texnologik madaniyat, ya'ni ta'lim texnologiyalarini, ta'lim berishning metod, shakl va vositalaridan samarali foydalanish bo'yicha bilim, ko'nikma va malakalarga ega bo'lishi lozim.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Гусев М.Б., Минеева И.Б. Микробиология . М.: “Академия” 2008.

2. Лысак В.В. Микробиология. Минск, 2007.

3. Nizametdinova, Y.F., Po'latova O.M., Xo'jaqulov A.P. Mikrobiologiya. O'quv uslubiy qo'llanma T.:2010.

UO'K 316.752

OILADA MILLIY QADRIYATLARNI SHAKLLANTIRISHNING AYRIM JIXATLARI

O'.M. Rajapov, katta o'qituvchi, p.f.n., Termiz Davlat Universiteti, Termiz

Annotatsiya. *Maqolada aynan bugungi kunda, yosh avlodni milliylik ruhida tarbiyalash, milliy tarbiyaning ulug'vor vazifalarni anglagan holda yoshlar tarbiyasi bilan shug'ullanish barchamizning vazifamizdir deb so'z yuritilgan.*

Kalit so'zlar: *oila, farzand tarbiyasi, yosh avlod, g'amxo'rlik, e'zozlash, ma'naviyatli, milliy tarbiya*

Аннотация. *В статье говорится, что сегодня каждый из нас обязан воспитывать молодое поколение в духе национализма, заниматься воспитанием молодежи, понимая славные задачи национального образования.*

Ключевые слова: *семья, воспитание детей, молодое поколение, забота, уважение, духовность, национальное воспитание.*

Abstract. *The article says that today, it is the duty of all of us to educate the younger generation in the spirit of nationalism, to engage in the education of young people, understanding the glorious tasks of national education.*

Keywords: *Family, child rearing, young generation, care, respect, spirituality, national upbringing*

Sharqda oila, oila qurish, uning mustahkamligi, faravonligi, barqarorligini ta'minlash insonning o'z millati, ajdod – avlodlari va jamiyat oldidagi eng muqaddas burchlaridan biri hisoblanadi. Oila, er – xotin munosabatlari qadimgi qo'lyozmalarda, jumladan, buyuk mutafakkir Zardusht diniy asar sifatida bir tizimga solgan “Avesto”da ham yetarlicha o'z ifodasini to'gan bo'lib, unda barchaning oila va oilaviy munosabatlarga oid qoidalarga rioya qilishi lozimligi ta'kidlangan. Asarda er-xotinning vafo va sadoqati yuksak baholanib, ularning bir-birlariga g'amxo'r va mehribon bo'lishlariga e'tibor qaratilgan. Unda yaqin qarindoshlarning o'zaro oila qurishi man etilgan, ko'p bolali oilalarga davlat hisobidan nafaqa tayinlash lozimligi uqtirilgan. Bir nechta farzandni tarbiyalagan ayollar mukofotlanishga sazovor ekanligi ta'kidlangan. Diqqatga sazovor jihati shundaki, ayolning haq-huquqini himoya qilish o'sha davrda ham qonun darajasiga ko'tarilgan.

Forobiyning tarbiyada jamiyatning tutgan o'rni haqidagi fikrlarida bola tarbiyasiga faqatgina ota-ona emas, balki qo'ni-qo'shni, yor-birodar va mahalla ham javobgar ekanligi haqidagi sodda va ayni chog'da buyuk sharqona qarashlar asoslab berilgan. Forobiy tomonidan ilgari surilgan fikrlardan shaxs ijtimoiy munosabatlar majmuidan iborat degan pedagogik qoidaning kurtaklari qadim davrlardayoq mavjud bo'lganligini, vaziyatning o'zgarishi bu tarbiyaga ta'sir qilishi haqida qimmatli mulohazalarni bayon etishgan.

Al-Xorazmiyning “zamondan yaxshiroq ta'lim beruvchi muallimni, insondan yaxshiroq ta'lim oladigan o'quvchini ko'rmadi” deb aytgan so'zlarida uning oila muhitining bola tarbiyasiga hal qiluvchi ta'sir ko'rsatish va inson shaxsining ta'lim natijasida kamolotga erishishi uqtirilgan.

Abu Rayhon Beruniy farzand tarbiyasida tan va ruh pokligi masalasiga alohida e'tibor bergan. Uning fikricha oilada tozalik, pokizalik va tartib mavjud ekan, u yerda ma'naviy poklik ham bo'ladi. U ota-onalarga farzandini mo'tadillikda saqlashni tavsiya etadi. Bunga asosan, bolani qattiq g'azablanish, qo'rqitish, xafalik va uyqusizlikdan saqlash orqali erilishini aytib, ular istagan foydali

narsani topib berish, sevmagan narsasidan uzoqlashtirish lozimligini ta'kidlaydi. Ota-onaning bolaga turli munosabati turlicha xolatlarni keltirib chiqaradi.

Oila, bola tarbiyasi masalasi, buyuk shoir, hazrat Alisher Navoiyning adabiy me'rosida ham munosib o'rinni egallaydi. U ota-onaning yaxshi sifatlarini ulug'laydi. Bunday sifatlarini ularda jamuljam bo'lishi bola tarbiyasida muhim rol o'ynashini ko'rsatib o'tadi. Xususan, Alisher Navoiy oiladagi ayrim o'zaro kelishmovchiliklar bola tarbiyasiga salbiy ta'sir qilishini, oilaning buzilishiga olib kelishini ta'kidlaydi.

Mamlakatimiz davlat mustaqilligi tufayli xalqimizning azaliy milliy urf-odat va marosimlari qaytadan tiklana boshlandi, bu udumlar oilani mustahkamlashda muhim o'rin egallaydi. O'zbekiston Respublikasi oila masalalariga davlat siyosati darajasida bajarilishi lozim bo'lgan ustuvor vazifa sifatida qaraydi. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 63-moddasiga ko'ra, oila jamiyatning asosiy bo'g'ini hisoblanadi, u jamiyat hamda davlat tomonidan muhofazada bo'lish huquqiga ega. Onalik bolalikni muhofaza qilish bo'yicha boshqa qonuniy hujjatlar ham qabul qilinib, amaliy tadbirlar belgilangan. Jumladan, "Kam ta'minlangan oilalarni ijtimoiy himoya qilish choralari to'g'risida" 1994 yil 22-avgustda farmon chiqarilib, muhtoj oilalarga moddiy va ma'naviy yordam berishni qo'llash kengaytirildi.

Vatanimizda milliy qadriyatlarimizni e'zozlash, oilani mustahkamlanishiga e'tibor qaratish, oiladagi farzandlar tarbiyasiga, ta'lim olishiga jiddiy yondoshish masalalariga katta ahamiyat berila boshlandi. Oilani qurishda farzand ko'rish, farzandni barkamol inson qilib tarbiyalash, kelajak mevasi sifatida tarbiyalash bosh maqsad qilib qo'yiladi. Keyingi yillarda yurtimizda har qaysi yilga aniq bir nom berib, shu asosda maxsus davlat dasturlarini ishlab chiqish va amalga oshirish yaxshi an'anaga aylanib qoldi. Bugungi davr ota-onalarining o'ziga xos ijobiy fazilatlar ham salbiy jihatlari ham mavjudki, bu albatta oiladagi farzand tarbiyasiga o'z ta'sirini ko'rsatmay qo'ymaydi. "Ota-ona – qirg'oq, bola ko'prik", degan hikmat bor xalqimizda. Farzandni barkamol shaxs qilib tarbiyalashda ota-onaning o'rni beqiyosdir. Azaliy udumga binoan, farzand tarbiyasida ota-onadan ham, bobo, momo, qo'ni-qo'shni va qarindoshlarning ta'siri kuchliroq bo'ladi. Ular oiladagi ma'naviy muhitning muhim omili hisoblanadi. Bunday ma'naviy tarbiya an'anasi buyuk ajdodlarimiz tarixida o'ziga xos o'rin tutgan. Oilada farzand tarbiyasiga to'xtalib, Abdurauf Fitrat shunday degan edi: "Har bir oilaning saodati va izzati, albatta shu xalqni ichki intizomi va totuvligiga bog'liq. Tinchlik va totuvlik esa shu millat oilalarining intizomiga tayanadi, mamlakat va millat ham shuncha kuchli, tartibli bo'ladi".

Hozirgi davrda ba'zi mamlakatlarda odamlar oila qurishni oddiy holatdek tasavvur etmoqdalar. Yoshlar hayotga yengil-elpi qarab, ba'zan ota-ona bilan maslahatlashmay oila qurib, bir oz vaqtdan keyin ajrashib ketmoqdalar. Buning sababi, oilaviy munosabatlarga asos bo'lgan ma'naviy omillarning zaifligidir. Natijada, jamiyatda bir qancha oilalarning buzilib ketishi, tirik yetimlarning ko'payishi hamda go'daklar ota-onaning mehridan judo bo'lishiga olib kelmoqda. Bu nimaga olib keladi? Albatta, ota-onasiz qolib, mehribonlik uylarida tarbiyalanayotgan yetimlar soni ko'payishi va shu davr hamda kelajak avlodlar uchun ma'naviy inqirozni kuchayishiga olib keladi.

Xalq ma'naviy boyligi yangi davr, zamon bilan bog'langan holda, ma'naviyatning yangi qirralarini hayotimizga kiritib kelmoqda. Vatanni taraqqiy etishi uchun mehnatini ayamalikda, millatga tegishli ma'naviy boyliklarni tiklash, boyitish, ko'z qorachig'idek asrash kabi muhim tomonlarda aks etib kelmoqda. Bularning barchasi yosh avlodning ma'naviy barkamollik ruhida tarbiyalanishiga muhim omil bo'ladi va kelajak avlodga mas'uliyat yuklaydi. Bu ma'naviy ehtiyojlarni shakllantirish va qondirishda insonlarda oila va jamiyat oldida juda katta talablarni bajarishni taqozo etadi.

Xulosa sifatida shuni aytish mumkinki, milliy tarbiya barcha davrlarda muhim ahamiyat kasb etgan, barkamollik omili bo'lib xizmat qilgan. Aynan bugungi kunda, yosh avlodni milliylik ruhida tarbiyalash, milliy tarbiyaning ulug'vor vazifalarni anglagan holda, yoshlar tarbiyasi bilan shug'ullanish barchamizning vazifamizdir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. Toshkent. "O'zbekiston" nashriyot-matbaa ijodiy uyi. 2014-yil.
2. Abdulla Avloniy. "Turkiy guliston yoxud axloq" –T.: "O'qituvchi", 1996-yil.
3. Abu Nasr Farobiy. "Fozil odamlar shahri" –T.: "Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi", 1993-yil.

ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYA TUSHUNCHASI HAQIDA

Z.R. Safarova, o'qituvchi, Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash instituti Buxoro filiali, Buxoro

Annotatsiya. Mazkur maqolada ta'lim sohasida qo'llaniladigan zamonaviy pedagogik texnologiyalarning umumiy mohiyati tahlil etilgan.

Kalit so'zlar: ta'lim jarayoni, zamonaviy pedtexnologiya, zamonaviy pedagogik texnologiyalarga asoslangan ta'limni tashkil etish

Аннотация. В данной статье анализируется общая природа современных педагогических технологий, используемых в образовании.

Ключевые слова: учебный процесс, современные педагогические технологии, организация обучения на основе современных педагогических технологий

Abstract. This article analyzes the general nature of modern pedagogical technologies used in education.

Key words: the organization of education based on the educational process, modern pedagogical technologies and modern pedagogical technologies

Pedagogik texnologiya nima? Nega bu qo'shma so'zga keyingi yillarda «yangi», «ilg'or», «zamonaviy» so'zlarini va «-lar» ko'plik qo'shimchasini qo'shib «yangi pedagogik texnologiyalar», «ilg'or pedagogik texnologiyalar», «zamonaviy pedagogik texnologiyalar» deb atayapmiz? Bu kabi savollarga javob bermoq uchun, avvalo, «texnologiya» so'zining mohiyat-mazmunini aniqlab olish lozim. Manbalarda keltirilishicha, «texnologiya» atamasi yunoncha so'z bo'lib, uning tarkibi ikki so'zning qo'shilishidan tuzilgan. Ya'ni «**texnos**»–**san'at, mahorat, «logos**»–**fan, ilm** so'zlaridan olingan bo'lib, mantiqan «mahorat fani» yoki «mahorat ilmi» ma'nolarini ifodalaydi. «O'zbek tilining izohli lug'ati»da esa «texnologiya» atamasi «*ishlab chiqarish proseslari, usul va vositalari haqidagi bilimlar majmuyi*» sifatida talqin etilgan [2].

«Pedagogika» fanida esa «pedagogik texnologiya» atamasi «ta'lim-tarbiya qoidalari, usullari shakl va vositalari haqidagi bilimlar majmuyi» sifatida izohlanadi. Zero, pedagogika bolaga ta'lim-tarbiya berish yo'l va usullarini o'rgatish haqidagi fandır. Demak, pedagogik texnologiya–ta'lim-tarbiya jarayonining qoidalari, usullari, shakllari, vositalarining mukammalligini anglatuvchi bilimlar yig'indisi yoki san'atdir. Chunki har bir o'qituvchi o'qitish va tarbiyalashning qoida, shakl, usul, vositalarini mukammal, san'at darajasida bilsa, shunga qarab o'quv-tarbiya jarayonini tashkil eta olsa, o'zi ta'lim berayotgan o'quv predmeti yoki fani doirasida ko'zlangan maqsadga erishadi.

Shunday qilib, «zamonaviy pedagogik texnologiya» bilimli bo'lishni, iste'dodni rag'batlantirishni nazarda tutgan, o'quv-tarbiya jarayonini san'at, mahorat darajasiga ko'tarishga imkon yaratadigan, ta'lim sohasidagi barcha islohotlarning harakatlantiruvchi kuchidir [4].

Milliy istiqloq tufayli jahonga yuz tutgan mamlakatimizda jahon andozalariga mos, raqobatbardosh yetuk mutaxassis kadrlarga bo'lgan ehtiyoj kundan kunga kuchayib borayotganligi hech birimizga sir emas. Zero, O'zbekistonimizda barkamol shaxs va yetuk mutaxassislarni shakllantirish davlat siyosati darajasiga ko'tarilgan. Demak, har qadamda ilg'or pedagogik texnologiyalarga ehtiyoj sezmoqdamiz. Vaholanki, ertangi kun mutaxassisi bugungi kun maktab partasida o'tirgan yoshlardir. An'anaviy o'qitish maktabiga tayangan ta'lim muassasasi, hozirgi zamon ishlab chiqarish va boshqa sohalarning aniq talablariga javob beradigan mutaxassislarni tayyorlashga qodir emas. Shuning uchun o'quv jarayonini takomillashtirish, o'quvchilar qiziqishini oshirish, o'qitish natijalarini yaxshilashning eng samarali yo'llarini izlash ishlari uzluksiz davom ettirilmoqda. O'qitish sifatini oshirish obyektiv zaruratga aylanganligi tufayli an'anaviy o'qitish usullaridan ilg'or pedagogik texnologiyalarga o'tish muammosining dolzarbligini ortib bormoqda.

Xalqaro tashkilot YUNESKOning ta'rifiga ko'ra, «zamonaviy pedagogik texnologiya–ta'lim shakllarini optimallashtirish maqsadida texnik vositalar, inson salohiyati hamda ularning o'zaro ta'sirini inobatga olib o'qitish va bilish, o'zlashtirishning barcha jarayonlarini aniqlash, yaratish va qo'llashning tizimli metodlaridir». Demak, pedagogik texnologiyada belgilangan dastlabki maqsad va mazmun asosida o'quv jarayoni rejalashtiriladi, uni amalga oshirish loyihalari ishlab chiqiladi, natija kafolatlanadi (Pedagogik texnologiyani ta'lim-tarbiya jarayoniga tatbiq etish g'oyasini birinchi bo'lib rus didakt-olimi V.P.Bespalko amalga oshirdi).

Zamonaviy pedagogik texnologiya izchil va ketma-ket amaliy faoliyatga, ta'lim-tarbiya jarayoniga avvaldan rejalashtirilgan maqsadni amalga oshirishga hamda ma'lum loyihani pedagogik

tizim amaliyotida qo'llashdir. Zero, u ommaviy ta'lim sharoitida davlat ta'lim standartlari talablari darajasida kadrlar tayyorlashni ta'minlaydi.

Zamonaviy pedagogik texnologiyalarga asoslangan ta'limni tashkil etish ta'lim beruvchiga, avvalo, uchta malakaviy talabni qo'yadi:

1. *Kasbiy tayyorgarlik (o'z fanini chuqur bilish, kasbiy eruditsiya);*
2. *Zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan xabardor bo'lish;*
3. *Pedagogik va innovatsion texnologiyalarni amaliyotga tatbiq eta olish.*

Zamonaviy ta'limni tashkil etishga qo'yiladigan muhim talablardan biri ortiqcha ruhiy va jismoniy kuch sarf etmay, qisqa vaqt ichida yuksak natijalarga erishishdir. Qisqa vaqt orasida muayyan nazariy bilimlarni o'quvchilarga yetkazib berish, ularda ma'lum faoliyat yuzasidan ko'nikma va malakalarni hosil qilish, shuningdek, o'quvchilar faoliyatini nazorat qilish, ular tomonidan egallangan bilim, ko'nikma hamda malakalar darajasini baholash o'qituvchidan yuksak pedagogik mahorat hamda ta'lim jarayoniga nisbatan yangicha yondashuvni talab etadi [1].

Zamonaviy pedagogik texnologiya o'z mohiyatiga ko'ra subyektiv xususiyatga ega, ya'ni, har bir pedagog ta'lim va tarbiya jarayonini o'z imkoniyati, kasbiy mahoratidan kelib chiqqan holda ijodiy tashkil etishi lozim. Qanday shakl, metod va vositalar yordamida tashkil etilishidan qat'i nazar pedagogik texnologiyalar:

- 1) pedagogik faoliyat (ta'lim-tarbiya jarayonining) samaradorligini oshirishi;
- 2) o'qituvchi va o'quvchilar o'rtasida o'zaro hamkorlikni qaror toptirishi;
- 3) o'quvchilar tomonidan o'quv predmetlari bo'yicha puxta bilimlarning egallanishini ta'minlashi;
- 4) o'quvchilarda mustaqil, erkin va ijodiy fikrlash ko'nikmalarini shakllantirishi;
- 5) o'quvchilarning o'z imkoniyatlarini ro'yobga chiqara olishlari uchun zarur shart-sharoitlarni yaratishi;
- 6) pedagogik jarayonda demokratik va insonparvarlik g'oyalarning ustuvorligiga erishishni kafolatlashi zarur.

Rivojlangan mamlakatlarning uzoq yillardan beri sinovdan o'tgan ilmiy-pedagogik tajribasi, mamlakatimizda ilmiy-metodik izlanishlar olib borgan va borayotgan pedagog-olimlarning ilmiy-metodik xulosalarida ko'rsatilishicha, zamonaviy ta'lim mazmuni, metodlari va vositalarini o'z ichiga qamrab olgan ilg'or pedagogik texnologiyalar har bir o'quv predmeti ta'limi oldiga jamiyat tomonidan belgilab qo'yilgan maqsadga erishishni kafolatlaydi [3].

Pedagogik texnologiya – ta'lim-tarbiya jarayonining ilmiy-usuliy asoslangan va tizimga solingan faol vosita va usullar majmuyi. Bunda shakl, vosita, usul va mazmun uyg'unligi asosida maqsad, vazifa va pedagogik faoliyat natijalarining yaxlitligi nazarda tutiladi.

Pedagogik texnologiyalar shu soha bilimdonlari tomonidan **umumpedagogik, xususiy** (o'quv fanlari bo'yicha) va **kichik texnologiyalar**dan iborat uchta darajaga ajratiladi.

Umumpedagogik texnologiya turli darajadagi tizimlarni ifodalaydi. U ayrim hududdagi, tumandagi, ta'lim muassasasidagi yoki ta'limning ayrim pog'onasidagi barcha ta'lim-tarbiya jarayoniga tegishli bo'ladi. Umumpedagogik texnologiya o'z hududi yoki ta'lim muassasasidagi ta'lim-tarbiyaviy maqsadlar, mazmun, vositalar, o'quv-tarbiya jarayoni ishtirokchilari faoliyatining algoritmlarini belgilaydi.

Umumpedagogik texnologiyalarning yo'nalishlari quyidagilar:

- O'quvchi faoliyatini faollashtirish va jadallashtirish asosidagi pedagogik texnologiyalar.
- O'quv jarayonini samarali boshqarish va tashkil qilish asosidagi pedagogik texnologiyalar.
- Rivojlantiruvchi ta'lim texnologiyalari.
- Tabiatga muvofiqlashtirilgan pedagogik texnologiyalar.
- O'quv materialini didaktik jihatdan takomillashtirish va qayta ishlab chiqish asosidagi pedagogik texnologiyalar.
- Pedagogik jarayonni takomillashtirish, uni o'quvchi shaxsiga yo'naltirishga asoslangan pedagogik texnologiyalar.

Xususiy texnologiya ta'lim-tarbiya mazmunining ayrim yo'nalishlarini amalga oshirish usullari va vositalari majmuasini o'z ichiga oluvchi pedagogik tizimlarni qamrab oladi. Bunga ayrim fanlarni o'qitish texnologiyalari, rahbarning, o'qituvchining, tarbiyachining va o'quvchining ishlash texnologiyalari kiradi. Bular–

Empirik – sezgi a'zolari orqali bilim olish. Bu texnologiyada asosiy e'tibor sezgi a'zolarining tabiiy rivojlanganlik imkoniyatlariga tayangan holda bilim berish va ularni yanada takomillashtirib borishga qaratilgan.

Kognitiv – atrofdagi olam to'g'risidagi bilimlar doirasini kengaytirish texnologiyasi. Tabaqalashtiruvchi (bilim o'rganishda tarkibiy qismlarga ajratish) tafakkurni shakllantiradi, bilish ehtiyojlarini rivojlantiradi.

Evristik – yo'naltiruvchi savollar berish yo'li bilan ta'lim berish tizimi. Topqirlik, faollikni rivojlantirishga xizmat qiluvchi, o'quv-izlanish ta'lim metodi. Optimallashtirgan (ko'p variantlardan eng ma'qulini, mosini, muvofiq'ini tanlash) tafakkurni rivojlantiradi.

Kreativ – tadqiqot xarakteriga, xususiyatiga ega bo'lib, o'quvchilarda maqsadga yo'naltirilgan ijodiy tafakkurni jadal rivojlantiradi.

Inversion–axborotlarni turli tomondan o'rganish, o'rnini almashtirish xususiyatiga ega bo'lib, tafakkur (fikrlash) tizimini shakllantiradi.

Integrativ – axborotlarni tashkil qiluvchi cheksiz ko'p kichik qismlarning o'zaro ajralmas bog'liqligi ularning yaxlitligi, bir butunligi asosida yagona to'g'ri xulosani aniqlash.

Adaptiv – axborotlarni va ulardan foydalanish jarayonini o'rganish hamda o'rganish uchun qulaylashtirish, moslashtirish asosida kutilgan natijaga erishish.

Inklyuziv – o'qituvchi bilan o'quvchining o'zaro munosabatlarida tenglik asosida ta'lim-tarbiya jarayonini tashkil etish.

Kichik texnologiyalar o'quv-tarbiya jarayonining alohida qismlarini o'z ichiga oladi. U ayrim didaktik va tarbiyaviy masalalarni hal qilish bilan shug'ullanadi. Bularga darslar texnologiyasi, tushunchalarni, ayrim faoliyat turlari va alohida shaxsiy sifatlarni tarbiyalash texnologiyalari, o'quv materiallarni takrorlash, o'zlashtirishni va tarbiyalanganlikni nazorat qilish texnologiyalarini hamda ayrim tadbirlarni tashkil qilish va amalga oshirish texnologiyalari kiradi.

Ta'limda innovatsiya yangi texnika va texnologiya, pedagogik jarayon va boshqaruvni tashkil etishning yangi shakllariga o'tish orqali erishilgan natijani namoyon etadi.

Zamonaviy o'qituvchi ta'lim-tarbiya jarayonida innovatsion usullardan foydalana bilishi va amalga oshira olishi lozim. Innovatsion texnologiyalar jarayonida **o'qituvchiga qo'yiladigan talablar** quyidagilar:

- innovatsion texnologiya tushunchasini, uning mazmun-mohiyatini bilishi;
- innovatsion texnologiyalarning ta'lim maqsadini amalga oshirishdagi o'rni va rolini bilishi;
- innovatsion texnologiyalarni fanlar bo'yicha qo'llash prinsip(tamoyil)larini bilishi;
- ta'limiy va ishchanlik o'yinlarini bilishi;
- muammoli rivojlantiruvchi ta'lim metodlarini bilishi;
- o'quvchilarning mustaqil faoliyatlarini tashkil qilish va ta'minlash yo'llarini bilishi;
- o'quvchilarning o'z ustida mustaqil ishlash mahoratini oshirish usullarini egallashi;
- ko'rgazmali o'qitish usullarini bilishi va egallashi;
- ilg'or pedagogik texnologiyalarni qo'llab, namunaviy imitatsiya o'quv mashg'ulotlarini o'tishi;
- ta'lim-tarbiyaning faollashtiruvchi usullarini bilishi va egallashi kerak.

Innovatsion texnologiyalarni amalga oshirishda asosan interfaol metodlardan to'liq foydalaniladi. Ta'limda interfaol metod – o'quvchi bilan o'qituvchi o'rtasida ta'limni o'zlashtirish munosabatlarini kuchaytirish, faollashtirish demakdir. Mazkur metodlar hamkorlikda ishlash vositasida dars samaradorligini oshirishga yordam beradi. Ular o'quvchilarni mustaqil fikrlashga undaydi. Hozirgi kunda ilg'or pedagogik texnologiya elementi bo'lgan interfaol usullardan keng foydalanilmoqda. Interfaol berilgan mavzuni o'qituvchi va o'quvchilar orasida o'zaro hamkorlik asosida dars samaradorligini oshirish, mustaqil fikr berish ko'nikmasini shakllantirish, fikr-mulohaza, bahs orqali o'rganish demakdir.

Har bir o'quvchi qo'yilgan maqsadga mustaqil o'zi faol ishtirok etgan holda yakka, juftlikda, guruhlarda javob topishga harakat qiladi, fikrlaydi, yozadi, so'zga chiqadi, dalil va asoslar orqali masalani yoritib berishga harakat qiladi. Bu esa qatnashchilarning xotirasida uzoq saqlanadi. Yangi axborotni o'zlashtirishda tanqidiy, tahliliy yondasha oladi. O'qituvchi faqat fasilitator (yo'l-yo'riq ko'rsatuvchi, tashkil qiluvchi, kuzatuvchi) vazifasini bajaradi.

Interfaol (interaktiv) metod – ta'lim jarayonida o'quvchilar hamda o'qituvchi o'rtasidagi faollikni oshirish orqali o'quvchilarning bilimlarni o'zlashtirishini faollashtirish, shaxsiy sifatlarini rivojlantirish metodidir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Баркамол авлод орзуси. – Т.: Шарк, 1999.–132 б.
2. Бабанский Ю.К. Хозирги замон умумий таълим мактабида ўқитиш методлари. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – 277 б.
3. Yo'ldosheva D.N. Ona tili ta'limi maqsadining tadrijiy taraqqiyoti. – Toshkent: O'zbekiston Milliy ensiklopediyasi, 2019. – 168 b.

4. Yo'ldosheva D., Hamroyeva Sh. Ona tili ta'limida zamonaviy pedagogik texnologiyalar. – Toshkent: Turon zamin ziyo, 2017.–225 b.

УДК 371

СОВРЕМЕННЫЕ ПРЕДСТАВЛЕНИЯ О РАЗВИТИИ И АНАТОМИИ ГОРТАНИ ЧЕЛОВЕКА НА ЭТАПАХ ОНТОГЕНЕЗА

К.В. Каримова, преподаватель, Термезский государственный университет, Термез

Annotatsiya. *Maqola bola tovushini ontogenezda rivojlantirish kabi dolzarb muammoga bag'ishlangan. Psixologiya, vokal qo'shiqlari san'ati va shu bilan birga bolalar va o'spirinlarda noto'g'ri qo'shiq aytish texnikasi bilan qo'shiq aytishda vokal funksiyasining buzilishlarini o'rganadigan butun dunyo olimlarining tadqiqotlari keltirilgan.*

Tayanch so'zlar: *ovoz, bolalarning ovozi, og'iz bo'shlig'i, ontogenez, ovozning rivojlanishi, ovoznining buzilishi, ovoz funksiyasining buzilishi, afoniya, disfoniya*

Аннотация. *Статья посвящена актуальной проблеме развития детского голоса в онтогенезе. Приводятся исследования учёных всего мира, изучающих психологию, искусство вокального пения и связанные с этим расстройства голосовой функции у поющих детей и подростков при неправильной технике пения.*

Ключевые слова: *голос, детский голос, гортань, онтогенез, развитие голоса, деформированное пение, расстройства голосовой функции, афония, дисфония*

Abstract. *The article is devoted to the urgent problem of the development of children's voices in ontogenesis. Studies of scientists from all over the world studying psychology and the art of vocal singing and the related disorders of voice function in singing children and adolescents with improper singing techniques are presented.*

Key words: *voice, children's voice, larynx, ontogenesis, voice development, deforming singing, voice function disorders, aphonia, dysphonia*

Эстетическое воспитание включает в себя музыкальное и вокальное воспитание, способствующее гармоническому развитию человека, которое на протяжении многих веков являлось актуальным и теоретически и практически значимой задачей. Искусство, а в частности музыкальное, совершенствует и развивает чувства, влияет на духовный мир в целом. Изучение методов развития и обучение искусству вокального пения - является одной из актуальных задач современного музыкального искусства. В этом отношении немаловажный интерес представляет исследование вокального пения. Проблема совершенствования теории и методов обучения постоянно находится в центре внимания педагогов-практиков и исследователей. Важность и значение её решения на современном этапе подчёркиваются и в целом ряде документов, особенно со школьной реформой.

Важнейшей задачей в направлениях реформы общеобразовательной и профессиональной школы является улучшение художественного и эстетического воспитания учащихся. Нахождение новых путей эстетического воспитания детей средствами музыки, приобщения их к музыкальному искусству через пение. Особое значение мы придаём особенностям формирования детского голоса, который рассматривается как базовый компонент для дальнейшего успешного развития личности ребёнка. Поэтому занимающийся этим специалист должен знать возрастные анатомо-физиологические особенности гортани, органов дыхания и т.д. Процесс формирования голоса и конечно определение стадии развития голосового аппарата. Обучение пению – это не только обучение данному виду искусства. В процессе занятий активно развивается детский голос, а также решаются воспитательные задачи. Исследования, проведённые за последнее время, доказали, что пение оказывает благотворное влияние на организм ребёнка. Проведённые в Америке исследования доказывают, что правильное пение действует на организм ребёнка нормализующе: стабилизирует деятельность лёгких, укрепляет сердечную мышцу, усиливает кровоток во всём организме. Швейцарские исследователи считают, что дети, занимающиеся музыкой и пением, лучше мотивированы: пение даёт им ощущение счастья. Однако надо отметить, что не всякое пение способствует развитию детских голосов. По данным фонологов В.Г.Ермолаева, Н.Ф.Лебедевой, Е.И.Алмазова и др., неправильный режим голосообразования, как и нарушение гигиенических форм в пении, приводит нередко к серьёзным заболеваниям и порче детских голосов. Гортань человека в процессе онтогенеза

развивается в физиологическом отношении под мощным нейроэндокринным влиянием, а как инструмент речи - под воздействием социальных и бытовых факторов [2, с.14].




Рис.1.Строение гортани

Специалисты-психологи по перинатальному, то есть дородовому воспитанию детей утверждают, что:

- находясь в утробе матери дети хорошо слышат;
- они узнают голоса родителей и реагируют на них вспышкой радости;
- отличают интонацию нервную и встревоженную, у них учащается сердцебиение, при спокойной и размеренной – приходит в норму;
- реагируют на музыку.

Тревожная музыка – и на личике не родившегося ребёнка появляется напряжение; спокойная вызывает умиротворение, а весёлая – оживление.

Благодаря включению в свою акустическую «партию» традиционных жанров поэзии пестования и других песен мать или бабушка знакомят малыша с интонациями, которые затем переходят в его монологи, игровые и бытовые. В младенческом возрасте дитя предпочитает эмоционально окрашенную речь матери и отца либо их пение нейтральной речи, стараясь даже сосать в ритм материнской песни. Ребёнку доставляет удовольствие, когда рядом находящийся взрослый значимый для него, на особом детском языке общается с ним в диалогических фрагментах младенческих вокализаций. Многочисленные исследования учёных всего мира, изучающих психологию, подтверждают, что психологические основы обучения закладываются с рождения и закрепляются уже к трёхлетнему возрасту. Отсюда вывод: не упускать время от самого рождения и развивать музыкальные способности, не забывая об общем развитии ребёнка. Музыка, игра, пение создают положительные эмоции. А положительные эмоции – это внутреннее благополучие малыша, его душевное и физическое здоровье. Голосовая функция начинается у человека с момента рождения - первого крика ребёнка. Физиологами Н.И.Красногорским, А.Г.Ивановым-Смоленским, [3, с. 239] установлено, что первый крик ребёнка строится на непрерывном звучании гласной. При этом в работу вовлекаются не только голосовые складки, но и резонаторы и дыхание. Л.И.Белякова, Е.А.Дьякова [1, с.62-65], констатируют, что крик здорового ребёнка характеризуется звонким и продолжительным голосом, коротким вдохом и удлинённым выдохом. Крик здорового ребёнка-громкий, чистый, с коротким вдохом и удлинённым выдохом. У детей с нарушениями центральной нервной системой крик может быть или слишком громким и пронзительным, или, наоборот, тихим, в виде всхлипывания. Детский и подростковый возраст характеризуется вегетативной лабильностью и понижением устойчивости нервной системы к неблагоприятным воздействиям. Неправильное использование ещё несформировавшегося голосового аппарата, особенно вовремя или после простудных заболеваний, может привести к значительным функциональным и органическим нарушениям голоса, среди которых наиболее часто встречаются дисфонии мутационного периода, при узелках голосовых складок, хронических ларингитах, гипотонусные расстройства. Нарушения голоса могут появиться и у поющих детей при неправильной технике пения. В детском хоре следует совершенно исключить форсированное пение. Детскому голосу вообще противопоказано громкое пение даже в среднем и старшем возрасте. Петь следует с предельной осторожностью. Когда ребенок заставляет себя громко петь и непрерывно форсирует звук, он может просто потерять голос. Петь надо не напрягаясь, с максимальной естественностью – только при соблюдении этого условия создаются предпосылки для успешного развития вокальных данных. Петь слишком высоко

или слишком низко тоже нежелательно, потому что голос может утратить свою звонкость и силу. Только регулярное пение в удобном диапазоне помогает развить голос.

Таким образом, для предотвращения нарушения голосовой функции детей необходимо со школьного возраста строго соблюдать вышеуказанные основные правила гигиены. Лёгкость, полётность, нежность и своеобразная звонкость - вот признаки, присущие голосам детей школьного возраста, придающие им прелесть и особый колорит звучания.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Бекбулатов Г.Т. Лечение узелков голосовых связок речевой постановкой голоса//Журнал ушных, носовых и горловых болезней. 1973.- №3. С.62-65].
2. Грачёва М.С. Гортань человека // Детский голос/ Под редакцией В.Н.Шацкой. М., 1970. С.14.
3. Жукова Н.С., Мастюкова Е.М., Филичёва Т.Б. Преодоление общего недоразвития речи у дошкольников. М.; Просвещение, 1990. С.239.
4. www.yandex.ru

**KOMPYUTER LINGVISTIKASIDA MATNNI AVTOMATIK QAYTA ISHLASH
MODELLARINI YARATISH***M.K. Djurayev, katta o'qituvchi, Termiz davlat universiteti, Termiz*

Annotatsiya. Maqolada kompyuter lingvistikasining asosiy vazifalari, matnni avtomatik qayta ishlash modellarini yaratish, algoritmlar, dasturlar tarkibini shakllantirish masalalari o'rganilgan.

Kalit so'zlar: kompyuter lingvistikasi, matnni avtomatik qayta ishlash, modellarni qurish, algoritmlar va dasturlar sifatini shakllantirish, nutqni bilish, sintez qilish, tahlil qilish, matnlarni yaratish.

Аннотация. В статье исследуются основные задачи компьютерной лингвистики, создание моделей автоматической обработки текстов, формирование алгоритмов, структура программ.

Ключевые слова: компьютерная лингвистика, автоматическая обработка текста, построение моделей, формирование качества алгоритмов и программ, знание речи, синтезирование, анализ, создание текстов

Abstract. The article examines the main tasks of computer linguistics, the creation of models of automatic word processing, the formation of algorithms, the structure of programs.

Keywords: computer linguistics, automatic text processing, building models, shaping the quality of algorithms and programs, knowing speech, synthesizing, analyzing, creating texts

Matnli ma'lumotlarni avtomatik qayta ishlash uchun ko'plab kompyuter texnologiyalaridan foydalanishga to'g'ri kelgan, xususan birinchi kompyuterlar paydo bo'lgandan so'ng darhol bu ishlar boshlab yuborilgan. Bugungi kunga kelib, matnni qayta ishlash uchun axborot texnologiyalarini qo'llashning bir qator istiqbolli yo'nalishlari ishlab chiqilgan - klassik matn muharrirlaridan tortib to mashinasozlik tizimlarigacha.

Matematik, mashina yoki kompyuter lingvistikasi deb ham ataladigan kompyuter lingvistikasi nisbatan yangi takomillashgan dastur hisoblanadi. Tabiiy tillar bilan ishlash uchun mashinalardan foydalanish, keyinchalik sun'iy intellektdan foydalanish tizimlari shakllantirildi. Bu dastur informatika, matematika, sun'iy intellekt va tilshunoslik fanlari asosida paydo bo'ldi. Xususan, ushbu yo'nalishni rivojlantirish umumiy tilshunoslikka asoslanadi [2].

Tabiiy tilni qayta ishlashning an'anaviy usullarini kompyuter lingvistikasidan farqi shundaki, birinchisi tilshunoslik o'rganadigan barcha jarayonlarni modellashtirishga, ikkinchisi tabiiy tillarni tavsiflay oladigan matematik modellarni yaratishga qaratilgan [3]. Kompyuter lingvistikasining asosiy vazifasi matnni avtomatik qayta ishlash uchun tizim modellari va ularga tegishli algoritmlar va dasturlar sifatida shakllantirishni amalga oshirishdan iborat.

Masalan, tilshunoslikda kompyuterlardan foydalanishning eng aniq usuli bu bizning davrimizda har kuni ko'plab odamlar tomonidan ishlatiladigan mashina tarjimasidir.

Kompyuter tarjimasini badiiy matnlar uchun mos emas, chunki badiiy nutq uslubining xususiyatlari turli xil tillar orasida juda katta farq qilishi mumkin.

Shuningdek, avtomatlashtirilgan tarjima ham mavjud, u kompyuterning tarjimasidan farq qiladi, chunki uning o'zi tarjima qiladi, dastur esa unga yordam beradi, tarjimaga sarf qilinadigan vaqtni qisqartiradi va tarjima qilingan matnning sifatini yaxshilaydi.

Masalan, statistik mashina tarjimasini dasturi ikki xil tilda yozilgan bo'ladi, ammo bir xil ma'noni anglatadigan juda ko'p juft jumalarni taqqoslaydi. Bunday dasturlar o'rganish qobiliyatiga ega. Masalan, Google tomonidan yaratilgan tarjimon dastur.

Ammo kompyuterlardan nafaqat matnni tarjima qilish, balki uni qayta ishlash uchun ham foydalanish mumkin. Nutqni bilish va sintez qilish, tahlil qilish va matnlarni yaratish - bu yo'nalishning asosiy vazifalaridir. "Tushunish" so'zining juda aniq tushunchasi sun'iy intellektning asosiy vazifalaridan biridir. Lingvistik noaniqlik - bu tabiiy tillarni qayta ishlashning asosiy muammosi va ularning yechimi tarjima orqali ichki tuzilishiga tabiiy tillarning tashqi vakili sifatida faoliyat ko'rsatishiga olib keladi.

Shu yerda bir narsaga e'tibor qaratish lozim bo'ladi, ya'ni matn avlodini esga olishimizga to'g'ri keladi. Matn yaratuvchilarining o'zlariga e'tibor qaratish kerak, matnni yaratish (yaratishi) mumkin bo'lgan dasturlar, odatda til normalarini qo'llash nuqtai nazaridan to'g'ri, ammo umumiy

ravishda hech qanday ma'no yo'q. Tasodifiy tanlangan so'zlardan matn yaratishda biz past sifatli natijaga erishamiz, shuning uchun matnlar oldindan yozilgan shablonli iboralar yordamida yaratiladi. Ammo bizning davrimizda, bepul foydalanish uchun kompyuter texnologiyalarining rivojlanish darajasi bilan, mantiqiy matnlarni yaratishga qodir generatorlar yo'q.

Bu shablonli iboralarni yoki oddiy ma'nosiz so'zlar to'plamidan foydalanishga asoslangan generatorlar juda tor doiraga ega. Matn generatorlaridan saytlarni qidirish va optimallashtirish uchun foydalanish mumkin. Sifatli tahlil qilingan jurnallarni aniqlash uchun matn generatorlari muvaffaqiyatli ishlatilgan holatlar mavjud.

Hududlarni doimiy ravishda kengaytirish turli xil ma'lumotlar bilan ishlash-da kompyuterlardan foydalanish odam va mashina o'rtasida og'zaki muloqotga bo'lgan ehtiyojning kuchayishiga olib keladi, bu esa nutqni avtomatik aniqlashda, masalan, karnayni aniqlash, nutqni aniqlash va nutq sintezi kabi turli xil muammolarni hal qilishni talab qiladi. Amaliyotda inson va mashina og'zaki aloqasidan foydalanish istiqbollari juda keng. Shuni ta'kidlash kerakki, bir kishi o'rtacha fonetik alifbodan sekundiga o'nga yaqin tovushni takrorlaydi va sezadi, 60 ta tovushni oladi va klaviaturadan kiritishda sekundiga beshta urish, ya'ni talaffuzdan ikki baravar kam bo'ladi.

Biror kishi va mashina o'rtasida og'zaki aloqa tizimini yaratish uchun fonetika, tilshunoslik, kompyuter muhandisligi, kompyuter tizimlari nazariyasi, signallarni qayta ishlash, tizimni modellashtirish va axborot nazariyasi bo'yicha ma'lum darajadagi bilim talab etiladi.

Nutqni aniqlash tizimi eshitish va inson nutq organlarining modeliga asoslanadi. Shu bilan birga, nutq sintezatori nutqni shakllantirish jarayoni asosida modellashtirilgan va og'zaki nutqni to'g'ridan-to'g'ri matndan sintez qilishga qodir [10].

Ko'pgina odamlar, shu jumladan tilshunoslarning o'zlari foydalanadigan kompyuter lingvistikasining yana bir yutug'i bu elektron lug'atlar va onlayn lug'atlar hisoblanadi. Bunday lug'atlarda siz qidirish satrini to'ldirish orqali kerakli so'zlarni tezda topishingiz mumkin bo'ladi [5, 6, 7].

Hozirgi kunda deyarli har birimiz Internetdan shuningdek har xil qidiruv tizimlaridan (Yandex, Google va boshqalar) har qanday turdagi narsalarni topish uchun foydalanamiz. Bunday qidirish jarayoni ma'lumot olish deb ataladi. Dastlab bunday tizimlardan faqat ma'lumot olish uchun yanada qulayroq bo'lish maqsadida turli oliy o'quv yurtlari va kutubxonalarida foydalanilgan. Ammo Internet paydo bo'lganda, ma'lumot olish juda keng tarqaldi. Qidiruv jarayoni - bu ma'lumotlarni to'plash, qayta ishlash va taqdim etish bilan bog'liq operatsiyalarning ma'lum bir ketma-ketligi. Qidiruv tizimi bir nechta turlarga bo'linadi:

- ✓ to'liq matnli qidiruv (matn bo'ylab);
- ✓ metadata bo'yicha qidiruv (hujjat nomi, muallif, yaratilish sanasi, hajmi bo'yicha);
- ✓ rasm qidirish (rasm tarkibiga ko'ra).

Axborotni izlashning bir necha modellari mavjud, masalan, kutubxonashunoslik, semiotika, tilshunoslik, axborot dizayni, informatika va kognitiv psixologiyadan iborat bo'lgan fanlararo sohalaridir. Ushbu sohaning asosiy maqsadi foydalanuvchini axborotga bo'lgan ehtiyojini qoniqtirishga yordam berishdir.

Kompyuter lingvistikasining rivojlanishi robot tizimlarining yaratilishiga asos hisoblanadi. Aqlli robot tizimi modellari bu turli analizatorlardan foydalangan holda ob'ektlarni va ularning holatini taniydigan va odamlar bilan aloqa qilish asosida keyingi harakatlarni aniqlashtiradi. Ushbu tizimlarda muammoli muhit modellarini tavsiflashga lingvistik yondashuv ishlab chiqilgan. Bunday model semantik tizimning bir turi sifatida ko'rib chiqiladi, unda sintaktik munosabatlarga qo'shimcha ravishda, semantik munosabatlar, ya'ni maqsadga erishish yo'lini izlashda foydalanishga imkon beradigan tarkibiy qismlar kiritilishi kerak. Semantik munosabatlarning joriy etilishi tufayli model tavsifining qisqacha ko'rinishi va ma'lum bir yo'naltirilgan semantik ma'lumotlarning o'zgarishi ta'minlanadi [8, 9].

Muayyan muammoni hal qilishda mutaxassisni qisman almashtirish mumkin bo'lgan ekspert tizimlari ham mavjud. Ekspert tizimlar - bu inson-mashina tizimlari, bunda intellektual yadro, bu domen modellari bo'lgan tabiiy til modellaridan nutq mashinani idrok etishi, bilish va tushunish vositasi hisoblanadi. Barcha ekspert tizimlari mahsulotlardan iborat bo'lgan bilimlar bazasiga ega, ularning har biri bitta shartli operatorning oddiy dasturi hisoblanadi. Bunday sodda dasturlarda ketma-ketlik dastlabki holatdan masalaning yakuniy yechimigacha o'zgarishi mumkin bo'lgan to'plam bilan belgilanadi. Maxsus dastur yordamida mahsulotlar qo'shilishi, o'zgartirilishi va o'chirilishi mumkin. Savol-javob shakli foydalanuvchi bilan tushunadigan tilda oddiy o'zaro ta'sirni ta'minlaydi [10].

Odatda suniy intellekt ishida ikkita yo'nalish mavjud. Birinchisi, inson va sun'iy hamkorlikni optimallashtirishga qaratilgan intellekt. Ikkinchisi - mashinalarni takomillashtirish va ularning "aloqasini" oshirish. Bu psixologiya va tilshunoslik bilan chambarchas bog'liq bo'lgan birinchi vazifadir. Su'niy intellekt bo'yicha tadqiqotlarda kompyuterlar bilan tabiiy tilda o'zaro aloqani ta'minlash juda muhimdir. Dasturlarni moslashuvchan interfeys bilan jihozlash uchun talab qilinadi, chunki foydalanuvchilarning katta auditoriyasi kompyuter bilan sun'iy tilda muloqot qilishni xohlamaydilar. Tabiiy tillarni qayta ishlash sohasidagi ko'plab muammolar haligacha hal qilinmagan bo'lsada, amaliy tizimlar tabiiy tillarni tushunishga imkon beradigan interfeys bilan jihozlangan, ammo faqat ma'lum cheklovlar bilan.

Kompyuter lingvistikasi zamonaviy ilm-fanning muhim sohasi bo'lib, u nafaqat sun'iy intellektni o'rganishni chuqurlashtirganligi uchun, balki ushbu sohadagi har qanday yutuqlar til va inson tafakkuri rivojlanishining evolyutsion jarayonini tushunishga yordam beradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Пулатов А., Мухаммедова С. Компьютер лингвистикаси. Тошкент 2007. б 4-5
2. Касевич В.Б. Элементы общей лингвистики// М. 1977 г. с.22-28
3. Шемакин Ю.И. Начала компьютерной лингвистики// М. 1992 г.с.52-60
4. Кузнецова Т.И., Кузнецов И.А. Особенности развития иноязычной коммуникации в техническом ВУЗе// М. 2012. с. 122-124
5. Кузнецов И.А. Подготовка студентов технологических и экономических специальностей к иноязычной профессиональной коммуникации в ВУЗах технического профиля// М. 2012. с. 32-37
6. Кузнецова Т.И., Марченко А.Н., Кузнецов И.А., Аристов В.М. Профессиональный диалект или специальный язык: проблемы обучения иноязычной профессиональной разговорной речи// Филология и культура. 2016 г.с.88-92
7. Катранов С.Н., Кузнецов И.А. Принципы подготовки переводчиков в сфере профессиональной коммуникации в системе дополнительного образования высшей школы// Филологические науки. Вопросы теории и практики. 2016 г. с.16-30
8. Кузнецова Т.И., Кузнецов И.А. Развитие системы профессионально-ориентированного обучения иностранным языкам в техническом ВУЗе на основе предметно-языковой интеграции// Вестник Адыгейского государственного университета. Серия 3: Педагогика и психология. 2016 г.
9. Кузнецов И.А., Катранов С.Н. Повышение эффективности самостоятельного обучения в процессе внеаудиторного чтения профессионально ориентированной литературы на иностранном языке студентами технических ВУЗов// Филологические науки. Вопросы теории и практики. 2016 г.с.45-50
10. Рахимов А. Компьютер лингвистикаси. Ўқув қўлланма. 2011 й. б. 10-16

ФАЛСАФА ФАҲЛАРИ

УЎК 330.111.4

ИЛМИЙ ТАФАККУР: ИННОВАЦИЯ ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ**Г.С. Султанова, PhD, доцент, Самарқанд давлат университети, Самарқанд**

Аннотация. Мақолада илмий тафаккур тарзида инновация ва инновацион жараёнларни ривожланиш тенденциялари ўрганилган. Инновацион жараён ижтимоий феномен сифатида тизимли ёндашув асосида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: инновация, инновацион тафаккур, инновацион фаолият, янгилик, инновацион жараён, жамият, тараққиёт, илмий тафаккур тарзи

Аннотация. В статье рассматриваются тенденции развития инноваций и инновационных процессов в стиле научной мысли. Инновационный процесс был проанализирован на основе системного подхода, как социальное явление.

Ключевые слова: инновация, инновационная мысль, инновационная деятельность, инновация, инновационный процесс, общество, развитие, стиль научной мысли

Abstract. The article examines the trends of innovation and innovation processes in the style of scientific thought. The innovation process was analyzed on the basis of a systematic approach as a social phenomenon.

Key words: innovation, innovation thought, innovation activity, innovation, innovation process, society, development, style of scientific thought

Ҳозирги пайтда креатив ғоялар ва инновацион технологияларни амалиётга татбиқ қилиш долзарб вазирадир. Инновация жамият ҳаётининг у ёки бу соҳасини ривожлантириш учун ишлаб чиқилган илғор ғоялар, улар асосида яратилган илмий-амалий ишланмаларни илм-фаннинг сўнги ютуғи, техника ва технологияларнинг янги ихтироси сифатида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий ривожланишида қўлланилишини аниқлатади.

Президентимиз Ш.М. Мирзиёев инновация тўғрисида: “Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак. Шунинг учун биз Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этдик ва унинг олдида аниқ вазифаларни қўйдик. Бу вазирлик нафақат иқтисодиёт соҳасида, балки бутун жамият ҳаётида энг муҳим лойиҳаларни амалга оширишда ўзига хос локомотив ролини бажаради, деб ишонамиз”[1.20], - деган эди.

Инновацион жараён янгиланишнинг технологик томонини билдиради, янгиликларнинг пайдо бўлиши, қабул қилиниши, ўзлаштирилиши, тарқатилиши ва татбиқ қилинишини ўз ичига оладиган кенг қамровли ҳодисадир. Инновацион фаолият янгиланишнинг ижодий томонини билдириб, мавжуд тафаккур ва ҳаёт тарзи, меҳнат воситалари, предмет ва усуллар, ижтимоий тузилма ва технологияларни ўзгартиришга олиб келади. Ижодий фаолиятнинг тафаккур ва ҳаёт тарзини ўзлаштиришга олиб келадиган инновацион фаолиятни субъектив (мотив, эҳтиёж) ва объектив омиллари мавжуддир. Инновацион жараёнлар ижтимоий жараёнларнинг ўзгариш моҳиятини ифодалайди, жамиятнинг ривожланиш манбасидир [2;120].

Бугунги кунда “инновация”, “инновацион технологиялар” “инновацион тафаккур”, “инновацион шахс” ва “инновацион мутахассис” иборалари глобал миқёсда ишлатилмоқда. Зеро, мамлакат келажаги – инновацион тафаккурга эга, инновацион технологияларни эгаллаган, уни амалиётга татбиқ эта оладиган инновацион мутахассисларга боғлиқ. Бизнинг мамлакатимизда ҳам инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни рўёбга чиқариш энг устувор вазифалардан бирига айланди.

Инновация ҳодисасини ўрганиш ўтган асрнинг бошларида жиддий тус олди. Австриялик олим Йозеф Шумпетер фанга “инновация” атамасини киритди, инновацион жараёнлар тавсифини берди. Айни шу даврда ижодий тафаккур ҳодисаси ва қонуниятларини ўрганиш кенг йўлга қўйилди.

Инновацияларнинг асосий кўринишлари қуйидагилар саналади:

- янги ғоялар;
- тизим ёки фаолият йўналишини ўзгатиришга қаратилган аниқ мақсадлар;
- ноанъанавий ёндашувлар;

- одатий бўлмаган ташаббуслар;
- илғор иш услублари [4;89].

Ижодий тафаккур муаммоларини инновацион жараён сифатида тадқиқ қилиш “инновацион тафаккур” тушунчасининг ҳосил бўлишига олиб келди [5;127-130]. Ҳозирги даврга келиб эса постноклассик фанлар доирасида шаклланаётган янгича тафаккур тарзи инновацион тафаккур билан уйғунлашиб бормоқда.

Ш.С.Қўшоқовда инновацион тафаккурнинг қуйидаги таърифи мавжуд: “инновацион тафаккур инсоннинг ўсиб ва такомиллашиб бораётган эҳтиёжларини қондиришга, янгидан-янги ғоялар, лойиҳалар ва қадриятларни ихтисослашган жамоалар ва корхоналарда мунтазам равишда ишлаб чиқаришга қаратилган ижодий тафаккурдир” [6;17].

Инновация янги ғоялар, технологиялар, информацион лойиҳалар ва маҳсулотларни кашф этиш, ишлаб чиқиш ва жамиятга татбиқ қилишни билдириб, ҳозирги замон ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолият тизимларида асосий фаолият турига айланмоқда. Кашф этиш ва ихтиро қилиш илмий, бадиий ва технологик ижодиёт соҳаси ҳисобланади. Бундай фаолиятда намоён бўладиган ижодий тафаккурни ўрганиш борасида тадқиқодчилар унумдор ва тикловчи, репродуктив ва инновацион тафаккур турларини фарқлай бошладилар. Фикримизча, устувор фаолият сифатида янги ғоялар, концепциялар ва лойиҳаларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган тафаккурни шунчаки унумли эмас, балки инновацион тафаккур деб белгилашга асос бор. Гап шундаки, ҳар бир тафаккур тарзида фикр (образ, ғоя ва ҳок.) ҳосил қилиш жараёни мавжуддир. Ишлаб чиқилган фикр, тафаккур соҳиби учун янги ёки қайта тикловчи фикр бўлиши мумкин. Маълум маънода, унумли тафаккур атамаси “инновацион тафаккур” атамасига қараганда кенгроқ мазмунга эга. Йўналтирилмаган, соҳавий инновацион тафаккурнинг шаклланиши заминида янгиликни ишлаб чиқиш, татбиқ қилиш ва тарқатишга қаратилган фаолият мунтазам амалга ошириладиган жараёнга айлангандан кейин ижодий фикрлаш ўзига хос интеллектуал инновацион фаолият, яъни самарали, креатив меҳнат даражасига кўтарилади. Шу тарзда когнитив, ақлий инновацион тафаккур шаклланади.

Фикримизча, инновацион тафаккур тарзи инсоннинг янги эҳтиёжлари ва муаммоларини қондиришга йўналтирилган янги ғоялар, қадриятлар ва лойиҳаларни ихтисосланган корхоналар ва уларни янгилаб туришга кетадиган вақтни қисқартиришга қаратилган интеллектуал фаолият шакли ва тизимидир. Асосан, янги фактлар, ғоялар ва лойиҳалар яратишга йўналтирилганлиги, бу жараённинг тартибланганлиги, тизимлилиги даврий мунтазам характерга эга бўлиши инновацион фаолиятнинг ўзига хос хусусиятини белгилаб беради.

Инновацион тафаккур кўп босқичли даврий жараён бўлиб, унинг бошланиш, юксалиш ва якунлаш фарқлари, вақт оралиқлари мавжуддир. Инновацион тафаккурнинг фан ва амалиётдаги роли ва аҳамияти маълум жиҳатдан эвристик усул ва ёндашувларнинг ривожлантирилишига боғлиқдир.

Инновацион тафаккурнинг шаклланиши унинг ижодкорлик жиҳатларини кучайтириш билан белгиланади. Тафаккурнинг креатив жиҳатларини кучайтириш, фан ва амалиётга татбиқ қилиш ҳозирги замон тафаккури ҳисобланган инновацион тафаккурни шакллантириш ва мутахассислар онгига сингдириш имкониятини беради.

Ижод ва креативлик инновацион тафаккурнинг функциясини бажаради. Инновацион тафаккурни тадқиқ қилиш йўналиши бўлган ижодиёт фанлараро хусусиятга эгадир. Ижодиётнинг асосий вазифаси маълум тизим учун янгиликни қидириш жараёни моделини тузишдан, шу жараён тафсилотини беришдан иборатдир.

Кейинги йилларида фалсафанинг янги сиймоси виртуалистика, синергетика, ўйин назарияси, постноклассик фалсафа, креатив ва инновацион тафаккур йўналишларида ривожланиб борди. Бу эса жамиятда инновацион илмий тафаккур тарзининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Илмий тафаккурда инновациянинг намоён бўлишига объектив ва субъектив омиллар таъсир кўрсатади:

1. Интеллектуал маданият, салоҳият; таълим сифати ва замонавийлиги;
2. Инновация ва инновацион фаолиятга прагматик муносабатни шакллантириш;
3. Инновация яратувчиларини моддий ва маънавий рағбатлантириш; жамиятда инновацион фаолият ва маҳсулотга буюртма (эҳтиёж);
4. Инновацион лойиҳаларга давлат томонидан маблағ ажратилиши.

Бундай тизимли ва рационал ёндашув инновацияни жамиятда жадал ривожланишига оилб келади.

Инновациянинг ижтимоий зарурияти мутахассислар ва олимларнинг инновацион тафаккурни шакллантириши билан белгиланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожатномаси. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018 – Б.20.

2. Туленова К.Ж., Расулев Э.Х. Образование и инновации: взгляд в будущее // Ўзбекистон фани ва технологияларида инновация: муаммолар, ечимлар ва истикболи. С., Самарқанд, 2007. – Б. 118-120.

3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – Б. 45.

4. Маматқулов А.Н. Таълим инновациялари тараққиёт омили// “Самарқанд вилоятини инновацион ривожлантириш: муаммо ва ечимлар” мавзусида республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Самарқанд. 2020. – Б. 88-91.

5. Азизқулов А.А., Қўшоқов Ш.С. Илмий ижодиёт: фалсафий ва илмий-назарий муаммолар. – С.: СамДУ, 2003. – Б. 127-130.

6. Қўшоқов Ш.С. Инновацион тафаккур концепцияси//Фан ва фалсафада инновацион тафаккур муаммолари. Илмий мақолалар тўплами. – Самарқанд: СамДУ, 2010. – Б. 14-19.

ТАБРИК**ИЛМГА БАҒИШЛАНГАН УМР**

Иқтисод фанлари доктори, профессор Бахтияр Рузметовнинг 70 йиллигига бағишланади

*Кимки ҳаёт шаъмин илм ила ёқди
Ҳаёти асрлар сўнмайин боқди*

Бедил

Азал-азалдан Хоразмда устоз-шогирдлик анъаналари шаклланган ва юксак даражага кўтарилган. Жаҳонга машҳур алломалар, фозилу-фузалолар ўз асарларида Хоразмликларни бундай кадриятларига тасанно айтиб юқори баҳо беришган.

Ушбу мақола ана шундай анъаналарни давомчиси, Хоразм Маъмун Академияси ахборотномаси таҳририят кенгаши аъзоси Бахтияр Рузметовга бағишланади.

Бахтияр Рузметов – таниқли, етук ўзбек олими, математик, иқтисодчи, иқтисод фанлари доктори, профессор, АҚШ Нью-Йорк Фанлар Академияси аъзоси, минтақавий иқтисодиёт бўйича халқаро эксперт.

Б. Рузметов 1950 йил Янгиарик туманида зиёли оиласида туғилган. Унинг мураккаб, сермашаққат, лекин нурафшон илм йўлини танлашида уруш жангохларидан ногирон бўлиб қайтган, бутун умрини ёшлар тарбиясига бағишлаган, қирқ йилдан охиқ кишлоқ мактабида директор бўлиб ишлаган, ҳаётдаги шиори ҳалоллик, меҳнатсеварлик, камтарлик, илмга интилувчанлик ва изланувчанлик, ўз касбига юксак садоқат бўлган Рўздат Худайбергановнинг хиссаси катта бўлган. Отасидан ўтган бу фазилатлар бутун ҳаёти давомида унга ҳамроҳлик қилган.

У 1966 йилда Янгиарик туманидаги М.Горький номи ўрта мактабнинг математика фани фидойиси, новатор ўқитувчи Хожибой Назаров томонидан уша даврдаёқ ташкил этилган ихтисослашган математика синфини аъло баҳоларга тугатиб, туман тарихида биринчи олтин медаль соҳиби бўлган.

Устозининг ўғитлари асосида математикага чуқур меҳр қўйган Б.Рузметов ўша йили Самарканд Давлат Университетининг механика-математика факультетига ўқишга қабул қилинади.

У талабалик йилларидаёқ математиканинг амалий ва кибернетика йўналишини танлади, ал-Хоразмийнинг жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо хиссасини, унинг тарихий асарларини ўрганди. Бу илмий қизиқиш уни 1971 йилда университетни тамомлагандан кейин Тошкент шаҳрига, Ўзбекистон Фанлар Академияси Ҳисоблаш Марказли Кибернетика институтига олиб келди. У ўзининг меҳнат фаолиятини институтда инженерлик лавозимидан бошлади.

Унинг илмий-тадқиқотчи бўлиб шаклланишида юксак табиатли инсон, иқтидорли олим, ҳозирги МДХ мамлакатлари, АҚШ, Канада каби давлатларда юқори обрў эътиборга эга бўлган Иосиф Борисович Табакман бошқараётган "Фойдали қазилмаларини қазиб олиш ва бойитиш жараёнларини оптималлаштириш" лабораторияси илмий жамоасининг таъсири катта бўлди.

У проф. И.Б. Табакман илмий раҳбарлигида кундузги аспирантурага киради ва 1978 йилда "Кўп агрегатли комплекслар тизимида оптимал оператив режалаштириш (темир йўл транспортида ишлатиладиган карьерлар мисолида)" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади.

У ўзининг илмий изланишлари натижасида илмий раҳбари И.Б.Табакман томонидан тузилган иқтисодий математик моделни ривожлантириб кўп агрегатли комплекслар учун янги оптималлаштириш масаласини тузди.

Бу масалада «Экскаваторлар»-«Транспорт»-«Бойитиш фабрикаси» ўзаро бир тизимга бирлаштирилди ва унинг нозиклиги иқтисодий математик модели тузилди. Масаланинг ечиш усули йўқлиги сабабли, Б.Рузметов томонидан чегаравий шартларини чизикли ҳолатга (линеаризация) келтиришга асосланган янги усул ишлаб чиқилди ва компьютер дастури яратилди. Унинг илмий ишланмалари Навоий ва Олмалик тоғ-металлургия комбинатларида татбиқ қилинган ва ҳозир ҳам фойдаланилмоқда.

Ўз элида илмий тадқиқотлар олиб боришга истаги борлигини сезган Ўзбекистон ФА "Кибернетика" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Бош директори академик В.Қобулов ёш олимга Хоразмда бирлашмани филиалини ташкил этиб, раҳбарлик қилишни буюради.

Натижада 1977 йилда филиал ташкил қилиниб, Б.Рузметов ватанида илмий- педагогик фаолиятини бошлайди. У ўз атрофига илмга чанқоқ, иқтидорли, амалий математика ва кибернетика соҳасидаги ёшларни тўплайди ва қисқа давр ичида минтақани автоматик бошқарув тизими таркиби ишлаб чиқилади ва республикада биринчилар қаторида шаҳарлараро АТС абонентларини автоматик ҳисоб- китоб қилиш тизими татбиқ этилади. Мўъжазгина 7-8 кишилик илмий техника жамоасидан 1 та фан доктори, 2 та фан номзоди, 4 та республика ва вилоят миқёсидаги раҳбарлар етишиб чиқади.

Ундаги ташкилотчилик қобилияти, ташаббускорлик, изланувчанлик, ғайрат-шижоат, илмий салоҳият вилоят раҳбариятини эътиборидан четда қолмади. Уни 1982 йилда Хоразм вилоят кенгашининг фан ва ўқув юртлари бўлими раҳбари лавозимига таклиф қилишади. Қисқа давр ичида соҳадаги ўқув муассасаларида таълим тарбияни, илмий тадқиқот ишларини хўжалик шартномалари асосида ташкил қилиш, Республика илмий марказлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, тайёрланаётган кадрлар сифат даражасига эътибор қаратилди, Хоразм Давлат Педагогика институти илмий кенгаши аъзоси, математика факультети доценти сифатида фаолият кўрсатди. Бу даврда у минтақа ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш ва ривожлантириш, тармоқ ва худудий бошқарув тизимини ислох қилиш, экологик инқироз зоналарига эътибор қаратиш юзасидан илмий изланишлар олиб борди.

Бундай илмий тадқиқотлар уни Республикада кўзга кўринган иқтисодчи олим, иқтисод фанлари доктори, профессор Рустам Янгибоевич Досумов билан учрашувга олиб келди ва уларни илмий ҳамкорлиги бошланди. Р.Я. Досумов унинг докторлик диссертациясига илмий маслаҳатчи, 1993 йилда «Фан» нашриётида чоп қилинган «Программа стабилизации региональной экономики: опыт, проблемы, эффективность» номли биринчи монографиясига масъул муҳаррирлик қилди.

Монографияда бозор иқтисодиёти шароитида Хоразм вилоятида ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ижтимоий, иқтисодий, экологик асослари ёритиб берилган, иқтисодиёт тармоқларини самарали шакллантириш юзасидан илмий тавсиялар ишлаб чиқилган эди.

У ўз илмий ишланмалари билан халқаро танловларда иштирок қилади ва 1995 йилда АҚШнинг минтақавий иқтисодиёт соҳасидаги гранти соҳиби бўлади.

У 1997 йилда иқтисод факультетида «Менежмент ва маркетинг» кафедрасини ташкил қилиб, юқори малакали иқтисодчи бакалаврлар ва магистрлар, илмий педагогик кадрлар тайёрлаш жараёнига ўз куч-қувватини, ғайрат шижоатини сафарбар этади. 1998 йилда Макроиқтисодий ва ижтимоий тадқиқотлар институтида «Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида минтақани комплекс ривожлантириш (Хоразм вилояти мисолида)» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилади ва иқтисод фанлари доктори илмий даражасига эга бўлади.

Б.Рузметов 2000 йилда Урганч Давлат Университети иқтисод факультети декани лавозимига тайинланади.

У факультетга раҳбарлик қилган даврда факультетни моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқув тарбия жараёнини Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талаблари даражасида ташкил қилиш, иқтидорли талабаларни танлаш, улар билан ишлаш, юқори малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, республиканинг, Германия, Англия, Ҳиндистон, Россия каби қатор давлатлардаги нуфузли ўқув юртлари, илмий тадқиқот муассасалари билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

Ҳалқаро, республика илмий-амалий анжуманлари ўтказиб келинди.

У бошқараётган кафедрада минтақавий иқтисодиёт соҳасида илмий мактаб шаклланди, комплекс ўзгарувчилик функцияларни минтақани ривожлантириш динамик моделларига қўллаш асослари яратилди, 100 га яқин магистрлар, битта фан доктори, 6 та фан номзоди тайёрланди, 2 та халқаро, 3 та инновацион лойиҳа бажарилди, 7 та монография, электрон китоблар, ўқув-услубий мажмуалар, коллежалар учун ўқув қўлланмалар тайёрланди.

Унинг касб-хунар коллежалари учун ҳаммуаллифликда ёзган "Таннарх калькуляцияси" ўқув қўлланмаси бир неча марта қайта нашр этилиб, мамлакатимиз ёшларини иқтисодий билимларини чуқурлаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2002 йилда унинг деканлик фаолиятидаги тажрибасини барча олий ўқув юртларига тавсия қилган.

Минтақавий иқтисод соҳасидаги унинг ишланмалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 13 май 243 сонли «1999-2001 йилда Хоразм вилоятида

бозор ислохотларини чуқурлаштириш, ижтимоий иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш» қарорини тайёрлашда ва амалга оширишда қўлланилди. Қарорни бажарилиши вилоятда янги ишчи ўринларини очилишига, минтақани иқтисодий ўсишига олиб келди.

Унинг ишланмалари асосида Хоразм вилоятини 2030 йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилди

Унинг 2002 йилда «Фан» нашриётида чоп қилинган «Региональная экономика: опыт, проблемы, эффективность комплексного развития» деб номланган иккинчи монографиясида минтақани комплекс ривожлантириш илмий концепцияси, методологияси ва назарияси, минтақавий дастурлар ишлаб чиқиш услубияти кенг ёритиб берилган.

Унинг 2010 йилда «Фан» нашриётида чоп қилинган «Оптимизационные задачи многоагрегатных комплексов: модели, методы решения, программные модули» деб номланган учинчи монографиясида рақамли иқтисодиётни илмий концепцияси, методологияси ва SMART-технологияларини ишлаб чиқиш услубияти таҳлил қилинган.

Унинг минтақавий иқтисодиёт соҳасидаги илмий ғоялари шогирдлари, магистрлар диссертациялари, талабалар битирув малакавий ишларида ўз аксини топмоқда. Бу йўналишлар минтақада саноат, агросаноат мажмуи иқтисоди, бозор инфратузилмаси, товарлар ва хизматлар бозори, пул муомаласи, молия ва кредит, фермер хўжалиklarини ривожлантириш ва бошқа соҳаларни ўз ичига олади.

Б.Рузметовга 1999 йилда Ўзбекистон Фан ва техника давлат кўмитаси раиси, академик П.К.Хабибуллаев томонидан вилоят ҳокимлиги хузуридаги Фан ва техника марказига раҳбарлик қилиш вазифаси топширилади (2009 йилдан вилоят худудий инновация фаолияти ва технологияларни трансфер қилиш маркази).

Ўтган даврда вилоятдаги долзарб муаммоларни ҳал қилишга қаратилган 20 дан ортиқ фундаментал, амалий ва инновацион илмий-техник лойиҳалар амалга оширилди. Илмий ишланмалардан 3 таси Республика патент идораси томонидан кашфиёт, ихтиро сифатида рўйхатга олинган. Марказда бажарилган тармоқлараро пахта-текстил кластерларини ташкил қилиш бўйича бажарилган амалий лойиҳа илмий таклифлари асосида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан мамлакатда 14 та пахта-текстил кластерлари ташкил қилинган (2 таси Хоразм вилоятида).

У Фан ва Техника Давлат кўмитаси Делегацияси таркибида Хиндистон ривожланиш Миллий институти NIRD (National institut of rural development)да бўлди. Хиндистоннинг Олий таълим тизимидаги университетларида Ўзбекистондаги минтақавий сиёсат, иқтисодиётдаги ўзгаришлар ва эришилган муваффақиятлар юзасидан маърузалар қилди. Уни халқаро микёсдаги фаолияти эътиборга олиниб 2000 йилда Америка Биография институти унинг биографиясини XX асрнинг етакчи иқтисодчи олими сифатида институтнинг X том китобининг XI нашрига киритган. 2001 йилда эса проф. Б.Рузметов АҚШ Президентлари, Нобель мукофоти лауреатлари аъзо бўлган Нью-Йорк Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзолигига қабул қилинган.

Унинг илмий салоҳиятини юксалишида 2000, 2004 йилларда Германия Бонн университети илмий тадқиқот марказига (ZEF) 2000-2012 йилларга мўлжалланган «Хоразм вилоятида ердан ва сувдан фойдаланишнинг иқтисодий ва экологик жиҳатдан самарадорлигини ошириш» халқаро лойиҳасини ишлаб чиқиш ва бажаришга бағишланган илмий анжуманга таклиф қилиниши ҳам муҳим роль ўйнади.

Ташриф натижасида Европанинг нуфузли Университети билан илмий ва педагогик алоқалар ўрнатилди. Унинг раҳбарлигида бажарилган минтақада аграр ислохотларини самарадорлигини ошириш, фермер хўжалиklarини ривожлантириш истиқболлари юзасидан илмий ишланмалари Интернет тизими орқали бутун дунёга ёйилди (www.khorezm.uni-bonn.de).

У БМТ UNDP ривожланиш дастурининг (Support to Investment Climate Improvement in Uzbekistan) дастури иштирокчиси сифатида Хоразм вилоятини 2030 йилгача ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда қатнашган ҳамда стратегияни амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзоси сифатида фаолият кўрсатмоқда.

У иқтисодиётни эркинлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш шароитида минтақавий барқарор ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни инновацион муомалаларини, таълим тизимига инвестицияларни жалб қилиш самарадорлигини ошириш, ўқиш жараёнига таълим технологиялари ва замонавий педагогик технологияларни қўллаш кучли фуқаролик жамияти

асосларини шакллантириш, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини ошириш, сайлов жараёнларига сиёсий технологияларини қўллаш ва бошқа долзарб муаммолар бўйича ўтказилган 100 дан ортиқ конференциялар, семинарлар ва кенгашларда фаол иштирок этди. Б.Рузметов 300 дан ортиқ илмий мақолалар, монографиялар, ўқув услубий қўлланмалар муаллифи. Уни илмий ишлари Scopus тизимидаги нашрларда Германия, Хиндистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва республиканинг марказий нашрларида эълон қилинган.

Проф. Б.Рузметов педагогик ва илмий тадқиқот фаолияти билан бир қаторда юқори малакали илмий ва илмий-педагогик ходимларни тарбиялашга ва тайёрлашга катта эътибор бериб келмоқда. Унинг раҳбарлигида 1 нафар фан доктори (DSc), 5 нафар фан номзоди тайёрланган, яна 8 нафар илмий тадқиқотчиларга номзодлик ва докторлик диссертацияларини тайёрлашга раҳбарлик қилмоқда.

Кўп йиллар давомида у Ўзбекистон Миллий Университети, Тошкент молия институти, Ўзбекистон макроиктисодий тадқиқотлар ва прогнозлаштириш институти, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш аъзоси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Проф. Б.Рузметов «Хоразм ҳақиқати» ва «Хорезмская правда» газеталари бирлашган таҳририяти ҳайъати, «Иқтисодиёт ва молия», «Хоразм Маъмун Академияси ахборотномаси» илмий журналларининг ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ОАК тасарруфидаги электрон журнал таҳририят ҳайъати аъзосидир.

Проф.Б.Рузметов ўзининг илмий ва педагогик фаолиятини кенг қўламли жамоат ишлари билан ҳамкорликда олиб боради.

У 1990-1994, 2004-2009, 2009-2014, 2015-2019 йилларда халқ депутатлари вилоят кенгашининг депутатлигига сайланган, доимий комиссия ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳи раиси сифатида фаолият кўрсатган.

У 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Хоразм филиалини ташкил қилган ва бошқарган. Унинг Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш минтақавий хусусиятлари мавзусидаги маърузалари кўплаб халқаро конференциялар, семинарлар, учрашувларда халқаро экспертлар томонидан юқори баҳоланган.

У Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати- Ўзбекистон Либерал Демократик партиясининг (ЎзЛиДеП) вилоят кенгаши раиси ўринбосари, вилоят «Маънавият ва маърифат» Кенгаши аъзоси, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги илм-фан, олий таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича Маслаҳат кенгаши аъзоси ҳамда ҳокимлик захирасига кирадиган кадрларни ўқув маркази раҳбари вазифаларини бажариб келмоқда.

Давлатимиз томонидан Б.Рузметовнинг тинимсиз хизматлари, самарали фаолияти муносиб баҳоланган.

У қатор фахрий ёрликлар ва “Ўзбекистон мустақиллигининг 15,20,25 йиллиги” эсдалик нишонлари билан мукофотланган.

Ушбу муборак айёмда Б.Рузметовга узоқ умр, сихат – саломатлик, куч-қувват, илмий, илмий-педагогик, ижодий фаолиятига ғайратлар, мамлакатимиз равнақи йўлидаги эзгу ишларига муваффақиятлар тилаймиз.

**И.Абдуллаев, Хоразм Маъмун Академияси
раиси, б.ф.д., профессор**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

№9(66)

2020 й., сентябрь

Ўзбекча матн муҳаррири:	Рўзметов Дилшод
Русча матн муҳаррири:	Ҳасанов Шодлик
Инглизча матн муҳаррири:	Мадаминов Руслан, Ламерс Жон
Мусахҳих:	Ўрозбоев Абдулла
Техник муҳаррир:	Артикбаева Гулистан

“Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси” Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
Хоразм вилоят бошқармасида рўйхатдан ўтган. Гувоҳнома № 13-023

Теришга берилди: 10.09.2020
Босишга рухсат этилди: 14.09.2020.
Қоғоз бичими: 60x84 1/8. Адади 70.
Ҳажми 23 б.т. Буюртма: №

Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими
220900, Хива, Марказ-1
Тел/факс: (0 362) 377-51-85
E-mail: mamun-axborotnoma@academy.uz
xma_axborotnomasi@mail.ru



(+998) 97-458-28-18